ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Касб таълим (иқтисодиёт) кафедраси

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика илмий-амалий анжуманининг илмий мақолалар ва маъруза тезислари тўплами

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланади

2015 йил 25 декабрь

ТОШКЕНТ - 2015

Иқтисодий таълим ривожланишининг муаммолари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2015 йил 25 декабрь). –Т.: ТДИУ, 2015. - 490 б.

Ушбу маърузалар тўплами ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар, иқтисодий таълим жараёнида инновациялардан фойдаланиш, олий ўқув юртлари тажрибаси асосида таълим самарадорлигини оширишда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этишга бағишланган илмий таклиф ва амалий тавсияларини мужассам этган.

Анжуман кун тартибига киритилган масалаларнинг ечимидан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллиги доирасида иқтисодий таълим самарадорлигини таъминловчи омилларнинг амалиёти ва истиқболи борасидаги инновацион таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли замонавий кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалаларига жамоатчиликнинг диққатини қаратишдир.

Тўпламдан қўлланма сифатида касбий таълим йўналишида таҳсил олаётган бакалавр ва магистратура босқичидаги иқтисодчи-талабалар, иқтисодиётга йўналтирилган касб-ҳунар коллежларининг педагоглари, тадқиқотчилар, шу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир и.ф.д., профессор М.Р. Болтабаев

Таҳрир ҳайъати:
и.ф.н., доц. О.Қ. Рихсимбаев,
и.ф.н., доц. К.Б. Ахмеджанов,
и.ф.д., проф. Г.Н. Ахунова,
и.ф.н., доц. О.Х. Хамидов,
и.ф.д, доц., И.А. Ахмедов,
п.ф.д., проф. М.Ф. Ҳакимова,
п.ф.н., доц. Н.С. Файзуллаева,
пс.ф.н., доц. Н.Х. Лутфуллаева.

Тақризчилар:
п.ф.д., проф. Ш.С. Шодмонова,
п.ф.н., доц. Д.М. Файзуллаева

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

© Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2015.

МУНДАРИЖА

КИРИШ		11
Болтабаев М.Р.	Иқтисодий таълим тизимида инновацион технологияларнинг ўрни	12
Ахмеджанов К.Б.	Олий ўқув юртларида таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш	15
Рихсимбоев О.Қ.	Талабалар мустақил таълимини такомиллаштиришда педагогик технологияларнинг ўрни	17
Ахмедов И.А.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жараёнини ахборотлаштиришни ташкил этиш	19
Ахунова Г.Н.	Качество образовательных услуг в условиях инновационного развития национальной экономики	21
Хамидов О.	Кадрлар тайёрлашда таълимнинг иқтисодий самарадорлиги	22
Холмухамедов М.М.	Инновацион таълим технологиялари - касбий компетентликни шакллантириш омили	24
Ғойибназаров Ш.Ғ.	Таълим-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили	27
Усманов Б.Б.	Иқтисодчи бошқаруви ва раҳбарлигига қўйиладиган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар	28
Халилов Ш.Т.	Таълимни модернизациялашда инновацияларни қўллашнинг устувор йўналишлари	31

1 – шуъба.
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИҚТИСОДЧИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Шодмонова Ш.С., Рўзметова Ҳ.	Таълим-тарбия жараёнини модернизация қилиш маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш асосидир	36
Ҳакимова М.Ф., Ибрагимова З.М.	Кадрлар тайёрлашда таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги	38
Файзуллаева Н.С., Муродова М.	Талабаларда ахборот маданиятини шакллантириш технологиясининг хусусиятлари	43
Лутфуллаева Н.Х., Султонова Д.	Жаҳон тажрибаси асосида олий таълим тизимини самарали ташкил этиш йўллари	45
Алиева М.Т., Джалалов Б.Б.	Туристик хизматлар сифатини оширишда ходимларнинг ўрни	50
Эргашев Қ., Эргашева Ҳ.	Ёшлар тарбиясида миллий ғоя ва унинг ажралмас қисми-Ватан тарихининг беқиёс ўрни	55
Файзуллаева Д.М., Ниёзова И.	Ўқув жараёнида талабаларни мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириш муҳимлиги	58
Шоюсупова Н.Т., Асқарова М.Т.	Талабаларда иқтисодий муносабатларга оид тушунчаларни шакллантиришда қўлланиладиган инновацион таълим усуллари	63
Акбарова Б.Ш.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш	66
Каххоров И.	Сущность и значение отчета о финансовых результатах акционерных обществ	69
Musaxanova G., Qulmatov J.Ch.,	Malakali iqtisodchi mutaxassislar - davr talabi	73

Muratov A.R.		
Тургунова З.Ў., Якубова Б.	Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда юқори малакали бошқарув кадрларни тайёрлаш	78
Бозоров И.И., Ражабов Ш.Ш.	Юқори малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлашнинг бугунги кундаги аҳволи.	83
Химматалиев Д.О., Сайфиева Ю.	Ўзбекистон шароитида Германия таълим тизимидаги назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш методикасини қўллаш	88
Султанова Д.А., Саидова М.Ҳ.	Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик - фаровон турмуш кафолати	90
Очилова Г.О., Батирова Б.Э.	Бўлажак иқтисодчи – педагогларни замонавий педагогик технологияларни қўллашга ўргатиш	93
Эргашева Д.Д.	Инновационная культура как важный показатель профессиональной компетентности педагога	97
Умаров А.	Порядок аудиторской проверки себестоимости продукции	102

2 – шуъба.
ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ҳакимова М.Ф., Ибрагимова А.	Касб-ҳунар коллежларида иқтисодий саводхонликни модулли ўқитиш технологияси асосида ривожлантириш	107
Ибрагимова Г., Нарзуллаева Г.	Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш	112
Файзуллаева Н.С., Маматқулова М.	Иқтисодий таълим жараёнида узвийликни таъминлаш йўллари	116
Алмуродов А., Файзиев Р.А., Файзиева Д.Р.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларига иқтисодий билим бериш ва олинган билимни баҳолашда автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимининг имкониятлари ва афзалликлари	120
Нишанова З.Т., Нишонов С.	Таълим технологияларидан ногирон ўқувчиларни ўқитишда фойдаланиш имкониятлари.	125
Абдуллаева Р.М., Ахмаджонова Н., Абдубанноева М.	Таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг ўзига хос томонлари	127
Абдуллаева Г.З.	Инсон ва жамият ривожланишида таълим тизимини ўрни	130
Абдуллаева Д.У., Сабоҳиддинова Ш., Жўраева А.	Таълим жараёнида педагогик баҳолаш ва унинг хусусиятлари	133
Файзуллаева Д.М., Юлчиева Г.Т., Юлдашева Д.	Таълим жараёнларини замонавийлаштиришда ўқитувчининг услубий ишларини аҳамияти.	136
Мусаханова Г.М., Ибодуллаева С.	Ўзбекистонда узлуксиз таълим ва унинг фаолият кўрсатиш тамойиллари	140
Билолова З.Б.	Иқтисодий билимларни эгаллашда раҳбар шахсига зарур бўлган психологик хусусиятлар	145
Чориева Н.А.	Изланувчилик фаолият- талабаларнинг ижодий тафаккурни ривожлантириш омили сифатида	148
Ходжаева М.Х.,	Аудиторлик текширувларини ташкил этишни	

Зайнитдинов З.З.	такомиллаштириш	152
Сафаралиев Б.С. Кольева Н.С.	Лидерство и социальная активность в системе основного и дополнительного образования как психолого-педагогическая проблема	156
Жалолова И., Жалолова Н.	Экономическое воспитание как часть формирования мировоззрения студентов	160
Ибрагимова А., Мухамеджанова М.	Иқтисодий таълим жараёнида талаба-ёшларни ижодий фикрлашга ўргатиш йўллари	163
Зарипова Н.Э.	Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда оиланинг таъсири	167
Unarova G.A.	O'rta maxsus kasb-hunar ta'limi va oliy ta'lim o'rtasida hamkorlikda ishlash tizimi	171
Кушимбетов Т.М., Рустамов А.П., Исмоилов А.А.	Демографик жараёнларнинг меҳнат бозорида рақобат муҳитини шаклланишининг назарий асослари.	174
Абдуваҳабов О., Абдуваҳабова Ш.	Ўрта махсус таълим муассасаларида дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш.	177
Narzullayeva G., Xidirov T., Foziljonov I.	Agrosanoat kompleksida iqtisodiy munosabatlarni tartibga solishda xorijiy tajribalarning ahamiyati	180
Нуриддинхонова И.И.	Ғазна ижроси шароитида бюджет харажатлари касса ижроси ҳисобини ташкил этиш масалалари	183
Нурмухамедова Ш.Т.	Ғазначилик тизимида бюджет ташкилотларининг маблағлари самарадорлигини ошириш йўллари.	185
Боқиева И.	Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва объектив асослари	187
Отажонов У.А.	Масофавий таълим технологияси асосида ўқитиш - долзарб педагогик муаммо сифатида	189
Халилов М.Ш.	Масофавий таълимни замонавий таълим тизимидаги аҳамияти	194
Отамуротов Б.	Правовые и методологические основы аудиторской деятельности	197
Раҳмонов Б.А., Раҳмонова М.	Жамиятнинг ижтимоий тузилиши масаласини ўрганишнинг айрим педагогик жиҳатлари	200
Химматалиев Д.О., Файзуллаев Р.Х., Эркабоев Р.	Бўлажак педагогнинг инновацион фаолиятининг модели, унинг ривожланиш истиқболлари	204
Абдурахманова Ф., Шанасырова Н.А., Пирматова М.А.	Турли мулкчилик шаклида иқтисодиёт субъектларини тўғри бошқаришда таҳлилнинг роли	207
Халилова Н.И., Кучкарова А.	Таълим жараёнидаги узвийликни таъминлашда талабалар билимини назорат қилишнинг ўрни	212
Юсупова Д.Т., Норматова Г.Х., Пулатова З.А.	Саноат корхоналарининг ташқи бозорига чиқиш стратегиясини такомиллаштириш	215
Мирпаязов Б.А.	Таълим тизимида узлуксизлик ва узвийликнинг таъминланиши, инновацион ўқитиш усулларининг соҳани ривожлантиришдаги ўзига хос жиҳатлари	218
Шарифбаева Х.Я., Абдуллаева Р.М.	Ўзбекистон Республикасида касбий таълимнинг аҳамияти	222

Солижонова Д.Р.	Иқтисодий таълимни ривожлантиришда шахс омилининг педагогик жиҳатлари	225
Чулпанова Х.Т.	Мутахассис модели таълим мақсадларини аниқлашнинг асоси сифатида	228
Begmatov D.I., Sharopova N.R.	O'qitishning interaktiv metodlari: tanqidiy fikrlash	231
Юнусов М.П.	Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимида ислоҳотлар самарадорлигининг ошириш йўллари	235
Худойбердиева Н.А.	Таълимда инновацион фаолият ва педагогик технологияларни қўллаш самарадорлиги	

3 – шуъба.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАМДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Акбарова И.С.	Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг мустақил изланувчанлик қобилиятларини ривожлантириш йўллари	241
Jo'rayeva Sh.	MS ACCESS dasturida ma'lumotlar omborini tashkil etish bo'yicha loyiha ishni yaratish	243
Мусаханова Г.М.	Академик лицей ва касб – ҳунар коллежларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўрни	245
Ахмадбекова М.А.	Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг усуллари	250
Абдуллаева Д.У., Маюсупова У.Н.	Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишнинг ўзига хослиги	253
Файзуллаев Р., Эркабоев Р.	Касб-ҳунар коллежларида педагог кадрларнинг методик тайёргарлигини ривожлантириш	256
Ахметова Л.И.	Перспективы применения информационных технологий в профессиональном образовании	260
Djumaniyazov Sh.R., Nazarova Z.	Ta'lim jarayonida texnik vositalar orqali mustaqil ta'limni samarali tashkil etish yo'llari	262
Дехканова М.Ў., Абдувахобов М.Э.	Касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларидан фойдаланиш	265
Alimbekova M.	O'rta maxsus kasb-hunar kollejlarida matematikani o'qitishda muammoli vaziyatlardan foydalanish	268
Базарбаева Г.Г., Золотцева Л.В., Мавланов Ж.Д..	Роль своевременного прогноза материалоемкости новых моделей в планировании производства швейных предприятий	270
Matyakubova G.	Kasb-hunar kollejlarida informatika va axborot texnologiyalari fanini interfaol usullardan foydalanib o'qitish	273
Matyakubova G.	Informatika va axborot texnologiyalari fanini o'qitishda baholash mezonlarini ishlab chiqish	276
Маҳмудбеков С.В., Хусанов М.С.	Хорижий инвестициялар - иқтисодий фаровонлик омили	279
Mirsavurova N.	Yoshlarni kasbga yo'naltirish	281
Hamroyeva G.	Kasb tanlash mas'uliyatini bartaraf etish yo'llari	284
Ilyasova Sh.	Informatika va axborot texnologiyalari fanini o'qitish samaradorligini oshirishda zamonaviy texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati	287

Исмоилова Н.	Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида янги педагогик технологияларни жорий этишнинг психологик жиҳатлари	290
Исакова Б.Қ.	Таълим соҳасини ривожлантиришнинг муҳим белгилари	293
Ишанов Қ.А.	Менежментнинг иқтисодий ва ижтимоий психологик усуллари	295
Pardaeva M.S.	Amaliy geografiya fanini o'qitishda interfaol usullardan foydalanish	298
Rashidova M.A.	Bilimlarni o'zlashtirish va o'quv faoliyati yo'llariga darajali yondashuv asosida ta'lim maqsadlarini belgilash	301
Saitxo'jayeva N.	Kasb-hunar kollejlarida ma'naviyat darslarini innovatsion texnologiyalar asosida tashkil etish	303
Sattorova N.	Fizika, astronomiyani o'qitishda ta'lim samaradorligini oshirish	305
Sultanova N.T.	Fizika, astronomiya fanini o'qitishda noan'anaviy o'qitish usullari	308
Юлчиева Г.Т., Юлдашева Д.Х.	Таълим муассасаларида иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбиянинг аҳамияти	311
Ernazarov G.B., Matkarimov Sh.	Oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida seminar mashg'ulotlarini samarali o'tkazish yo'llari.	312
Ҳакимов К.О.	Ўқитишми ёки ўқишни уқтиришми?	315
Xodjayeva D.Z.	O'rta maxsus kasb-hunar kollejlarida fizika fanini o'qitishda innovatsion texnologiyalarning tatbiqi	317
Xoshimova A.T.	Tarixiy-ilmiy bilimlar asosida o'quvchilarning matematikaga qiziqishlarini shakllantirish	320
Хошимов Х.К., Кенжаев С.Б.	Иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашнинг асосий йўналишлари	323
Yaxina V.K.	O'rta maxsus kasb-hunar kollejlarida fizika fanini o'qitishda kichik guruhlarda ishlashning ahamiyati	325

4 – шуъба.
ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ

Акрамова Ф.А.	Иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда инновацион таълим билиш жараёнларини фаоллаштириш	326
Лутфуллаева Н.Х., Султонова Д.	Развитие дистанционного обучения в зарубежных развитых странах	329
Байбаева М.Х., Марқаева Д.	Махсус фанларни ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш методикаси	333
Алиева М.Т., Каримова М.М.	Меҳмонхоналарда ходимларни бошқариш тизимлари	337
Баратова М.А.	Инновацион технологиялар – талабаларнинг касбий малакаларини оширишнинг замонавий усули сифатида	340
Бозоров А.А.	Педагогларда касбий зўриқиш ҳолатларини ўрганишнинг психологик хусусиятлари	343
Джалалова С.М., Таирова М.М	Роль интерактивных методов обучения в инновационном образовании	346
Qurbonova G.A.	Talabalar sog'lom turmush tarzini shakllantirishda innovatsion pedagogic texnologiyalardan foydalanishning omillari	349
Долгова И.Е.	Использование интерактивных методов обучения при изучении дисциплины статистика	352

Ибрагимова Л., Собирова Д., Абдурахманов А.	Таълимда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни	355
Очилова Г.О., Қаҳхорова Д	Иқтисодий таълим тизимида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятлари	359
Силкина Т.	Креативность как основа инновационной педагогической деятельности	363
Юлчиева Г.Т., Юлдашева Д.Х., Каримова Ф.Х.	Олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида ахборот технологияларини қўллаш – давр талабидир	367
Исамова П.Ш.	Инновационные аспекты развития педагогической рефлексии	369
Saydaliyev Z.M.	Ta’limda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo’llash	371
Абдуллаева Д.У., Маткаримова Н., Исламова У.	Психология фанини ўқитишда инновацион ўқитиш технологияларидан фойдаланиш	374
Азимова З.К.	Технология использования в обучении игровых методов	377
Акбарова С.	Масофавий таълим тизимини ташкил қилишда Интернетдан фойдаланишнинг самарадорлиги	379
Алиева Г.И.	Педагогик технологиялардан фойдаланиш модели ва уни фанларда қўллаш	383
Алимова Г.Қ., Халилов Ф., Султонхўжаева М.	Когнитив услублар ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш	385
Миралиева Д.Т., Исмоилова Г.	Педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллашнинг дидактик асослари	387
Дехканова М.Ў., Жураев А.К.	Таълим жараёнида модулли ўқитиш технологияси	391
Байбаева М.Х., Байкутова Д.	Таълим жараёнида муаммоли таълимнинг аҳамияти	394
Джалалов Б.Б.	Туристик корхоналарда ходимлар таркибини шакллантириш манбалари	397
Жалолова Н., Кодирова О.	Инновационная деятельность в экономическом образовании.	399
Ismoilov L.A.	Ta’limda axborot texnologiyalaridan foydalanish	402
Исмоилова Н.З., Рахимова Ё., Мирзаева Д.	Боланиниг таълим жараёнига тайёргарлигини аниқлашнинг психологик жиҳатлари	405
Каримова М.М.	Туроператор хизмати ва унинг халқаро туризм менежментини ривожлантиришдаги истиқболлари	407
Комилова М.О.	Метод проектов в обучении	410
Курбанова Г.А.	Использование информационных и коммуникационных технологий в учебном процессе	412
Асқарова Н.А.	Диққат етишмаслиги ва гиперактивлик синдромли ўқувчиларни ўқитишда таълим технологияларининг аҳамияти	414
Атабоева Н.Б., Қурбанбоев А.,	Таълим жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик ривожланиши	415

Зокирова Д.		
Abdusattorova S., Qodirova O.	Iqtisodiy ta’lim jarayonida innovatsiyalarning zamonaviy yo’nalishlari va yollarni amaliotga joriy etish	419
Azadova B., Raximova Sh.	Iqtisodiy ta’lim jarayonida innovatsiyalardan foydalanish zamonaviy usullari	421
Иногамова Л.И., Кучкарова А., Оқилова З.	Таълим жараёнида педагог шахсида психологик-педагогик компетентликнинг намоён бўлиши	424
Искандjанова Ф.К.,	Технология модульного обучения	426
Иргашева Р. Н.	Инновацион технологияларни ўқитиш жараёнига қўллаш	428
Минавварова Ш.Ў.	Ўзбекистон иқтисодиётида туризм соҳасининг роли ва аҳамияти	430
Рахмонова Ё.Р., Рустамова Н.Х.	Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияларини жорий қилиш муаммолари	433
Парпиева Ш., Убайдуллаев Н., Хусанова Н.	Таълим жараёнида ўсмир ижтимоийлашувининг ўзига хослиги	435
Сайдуллаев А.Н.	Замонавий педагогик технологиялар ва уларни таълим тизимига татбиқи масалалари	438
Halimova H.N.	O’quv jarayonini tashkil etish va boshqarishning samaradorligini oshirishda muammoli o’qitish texnologiyasining dolzarbligi.	439
Табаев А.З.	Сув хўжалигида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш истиқболлари	442
Қаҳҳорова З.А.	Меҳнат салоҳиятини оширишда инновацион таълимнинг ўрни	444
Яхьяева И.К., Пўлатходжаев М.	Таълим сифати – устувор йўналиш	447
Таджиева М., Нишонбоев О.У.	Иқтисодий саводхонликни оширишда хориж технологиялардан фойдаланиш	449
Толипова У.Ф., Каримова М.Э.	Таълим сифатини оширишда инновацияларнинг роли	450
Узакова У.С.	Хорижий мамлакатларнинг инновацион таълимни ривожлантириш тажрибалари	453
Усманов Х	Ўқитишда муаммоли таълим технологияларини қўллашнинг афзалликлари	456
Xalilova N.I., Qayumova D., Mirzaumarova A.	Ta’lim jarayonida shaxsda ijtimoiy ahloq va ijtimoiy nazoratni tarkib topishning psixologik mexanizmlari	459
Хужакулов Н.О.	Ғазна ижроси ёхуд унинг иқтисодиёт тараққиётида тутган ўрни	462
Чулпанова Х.Т., Мардонов Н.	Таълим самарадорлигини оширишда кейс технологияларидан фойдаланиш	463
Дехканова М.Ў., Шоимкулов А.А.	Совитиш тизимлари фанини ўқитишда кейс технологиясидан фойдаланиш	466
Ширинқулова Ш.М.	Замонавий педагогик технология йўналишлари	469
Саттаров Э.Н., Ниязметова Г.	Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари	470

Иминова Н.А., Тўламбоев М.А.	Замонавий менежмент тизимини шакллантиришда корпоратив бошқарув	473
Хакимджанова Д.К.	Алоқа корхоналарида ходимларнинг малакасини ошириш зарурати	476
Хакимджанова Д.К., Иминова Д.Ф.	Алоқа корхоналарида кадрлар малакасини оширишнинг аҳамияти ва истиқболлари	478
Иминова Н.А., Джалалов Ж.М.	Алоқа соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва захирасини ташкил этиш	482
Жўраева С., Авлоев О.	Таълим жараёнида ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш техникаларининг моҳияти	484

КИРИШ

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш суръатлари йил сайин такомиллашиб бормоқда. Ушбу дастурга киритилган вазифаларнинг сифат босқичига ўтиш, аввало, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган талабалар билим ва малакаларига шундай талаблар қўядики, улар ишлаб чиқаришнинг қайси соҳасида фаолият юритмасин, Ватан тараққиёти, юрт равнақи ва халқ фаровонлигига астойдил хизмат қиладиган, фидоий, профессионал касб эгалари бўлишлари лозим.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа сифатида эътироф этилаётган Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида атрофлича фикр билдирилди. Яъни, халқимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлининг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар, шунингдек, икки палатали парламент фаолияти ҳамда мавжуд сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган мавқеи чуқур таҳлил этилиб, келгусида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида сўз юритилди. Таъкидланган оламшумул вазифалар олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган ҳар бир педагог-олим олдига юксак маънавиятли шахсларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларни касб сир-асрорларидан тўла бохабар қилишни тақозо этади.

Мазкур илмий маърузалар тўпламида айнан иқтисодий таълим йўналишида кадрлар тайёрлаётган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари олимлари ва иқтидорли ёшларининг ушбу таълим тармоғи самарадорлигини оширишда инновация йўналишларининг назарий ва амалий жиҳатлари борасидаги тадқиқотлари натижалари, илмий тавсия ва хулосалари мужассам этилган. Уларнинг мазмунидан ушбу йўналишда қўлга киритилган муваффақиятлар билан бир қаторда, олдимизда турган муаммо ва уларнинг ечими хусусидаги фикрларни ҳам англаш мушкул эмас. Ўйлаймизки, тўпламдан ўрин олган мақолаларнинг муаллифлари ўз илмий-амалий фаолиятлари билан юртимизда иқтисодий таълимнинг юқори сифатли ва самарали бўлишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

И.ф.д., проф. М.Р. Болтабаев,
ТДИУ ректори

Иқтисодий таълим тизимида инновацион технологияларнинг ўрни

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмуни, шакл ва усуллари самарадорлигини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Чунки таълим тизими жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга, обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, уни демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий онги ҳамда дунёқараши даражасини ошириш, соғлом тафаккурли баркамол авлодни шакллантириш пойдевори ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълим тизимидаги стратегик йўналишлардан бири – таълим муассасаларининг инновацион фаолияти асосий омил сифатида белгилаб берилмоқда. Ҳар бир бўлажак мутахассис таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиши ва унинг амалиётда таълим муассасалари инновацион жараёнларига қўшилишдаги аҳамиятини англаб етиши ҳамда яратиш имкони мавжуд бўлган инновацион майдонда ўзини кўриш ва энг муҳими, янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732 -сонли фармони эълон қилинди.

Фармоннинг мақсади – Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан оширишдан иборат. Мазкур тизимни янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиб, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллашлари ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этишлари, уларнинг чет тилини амалий ўзлаштириш даражаси ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориш учун кенг фойдаланиши кабилар. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, университетнинг ҳар бир профессор-ўқитувчиси ўз малакасини муттасил тарзда ошириб бориши зарур.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлигида Тошкент давлат иқтисодиёт университети

олим ва мутахассислари томонидан “Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълим концепцияси” ишлаб чиқилган. Бу концепцияда узлуксиз иқтисодий таълимни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари белгилаб қўйилган бўлиб, улар юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва умумиқтисодий таълимнинг жаҳон андозаларига мос келишидир. Узлуксиз иқтисодий таълим концепциясини амалга оширишдан кўзлаган асосий мақсад халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган таълим андозаларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлашдир.

Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида педагогик технологиялар ривожланишида бурилиш, керакли ахборотни мустақил излаб топиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни оқилона ҳал этиш йўлларини топиш, ўзлаштирилаётган билимларни танқидий таҳлил қилиш ва янги вазифаларни белгилашда улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган. Тайёр билимларни ўзлаштириш ва умумлаштириш мақсад эмас, балки инсоннинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашувчи воситалардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай ижтимоий технологиянинг мазмуни ва вазифаси жараённи оптималлаштириш, фаолиятнинг ижтимоий самарага эришиш учун зарур бўлмаган барча турларини ундан чиқариб ташлашдан иборат. Технологиялардан фойдаланиш бошқарув харажатларини камайтириш, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи бош ресурс ҳисобланади.

Сўнгги йилларда инсониятнинг соф иқтисодий ўсиш воситасида янада ривожланиши ва техник қудратнинг кучайиши нақадар хавфли эканлиги, шунингдек, бўлғуси ривожланиш кўпроқ инсоннинг маданияти ва оқиллик даражаси билан белгиланиши янада теранроқ тушуниб етилмоқда. Эрих Фроммнинг фикрига кўра, ривожланиш инсон нимага эга эканлиги билан эмас, балки инсоннинг кимлиги, у ўз ихтиёрида мавжуд нарсалар билан нима қилишга қодир эканлиги билан белгиланади. Бу инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал этишда таълим муҳим аҳамият касб этиши лозимлигини кўрсатади.

Жамият ривожланишига қараб даромад манбаи сифатида билимлар, инновациялар ва уларни амалда қўллаш усуллари кўпроқ амал қилиши, айниқса, кучли намоён бўлади. Иқтисодий ривожланишда билим биринчи даражали аҳамият касб эта бошлаши ижтимоий ҳаётда таълимнинг ўрни, таълим ва иқтисодиёт каби соҳаларнинг ўзаро нисбати бутунлай ўзгаришига олиб келади. Янги билимлар, ахборот ва кўникмаларни ўзлаштириш, уларни янгилаш ва ривожлантиришга қараб мўлжал олиш саноатлашувдан кейинги иқтисодиётда банд бўлган инсонларнинг фундаментал хусусиятларига айланади. Мазкур жамиятда таълим соҳаси жамият ҳаётининг иқтисодий соҳаси билан сезиларли даражада кесишади, таълим фаолияти эса унинг иқтисодий ривожланишини белгиловчи муҳим омилга айланади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборот ва назарий билим мамлакатнинг стратегик ресурслари ҳисобланади ва таълимнинг ривожланиш даражаси билан бир қаторда, унинг суверенитети ва миллий хавфсизлигини кўп жиҳатдан белгилайди.

Қайд этиш лозимки, ривожланган мамлакатларнинг деярли барчаси ўз миллий таълим тизимларини ислоҳ қилишни амалга оширдилар, уларга кўп миқдорда молиявий маблағларни киритдилар. Республикамизда олий таълим ислоҳотлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди, чунки олий таълим даражаси унинг бўлғуси ривожланишини белгилашини тушунамиз. Шу сиёсатга мувофиқ талабалар контингенти ва олий ўқув юртлари сонини кўпайтириш, билимлар сифати, олий мактабнинг янги функциялари, ахборот миқдорининг ўсиши, янги ахборот технологияларининг кенг тарқалиши билан боғлиқ масалалар ҳал қилинди. Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш даражаси таълим олувчиларда келажакни режалаштириш қобилияти, келажак учун жавобгарлик ҳисси, ўзига ва ўз касбий қобилиятларига ишончни шакллантиришга қодир бўлган янги таълим тизими – “инновацион таълим”ни талаб қилади.

Республикамизда иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги унинг мавжуд илмий-маърифий ва фан-техника салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, инновацияларни иқтисодиётгагина эмас, балки таълим соҳасига ҳам самарали жорий этиш имкониятлари билан бевосита боғлиқ. Анъанавий касблар таркибида, ходимларнинг иқтисодий хулқ-атворида, касб танлашда қадрият ва мўлжаллар тизими ҳамда меҳнатни татбиқ этиш соҳаларида жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу мутахассиснинг янгича типи – инновацион фикрлаш услубига эга ходим пайдо бўлганини тасдиқлайди.

Меҳнат фаолиятининг амалий натижалари, ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан янгиланиши, турли соҳаларда инновациялар, янги маҳсулот турларининг пайдо бўлиши билан янги эҳтиёжларнинг юзага келиши, кишилар ҳаёт фаровонлигига қаратилган турли техник воситаларнинг яратилиши – илм ривожланиш даражасининг янги поғоналарини кўрсатмоқда. Илмий ва инновацион бизнес-режалар пайдо бўлиши, йирик акционерлик компаниялар шаклланиши жамиятда замонавий шароитлар вужудга келганлигини англатади.

Шиддат билан ўзгараётган ҳозирги технологик дунёда рақобат борасида устунликлар меҳнат ресурсларининг сифати ва инсон капиталига инвестицияларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ушбу омиллар иқтисодий таълим (умумий ўрта мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим) воситасида ва ҳар бир инсон ўз касбий даражасини узлуксиз ошириб бориш йўли билан таъминланади. Сўнгги йилларда зиёлилик, билимлардан иқтисодий устунлик сифатида фойдалана олиш турли иқтисодий тизимларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи муҳим омилга айланди. Аксарият мутахассисларнинг фикрига кўра, ривожланган таълим тизими рақобатбардошлик даражасини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги саноат, экологик ва ахборот технологиялари тизимлари шу даражада мураккабки, бирор-бир минтақа ёки давлат улар билан боғлиқ муаммоларни мустақил ҳал этишга қодир эмас. Бунинг учун турли давлатлар, минтақаларнинг чуқур интеграциялашуви талаб этилади. Айнан шу сабабли давлатлар ҳамжамияти ҳар бир давлат ривожланишида юксак даражага

эришишидан манфаатдордир. Агар ҳамжамият аъзоларидан бирида технологияларнинг ривожланиш даражаси паст бўлса, у бутун ҳамжамиятга таҳдид солади. Юксак технологиялар бу жараёнда иштирок этувчи кишилардан юксак даражада касбий маҳорат, танқидий ва таҳлилий фикрлаш қобилияти, тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этади. Айни шу сабабли ўқув юртларининг битирувчилари шу жумладан глобал фикрлаш салоҳиятига эга бўлишлари, ўз минтақаси, мамлакатидагина эмас, балки бутун дунёда юз бераётган жараёнларни билишлари ва тушунишлари лозим. Бу таълимнинг мазмун ва моҳиятига нисбатан бутунлай янгича ёндашувдир.

К.Б. Ахмеджанов,
ТДИУ проректори

Олий ўқув юртларида таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш

Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш аввало педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни талаб этади. Чунки педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай педагогик технология кутилган самарани бермайди.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги педагогик технология авторитар технологияга қарама-қарши бўлиб, педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрлик, таълим олувчилар шахсини ҳурмат қилиш ва эъзозлаш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод билан шуғулланиши ва ўзини ўзи ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратади. Мазкур жараёнда талаба ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва педагог билан ҳамкорликда ягона таълим жараёнининг субъекти - таълим-тарбия вазифаларини ҳал этади.

Педагогик технология технологик ёндашувга асосланади. Технологик ёндашув деганда тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш технологиясига ўхшаш) олиш учун ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар тўплами тушунилиб, қўйилган мақсадларга эришишда кутилган натижаларни кафолатлайдиган усул методлари мажмуаси англашилади.

Агар метод билиш йўли, тадқиқот йўли ёки бирор фаолиятдаги маълум амалиёт ва назарий билимлар соҳасини эгаллашни ҳаракатлар, операциялар, усуллар мажмуаси деб тушунсак, педагогвоситалари, шакл ва методлари мажмуасини англатади.

Педагогик технология усули таркибий қисмига таълимнинг умумий мақсадлари (ўқитувчи ва талабанинг мақсадлари)ни ишлаб чиқиш, таълим мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш, мақсадга эришиш усуллари киради.

Лойиҳалаштириш фаолияти талабалар билан ишлашни ташкиллаштиришнинг энг оммабоп шаклларидандир. Лойиҳалаш методи – ўқитишнинг ташкиллаштирилиши бўлиб, талабалар режалаштириш жараёни ва амалий вазифаларни бажаришлари орқали лойиҳа кўринишда билим олади.

Лойиҳалаштириш методини қўллаш натижасида лойиҳа кўринишидаги билим ўзлаштирилади.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи ҳамкорлик педагогикасига таяниб, талабаларнинг биргаликда таълим олишлари амалга оширилади. Талабаларни ҳамкорликда таълим олишлари, таълим жараёнларини лойиҳалаштириш, талабалар билан ишлашни лойиҳалаштириш кабилар замонавий педагогик технологияларнинг асосий методлари ҳисобланади.

Таълимга технологик ёндашув ўқув жараёнини ўзаро узвий боғлиқ этаплар ва амалларга ажратиш ва бўлишни; таълимдан кўзланган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, босқичма-босқич амалга ошириш; лойиҳалаштирилган иш ва амалларнинг барчасини бир хил тарзда бажаришни назарда тутади.

Қайта такрорланиш хусусияти туфайли ушбу тизим модуль шаклига эга бўлиб, мазмунлар билан тўлдирилган ва умумий таркибга боғланган бирликлар, яъни таълимнинг умумий мақсади ва мазмуни, ўқув мақсади, ўқитиш ва баҳолаш жамламаларидан ташкил топади. Амалда бу педагогнинг қайта-қайта такрорланувчан ҳаракатининг алгоритми ҳисобланади. Ушбу алгоритмнинг янги бўлимларда қўлланиши ўқув жараёни кўламини қамраб олади.

Таълим жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштириш босқичида, етакчи педагоглар педагогик технологиянинг қонун-қоида ва тамойиллари асосида услубий ашёларни ишлаб чиқиш пайтларида юқорироқ малака талаб этилади. Лойиҳа тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилий ва маслаҳатчи вазифаларини бажаради.

Бу ёндашув асосан, репродуктив таълимга хосдир. Репродуктив таълим типик вазиятларда бирор иш-ҳаракатни олдин билиб олинган қоидалар асосида бажаришдир. Репродуктив даражаси учун педагогик технология усулида таълим – такрор ишлаб чиқиладиган конвейерли жараён сифатида ташкил этилади, ундан кутиладиган натижа ҳам муфассал тасвирланиб, аниқ қайд этилади. Ўқув материали аниқ ифодаланган ўқув мақсадига мос қайта тузилиб, ишлаб чиқилади, баъзи бўлаклари қисмларга ажратилиб, ҳар бир бўлакни ўрганиш мустақил назорат қилиниб, хато ва камчиликлари тўғриланиб борилади.

Ўқув жараёнининг барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик жиҳати – ўқув жараёнининг сўнгги натижалари бўлган ўқув мақсадига эришишга йўналтирилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Технологик ёндашувни қўллаш қўйилган ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайди.

Кенг кўламда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари таълим жараёнининг илғор технологияларини ўрганиш ва ўқув-тарбия жараёнига жорий этишни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, педагоглардан таълим соҳасига технологик ёндашувни, педагогик технология усулини эгалаш ва ҳудудимизнинг миллий, маънавий-маданий хусусиятлари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда педагогик амалиётда қўллаш ва ривожлантиришни талаб этади.

Умуман олганда, технологик ёндашув доирасида яратилган дидактик лойиҳалаш усулларига бўлган муносабат олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини самарали ва ижодий режалаштириш, янги фикрлар билан бойитиш, уларнинг натижаларини баҳолашга ёрдам беради.

О.Қ. Рихсимбоев,
ТДИУ проректори

Талабалар мустақил таълимини такомиллаштиришда педагогик технологияларнинг ўрни

Президентимиз И.А. Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак». Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи – ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди.

Бизнингча, бу ғояни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий, амалий ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- моддий, ижтимоий ва табиий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирилган бойликлар).

Таълим мазмуни, унинг компонентлари, таркиби, вазифалари ҳақида сўз кетганда далиллар билан қонуниятлар, яққоллик билан мавҳумлик, билимлар билан ҳақиқатни мустақил билиш методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатларни аниқлаш зарур.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни, жамиятнинг тез ўзгариб бораётган турмуш шароити, таълим тизимига таъсирчанлик ва тезкорлик хоссаларининг берилиши, яъни ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт талабларига жавоб бериш, шахс қобилияти ва истеъдодини ҳисобга олиш имконият ва шарт-шароитларини яратишни тақозо этади.

Ўқув-тарбия дастурларининг таъсирчанлиги ва тезкорлигини таъминлаш таълим жараёнини дифференциациялаш муаммоси билан узвий боғлиқ. Ҳозирги шароитда, сўзда эмас, ишда узлуксиз таълим тизимига таълимни дифференциациялаш принцип ва механизмларини жорий этиш керак.

Таълимни дифференциациялаш замонавий таълим тизимининг асосий хусусиятларидан биридир. У талабаларнинг шахсий эҳтиёжлари, лаёқати, имкониятлари, қизиқишлари, касб танлашидан келиб чиққан ҳолда турли кўринишда билим олиш имкониятини беради.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнида модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, дидактик ўйин технологиялари, муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди.

Талабаларда дарслик, илмий-оммабоп ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида модулли таълим технологияларидан фойдаланилади. Модулли таълим технологияларининг ўзига хос жиҳати ўрганилаётган мавзу бўйича талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлашига имкон берадиган модулли дастур тузилади. Талабалар модуль дастури ёрдамида мустақил ва ижодий ишлаб, машғулотлардан кўзланган мақсадга эришадилар.

Модуль дастурлари ўрганилаётган мавзу юзасидан талабалар бажариши лозим бўлган топшириқлар, топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмаларни ўзида мужассамлаштиради. Ишлаб чиқилган дастурлар мазмун ва моҳиятига кўра, талабаларнинг индивидуал, иккита талаба биргаликда ва кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модуль дастурларига ажратилади. Модуль дастурларнинг дидактик мақсадидан келиб чиқиб, таълим жараёнидан ўз ўрнида фойдаланиш юқори самара беради.

Янгича ёндашув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида талабалар фаолиятининг самарали шакл ва услублари, уларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш керак. Бунда мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашга, ҳар томонлама фикр юритишга, берилган топшириқларни ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб ҳал этишга ўргатади.

Маъруза ва амалий машғулотларни ўтиш жараёнида муаммоли вазият талабаларнинг қизиқиши, билим савияси, фикр юритиш доираси ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади. Муаммоли вазиятни яратишдан кўзланган асосий мақсадни амалга ошириш учун вазиятни баҳолашда талабаларнинг оғзаки ва ёзма жавобларидан вақти-вақти билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Глобаллашув шароитида узлуксиз таълим тизимида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти таълим жараёнига тизимли ёндашув саналади ва қуйидаги дарс турлари тавсия этилади:

Мавзули, умумлаштирувчи маъруза дарслар; билимларни мустаҳкамловчи, янги билимларни мустақил эгаллашга мўлжалланган семинар дарслар; якка тартибдаги ва кичик гуруҳларга мўлжалланган модулли дарслар; муаммоли, дидактик ўйинли дарслар; мавзули, эркин фикрлашга асосланган мунозара дарслари.

Демак, замонавий педагогик технология – тизимли ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуидир. Мана шу метод ва усулларни ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнида қўллаш профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши

зарур. Шундагина жамиятимиз узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар олдига қўяётган ижтимоий буюртмани бажара олишига эришишимиз мумкин.

И.А. Ахмедов,
ТМИ проректори

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими жараёнини ахборотлаштиришни ташкил этиш

Бугунги кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан, янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Ахборотли воситалардан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

1. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиш.

2. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараённи компьютерлаштириш - асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

Ахборот технологиялари – одамларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб чиқиш, тиклаш, узатиш усуллари ва техник воситаларидир. Яна шунингдек, ахборот технологиялари деганда, маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар занжиридан иборат яратувчи фаолият тушунилади. Агар технологик занжирни ташкил этувчи жараёнлар, улар орасидаги ахборот алмашинувини ташкил этиш ва уларни уйғунлаштиришда компьютерлардан фойдаланиш имконияти яратилса, ҳар қандай технологиянинг самарадорлиги ортади.

Бугунги кунда ахборот технологиялари ўрта махсус касб-ҳунар таълими жараёнида муҳим ўрин тутиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабаларда очиш, сақлаш ва

ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларини, ўзини ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш;

- воқеа ва ҳодисаларни комплекс ўрганиш, техника, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;

- ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий динамик янгилаш.

Таълим тизими нуқтаи назаридан ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган қуйидаги муаммолар муҳимдир:

1. Таълим тизимидаги техник муаммолар – булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уни қўллаш хусусиятларини белгилайди.

2. Дастур муаммолари – булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турлари, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди.

3. Тайёргарлик муаммолари – булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш уқуви билан боғлиқдир.

Бугунги кунда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув жараёнини ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқилаётган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нуқтаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларга олиб келиши мумкин.

Ахборот технологияларидан фақат ўқув жараёнида эмас, балки мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларни илмий-техник ва махсус ахборот билан таъминлайдиган ахборот ишида, таълим тизимини бошқаришда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланилганда ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклларини тиклаш муаммоси янгича ҳал этилиши лозим. Агар анъанавий таълим шароитларида билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган шакллари индивидуал ва фронтал шакллар бўладиган бўлса, ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитида уларнинг иккаласидан бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Умуман олганда, технологиялар тез суръатда ривожланаётган ҳозирги даврда амалий машғулотлар учун лаборатория ва стендлар ҳар бир ўқув йилида такомиллаштиришни талаб этади.

Шундай қилиб, ўрта махсус касб-ҳунар таълими жараёнига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши таълим жараёнини, талабаларнинг аниқ тайёргарлик даражаси, қобилиятлари, янги материални ўзлаштириш суръати, қизиқиш ва майлларини ҳисобга олиб кўпроқ индивидуал равишда ёрдам бериш, таълим жараёнида фанлараро алоқаларни кучайтириш, борлиқ ҳодисаларини комплекс ўрганишни такомиллаштиришга олиб келади.

Д.э.н., проф. Г.Н. Ахунова,
проректор ТГЭУ

Качество образовательных услуг в условиях инновационного развития национальной экономики

Совершенствование системы управления высшим образованием в условиях развития инновационной экономики знаний, инвестиционных проектов и наукоёмких технологий является одной из важнейших социально-экономических проблем современности. Сегодня в Узбекистане в системе образования большое внимание уделяется вопросам качества образовательных услуг. Не только среднего и высшего, но и дополнительного профессионального образования, услугам по подготовке и переподготовке профессиональных кадров. Такое положение во многом обусловлено тем, что уровень подготовки и показатели качества функционирования системы образования в условиях рыночной экономики являются важнейшими факторами инновационного и научно-технического прогресса, конкурентной борьбы и устойчивого экономического положения. Для того чтобы выстроить стратегию развития каждого конкретного образовательного учреждения и системы образования страны в целом, необходимо владеть информацией о состоянии качества образовательных услуг.

Развитие понимания термина «качество» изменялось от выражения свойства, состояния, характеристики, совокупности свойств объекта и его некоторой определённости до осознания необходимости понимания качества, как оцениваемой величины. Можно выделить три основных аспекта этой категории: наличие у объекта свойств, характеристик состояния; определённость, индивидуальность и множественность (совокупность) характеристик; выраженность характеристик в сравнении с эталонными значениями (требованиями). Таким образом, качество образовательной услуги – это степень соответствия совокупности присущих образовательной услуге характеристик эталонным базовым нормам (установкам), получаемым в результате анализа требований потребителя и других заинтересованных сторон.

Образовательная услуга вуза – это деятельность образовательного учреждения, направленная на удовлетворение требований различных заинтересованных сторон, в том числе потребителя, в процессе выполнения которой изменяются знания, умения, навыки, компетенции обучающихся, культурный уровень, уровень социального развития, формируется модель трудового поведения и реализуется миссия вуза.

По-нашему мнению важнейшими особенностями образовательной услуги являются: высокая потребительская стоимость; большая роль человеческого фактора, приводящая к высокой степени вариантности результата; изменчивость в процессе оказания услуги; необходимость доказательства студентом своих достижений и способностей для пользования услугами вуза; зависимость качества услуги от места ее оказания и места проживания обучаемого; признание факта оказания образовательной услуги, даже если

приращения знаний, умений, навыков, компетенций у обучающегося не произошло.

Управление качеством образовательных услуг вуза является одной из функций менеджмента качества вуза и частью его системы управления. При наличии в любой организации системы управления, не каждая из них соответствует требованиям международных стандартов качества. Наличие системы менеджмента качества в вузе подразумевает использование руководящим составом и сотрудниками различных инструментов, называемых инструментами качества; обязывает изучать удовлетворённость заинтересованных сторон, разрабатывать мероприятия по увеличению их удовлетворённости и предупреждению будущих потребностей потребителей; анализировать результативность мероприятий по подготовке кадров; обязывает к проведению самоанализа в форме внутренних аудитов и последующей разработке корректирующих и предупреждающих действий, в форме самооценки, анализа системы менеджмента качества и всех ее процессов высшим руководством и другое.

Под управлением качеством образовательных услуг вуза понимается оперативная деятельность по планированию, организации выполнения требований к качеству, мониторингу состояния качества образовательных услуг и наличию отклонений от заданных параметров, анализу их причин и принятию мер по коррекции несоответствий.

Для повышения качества образования определились основные тенденции, характеризующие развитие системы высшего образования в последние годы: введение высшего образования в число непременных требований развивающегося рынка труда; расширение спроса на высшее образование, разнообразие форм его получения; стремительное развитие получение образования как на бюджетной, так и на контрактной основе диверсификация целей получения высшего образования.

Решение стоящих проблем перед высшим образованием в плане использования передовых педагогических и информационно-коммуникационных технологий будет способствовать развитию всех сфер и отраслей инновационной экономики страны.

О. Хамидов,
ТДИУ проректори

Кадрлар тайёрлашда таълимнинг иқтисодий самарадорлиги

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатнинг ўрни ва роли кўп жиҳатдан таълимнинг сифати билан тавсифланади. Миллатнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ҳозирги жамият барқарор ва қизғин ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Таълимнинг сифати эса уни молиялаштириш ҳажмлари билан бевосита боғлиқ.

Жамият ривожланишига қараб даромад манбаи сифатида билимлар, инновациялар ва уларни амалда қўллаш усуллари кўпроқ амал қилиши айниқса бўртиб намоён бўлади. Иқтисодий ривожланишда билим биринчи даражали

аҳамият касб эта бошлаши ижтимоий ҳаётда таълимнинг ўрни, таълим ва иқтисодиёт каби соҳаларнинг ўзаро нисбати бутунлай ўзгаришига олиб келади. Янги билимлар, ахборот, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштириш, уларни янгилаш ва ривожлантиришга қараб мўлжал олиш постиндустриал иқтисодиётда банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг фундаментал хусусиятларига айланади.

Ахборот жамиятида қарор топган иқтисодий ривожланишнинг янги типи ходимлар учун ўз умри мобайнида касб-корини бир неча марта ўзгартириш, ўз малакасини муттасил ошириш заруратини уйғотади. Мазкур жамиятда таълим соҳаси жамият ҳаётининг иқтисодий соҳаси билан сезиларли даражада кесишади, таълим фаолияти эса унинг иқтисодий ривожланишини белгиловчи муҳим омилга айланади. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборот ва назарий билим мамлакатнинг стратегик ресурслари ҳисобланади ва таълимнинг ривожланиш даражаси билан бир қаторда, унинг суверенитети ва миллий хавфсизлигини кўп жиҳатдан белгилайди.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида таълим ижтимоий ҳаётдаги ўз ўрнини бутунлай ўзгартириб, иқтисодий тараққиётнинг асосий омилига айланади. Таълимнинг юксалган ижтимоий-иқтисодий аҳамияти инсон капиталини шакллантириш асоси сифатида майдонга чиқади. Ҳозирги замон иқтисодиётида бошқа ишлаб чиқариш ресурслари эмас, балки айнан инсон капитали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлиги асоси сифатида тан олинади. Билимлар асосий ижтимоий капиталга айланиши, билимларни ўзлаштиришдан кўриладиган нафнинг ўсиши шу билан белгиланадики, бундан мазкур товарни истеъмол қилган одам, бутун жамият ва конкрет корхоналар фойда кўради. Буларнинг барчасидан таълимни аралаш молиялаштириш, мазкур соҳада бозор муносабатларини ривожлантириш учун асослар келиб чиқади.

Таълимнинг иқтисодий аҳамияти аҳолининг ижтимоий ва маданий савиясини оширишда, мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда, ижтимоий меҳнатнинг самарадорлик даражасини оширишда унинг улкан роли билан белгиланади. Касб-ҳунар таълими соҳаси ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш жараёни билан ҳам бевосита боғлиқ. У иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун малакали ишчи кучини яратишда ўта муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан таълим ходимларининг меҳнати ижтимоий меҳнат турларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий тизимларнинг рақобатбардошлик даражаси кўп сонли омилларга, чунончи: ресурслар мавжудлиги, технологияга инвестициялар, бизнес муҳитининг сифатига боғлиқ бўлади. Хусусан, қисқа муддатли даврда рақобатбардошлик иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, шунингдек, институтларнинг хусусияти ва самарадорлиги, инфратузилманинг сифати ва кенглиги ҳамда миллий тизимнинг самарадорлигига ҳам таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар билан белгиланади. Рақобатбардошлик давлатнинг маҳсулот ишлаб чиқариш барқарор жараёнига кўмаклашувчи иқтисодий-ҳуқуқий муҳитни яратиш қобилиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шитоб билан ўзгараётган ҳозирги технологик дунёда рақобат борасида устунликлар меҳнат ресурсларининг сифатига ва инсон капиталига

инвестицияларга кўп жиҳатдан боғликдир. Ушбу омиллар таълим (мактаб, ўрта касб-ҳунар таълими, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим) воситасида ва ҳар бир инсон ўз касбий даражасини узлуксиз ошириш йўли билан таъминланади. Сўнгги йилларда ўқимишлилик, билимлардан иқтисодий устунлик сифатида фойдалана олиш турли иқтисодий тизимларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи муҳим омилга айланди. Аксарият мутахассислар фикрига кўра, ривожланган таълим тизими рақобатбардошлик даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Айрим муаллифлар фикрича, таълимга инвестициялар моддий фондларга инвестицияларнинг даромад меъёрига яқин фойда кўриш имкониятини беради.

Иқтисодий тизимларнинг рақобатбардошлик даражасини оширишда таълим ролининг кучайиши бир қанча омиллар билан белгиланади. Биринчи – ахборотнинг жамият ҳаётидаги роли ўзгариши билан. Бунда ахборот одатдаги моддий, энергетик ресурслар каби стратегик ресурсга айланади. Фаолиятнинг барча соҳаларини бошқариш самарадорлиги зарурий ахборотдан фойдаланиш ва уни истеъмолчига тақдим этиш имкониятига боғлиқ бўлади. Бу ҳам корхонанинг, ҳам мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш омилларидан бири ҳисобланади. Иккинчи – стратегик ахборотни тезкорлик билан бошқариш, олинган ахборотни билимларга айлантириш, муттасил ўқиш ва янги технологияларга мослашишга қодир бўлган мутахассисларга эҳтиёж туғилиши билан.

М.М. Холмухамедов,
Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини
ахборот-методик таъминлаш хизмати бошлиғи

Инновацион таълим технологиялари - касбий компетентликни шакллантириш омили

Республикамизда давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий ва техник-технологик соҳалардаги ривожида таълим устувор соҳа деб эътироф этилган. Таълим – жамиятнинг мақсад, муддаоларига мувофиқ катта авлод томонидан инсоният жамияти тўплаган тажрибаларини ёш авлод ўзлаштиришини таъминлайдиган узлуксиз тизимдир. Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўғинида таълим-тарбия ишларини ҳозирги замон ва истиқбол талаблари асосида ташкил этиб, ўтказишда бу жараённи лойиҳалаштирувчи ва амалга оширувчи ўқитувчи-мураббийларнинг ўрни муҳим бўлиб, унинг сифат ва самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Зеро, ўқув-методик мажмуалар (таълим стандартлари, ўқув режа, ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқитиш воситалари, дидактик материаллар кабилар) ҳар қанча такомиллашган ҳолда ишлаб чиқилмасин, уларни бевосита амалиётга ўқитувчилар татбиқ этади.

2012 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 1761-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг бешинчи бандида таълим жараёнида инновацион технологиялари (“case-study”, ўқув лойиҳа, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, интерфаол таълим усули ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш ҳозирги замон ва истиқбол талаби эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

“Инновация” - сўзи инглизчадан келиб чиққан бўлиб, унинг маъноси янгиланиш, янгилик киритиш, ўзгартириш деган маъноларни билдиради. Педагогик жараёнга янгиликлар киритиш билан унинг сифати ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилади. Бунда ўқитувчининг роли муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади. Унга инновацион фаолиятини амалга оширишда акмеологик жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Акмеология (akme) - юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятни онгли таҳлил қила олиш;
- янгиликларга нисбатан шайлик;
- фаолиятга ижодий муносабатда бўлиш;
- ўз имкониятлари ва қобилиятларини рўёбга чиқариш;
- ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий-педагогик фаолиятда мужассам қилиш кабилар.

Бундан, ўқитувчи инновацион педагогик технологияларни яратувчиси, амалга жорий этувчиси ва тарғиботчиси ёки инкор этувчиси сифатида намоён бўлади. Инновацион таълим технологияларида интерфаол методлар етакчи ўринга эга. Интерфаол таълим методлари таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақилликка ундовчи омилдир. Кейинги пайтларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари амалиётига қуйидагича номланган интерфаол таълим методлари кенг кўламда жорий этилмоқда: ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, кластер (тармоқ), инсерт техникаси, пинборд, чархпалак, бумеранг, муаммоли вазият, ишбилармонлик ўйини, баҳс-мунозара, машқ ва кўплаб шу кабилар. Буларнинг натижасида қуйидаги чизмада кўрсатилгандек, замонавий мутахассисни тавсифловчи касбий компетентликни ташкил этувчи шахсий сифат ва ҳислатларни шакллантириш имконини беради. Шу ўринда биз “Инновацион таълим технологиялари” деганда ижобий натижа берадиган, маълум назарияга таянган, қўлланишга қулай, таълим олувчилар ва таълим берувчилар соғлигига путур етказмайдиган, шу пайтгача амалда кенг кўламда қўлланилмаган, яъни маълум маълум янгиликларни киритиб, нисбатан юқори сифат ҳамда самарадорликни таъминловчи омилларни тушунамиз. Шунингдек, касбий компетенцияни таркиб топтириш учун умумтаълим ўқув предметларини касбга йўналтириб, дидактик бирликларни йириклаштириб, модуллаштириб, мазмунан туташ ўқув предметларини интеграциялаб ўқитиш технологиялари

ҳам касбий компетентликни таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Касб-ҳунар тайёргарлиги даврида ўрганиладиган ўзаро боғлиқ мураккаб, мажмуавий тавсифли масалаларни ечимини топишга, уларнинг характеридан келиб чиқиб, тизимли таҳлил қилиш, интегратив ёндашиш зарур. Биз таълим мазмунини интеграциялаш деганда бир-бири билан туташ ахборотларни синтезлашни кўзда тутамиз. Шу пайтгача фанлар интеграциясини синтезлаш тушунчаси билан синоним деб қаралиши натижасида унинг мазмуни ва моҳияти бирмунча торайтирилган. Синтез ўзаро таьсир этувчи элементларнинг қўшилиши натижасида яхлитликни ҳосил қилса, интеграция эса кўп томонламаликнинг бирлигидир. Интеграция- ички яхлитликка интилиб, ахборотларни синтезлаб, мантиқан тугал тузилма ва унга мос илмий таффакурни кўзда тутади.

Интеграциялаш – ўқув материалларини умумлаштириш, тизимлаштириш ва зичлаштириш жараёни бўлиб, ўқув вақтини тежаш қилиш, қайта такрорлашларни чек қўйиш, касбий йўналганликни таъминлаш, ўқувчиларни машғулотдаги ортиқча ўқув материалларини ўзлаштиришдан озод қилиш кабиларни кўзда тутади. Таълим мазмунининг интеграцияси яхлитлик, мантиқан тугалланганлик, тизимлилик билан тавсифланади.

Ўқув машғулотларининг ташкил этиш шаклларини ҳам интеграциялаш мумкин. Бундай машғулотларга икки ўқитувчи ёки ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими устаси ҳамкорликда тайёргарлик кўради, ташкил этади ва амалга оширади. Бунда ўқув материалари зичлаштирилади, асосий муаммо ажратилиб олиниб, уларни мукаммал ўрганишга диққат-эътибор қаратилади. Шундай қилиб, ўқув вақтини тежашга, ўқувчиларни машғулотдаги ортиқча ўқув материалларини ўзлаштиришдан халос этишга, танлаган касби ва ихтисосликларига қизиқтирилади ҳамда энг асосийси, ўқувчиларда тизимли билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар шакллантириш имконини беради. Ўқув материалини интеграциялашда қуйидаги қоидаларга асосланади:

а) ўқув предметларининг ўзига хос хусусиятларинини сақлаб қолган ҳолда уларнинг бирини иккинчисига функционал бўйсиндирилиши;

б) ўрганилаётган ўқув материалидан асосий муаммога диққат-этиборни қаратиш, такрорлашларни бартараф этиш йўли билан ўқув вақтини тежаш;

в) материалнинг касбий йўналганлиги, узвийлиги, политехник йўналганлигини таъминлаш;

г) ўрганилаётган обьект ҳақидаги билимларнинг бир бутун, яхлит, тизимлилиги, мослашувчанлигини таъминлаш;

д) материалнинг етарли ва зарурий даражаси ва ҳажмининг сақлаш;

ж) интерфаолл таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

з) ўқув дастурига янги материалларни киритиш, яьни динамик ўзгаришларга мослашувчанлигини таъминлаш кабилар.

Касбий туркум ўқув предметлари мазмунини интеграциялаш фан ичидаги алоқадорликни таъминлаш ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, узвий, предметлараро, ўзаро алоқадорликларни ҳам нисбатан қуйи даражадаги интеграциялаш сифатида қараш мумкин. Чунки уларнинг ҳам асосида алоқадорлик ётиб, касб-ҳунар таълимининг юқори сифати ва самарадорлигини

таъмин этиши илмий-амалий жиҳатдан исботланган. Хулоса қилиб айтганда, инновацион таълим технологиялари – давр талаби. Бу талабни қондириш учун Республикадаги барча илмий, амалий педагогик салоҳиятни сафарбар этиш зарур.

С.ф.д. Ш.Ғ. Ғойибназаров,
Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети
Тошкент шаҳри филиали профессори

Таълим-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, “бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш ва шунингдек, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларини қабул қилганимиз таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратлардан ҳоли бўлган, бугун ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган янги тизимни ҳаётимизда татбиқ этганимиз ҳақиқатан ҳам тарихий воқеа бўлди десак, адашмаган бўламиз. Бунинг натижасида мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини, ўз қўлига олишга қодир бўлган, фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда”[1], – деб ғурур ва фахр билан эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийиб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсганлиги, кейинги 11 йил мобайнида ялпи ички маҳсулот мунтазам равишда 8 фоиздан юқори бўлаётганлигининг муҳим омилларидан бири – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлган таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва унинг ижобий натижаларидир.

Маълумки, таълим соҳаси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа ижтимоий соҳалардаги бу муштараклик бевосита шахс орқали амалга оширилади.

Иқтисодиёт, хўжаликнинг турли соҳалари маълум моддий ва маънавий маҳсулотлар ишлаб чиқарса, инсон учун хизмат турларини амалга оширса, таълим тизими эса унинг маънавий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланишига таъсир қилиб, инсоннинг ўзини “ишлаб чиқаради”.

XXI аср – глобаллашув, информацион технологиялар асрида таълим, айниқса, олий таълим ҳар қандай давлат иқтисодий ривожланишининг муҳим омилига айланди, халқаро таълимнинг алмашув дастурлари эса ташқи сиёсатнинг таркибий қисмига айланди. Содда қилиб айтганда, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар ривожланишининг муҳим ресурси бўлган нефть ва газ эмас, балки инсон миясидир. Бундай ресурсдан унумли фойдаланиш ва уни авайлаб асраш даркор.

[1] Халқ сўзи, 6 декабрь 2015 йил

Бугун ҳар қандай ммлакатнинг иқтисодий тараққиётига таълим сифати ва унинг даражаси бевосита таъсир этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар, ушбу муҳим ҳаётий муаммони ҳал этишда реал восита сифатида шаклланмоқда. Бу ҳолни чет эллик экспертал ҳам тан олмоқдалар.

Иқтисодий ривожланишнинг етакчи омили инсон капитали эканлигини бугун ҳамма эътироф этмоқда. Бу омилнинг олдинги маррага ўтишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

биринчидан, замонавий цивилизация пост-индустриал жамият, ахборот, юксак технологик ва инновацион иқтисодиёт сари йўл тутаётганлиги, бу ҳол меҳнат фаолиятини тубдан ўзгаришга олиб келаётганлиги, меҳнатнинг ижодий тус олаётганлиги, билим бевосита ишлаб чиқарувчи кучга, ахборот эса ишлаб чиқарувчи ресурсга айланаётганлиги билан боғлиқ бўлса, **иккинчидан**, инсон капитали ролини ошиши, иқтисодиётда сифат жиҳатидан туб таркибий ўзгаришлар амалга ошиши, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам инсон капитали ўрни ва аҳамияти юксалаётганлиги, бевосита инсоннинг ривожланиши билан боғлиқдир. **Учинчидан**, иқтисодиётда, ишлаб чиқариш муносабатларида, мулкка бўлган муносабатда бўлаётган туб ўзгаришлар инсон омили ва юксак малакали мутахассисларга бўлаётган талаб ва эҳтиёж кучайиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Инсон капиталига қилинаётган инвестицияларнинг энг асосийси – таълим соҳасига мўлжанланган инвестициялардир. Аҳоли саводхонлигининг ўрта даражаси мамлакат тараққиётининг энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, унинг ривожланиши ва барқарорлигининг кафолати ҳисобланади.

Таълимнинг иқтисодий функцияси ёшларни бўлажак касб фаолиятига тайёрлаш билан изоҳланса, унинг самарадорлиги ушбу мақсадни амалга оширишга ажратилган маблағ ва харажатларни қоплаши даражасидан келиб чиқади. Таъкидлаш жоизки, жаҳон глобаллашуви жараёнлари шароитида олий таълим тизимини ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб қолди.

Б.Б. Усманов,
ТДИУ

Иқтисодчи бошқаруви ва раҳбарлигига қўйиладиган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш технологиялари янгиланаётганлиги фаннинг сўнгги ютуқлари асосида техниканинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланаётганлиги, бўлажак мутахассислардан билимларни мунтазам янгилаб ва кенгайтириб боришлари ва касбий муаммоларни мустақил ечиш қобилиятларига эга бўлишини талаб этади. Бунинг учун таълим жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар ва дидактик воситалар билан таъминлаш, замонавий педагогик технологиялар ҳамда фаол ва интерфаол таълим методларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “... ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак - биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди”.

Ҳозирги кунда ер юзида интеграция ва глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб, ҳаётнинг барча жабҳаларини биринчи галда, таълим соҳасини кенг қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки давримизда том маънодаги маърифат эгаси ва ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиш учун фақат ўз юрти, ўз мамлакатида олган билим ва маълумотлар билан чекланиб қолиш етарли эмас. Ҳеч шубҳасиз, жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасининг ноёб бойликлари таълим тизимига қанчалик чуқур татбиқ этилса, инсон шунчалик теран билимга эга бўлади. Шунинг учун бугунги кунда мамлакатимиз таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тармоғидан кенг фойдаланиш ва уларни ривожлантириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Табиийки, бундай технологиялар ёшларимизнинг жаҳон ахборот тизимига очиқ ва кенг миқёсда кириб бориши, уларнинг ақл-заковати ва профессионал жиҳатдан ўсиши учун беқиёс имкониятлар яратади. Зеро, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ёш мутахассислар, айниқса олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизлардан жаҳон андозалари, юксак илм-фан ютуқлари асосида яратилган замонавий техника ва технологиялар, иш услублари, ўз фаолиятида илғор компьютер ва ахборот тизими воситаларидан самарали фойдалана билишни тақозо этади.

Бунинг учун юртимизда мустақиллик йилларида жуда катта оламшумул ишлар бажарилмоқда. Фикримизча, таълим олаётган ёшларни ўз билим, малака ва кўникмаларини амалда кўрсата олишлари учун жамият уларни қўллаб-қувватлаши, қандай кадрлар касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртлари ва ўқув марказларида тайёрланаётганлигини билишлари керак. Бу борада ҳам Президентимизнинг пурмаъно сўзлари бор: “... ёшларимизни ўқитиш ва уларга таълим бериш учун ҳар қандай ёрдамни иккиланмай ва тортинмай қабул қилишимиз ҳамда ундан иложи борича кўпроқ фойдаланишимиз зарур. Бу бошқарув ходимларига, илм-фан ҳамда техника зиёлиларига, ишлаб чиқариш соҳасидаги хизматчиларга ва албатта, ишчиларга тааллуқлидир”.

Маълумки, мамлакатимиз олий таълим тизими дунёнинг ҳар қандай мамлакатида етук, малакали замон талабларига жавоб берувчи кадрларни тайёрлашда асосий ва ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Бироқ, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги бу тизим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмаяпти. Бундан ташқари, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юртлари етарли мустақилликка эга эмас, улар касбий меҳнат бозорининг

ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормаяпти. Ҳозирги кунда меҳнат бозорида олий ўқув юртлари тайёрлаб бераётган бакалавр ва магистр даражаларига эга бўлган мутахассис кадрлар ўзларининг касбий билимларини тўлалигича намоён этишлари учун тегишли хизмат вазифалари белгилаб қўйилмаган.

Бу каби муаммоларнинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда мамлакатимизда амал қилаётган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бир қатор афзалликлари туфайли кўплаб ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бунга мисол қилиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган бир қатор жамғармалар орқали хорижий мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртларида таълим олиб келаётган етук малакали мутахассис кадрларнинг олий таълим тизими, давлат бошқарув структураси ва ишлаб чиқариш жараёнига кенг миқёсда жалб этилаётганлиги, мамлакатимиз олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассисларнинг қатор қўшма корхоналарда ва нуфузли халқаро молиявий ташкилотларнинг ваколатхоналарида мувафаққиятли фаолият кўрсатаётганликлари, республикамизда мавжуд олий ўқув юртларида маъруза матнлари ва ҳар бир фан бўйича тайёрланаётган модулларнинг марказлашган тарзда тайёрланиб талабалар ихтиёрига фойдаланиш учун берилаётганлиги, масофавий ўқитиш дастурлари самарали ишлаб чиқилиб, амалиётга тақдим этилаётганлиги ва бошқа шу каби кўплаб ютуқларни кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мутахассис кадрларга бўлган талаб кескин ошди, лавозим сифат ва миқдор кўрсаткичлари ўзгарди, уларни олий маълумотли мутахассислар билан алмаштириш зарурати юзага келди, ишга қабул қилувчилар кўп ҳолларда тегишли тарзда дипломга эмас, балки ходимнинг ишни қай даражада билишлиги, касбий маҳоратига эътибор бермоқдалар. Бу эса иқтисодиётнинг барча соҳалари бўйича халқаро даражадагига мос келадиган билимга эҳтиёж пайдо бўлди деганидир.

Ваҳоланки, кўпгина олий таълим муассасалари меҳнат бозори эҳтиёжи ва бозор талабларига жавоб бера олмайди. Олий таълим муассасаларида мутахассисларни параллел тайёрлаш кузатилмоқда, бу эса мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатига салбий таъсир этмоқда. Бу вазиятни ўзгартириш учун, яъни олий маълумотли мутахассис кадрлардан фойдаланиш самарасини ошириш ва таълимда давлат маблағидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун қуйидагилар алоҳида аҳамият касб этади:

- олий таълимни янгича ихтисослаштиришнинг (магистратура ва бакалавриат таълим йўналишини ихтисослари рўйхати) олий маълумотли мутахассислар билан алмаштирилиши лозим бўлган лавозимдорликка мос келиш даражасини, яъни мамлакат иқтисодиёти тармоқларидаги лавозимлар билан мутахассислар етиштириш мутаносиблигини белгилаш;

- умумий талабларга мувофиқ олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик тармоқ меъёрларини ишлаб чиқариш янги тавсифловчисида қабул қилинган таълим йўналишлари бўйича умумий ва қўшимча талабларни аниқлаш;

- тармоқ кенгайиши ва меҳнат мураккаблигини сифат жиҳатидан такомиллаштириш билан боғлиқ мутахассисларга талабни аниқлаш;

- олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги талабни белгилаш бўйича тармоқ методикасини яратиш.

Иқтисодчининг жамиятдаги мавқеини белгилашда, аввало унинг билими, касб маҳорати, савияси муҳим омиллардан ҳисобланади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасида бўлажак иқтисодчилар асосан, олий касб таълими тизимида бакалавриат ва магистратураларда тайёрланмоқда. Иқтисодиёт ишини ташкил этишда муҳим ўрин тутувчи кадрлар меҳнатини ташкил этишда асосий ёрдамчилардан ҳисобланадиган иқтисодчилар эса, иқтисодиётга йўналтирилган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида тайёрланмоқда. Асосий мутахассисларни тайёрлашни олий касбий таълим муассасалари ўз зиммасига олади. Бугунги кунда таълим-тарбия тизими ислоҳоти ва уни амалга оширишда асосий ижрочилик вазифасини бажарадиган кадрлар тайёрлаш жараёни умумдавлат миқёсида амалга оширилаётган тадбирлардан ҳисобланади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида турли соҳалар бўйича иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш иши ҳозирги даврда тартибга солинган ва махсус меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб берилган. Барча соҳаларда мавжуд ихтисосликлар, таълим йўналишларини белгилаб берувчи “Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар таснифлагичи” икки йўналишга эга бўлиб, бири олий касбий таълимга, иккинчиси эса ўрта махсус касб-ҳунар таълимига тегишлидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай давлатнинг асосини, жумладан, мустақил Ўзбекистон Республикасининг шаклланиши ва ривожланиши тараққиётини ҳам ёшларнинг таълим-тарбияси белгилайди; ёшларнинг юксак фазилатларга эга инсонлар бўлиб етишишида узлуксиз таълим-тарбия тизимининг барпо қилиниши ҳал этувчи омил ҳисобланади.

Пед.ф.д., проф. Ш.Т. Халилова,
ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ

Таълимни модернизациялашда инновацияларни қўллашнинг устувор йўналишлари

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди: янгича ижтимоий тузум мустаҳкамланиб борди, иқтисодий муносабатлар тизими тамомила янгича асосга қурилмоқда, натижада, янги касблар пайдо бўлиб, мавжудларига ҳам ўзгача талаблар қўйилмоқда. Шу сабабли ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга аввалгидан ўзгача тарзда тайёрлаш талаб этилмоқда. Мамлакат таълим тизимини модернизациялаш зарурати айни шу ҳолатлар билан белгиланади.

Ҳозирда таълимни модернизациялаш давлат таълим сиёсатининг етакчи ғояси ва асосий вазифаси саналади.

Таълимни модернизациялаш – таълим тизимининг барча бўғинлари ва таълим фаолиятининг барча соҳаларини миллий таълимнинг энг яхши

анъаналарини сақлаган ва бойитган ҳолда бугунги кун талаблари даражасига кўтаришга қаратилган комплекс чора-тадбирлардир.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини модернизациялаш зарурлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу жараёнда айрим муаммолар юзага келиши табиий. Биринчи муаммо-амалдаги тизимда мавжуд ижобий ҳолатларни сақлаб қолиш. Иккинчиси–аввалги йилларда жамият учун фойдали бўлган бирор жиҳатлар бой берилган бўлса, уларни тиклаш. Ниҳоят, учинчиси– таълим тизимини жамият талаблари билан мувофиқлаштириш.

Таълимнинг янги ижтимоий-маданий типига ўтиш таълим олувчиларда замонавий билимларга адекват бўлган дунё манзараси, яхлит дунёни идрок этиш ва илмий дунёқарашни шакллантириш, шахсни миллий маданиятга интеграциялаш зарурати билан белгиланади. Бу каби ўтиш таълим қадриятларини гуманистик характердаги, субъектив характердаги онгли ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатидаги таълим жараёнига тайёргарликни шакллантиришга кўмаклашадиган фундаментлал инструментарийга қайта йўналтириш шароитидагина амалга ошиши мумкин.

Педагогика фани ва амалиётида таълимни модернизациялаш муаммосининг таълим мазмунини интеграциялаш – ўсиб келаётган авлоднинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ягона тамойиллар асосида ривожлантирувчи муҳитни яратиш: универсал малака ва қобилиятларни – асосий: коммуникатив, ижтимоий, ахборот, когнитив ва бошқа компетенцияларни шакллантириш билан боғлиқ ечимлари белгиланган.

Шу асосда проекцияланадиган таълим мазмуни ўқувчи ва талабаларнинг комплекс таълимини – билиш жараёнини ташкил этиш ва унинг натижаларининг базавий категорияларини турли нуқтаи назардан, турли таълим соҳаларида ўрганадиган, мазмунни бир тилдан бошқасига таржима қилиш усулларини ўзлаштирадиган ягона яхлит жараён сифатида аниқлашни таъминлайди. Бу билиш жараёнида ёшлар билиш фаолиятида шахсий ва маданий мазмунини келтириб чиқаради, таълимни минтақалаштиришни таъминлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширишдаги асосий тамойилларидан бири – таълимнинг тузилиши ва мазмун жиҳатдан ислоҳ қилиш учун ўқитувчи ва мураббийларнинг юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, таълим бўйича мутахассисларнинг фаолиятини уйғунлаштириш, педагогик инновациялар, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этиш ҳисобланади. Аммо инновациялар ва педагогик технологиялар ўз-ўзидан таълим тизимига кириб келмайди.

Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг янгиликка интилиш мотивациясига боғлиқ жараён. Ўқитувчи фаолиятини ўзгартирмай туриб, унинг масъулияти, ижодкорлиги ва фаоллигини оширмасдан туриб таълимда бир қадам ҳам олдинга силжиб бўлмайди.

Шу муносабат билан таълим жараёнида инновацияларни, яъни янгиликларни яратиш, излаш, тўплаш ва педагогик жараёнга қўллаш замонавий таълимнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Педагогик инновациялар тўғрисида турли даража ва поғоналарда фикр юритиш мумкин; давлат, минтақавий, олий таълим, касб-ҳунар, академик лицей ва умумтаълим мактаб, мактабгача таълим, мусиқа мактаблари ва мактабдан ташқари таълимда инновациялар бўлиши мумкин.

Умуман педагогик инновациялар деганда педагогик тизимга янгиликларни киритиш, ўқув-тарбиявий жараёнларнинг боришини янгилаш, натижаларига ижобий таъсир кўрсатишдир. Инновация – мавжуд бўлган ҳолатдан, ўзгарган, фарқ қилувчи деган маънони билдиради.

Илгаридан лойиҳалаштирилган ҳар бир дидактик жараён маълум принципиал имкониятларга эга бўлиб, у ўқувчи ва талабаларда билим, кўникма, малакаларни сифатли шаклланишини кўзда тутади.

Таълим ва тарбияда зарурий даражадаги натижани олиш - педагогик тизимни такомиллаштириш, унинг функциясини ижобий томонга йўналтириш, интенсив педагогик жараённи вужудга келтиришни тақозо этади.

Чунончи таълим-тарбияда сифатли, самарали натижани олиш учун мавжуд педагогик тизимни модеринизациялаш лозим.

Шу муносабат билан инновацияларни объекти сифатида қуйидаги педагогик омилларни келтириш мумкин:

- ўқув-тарбиявий фаолиятнинг мотивациясини ошириш;
- дарсда ўқув материаллари, мазмуни, ҳажмини ошириш;
- ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш;
- таълим жараёнида тайм менежментдан фойдаланиш;
- таълим-тарбия жараёнида таълим олувчининг шахсий иштироки, фаоллиги ва масъулиятини ошириш.

Жумладан, инновацияларни педагогик жараёнга жорий этиш йўлларини белгилаш зарур:

- янги педагогик ғояларни шакллантириш;
- концепциясини ишлаб чиқиш;
- дастур яратиш;
- ижро механизмини ишлаш;
- амалиётга жорий этиш.

Ҳозир республикамизда педагогик инновацияларнинг яратилиши ва ривожланиши кенг педагогик жамоатчилигининг ҳаракати, умумтаълим мактабларини модеринизация қилиниши, стандартларни такомиллаштирилиши ва дастурларнинг янгиланиш жараёни кетмоқда.

Янгиликларни яратиш, излаш, тўплаш, қўллаш ишлари жадаллашиб бормоқда.

Шу сабабли, таълим тизимидаги инновацияларни педагогик жараёнларга киритиш тўрт босқичда амалга оширилиши мумкин:

1. Муаммонинг кўпгина ечимини таҳлил асосида аниқлаш;
2. Мўлжалланаётган таълим мазмуни, янгиликни лойиҳалаш;
3. Ўзгариш ва янгиликларни режалаштириш;
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Илмий изланишлар натижасида такомиллаштирилган стандартлар ва модернизация қилинган дастурлар, дарсликларнинг янги авлоди таълим муассасаларига етказилди.

Навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифа – таълимнинг янги мазмунини инновациялар асосида тезроқ ўқув жараёнига татбиқ этиш механизмини яратиш ва қўллаш заруратидир.

Чунки давлат таълим стандартлари, янги дастурларни ўқувчи ва талабалар билимига қўйиладиган мажбурий минимал билим даражаларни таъминлаш, таълим сифатини кафолатлашнинг, уларнинг иқтидор, талаб, эҳтиёжларини таъминловчи ягона омил – уларни амалга киритишга инновацион ёндашувдир.

Ўқитувчи инновацион фаолиятини шакллантиришнинг қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич – тайёр инновацион методик тавсияларни олиб қўлланилади.

Иккинчи босқич – мавжуд тизимга айрим модификациялар киритилади.

Учинчи босқич – янги ғояни амалга ошириш мазмуни, метод, шакл, воситалари ишлаб чиқилади.

Тўртинчи босқич – ўқувчини янгича ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз концепциясини ва методикаси ишлаб чиқилади.

Бунинг учун педагогик инновацион технологияларни тўплаш, назорат қилиш ва жорий этиш ишларини ташкил қилиш, шунга оид семинар, тренинглар, қисқа муддатли ўқув курслар ташкил этиш яхши натижалар беради.

Инновацион технологияларни яратиш, излаш, топиш, тўплаш ҳақида тегишли маълумотлар жамғарма банкини яратиш, таҳлил қилиш, танлаш, таълим муассасасига жорий этиш бўйича ташкилий-педагогик ишларни ташкил этиш.

Энди инновацияларни ўқув жараёнига қўллаш босқичларини келтирамиз.

Биринчи вазифа – инновацияларни излаш, тўплаш жараённи амалга оширилади. Инновацион илғор технологияларни тўплаб, ўрганиш ва қайта ишлаш мақсадида уларни компьютерда, картотека ва махсус йиғма материаллар банклари тузилади.

Иккинчи вазифа – танлаш жараёни инновацияларни йиғма банклардан олиб ўрганилади. Мазкур ишларни таълим муассасалари илми ва методик кенгашлари, фан метод бирлашмалари, туман, шаҳар халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаларида ўрганиб чиқилади.

Улар тўпланган инновацияларни республика миқёсидаги конференция, метод кабинетлар, малака ошириш институтлари, кўрик танлов материаллари, август кенгашларида тарғиб қилинган инновациялар; ахборот ва мониторинг марказлари, интернет хабарларидан тўпланган инновацияларни ўрганиб, тўплаб, танлаб улардан қулайларини амалий фаолиятга қўллаш учун мосларини, таълим муассасаларига тарқатадилар.

Умуман инновацияларни ўқув жараёнига қўллашда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муносабатлари ҳамкорлик, ҳамижодкорликда кечади:

- ўқитувчи билимни ташувчи, етказувчигина эмас, талабани мустақил ўқиши, билим олишида ёрдамчи, маслаҳатчи-ташкилотчи раҳбарга айланади;
- ўқитувчи конструктивлаш, модуллаштириш, алгоритмлаш, лойиҳалаш, атрофлича фикрлаш шароитида иш юритади;
- ўқув жараёни талаба-ўқитувчиларни ўзаро фаол иш юритишга ўрганишга одатлантиради;
- талабага ўзини-ўзи ўқитиш, фаолликда, якка, жуфт, кичик, катта гуруҳларда ишлашга муҳит яратиши, ўқув жараённи индивидуаллаштиришни талаб этади. Шу ҳолатларда ўқув мазмунини, ДТС талаблари тўла ўзлаштириш кафолатланади.

Агар инновацияларни таълим жараёнига қўллашни йўлга қўйилса:

- ўқитувчи-профессорларнинг янгиликка интилувчанлиги, янгиликни яратиш, излаб топиш, тўплаш таълим жараёнига қўллаш, кўникма ва малакалари шаклланади;
- узлуксиз мустақил ўз устида ишлаш асосида янгиликларни педагогик фаолиятга тизимли олиб кириш кўникмасига эга бўлади.
- профессор-ўқитувчилар инновациялар, модулли, интерфаол, лойиҳалаш, алгоритмлаш муҳитида иш юритади;
- ўқув жараёнида талабани фаол қатнашишига, масъулиятни ҳис қилиб ўз фикрини билдиришга ижодий муҳит яратади;
- унда талаба таълим жараёнини сифат ва самарадорлигини таъминлашда ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

1 – шуъба
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИҚТИСОДЧИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Проф. Ш.С. Шодмонова,
доц. Ҳ. Рўзметова, ТДПУ

Таълим-тарбия жараёнини модернизация қилиш маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш асосидир

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида таълим тизимини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмунини, шакл ва методлар самарадорлигини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Чунки таълим жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга, обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, уни демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий онги ҳамда дунёқараши даражасини ошириш, соғлом тафаккурли баркамол авлодни шакллантиришнинг пойдевори ҳисобланади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, “... албатта, ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир”.

Демак, инсон капиталини шакллантириш муаммоси жамиятнинг негизини ташкил этар экан, таълим-тарбия жараёнини модернизация қилиш унинг асосини ташкил этади. Ушбу жараённи мазмунан яхлит тизим сифатида назарий ва амалий жиҳатдан ташкил этишнинг устувор йўналишлари мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга таълим ва тарбия беришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш чора-тадбиларини амалга ошириш, ушбу йўналишда мамлакатимиз парламенти томонидан “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қатор қонунларнинг қабул қилиниши ижобий ҳолдир. Вояга етмаган ёшларнинг маънавий ва жисмоний саломатлигини муҳофаза этиш, уларни зарарли одатлардан сақлаш, ҳимоя қилиш, интернет хизмати кўрсатиш сифатининг ҳуқуқий асосини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашда демократик институтларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини

такомиллаштириш борасидаги ҳуқуқий базанинг мустаҳкамланаётганлиги бу йўналишдаги ютуқлар гаровидир;

- таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш ва бошқаришни модернизация қилиш бу жараённинг самарадорлиги омилидир. Албатта, таълим-тарбия жараёнини бошқариш давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш тамойиллари асосида амалга оширилмоғи лозим. Бу ўринда бошқаришнинг илмий-назарий методик базасини яратиш, концептуал педагогик асосларини аниқлаш, унинг амалга оширилиш механизмини ишлаб чиқиш, яхлит педагогик тизим сифати шарт-шароитлари, омиллари, тамойиллари, мазмуни, шакл, усул, воситаларини белгилаш, бошқаришда ворисийлик, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш андозасини яратиш, бошқаришда ахборот технологиясидан фойдаланиш кабиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир;

- юксак малакали кадрлар тайёрлаш малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат, демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари талабларига мос равишда яратиш ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим талабларидан биридир. Ушбу талаб, аввало, таълим тизимининг ҳар бир бўғини учун хосдир. Шунингдек, ёшларимизни замонавий, рақобатбардош касб-ҳунар сирлари билан қуроллантириш, инновацион технологиялар, илм-фаннинг энг илғор ютуқлари асосида уларни касбий фаолиятга тайёрлаш давр талабидир;

- таълим-тарбия мазмуни, шакл, усули ва воситалари, давлат таълим стандартлари, дастур, дарсликларни давр талаби асосида такомиллаштиришнинг мунтазамлилигини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламда жорий этиш, масофавий ўқитиш усулларидан, педагогик технологиянинг илғор ютуқларидан атрофлича фойдаланиш самаралар гаровидир;

- Президентимизнинг 2011 йил 21 январдаги 2010 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган ҳисобот йиғилишидаги маърузасида “интернетнинг халқаро тармоғига чиқиш, ягона компьютер ахборот тармоғига уланиш, ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий этиш, электрон таълим миллий тармоғини барпо этишни якунига етказиш” каби масалаларни таъкидлаб ўтиши ушбу масаланинг устуворлигини янада кучайтиради;

- мамлакатимиз мустақиллиги йилларида “фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бораётган” бир даврда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишда демократик институтлар имконияти ва кучидан фойдаланиш мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон

ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақият билан бажарилишида муҳим омил ҳисобланади.

Айниқса, таълим-тарбиянинг асосий пойдевори ҳисобланган оила, маҳалла фаолиятининг бу борадаги иш мазмунини янада такомиллаштириш, уларнинг вазифалар кўламини кенгайтириш, таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, ташкилий-методик таъминотини яхшилаш, ҳамкорлик ҳаракат дастурини яратиш ва амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим-тарбия жараёни, унинг натижалари устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш механизмини яратиш, ушбу механизмнинг самарали ишлашида оила, маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва таълим муассасалари ҳамкорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир;

- мактабдан ташқари таълим муассасалари, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаганлар таълими ва тарбияси мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштириш, ёшларда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш гаровидир;
- имконияти чекланган ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларда ижтимоий фаолликни шакллантириш, соғлом наслни дунёга келтириш ва тарбиялашнинг концептуал илмий асосларини комплекс тадқиқ этиш, илмий-назарий ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия амалиётига татбиқ этиш мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор масалаларида бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти ва самарадорлиги уни модернизация қилишнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш ва ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Проф. М.Ф. Ҳакимова,
магистр З.М. Ибрагимова, ТДИУ

Кадрлар тайёрлашда таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги

Мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов бизнинг қудратимиз, кучимиз билим ва тафаккурда эканлигини таъкидлаб, куч билим ва тафаккурда деган эди, чунки кучи бор бирни йиғади, билими бор мингни. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши қилиб қўйилди.

Ҳозирги замон илмий-техник инқилобининг асосий жиҳатларидан бири таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ҳисобланади. Бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланадиган бу тизим барча даражадаги юксак малакали мутахассисларни етиштириб чиқаради. Улар эса, ўз навбатида, янги илмий-техник ютуқларни таъминлайдиган рақобатбардош фанни ва ишлаб чиқаришни ривожлантиради.

Жаҳон тажрибасида бундай интеграция ўқув-илмий ишлаб чиқариш марказлари, комплекслари, технополислари сингари омиллар шаклида амалга оширилади. Уларда юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда бу тадқиқотлар натижасини саноатда ўзлаштириш вазифаси мужассамланади. Бундай бирлашмаларда жамият эҳтиёжлари асосида тегишли тармоқ ўқув-илмий-техник сиёсатни амалга оширадиган университетлар асосий ташкилий бўғин ҳисобланади.

Интеграциялашган турли хилдаги ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари иқтисодиёт ва жамиятнинг барқарор тараққиёти пайтидагина эмас, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтиш даврида жамият, иқтисодиёт ҳамда таълим тизимини қайта ислоҳ қилиш жараёнида, бу иш учун тегишли кадрларни тайёрлаш учун ҳам ниҳоятда зарурдир.

Ўзбекистон шароитида бундай лойиҳаларни амалга ошириш тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда моддий-молиявий харажатларни тайёрлашдан ташқари, таълим-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этадиган омилларни психологик жиҳатдан қайта тайёрлашни ҳам тақозо этади.

Мамлакатимизда профессионал таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ҳолати қуйидагича ташкил қилинган:

Ўзбекистонда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви муаммоси 80-йилларнинг иккинчи ярмида ҳал этила бошланди. Бу муаммо ташкилий жиҳатдан кафедраларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳамда талабаларга профессионал таълим беришга сезиларли ҳисса қўшган илмий тадқиқот институтлардаги филиалларида, шунингдек, узоқ муддатли интеграциялашган амалий машғулотлар шаклида ўзининг самарали ифодасини топди.

Шу тариқа интеграциялашув кадрлар тайёрлаш даражасини маълум тарзда кўтариш, уларнинг ишлаб чиқаришга мослашув муддатларини қисқартириш ҳамда энг муҳими, ишлаб чиқаришдаги малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда замонавий илмий-техник асосда профессионал тайёргарликни олиб бориш имконини берди.

Бугунги кунда республикамизнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш – таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлашга имкон берадиган буткул янги даражада интеграциялашувни кенг ривожлантиришни тақозо этади.

Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувининг янги даражаси қуйидагиларга асосланади:

- саноат ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳамда халқаро ҳамкорликка;

- барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишдаги таълим жараёнига академия ва соҳа илмий тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотларни манфаатдор шерик сифатида кенг жалб этиш;

- талабаларнинг таълим, илмий тадқиқот, илмий ишлаб чиқариш ва инновацион кичик фирмаларини ривожлантиришдан иборат.

Шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви қуйидаги йўналишларда ривожланиши лозим:

Вертикал йўналишдаги профессионал таълим интеграцияси:

- академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юрти, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сингари интеграциялашган таълим муассасаларини ташкил этиш. Бундай таълим муассасалари:

– олий ўқув юртларининг моддий-техник базаси ва профессор-ўқитувчилар таркибидан ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашда фойдаланиш имконини беради.

Горизонтал йўналишдаги профессионал таълим интеграцияси – рақобатбардош олий касбий маълумот (бакалаврлар ва магистрлар) берадиган йирик университетлар, таълим-илмий, таълим-илмий-ишлаб чиқариш ва таълим-ишлаб чиқариш бирлашмалари, шунингдек малакали рақобатбардош ходимларни тайёрлаш учун касбий-ишлаб чиқариш (касб-ҳунар коллежлари) – бирлашмаларини барпо этиш.

Мазкур интеграция:

– бирлаштирилган олий ўқув юртларининг (айниқса, минтақавий олий ўқув юртларининг) педагогик, илмий ва моддий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, маъмурий-бошқарув аппаратига кетадиган харажатларни қисқартириш;

– академия ва соҳа илм-фанининг ўқув юртларидаги таълим жараёни билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

– илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар ва талабалардан ҳамкорликда фойдаланиш учун фундаментал тадқиқотларнинг тажриба-синов ва моддий-техник базасини ривожлантириш;

– таълим жараёнида фундаментал тадқиқотлардан фойдаланиш учун ахборот базасини барпо этиш;

– касбий таълимнинг барча даражасида узоқ муддатли интеграциялашган амалий тажрибалар ўтказишни йўлга қўйиш имконини беради.

Касбий таълимнинг уйғунлашган интеграцияси (вертикал ва горизонтал йўналишдаги интеграциялар) – турли даражадаги рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш учун таълим-ишлаб чиқариш бирлашмаларини барпо этиш лозим.

Касбий таълимнинг халқаро интеграциялашуви:

– саноати ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда бозор ва халқаро муносабатлар, юксак ва илм-фан билан боғлиқ технологиялар, экология билан боғлиқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича (университетлар, коллежлар, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ва ҳоказо) қўшма таълим муассасаларини барпо этиш;

– иқтидорли ёшларнинг саноати ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим марказларида таълим олишларини йўлга қўйиш;

– талабалар, мустақил изланувчилар, стажёрлар ва профессор-ўқитувчиларнинг кенг айирбошлаш мақсадида хорижий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан бевосита алоқаларни ривожлантириш;

– республиканинг таълим муассасаларини халқаро таълим ва илмий дастурларга бирлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Демак, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш фан билан таълим жараёни алоқаларини, ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантиришга асосланади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

- ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади ва ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш жараёни қўллаб-қувватланади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнида мунтазам равишда ошириб борилади.

Узлуксиз таълим шахснинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш маънавий бой юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг таъминловчи шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қуйидагилардан иборат:

-таълимнинг устуворлиги - унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

-таълимнинг демократлашуви – таълим-тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтиши;

- таълимнинг инсонпарварлашуви инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

- таълимнииг ижтимоийлашуви - таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги - таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш.

Таълимда узвийлик ва узлуксизликка эришишдан асосий мақсад, малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси таълимнинг барча турларини, жумладан, давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг фаолият кўрсатиш механизмларини қамраб олади.

Таълимдаги узвийлик бир таълим тури фанлари дастурининг кейинги таълим турига ўтганда мутаносиб равишда ўзгартириб, соддадан мураккабга қараб тўлдириб борилишини назарда тутади.

Қайси фанлар таълим турларининг қайси босқичида ўқитилиши ҳам муҳим ва уларни тартибга солиш натижасида узвийлик яратилади. Узвийлик таълим сифатига тўғридан-тўғри қайтарилиши ҳам, мантиқий узилишлар бўлиши ҳам таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади. Фанлар ўртасидаги узвийлик, айниқса алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт олий ўқув юртларида узвийликни таъминлаш мақсадида ўқув режалар тўртта блокка ажратиб тузилган. Ҳар бир блокдаги фанларнинг узвийлиги ҳам ҳисобга олиниб, фанларнинг дастурини тузишда фанлараро узвийликка эришишга алоҳида аҳамият берилади. Фанлараро тўла узвийликка эришиш мураккаб жараён ҳисобланади. Бунинг учун фанлараро алоқаларни кучайтириб бориш ва ўқув-методик ишларни такомиллаштириб бориш зарур.

Таълимни амалга оширишда уни жорий қилиш базаси, имконияти, шароити, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ва бошқалар катта роль ўйнайди. Узлуксизликни таъминловчи иқтисодиётга йўналтирилган таълим-тарбия тизимидаги марказий сиймо –жаҳон андозасига мос келувчи ижодкор шахсдир. Шахснинг иқтисодиёт фанини чуқур ўрганиб, олган билимини амалда қўллаб, камолга интилиши ижодкорликни таъминловчи омилдир.

Бошланғич иқтисодий билим беришдан тортиб, то иқтисодий маданиятлилик даражасигача бўлган жараён ҳар бир шахснинг ҳаётий эҳтиёжини қондиришда алоҳида аҳамият касб этади. Узлуксиз иқтисодий таълимни амалга оширишнинг мақсади иқтисодий таълим беришнинг барча бўғинлари ва босқичларида, айниқса иқтисодчилар тайёрлашда ҳозирги замон бозор иқтисодиёти талабларини тушуна оладиган хўжалик юритувчи мутахассис сифатида малака ва кўникмага эга бўлган малакали иқтисодчилар тайёрлаш, уларни касбий узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш ҳисобланади.

Узлуксиз иқтисодий таълимнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётнинг асосий бўғинлари, миллий иқтисодиёт тармоқлари, иқтисодий хавфсизлик тизими, хизмат кўрсатиш соҳаларида содир бўладиган ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларни илғай оладиган, иқтисодиётни ривожланишини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини билимдони бўлган мутахассислар

ҳамда нафақат ана шу хислатларга, балки иқтисодий таълим тизимини самарали ташкил этувчи иқтисодчи мутахассислар тайёрлашдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ва маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминловчи янги авлод юқори технологиялари тизимларини ишлаб чиқаришни эгаллаш ва кенгайтириб бориш зарур. Базавий инновацияларни эгаллашга асосланган йўналтирилган инновация-инвестиция стратегияларни, республика ёки ҳудудда мавжуд имкониятлар бўйича инновация лойиҳаларини биринчи навбатда рағбатлантиришни амалга ошириш керак. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этиладиган асосий технологияларни танлаб олиш учун мавжуд ишлаб чиқаришларни технологик даражаларини, илмий имкониятлар, ихтироларни ўрганиш ва баҳолаш талаб этилади.

Умуман олганда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсоннинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири – билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

Доц. Н.С. Файзуллаева,
магистрант М. Муродова, ТДИУ

Талабаларда ахборот маданиятини шакллантириш технологиясининг хусусиятлари

Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Замон талабларига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши керак». Шундай қилиб, ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Бу борада 1997 йилда тарихий ҳужжат республикамизда «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиндики, улар мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ташкилий, илмий ва методик асоси бўлиб, асосий мақсадли комил инсон ва етук малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдир. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг асосий таркибий қисмларини шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ташкил этиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Мазкур қонун ва дастурни рўёбга чиқариш таълим тизимини тубдан қайта қуришни, яъни халқ таълими тараққиётининг концептуал қоидаларини қайта кўриб чиқиш ва уни қисқа вақт ичида ижобий ҳал қилишни тақозо этади. Бу вазифаларни ҳал этилиши ишлаб чиқиши лозим бўлган дастлабки маълумотлар чекланган бўлиб ёки бошланғич ахборот жуда катта ҳажми бўлган ҳолда ҳам иложи борича максимал аниқликка эришиш талаб этилмоқда. Бироқ

педагогика таълимига янги ахборот технологияларини жорий этишнинг ҳозирги савияси замон талабларига жавоб бермаяпти ва бу йўналишдаги ишларни янада кенгроқ давом эттиришни давр тақозо этмоқда. Бунинг устига, умумижтимоий ахборот алмашинуви муаммоси педагогик таълими амалиётида ўз аксини ҳали яхши топмадики, натижада таълимнинг бошқа соҳалари, жумладан умумий ўрта таълим, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларни халқ хўжалиги билан интеграциялашуви қийинлашмоқда.

Тўғри янги замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришда бошқарувчидан катта куч талаб қилинмайди. Махсус технологияни ўзи қўйилган мақсадга тўла эришишни кафолайди. Шунинг учун замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган ўқитувчи кўзланган мақсадга эришишнинг бош кафолатчиси бўлади. Агар шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, янги педагогик технологияларни унинг асосий негизи бўлган ахборотлар технологиясини таълим тизимига жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш ўқитувчининг тайёргарлик даражасини биринчи навбатда ҳал қилиш ҳам бугунги кун «Педагогика» фанининг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Шахснинг ички оламида ахборот олишга бўлган интилишнинг вужудга келиши: билимлар, кўникмалар, малакаларнинг муайян ахборот муҳити билан ўзаро таъсири натижасида индивидуал ахборот олиш фаолиятини оптимал даражада амалга оширишни таъминловчи билимлар, кўникма ва малакаларнинг тизимга солинган мажмуидан иборат.

Бугунги кунда жадал тарзда кўпайиб бораётган ахборотлардан хабардор бўлиш, керакли маълумотни ажратиб олиш ва ундан фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатда қайдлаш тезкорлиги ва сифати ҳар бир шахснинг ахборот олиш маданияти қай даражада шаклланаётганлигига боғлиқдир. Бу омил айниқса умумий ўрта таълим мактаблари ўқув жараёнини ташкил этиш, хусусан, унинг методик таъминоти масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини ҳам замонавий талаблар ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда қайта ташкил этиш, такомиллаштириш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Чунки улар таълим тизими мазмунан ва шаклан янгиланаётган бир паллада ҳосил бўлаётган кучли ахборот оқимини қабул қилиш, жамлаш ва ўз ўрнида уларни кенг жамоатчилик, ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларга энг манзур йўллар билан тақдим этишдек муҳим вазифани бажаришлари лозим.

Замонавий компьютер воситалари ва мултьмедиа технологиялари таълим жараёнида дидактик материал тайёрлаш вазифасини енгиллаштиради. Компьютер билан дидактик материалларни уйғунликда қўллаш ўрганилаётган мавзуни талабалар томонидан ўзлаштиришда катта ёрдам беради. Бундан 3500 йил муқаддам Конфуций «эшитганимни ёдимдан чиқараман, кўрганимни эслаб қоламан, мустақил бажарсам тушуниб етаман», деган экан. Таълимда информацион ҳамда педагогик технологияларни қўллаганда, ўқувчи эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Бундан кўриниб турибдики, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари

қаторига, компьютер технологиясини киритиш зарурати кундан-кунга ошиб бормоқда. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этиш учун керакли шарт-шароитлар ва техник воситалар мавжуд бўлиши лозим. Буларга **ахборот ресурслари** ва **махсус дастурий таъминотлар** киради.

Ахборот воситалари ва манбаларини ишлатиш методларини эгаллаганлик: компьютер саводхонлиги; ахборот маконида уни шакллантириш ва ўзаро ахборот алмашишда эркин мўлжал ола билиш имконини берадиган билимлар ва кўникмалар; турли моддий ахборот ташувчилар ёрдамида қайд этилган субъект-субъект ва субъект-объект муносабатларининг моҳияти; замонавий ахборот ресурслари, айрим ҳужжатлар, ахборот тизимидаги кутубхоналар, архивлар, жамғармалар, маълумотлар банклари тавсия ва хусусиятларини тушуниш; турли хил ахборот ташувчилардан фойдаланиш имкониятлари, ахборотни тўплаш, тизимга солиш, сақлаш ва излашнинг анъанавий ва электрон воситалари афзалликлари ҳамда камчиликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш; замонавий ахборот технологияларидан фойдалана билиш каби кўникмалар киради. Ҳозирги вақтда педагогика, психология фанларини ўқитишда турли дастурий педагогик воситалардан фойдаланилмоқда. Бу дастурий педагогик воситалар шахсга йўналтирилган, талабага қулай тарзда яратилган бўлиб, бунда маъруза, амалий, лаборатория ва мустақил иш топшириқларини тушунмаган жойида орқага қайтиш имкониятлари, ўзига қулай бўлган вақтда ишлаш имкониятлари фанни тез ўзлаштиришга олиб келади.

Бу эса, ўз навбатида, талабада ўзига бўлган ишончини оширади, унда компьютерда ишлаш жараёнида ўзини эркин тутиш имконияти туғилади, натижада ҳар-хил ҳис-ҳаяжонларга берилмайди, ўқитувчи ёрдамига камроқ эҳтиёж сезади, ўзини-ўзи тест саволлари орқали текшириб кўради, яъни ўзини-ўзи баҳолай олади, уни ҳеч ким ўқишга мажбурламайди, ўзи ихтиёрий равишда компьютерда ишлашга ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланилганда таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги ошади ва муҳим омил ҳисобланади.

Доц. Н.Х. Лутфуллаева,
магистрант Д. Султонова, ТДИУ

Жаҳон тажрибаси асосида олий таълим тизимини самарали ташкил этиш йўллари

Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида олий таълимнинг ҳалқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда рақобатлаша

оладиган мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий таълим тизимига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур муаммонинг ижтимоий-иқтисодий ва амалий аҳамиятини “Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга катта зарурат сезила бошлади” деб асослайди[2].

Айтиш жоизки, жаҳонда ягона деб тан олинган таълим тизими йўқ. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки ҳар қандай таълимни ташкил этишнинг миллий тажрибаси ҳар бир ҳалқнинг тарихий ва маданий анъаналарига, ҳаётий удумлари, тараққиётнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига бориб тақалувчи, фақат унинг ўзигагина хос бўлган кўплаб тушунчаларни қамраб олади. Ҳар бир мамлакатнинг таълим соҳасини ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳолатини, ҳам миллий ва тарихий анъаналарини қамраган ҳолда кўпдан-кўп ўзгаришларнинг мураккаб функцияси тарзида тасаввур қилиш мумкин. Шу сабабдан ҳам ўзгалар тажрибасини амалда тўғридан-тўғри ўзлаштириш мумкин эмас. Аммо олий мактаб тизимини ташкил этишда жаҳон таълим тизимининг кўплаб белгилари ҳозирга келиб етарлича умумий кўрсаткичларга эга, жумладан турмушнинг етакчи соҳаларида юксак малакали касбий тайёргарликка эга, фанлараро ёндашувни амалга оширишга қодир, табиий, гуманитар ва фалсафий билимларни уйғунлаштира оладиган, мураккаб масалаларни ҳал эта оладиган ҳамда жамоада фаол ишлай оладиган кўникма ва малакага эга инсонларга эҳтиёж мавжуд.

Бинобарин, дунёдаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган таълимнинг ҳолатини белгиловчи тамойилларни билиш нафақат фойдали, балки ўта зарурдир. Хусусан, Японида таълим бобида олиб борилаётган асосий ислоҳотлар таҳлили биздаги педагогик тизимнинг келажагини мустаҳкамлаб боришда амалий тажриба ўрнини эгаллайди. Мутахассисларнинг баҳолашича, Япония таълим тизими ислоҳоти асосини учта муҳим ғоя - байналминаллаштириш, ахборотлаштириш ва тўлақонли шахсни тарбиялаш ташкил этади. Бунда, ҳар хил тилдаги барча ўқув юртларида таълимни байналминаллаштириш мақсадида замонавий ўқув воситаларини татбиқ этиш орқали инглиз тилини ўрганиш ва фаол эгаллашга алоҳида аҳамият берилади. Мажбурий тил дастурларидан ташқари, ўқувчиларга 100 дан ортиқ мамлакатларга доир аудиовизуал материалларни факультатив ўрганиш тавсия этилади. Байналмилаллаштириш вазифаси жумласига Японияда сонини 100 мингдан ортиқ хорижий талабаларни ўқитиш ҳам киради.

Шахснинг ҳар томонлама ўсиши учун бошланғич таълимга, характерининг шаклланишига, шахснинг бутун умри давомидаги камолотига аҳамият берилади. Барча даражадаги ўқув юртларида инсон шахсини ҳурмат қилишга қаратилган тарбия амалга оширилади, ўвувчиларнинг демократик ва жамоатчилик тафаккури ривожлантирилади, уларнинг ижодий имкониятлари ва

[2] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.- 15-16 б.

амалий маҳоратлари кашф этилади. Институтларга киргунча ўн икки йиллик таълим давомидаги ҳар бир йилда япон болалари илмий фанларни ўрганиб борадилар. Ўқитишнинг илк босқичида илмий тафаккурни тараққий эттириш имконини берувчи ўқитишнинг гуруҳ бўлиб ишлаш-ҳамкорликда ишлаш усулига алоҳида эътибор берилади. Чунки Японияда кишининг қадри, унинг жамоага нисбатан ўз бурчини қандай адо этишига кўра баҳоланади. Олий мактаб ўқитувчиси одатда талабаларни кичик гуруҳларга ажратади, улар ўз олдиларига қўйилган мақсадларни ҳал этишгандан сўнг эришилган натижаларни бутун гуруҳга эълон қилади. Бундай ҳолат талабаларда ўзаро ёрдам ва ўз жамоаси муваффақиятлари учун ғурурланиш туйғусини туғдиради. Бинобарин, жамоатчилик мезони японлар қалбида уларнинг нафақат гуруҳнинг балки, олий ўқув юртининг ҳам аъзоси эканлигини англашга ўргатади. Япон талабалари хотирани яхши сақлабгина қолмай, балки ёд олинган нарсани қайтадан хотирада тиклай олишади ҳам.

Японлар поғонали субординацияга риоя қилишади, улар кексаларга хоналарни йиғиштиришда, овқат тайёрлашда, жамоат ишларида кўмаклашадилар[3]. Япон таълим тизимидаги ана шундай ижобий тажрибани эътироф этган ҳолда, педагогик жараён самарадорлигини оширишнинг асосий шарти бўлиб-талабалар жамоаларининг таълимий ва тарбиявий имкониятларига эркинлик бериш билан замонавий таълим стратегияси ишлаб чиқилади (педагог томонидан ўқувчига ўз имкониятларини ривожлантиришда ёрдам бериш билан шахсий ва ижтимоий маанфаатлар юзасидан унинг касб ва ҳаётдаги ўрнини белгилаб олиши).

Бизда ҳам инсон ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари ва механизмларини яратиш, эскича тафаккур ва ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартириш, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой замонавий маданияти, иқтисодиёт, фан, техника ва технология соҳасидаги ютуқлари асосида мутахассислар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартига айланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2069 сонли (вилоят ҳокимининг 2013 йил 3 декабрдаги №269-сонли) қарорига асосан вилоятда 2014 йилда Давлат бюджети, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактабларини, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси, халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 105560,7 млн.сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Бунда жорий йилнинг 31 декабрь ҳолатига барча объектлар бўйича жами 93 414 млн.сўмлик (95,5 %) қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

[3] Абдуллаев Юсуф. Жаҳон олий мактаби: Қиёсий таҳлил // Маъсул муҳаррир: С.С. Ғуломов. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001.-288б.

Жумладан дастурда кўзда тутилган 13 та касб-ҳунар коллежларидан (3 та реконструкция, 10 та мукаммал таъмирлаш) 12 тасида қурилиш-монтаж ишлари якунига етказилиб фойдаланишга топширилди. 1 та объект Бўка туманидаги Агросаноат ва транспорт коллежининг 60 ўқувчи ўринли устахонасини реконструкция қилиш ишлари 90,0 фоизга бажарилган. Бугунги кунда ушбу объектни 2015 йилнинг 1-чорак якуни билан фойдаланишга топшириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг баён лойиҳаси тайёрланмоқда.

Дастурга асосан вилоятда 32 та умумтаълим мактабларини, жумладан 14 та умумтаълим мактабларини реконструкция ва 18 та умумтаълим мактабларини мукаммал таъмирлаш белгиланган бўлиб, амалда барча объектларда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Олий ўқув юртидаги таълим демократик жамият қурилиш назариясини яхши билишни ўз ичига олади. Истиқлолдан кейин таълим жараёнида қўлланилиб келаётган сабоқ бериш ва тарбиялашнинг йўл-йўриқлари, восита ва услублари тизимига ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларини, муомала маданиятини қадрлаш ва маънавият дурдоналарини киритмасдан туриб олий мактабда ўқитиш самарадорлигини ошириш, шарқона тарбия назариясини талабалар онгига сингдириш мумкин эмаслиги дарров кўзга ташланади.

Жаҳон маданияти ва маорифининг илғор ғояларидан оқилона ва унумли фойдаланиш билан бирга бир неча ўн асрлик тарихга эга бўлган, ҳатто унутилиш даражасига бориб қолган миллий туйғу, миллий характер, миллий қиёфа, миллий дидсиз иймон, эътиқод, ватанпарварлик, софлик, виждонлилик, ростгўйлик, масъулият ва бурч каби ҳисларни таркиб топтириб бўлмайди. Миллий психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, бунда тарбияга асосий эътиборни қаратиш, унинг бирламчи эканлигини тан олдириш муҳимдир.

Таълим тизимида талабаларнинг баркамол шахс сифатида ривожланиши – унинг фаоллигига боғлиқ. Талабалар бажарадиган касбий ўқув меҳнати, ижтимоий фойдали ишлар, унумли меҳнат ёшларда касбий малака ва кўникмалар, қобилият ва характер, бошқа шахсий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади. Ўқиш ва ижтимоий фойдали меҳнат натижасида шахснинг фуқаролик қиёфаси тарбияланади, шахс ва жамият манфаати йўлида хизмат қилиш кўникмаси ҳосил бўлади, меҳнатга ва мулкка муносабат ҳисси ривожланади. Фаолиятнинг барча турларида изчил қатнашиш талабанинг мустақиллиги ва ижтимоий фаоллигини оширишда асос бўлиб хизмат қилади, уларда профессионал-касбий сифатлар ва ахлоқий фазилатларни ўстиришга имкон беради.

Бизнингча, назарий таҳлилга кўра жаҳон тажрибаларини эътиборга олган ҳолда педагог томонидан олий таълим тизмида интерфаол усуллардан дарс машғулотларини ташкил этиш, ҳамкорликда ўқитиш усулларидан самарали фойдаланиш айнан ҳам замонавий, ҳам миллий руҳдаги касбий тайёргарликни амалга ошириш учун асос бўлади. Интерфаол сўзи инглизча сўз бўлиб, «inter» - ўзаро ва «act» - ҳаракат қилмоқ маъноларини билдириб, уларнинг умумий мазмуни интерфаол - яъни ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини англатади. Бундай ўзаро ҳаракат турларига “талаба – ўқитувчи” ва “талаба-талаба”нинг мақсадли

ҳаракатларини киритиш мумкин. Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятнинг фаол ташкилотчиси бўлиб, талаба бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади. Интерфаол ўқитиш бу билиш фаолиятини ривожлантиришнинг махсус ташкилий шакли бўлиб, интерфаол ўқитиш жараёнида таълим олувчи ўқитишнинг объектидан ўзаро ҳамкорликнинг субъектига айланиши, ўқув жараёнида фаол иштирок этиши билан тавсифланади.

Ўқитишнинг интерфаол методлари ҳаётий вазиятларни моделлаштириш, ролли ўйинлардан фойдаланиш, муаммоларни ҳамкорликда ечишда кўриб чиқилади. Интерфаол ўқитиш талабалардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнида фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, таълим мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Бунда таълимнинг қуйидаги концепциялари фундаментал асос сифатида хизмат қилади:

- ўқитувчининг жадал фаолияти – ўқув фаолиятининг асосий кўриниши сифатида намоён бўлиб, у мазкур ҳаракатнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида фаолият кўрсатади;
- ўқув фаолиятининг асосий негизи ва натижаси, мазкур фаолиятнинг субъекти – талаба ҳисобланади;
- муваффақиятли ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи, унинг натижаси талабанинг фикрлаш усулларини ўрганиш ва амалий масалаларни ижодий ҳал этиш, эркин, мустақил ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат;
- ўқув фаолиятнинг асосий кўрсаткичи ўқув топшириқлари ҳисобланади. Бунда таълим жараёнининг асосий субъекти бўлган талабада фикрлаш, билиш ҳаракати усулларини ривожлантирувчи ўқитиш тактикаси муҳим ўрин тутади[4]. Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир талабанинг таълим олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини тўлиқ ва сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштиришга замин тайёрлайди.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясида талабаларни ҳамкорликда ўқитишни ташкил этишнинг бир неча методлари мавжуд:

1. Командада ўқитиш.
2. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш.
3. Ҳамкорликда ўқитишни «Зиг-заг ёки арра» методи.
4. Ҳамкорликда ўқитишнинг «Биргаликда ўқиймиз» методи.

[4] Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: Fan va texnologiya, 2014, 18 б.

5. Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи.

Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади. Бу эса уларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялаш, ўқув фаолиятини таҳлил қилиш, истиқболда касбий маҳорат ва саводхонлигини орттириш уларнинг ички эҳтиёжига айлантирилишини талаб этади. Ваҳоланки, педагогик таълим технологияларнинг психологик-педагогик такомиллашуви:

1) ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиш, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтишда;

2) билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтишида;

3) ўртача талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг дифференциалланган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтишда;

4) талабанинг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтишда намоён этади.

Демак, талаба олий ўқув юртида турли фанларни инновацион технологиялар асосида ўрганиш натижасида унда касбий йўналганлик кучаяди, яъни ўз илм, тажриба ва қобилиятини танлаган касби соҳасида қўллаш учун шахсий интилиш ортиб боради. Шахснинг касбий йўналганлигини такомиллаштириш истаги, ўз касби соҳасида меҳнат қилиб, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш истагини ўз ичига олади.

Касбий йўналганлик мазмунидаги ижобий ўзгаришлар эса касб билан боғлиқ бўлиб, мотивлар мустаҳкамланишида кўринади: иш бўйича ўз мажбуриятларини яхши бажаришга интилиш, билимдон мутахассис сифатида ўзини кўрсатиш, мураккаб ўқув вазифаларини муваффақиятли бажаришга интилиш кучаяди, ишда муваффақиятга эришиш истаги кучаяди ва ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб шаклланиш каби буюк мақсад амалга ошади.

Доц. М.Т. Алиева,
магистр Б.Б. Джалалов, ТДИУ

Туристик хизматлар сифатини оширишда ходимларнинг ўрни

Ҳозирги пайтда туризм еҳмонхоналарида халқаро стандартлар (ISO 9000; 14000; HACCP, Total Quality Manegment) принципига асосланган бошқарув тизимини яратмасдан туриб хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш мумкин эмас. Меҳнат ресурсларига қўйиладиган талаблар юқоридаги барча стандартларда мавжуд. Шу талабларга асосан ходимлар асосий капиталга тенглаштирилади, уларга қилинган харажатлар узоқ муддатли инвестиция деб қаралади. Кадрларни режалаштириш хизмат кўрсатиш жараёнини режалаштириш билан боғланиб, ишчи–

ходимлар корпоратив стратегиянинг объектига айланадилар. Натижада бу жараён сертификатланган хизматлар истеъмолчиларини малакасиз ва виждонсиз "мутахассислар"дан ҳимоялайди.

Ходимларнинг малакавий даражасини сертификатлаш уни маълум бир фаолият турига лойиқлигини (малакаси, назарий ва амалий билимларини) расмий тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Ходимларнинг малакавий даражасини сертификатлаш туризм хизматлари сифатининг ошиши ва рақобатбардошлигига олиб келади.

Сифатни бошқариш қонуний таъминотни талаб қилади. Сифатни таъминлаш жараёнига замонавий қараш TQM (сифатни ялпи бошқариш) концепциясида ўз аксини топган. Унинг замирида товар ёки хизматлар ҳаётий циклининг исталган босқичида барча ишлаб чиқариш ресурсларини самарали бошқариш орқали сифатни мажмуали бошқариш ётади.

Туризм меҳмонхоналарининг имкониятларини кенгайтирувчи, стратегик вазифаларидан бири таклиф этиладиган хизматлар сифатини баҳолаш ҳисобланади.

Туризм хизматлари таркибини асосий ва қўшимча хизматларга ажратишади. Бундай ажратишлар шартлидир, чунки истеъмол нуқтаи назаридан улар ўртасида сезиларли фарқ йўқ. Асосий дастурга (турпакетга) киритилган ва йўлланма билан расмийлаштирилган хизматлар асосий ҳисобланади. Қўшимча хизматларни турист ташриф буюрганидан сўнг мустақил харид қилади, улар йўлланма нархига киритилмайди. Асосий ва қўшимча хизмат ўртасидаги фарқ харид пайтида уларнинг туристик пакетда мавжудлиги билан белгиланади. Туристик пакет - туристлар эҳтиёжини қондириш учун тузилган, нархлари, класслари белгилаб қўйилган хизматлар мажмуасидан иборат. Тур - муайян йуналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бронлаштириш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошка хизматлар) билан таъминланган аниқ муддати белгиланган туристик саёҳатдир.

Туризм хизматларининг тақдим этилиш сифати таҳлилини туризм соҳасининг асосий меҳмонхоналари ва билвосита хизмат кўрсатиш жараёнига жалб этилган ёрдамчи меҳмонхоналар бўйича олиб бориш лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, хизматлар истеъмолчиси хизматлар сифатини асосий ва қўшимчага, туризм меҳмонхоналари, инфратузилмасини эса ёрдамчи меҳмонхоналарга ажратмаган ҳолда қабул қилади.

Туризм хизматларининг сифатини ошириш биринчи навбатда қуйидаги туризм инфратузилмаси меҳмонхоналарига боғлиқ бўлади:

- туристик хизматларни ишлаб чиқувчи ва таклиф қилувчи меҳмонхоналар: чиқувчи туризмга ихтисослашган туроператор ва турагентлар;
- туристларни қабул қилишга, яъни кирувчи ва ички туризмга ихтисослашган меҳмонхоналар.
- Ушбу меҳмонхоналар томонидан таклиф этиладиган хизматлар сифати қуйидаги туризм инфратузилмаси контрагентларига боғлиқ:
- транспорт меҳмонхоналари - авиа, авто, сув, темир йўллари транспортлари;
- жойлаштириш меҳмонхоналари - меҳмонхоналар, санаториялар, дам олиш уйлари, кемпинглар, лагерлар, спорт-соғломлаштириш марказлари, мотеллар;

- овқатлантириш меҳмонхоналари – ресторан, кафе, барлар, ошхоналар.
- Қуйидаги меҳмонхоналарнинг фаолияти туризм соҳасига бевосита боғлиқ бўлади:
- маданий муассасалар - музей, театр, галерея, киноконцерт заллари ва ш.к;
- спорт-кўнгилочар муассасалар - стадион, бассейн, тренажер заллари, спорт клублари;
- сувенир, ахборот-маълумотномалар, турист учун зарурий кийим ва ускуналар ишлаб чиқарувчи меҳмонхоналар;
- ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатувчи меҳмонхоналар - гўзаллик салони, тиббиёт муассасалари, кир ювиш, кимёвий тозалаш ва ш.к.

Демак, туризм хизматлари сифати юқорида санаб ўтилган меҳмонхоналар билан узвий боғликдир. Туризм хизматларини яратиш умумий мақсадларни белгилаш, дастлабки башоратларни (мижозлар талаби ва рақобатчилар таклифини ўрганиш) аниқлашдан бошланади. Туризм хизматига индувидуал талаб унинг таркибий сифати ва нархига боғлиқ бўлади.

Туризм турларининг хилма-хиллиги ва шаклларидан қатъи назар, ҳар бир туризм фаолияти умумий талабларни қондириши керак. Ушбу талаблар туристик хизматнинг сифатли бажарилишини таъминлайди. Туризм хизматлари сифатини баҳолашнинг асосий йўналишларига ташкилий ресурслар, меҳмонхона тавсифи ва сервис даражасининг сифатини баҳолаш кабилар киради.

Ташкилий ресурслар сифатини баҳолашнинг асосий таҳлилий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат бўлади: меҳнат сифати, яъни ходимлар малакавийлиги даражаси, меҳмонхонадаги ташкилий-корпоратив маданияти даражаси, меҳнат ресурслари фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичлари. Меҳнат сифатига ходимлар таркибини баҳолашнинг меҳнат кўрсаткичлари тизими ва динамикаси таъсир кўрсатса, булар эса, ўз навбатида, туризм меҳмонхонаси фаолиятининг сифатига таъсир кўрсатади:

- ишчи кучининг ёш таркиби. Меҳнат ресурсларининг анъанавий статистик кўрсаткичи бўлиб, меҳмонхонадаги ходимларнинг ўртача ёши ҳисобланади;
- меҳмонхона ходимларининг маълумоти даражаси ва таркиби;
- ходимларнинг иш стажи. Бу ерда ходимларнинг стаж таркиби икки томонлама кўриб чиқилиши лозим: меҳнат самарадорлиги даражаси билан бевосита боғлиқ умумий стаж ва ушбу меҳмонхонадаги узлуксиз, доимий иш стажи;
- ишчилар сони: ўртача рўйхат бўйича, ўртача келаётганлар сони ва ҳақиқатда ишлаётганларнинг ўртача сони бўйича. Кадрлар сонининг ўзгариши қўнимсизлик кўрсаткичи билан боғлиқ (асосан ёш ходимлар ўртасида) ва 3 йиллик ишдан сўнг бу кўрсаткич пасаяди. Кадрлар қўнимсизлигининг бир йилда 5 % ни ташкил қилиши меъёрга тўғри келади. Кадрлар қўнимсизлиги жараёнини бошқаришда улар ҳақида тўпланган ва таҳлил қилинган маълумот катта аҳамиятга эга. Бу борада мутахассислар олиб борган тадқиқотларга кўра, бир меҳмонхонадан иккинчисига ўтиш ҳаракати ходим ёшига нисбатан тескари мутаносиб бўлади ва 24-25 ёшларда ушбу "кўчишлар" тугайди.
- ходимларнинг ички муҳитда мобиллик коэффициенти. Таҳлил даврида ўз лавозимини нечта ходим ўзгартиргани сонининг меҳмонхонадаги ўртача ходимлар

сонига нисбати билан аниқланади. Мобиллик коэффициенти 1, 3, 5 йиллар учун ҳисобланади.

-мобиллик коэффициентидан ташқари ходимнинг ушбу лавозимда муқум ишлаш муддати, яъни неча фоизи 1 йилгача, 1 йилдан 3 йилгача ва ш.к. ҳисобга олинади. Бундай таҳлил меҳмонхона ичидаги алмашинувлар динамикасини яхшироқ тушуниш имконини беради ва раҳбарият аралашуви шарт бўлган „нозик жойлар”ни аниқлашга имкон беради;

-ходимларнинг адаптация (кўникиш) кўрсаткичи меҳнат фаолияти самарадорлигини, ҳар хил соҳаларда ходимлар фаоллигини таъминлайди ва уларнинг ишдан мамнунлик даражасини билдиради;

-меҳмонхонанинг кадрлар сиёсати ва унинг алоҳида йўналишларига ишчи-ходимлар муносабатини билиш учун анкета ва интервьюлар ёрдамида аниқлаш, таҳлил қилиш усуллари қўлланилади. Бундай тадқиқотлар меҳмонхонага тегишли бошқа кенг қўламли масалаларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Туризм хизматлари хусусиятларини таҳлил қилар эканмиз, хизматлар мижоз ва ижро этувчиларнинг ўзаро таъсири натижасида ташкил топганлиги сабабли, туризм хизматларини таклиф этиш жараёни истеъмол билан бирга, параллел равишда рўй беради. Демак, фронтлайн менежменти асосий эътиборни мижоз билан бевосита муносабатга киришадиган ходимларга қаратиши керак. Фронтлайн - хизматлар истеъмолини қониқтириш жараёнида, кам харажатлар эвазига сезиларли натижаларга эришадиган мулоқот зонаси ходимларининг хатти-ҳаракатлари ва ташқи кўриниши бўйича стандартлар ва жараёнлардан иборатдир. Раҳбарият ишчи-ходимларга тегишли сиёсатни жорий қилаётганда ушбу сиёсат хизматлар мазмунини яратувчи омил бўлишини ҳам унутмаслиги лозим. Товар харидидан фарқли равишда, туризм хизматлари харидини амалга ошираётганда мижоз Туризм меҳмонхонаси ходими билан бевосита муносабатда бўлади. Фронтлайндаги ходим хатти-ҳаракатлари мижоз учун таклиф этилаётган хизматларнинг сифат даражаси, ходимнинг маданиятлилик даражаси ҳақида ҳам ахборот беради. Бошқача қилиб айтганда, ишчи кучи менежментида мижозлар билан бевосита мулоқот қиладиган ходимларни танлаш жараёни, жой-жойига тайинлаш, бошқариш, рағбатлантириш ва назорат қилиш харидорлар умидига мувофиқ келиши керак. Бир неча йиллар давомида сифат менежментидан (TQM) фойдаланаётган меҳмонхоналар бу масалада анча яхши натижаларга эришганлар. Сифат менежментида ушбу натижалар мижозлар ва ходимларнинг қониққанлик даражасини баҳолаш билан аниқланади.

Туризм меҳмонхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш ресурси фронтлайнда жойлашган. Мулоқот зонаси ходими ва мижоз ўртасидаги алоқа индивидумга боғлиқ бўлган ўта “нозик” масаладир, яъни у фақат ўртача статистик кўрсаткич билан тавсифланади. Шунинг учун маркетинг бўлими истеъмолчилар фикрини доимо ўрганиб бориб, уларнинг танловларига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашлари ва ходимлар бўйича менежерлар (HR) билан ҳамкорликда меҳмонхонанинг ягона бошқарув тизимини яратишлари керак. Аммо меҳмонхонада “мушт қоидаси” ҳам амал қилади. Унга кўра “ёмон

ишлаётган ходимларнинг 10 %ни доимо янгилаб туриш зарур, шундагина фронтлайн сифати яхшиланади”.

Хизмат кўрсатишнинг ташқи шароитларини ўзгартириш ва ходимнинг хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш орқали сервис маданиятини ошириш зарур. Туристик бизнес сифатини аниқлаш сервис даражаси ва маркетинг ҳаракатларини баҳолаш орқали амалга оширилади. У қуйидаги мезонлар бўйича баҳолашни назарда тутади: харид қулайлиги, тезкорлик ва мобиллик, эътирозларга муносабат. Мижозга хизмат кўрсатиш нафақат туристик хизматларни унга сотишни ўз ичига олади, балки турист ташрифи жараёнида нохуш ҳолатларни аниқлаб, кейинчалик уларни бартараф этиш ҳам киради.

Сифатни оширишнинг иккинчи йўналиши бу хизматларни сертификат-лаштириш ва лицензиялаштиришдир. Туризм меҳмонхоналари кейинги йўналишда сертификати мавжуд ҳамкорлар билан ишлашга эътибор қаратмоғи зарур. Демак, нафақат туризм меҳмонхоналари, балки туризм индустриясининг ёрдамчи меҳмонхоналари ҳам сертификатга эга бўлиши лозим. Халқаро ва миллий мувофиқлик сертификатига эга ҳамкорлар билан ишлаш хизмат кўрсатишни юқори даражали бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари, таклиф этиладиган хизматлар сифати учун мажбуриятни таъминловчи самарали суғурта институтларини ташкил этиш ҳам зарурдир. Бу институт иқтисодий жараёнда иштирок этаётган барча иштирокчилар (истеъмолчи, тадбиркор, давлат) манфаатига тўғри келсагина мақсадли ҳисобланади. Демак, сифат менежментининг мажмуали тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- туризм хизматлари сифатини баҳоловчи мезонларни ишлаб чиқиш;
- олинган мезонлар ёрдамида сифат мониторингини олиб бориш;
- туризм бизнесини такомиллаштириш бўйича тадбирлар жорий этиш.

Сифатни баҳолаш мезони ўз ичига ташкилий ресурсларни баҳолаш кўрсаткичлари, меҳмонхона тавсифи ва сервис даражаси мезонларини олади. Таклиф этилаётган хизматлар сифатини баҳолаш ва мониторингини ўтказиш, туризм хизматлари сифати даражасига ушбу мезонлардаги ўзгаришларнинг таъсирини шунингдек, меҳмонхонанинг бозордаги ҳолати ва ривожланиш истиқболини аниқлаши ҳам зарур бўлади. Туризм хизматлари сифатини оширишнинг асосий йўналишлари сервис даражаси, меҳнат жараёни сифати ва янги технологияларнинг туризм бизнесида жорий қилишнинг ўзаро боғлиқлигида ифодаланади.

Биз меҳмонхона ичидаги амалга оширилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар тавсифи, шунингдек, меҳмонхона фаолиятининг ташқи муҳит билан алоқалари натижасидаги ўзгаришлар, туризм меҳмонхонаси фаолиятини сертификатлаш, сертификати мавжуд ҳамкорларни танлаш, туристик йўналишни танлаш каби муҳим омилларнинг туризм хизматлари сифати ва рақобатбардошлигига таъсирини кўриб чиқдик.

Олинган кўрсаткичлар тизими туризм хизматлари сифатини самарали бошқариш масаласини ҳал қилади. Бу, ўз навбатида, хизматлар, туризм меҳмонхоналари ва умуман минтақа, мамлакатнинг рақобатбардошлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Т.ф.д., проф. Қ.Эргашев, ЎзР Турон ФА академиги,
кат. ўқит. Ҳ. Эргашева, ТДИУ

Ёшлар тарбиясида миллий ғоя ва унинг ажралмас қисми-Ватан тарихининг беқиёс ўрни

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб, ўз танлаган йўлидан тараққиёт, Озод ва обод Ватан сари илдам қадамлар билан бораётганига 24 йилдан ошмоқда. Бу давр мобайнидаги ютуқларимизнинг бош омили истиқлолдир. Чунки истиқлол туфайли инсон ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англади, юртимизда яшаётган миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланди.

Ўтган даврда халқимиз турли синов ва қийинчиликларга қарамай, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонди. Шу боис ҳам истиқлолнинг йигирма тўрт йиллик байрам тантаналари "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним, Ўзбекистоним!" деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этди.

Ўтган 24 йилдан ортиқроқ давр давомида Ўзбекистон, айниқса, мустақил ва эркин фикрлайдиган, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Бу борада барча куч-қудрат ва имкониятларнинг сафарбар этилиши ўзининг амалий натижаларини берди. Бугун Ўзбекистон таълим-тарбия соҳасида жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётганлигини нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари ҳам эътироф этмоқдалар.

Ҳаёт тажрибаси кўп нарсани ўргатади. Истиқлол даврида содир бўлган нохуш воқеалар бизни кўп нарсага ўргатибгина қолмай, уларни олдини олиш учун изланишларга ҳам чорлади. Мустақил тараққиёт давридаги ислоҳотларимизни ғоявий ҳимоя қилиш зарурати туғилди.

Жамиятимиз аҳлининг аниқ мақсади-муддаоси бўлиши лозим эди. Ана шу мақсадга элтувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ керак эди. Шу боис шахсан И.А.Каримов ташаббуси билан миллий истиқлол ғоямиз ва мафкурамиз шакллана бошлади.

Миллий истиқлол ғоямизнинг шаклланиши, уни одамларимиз онгига сингдиришдан асосий мақсад – И.А.Каримов айтганларидек: "...одамларимиз, аввалambор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришиш"[1] дан иборат эди. Мана шундай ғоявий ҳимоя ўзга мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларидан сақлаши мумкин эди. Шу боис

[1]Қаралсин: Каримов И.А. Миллий Истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т.: Ўзбекистон, 2000, 11-бет

ҳам биз юртбошимиз кўрсатиб берган ўз миллий ғояси ва мафкураси билан қуролланган инсонларгина ўзга мафкура таъсирига учрамаслиги, исталган жойда, исталган пайтда ўзга ғояга қарши фақат ўз ғояси, ўзга фикрга қарши фақат ўз фикри, жаҳолатга қарши фақат маърифати билан баҳслашиши ва олишиши мумкин деган қоидага тўлиқ амал қилдик.

Миллий ғояни яратиш ва уни одамларимиз онгига сингдириш ҳаётий зарурат даражасига кўтарилган экан, бу ҳаётий эҳтиёжда ҳам Ватанимиз тарихи муҳим ролни ўйнайди. Шу боис ҳам И. Каримов миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба – ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмаслигини[1] алоҳида тушунтириб берган эдилар.

“Миллий ғоя ва миллий мафкура ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур”[2] экан, бундай фазилатлар ўз тарихини билиш ва тарихий хотира туфайли вужудга келади.

Шаклланаётган миллий ғоямизда бой маданий, маънавий меросимиз, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти билан биргаликда бой тарихий меросимиз ҳам ўз аксини топмоқда. Чунки кишиларимизда миллий ғурур, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш ўзлигини англаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзликни англаш эса ўз тарихини билишдан бошланади. Бунинг устига истиқлолимизнинг даъватлари ҳам бугунги дориламон кунларнинг қадрини теран ҳис этиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги кунда ўз Ватани тарихини билмоқ ва бу залварли манбанинг узоқ-яқин даврларига доир саҳифаларини доимий варақлаб турмоқ ҳар бир маърифатли фуқаронинг виждон ишидир. Дархақиқат, миллат бўлиб шаклланган халқлар ўз ўтмишини ота-боболарини танигандай таниса, юртлари тарихини ҳовли-жойи, қишлоқ қўрғонини билгандай биладилар. Акс ҳолда Ватан туйғуси шунчаки ҳавойи гап, ватанпарварликка даъват эса бесамар уринишлар бўлиб қолаверади.

Шу боис ҳам ҳаққоний тарихимизни холисона ёритиб, уни ёшларга сингдириш борасида қилинаётган ишларни, бу борада шахсан Юртбошимиз кўрсатаётган ташаббусларни кампаниябозлик, дабдабабозлик деб тушунмасдан, истиқлолимизнинг даъвати ва талаби деб тушунмоқ керак.

Ёшларимиз онгига янги, холисона ва ҳаққоний яратилган тарихимизни сингдириш орқали юртимизнинг инсоният цивилизациясининг дастлабки ўчоқларидан бири эканлигини, буюк Зардушт шу юрт фарзандилигини, “Авесто”нинг шу юртда яратилганлигини, давлатчилигимиз тарихининг 3000 йилларга бориб тақалишини, бугунги халқ аждодларини қадим-қадимдан шу юрт соҳиблари бўлганлигини, аждодларимиз не-не босқинчилар зулмига бардош бериб, доимо озодликка интилиб, курашлар билан яшаганликларини, бу юрт илм-фан аҳлининг дунёда биринчи “уйғониши”ни бошлаб бериб, жаҳон

[1]Ўша манба 26-27 бет.

Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон, 1998.15-бет

илму фани бешигини тебратганлигини, дунёни лол қолдирган, Руссияни муғул истибдодидан, Оврупани кучли босқиндан халос этган йирик саркарда, давлат бошқаришда мактаб яратган Амир Темурдек буюк зот шу юрт фарзанди эканлигини, подшо Руссияси босқини давридаги “исёнчилар”ни, совет тузуми давридаги “босмачи”, “халқ душманлари”ни ҳақиқатда озодлик учун курашган истиқлолчилар эканлигини сингдириш билан уларда бу юрт, бу халқнинг илдизи қандай мустаҳкам бўлганлиги, бундай пойдеворга эга бўлган халқнинг, юртнинг келажаги ҳам буюк бўлишига ишончини орттиради, ана шу буюк келажак сари даъват этади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитига мос, истиқлолимиз талабларига жавоб берадиган, демократик, ҳуқуқий инсонпарвар жамият қурилишига муносиб ўз ҳиссасини қўшадиган ёш мутахассисларни тарбиялаб етиштиришда Ватанимиз тарихи фанининг аҳамияти яна ҳам ошиб бормоқда. Бас, шундай экан, бу фан ўқитувчиларининг масъулияти ҳам қщйилган мақсадга қараб тўғри йўналтирилмоғи бугунги куннинг талабидир.

Бугунги кунда миллий истиқлол ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойилларини ёшларга сингдириш борасида олиб борилаётган ишларимиз қай даражада? Қилаётган ишларимиз етарлими?

Ҳақиқатан ҳам, биз жамиятимиз, юртимиз, халқимиз манфаати учун хизмат қиладиган муҳим дастурларнинг кўргазмали тарғиботини асосан керакли жойларда қиламиз-у, маълум бир фирмалар, ташкилот ва гуруҳлар учун хизмат қиладиган тарғиботларни деярли ҳамма жойда, трамвайда ҳам, метрода ҳам қилаверамиз.

Миллий истиқлол ғоямиз шаклланган билан у инсонлар онгига тўғри ва самара берадиган қилиб синдирилмаса, у халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қила олмаслиги, олдимизга қўйган бош мақсадимизга элтувчи байроқ ролини ўтай олмаслиги мумкин.

Бугунги кунда олий ўқув юртларида халол, пок, шу куннинг ҳавосидан нафас олиб, бутун юрт, халқ манфаати деб хизмат қилаётган профессор-ўқитувчиларимиз кўпчиликни ташкил этади. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани ўқитилаётгандан буён турли текширувлар, олинаётган назорат ишлари, синов имтиҳонлари юқори курс талабаларининг бу борадаги билимлари юқорилигини, уларнинг янгича фикрлашини кўрсатмоқда. Буни тан олиш керак. Бироы, бу фанни қайси пайтда ўқитиш борасида фикримиз ўзгачароқ.

Бу фан 2000-2001 ўқув йилининг 2-семестридан эътиборан юқори, битирувчи курсларда ўқитила бошланди. Бу тутилган йўлнинг ножоизлиги шундаки, айрим мактаб, ўрта махсус ва касб ҳунар ўқув юртларида саёз билим бериш сабаб, 1-курсга ўқишга кирган талаба 4-курсга боргунча миллий истиқлол ғоямизнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари хусусида тўлиқ билимга эга эмаслар.

Ижтимоий фанлар ҳар бир курсда ўқитилади. Фикримизча, миллий истиқлол ғояси 1-курсда ўқитилиб, 2, 3, 4-курсларда бошқа ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида мазмун ва моҳияти яна ҳам тўлиқроқ сингдирилиб борилса, бу фанлар жорий имтиҳонларида ва айниқса ижтимоий фанлар бўйича

Давлат Аттестациясида ҳам вариантларга миллий истиқлол ғояси юзасидан етарли даражада саволлар киритилса, мақсадларимиз самарали бўлиши мумкин.

Олдимизга қўйган эзгу мақсадимизга етакловчи миллий ғоямизнинг мазмун ва моҳиятини ёшларимиз онгига сингдириш республикамиз барча аҳлининг иши бўлиб турган бугунги кунда, бу масъул ишнинг олдинги қаторида бўлиш биз тарихчи – ўқитувчиларнинг асосий бурчимиздир. Чунки бизнинг бой тарихимиз билан қуролланган ҳар бир ёш ғурурли, ифтихорли, ватанпарвар бўлади, бундай инсонлар эса иродали инсон бўлиб, ўзга ғоялар таъсирига берилмайди. Улар мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдилар.

Доц. Д.М.Файзуллаева,
магистрант И. Ниёзова, ТДИУ

Ўқув жараёнида талабаларни мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириш муҳимлиги

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий ғояси баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутади. Баркамол шахснинг муҳим сифатлари бўлган мустақил ва ижодий фикрлаш, ишлаш қобилиятларини тарбиялаш таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Миллий моделнинг марказида шахс сифатлари турар экан таълим методларини шу асосида танлаш ва қўллаш ишларини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, таълим муассасаларида ўқитиладиган махсус фан дарслари ўқувчиларни дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли кейинги пайтда бу соҳада ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда.

Замонавий таълим шароитида юксак малакали кичик мутахассисларни истеъмолчилар талабларига қараб тайёрланиши, ўқувчиларнинг танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантирилиши, мустақил равишда билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатилиши таъминланиши керак.

Шунинг учун ҳам, тадқиқотчилар ва илғор ўқитувчилар ўқувчиларда ўқув фаолиятига ижодий ёндашишни ривожлантириш йўллари, технологиялари ва усулларини қидириб топмоқдалар. Бугунги кунда таълим жараёнида ижобий самара бераётган илғор педагогик технологиялардан бири муаммоли ўқитишдир. Муаммоли ўқитиш махсус кўринишдаги мотивация – муаммони яратишга асосланган, шунинг учун, муаммоли вазиятларни занжир каби тақдим этадиган материални дидактик мазмунини адекват тузишни талаб этади.

Махсус фанлар муаммоли ўқитиш технологиясининг асосий вазифаси – ўқувчиларнинг махсус фанга оид билимлар тизимини ва ақлий фаолият усулларини самарали ўзлаштиришларига ёрдам бериш, уларда олган билимларни касбий фаолиятларида пайдо бўладиган янги вазиятларда ижодий қўллай олиш, махсус фанга оид ўқув муаммоларини ечиш кўникмаларини ҳосил қилиш, мустақил билим орттириш қобилиятларини сингдиришдан иборат.

Муаммоли ўқитиш технологияси махсус фанлар таълими жараёнини амалга оширишда универсал восита ҳисобланади. Бу технология ўқувчилар вазиятли масалани излаш фаолиятига эга бўлгандагина, муаммони ифодалаш ва ечишга тайёрлангандагина самарали бўлади. Махсус фан ўқитувчиси дарсга тайёрланар экан, бирор ўқитиш технологиясини ёки уларнинг бирикмасини танлаши, дарснинг мақсади, махсус фан ўқув материалининг мазмуни, аудитория характери, унинг тайёрлик даражасига асосланиши лозим.

Т.В. Кудрявцев муаммоли ўқитиш моҳиятини қуйидагида кўради: муаммоли ўқитиш ўқувчилар олдида муаммоли вазиятларни яратишда, ўқувчиларнинг мустақиллигида ва ўқитувчининг умумий раҳбарлиги остида, мактаб ўқувчиларининг ўқитувчи билан биргаликда фаолияти боришида бу вазиятларни англаш, қабул қилиш ва ҳал қилишда хулоса қилинади. Бироқ, бундай аниқлаш муаммоли ўқитишни тушунишнинг бутун ҳажмини акс эттирмайди. Бундан ташқари, баъзан ўқитишнинг тадқиқот усуллари гуруҳи ҳам муаммоли ўқитиш деб юритилади. Эҳтимол, бу ерда “муаммоли” сўзини тадқиқот маъносида тушуниш таъсир кўрсатади.

Махсус фан ўқитувчиси томонидан қўйилган муаммони ҳал этиш жараёнида ўқувчи маълумотларни қайта ишлабгина қолмайди, балки уларни ўзлаштиради ва ўзи учун янги билимларни кашф этади. Муаммоли ўқитишнинг асосий моҳияти ва афзаллиги шундаки, ўқитувчи таълим усуллари (муаммоли саволлар қўйиш, фаразларни илгари суриш ва уларни тасдиқлаш ёки рад этиш, ўқувчиларга “ёрдам сўраб” мурожаат этиш ва бошқалар) орқали уларни ижодий фикрлаш ва мунозарага чорлайди.

Махсус фанларни ўқитишдаги муаммоли методлар – фандан муаммоли вазиятлар яратишга, ўқувчиларнинг махсус фанлардан билимларини фаоллаштиришни талаб этадиган, мураккаб масалаларни излаш ва ечишга, таҳлилга, алоҳида фактлар ортида ҳодиса ва қонунларни кўра олишларига асосланган методлардир. Муаммоли таълим технологияларида муаммоли вазият яратиш, саволларни тўғри қўя билиш ва уларнинг ечимини гуруҳ билан бирга ва якка ҳолда излаш катта аҳамият касб этади. Муаммоли ўқитиш жараёнини қуриш учун мос равишдаги муаммоли вазиятларни олдиндан кўзда тутилган ва тизимли яратиш талаб қилинади. Қуйида келтирилганлар махсус фанларни ўқитиш амалиёти учун аҳамиятлидир.

Биринчи тоифа. Муаммоли вазият кўпинча ўқувчи янги амалий шароитларда олдин ўзлаштирган билимдан фойдаланиш зарурати билан дуч келганда ҳосил бўлади. Бунда ўқувчилар амалий топшириқларни ечиш учун билим, кўникма ва малакаларнинг етарлича эмаслиги далили билан тез-тез дуч

келади. Бу далилни англаш ўқувчиларда онгли қизиқишни уйғотади ва янги билимларни излашга ундайди.

Иккинчи тоифа. Топшириқни ечишнинг назарий мумкин бўлган йўли ва танланган усулнинг амалий жиҳатдан амалга оширилмаслиги орасида қарама-қаршилик бўлган ҳолда муаммоли вазият осон юзага келади.

Учинчи тоифа. Ўқув топшириғини бажариш натижаларига амалий жиҳатдан эришиш ва ўқувчиларда уни назарий асослаш учун билимларнинг йўқлиги орасида қарама-қаршилик бўлганда муаммоли вазият юзага келади.

Тўртинчи тоифани энг кўп тарқалган деб ҳисоблаш мумкин. Агар ўқувчилар қўйилган масаланинг ечиш усулини билмаса, яъни ўқувчилар томонидан янги далилни тушунтириш учун олдинги билимларининг етарли эмаслиги тан олинган ҳолда муаммоли вазият юзага келади.

Ўқитувчи аниқ ўқув мақсадларига йўналтирилган саволлар ва топшириқлар ишлаб чиқиши лозим. Муаммоли саволларни ҳал этишда ёки топшириқларни бажаришда ўқувчиларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатига туртки беради ва жараённи назорат қилади. Ўқувчи эса, ўз таълимининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади.

Муаммоли вазиятларни яратишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Муаммоли вазият ўқувчиларни ишлаб чиқариш фаолиятига асосланган бўлиши керак.

2. Муаммоли топшириқ доимо махсус фандан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалар даражасига мос бўлиши лозим.

3. Муаммоли вазият янги мавзуни тушунтиришдан олдин қўйилиши керак. Агар, муаммоли вазиятни ҳал этишга ўқувчилар малакаси етарли бўлмаса, уларга айрим амалларни бажаришдаги иш усулларини кўрсатиш, зарур бўлган махсус фан билимларини эслатиш лозим.

4. Махсус фанга оид билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши махсус фан ўқитувчисининг раҳбарлиги остида муаммоли вазиятларни ҳал этиш йўли билан амалга оширилади. У ўқув жараёнида, хулоса чиқаришга ёрдам берувчи йўлловчи саволлар беришни ҳам назарда тутиши лозим.

Махсус фанларда муаммоли вазиятни ўрганиш махсус фани мавзусига оид материални таҳлил қилишда ўқувчи шу вазиятга ўзи киришиши, уни тушуниши, баҳолай олиши керак. Ушбу ҳолатда ўқувчи қандай муаммо борлиги ва қўйилаётган муаммонинг моҳияти нимада эканини аниқлаши лозим, муаммони ҳал этишдаги ўзининг ўрни ва бунда ўзини қандай тутиши кераклигини белгилаши керак. Махсус фанлардан муаммоли вазиятни қўйиш: тайёрлов, танишув, таҳлил ва якуний қарор қабул қилиш каби босқичларга бўлинади.

Муаммоли вазият ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатдан махсус фанларни ўқитишдаги мантиқий кетма-кетликка ўхшайди. Кетма-кетлик принципи шундан иборатки, бунда таълимнинг даражаси жиҳатдан юқори ҳар бир босқичда ўқитиш мазмунини аниқлашда аввалги босқичларда ўзлаштирилган билимлар, яъни таълим ҳисобга олинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, муаммоли вазият касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини бўлажак касбларига бўлган қизиқишларини орттиришнинг энг муҳим омили бўлади.

Махсус фан ўқув дастурларига мувофиқ ўтиладиган маъруза, амалий машғулот ва лаборатория дарслари учун тузилган тарқатма материалларда келтирилган муаммоли топшириқларга мос ўқувчилар мустақил равишда тайёрлаб келадиган саволлари ифодаланиб машғулотларни ташкил этиш, уларнинг ижодий фикрлашини уйғотишда муҳим аҳамият касб этади. Вазиятли масалаларни гуруҳнинг барча қатнашчилари билан биргаликда
муҳокама қилиш мумкин. Бунда юқори натижаларга эришишни таъминловчи омилларни назарда тутиш лозим.

Гуруҳда ишлашда монелик (тўсқинлик, қаршилик қилиш, йўл қўймаслик) ва тобелик (ўқитувчининг фикрига қарамлик, итоаткорлик)дан озод бўлиш ва вазиятли топшириқни ечишдаги имкониятларини махсус психологик асослаш орқали ҳар бир ўқувчининг фикрлашини рағбатлантириш керак. Тўғри ечим таклиф этилиши билан муҳокама тугалланади, деган фикр нотўғри бўлиб, гуруҳда билдирилган ижодий фикр мулоқот тарзда тадқиқ этилиши лозим. Юқори самарадорликка эришишни таъминловчи асосий сабабларнинг биринчиси, ўқувчиларнинг ижодий гуруҳига нисбатан фаолроқ шахслар қўшилади ва уларнинг муаммоли масалани ечишда қатнашиши катта самара келтиради. Ижодий фикрлашни ташкил этишнинг юқорида тавсия этилган тизимда ўқувчилар фикрлаш ва ижодий қобилиятни ривожлантириш ва намоён этиш, гуруҳда муваффақиятли ишлаш кабилардан унумли фойдаланадилар.

Муаммоли ўқитишда *ўқитувчининг фаолияти* қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- ўқувчилар эътиборига мавзу бўйича муаммоли саволлар ҳавола этади;
- ушбу саволларнинг ечимини топишга йўналиш беради;
- ўқувчилар томонидан берилган ечимларнинг тўғрилигини исботлашни таклиф этади;
- агар ўқувчилар томонидан берилган ечимлар тўғри бўлса, махсус фан мавзуси юзасидан олинган билимлар бўйича хулоса қилишларини тавсия қилади;
- ўқувчилар томонидан берилган фаразлар ноаниқ бўлса, у ҳолда ечимга яқинлаштирувчи савол қўяди;
- жавоб ва ечимлар бўйича ўқувчиларни рағбатлантиради ёки баъзи ноаниқликларни кўрсатади;
- махсус фандан олинган янги билимларни мустаҳкамловчи саволларни қўяди;
- олинган махсус фаннинг назарий билимларини амалиётда қўллаш учун машқ ёки топшириқ беради.

Ўқувчининг фаолияти қуйидагилардан иборат:

- мавзу муаммосининг саволларини қабул қилади ва уни ечим йўлларини излай бошлайди;
- берилган савол бўйича ечимнинг ҳар хил вариантларини таклиф қилади;

▪ берган фаразларидан бирининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилади;

▪ янги эгалланган билимлари тўғрисида хулоса ва фикрлар билдиради;

▪ тўғри ечимни излайди;

▪ мавзу бўйича кўпроқ маълумотга эга бўлади;

▪ берилган таклиф, ечимлар ҳамда хулосаларни такрорлаш орқали билимларини мустаҳкамлайди;

▪ махсус фаннинг назарий билимларини амалиётда қўллашга йўналтирилган топшириқларни бажаради.

Махсус фанлардан ўтказилаётган муаммоли ўқитиш самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятига боғлиқ. Муаммоли ўқитиш ўқувчиларнинг илмий-изланувчанлик қобилиятини шакллантиради, уларнинг билим олиш фаоллигини оширади.

Ўқитувчи муаммоли ўқитишда ўқувчиларнинг билим орттириш фаолиятини шундай ташкил этиши лозимки, ўқувчилар далилларни тизимли таҳлил этиш асосида интеллектуал қийинчиликларни мустақил ҳал эта олсин, хулоса чиқариш ва умумлаштиришни бажарсин, қонуниятларни ифодаласин, олган билимларини касбий фаолиятининг янги вазиятларида қўллай олсин.

Бундай ўқитишда ўқувчиларда билимларни мустақил олиш, фаразларни олдинга суриш ва уларни исботлаш йўли билан ақлий фаолиятнинг янги усулларини топиш, билимларни қўлланиш кўникмаларини яратиш, диққат ва тасаввурни ривожлантириш қобилиятлари шакллантирилади. Пировардида буларнинг барчаси билим орттириш фаоллигини ривожлантиришга кўмаклашади. Махсус фанлардан ўқув муаммоларини қўйиш жараёнини енгиллаштириш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

- муаммони ечиш йўли билан ўзлаштириладиган янги билимлар бевосита боғлиқ бўлган, илгари ўзлаштирилган билимларни юзага чиқармасдан туриб, муаммони қўйиш мумкин эмас;

- муаммоли топшириқларни ташкил этишдан аввал ўқувчиларнинг сабаб-оқибат ўртасидаги боғланишларни аниқлаш усулларини билишларига ишонч ҳосил қилиш керак;

- ўқитувчи ўқувчилар тушуна оладиган муаммоларнигина қўйиши керак;

- муаммони самарали ечиш уни тўғри ифодалаб қўйишдан бошланади.

Бу қоидаларни бажариш ўқув материали мазмунининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ўқув материалининг таркиби ва мантиқий тузилишига қатор талабларни қўяди. Махсус фан ўқув материалида қуйидагилар бўлиши лозим:

• янгилик элементлари (янги тушунчалар, белгилар, хоссалар, боғланишлар, ҳаракат, иш усуллари ва ҳ.к.);

• маълум ва янги билимлар ўртасида қарама-қаршиликлар (бири бошқасини инкор қиладиган, зиддиятли далиллар, саволлар);

• ўқув материали педагогик назарияга мос ҳолда мантиқий адекват (бир маънода) баён этилган бўлиши лозим.

Доцентлар Н.Т. Шоюсупова,
М.Т. Асқарова, ТДИУ

Талабаларда иқтисодий муносабатларга оид тушунчаларни шакллантиришда қўлланиладиган инновацион таълим усуллари

Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларни қўллаш орқали узлуксиз таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Педагогик технологиялар – таълим бериш ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш ёрдамида талабаларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятини берувчи ўқув воситалари бўлиб, у ўзига хос дидактик ва услубий асосга эга.

Шунингдек, замонавий педагогик технологиянинг энг асосий негизи – ўқитувчи ва талаба-талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқдир. Таълим жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланадиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба-талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиб, ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талаба – талабалар мустақил фикрлаб, ижодий ишлай олсалар – таълим жараёнининг асоси ҳисобланади.

Иқтисодий фанларнинг ўқитилиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида, педагогик технологияларни замонавий ахборот технологиялар имкониятлари асосида уч турдаги ўқув машғулотларига, яъни маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ҳолда қўллаш тавсия этилади.

Иқтисодий фанлардан ўрганилаётган материалларнинг ўқув соатлари миқдори ҳисобга олинган ҳолда мавзу блокларига ажратилади, ҳар бир маъруза мавзу блокига 2-8 ўқув соати оралиғида вақт ажратилади ҳамда ушбу мавзу блокига мос амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни ва ҳажми белгиланади. Бу усулда ҳар бир мавзуни ўрганишдаги ички изчиллик ва узвийлик тўла сақланади ва талабаларда мавзуга оид малака ва кўникмаларни тўлароқ ва мақсадлироқ шакллантириш имконияти кучаяди.

Ўқитишдаги иннновацион технологиялар – талабаларнинг тизимли ижодий фикрлашини ва ижодий масалаларни ечишда ностандарт ғоя-фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган технологиялардир.

Инновацион ўқитишнинг пировард натижаси қуйидагилардан иборат:

- талабада бошқа кўпчилик одамлар учун кўринмайдиган нарсани кўриш қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш;

- талабанинг кўрганини, янги нарса яратиш нуқтаи назаридан, таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш. Бунда фақат янгилик эмас, балки муаммо ёки масалани самарали ҳал этиш мақсади қўйилади.

Инновация – янги технологияларга, ноу-хау, янги ишлаб чиқариш омилларига татбиқ этилган янги билимлардан фойдаланиш (ёки маълум билимлардан янгича фойдаланиш) йўли билан янги эҳтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракат ёки бундай ҳаракат натижаси (ёки эски эҳтиёжни анча

самарали қондиришнинг янги йўлини таклиф этиш). Инновация мақсади – юқори джаражада бозорбоп янги маҳсулот ёки хизматларни олишдан иборат.

Ўқитишдаги инновацион технологиялар учта мақсадни кўзда тутади:

- талабанинг шахсий-интеллектуал ва маънавий жиҳатдан юқори даражада ривожланишини таъминлаш;
- талабанинг илмий тадқиқотлар кўникмаларини эгаллаши ва бунга мос фикрлаш тарзини пайдо қилиш;
- ижтимоий-иқтисодий ва касб доираларида янгиликлар киритиш методологияларини билиш.

Биринчи мақсад давлат таълим стандартларида кўрсатилган ижтимоий-гуманитар, математик ва табиий фанларни ўқитиш йўли билан таъминланади.

Бунда барча фанлар талабаларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини, ўз фикрини оғзаки ва ёзма ифодалаш маҳоратини ривожлантиришга қаратилган мос ўқитиш технологияларидан фойдаланилади.

Иккинчи мақсад илмий тадқиқот кўникмаларини эгаллашдан иборат бўлиб, бунга фундаментал умумкасбий фанларни ўрганишда эришилади. Бу фанлар ижодий фикрлашни таъминлайдиган ва билиш жараёнини фаоллаштирадиган ўқитишнинг креатив технологияси, муаммоли ўқитиш технологияси ва б. ни қўлланиб ўқитилади.

Учинчи мақсад инновацион фикрлашни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунга талабалар махсус фанларни танқидий фикрлашни ривожлантирувчи ўқитиш технологиялари асосида ўрганиши орқали эришилади.

Таълимнинг инновационлигини аниқловчи муҳим омиллардан бири таълим дастурларидир. Таълим дастурларининг инновационликка таъсири қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- таркиби, мазмуни ва муаммолиги;
- нафақат тушунишни, балки маҳоратни ҳам таъминлайдиган мўлжал;
- расмий ва норасмий таълимни қўшиш;
- кўп вариантлилик, альтернативлик (муқобиллик) ва кўп жиҳатлилик;
- истиқболлик;
- таълим дастурини бажарувчилар таркиби.

Инновацион таълим дастурлари талабаларда қуйидаги:

- мавжуд бўлганларини янгича кўриш ва бунинг асосида янги ечимларни таклиф этиш;
- ривожланган тасаввур тасаввур ҳамда образларни фаолиятнинг бир соҳасидан бошқасига кўчириш;
- танланган фаолият соҳасида янги ўринларни эгаллаш ниятида фаросатли таваккаллик;
- ижодий фаолият методларидан фойдаланиш қобилиятларини ривожлантириши лозим.

Таълимнинг инновационлигини тавсифловчи бошқа муҳим омил инновацион динамикадир**.** Бу, жараённинг босқичларини, бошланғич илмий билимларни натижаловчи маҳсулотга (товар .ёки хизматларга) айлантириш метод ва усулларини ифодалайди. Таълимнинг инновационлиги нафақат унинг

дидактик тузилишига, балки ижтимоий муҳим натижаларга – ўқитувчининг психологик сиймосига ҳам тегишлидир.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти борликни ўзгартиришга, муаммоли вазиятларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш усулларига қаратилган. Ўқитувчи билан талабанинг янгича муносабатларида мажбурлаш ва буйруқларига бўйсундириш бўлмаслиги, балки тенг ҳамкорлик ва биргаликда ишлаш ҳис-туйғулари бўлиши лозим.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти қуйидаги асосий вазифалари билан тавсифланади: касбий фаолиятни ирода билан тизимли таҳлил этиш; норматив ва қоидаларга танқидий муносабатда бўлиш; касбий янгиликларга очиқлиги; атроф борлиққа ижодий қайта қуриш муносабатида бўлиш; ўзини ифодалашга, ўзининг ният ва ғояларини касбий фаолиятида мужассамлантиришга интилиш.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига янгиликни таҳлил қилиш ва баҳолаш, келгусидаги ҳаракатларининг мақсади ва концепциясини шакллантириш, бу режани амалга ошириш ва уни тўғрилаш, самарасини баҳолаш киради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг самарадорлиги қуйидаги шартларга боғлиқ:

- ўқитувчининг талабалар билан конструктив мулоқотга тайёрлиги;
- талабаларнинг қарши фикрларига беғараз муносабатда бўлиш;
- касбий рефлекцияга қобилияти;
- инновацион фаолиятга заруратни сезиш, идрок этиш;
- шахсий мақсадларнинг инновацион фаолият билан мувофиқлаштирилганлиги (уйғунлаштирилганлиги);
- ижодий муваффақиятсизликларни енгишга тайёрлиги.

Бу шартларни бажаришда билим олиш жараёни ва илмий фаолият рағбатлантирилади.

Иқтисодий тарбиянинг бош мақсади – ёшларда иқтисодий саводхонлик, иқтисодий онг, иқтисодий маданиятни юксалтиришдан иборатдир. Бу эса шахснинг камол топиш фаолияти воситасида аниқ иқтисодга боғлиқ, назарий билимлар тизими, шунингдек, иқтисодий билим, кўникма ва малакалар мажмуаси, ўрганувчининг иқтисодий онгига бевосита таъсир этишга имкон берувчи босқичларни амалга оширишдир.

Талабалар босқичма-босқич узлуксиз таълим жараёнида иқтисодий билим асосларини ўрганиш мобайнида уларнинг тафаккурлари ҳам шакллана боради. Улар қуйидаги билимлар мажмуи бўлиб хизмат қилади: шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, аниқ режа ва дастурлар тузиб, ўзига хос услуб ва методлар асосида амалга оширишда; шахснинг мустақил фаолиятида самарали ўрин тутадиган аниқ иқтисодий тушунчалар; иқтисоднинг сиёсий ва бозор муносабатлари билан боғлиқ қонуният асослари ва улардан амалда фойдаланиш йўл-йўриқлари; мустақил фаолият кўрсатишда зарур бўладиган барча иқтисодий билим, кўникма ва малакалар мажмуини ўзлаштириш; ҳаётда қайси соҳани танлашидан қатъи назар, эҳтиёж даражасида иқтисодий тайёргарликни ўзида шакллантириш; иқтисодий билим асосларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана олиш шахс баркамоллигини белгиловчи

ахлоқий сифатларидан бири деб қараш; иқтисодий билим асосидан хабардорликни ўз фаолияти давомида жамият ва давлат иқтисодий, ҳуқуқий сиёсати асосида намоён этади.

Бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маданият ва маърифат ҳамда иқтисодий соҳаларга, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий билимлар доирасига ҳам педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида иқтисодий йўналишдаги ўқув юртларида махсус илмий тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутади. Бунда энг аввало, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;
- таълим мажмуи сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;
- педагогик технологиянинг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;
- педагогик технологиялар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадларига қай даражада тўғри келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;
- педагогик технологиянинг мажмуалар назарияси асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл-йўриғини ишлаб чиқиш.

Шуни айтиш лозимки, педагогик технологиялар, педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуби бўлибгина қолмай, балки ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши керак.

Ҳозирги кунга келиб, жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бироқ ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбия жараёнида умумий тараққиётдан бироз орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришдир.

Ассис. Б.Ш. Акбарова,
ТДИУ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг таклифига мувофиқ “Ўзбек модели” замирида иқтисодий ислоҳотларни мустақил равишда амалга ошириш учун ҳуқуқий асосининг негизи яратилди.

Республикамизда жамиятни демократлаштириш, мамлакатимизни модернизациялаш ҳамда иқтисодни диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида олий таълим хизматлари

самарадорлигини ошириш, таълим тизимидаги қонуниятларни тадқиқ этиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга ошириши таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг мажлисидаги: “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” деб номланган маърузаларида мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, устувор йўналишлар ҳақида тўхталиб, кадрлар малакаси, ишбилармонлиги ва масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги кунда иқтисодчи фаолиятини ҳаракатга келтирувчи асосий куч – фойда ёки тадбиркорлик даромадини олишдир. Шу мақсадга эришиш учун иқтисодчи-тадбиркор ўз қўл остидаги ишлаб чиқариш воситаларидан, ёлланган ишчи кучларидан умумий фойдаланиб, ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштиради, зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш, харид қилиш, сотишга рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилади.

Иқтисодчи мутахассислар ўз иши устида астойдил меҳнат қилар экан ҳам ўзи фойда олади, ҳам жамият фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларда ўз мулкига эгалик қилиш ҳисси юқори бўлиб, у бундай туйғунинг қадрига етади, уни кўз қорачиғидай асрайди ва ривожлантиради. Ўз маҳсулотини бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражада сифатли қилиб чиқаришга ҳаракат қилади.

Технология иқтисодчи-тадбиркорларга нимагадир эришиш, янгиликни синаб кўриш, ўз ўрнини топиш ва ўз мустақиллигига эга бўлиш каби майлларни ҳаракатга келтириб турадиган шахс сифатида қарайди. У фақат ўз бойлигига эмас, миллий бойликни ҳам кўпайтиради, ишлаб чиқариш омилларини яхшироқ ишга солиш ва бирлаштириш усулларини излаб топади, янги иш жойларни вужудга келтиради, янгиликларни амалга оширади.

Шу сабабли замонавий тадбиркорликни, ҳозирги пайтда мавжуд ресурслардан қатъи назар, замонавий технологияга, бозорга доир имкониятларни излаш ва ишлаб чиқариш сифатида таърифласа бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг қоидаларига мувофиқ тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ёш авлодни маънавий – ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида замонавий маданият ва иқтисодиётнинг педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этишга алоҳида аҳамият берилган.

Шу жиҳатдан ҳам олий ўқув юртларида давлат таълим стандартлари бўйича кўзда тутилган иқтисодий таълимни такомиллаштириш, уни талабалар онгига сингдириб бориб, иқтисодий тафаккурни шакллантириш муаммоси долзарбдир.

Чунки ҳар бир талаба бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир даврда – уни ўраб турган иқтисодий воқеликни, унда кечаётган имкониятига эга бўлиши лозим. Бу эса ҳар бир талабадан иқтисодиёт назариясининг

асосларидан хабардор бўлишини, уни амалда жорий қилиш йўл ва воситаларини талаб даражасида ўзлаштиришини тақозо этади.

Республикамиз Президенти таъкидлаганидек: “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларига эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етишиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратиш ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз ”.

Бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш тизимини бошқариш ва шу орқали мутахассислар тайёрлашнинг механизми ўртасидаги алоқаларнинг мураккаблигини ҳамда хилма-хиллигини илмий жиҳатдан асосланган янги услубий ёндашувларни, шу соҳа учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш самарадорлигини баҳолаш мезонларни ишлаб чиқиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор кадрлар тайёрлаш сифати ва уларнинг фаолияти пировард натижалари ўртасидаги ўзаро боғланишнинг концепциявий негизларини очиб бориш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш қонуниятлари аниқлашни талаб қилади.

Бугунги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бўйича малакали олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ҳозирги иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида тадбиркор кадрлар тайёрлаш ҳамда олий таълим муассасалари бошқаруви самарадорлигини оширишнинг мавжуд усуллари такомиллаштиришнинг назарий-услубий ва амалий жиҳатлари очилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ўқитишни ташкил этишнинг асосий муаммоларидан бири талаб ва таклифнинг мос келмаслиги ҳисобланади. Кўпчилик олий таълим муассасалари анъанавий тарзда йирик корхоналар учун бакалавр ва магистрларни тайёрлашга йўналтирилган ва уларнинг ўқитишга нисбатан ёндашуви кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун мутахассисларни тайёрлашга яхши мослашмаган.

Шу боис иқтисодий билимларни бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш жараёнини мақбуллаштиришга алоҳида ташкилий – услубий ёндашувлар бўлиши лозим.

Ҳозир кунга келиб, жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бироқ ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбия жараёнида умумий тараққиётдан бироз орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий мақсади иқтисодий фаолиятнинг пировард натижаси ҳисобланган фойдани таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадларга эришиш учун тадбиркорлар ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил этиш, илғор технологияларни ўзлаштириш, хомашё

материалларидан чиқитсиз, тежамли фойдаланиш, тажриба ва малакали ишчи ва ходимларни ишга жалб этиш, уларни ишга ижодий, виждонан ёндашишларига шарт-шароит яратиш кабиларга аҳамият берадилар.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ёш иқтисодчи мутахассисларимизни иқтисодий тарбияланган, таълим олган, иқтисодий саводхонлик ва тайёргарлиги давр талаби даражасида бўлган, иқтисодий тафаккур ва онги юксак баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш муаммосига ҳар томонлама амалий ва назарий ёрдам бериш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Магистрант И. Каххоров,
ТГЭУ

Сущность и значение отчета о финансовых результатах акционерных обществ

Основой составления отчета о финансовых результатах является НСБУ № 3 «Отчет о финансовых результатах». Целью данного стандарта является описание статей отчета о финансовых результатах и их классификации для составления и представления его всеми хозяйствующими субъектами на общих принципах, изложенных в Законе о бухгалтерском учете, что обеспечит сопоставимых отчетных данных за различные промежутки времени и с аналогичными отчетами других хозяйствующих субъектов.

В отчетах о финансовых результатах раскрываются следующие показатели.

Самый важный и основной показатель отчета о финансовых результатах (форма № 2) является чистая выручка от реализации (стр. 010). По данной статье показывается выручка от реализации продукции, товаров, работ и услуг за вычетом налогов и стоимости возвращенных товаров и готовой продукции, скидок покупателя с продажных цен[5].

Строка 010 заполняется по данным счетов учета доходов от основной (операционной) деятельности (9000).

Если основной деятельностью предприятия является предоставление в аренду (лизинг), имущества, отражают по строке 010 сумму дохода, которая относится к текущему отчетному периоду[6].

Посреднические предприятия в строке 010 отражают сумму комиссионных вознаграждений.

По статье «Себестоимость реализованной продукции (товаров, работ и услуг)» (стр. 020), показывается сумма себестоимости реализованной продукции (товаров, работ и услуг), учтенная на счетах учета себестоимости реализованной продукции (товаров, работ и услуг) (9100).

Торговые предприятия по этой строке отражают покупную стоимость реализованных товаров[7].

[5] Абзац в редакции Приказа МФ, Зарегистрированного М.Ю. РУз 20.12.2004 г. № 1209 – 2
[6] Абзац в редакции Приказа МФ, Зарегистрированною МЮ РУз 12.11.2003 г. № 1209 – 1
[7] Абзац в редакции Приказа МФ, Зарегистрированного МЮ РУз 19.05.2003 г. № 1209 – 4.

«Валовая прибыль (убыток) от реализации продукции (товаров, работ и услуг)» (стр. 030) определяется как разница между чистой выручкой от реализации продукции (товаров, работ и услуг) и себестоимостью реализованной продукции (товаров, работ и услуг) (стр. 010 – 020).

По статье «Расходы периода – всего» (стр. 040) отражаются итоговая сумма по строкам 050, 060, 070, 080.

По статье «Расходы по реализации» (стр. 050) отражаются расходы по реализации продукции т.е. расходы, связанные с доставкой продукции до потребителя, погрузкой в транспортные средства, затраты отделов и работников, занятых маркетингом и другие, учет которых осуществляется на счете 9410 «Расходы по реализации».

По строке 060 «Административные расходы» показываются расходы по управлению производством, расходы на оплату труда управленческого персонала, расходы на ремонт основных средств общеадминистративного назначения, арендная плата помещений общехозяйственного назначения и другие административные расходы, учет которых ведется на счете 9420 «Административные расходы».

По статье «Прочие операционные расходы» (стр. 070) отражаются расходы на подготовку и переподготовку кадров, расходы по оплате, аудиторских и консультационных услуг, выплата компенсирующего и стимулирующего характера, выплаты и расходы по оплате информационных и аудиторских услуг и т.п., учет которых осуществляется на счете 9430 «Прочие операционные расходы».

По статье «Расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемый базы в будущем» (стр. 080) отражаются расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемой базы в будущем, которые приведены в разделе 2.4. «Положения о составе затрат по производству и реализации продукции (работ и услуг) и о порядке формирования финансовых результатов» и заполняются по данным учета, обобщенном на счете 9440 «Расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемой базы в будущем».

По статье «Прочие доходы от основной деятельности» (стр. 090) показываются прибыль от выбытия основных средств и прочих активов, взысканные штрафы и пени, прибыли прошлых лет, доход от краткосрочной аренды, доход от списания кредиторской и депонентской задолженности, доходы обслуживающих хозяйств, безвозмездная финансовая помощь и прочие операционные доходы, учет которых осуществляется на счетах учета прочих доходов от основной деятельности (9300)[8].

По статье «Прибыль (убыток) от основной деятельности» (стр. 100) показываются финансовые результаты основной деятельности предприятия, которые определяются путем вычитания из валовой прибыли (убытки) от реализованной продукции (товаров, работ и услуг) (стр. 030) сумму расходов

[8] Пункт в редакции Приказа МФ, Зарегистрированного МЮ РУз 19.05.2007 г. № 1209 – 4

периода (стр. 040) и прибавления суммы, прочих доходов от основной деятельности (стр. 090).

По статье «Доходы от финансовой деятельности, всего» (стр. 110) отражается итоговая сумма по строкам 120, 130, 140, 150, 160.

По статье «Доходы в виде дивидендов» (стр. 120) отражаются доходы, полученные на территории Республики Узбекистан и за ее переделами от долевого участия в деятельности других предприятий, дивиденды по акциям и другим ценным бумагам, принадлежащим предприятию, учет которых ведется на счете 9520 «Доходы в виде дивидендов».

В статье «Доходы в виде процентов» (стр. 130) показываются доходы в виде процентов по долгосрочным и текущим инвестициям, учет которых ведется на счете 9530 «Доходы в виде процентов».

Предприятия, основной деятельностью которых не является предоставлении в аренду (лизинг) имущества, по статье «Доходы от долгосрочной аренды (лизинг)» (стр. 140) отражают доходы от сдачи имущества в долгосрочную аренду (лизинг), учет которых ведется на счете 9550 «Доходы от долгосрочной аренды»[9].

По статье «Доходы от валютных курсовых разницы» (стр.150) отражаются доходы от положительных курсовых разницы по валютным операциям, в том числе от переоценки валютных статьей баланса на дату составления баланса, учет которых осуществляется па счете 9540 «Доходы от валютных курсовых разницы».

По статье «Прочие доходы от финансовой деятельности» (стр. 160) показываются доходы от проведения переоценок ценных бумаг, доходы в виде роялти и прочие доходы от финансовой деятельности, учет которых осуществляется на счетах 9510 «Доходы в виде роялти», 9560 «Доходы от переоценки ценных бумаг», 9590 «Прочие доходы от финансовой деятельности».

По статье «Расходы по финансовой деятельности, всего» (стр. 170) отражается итоговая сумма по строкам 180, 190, 200, 210.

По статье «Расходы в виде процентов» (стр. 180) показываются расходы на оплату процентов по кредитам банков и займам, учет которых ведется на счете 9610 «Расходы в виде процентов».

По статье «Расходы в виде процентов по долгосрочной аренде (лизингу)» (стр. 190) отражаются расходы на оплату процентов по долгосрочной аренде (лизинг), учет которых ведется на счете 9610 «Расходы в виде процентов»[10].

По статье «Убытки от валютных курсовых разницы» (стр. 200) отражаются отрицательные курсовые разницы по валютным операциям и от переоценки валютных статей баланса на дату составления баланса, учет которых ведется на счете 9620 «Убытки от валютных курсовых разницы».

По статье «Прочие расходы по финансовой деятельности» (стр. 210) отражаются расходы , связанные с выпуском и распространением ценных бумаг

[9] Пункт в редакции Приказа МФ, Зарегистрированного МЮ РУз 12.11.2003 год. № 1209 – 1
[10] Пункт в редакции Приказа МФ, Зарегистрированного МЮ РУз 12.11.2003 г. № 1209 – 1

и прочие расходы по финансовой деятельности, учет которых ведется на счете 9630 «Расходы по выпуску и распространению ценных бумаг» и 9690 «Прочие расходы по финансовой деятельности».

По статье «Прибыль (убыток) от общехозяйственной деятельности» (стр. 220) показываются финансовые результаты от общехозяйственной деятельности предприятия, которые определяются путем прибавления к сумме прибыли (убытки) от основной деятельности (стр. 100) суммы доходов от финансовой деятельности (стр. 110) и вычитания суммы расходов по финансовой деятельности (стр. 170).

По статье «Чрезвычайные прибыли и убытки» (стр. 230) показываются результаты чрезвычайных событий, графа «Доходы (прибыли)» заполняется по данным счета 9710 «Чрезвычайная прибыл» а графа «Расходы (убытки)» – по данным счета 9720 «Чрезвычайные убытки».

По статье «Прибыль (убыток) до уплаты налога на доходы (прибыль)» (стр. 240) отражаются результаты суммирования строк 220 и 230 с учетом знака +/-. Результат этой строки является основополагающим при расчете налога на доходы (прибыль).

По строке «Налог на доходы (прибыль)» (стр. 250) показывается сумма налога на доходы (прибыль), начисленного с начала отчетного периода, учтенная на счете 9810 «Расходы по налогу на доходы (прибыль)»[11].

По статье «Прочие налоги и сборы от прибыли» (стр. 260) отражается сумма, начисленных с начала года налогов и сборов, уплачиваемых предприятием за счет прибыли, в соответствии с законодательством.

Предприятия, для которых в соответствии с действующим законодательством предусмотрен особый порядок налогообложения, отражают по строке 260 сумму начисленного единого налогового платежа, единого земельного налога, фиксированного налога по отдельным видам предпринимательской деятельности[12].

По строке «Чистая прибыль (убыток) отчетного периода» (стр.270) показывается конечные финансовый результат отчетного периода, определенный как разница строк 240 – 250 – 260.

В «Справке о платежах в бюджет» (стр. 280 – 470) показываются платежи в бюджет и в государственные целевые фонды по видам налогов и платежей начисленные и уплачиваемые предприятиями в соответствии с налоговым законодательством. В данной справке по строке 480 показывается итоговая сумма начисленных и уплаченных предприятиями налогов в бюджет и платежей в государственные целевые фонды за отчетный период.

В случаях, если у предприятия по расчетам за отчетный период имеется отрицательная разница по НДС в соответствии с порядком, установленным законодательством, то в строке 300 па графе «Причитается по расчету за отчетный период» сумма этой отрицательной разницы показывается со знаком «Минус».

[11] Пункт в редакции Приказа МФ, Зарегистрированного МЮ РУз 20.12.2004 г. № 1209 – 2
[12] Пункт в редакции Приказа МФ, Зарегистрированного МЮ РУз 19.05.2007 г. № 1209 – 4

В отчете о финансовых результатах приводятся абсолютные показатели прибылей и убытков, а также чистая прибыль года, которые представляют большой интерес не только для самого руководства предприятия, но и для широких пользователей на стороне.

Kat.oqit. G. Musaxanova,
J.Ch.Qulmatov, A.R. Muratov, TDIU

Malakali iqtisodchi mutaxassislar-davr talabi

Mamlakatimizda izchillik bilan amalga oshirilayotgan demokratik islohotlar, ma'naviy yangilanishlar jarayoni bilan kadrlar tayyorlashni uyg'un olib borish, ta'lim-tarbiyaning ijtimoiy ahamiyati va mavqeini yuksaltirish, bu jarayonga malakali, fidoyi insonlarni jalb etish, ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirishga alohida e'tibor qaratildi. Bunday mas'uliyatli va dolzarb masalalarni izchillik bilan va talab darajasida hal etishda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi muhim huquqiy asos bo'lib xizmat qilayotir.

Respublikamizda iqtisodiyotni rivojlantirish va bu sohadagi islohotlarni yanada chuqurlashtirish bilim olishga, iqtisdiyot sir-asrorlarini chuqur o'rganishga bo'lgan harakat va talablarni ham kuchaytirdi. Bu esa, o'z navbatida, iqtisodiy resurslar cheklanganligi sharoitida samarali xo'jalik yurita oladigan, eng muqobil variantlarni to'g'ri tanlay oladigan malakali mutaxassislar tayyorlashning naqadar dolzarb ekanligini ko'rsatadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov ta'kidlaganlaridek, "Buyuk maqsadlarimizga, ezgu niyatlarimizga erishishimiz, jamiyatimizning yangilanishi, hayotimiz taraqqiyoti va istiqboli, amalga oshirilayotgan islohotlarimiz va rejalarimizning samarali taqdiri, avvalombor, davr talablariga javob beradigan yuqori malakali, ongli, yangicha tafakkurga ega bo'lgan mutaxassis kadrlar tayyorlash muammosi bilan chambarchas bog'liqligini barchamiz anglab yetmoqdamiz".

Demak, mustaqilligimizning istiqboli, buyuk kelajak yaratish yo'lidagi orzularimiz, ta'lim-tarbiya sohasidagi islohotlarimizga bog'liq bo'lib qoladi. Ana shu islohotlarni hayotga tatbiq etishda mutaxassis pedagoglar asosiy o'rinni egallashadi.

Shu ma'noda hozirgi kun talabi har tomonlama rivojlangan, barkamol iqtisodchi mutaxassislarni tayyorlashdan iboratdir.

Iqtisodiy ta'lim - maxsus tayyorlangan iqtisodchi-tarbiyachi (pedagog) lar rahbarligida o'tkaziladigan, o'quvchi-talabalarni iqtisodiy bilim, iqtisodiy ko'nikma va iqtisodiy malakalar bilan qurollantiradigan, iqtisodiy tafakkuri bilim va qobiliyatlarini shakllantiradigan, ularning iqtisodiy dunyoqarashini tarkib toptiradigan jarayondir.

Bozor munosabatlari sharoitida yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash zarurati kuchaydi. Bu holatni quyidagicha izohlashimiz mumkin:

- birinchidan, mutaxassis fan-texnika, ishlab chiqarish sohasi boyicha keng ko'lamli puxta tizimli bilimga ega bo'lishi,

- ikkinchidan, ish o'rni, sharoiti, texnika va texnologiya o'zgarishiga tez moslashuvchan bo'lishi kerak. Bundan tashqari xomashyo materiallaridan, energiya,

vaqt va shu kabilardan imkon qadar unumli hamda ijodiy foydalanishi zarur. Bir so’z bilan aytganda, mutaxassis yuqori darajada iqtisodiy bilimga ega bo’lishi zarur.

Hozirgi kundagi iqtisodchilar uchun zarur bo’lgan eng muhim sifatlardan biri bu raqobatbardoshlilikdir. Raqobatbardoshlilik – shaxsning professional va ijtimoiy muvaffaqiyatining asosiy shartidir. Shaxsning raqobatbardoshliligi professional faoliyatida faqatgina uning chuqur bilimi va ilmiga emas, balki uning birinchi o’rinda maqsadlari va tanlagan professional mutaxassisligiga bo’lgan munosabatiga ham bog’liq.

Raqobatbardoshlilik – qiyin shaxsiy ta’limdir. Uning mezoni bo’lib esa aniqlashtirish mahorati, raqobatli kurashda o’zining ustunligini tez va samarali ishlata bilishdir. Hozirgi kunda mutaxassislarning professional sifatlarini oshirishning asosiy yo’li ta’lim tizimiga doimiy ravishda innovatsiyalarni kiritib borishdir. Shuning uchun bugungi kunda bu sohaga katta miqdorda har xil xususiyatdagi, yo’nalishdagi va ahamiyatdagi innovatsiyalar kiritilmoqda. Katta va kichik davlat islohotlari o’tkazilmoqda, o’qitish uslubi va texnikasiga yangiliklar kiritilmoqda.

E’tiborlisi bu harakatlar faqatgina qog’ozda qolib ketmay o’z natijalarini bermoqda. Faxrlisi shuki, O’zbekiston ta’lim tizimidagi innovatsiyalar ko’rsatkichlar bo’yicha 75,38 ball bilan ikkinchi o’rinni egallamoqda. Birinchi o’rinda 75,70 ball bilan Irlandiya. Daniya, Yangi Zelandiya, Islandiya, Belgiya va Yevropaning boshqa davlatlari, shuningdek, boshqa qit’a davlatlar bu reytingda keyingi o’rinlarni egallashgan. Katta moliyaviy resurslarga ega bo’lgan Saudiya Arabistoni 65,49 ball bilan 15-o’rinni egallamoqda, eng kuchli davlatlardan biri hisoblanadigan AQSH 31-o’rinni egallamoqda (61,34), Xitoy - 67-orinn (52,23 ball), Rossiya 55,18 ball bilan-55-o’rinni egallamoqda.

Barchamizga ma’lumki jamiyat hayotidagi barcha yuksalishlar, taraqqiyot imkoniyatlari, komil insonning shakllanishi muayyan ma’naviy muhit va imkoniyatlar bilan bog’liq bo’lgan. Barcha tushkunliklar, turg’unlik holati, iqtisodiy, siyosiy inqirozlar esa ma’naviy bo’hronning natijasi bo’lgan. Shuning uchun jamiyat taraqqiyotidagi tushkunlik va yuksalishlarning sababini ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy omillardangina emas, balki kishilarning ongi, e’tiqodi, dunyoqarashi, ahloqiy kamoloti darajasidan ham izlash kerak.

Ma’naviyatning jamiyat taraqqyoti, inson kamolotidagi katta ahamiyatini e’tirof etish uning mohiyati va mazmunini ham ilmiy tahlil qilishni talab etadi. Shu vaqtga qadar ijtimoiy fanlarda bu kategoriyaning mohiyati va mazmuni to’la yoritib berishga harakat qilinmoqda. Shu yo’lda Prezidentimiz Islom Karimov rahnamoligida barkamol avlodni tarbiyalashga, yoshlarning dunyoqarashini milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida shakllantirishga davlat siyosati darajasida alohida e’tibor qaratilmoqda.

Davlatimiz rahbari tomonidan Vatanimiz mustaqilligining dastlabki yillaridan kadrlar tayyorlashda bitiruvchilarning ilmiy-amaliy salohiyatiga, jamiyat turli sohalarining talab va ehtiyojlaridan kelib chiqib, ta’limni ishlab chiqarish amaliyoti bilan bevosita bog‘lash, bo‘lajak yosh mutaxassislarda ishchanlik, ilmga chanqoqlik, tashabbuskorlik kabi fazilatlarni tarbiyalash zarurligi aniq-ravshan belgilab berildi.

Yurtboshimiz rahnamoligida ishlab chiqilgan “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi mamlakatimizda malakali kadrlar tayyorlashning

yangi, bugungi kun talablariga to‘la javob beradigan samarali milliy modelini yaratishda muhim omil bo‘ldi. Bu tizimdan ko‘zlangan asosiy maqsad ta’lim sohasini tubdan isloh qilish, uni sobiq tuzum mafkurasi asoratlaridan tamomila xalos etish, ta’limni yagona o‘quv-ilmiy ishlab chiqarish majmuasi sifatida kompleks rivojlantirishdan iboratdir.

Mamlakatimizda yangi avlod kadrlarini tayyorlash ishi jamiyatning bugungi, kelajakdagi talab va ehtiyojlari aniq hisobga olingan holda huquqiy demokratik davlat qurish yo‘lidagi keng ko‘lamli islohotlar va modernizatsiya jarayonlariga uyg‘un tarzda olib borilmoqda. Shu o‘rinda ta’kidlash joizki, Mustaqil davlatlar hamdo‘stligi mamlakatlari orasida birinchi bo‘lib O‘zbekistonda oliy ta’limning zamonaviy ikki bosqichli – bakalavriat va magistratura yo‘nalishiga o‘tilgani tizimdagi eng muhim o‘zgarishlardan biridir. Bugungi kunda oliy ta’limning mazkur yo‘nalishlarida asosiy e’tibor tayyorlanayotgan kadrlarning ilmiy salohiyati va amaliy tajribasiga, ish beruvchining talablariga, ya’ni raqobatbardoshligiga mos kelishiga qaratilmoqda.

Ayni paytda mamlakatimizda iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy soha uchun yuqori malakali kadrlar tayyorlash ko‘plab sohalarni birlashtirgan oltita kompleks yo‘nalishda olib borilmoqda. Oliy ta’lim muassasalari bitiruvchilarining bandligini ta’minlash ish beruvchilar bilan hamkorlik aloqalarini o‘rnatish orqali amalga oshirilmoqda. Bunda talabalarning amaliyot o‘tash joylari muhim o‘rin tutmoqda.

Jamiyaning taraqqiyot darajasi, axborotlarni haddan tashqari ko’pligi, iqtisodiyotdagi tarkibiy o’zgarishlar, umuman, hayot tajribasi ko’rsatadiki, yoshlarni yetuk, vaziyatni tezda baholay oladigan, ayni shu vaziyat uchun to’g’ri qaror qabul qila oladigan malakali mutaxassislar qilib tayyorlash yuqorida aytib o’tganimizdek bugungi kunning asosiy vazifalaridan biridir.

Har qanday iqtisodchi biror ishni boshlashdan oldin, eng avvalo, u ikki muhim omilni, ya’ni:

- mazkur vaqtdagi shart-sharoitni;
- o’zning tutgan o’rni va imkoniyatini aniqlab olishi zarur.

Birinchi omil bo’yicha malakali iqtisodchi o’zining ish faoliyatini firma yoki korxonaning tashqi muhitga nisbatan quvvati va kamchiligi, shuningdek, tashqi muhitdan kelib chiqadigan imkoniyatlar va tahlillarni inobatga olib belgilashi lozim.

Boshqacha qilib aytganda, birorta jiddiy ish boshlashdan oldin iqtisodchi:

- qaysi ishlan chiqarish sohasida ish yuritish;
- qancha pul sarflash;
- hozirgi sharoitda qanday sohalar boshqalardan ma’lum ustunlikka egaligini;
- talab va uning qondirilishini;
- o’z imkoniyatlarini erinmay o’rganib chiqmog’i lozim.

Bunday tahlil firma faoliayti holati va biznes rivojlanishining yo’nalishlari, kelajakdagi istiqbolini baholashga imkon beradi.

Ishni boshlashning ikkinchi omili – zamonaviy iqtisochilarning salohiyati va uning biror-bir turdagi faoliyatni to’g’ri tanlab olish masalasidir. AQSHdagi faoliyat yo’nalinishini tanlashdagi xato kishiga moddiy jihatdan ham, ma’naviy jihatdan ham bizdagiga nisbatan ancha qimmatga tushadi.

Bugungi kunda iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida tadbirkorlik va biznes rivojlanib, quyidagi ijobiy natijalarga erishishga sabab bo'ladi:

- ijtimoiy mahsulot ishlab chiqarishni ko'paytirish va uni turli aholi qatlamlari o'rtasida haqqoniy me'yorlar ustunligida taqsimlash;

-ishsizlik darajasini kamaytirish, mehnatga layoqatsizlar yoki beg'araz sabablarga ko'ra unumsiz ishlovchi a'zolarga mablag' ajratib, ularning yetarlicha kun kechirish darajasini ta'minlash;

- past daromadli shaxslar sotib olish qobilyatining turg'uniligini ta'minlash;

- insonning asosiy huquqlari, ayniqsa shaxsning erkin taraqqiy topishi va uni iqtisodiy taraqqiyoti uchun teng imkoniyati bilan ta'minlanish huquqlarining joriy qilinishini ta'minlash;

- ijtimoiy va iqtisodiy toifadagi guruhiy manfaatlarga rioya qilish va ularni taraqqiy toptirish, yakka shaxs va jamiyat, ish beruvchi va ishlovchilar, ishlab chiqaruvchilar va iste'molchilar manfaatlarining o'zaro moslashuvini yanada ta'minlash.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida tadbirkorlik va biznes xulq-atvorga, faol yo'l-yo'riqlar, qoidalar va boshqa xatti-haraktni tartibga solish qurilmalari bilan uzviy bog'liqdir. Unda erkin tanlangan hayotiy holat, shaxs oldida mustaqil axloqiy tanlovning mavjudligini nazarda tutuvchi erkin tanlab olingan hayotiy vaziyat gavdalanadi.

Ma'lumki, iqtisodiyot har bir kishi, oila va umuman jamiyat hayotida muhim o'rin tutadi. Iqtisodiy ahvolga qarab ijtimoiy hayot shakllanadi. Xalqimizda "Oldin iqtisod, so'ngra siyosat" degan ibora bejiz ishlatilmaydi. Iqtisodiyot bizning nafaqat bugungi, balki ertangi kunimiz, hozirgi va kelajakdagi farovonligimizdir.

Biz bozor iqtisodiyoti tomon ilk qadamlarimizni qo'ydik. Hali aralash iqtisodiyot, moddiy to'kinchilik-taqchillik degan narsalar bo'lmagan, ishlab chiqarish rivojlanib gurkiragan eng ilg'or jamiyat tomon borishimizga qancha vaqt bor, bunday jamiyatga o'tish davrining bosqichlari va qancha davom etishini oldindan aytish qiyin. Shunday ekan, hozirgi kunning asosiy talabi- jamiyatimiz yoshlaridan, qolaversa, har bir fuqarodan uning bozor iqtisodiyoti qonunlarini, ularning O'zbekiston Respublikasida qanday amalga oshirilayotgani, bu qonuniyatlarni ishlab chiqishga tatbiq etishni, pirovard natijada talab darajasida xizmat ko'rsatish va tovar ishlab chiqarishni yo'lga qo'yishning sir-asrorlarnini bilish kabi vazifalarni shart qilib qo'yadi.

Iqtisodchi erkinlashtirish sharoitida yuqori malakali iqtisodchi mutaxassislarni tayyorlash tizimini takomillashtirish uchun quyidagilarga e'tibor berilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi:

-iqtisodiy yo'nalishdagi oliy o'quv yurtlariga o'qishga kirish uchun imtihon topshiradigan abituriyentlar uchun tuziladigan test savollariga ko'proq iqtisodiy muammolar nuqtai nazaridan yondoshilsa, maqsadga muvofiq bo'lar edi. Ma'lumki, respublikamiz oliy o'quv yurtlarida iqtisodiy yo'nalish bo'yicha test topshiruvchilar matematika, ona-tili adabiyot va chet tilidan imtihon topshiradilar. Ayniqsa chet tilidan barcha yo'nalishlarga bir xil savollar tushadi. Bizningcha, iqtisodiy yo'nalish uchun chet tilidan tuziladigan savollar asosan, bozor iqtisodiyoti asoslari, jamiyat taraqqiyotining iqtisodiy muammolari haqida bo'lishi kerak. Bu ikki tomonlama

afzalikka ega. *Birinchidan*, umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'qitiladigan iqtisodiyot va biznes asoslari darsiga bo'lgan talab yanada kuchayadi. *Ikkinchidan*, oloy o'quv yurtlariga qabul qilinadigan talabalarning ko'pchiligi iqtisodiyotning asoslari bo'yicha dastlabki zaruriy bilimlarga ega bo'lganliklari tufayli barcha darslarni yuqori darajada o'zlashtirish qobilyatiga ega bo'ladilar.

Bizningcha, har bir oliy o'quv yurti shu jumladan, malakali iqtisodchi mutaxassislarni tayyorlaydigan oliy o'quv yurtlari ham o'zlarining marketing strategiyalarini ishlab chiqishni yo'lga qo'yishlari kerak. Bunda ular o'z iste'molchilari va buyurtmachilari bilan munosabatlarni qaytadan tadqiq etishlari, kelajakdagi bo'lishi mumkin bo'lgan iste'molchilarni izlab topishlari, SWOT tahlilini amalga oshirishlari kerak. Bunday strategiyaning afzallik tomoni shundaki, birinchidan, oliy ta'lim muassasasi tashqi bozorni o'rganish natijasida qanday yangi iqtisodiy mutaxassisliklarga talab mavjudligini bilib oladi va shu asosda keyinchalik imkoniyat doirasidan kelib chiqib shu mutaxassislik bo'yicha iqtisodchi mutaxassisliklarni tayyorlashni yo'lga qo'yishi mumkin. Ikkinchidan, mavjud iqtisodiy mutaxassisliklar bo'yicha tayyorlanayotgan mutaxassislarga nisbatan iste'molchi va buyutmachilar tomonidan qo'yiladigan yangidan-yangi talablar xususida zarur ma'lumotlarga ega bo'lishi mumkin va shu asosda tayyorlash tizimini takomillashtirib borish imkoniyatiga ega bo'ladi. Uchinchidan iste'molchilarning aynan qaysi mutaxassisliklarga asosiy ehtiyoji mavjudligini hisobga olgan holda iqtisodchi mutaxassislar tayyorlash tizimini takomillashtiradi.

Yurtboshimiz I.A. Karimov o'zlarining "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida ma'naviy va moddiy hayot uyg'unligi masalasiga alohida e'tibor qaratib shunday deydilar: "Mana shunday qarash va fikrlarni umumlashtirib, insonga xos orzu-intilishlarni ro'yobga chiqarish, uning ongli hayot kechirishi uchun zarur bo'lgan moddiy va ma'naviy olamni bamisoli parvoz qilayotgan qushning ikki qanotiga qiyoslasak, o'ylaymanki, o'rinli bo'ladi. Qachonki bu ikki omil o'zaro uyg'unlashsa, tom ma'nodagi qo'sh qanotga aylansa, shundagina inson, davlat va jamiyat hayotida o'sish-o'zgarish, yuksalish jarayonlari sodir bo'ladi".

Jamiyat taraqqiyoti va inson kamoloti jarayonida ma'naviyatning barcha qirralari o'zaro bog'liq holda shakllanadi va rivojlanadi. Axloq va odob inson hayotiga qadam qo'yayotgan dastlabki davrdanoq shakllanib, uning kamolotiga zamin yaratuvchi ichki ruhiy omil bo'ladi. Demak, har bir inson tarbiya ko'rib, muayyan odob va axloq normalari, bilim va ilmlarni egallaydi, o'z qobilyati va iste'dodini biror yoki bir necha sohada to'la namoyon etish imkoniyatiga ega bo'ladi. Axloq, odob, biilm, iste'dod zaminida e'tiqod, ixlos, vijdon, iymon shakllanadi. Mutaxassisning professional bilimlariga ushbu xislatlarni ham qo'shadigan bo'lsak, yurtimiz rivojlanishiga ulkan hissa qo'shilgan bo'ladi.

Ma'lumki, malakali iqtisodchilar tayyorlashda iqtisodiyotga oid fanlarni o'rganish alohida o'rin tutadi. Chunki mutaxassislikka oid fanlarni chuqur o'zlashtirmay turib, boshqa fanlarni o'rganib bo'lmaydi. Shuning uchun ham bugungi kunda samarali faoliyat yuritishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan malakali iqtisodchilar iqtisodiy fanlarni o'zlashtirishga harakat qilishlari lozim.

Ma'lumki, jamiyatning o'z oldiga qo'ygan maqsadini kelajakda amalga oshiradigan yoshlar, ya'ni bugungi kunning zamonaviy iqtisodchilaridir. Demak,

jamiyatning kelajagi qanday bo'lishi ko'p jihatdan ularning intellektual va axloqiy jihatdan qay darajada kamol topishiga bog'liq.

Магистрлар З.Ў. Тургунова,
Б. Якубова, ТДИУ

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда юқори малакали бошқарув кадрларни тайёрлаш

Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Таълим соҳасида давлат монополиясидан воз кечиш, тижорат таълимини яратиш, жамият ҳаёти тузилишининг ўзгариши таълим хизматлари бозорининг пайдо бўлишига олиб келди. Мазкур бозор ахборот бозори ва меҳнат бозори билан бир қаторда таълим соҳасига фаол таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодиёт ва жамиятнинг ахборотлаштирилиши, давлат ва хусусий корхоналар ҳамда ташкилотлар фаолият кўрсатиш шароитларининг ўзгариши таълим хизматларини кучайишига сабаб бўлди.

Таълимга эҳтиёж муайян касбни ўзлаштириш, маълум лавозимни эгаллаш, маълум даражада маълумот олиш, қўшимча малакани ўзлаштириш, жамиятда муайян ўринни эгаллаш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш истаги билан белгиланади. Маълумот ҳозирги дунёда нуфузни белгиловчи омил сифатидагина эмас, балки ҳозирги ҳаётда яшаб қолиш воситаси сифатида ҳам қаралади. Таълим инсон капиталини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни сифатида қаралиши мумкин. «Инсон капитали» тушунчасини биринчилардан бўлиб А. Смит илмий муомалага киритган. Бунда у «жамият аъзоларининг даромад олиш ҳуқуқини берувчи тўплаган билимлари ва кўникмалари»ни тушунган. Таълимнинг ички самарадорлиги: ўқиш даврида жорий эҳтиёжларнинг қондирилиши; маънавий ва маданий савиянинг ошиши; ақлий қобилиятларнинг ривожланишида; инсонга техника ва иқтисодиётдаги ўзгаришларга тезроқ мослашишга кўмаклашувчи қобилиятларда; таълим муассасаларида илмий билимлар ҳажмининг ўсишида; одамларни профессионал ажратиш ва ижтимоий мақомига кўра саралашда намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда бошланган ва олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар республика мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий ҳал қилувчи вазифаси ҳисобланади. Айниқса, ҳуқуқий демократик давлатни қуриш шароитида инсон омили, унинг маданий, маърифий, ахлоқий қарашларини шакллантириш масаласи биринчи даражали вазифа сифатида қўйилди. Бу ислоҳотлар беш тамойилини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий негизларидан биридир.

Бошқарув фаолияти хақида фикр юритар эканмиз, а***ввало,*** Президентимиз И.А. Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобидаги янги раҳбарга берилган таърифи устида тўхталмоқчимиз. Раҳбар бошқалар каби ёниб турган ўткир масалаларга, республикадаги ўта танг аҳволга бепарво қаролмайди. Чунки унинг қалби, юраги халқ дарди билан Ўзбекистон дарди билан ёнади. Унинг республиканинг янги раҳбари сифатида айтган қуйидаги дастлабки сўзлари шунчаки сўз эмас, балки қатъий талаб бўлиб янграйди. У фақат ва фақат республика манфаатини,

мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартиришни раҳбар фаолиятидаги бош мезон деб билади ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилади: “Ишга бўлган, ўзимизга топширилган вазифага нисбатан муносабатни, дунёқарашимизни ва умуман, масъулиятимизни ўзгартира олсаккина ишларимиз йўлга тушиб кетади. Акс ҳолда, вазиятни издан чиқаришга интиладиган кучлар ё мени четга суриб қўяди ёки жуда кўп раҳбарларни ўзгартиришга тўғри келади” – деган фикрларни келтириб ўтиш ўта муҳимдир.

Бошқарув тараққиётнинг ҳар қандай босқичида жамиятга хос бўлган ички хусусиятдир. Бу хусусият умумий ҳарактерга эга. Бошқарув халқ манфаатини кўзлаган ҳолда демократик услуб негизида амалга оширилади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай бошқарув жараёнида инсон омилига, хусусан, миллат манфаати ва миллий қадриятларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бошқарув меҳнати инсоннинг бошқарув вазифалари амалга ошириш жараёни бажариладиган ҳаракат ва жараёнларда ўзининг аниқ ифодасини топади. Бошқарув вазифалари ёрдамида эса тизимнинг ҳаракатлари, ривожланиш ва такомиллашуви, унинг барқарорлиги ва ҳаётчанлиги таъминланади. Қуйидаги бош вазифаларни ажратиб кўрсатиш мумкин: қарорларнинг бажарилиш жараёни педагогик таҳлил килиш, ривожлантириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва тартибга солиб туриш. Бошқарув фаолияти ўз моҳияти ва хусусияти бўйича жамият ҳаётида ақлий тартибга солиш аҳамиятига эга.

Маъмурий раҳбарлар бошқарув бўйича куч-ғайратининг учдан икки қисмини ўз ходимлари орқали амалга оширади, яъни уларнинг қадр-қиммати мақсадни кўзлаш, ходимларни ишга жалб эта билиш, жамоадаги ўзаро муносабатни белгилай билиш иқтидори билан ўлчанади.

Педагогик жараённинг самарадорлиги таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув вазифаларини сифатли бажаришлари, уларнинг фаол ва уйғун ҳамкорлиги билан тенг белгиланади, улардан бир-бирининг аҳамиятларини пасайтириб юбориш муқаррар равишда бутун тизим бирлигининг бузилишига олиб келади.

Юқоридаги фикрларга хулоса қилиб шуни айтиш мукинки, таълим тизимини самарали бошқариш педагогика фанининг муҳим тармоғи бўлиб, Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизими органлари ва уларнинг вазифалари, иш фаолияти мазмуни ва методларини белгилаб беради, шунингдек, таълим муассасаларига раҳбарлик қилиш тизимини асослайди.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти дунёнинг кўпчилик мамлакатлари учун хос бўлиб, у турли мамлакатларда ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан амал қилмоқда ва ривожланмоқда. Бу иқтисодиётнинг амал қилиш механизми кўплаб асрлар давомида таркиб топиб, шаклланиб, ҳозирги даврда маданийлашган шаклни касб этди ва кўпгина мамлакатларда ҳукмрон иқтисодий тизимга айланди. Мазкур иқтисодиётнинг барқарорлиги шу билан тушунтириладики, узоқ даврли иқтисодий эволюция давомида унинг амал қилишининг асосий классик қоидалари сақланиб қолди.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз, деган эди Президентимиз И.А. Каримов – бошлаган ислоҳотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир.

Ҳамдўстлик давлатларидаги тараққий топган жамият қуришга қаратилган кескин ўзгаришлар, бугунги кунда, ҳаётнинг барча соҳаларини эгаллаб олди. Бу мураккаб ва қарама-қаршиликларга бой жараёндир. У доимо негизи бизнинг давлатимизда ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жамоатчилик муносабатлари тарихида чуқур кириб кетган оғриқли муаммоларга дуч келади. Аммо, бу муаммоларнинг ҳеч қайсиси, ядросини эркин тадбиркорлик ва бизнесни ташкил қилувчи, муқобил иқтисодий асосини яратиш муаммоси каби долзарб эмас. Унинг атрофида, ҳозирда, ижтимоий ҳис-туйғулар жунбушга келмоқда, ҳар хил нуқтаи назарлар билан бир-бирига қарши турувчи сиёсий кучлар бу масалада ўйин кўрсатмоқдалар.

Бугунги кунда замонавий иқтисодчи доимий асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кишидир. У дадил, муҳим ва мураккаб мақсадларни ўз олдига қўйиб, амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бутун масъулиятни ўз зиммасига олади ва таваккалчилик асосида иш юритади.

Замонавий раҳбарга хос хусусиятлар жамият тараққиётига мувофиқ равишда босқичма-босқич бойиб, такомиллашиб борди. Замонавий иқтисодчи тараққиётининг илк босқичида, масалан, таваккалчилик ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлса, кейинчалик иқтисодчининг бошқа хусусиятлари тадрижий равишда олдинга чиқа бошлади. Бу хусусиятларга, энг аввало, бозор имкониятларини излаб топиш ва тадқиқ қилиш, улардан фойдаланиш, новаторлик ғояларини амалга ошириш киради. Қолаверса, энди изланувчанлик, юзага келган янги имкониятлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, сифатли товарлар ишлаб чиқариш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, янгиликлардан хабардор бўлиш, истеъмолчига хизмат кўрсатишнинг янги усулларини излаб топиш, инвестиция киритишга янги соҳалар ахтариш муҳим амалиёт касб этади.

Замонавий иқтисодчи фаолиятини ҳаракатга келтирувчи асосий куч – фойда ёки тадбиркорлик даромадини олишдир. Шу мақсадга эришиш учун иқтисодчи-тадбиркор ўз қўл остидаги ишлаб чиқариш воситаларидан, ёлланган ишчи кучларидан умумий фойдаланиб, ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштиради, зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, харид қилишга, сотишга, рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилади.

Назаримизда, кўп ҳолларда иқтисодий фанлардан хабардор, уларни маълум даражада кенг ўрганаётган мутахассислар ҳам ҳар тарафларга эътибор бермай турли хавф-хатарлар, йўқотишларга йўл қўядилар. Умуман олганда, иқтисодий фанлардан тўғри фойдаланмай, иқтисодий қонунларни бузганимизда турли хил йўқотишларга дуч келамиз. Фикримизнинг далили сифатида минглаб олим ва мутахассисларнинг изланишлари асосида бошқарилган маъмурий буйруқбозлик тизими муваффақиятсизликка учраганини кўрсатишимиз

мумкин. Бундай муваффақиятсизликнинг асосий сабабларидан бири раҳбар ходимлар ва амалдорларнинг иқтисодий қонунларга бўлган эътиборсизлигидир.

Шу сабабли, мамлакатимизда Президентимиз И. Каримовнинг шахсий ташаббуслари билан иқтисодий фанларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва шу фанлар асосида иш юритишни ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, университетимизда ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Иқтисодий таълим» мавзусидаги халқаро илмий анжуман жуда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда чуқур кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда, замон талабларига жавоб берадиган олий маълумотли иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштиришган узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Глобаллашув шароитида макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан аҳоли бандлигини ошириш масаласини ҳал этиш ишчи кучи рақобатбардошлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Бу ўринда таълим тизими кўрсаткичларининг сифат даражасини ошириш республикада амалга оширилиши зарур бўлган муаммолардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу тизимни ривожлантириш орқали ишчи кучи сифатига ва иш билан бандликни оширишга катта эътибор берилмоқда.

Бутун дунёда давлат таълим соҳасини маблағ билан таъминлайди (энг аввало, унинг фундаменталлашуви ва инсонпарварлашуви йўналишида) ва бошқа субъектларнинг мазкур соҳага узоқ муддатли инвестициялари учун кафолатлар беради, устувор ихтисосликлар, мутахассислар тайёрлаш шакллари ва усулларини таъминлаш, таълимни ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзларини ва бозорни тартибга солишнинг бошқа шаклларини қўллайди. Давлат таълим муассасаларида ўргатиладиган касблар ва ихтисосликларнинг рўйхатларини белгилайди, таълим хизматларининг базавий ассортиментини шакллантиради. У таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни амалга оширади, таълим хизматлари сифати, унинг таълим стандартларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Таълим - инсоний капитал ва пировард натижада мамлакатнинг ривожланиши даражасига таъсир кўрсатувчи омилдир. Шу сабаб, таълим тизимининг аҳволи, унинг мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш вазифаларига мувофиқлиги Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киритилган. Республикамизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бунинг ёркин исботидир. Шу билан бирга ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари давлатнинг инсоний капитални шакллантириш соҳасида, шу жумладан, таълим соҳасидаги роли камайишига олиб келди.

Илм-фанга, бошқарув кадрларни тайёрлашга, фуқароларнинг таълим даражасини оширишга берилаётган эътибор бу соҳадаги давлат сиёсати қай даражада олиб борилаётганлиги ва унинг самарадорлиги, пировард - натижада шу мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини белгилаб беради. Буни чуқур англаб

етган республикамиз раҳбарияти умумтаълим, шунингдек, олий таълим тизимларини тубдан ислоҳ қилишга киришди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, республиканинг ақл-заковат салоҳиятини ўстириш, давлатимиз қудратини ошириш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ва дастурлари ишлаб чиқилди. Таълим тизимининг молиявий ва моддий таъминоти қонуний йўл билан ижобий ҳал этилди.

Ҳар бир бажарувчининг шахсий қадр-қиммати - раҳбар учун дахлсиздир. Ўзаро муносабатларда бўйсунувчилар шахсиятига бирон-бир эҳтиёжсизликка йўл қўйиш, унинг фуқаролик ҳуқуқини чеклаш мумкин эмас. Раҳбар ва бўйсунувчилар ўртасидаги расмий ва норасмий муносабатларнинг мустаҳкамлиги жамоа аъзоларининг биргаликдаги меҳнат фаолиятидан қанчалик маънавий қониқиш ҳосил қилишларига боғлиқ. Агар улар ўзига нисбатан адолатли ва тўғри муносабат мавжудлигига ишонқирамасалар, унда бу уларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир этади. Натижада раҳбар ўз фаолиятида муваффақиятга эриша олмайди, низо ва келишмовчиликлардан четлаб ўта олмайди.

Ходимларнинг ахлоқий юксаклиги замонавий раҳбарнинг бошқарув фаолиятининг муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Бунга эришиш учун, аввало, раҳбарнинг ижтимоий-ахлоқий тайёргарлиги (назарий ва амалий) зарур. Ана шу мақсадда бошқарув одоби тузилади. Унинг моҳияти ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг барча иштирокчиларининг *хулқ*-атвори тамойил ва меъёрларини асослашдадир, хизмат ҳуқуқ ва мажбуриятига касб бурчи сифатида муносабатда бўлиш зарурлигидадир.

Раҳбарнинг бошқарув одоби маъмурий ва хўжалик фаолиятини сифатли адо этишга йўналтирилган назарий-амалий этика билимлари ва амалий тавсиялар тизимидан иборатдир. Ижтимоий адолат, шахс эркинлиги, касбий покизалик, масъулиятни ҳис этиш, табиатни асраб-авайлаш унинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Бошқарув одобида ахлоқий тавсифдаги, шахс хулқ-атворини ўрганиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар, бошқарув фаолиятига бўлган ахлоқий талаблар, ишга алоқадор этика қоидалари ишланмалари ва менежернинг хизматдан ташқари хулқи, муомала одоби бўйича маслаҳатлар тўпламлари муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда бугунги кунда рақобатбардош иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш учун асос бўла оладиган мукаммал стратегияни ривожлантириш ҳамда бўлажак мутахассисларда раҳбарлик сифатларини шакллантириш муаммоси долзарб аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти шундай бир тез ўзгарувчан тизимки, бу тизимда мутахассисларнинг малакасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарурати бирламчи вазифа ҳисобланади. Чунки, хусусий мулкчилик шароитида истеъмолчи учун курашда устуворликни қўлга киритишда, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам тўғри қарор қабул қила оладиган ва бу қарорларни самарали ижросини таъминлай оладиган замонавий иқтисодчи мутахассислар муҳим роль ўйнайди.

Магистрлар И.И. Бозоров,
Ш.Ш. Ражабов, ТДИУ

Юқори малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлашнинг бугунги кундаги аҳволи

Ҳар қандай жамиятда таълим асосий ўрин тутади. Таълим ҳозирги кунда одамлар, мамлакатнинг маданий, иқтисодий ва ҳуқуқий ва бошқа жиҳатлардан ривожланишининг асосий компоненти, унсури ҳисобланади. Жуда кўп мамлакатларда таълимни ривожлантириш мамлакатнинг энг муҳим, зарур устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралади.

Ҳар бир мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими олдида, одатга кўра, қуйидаги вазифалар туради:

- аҳолини таълим билан қамраб олишни ошириш, унинг саводхонлик даражасини кўтариш, ошириш ва бу жараённи давлат томонидан доимий қўллаб-қувватлаш;
- иқтисодиёт ва жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида зарур бўлган малака ва касбга эга, шунингдек, ўз ички кучларининг сифатини муттасил ошириб боришга қодир мутахассисларни тайёрлаш;
- таълим ва тарбиянинг сифатини ошириш;
- шахсни ҳар томонлама уйғун тарбиялаш ва унда миллий мустақиллик ғояларини шакллантириш;
- муқобил давлат таълим ва тарбия муассасаларини ривожлантириш, ушбу соҳада рақобатни кучайтириш;
- таълим жараёнига бюджетдан ташқари маблағлар ва инвестицияларни жалб этиш;
- маркетинг моделини жорий этиш асосида таълимни бошқаришни доимий равишда такомиллаштириш.

Шаклланаётган янги таълим тизимининг иккинчи ўзига хос жиҳати шундаки, таълим индивидуал - шахсга йўналтирилган бўлиб, ҳар бир аниқ инсоннинг шахсий имкониятларини эътиборга олиш учун шароит яратади. Агар анъанавий таълим тизими жамоавий ўқитишга асосланган бўлса, янги тизим индивидуал - шахсий қобилият негизида аниқ таълим жараёнини танлашни назарда тутади. Бунга ҳам ўқитувчилар, ҳам ўқувчиларнинг турлича бўлган имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ранг-баранг таълим дастурларини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда иқтисодий таълимга қуйидаги талаблар қўйилади:

- сифатлилик, яъни ёшлар талаб қилинган даражада билим, малакага эга бўлиши ва барча ёшлар иқтисодий билимларни ўрганиши;
- самарали бўлиш, яъни таълим-тарбияга сарфланган харажатлар албатта максимал самара бериши керак.

Бугунги кунда бошқарув кадрлар тайёрлашни ривожлантириш стратегияси ҳар қандай ўзгарувчан вазиятга мослаша оладиган ва самарали

фаолият кўрсата оладиган иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида етук малакали мутахассисларни тайёрлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди.

Ҳозирги шароитида давлатнинг таълим сиёсатидаги бош масаласи малакали ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаш, иқтисодчилар тайёрлашни меҳнат бозори талабларига мослаштиришдир. Таълимни ижтимоий жиҳатдан аҳамияти кўп жиҳатдан иқтисодий тайёргарлиги билан аниқланади. Замонавий иқтисодчи мутахассислар иқтисодий масалаларни тушуниши, иқтисодиётдаги турли тенденцияларни аниқлай билиши, амалий фаолиятга тайёр бўлиши лозим.

Иқтисодий билим бир бутун ҳолда – реал дунёда иқтисодий ҳодисаларни инсон томонидан ўрганиш натижасидир. Илмий билишнинг биринчи босқичида иқтисодий фикрларнинг шаклланиши, уни ривожланишида энг йирик илмий мактабларнинг тутган ўрни ўрганилади. Бирон бир мактаб берилган саволга, масалага аниқ жавоб бермайди, лекин уларнинг асосий интеграцияси энг фикрлашга, таҳлил қилишга ўргатади.

Бугунги кунда биз учун иқтисодий билимларни шарқона қарашлар, яъни маънавий қадриятлар билан уйғунлаштириб бориш, таълимнинг муҳим шарти бўлиши лозим. Чунки иқтисодчиларни фақат чуқур билимлар билан тарбиялаб бўлмайди. Иқтисодий саводхонлик инсонни иқтисодий фаолият субъекти сифатида қаралган ҳолда уларни келажакда эҳтиёжларини қондириш учун самарали танловни ўрганиш, бунинг учун эса иқтисодий фаолият тузилиши, унда ўзининг ўрнини ҳис этиши, замонавий иқтисодий хулқ-атвор нормаларини, иқтисодий маданиятли бўлиш, ресурсларга тежамкорлик муносабатларини тарбиялашдан иборат.

Иқтисодиётга йўналтирилган таълим муассасаларида таълим берувчи педагоглар эса қуйидаги мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилишлари лозим:

- миллий мустақиллик халқимизнинг тарихий, интеллектуал, маънавий ва иқтисодий меросини ўрганиш, иқтисодиёт илми ривожига улкан ҳисса қўшган олимларнинг илмий меросидан кенгроқ равишда талабаларни хабардор қилиш, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги иқтисодий маданият ва тафаккурни шакллантириш.
- замонавий раҳбарга хос сирларни сингдириш, жамият тараққиётида бўлаётган ўзгаришларни иқтисодий моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш, ҳаётий вазиятлардан энг кам йўқотишлар билан чиқиб кетиш.

Шунинг учун ҳам асосий диққат умумий иқтисодий саводхонликни оширишга қаратилади. Буни амалга ошириш кўп жиҳатдан иқтисодчилар ҳаракати, маҳоратига боғлиқ. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги ҳаракати давлат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги, шу жумладан, таълим тизими фаолиятидаги чуқур ислоҳотлар билан боғлиқ. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг аҳамияти фақат аждодларнинг турли фаолият соҳасидаги тажрибаларини тўпловчи ва жамиятнинг янада ривожланиши учун пухта замин ҳозирловчи муассаса сифатида тан олиниши билангина эмас, балки улар самарали фаолият кўрсатиши учун зарур ресурсларни бунёд этиш билан ҳам белгиланади.

Мамлакатимизда малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантириш тажрибаси катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади, чунки у замонавий иқтисодий таълимнинг аҳволини таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан изоҳлаш, унинг узлуксиз касб таълими тизими билан уйғунлаштириш ва самарали дидактик ривожланишни башорат қилиш вазифаларини ҳал этиш имконини беради.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, - «Иқтисодиёт, сиёсат соҳасидаги барча ислоҳотларимизнинг асосий мақсади инсонга қаратилган. Мана шунинг учун ҳам миллий уйғониш ғоясини амалга оширишга қобил янги авлодни тарбиялаш иши давлат иши, унинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади».

Бошқарувнинг моҳияти объектив ва субъектив шарт-шароитларини шундай нисбатда уйғунлаштиришни таъминлашдан иборатдир, бу мўлжалланган мақсадга эришиш имконини беради. Шунинг учун яхши раҳбар одамларга камроқ буйруқ беради, бунинг ўрнига уларнинг меҳнат фаолияти учун зарур бўлган самарали шароит яратади.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг бош мақсади – рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва барча тоифадаги малакали ходимларни тайёрлаш орқали рақобатбардош хизмат кўрсатишдан иборат.

Замонавий шароитда янги таълим тизимининг шаклланиш жараёни таълимни бошқариш хусусиятига боғлиқ. Мазкур тизимни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари таълим муаммоларини нафақат таълим тизими доирасида, балки умумдавлат, шунингдек, ҳалқаро ва глобал миқёсда ҳал қилиш; таълимни бошқаришнинг барча босқичларида тизимийлик тамойилига амал қилишни таъминлаш; таълимни молиялаштириш ва ташкиллаштиришда давлатнинг роли ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш; турли ижтимоий институтлар, асосан, корхона ва оилаларни таълим муаммоларини бартараф этишга жалб этиш; ўқув муассасалари ва ўқувчиларнинг таълим жараёнини ташкил этишдаги ролини қайта кўриб чиқиш заруратида ўз ифодасини топади.

Янги таълим тизими ҳамда унинг шаклланиш жараёнларининг муҳим жиҳати - глобаллик, яъни уларнинг чуқур жараёнларни назарда тутувчи жаҳон миқёсига эга эканлиги. Мазкур жиҳат замонавий дунёда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида давлатлараро, ҳалқаро миқёсда интеграцион-бирлашув жараёнларининг, фаол ўзаро таъсирнинг мавжудлигини ўзида намоён этади. Таълимни халқаролаштириш, глобаллаштиришнинг турли йўллари мавжуд. Булардан энг истиқболлиси - ахборот жамиятига ўтиш жараёнида ривожланадиган глобал ахборот инфратузилма негизидаги таълим тизимини яратишдир.

Республикада таълим олиш имкониятини янада кенгайтириш учун:

- таълим олиш имконияти, сифати ва самарадорлигини маркетинг тамойили билан мувофиқлаштириш: керакли хизмат керакли истеъмолчига зарур вақтда етказилади;

- ўрта махсус ўқув юртларининг ихтисослашуви ва концентрация-жамланганлигини чуқурлаштириш ҳамда хизматларга бўлган талабнинг истиқболидан келиб чиққан ҳолда уларни вилоятлар бўйлаб оптимал

тақсимлаш;

- ривожланган давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда давлат ўрта махсус ўқув юртларида молиялаштиришнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалари ўртасидаги нисбатни қайта кўриб чиқиш.

Бизнинг таҳлилларимизча, кадрлар салоҳиятининг мунтазам янгиланиб ва мустаҳкамланиб турилиши ижтимоий тараққиёт кафолатидир. Бироқ тарихнинг турли босқичларида ушбу масала турлича ва ўзгача интенсивлик билан ҳал қилиниб келган. Масалан, олдинги олий мактабда таълим олган аксарият ҳозирги муҳандис-техник ходимлар ва корхона раҳбарлари бозор шароитида фаолият кўрсатиш учун тайёргарликдан ўтмаган, таълимнинг хориж тажрибаси ҳақида маълумотга эга эмас эдилар. Шу сабабли уларнинг баъзилари билим ва тажриба, шунингдек, маънавий-руҳий жиҳатдан хўжалик ислоҳотларининг дастлабки босқичларида бозор шароитига мослашишда қийналардилар.

Бугун вазият тубдан ўзгармокда. Таълим жараёнининг имконият ва талаблари «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз ифодасини топди. Бинобарин, бутун дунёда кечаётган таълим инқирозини бартараф этиш жараёнида юзага келадиган янги таълим тизимининг қуйидаги асосий хусусиятларини қайд этиш мумкин:

- таълим тушунчасини уни расмий мактаб таълими ва шахснинг ҳаётий мақсадлари ва феъл-атвор моделларини унга янги билимлар бериш, янги кўникма ва маҳоратларини ривожлантириш йўли билан ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай фаолиятни таълим сифатида талқин этиш воз кечиш орқали кенгайтириш;
- янги таълим тизимининг асоси - ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг замонавий компьютер ва телекоммуникация технологияларидан иборат ҳамда улар доимий равишда анъанавий ахборот технологиялари билан тўлдириб борилади;
- янги таълим тизими бозор механизмлари шаклланиши ва қарор топиши, таълим маҳсулотлари ва хизматлари бозорининг шаклланиши ва ривожланиши билан тавсифланади;
- глобаллик янги таълим тизими ва унинг шаклланиш жараёнларининг ўзига хос жиҳатидир;
- янги таълим тизими очиқ, мослашувчан, индивидуаллаштирилган бунёдкор билимлар, инсоннинг бутун умри мобайнида узлуксиз таълим олишини таъминловчи тизим сифатида майдонга чиқади.

Меҳнат жамоаси шахс камолга етишадиган асосий ижтимоий муҳитлардан биридир. Шахснинг шаклланиши ва камолга етишиш жараёни оила – ўқув юрти - меҳнат жамоаси тизимида амалга ошади, бу унсурлар орасида шахсий хислат-ишбилармонлик сифатлари ижтимоий шаклланиши жараёнининг ворислиги ва узлуксизлигини таъминловчи жипс алоқа бўлиши керак. Меҳнат жамоаси раҳбари зиммасига салмоқли руҳий-педагогик оғирлик тушади. У жамоа билан ёш инсон оила ва мактабда олган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаши, унинг аввалги шаклланиш жараёнида орттирган салбий хислатларини бартараф этиши ёки йўқотиши лозим.

Замонавий педагогика ва психологияда олий мактабда талабаларни шакллантириш, тарбиялаш масаласида катта ёшдаги кишиларни тарбиялаш мумкинми? - деган масала баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда. Бунга педагог-психолог олимлар масалага қайси томондан ёндашиш билан боғлиқ эканлигига эътибор каратади. Агар болага ўқитувчи ўзи хоҳлаган, олий мактаб, жамиятга зарур сифатларни сингдириш мақсадида таъсир этса, бу ёндашишнинг нотўғрилиги, шахсни олий мактабда ўқитиш жараёнида унинг ўзини-ўзи ривожлантириши, шакллантириши учун қулай шароит яратиш мақсадида тушуниш лозимлиги таъкидланади.

Шунга мувофиқ, олий педагогик таълим талабаларга махсус билимларни бериш билангина чекланиб қолмай, талабанинг ижтимоий мавқеини ўстириш, умуминсоний қадриятлар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг ўз фаолиятларида қадриятларга таяниб иш кўришларини таъминлашга каратилган қулай муҳитни яратиб бера олишлари лозим. Шунинг учун ўқитувчи нафақат билим ва касбий кўникмаларни бериши, балки талабаларни маданийлашишга яқинлаштириб, мазкур маданиятнинг шаклланиб ривожланиши учун ҳам шарт - шароит яратиши зарур.

Тарбиянинг иккинчи муҳим вазифаси - тарбияланувчига ўзининг ҳаётий индивидуал услуби, фаолият ва муносабатга киришишни шакллантиришга ёрдам беришдан иборат. Бу вазифани ҳал этиш учун ўқитувчи психодиагностик методика ва баъзи кўникмаларга эга бўлиши ҳамда талабаларни ўзини-ўзи англаш воситалари билан қуроллантиришлари зарур.

Талабанинг муваффақиятли ўқиши унинг ақлий фаолият юритиш услубларини эгаллаш даражасигагина эмас, ўзига ва уни қуршаб турган турғун муносабатлар тизимига ҳам боғлиқ. Айниқса, олий мактабда ўқиш даврида талабаларда махсус қобилиятларнинг ривожланиши, ўз касбига алоқадор бўлган соҳаларга қизиқиши кучайиши, шунингдек, талабалик ёшида уларнинг ҳис-ҳаяжон доираси ўспиринлик давридаги тез ривожланишдан сўнг жиддий ҳолатга келиб, бир маромда ривожланишини аниқлаганлар.

Олий ўқув юртларининг педагоглари талабаларни маънавий ривожлантиришда айнан шу жиҳатларни шакллантиришга эътибор беришлари керак. Ижтимоий нуқтаи назардан ривожланишнинг талабалик босқичи нисбатан мустақил бўлиш, ота-онадан узоқлашиш, ўз оиласини қуриш жиҳатлари билан характерланади. Талабанинг ўзини ўраб турган муҳитдаги қулай ҳолати унинг нормал ривожланишини таъминлайди.

Шундай қилиб, бугунги кунда мамлакатимизда амал қилаётган мутахассислар тайёрлаш тизимининг асосий мақсади, дунё мамлакатларининг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, шаклланиб келган таълим салоҳиятининг ижобий қирраларини такомиллаштириш асосида етук малакали замонавий раҳбар ходимларни тайёрлашдан иборатдир.

Кат. илмий ходим-изланувчи Д.О. Химматалиев,
Ю.Сайфиева, ТИМИ

Ўзбекистон шароитида Германия таълим тизимидаги назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш методикасини қўллаш

Республикамизнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим сифати ва унинг самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Малакали кичик мутахассисларни тайёрлашда педагоглар таълимнинг инновацион ютуқларидан, жумладан илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, ўқув жараёнини самарали ўтказиш учун таълим методлари ва ўқитишнинг техник воситаларини танлаш, дарс жараёнининг кетма-кетлигини тўғри тақсимлаш ҳамда тегишли баҳолаш мезонларни танлаш муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу ўринда Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “Соғлом бола йили” давлат дастури тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўйилган вазифаларда “таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, электрон дарсликлар, мултимедиа воситаларини кенг жорий этиш йўли орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, самарали тизимини янада ривожлантириш” кўзда тутилганлиги долзарб взифалардан биридир.

Махсус фанлар ва умумкасбий фанларни ўқитишда назарий ва амалий машғулотларни бир-бири билан узвий боғлаш, уларнинг ўртасидаги тавофутларни бартараф этиш учун ҳамда таълим олувчиларнинг назарий билимлари асосида уларнинг янги кўникма ва малакаларни шакллантириш учун таълимнинг замонавий методи - “5 поғонали” методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

“5 поғонали” методдан фойдаланиб амалий машғулотларни самарали ўтказишда таълим олувчиларни ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари, янги меҳнат усуллари ва баҳолаш мезонлари билан таништириб бориш лозим.

“5 поғонали” метод қуйидаги поғоналарни ўз ичига олади:

1. Мотивация поғонаси
2. Ахборот поғонаси
3. Намойиш поғонаси
4. Қўллаш поғонаси
5. Назорат поғонаси.

Мотивация поғонаси янги мавзуга кириш учун қизиқарли кириш вазиятини ҳосил қилади. Бу поғонада таълим берувчи таълим олувчиларни мавзунинг мақсадлари билан таништиради ва уларнинг бошланғич билим захирасини аниқлаб олади. Агар таълим олувчи ўзи билган маълумотларни янги билимлар билан боғлай олса, у тезроқ ўрганади ва ўрганган янги билимларини яхшироқ эсда сақлаб қолади. Шунинг учун таълим берувчи

таълим олувчиларни янги мавзуга йўналтирган ҳолда таълим олувчиларда ***“Мен билишни хоҳлайман”*** деган қизиқиш ҳосил қилишига эришиши лозим.

Ахборот поғонаси – таълим берувчи муҳим назарий билимларни бериши лозим. Бунда таълим олувчилар когнитив ўқув соҳаси бўйича ўрганишга жалб этилади ва назарий билимларини амалий тажрибалари билан боғлаш учун ахборотлар олади. Шу тариқа таълим олувчилар янги тизим ҳақида тушунчага эга бўлади, янги қисмлар, янги меҳнат қуроллари ва усуллари билан танишади. Таълим олувчилар муаммоларни ечиш имкониятларни ишлаб чиқади ва ***“Мен биламан”*** деган тушунча ҳосил бўлишига эришилади.

Намойиш поғонаси – таълим олувчиларнинг дастлабки билим захираси ва тажрибаларига боғлиқ. Ҳар доим меҳнат хавфсизлиги қоидалари тушунтириб ўтилиши лозим. Нотаниш меҳнат қуроллари ва янги жиҳозларни ишлатишдан олдин улардан фойдаланиш қоидалари тушунтирилади. Агар таълим олувчида дастлабки амалий кўникмалар бўлмаса, таълим берувчи бевосита иш жараёнида ҳаракатлар кетма-кетлигини тушунтириб бериши керак ва таълим олувчилар билан биргаликда ишлаш босқичларини ишлаб чиқиши керак. Таълим олувчиларда дастлабки амалий кўникмалар бўлса, машғулотда таълим олувчилар иш босқичларини мустақил ишлаб чиқадилар ва таълим берувчи ўз маслаҳатлари билан ишни кузатиб боради. Шу орқали машғулотда таълим олувчиларнинг иштироки фаоллашиб, таълим олувчиларда ***“Мен тушуняпман”*** деган тушунча ҳосил бўлади.

Қўллаш поғонаси – таълим олувчилар топшириқни бевосита бажариб ўрганади. Бунда ўрганган билим ва тушунчаларини қўллайди. Таълим олувчилар бирор ҳаракатни бошлашдан олдин меҳнат хавфсизлиги қоидаларини оғзаки такрорлайдилар ва имконият тариқасида таълим олувчилар мустақил равишда иш ҳаракатларини олиб борадилар. Таълим берувчи эса таълим олувчилар ҳаракатларини кузатиб боради. Агар таълим олувчилар бирон-бир қийинчиликларга дуч келсалар ва уларга ёки жиҳозлар учун хавф-хатарлар келиб чиқса, таълим берувчи қўшимча тушунтириш ишларини олиб боради. Натижада таълим олувчиларда ***“Мен бажаряпман”***деган тушунча пайдо бўлишига эришилади.

Назорат поғонаси – таълим берувчи натижаларни баҳолаши ва муваффақиятларни санаб ўтиши лозим. Шунда таълим берувчи томонидан таълим олувчилар ишлари обьектив баҳоланади. Бу поғонада таълим берувчи таълим олувчи томонидан учраган хатоларни муҳокама қилади ва тўғрилаш имкониятларини айтади. Таълим олувчиларда янги кўникма ва малака ҳосил бўлганини аниқлаш учун таълим олувчилар текширилади. Бу поғона якунида таълим олувчиларда ***“Мен бажара оламан”*** деган тушунча пайдо бўлади.

“5 поғонали” методи билан ўтказилган амалий машғулотларда янги билим, кўникма ва малака шаклангандан сўнг таълим олувчилар билан яна машқлар ўтказиш лозим.

“5 поғонали” методни қўллаш орқали амалий машғулотларни ўтказишда таълим олувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш ва ҳар бир таълим олувчининг дарсларда тўлиқ иштирокини таъминлашга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда “5 поғонали” метод орқали амалий машғулотларда самарали ўқув натижасига эришиш мумкин.

Шуни айтиш керакки дарсни таълим олувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштириши, қизиқарли ўтиши ҳамда таълим олувчида шаклланиб қолишида, билим берувчини ўз касбини билиши, ўз устида ишлаши ва энг муҳими ўз фанини севиши катта аҳамиятга эга деб айтиш мумкин.

Германияда касб-ҳунар таълими тизими педагогик ходимларнинг малакасини ошириш мослашувчан характерга эга бўлиб, улар махсус академия, университет, корхоналар ва ҳудудий тренинг марказлари шунингдек, касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этилади.

Германиянинг таълим тизимини қуйидаги жадвал асосида тушунтириб ўтиш мумкин:

Ўқув жараёнида “Ўқув мақсади”ни танлаш ва жорий этиш

Ўқитишнинг мақсади ўқитувчи ёки махсус комиссия томонидан тузиб чиқилади ва у:

- ҳар бир дарсдан сўнг;
- бўлим ёки бобдан сўнг;
- тўлиқ бир модуль якунида ўқувчилар нималарни билиши, бажара олиши ва амалиёт жараёнида ўзини қандай тутишини ифодалайди.

Ижобий томонлари:

- ўқитувчи мақсадни тўғри танлай олади;
- дарснинг режасини аниқ туза олади;
- вақтни тўғри тақсимлай олади;
- керакли медиа ва методлардан тўғри фойдалана олади;
- дарснинг охирида тестлардан фойдаланиб, ўқувчиларни материални қандай қабул қилганликларини ҳам билиш мумкин.

Дарснинг мақсади тушунарли, қисқа, аниқ, амалиётда қўллаш мумкинлиги ва долзарб бўлиши шарт. Немис филологи В. Блум ўқитишнинг уч ҳилдаги кўринишлари мавжудлигини таъкидлаган.

Дарс мақсадининг кўринишлари:

Когнитив Билиш Назарий Интеллектуал	Аффектив Ўзини тута билиш Хулқий Мақсадли ҳаракатлар	Психо-моторик Бажармоқ Амалиёт Малака

Дарс режаси. Германияда дарс ўтишда назарий ва амалий дарсларни мужассамлашган ҳолда дарс режаси тузилади.

Магистрлар Д.А. Султанова,
М.Ҳ. Саидова, ТДИУ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик - фаровон турмуш кафолати

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожини хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектларисиз тасаввур этиш қийин. Чунки мазкур соҳа оилавий даромад манбаи, чексиз имкониятларнинг етакчи омили ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, юртимизда тадбиркорлик одамларнинг ижодий ва

интеллектуал салоҳиятини юзага чиқарувчи воситага айланиб улгургани аҳамиятлидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида оилавий корхоналарга, ишбилармонликка берилаётган ҳуқуқий кафолатлар эса, ўз навбатида, тармоқни узлуксиз тараққий эттириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш имконини яратмоқда:

Биринчидан, кичик бизнес соҳасида яратилаётган иш ўринларининг салмоқли қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси улушига тўғри келади.

Иккинчидан, кўп ҳолларда аҳолининг кўпайиши натижасида меҳнат бозорида юзага келган юқори демографик босимга қарамасдан, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши туфайли банд бўлган аҳоли сонининг жадал суръатларда ортиб бормоқда.

Учинчидан, иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар асосан банд бўлмаган аҳолини, айниқса, қишлоқ жойларидаги, биринчи навбатда ёшлар, аёллар, ногиронлар, таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, касбий қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат ҳудудларининг ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим рол ўйнайди. Жаҳон ва Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсиш, ишсизликнинг олдини олиш, аҳоли даромадларини оширишга, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдиришга эришиш мумкин эмас.

Дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам аҳоли сони ортиб бориши кузатилмоқда. Бу ўз навбатида меҳнат ресурсларининг ортишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис бу каби долзарб масалани ҳал этиш, мавжуд меҳнат ресурсларини етарли иш ўринлари билан таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини янада оширишда кичик бизнес ав хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёсдир. Тадбиркорлик фаолиятида хусусан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда қарор қабул қилиш ва уни ишлаб чиқаришда тадбиркорликнинг самарали воситаси, асоси бўлиб маркетинг ҳисобланади ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошқариш тизимида, уни ташкил этишда, режалаштириш ва назорат қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Кичик бизнес субектларининг ривожланиши узлуксизлигини таъминлаш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириб борилиши бир қатор омилларга боғлиқ:

1) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг зарур бўлган ресурслар билан таъминланиши;

2) молиявий ресурсларнинг ҳосил қилинганлиги;

3) банк кредитига бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши;

4) икки ва кўп томонлама тузилган шартномаларга амал қилиш ва унинг ўз вақтида бажарилиши;

5) субъектларнинг малакаси, ихтисослиги ва етарли тажрибага эга эканлиги.

Хусусий тадбиркорликнинг қонуний ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга оид амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг

ёритиш мақсадида шу йилнинг сентябрь ойида «2015 – 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар» мавзуида республика конференция-семинари бўлиб ўтди. Вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи ва суд органлари, банкларнинг 200 дан ортиқ раҳбари, 300 дан зиёд хусусий тадбиркорлик вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги қонунчилик нормаларини амалда сўзсиз қўллашини таъминлаш борасидаги вазифалари муҳокама этилди. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва кичик ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида жорий йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес субъектларига 9,6 триллион сўм кредит, бу 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 марта кўп ва 2 триллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Халқаро молия институтларининг 134,8 миллион доллар миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди. Шу йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб бериш учун аккредитациядан ўтган кичик бизнес субъектлари умумий сони 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 баробар кўпайди ҳамда 35,6 минг субъект ёки давлат харидлари иштирокчилари умумий сонининг 98,1 фоизини ташкил қилди. Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни янада кучайтириш борасида 21,4 мингта янги кичик бизнес субъектини ташкил этиш имконини берди.

Натижада жорий йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53,6 фоизгача, саноатда 34,6 фоизгача, пуллик хизматларда 49,3 фоизгача ва бандликда 77,5 фоизгача ошди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазкур дастурни амалга оширишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонунга кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахлдор 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати қонун асосида тасдиқланди ва мазкур рўйхатда кўзда тутилмаган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланди. Белгиланган тартибга мувофиқ, якка тартибдаги тадбиркорларга юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият турига қараб, биттадан учтагача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.

Хулоса қилиб айтганда, иш ўринларини яратишда, айниқса, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Аҳолининг иш билан таъминланганлигининг ҳудудлар бўйича

мониторингини олиб бориш, хусусан, ишчи кучи миграциясига ҳам эътибор қаратиш лозим. Яратилаётган иш ўринларининг ҳаққонийлиги, иш билан банд аҳолини рўйхатга олувчи дастур яратиш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан яратилаётган иш ўринларини онлайн тарзда рўйхатга олишни йўлга қўйиш лозим. Иш ўринларини яратишда меҳнат бозорида илк бор иш кучини таклиф қиладиган шахслар, айниқса, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчилари бўлмиш ёшларнинг иш билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу эса, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга ёрдам бериб, Ватанимиз иқтисодиётининг янада гуллаб-яшнашига таъсир этади.

Г.О. Очилова,
Б.Э. Батирова, ТДИУ

Бўлажак иқтисодчи – педагогларни замонавий педагогик технологияларни қўллашга ўргатиш

Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топмоқда. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув – тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётда сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар, педагогик менталитетлар ўрнатилмоқда. Таълим тизими янги ахборотлар билан ишлаш қобилияти ижодий ечимининг таълим дастурини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда. Таълим – педагогик жараённинг мухим таркиби бўлиб, ўқувчи – талаба билан ўқитувчи (педагог) нинг шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлари ҳисобланади: Ижтимоий билимга тенг бўлган педагогик технологияларнинг ташкил топишида фаннинг роли ортиб бормоқда. Педагогик технологияларни амалда қўллашда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлган айрим педагогик ҳамда психологик тажрибаларни фойдали маълумотлар сифатида эслатиб ўтишни лозим топдик.

Таълим олувчиларни ўзлаштирмасликларининг бош сабаби – уларнинг саводлари (ўқиш, ёзишлари) ёмонлиги бўлиб, бунинг педагогик сабаби уларда тезкор хотиранинг етарли эмаслиги ҳисобланади. Ўқувчи-талабаларнинг умумий ўқув қобилиятларини ривожлантириш технологиясининг асоси диагностика ва ўз-ўзини диагностика қилишдир. Ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш ва таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ажралмас қисми эканлиги шубҳасиздир. Компьютерда ишлашнинг оддий кўникмалари ўқитувчининг касбий ахборот фаолиятини такомилаштиришдаги биринчи қадамдир. Ўқитувчининг ахборот маданиятини шакллантириш, ривожлантириш таълим муассасаси маъмурияти, малака ошириш институтлари зиммасига юклатилади. Ўқитувчининг маълум бир фан асосида дарсга тайёргарлик кўришида қуйидаги учта босқич муҳим аҳамиятга эга: ташхислаш, башоратлаш, лойиҳалаштириш (режалаштириш).

- *ташхислашда* ўқитувчи дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштиради, унинг натижаларини белгилайди.
- *башоратлаш* ўқитувчи томонидан бўлажак дарсни самарали ташкил этилишининг турли вариантларини танлаб олиб баҳолаш ва қабул қилинган мезонларга мувофиқ дарсни ташкил этишнинг энг маъқул вариантини танлаб олиш ва қўллашдир.
- *лойиҳалаштириш* (режалаштириш) ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш бўлиб, у дарсга тайёрланишнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Ҳозирда таълим бериш тамойиллари маълум, лекин қонунлари маълум эмас. Шу сабабли таълим бериш ҳамда ўқиб, ўзлаштириш қонунларини аниқлаш йўналишида, аввало, инсонни, унинг психологик, физиологик ва бошқа хусусиятларини ўрганиш давом этмоқда. Бу соҳадаги айрим натижалар қуйидагилардан иборат: машғулот турларининг имкониятлари ҳар хил. Ўқувчи-талабанинг фаоллиги. Фаоллик ортиқ ёки паст даражаларда бўлади. Ортиқ даража аслида ҳаяжонланиш бўлиб, ўзлаштириш сифатини пасайтиради. Фаоллик даражаси билан ўзлаштириш орасида бевосита дахлдорлик йўқ. Паст фаоллик, албатта, паст, юқори фаоллик эса, албатта, мустаҳкам билим беради, деб таъкидлаш мумкин эмас. Мотивация таълим натижалари учун катта аҳамиятга эга. Мотивация – одамни ўқишга ёки бирор ҳаракатни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси. Салбий мотив - мажбурлаб ўқитиш, лекин бунда ўқувчи-талабанинг ўқишга нисбатан бефарқлиги барча ҳаракатимизни йўққа чиқаради. Дарс ўтишда баҳснинг самарали бўлиши, энг аввало ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг бир-бирларига бўлган ижобий муносабати, ҳурмат-эътиборига боғлиқ. Демак, дарс мобайнида ўқитувчи мавзунинг характери ва шаклланиши, лозим бўлган билим, малака ва фазилатларга мос тарзда мунозара шароитини танлаши ва шундан кейингина машғулотни бошлаши керак. Бунда педагог учун асосий масала талабаларни дарс жараёнида фаоллаштириш асосида амалга оширилиши керак. Ўқитишнинг фаол услублари, асосан, икки хил вазифаларни бажаришга йўналган бўлади: Ўкув-амалий (ўқув қийинчиликларни бартараф этиш, кўникмаларни шакллантириш): Психодиагностика (ўзи ва бошқаларнинг руҳиятини ўрганиш, аниқлаш).

Дарс жараёнини режалаштириш ва лойиҳалаштиришда аввало самарадорликка эришишнинг асоси сифатида педагог “Кимни ўқитиш? Нимани ўқитиш? Кандай қилиб ўқитиш? деган саволларга аниқ жавоб бера олиши шарт. Кейингина педагог илғор педагогик тажрибаларни ўрганишда машғулотнинг мақсад ва унинг вазифаларини режалаштириш, долзарб мавзуни аниқлаш, олий мактаб амалиётида новатор ўқитувчиларнинг ютуқларини ўрганиш, материалларни тўплаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш каби воситалардан фойдаланадилар. Шунингдек, таъкидламоқчимизки, педагогик ташхислаш қайд қилувчи эмас, балки мақсад ҳосил қилишни белгиловчи (прогностик) характерга эга бўлганлигида самарали бўлади, бу ўқитувчининг касбий рефлексияси ривожланиши асосида амалга оширилади. Айни пайтда, айнан таълим-тарбия жараёнида мақсад ҳосил қилувчи ташхислаш унинг ривожланиш қобилиятини таъминлайди.

Фикримизча, бўлажак иқтисодчи-педагогларда бошқарув қобилиятларининг шаклланиши, энг аввало, шахсий хислатларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, улар ўзаро муносабатларда ривожланиш тизимини ташкил этади. Халқимизнинг миллий анъаналари, удумлари, турмуш тарзининг таҳлилларига асосланиб, манбаларда келтирилган умуминсоний хислатлардан фойдаланиб, бўлғуси иқтисодчи-педагогларда шаклланган қуйидаги бошқарув хусусиятлари ва ижобий хислатларни ривожлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз: яъни умумий, ахлоқий, ишбилармонлик, ишчанлик, уддабуронлик, заковатлилик, иродалилик, зукколик, эмоционал хислатлар.

Педагогда мустақиллик бўлса, унда ўзига ишонч ҳам бўлади. Юқорида айтиб ўтилган раҳбарлик сифатлари ичида энг муҳими, табиийки, психологик маҳоратни талаб этувчи – бўлғуси иқтисодчи-педагогнинг инсон ресурслари (ўқувчилар)ни бошқариш маҳоратидир. Чунки бунда педагог ҳар бир ўқувчисининг психологик хусусиятлари ва гуруҳ психологиясини яхши билиши зарур, бу заруратни инглиз олимлари «ўзгалар психологиясини билиш улар устидан ҳукмронликнинг ягона йўлидир» деб таърифлашган. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун бўлғуси иқтисодчи-педагогга қуйидаги бошқарувчилик маҳорати функциялари шаклланган бўлмоғи лозим. Юқорида зикр этилганлардан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, иқтисодчи-педагогга хос бошқарувчилик маҳорати уларнинг илмий, сиёсий, ҳуқуқий, таълим-тарбиявий тажрибалари асосидагина шаклланади.

Иккинчидан, бунинг учун уларда қуйидаги педагогик қобилиятларни шакллантириш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари зиммасидадир: педагогларнинг таълим-тарбия жараёнида аввало ўз-ўзини ҳамда аудиторияни бошқариш қобилиятини шакллантириш; ташкилотчилик маҳоратини такомиллаштириш; бўлажак педагогларда ўзини идора этиш қобилиятини тарбиялаш; педагогик ориентация хислатини шакллантириш; педагогик иродавий сифатларини тарбиялаш; ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш.

Замонавий педагогик технологияларнинг психологик — педагогик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қуйидагилар билан ифодаланади:

- ўқувчи-талабанинг ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиши, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиши;
- билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш;
- ўртача ўқувчи-талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг табақалашган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш;
- ўқувчи-талабанинг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиш.

Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркиблари самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланишига ўтилмоқда. Бунда ҳар хил педагогик тизим билан ўқитиш

технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда давлат таълим тизимининг янги шаклларининг апробацияси, ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг педагогик тизимларини қўллаш муҳим ҳисобланади. Педагогик технологиянинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига сўзсиз эришиш ўқув жараёнида лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзакиликда эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади. Педагогик технологияни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олади. Ўқитувчи (педагог) ўз олдига ўқувчи – талабалар ўқув материалининг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олсин, маълум билимларни эгаллаб, амалиётга қўллашга ўргансин деган мақсадни қўяди. Бироқ, ўзлаштириш, тушуниш, қўллаш нимани англатади? Ўқитувчи (педагог) ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?

Педагогик мақсадга эришганлик ёки эришмаганликни билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, ўқитувчи (педагог) ўзининг меҳнати самарали эканлиги ва танлаган методлари мақсадга мувофиқлиги ёки аксинча самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Маълумки, таълим жараёнида ўқитувчи бош омил. У режалаштирилган маълумотларни талабага тезроқ беришга ҳаракат қилади, лекин таълимнинг асосий икки жиҳатига эътибор берадими?

Таълимнинг ташқи жиҳати - ўқитувчи ҳаракатларининг изчиллиги ва талабалар ҳаракатига мос келишидир. Ички жиҳати талабанинг ҳолати, унинг билим олишидаги фаоллиги, маълумотларни ўзлаштириш даражасини ифойдалайдики, бу ҳолат ўқитувчининг иш услубига тўлиқ мос келавермайди.

Илмий манба. Услубнинг оммабоплиги деганда ўқувчи – талабаларнинг ривожланиши ва руҳий-педагогик имкониятларига ушбу услубнинг мувофиқ келиши тушунилади. Бу услуб асосан учта қоидани ўз ичига олади:

1. Янги маълумотларни илгари ўрганилган маълумотлар билан бошлаш. Бу ерда, яъни талабанинг мустақил равишда ишлаши, ўтилган маълумотларни мустақил такрорлаши, мустақил равишда фикрлардан хулосалар чиқарилиши талаб қилинади.

2. Таълим методининг самарадорлиги, унинг ўқув материалини мустаҳкам эгаллашга қаратилганлиги. Бу ерда ҳам ўзлаштирилиши керак бўлган таълим методининг самараси талабанинг мустақил ҳаракати, унинг олдиндан ушбу метод ҳақида маълумотга эга бўлишига боғлиқдир.

3. Илғор методларни мунтазам ўрганиб бориш, замонавий педагогик технологияларни лойиҳалаш, танлаш ва амалда қўллаш.

Бўлажак иқтисодчи - педагогларни замонавий таълим-тарбиянинг муҳим методикаларини ишлаб чиқишга ўргатиш билан бир қаторда педагогик технологиялар элементларини қўллаш натижасида таълим жараёнини режалаштириш, ташхис қилиш, тузатиш киритиш имкониятлари яратилади кутилган натижага эришилади, вакт тежалади ва таълим жараёни самарадорлиги ошади. Замонавий педагогик технологиялар элементларини

бошқа педагоглар қўлланганда ҳам юқори натижа беради ва таълим самараси янгича босқичга кўтарилиб, таълимнинг янги модели амалга ошади: талабанинг истак – хоҳиши, қизиқиши ва ҳаракатлари уларнинг имконияти даражасида қондирилади; талабанинг ўқув меҳнатига ва илмий дунёқарашини ўстиришга масъулияти, жавобгарлиги, бурчи ошади; билимларни мустақил эгаллаш, эркин фикрлаш ва хулосалар чиқариш қобилиятлари ошади; ниҳоят, ўқитувчи сифатида жамиятда ўз ўрнини топиб олишга мухим шароит яратилади.

Демак, пировард мақсад бўлажак иқтисодчи-ўқитувчиларга дарсларни замонавий кўринишларда ташкил этишлари учун таълим технологиялари, ўқитишнинг самарадор услубларини ташкил этишлари учун назарий билимлар бериш ва мутахассисликлари бўйича амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун маъруза дарсларини қисқартириб, улар билан якка ҳолда шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мустақил ишлаши, мустақил билим олишлари учун кенг йўл очиб беришда замонавий педагогик технология элементларини қўллашга ўргатиш шу куннинг заруратига айланиши керак.

Д.Д. Эргашева,
М.Т. Джураева, ТГЭУ

Инновационная культура как важный показатель профессиональной компетентности педагога

Важнейшим условием эффективного развития высшего профессионального образования является инновационное развитие образовательной среды каждого образовательного учреждения. Перед современной высшей школой в Республике Узбекистан стоят задачи развития в инновационном режиме, повышения качества этого процесса, пронизывающего все стороны деятельности образовательного учреждения.

Происходящие в нашей стране социально-экономические процессы ставят систему образования перед необходимостью постоянной модернизации, акцент переносится с узкопрофильного подхода к подготовке специалистов на интеллектуально-духовное развитие личности. Обеспечить такое образование можно лишь при переходе к личностно ориентированному обучению на основе инновационных технологий. При этом осуществлять этот процесс должны педагоги с высокой инновационной культурой, способные не только генерировать и инициировать идеи, но и уметь выстраивать стратегию и тактику своих действий в контексте образовательного процесса.

Инновационная культура педагога – это область его духовной жизни, отражающая ценностную ориентацию, закрепленную в мотивах, знаниях, умениях, образцах и нормах поведения, обеспечивающих восприимчивость новых идей, готовности и способности к поддержке и реализации нововведений в профессиональной деятельности.

Инновационная культура педагога – это высшее проявление общекультурных (духовность, гражданственность, эрудиция), профессиональных (знание предмета, информационно-технологическая

культура, психологическая культура), личностных качеств (отношение к ученикам и к себе как развивающимся личностям, культура человеческого взаимодействия) педагога.

Результатом инновационной деятельности педагога являются: индивидуальный стиль педагогической деятельности, авторские программы, методики, технологии; методическая, психологическая, исследовательская, педагогическая, технологическая культура учителя, а главное – авторская педагогическая- дидактическая, воспитательная, методическая система.

Одним из важнейших показателей сформированности инновационной культуры педагога является наличие у него творческого мышления .

Стержнем инновационных процессов в образовании и показателем сформированности инновационной культуры педагога являются прежде всего следующие качества:

- ✓ установка на творческий поиск;
- ✓ разработка преподавателем новых технологий обучения и воспитания и внедрения их в образовательную практику;
- ✓ внедрение новейших достижений психолого-педагогической науки в повседневную практику;
- ✓ изучение, обобщение и распространение передового педагогического опыта, стремление к освоению и применению новых педагогических технологий, активных форм и новых методов организации учебно-воспитательного процесса.

Таким образом, педагог должен уметь выдвигать новые, оригинальные идеи, находить нетрадиционные способы решения проблемных педагогических ситуаций, т.е. обладать креативностью мышления –одним из самых важных показателей его инновационной культуры .

Творческое мышление - это такое мышление, результатом которого является открытие принципиально нового или усовершенствование способов решения задачи.

Признаками творческого мышления педагога являются:

- ✓ оригинальность, которая характеризует своеобразие творческого мышления, необычность подхода к проблеме, способность давать нестандартные ответы;
- ✓ гибкость - способность к разнообразию ответов, к быстрому переключению; она определяется обычно степенью разнообразия ответов, возможностью найти как можно больше способов решения и применения или в способности изменить форму стимула так, чтобы увидеть в нем новые возможности;
- ✓ интеграция - способность одновременно учитывать несколько противоположных условий, посылок или принципов;
- ✓ чувствительность - умение подметить едва заметные детали, сходство или различие в предмете, явлении, событии.

В качестве препятствий творческого мышления педагога выступают:

- ✓ ригидность (стремление мышления идти проторенными путями, решать задачи привычными способами);

✓ излишне высокая мотивация (стремление найти ответ немедленно, использовать первое пришедшее в голову решение, не являющееся новаторским);

✓ конформизм (стремление быть как все, боязнь выделиться, через внутреннюю цензуру человек отбраковывает все, что может оказаться непринятым другими людьми).

Без развития креативного, творческого мышления немыслимы какие-либо инновации. Поэтому вопрос о путях формирования инновационного педагога является вопросом о становлении творческой способности.

Существуют определенные методики оценки уровней сформированности инновационной культуры, которые во многом определяются динамикой восприятия инноваций и степенью их освоения. Как правило, при оценке выделяются четыре классических уровня: адаптивный, репродуктивный, эвристический и креативный.

Адаптивный уровень – самый примитивный, который характеризуется неустойчивым отношением к инновациям. Отношение к новому индифферентное, система знаний и готовность к их использованию в необходимых педагогических ситуациях отсутствует. Технологическая готовность связана с использованием своего опыта.

Профессионально-педагогическая деятельность педагога строится по заранее отработанной схеме, алгоритму, творческая активность практически не проявляется, повышение квалификации осуществляется по необходимости через различные курсы. Новшество осваивается только под давлением социальной среды, как правило, на этом уровне происходит отказ от использования новаций в собственной практике.

Репродуктивный уровень отличается более устойчивым отношением к педагогическим новшествам, проявляется стремление к установлению контактов с педагогами-новаторами, отмечается более высокий индекс удовлетворенностью педагогической деятельностью. Творческая активность по-прежнему проявляется в рамках воспроизводящей деятельности, но с элементами поиска новых решений в стандартных условиях. Формируется положительная направленность потребностей, интересов к изучению альтернативных подходов к обучению и воспитанию; мышление характеризуется копированием готовых методических разработок с небольшими изменениями в использовании приемов работы. Педагогами на этом уровне осознается необходимость самосовершенствования.

Эвристический уровень проявления инновационной культуры характеризуется в общем виде большей целенаправленностью, устойчивостью, осознанностью путей и способов введения новшеств. Заметные изменения происходят в структуре технологического компонента, свидетельствующие о становлении личности педагога как субъекта альтернативной концепции, технологии или содержания образования. Имея достаточно надежную технологию, педагог продолжает искать и открывать новые способы педагогических решений. В структуре педагогического мышления важное место занимает рефлексия, эмпатия, обеспечивающие успешность внедрения

инноваций, уменьшения риска и отторжения новшества педагогическим сообществом. Педагоги этого уровня всегда открыты новому, извлекают новую информацию из общения с другими группами.

Креативный уровень - высший уровень проявления творческих способностей, отличается высокой степенью результативности инновационной деятельности, обладают высокой чувствительностью к проблемам, творческой активностью. Положительная эмоциональная направленность деятельности стимулирует переход к устойчиво преобразующей, активно-созидательной и самосозидательной работе. Технологическая готовность педагога приобретает целостный, методологический характер, особое место в ее структуре приобретают аналитико-рефлексивные умения.

Результатом адекватных мероприятий, необходимых для формирования инновационной культуры является создание условий для педагогического творчества, совершенствование форм и методов обучения и воспитания, обеспечение вариативности в отборе содержания. На современном этапе, как никогда, важно обеспечить непрерывное профессиональное развитие педагога, сформировать у него способность к профессиональному самовосстановлению, подготовить его к работе в непрерывно обновляющейся педагогической действительности.

Мощным средством и показателем формирования инновационной культуры являются педагогические ценности, которых придерживается сам педагог. Успех в инновационной деятельности педагога зависит не только от аксиологического компонента, но также и от направленности или характера мотивации педагогического труда, уровня профессиональной компетентности, его эмоциональной гибкости, от социально – психологического климата в коллективе, от других объективных или субъективных обстоятельств.

Инновационная деятельность педагога в образовательном учреждении, имея творческий характер, являясь одним из важных факторов личностного саморазвития педагога, во многом снижает вероятность возникновения у него эмоционального выгорания.

Создание условий, способствующих развитию иновационной культуры при подготовке педагогических кадров – важный шаг к пониманию того, что формирование и развитие такой культуры – еще одна ступенька к качественному образованию. Для этого в педагогических вузах необходимо культивировать импровизацию, развивать у учащихся педагогическую интуицию, творческое воображение, обеспечивающие создание оригинальных авторских подходов к воспитанию Добиться этого можно через нетрадиционную подготовку – то есть через инновационные подходы в построении учебной системы.

Формирование инновационной культуры педагогов возможно через включение в научно- и проектно-исследовательскую деятельности, освоение и применение проектно-исследовательской технологии как современного инструмента опережающего, творческого, междисциплинарного обучения педагогов и учащихся, применение информационно-коммуникативных технологий, изменение ценностно-смыслового содержания процесса обучения.

Следовательно, чтобы достичь этих целей необходимо, чтобы гармонично сочетались научные и педагогические интересы и потребности, присутствовал высокий уровень педагогической рефлексии и творческой самостоятельности. А педагоги в свою очередь должны становиться инициаторами создания авторских школ, проведения семинаров, конференций по инновационной педагогике.

Общая логика создания инновационной образовательной среды, в которой осуществляется формирование соответствующей культуры определяется следующим алгоритмом:

- ✓ проектирование требуемых для решения поставленных задач способов их достижения;
- ✓ проектирование средств, форм, методов, приемов, педагогических технологий, необходимых для формирования педагогической культуры;
- ✓ проектирование действий, направленных на создание условий, необходимых и достаточных для формирования инновационной культуры.

При реализации этого алгоритма функционирование прогрессивной образовательной среды естественным образом скажется и на формировании инновационной культуры педагогов, как необратимое, направленное, закономерное изменение состава и структуры этой среды.

А показателем сформированности инновационной культуры педагога в целом можно считать:

- ✓ умение адаптировать заимствуемый инновационный опыт к условиям конкретного образовательного учреждения;
- ✓ умение видеть перспективы развития инновационных идей в конкретных условиях их реализации;
- ✓ умение объективно оценить свои возможности по внедрению педагогического новшества;
- ✓ способность повышать свою квалификацию в соответствии с новыми требованиями;
- ✓ умение интегрировать в своей работе традиционный и инновационный опыт.

Выделенные показатели и условия инновационной культуры педагога, охватывают аспекты овладения специалистом не только новыми педагогическим ценностями, новыми для него технологиями педагогической деятельности, способами профессионального взаимодействия в новых условиях, но и новыми возможностями профессионально-творческой самореализации. Совокупность этих аспектов отражает современную систему требований к педагогу с инновационной культурой. Недооценивание или недостаточная сформированность любого из компонентов инновационной культуры неизбежно сказывается на других и в конечном итоге снижает эффективность инновационно-педагогической деятельности.

Таким образом, научно-теоретический и практический интерес представляет дальнейшая разработка показателей и условий формирования инновационной культуры педагогов как ресурса развития системы образования.

Магистрант
А.Умаров, ТГЭУ

Порядок аудиторской проверки себестоимости продукции

Аудиторская проверка себестоимости продукции является одним из трудоемких процессов в аудиторской деятельности, требует большой сосредоточенности, знаний нормативных и инструктивных материалов с последующими изменениями, а также особенностей правильного исчисления производственных затрат в отдельных видах хозяйственной деятельности организации. Поэтому остановимся лишь на тех проблемах, где на практике допускаются ошибки при учете затрат на производство и, следовательно, искажаются результаты хозяйственной деятельности.

Поскольку на практике операции с производственными затратами, расходами периода и расходами по финансовой деятельности влияют на финансовые результаты, аудиторские процедуры должны быть направлены, как правило, на сплошное изучение системы их учета.

Перечень затрат, включаемых в себестоимость продукции, установлен «Положением о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов» (утверждено Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5 февраля 1999 г. № 54).

В процессе аудиторской проверки необходимо установить правильность и законность отражения производственных затрат, расходов периода и расходов по финансовой деятельности. При проверке затрат следует документально подтвердить правильность исчисления себестоимости продукции (работ, услуг), так как себестоимость продукции — один из наиболее важных синтетических показателей, позволяющий оценить эффективность использования в процессе производства продукции (работ, услуг) материальных и трудовых затрат, рентабельность, прибыльность и финансовую устойчивость экономического субъекта.

До начала проведения документальной проверки аудитор обязан изучить организационные и технологические особенности экономического субъекта, определить характер, специализацию, масштабы и структуру каждого вида производственной деятельности организации-клиента.

Следует отметить, что учет всех видов затрат, включаемых в себестоимость продукции, должен подтверждаться первичными документами. Первичные документы должны содержать обязательные реквизиты: наименование документа (формы); код формы; дату составления; содержание хозяйственной операции; количественное и стоимостное выражение затрат; подписи ответственных лиц с расшифровкой фамилии, имени, отчества. Таким образом, в сомнительных случаях подлинность первичных документов и обоснованность списания затрат нетрудно установить.

Проверяя, правильно ли отнесены затраты на себестоимость продукции, аудитор должен знать, что они группируются по следующим элементам:

-материальные затраты (за вычетом стоимости возвратных отходов);

-затраты на оплату труда;

-отчисления на социальные нужды;

-износ (амортизация) основных средств;

-прочие затраты.

Переходя непосредственно к проверке правильности учета затрат на производство продукции, аудитор должен особое внимание обратить на следующие вопросы:

-соблюдается ли принцип постоянства в учете затрат (т.е. неизменность выбранного с начала года метода учета производственных затрат и метода калькулирования себестоимости продукции, способы распределения косвенных расходов и расходов периода);

-соответствует ли выбранный метод учета затрат отраслевым и технико-экономическим особенностям организации;

-насколько верно разграничиваются производственные затраты по отчетным периодам;

-соблюдаются ли выбранный метод и точность оценки материальных ресурсов, списываемых на затраты производства продукции;

-обоснованно ли списываются отклонения от учетных цен по материалам;

-правильно ли начисляется износ по основным средствам и амортизация нематериальных активов;

-насколько обоснованы суммы расходов, связанных с организацией и управлением производством, и способы их распределения на объекты учета и калькуляции;

-правильность отнесения затрат на расходы периода;

-соблюдается ли правомерность отнесения на производственные расходы фактических сумм расходов по ремонту основных средств, командировкам, рекламе, оплате информационных, консультационных и аудиторских услуг, а также представительских расходов и др.

Одним из важных вопросов является проверка правильности оценки материальных ресурсов, списанных на себестоимость, поскольку материалы поступают из разных источников, а начальные остатки материалов могут иметь иную цену по сравнению с закупленными. Аудитору, следовательно, приходится проверять правильность оценки материалов по средневзвешенной цене AVECO или по способу оценки ФИФО (согласно учетной политике организации).

Затем предстоит проконтролировать соблюдение технологических норм (нормативов) списания и расхода материалов, сырья, инвентаря и хозяйственных принадлежностей. Не секрет, что во многих предприятиях с целью увеличения затрат на производство продукции или же с целью создания «неучтенной» готовой продукции допускают необоснованное увеличение материальных затрат или их перерасход. Здесь можно использовать контрольный запуск сырья или составить альтернативный баланс расходов сырья и материалов по нормам.

Аудиторской проверке подлежит одна из важных статей производственных затрат как «затраты на оплату труда», где группируются

расходы на оплату труда основного производственного персонала, включая премии работникам за производственные результаты, стимулирующие и компенсирующие выплаты, а также затраты на оплату труда работников, занятых в основной деятельности, но не состоящих в штате предприятия. Аудитор должен учесть, что выплаты заработной платы за фактически выполненную работу, исчисленные на основании сдельных расценок, тарифных ставок и должностных окладов должны соответствовать формам и системам оплаты труда, утвержденным высшим органом управления предприятием и включаться в себестоимость в полном объеме на основании первичных документов.

Проверяя затраты на оплату труда аудитор обращает внимание на обоснованность выплат за непроработанное время: отпускных, льготных часов подростков и кормящих матерей, оплаты за время выполнения общественных и государственных обязанностей и т.п.

Тщательной проверке подлежат выплаты, входящие в затраты по оплате труда: стоимость продукции, выдаваемой в порядке натуральной оплаты, различные доплаты и надбавки.

Внимание аудитора должно остановиться и на достоверности величины амортизационных отчислений по основным средствам и нематериальным активам. В частности, необходимо проверить, нет ли начислений износа основных средств сверх нормативного срока их эксплуатации.

На практике встречаются факты, когда расходы на ремонт основных средств включаются в производственные расходы и одновременно создается резерв на финансирование расходов на ремонт за счет производственных затрат. Поэтому надо проанализировать соблюдение порядка учета затрат на ремонт основных средств и создания резервов.

Встречаются факты создания излишних резервов для других целей (на выплату отпускных работникам, вознаграждений по итогам года и др.), а также необоснованного увеличения расходов будущих периодов, либо, например, последние расходы своевременно не включают в затраты отчетного месяца. Иногда суммы, израсходованные на ремонт арендованных основных средств, направляются на увеличение себестоимости продукции отчетного периода, хотя такое возможно лишь в случае, если ремонт за счет арендатора предусмотрен условием договора с арендодателем (однако здесь необходимо помнить, что затраты на ремонт арендованных основных средств предварительно относятся на дебет счета «Предоплаченная аренда», потом ежемесячно равными долями списываются на затраты производства).

Аудитор внимательно проверяет состав и порядок распределения общепроизводственных расходов. На основании первичных документов проверяется правильность распределения по конкретным счетам расходов на отопление, освещение, содержание и аренду помещений, заработную плату управленческого персонала и др. Порядок распределения общепроизводственных расходов (пропорционально производственным материальным затратам, заработной плате производственных рабочих, на

основе нормативных ставок и т.п.) должен быть утвержден учетной политикой предприятия.

Аудиторской проверке подвергается также достоверность показателей «незавершенного производства» и правильность списания затрат на готовую продукцию. Особое внимание следует уделить корректировочным записям с целью установления правильности списания калькуляционных разниц. Здесь могут быть искусственные нарушения, увеличивающие или уменьшающие себестоимость продукции при ее реализации.

Для того чтобы обоснованно оценить состояние учета производственных затрат, целесообразно зафиксировать все выявленные нарушения в специально разработанной ведомости, где должны быть предусмотрены следующие показатели: содержание операции, наименование документа, дата составления и номер документа, сумма, корреспонденция счетов, примечание. В примечании аудитор записывает выводы и обоснованные предложения по устранению недостатков.

При проверке расходов периода аудитор должен обратить внимание на правильность классификации и включения в них затрат, в соответствии с «Положением о составе затрат…».

Практика аудиторских проверок показывает, что нередки факты, когда в затраты данного отчетного периода включают расходы, произведенные в другие отчетные периоды. Поэтому следует знать, что согласно Положению о составе затрат, расходы периода подлежат включению в затраты того отчетного периода, к которому они относятся, независимо от времени их оплаты — предварительной (арендная плата) или последующей (оплата за время отпусков рабочих и др.). Затраты, по которым нельзя точно установить, к какому периоду они относятся, а также отдельные виды затрат в сезонных отраслях включаются в себестоимость продукции (работ, услуг) или в расходы периода в сметно-нормализованном порядке.

Аудитор проверяет условия обоснованности списания представительских расходов на расходы периода: в пределах смет предприятия, утвержденных советом (правлением) на отчетный год и разработанных на базе установленных законодательством норм и нормативов (т.е. должна быть смета расходов на год); документальное подтверждение расходов.

Сверхнормативные представительские расходы должны быть включены в налогооблагаемую базу с целью налогообложения.

Проверке подлежат также условия обоснованности списания расходов по служебным командировкам на расходы периода: командировка должна быть связана с производственной деятельностью; в пределах подтвержденных расходов за минусом НДС со стоимости проездных билетов и стоимости найма жилья. Сверхнормативные затраты присоединяются к прибыли организации с целью налогообложения.

Аудитору предстоит выяснить обоснованность отражения в учете соответствующих расходов периода. Для этого необходимо изучить различные документы, удостоверяющие факт возникновения и величину таких расходов.

Так, затраты по аннулированным производственным заказам и на

производство, не давшее продукции, должны подтверждаться договорами купли-продажи, поставки продукции; счетами, платежными поручениями; накладными, актами сдачи-приемки выполненных работ; соглашениями, письмами, протоколами о расторжении договора.

Учет расходов на содержание законсервированных производственных мощностей должен производиться при наличии приказа руководителя предприятия (определяющего перечень консервируемых объектов, причины консервации, состав и размеры затрат, источники финансирования); сметы затрат на содержание законсервированных мощностей; первичных документов по оформлению расходов (ведомости начисленной заработной платы, платежные поручения, акты приемки-передачи и др.).

Потери от хищений, стихийных бедствий, пожаров, аварий и других чрезвычайных событий должны быть оформлены актом, удостоверяющим такое событие и подписанным руководителем предприятия, незаинтересованными лицами и специалистами (пожарные, ГИБДД и др.); расчетом бухгалтерии (сметой) понесенных убытков; заключением эксперта о возможности восстановления испорченного имущества; решением суда об установлении виновного лица и присуждении ему убытков; платежными поручениями на суммы возмещения убытков и др.

Обоснованность создания резерва по сомнительным долгам должна подтверждаться договором купли-продажи, поставки продукции; накладными на отгрузку продукции, актами сдачи-приемки выполненных работ; актом инвентаризации дебиторской задолженности; актами сверки расчетов между дебитором и кредитором; решением арбитражного суда о признании предприятия-дебитора банкротом; выпиской из государственного реестра юридических лиц о ликвидации предприятия-дебитора; решением суда об отказе в иске к дебитору; справкой органов МВД о невозможности розыска дебитора.

Аудиторской проверке подвергается также обоснованность отнесения на производственные расходы сумм по отдельным налогам, сборам, отчислениям, платежам. Зачастую здесь допускаются ошибки в корреспонденции счетов.

Проверяя правильность учета расходов по финансовой деятельности аудитору необходимо знать, что проценты по всем долгосрочным, отсроченным и просроченным кредитам (займам, кредитам министерств и ведомств, внебюджетных источников и др.) включаются в налогооблагаемую базу, согласно Приложению № 1 «Положения о составе затрат…».

Обнаруженные в ходе проверки ошибки и нарушения фиксируются в рабочей документации аудитора:

- отсутствие первичных приходных документов или оформление их с нарушением установленных требований;
- неправильное отнесение отдельных видов расходов в себестоимость продукции;
- неправильная оценка остатков незавершенного производства;
- неправильное разграничение расходов по отчетным периодам;
- несоответствие применяемого метода учета затрат и методики распределения затрат методам, отраженным в учетной политике;
- необоснованное включение в себестоимость отдельных видов затрат.

2 – шуъба.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Проф. М.Ф. Ҳакимова,
магистр А. Ибрагимова, ТДИУ

Касб-ҳунар коллежларида иқтисодий саводхонликни модулли ўқитиш технологияси асосида ривожлантириш

Ўзбекистонда таълим тизими XXI аср бўсағасида ўз мақсад, вазифалари ва мазмунини, ислоҳ этиш механизмини янгидан белгилаб олди. Бу мамлакатимиз таълим тизимининг жаҳон таълим муҳитига мослашиш йўлидаги дадил қадамидир. Бугунги кунда таълим функциялари давлат манфаатларига хизмат қилишдан шахс талабларини қондириш томонга бурилган, бу эса мамлакатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган таълим сиёсати натижасидир. Шунга мувофиқ, ўқув фаолиятини фаоллаштириш ўқитиш методикаси чегарасидан чиқиб шахсни ривожлантириш ва унинг ижодий имкониятларини очишга йўналтирилган серқирра ўқитиш тизимининг асоси сифатида ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, таълим жараёнини технологиялаштиришнинг аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Унинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

– таълим тизимидаги стандартлаштиришлар;

– ўқитиш технологияларини яратиш ва баҳолаш каби ижодий жараённи янада юқорироқ босқичларга кўтариш;

– таълим тизими ва унинг хусусиятларига мос ўқитиш технологияларининг иерархик тартибга солиниши.

Ушбу жараённинг объектив зарурат эканлиги илмий-техник ривожланиш, жамиятни ахборотлаштириш ва технологиялаштириш, шунингдек, таълим тизимининг турли босқичлари хусусиятлари билан тушунтирилади. Ўқитишни технологик таъминлаш илмий асосланган воситалар, ўқитишнинг янги усуллари, рационал услублар, машғулотларнинг ташкилий шакллари, ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга имкон берадиган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллашга олиб келади. Технологик инқилоб шароитида ўз функцияларини муваффақиятли амалга ошириши учун таълим тизими янада самарали ва тежамли бўлиши, бунинг учун эса у ўз хусусий технологиялаштириш йўлида янада илдамроқ ҳаракатланиши лозим. Таклиф қилинаётган касб-ҳунар коллежларида иқтисодиёт фанини модулли технология асосида ўқитишнинг яна бир муҳим томони шундаки, таълимнинг ижобий томонларини сақлаган ҳолда қўллаш имкониятининг борлигидир. Бундан ташқари модулли ўқитиш технологияси фалсафий, психологик, педагогик моҳиятига кўра инсонпарварлик характерига эга. Мазкур технологиянинг инсонпарварлик характери фақат назарий ва мафкуравий

жиҳатдан миллий истиқлол мафкураси талабларига мос келиши эмас, балки амалий жиҳатдан маънавияти юксак, баркамол инсонни шакллантиришга йўналганлиги билан тушунтирилади.

Иқтисодиётни модулли ўқитиш технологияси таълимнинг тарбиявий характерини кучайтириш, таълимда яхлитлик асосида тарбиявий мақсадларни амалга ошириш билан биргаликда алоҳида ҳолларда ўқув материалини ўқувчи-талабаларнинг жамоа бўлиб, бир-бирига суяниб, ҳамкорликда чуқур ўзлаштириши, уларнинг интеллектуал, ахлоқий ривожланиш, мустақил фикрлашини таъминлайди. Шу билан уларнинг бир-бирига ёрдам бериши, мулоқотини яхшилашга хизмат қилади. Модулли ўқитиш технологияси таълим олувчилар орасидаги рақобат уларнинг фақатгина билимларни ўзлаштиришдан манфаатдорлиги асосида шаклланиши туфайли қўполлик, мақтанчоқлик, авторитар хислатлардан халос бўлишларига замин ҳозирлайди. Бу эса бизнинг миллий маданиятимиз ва ҳозирги даврда таълим соҳасидаги олиб бораётган ислоҳотларимиз талабларига ҳамоҳангдир. Модулли таълим технологиясининг таълимдаги асосий моҳияти таълим олувчи шахс камолоти, мулоқоти, танқидий фикрлаши ҳамда ўзига хос индивидуаллигига асосланишидир. Шу билан бирга уларнинг фақат тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни такрорлашга асосланган анъанавий таълимга муқобил метод сифатида хизмат қилишидир.

Замонавий педагогик технологиялар қаторида модулли технология ҳам методик жиҳатдан «Ўзбек модели»нинг босқичма-босқич ривожланиш назариясига мос келиб, таълимни эволюцион тарзда моҳият эътибори билан янги технологик асосда қуриш имкониятини беради. Чуқур илмийлик асосида таклиф қилинаётган технологияларни яхлитликда таълим жараёнига қўллаш аста-секин анъанавий моделлардан воз кечиб, замонавий педагогик технология ва модулли технологияга ўтиш имкониятини яратади.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида иқтисодий саводхонликни ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялар, айниқса, модулли ўқитиш технологияси асосида амалга ошириш қулай ва самарали усул ҳисобланади. Модулли ўқитиш шахсга йўналтирилган тизим сифатида ўқувчиларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун хизмат қилади. Модулли ўқитишда ўқув материали дидактик мақсадларга кўра шакллантирилган ва тартибланган автоном бирликлар – модуллар асосида ўқувчиларга етказилади.

П. Юцявичине, Н.Б. Лаврентьева тадқиқотлари бўйича кўп ҳолларда ҳар бир фан учун биттадан модулли дастур тузиш тавсия этилади. Чунки ушбу тадқиқотларда асосан касб-ҳунар коллежларида касбий фанларни ўқитиш масаласи кўрилган бўлиб, бундай фанлар кўпинча бир ёки икки семестр давомийликка эга бўлади.

Иқтисодиёт фанидан тузилган модулли дастурлар ўқув модулларидан, ўқув модуллари эса, иқтисодий ўқув элементларидан иборат бўлади. Ўқув модули деганда фан дастурининг нисбатан мустақил, мантиқий якунланган қисмини ўз ичига олувчи ташкилий-мазмуний бирлик тушунилади. Унда иқтисодиёт ўқув предметининг мақсад ва вазифалари билан биргаликда

модулли ўқитиш бўйича ўқувчиларга қисқача маълумот бериш, шунингдек, модулли дастурнинг комплекс дидактик мақсадини баён этиш мумкин.

Кейинги ўқув модуллари эса одатдагидек бирдан бошлаб тартибланади. Ўз навбатида ўқув модуллари ўқув элементларидан ташкил топади. Ўқув элементи деганда, иқтисодий тушунча ёки ҳодисани ўқувчиларга етказиб бериш учун хизмат қиладиган ташкилий-мазмуний бирлик тушунилади. Иқтисодий ўқув элементи бирор-бир иқтисодий тушунча ёки ҳодиса баёни, унга тегишли таъриф, иқтисодий қонуният, формула, турли кўринишдаги савол, топшириқ, тест, масала кабиларни ўз ичига олади.

Модуль таркибидаги ўқув элементларининг сонини ниҳоятда ошириб юбориш ҳам ўқув модулининг сифатига путур етказиши мумкин. Бунда ўқув дастури ва ДТС талабларига таянган ҳолда ҳар икки соатлик дарсга ўртача тўрттагача ўқув элементини режалаштириш мақсадга мувофиқ.

Модулли ўқитишнинг яна бир афзаллик томони шундаки, унда вақт бюджетининг анча тежалишидир. Умуман олганда, кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, модулли ўқитиш тўғри амалга оширилганида ўқув курси баёни тўлиқлигига ва ўқув материалини ўзлаштириш чуқурлигига таъсир этмаган ҳолда 30 % вақт бюджетини тежаш имконини беради.

Модулли ўқитишда ўқувчилар ўқув модуллари асосида фаолият усуллари билан мустақил тушунадилар, бу эса уларга ўқиш суръатларига мувофиқ якка ёндашиш имконини беради. Ўқув модулини илгарироқ ўзлаштириб, назоратларини топширган ўқувчи тежалган вақт давомида қийинроқ даражадаги ўқув топшириқларини бажариш билан шуғулланиши мумкин бўлади. Шу тарзда иқтисодий ўқув модуллари таркибига муаммоли топшириқларни кўпроқ киритиш йўли билан муаммоли-модулли, ўқувчиларни ўқув модуллари билан гуруҳларга бўлиниб ишлаши асосида модулли-ҳамкорлик каби туташ технологияларни ҳосил қилиш мумкин. Агар бирор-бир ўқитувчи дарсларда қайсидир ўқитиш технологиясини қўллаётган бўлса, модулли ўқитишдан фойдаланиш унинг ишига халақит бермайди, аксинча, ўқитувчи фаолиятини янада фаоллаштиришга хизмат қилади. Модулли дастурлар ва ўқув модулларини яратишда ўқитувчи муайян ишларни амалга ошириши лозим:

- модулнинг модулли дастурдаги ўрнини белгилаш;
- модул таркибига кирувчи физик мавзуларни ажратиш ва модулни номлаш;
- модулнинг интеграцияловчи дидактик мақсади ва ўқитишнинг охирги натижаларини белгилаш;
- зарур ўқув материалларини танлаш;
- модуль асосида ўқитиш ва назоратнинг усул ҳамда шаклларини танлаш;
- ўқув фаолияти усулларини танлаш;
- модуль структурасини тузиб чиқиш;
- ўқув материалини алоҳида тугалланган ўқув элементларига ажратиб чиқиш;

- модуль матнини керакли нусхада кўпайтириш.

Бугунги кунда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг асосий мақсадларидан бири ҳар бир ўқувчининг лаёқати, қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълимга бўлган талабни қондиришдан иборат. Бунга эришиш учун педагог ва ўқувчининг таълим жараёнига бўлган муносабатини ўзгартириш лозим. Бу жараёнга коллежларда таълимнинг оммавий шакли ҳамда ўқувчининг мустақил билим ўзлаштириши, шунингдек, ўқувчининг индивидуал ўқув-билув фаолияти суръати ўртасидаги, таълимни дифференциаллаштириш ҳамда унинг бир хил мазмунлилиги ва таълим технологиялари ўртасидаги, коллеж устун бўлган ўқитишнинг тушунтириш-расмли тасвирлаш усули билан ўқувчининг қобилияти ва қизиқишини ўстирувчи таълимнинг ижодий характери ўртасидаги зиддиятлар ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Долзарб ривожланиш зонасини билиш топшириқларнинг қийинлик даражасини оширишга имкон беради. Ўқувчининг қайси ривожланиш зонасида эканлигини аниқлаш учун унга тўртта турли мураккаблик даражасидаги топшириқ бериш етарли. Агар ўқувчи барча топшириқларни мустақил еча олса, бу ўқувчи долзарб ривожланиш зонасида эканлигидан дарак беради. Агар ўқувчи энг қийин 4-топшириқни бажаришда ёрдам сўраса, у яқин ривожланиш зонасида деб хулоса қилиш мумкин. Ўқитувчи учта топшириқни мустақил ҳал қилган ўқувчини яхши ўзлаштириш зонасида, иккита топшириқни ҳал қилганини эса паст ўзлаштириш зонасида деб баҳолайди. Гуруҳдаги барча ўқувчиларни зоналарга кўра гуруҳларга бўлиб чиқиш лозим бўлади.

Дастурлаштирилган ўқитишдан фойдаланиш:

- қатъий дастур асосида ўқувчининг фаолият йўналиши қатъий белгилаб чиқилади, ўз-ўзини назорат қилиш тайинланади ва ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб ўргатишдан фойдаланилади;
- ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш: биринчи босқичда ўқувчи фаолиятни овоз чиқарган ҳолда бажаради (секин-аста сўзлайди); иккинчи босқичда фаолият баланд нутқ билан биргаликда амалга оширади; учинчи босқичда пичирлаб гапириш билан кечади; тўртинчи босқичда ички нутқ орқали амалга оширади;
- аниқ бошқариш, ўз-ўзини бошқаришга ўтиш;
- муаммоли ёндашув;
- ўқувчиларни толиқтириб қўйишдан эҳтиёт бўлиб интенсив ўқитиш;
- ўз-ўзини таҳлил қилишга ўргатиш.

Модулли дарсдан ўқувчи материални қанчалик даражада ўзлаштирганлигини билган ҳолда чиқади.

Ўқув модули қуйидаги компонентлардан иборат бўлади:

- тугалланган ахборот блоки;
- ўқувчи фаолиятининг мақсадли дастури;
- ўқувчи фаолиятига раҳбарлик қилиш.

Ўқувчи фаолиятига қуйидаги талаблар қўйилади:

- ўқувчининг ўзи яқин ривожланиш зонасида ўқий билиши;

- фаолияти давомида ўз-ўзини ва ўзаро бошқаришни ўрганиши;
- ўртоқларига ҳамда ўқитувчига мурожаат қилишни ўрганиши;
- ўқишга ўз вақтини тўғри тақсимлай билиши;
- ўрганиш давомида ҳар бир ўқув машғулотига мослаша олиши кабилар.

Модулли ўқитиш анъанавий ўқитишга муқобил ўқитиш варианти сифатида эътироф этилган. У ўзида педагогика амалиёти ва назариясидаги барча илғор қарашларни мужассамлаштиради. Шундай қилиб, дастурланган ўқитишда маълум мантиққа асосланган аниқ фаолиятига эришилади, бунда ўқувчи ўз фаолиятини ўз-ўзини назорат қилиш асосида бошқариб боради.

Иқтисодий фанларни модулли ўқитишда юз берадиган қуйидаги типик ҳолатларга эътибор беришни тавсия қиламиз.

1. Ўқитувчи-педагог ушбу технология бўйича етарли тасаввур, билимга эга бўлиши, у модулли ўқитиш албатта натижа беришига ишонч билан қараши лозим.

2. Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятига тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

3. Коллежнинг маъмурияти ёки шахсан ўқитувчи ўқув модулларини етарли миқдорда кўпайтиришга имкон топиши лозим, чунки, ҳар бир ўқувчи фаолият дастури билан таъминлангандагина бу иш самара беради.

4. Тўртинчидан, бирданига бутун гуруҳда модулли ўқитишни қўлламаслик керак, буни тажриба тариқасида аввал кичикроқ гуруҳдан бошлаш ўринли.

5. Модулга жуда кўп фаолият мазмунини киритмаслик керак.

6. Ўқувчиларда, айниқса, биринчи модулларда ўқув материалини ўзлаштириш ва топшириқларини бажаришда вақт етишмаслиги кузатилади, чунки уларда ҳали вақтни ҳис қилиш шаклланмаган бўлади. Бунда ўқувчини шошилтирмаслик лозим.

Модулли ўқитиш технологиясининг асосий натижаси ўқувчиларнинг икки баҳосиз ўқишида кўринади, бу ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи учун айни муддаодир. Иқтисодиёт коллежларида иқтисодий фанларни модулли ўқитишнинг асосий шарти дарс жараёнида ўқув модулларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ўз навбатида ўқув модули компонентлари сифатида қуйидагилар назарда тутилади:

− тугалланган ахборот блоки;

− ўқувчи фаолиятининг мақсадли дастури;

− ўқувчи фаолиятига раҳбарлик қилиш.

Ўқитувчининг бу жараёндаги роли – ўрганиш мотивациясини бошқариш ҳисобланади.

Иқтисодий саводхонликни ривожлантиришнинг модулли ўқитиш технологиясини лойиҳалаш жараёнида мақсадларни белгилаш энг масъулиятли босқич ҳисобланади. Модулни ўрганиш мақсадларини белгилаш ўзлаштиришнинг талаб этиладиган даражаларини аниқлаш билан якунланади. Бунда В.П. Беспалько томонидан таклиф этилган тизимга таяниш мумкин: биринчи даража – билиш бўлиб, у баҳоланмайди, кейингилари репродуктив фаолият, репродуктив-ўзлаштириш ва продуктив фаолият ҳисобланади.

Шундай қилиб, иқтисодиётга оид ўқув материалини ўзлаштириш учун талаб этиладиган даражаларни аниқлаш билимлар сифатини баҳолашга дифференциал ёндашишга имкон беради.

Проф. Г. Ибрагимова,
магистрант Г.Нарзуллаева, ТДИУ

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш

Мустакилликнинг дастлабки кунлариданоқ ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришнинг ўзига хос тизимларини тезкор шакллантириш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш, тамойилларини ишлаб чиқиш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви йўлларини мустақил белгилаб олиш вазифаси қўйилган эди. Айни пайтда, республика ҳукумати томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга оширилиши ва зарурий ҳуқуқий асосларнинг яратилиши Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий мамлакатлар юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши ва ривожлантиришига имкон берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш асосий тамойилларини белгилаб берди. Мазкур қонунннинг 17-моддасига биноан ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- валюта сиёсати орқали тартибга солиш;
- солиқ сиёсати орқали тартибга солиш;
- таъриф ва нотаъриф дастаклар орқали тартибга солиш;
- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун ҳимоя, компенсанция ва демпингга қарши чораларни қўллаш;
- ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;
- олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;
- техникавий, формакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

Республикада олиб борилаётган «Очиқ эшиклар сиёсати» - савдо иқтисодий алоқаларни эркин ва жадал ривожлантириб бориш, икки томонлама ва кўп томонлама асосда тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, рақобат ва ҳамкорлик ўртасидаги ҳақиқий мувозанатни таъминлаш замонавий техника ва технологияларни республикага

олиб кирадиган хорижий инвесторлар ва алоҳида мамлакатларга нисбатан қулай савдо режимини шакллантириш, халқаро ҳуқуқий нормаларнинг миллий меъёрларига нисбатан устуворлигини тан олиш, ГАТТ/ЖСТ принциплари ва қоидаларига амал қилиш асосида ташқи савдо режимини босқичма-босқич эркинлаштириш ва республиканинг мазкур ташкилотига интеграциялашиб боришини таъминлаш сингари бир қатор мақсадларга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасида товарлар экспорти ва импорти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вакиллик органлари томонидан бериладиган махсус рухсатнома асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 февралдаги «Импорт операцияларини тартибга солишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида фақат эркин алмашинадиган валюта(СКВ)га эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг импорт шартномалари рўйхатга олиниши кўзда тутилади. Солиқ солиниши шарт бўлган товарлар мажмуи, шунингдек лицензиялаш ва солиққа тортиш тартиблари ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади. Бироқ лицензиялашни амалга ошириш аксарият ҳолларда экспорт ва импортни чегаралаш орқали ташқи савдо ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири бу мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича олиб борилаётган сиёсат ҳисобланади. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг қўламли солиқ имтиёзлари тизими яратилган ва шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантирувчи бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ғарб экпертларининг фикрича, яратилган бундай имтиёзлар тизими МДҲ мамлакатлари ичида энг мақбул ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишдан бош мақсад миллий иқтисодиётни турли соҳаларда таркибий ўзгаришларни жадал амалга ошириш, табиий хомашё ресурсларини замонавий технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш ҳам ички, ҳам ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг реал соҳаларига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми карийб 12 млрд. АКШ долларини ташқил этди.

Биргина Бухоро вилояти мисолида оладиган бўлсак, бу ерда кейинги 7 йилнинг ўзида 9 миллиард 500 миллион доллар ҳажмида инвестиция киритилди. Келгуси беш йилда 7 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ инвестиция жалб этиш ҳисобидан бир қанча йирик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бухоро вилоятида амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари ҳақида гапирадиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида Қандим ва Шимолий Шоди конларида йилига 2 миллиард 200 миллион куб метр ҳажмида газ қазиб олиш бўйича амалий ишлар бошланади. Айни вақтда биз бу ерда янги замонавий комплекс, яъни Қандим газни қайт ишлаш мажмуасини бунёд этилган. 2019-

2021 йилларда эса катта ҳажмдаги инвестициялар ҳисобидан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тубдан реконструкция ва модернизация қилинади[13].

Республика ҳудудида хорижий капитал иштирокида 3800 та қўшма корхоналар ташкил этилди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон узоқ хорижий мамлакатларнинг 38 таси билан қулай савдо-иқтисодий режимига эга бўлиб, улар билан «Инвестицияларни ҳимоя қилиш ва ўзаро кенгайтириб бориш тўғрисида»ги битимни имзолаган.

Бизнингча, мамлакат иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодиёти тизимида рўй бераётган мураккаб вазиятларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминлаш ва аҳоли турмуш шароитини юксалтиришга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатни янада такомиллаштириш зарур. Ташқи иқтисодий сиёсат соҳасида белгиланган стратегик вазифаларни амалга ошириш учун: мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишини янада жадаллаштириш, анъанавий экспорт маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш ва улар экспорт номенклатурасини кенгайтириб бориш; қўшилган қийматга эга экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини янада кўпайтириш орқалигина эришиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича янги инфратузилма институтлари ташкил этилган бўлиб, у ўз ичига хорижий инвестицияларни суғурталаш «Ўзбекинвест» миллий компанияси, «Ўзиинвестлойиҳа» инжиринг компанияси, ривожланган банк тизимлари, маслаҳат ва лизинг компаниялари қамраб олади. Бой табиий ва қулай иқлим шароитларига эга бўлган Ўзбекистон ҳозирга қадар анъанавий равишда дунёнинг кўпчилик мамлакатлари бозорларига қишлоқ хўжалиги ва унга туташ бўлган саноат тармоқлари маҳсулотларини етказиб бериш билан шуғулланади. Хусусан, 2000 йилда қуруқ мевалар ва ёнғоқлар экспорти 1,6 баробарга ҳўл мевалар ва сабзавотлар 1,5 баробарга саноат ва табиий мақсадларда ўсимлик экспорти эса 1,2 баробарга ортди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон экспортида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 5,4 %ни, импортида эса 12,3 %ни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш бўйича улкан имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон уни истеъмол қилиш бўйича жаҳон хорижий бозорларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, ҳозирги пайтда узоқ хорижий мамлакатларда ҳам республикамизда етиштиралаётган меваларнинг мазасига ва юқори сифатга эга бўлган вино маҳсулотларига юксак баҳо берилаётган бўлиб, Ўзбекистон корхоналарига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар бозоларида ҳам ўз харидорларига эга бўлиши мумкин. Айни пайтда Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш орқали тайёр экспортбоп товарларни яратиш имкониятлари мавжуддир. Бундай маҳсулотларнинг яратилиши қишлоқ жойларида мулкчилик шаклларини ўзгариши, хўжалик юритиш шаклларини бозор муносабатлари

[13] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 146-147 б.

асосида ривожлантириш ва такомиллаштиришни, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи бир қатор корхоналарни замонавий техника ва технологиялар асосида модернизация қилишни назарда тутади.

Бизнингча, Ўзбекистон автомобилсозлик маҳсулотлари экспортини кенгайтириш стратегияси ривожланган узоқ хорижий мамлакатларга эмас, балки ривожланаётган узоқ хорижий мамлакатлар томон каратилмоғи лозимдир. Чунки, ривожланган хорижий мамлакатлар бозорлари сегментининг катта қисми дунёда автомобилсозлик саноати бўйича шухрат қозонган йирик трансмиллий корпорациялар тамонидан запт этилган бўлиб, ушбу ҳолат Ўзбекистонда ишлаб чикарилган автомашиналарнинг мазкур бозорларида айрибошлаш имкониятларини чегаралаб қўяди ёки харид нархларининг тушишига сабабчи бўлади.

Республикамизда ташқи савдо муаммолари билан махсус шуғулланувчи илмий тадқиқот институтларининг йўқлиги, мавжудларининг эса ушбу масалалар билан деярли шуғулланмаслиги оқибатида илмий асосланган тавсиялардан амалиётда фойдаланиш имкониятлари деярли чегаралангандир. Фикримизча, бозор субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилувчи, шунингдек макро ва микроиқтисодиёт муаммоларини тўлиқ тадқиқ этиш орқали ташқи савдони такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида илмий асосланган тавсиялар билан узлуксиз таъминланиб турадиган рақобатдош ташқи савдо илмий тадқиқот институтлари ва ташқи иктиодиёт муаммолари бўйича мустаҳкам ва амалий илмий тажрибалар олиб борадиган илмий текшириш марказларини шакллантириш ўта муҳим. Ташқи иқтисодий сиёсатда ечилиши лозим бўлган муҳим масалалардан яна бири, экспортчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг яратилишидир. Дунёнинг аксарият мамлакатлари ўзининг доимий экспортчиларига ахборотлар бериш, савдо кўргазмаларини ташкил этиш ва хорижда бизнес фаолиятини олиб бориш учун алоқа ўрнатиш каби хизматларни таклиф этади. Бевосита ва билвосита субсидиялар мамлакатдаги соҳаларга, мамлакат ичида ва ташқарисида хорижий маҳсулотлар билан рақобат қила олишлари учун берилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг асосий қисми ўз экспортчиларига кредит хатарини суғурта қилиш борасида катта имкониятлар яратиб беради. Бу эса хорижга чиқарилган товарлар тўлови хавфини камайтиради. Экспортни муваффақиятли амалга ошириш учун мамлакатда мустаҳкам макроиқтисодий шарт-шароитлар яратиш, яъни мустаҳкам валюта алмашиниш курсини ўрнатиш лозимдир. Экспортчиларни макроиқтисодий кўрсаткичларнинг истиқболдаги ҳолатидан хабардор қилиш, вазиятни тўғри баҳолаб шартномаларни имзолашга ўргатиш аккредит очиш шартлари билан яқиндан таништириш ва шунингдек улар валюта алмаштириш жараёнида ишончли шароитларни яратиб бериш лозим.

Бундан ташкари, келгусида, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва ташқи иқтисодий мажмуани янада такомиллаштириш борасида қуйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари манфаатларини ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда ҳимоя қилиш;
- Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашувини рағбатлантиришга қаратилган зарурий шарт-шароитларни яратиш;
- Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимларини янада ривожлантириш;
- Экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- Ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар фаолиятини ҳар тарафлама қўллаб-қувватловчи тизимларни янада такомиллаштириш;
- Иқтисодиётнинг барча жабҳаларида рақобатдош ва илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;
- Хорижий мамлакатлар билан замонавий технологияларни стандартлаштириш, метрология ва сифатни сертификация қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш кўламини янада кенгайтириш;
- Халқаро стандарт талабларига мос равишда сифат устидан назоратни жорий этиш;
- Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатнинг турли ҳудудларида қўшма корхоналар яратилишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқий субъектлари билан савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорликларни янада кучайтириш;
- Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташқи иқтисодий фаолият ривожланишида ҳамкорлик қилиши;
- Халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали экспорт товарларнинг транспортда ташиш харажатларини камайтириш;

Фикримизча, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ва янада ривожлантиришга тўсқинлик қилиб кетаётган бундай масалаларнинг ўз вақтида бартараф этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида самарали иштирок этиш имконини беради.

Доц. Н.С. Файзуллаева,
магистрант М. Маматқулова, ТДИУ

Иқтисодий таълим жараёнида узвийликни таъминлаш йўллари

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва маърифий соҳаларида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари узлуксиз таълим тизимига ҳам бевосита таъсирини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида, замонавий таълим муҳитининг муҳим тавсифи ҳамда шахс имкониятлари муваффақиятли амалга оширилишининг шарти сифатида таълим парадигмаларини такомиллаштириш,

унинг таркибий қисмлари функционал ва концептуал муаммолари ечимини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Республикамизда узлуксиз таълим тизими ижтимоий соҳалар ҳамда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш шароитида муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида таълим, тарбиявий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий функцияларни бажармоқда. Уларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ўқувчиларда ижодий ва мустақил фикрлаш, касбий етуклик ва юксак маънавиятни шакллантирувчи педагогик шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнида узвийлик ва узлуксизлик фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро узвийлиги; таълим мазмуни узвийлиги; билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдаги узвийлиги; ўқувчи шахсини шакллантиришдаги узвийлик; таълим методлари ҳамда шаклларини қўллашдаги узвийлик; ўқувчилар ўзлаштиришини баҳолашни ташкил қилишдаги узвийликни таъминлайди.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўртасидаги таълим-тарбия жараёни Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро узвийликни таъминлаш масалаларига алоҳида этибор қаратилади. Бу мақсадда вариатив ўқув дастурлари ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизими педагогларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш талаб этилади. Инсон бугунги кунда тайёр ечимлар бўлмаган ва берилмайдиган ўзгариб борувчи муҳитда, жамиятда фаолият юритмоқдаки, унда ҳар бир шахс зарур ечимни ўзи мустақил топиши ва ушбу ечим оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши талаб этилмоқда. Шу сабабли ижодкор мустақил фикрловчи ва қарор қабул қила олувчи, ўзгалар фикрини тинглаб, уни эътиборга олган ҳолда хулоса чиқара олувчи шахсни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим ёшларни тайёр ўқув материалини ўзлаштиришга эмас, балки муаммолар ечимини топишга ўргатмоғи лозим.

Шахс ижодий қобииятини ривожлантириш назариясидан ташқари ўқувчилар ўқув ижодий фаолияти жараёнини интенсивлаштиришнинг педагогик технологиясини ишлаб чиқиш зарур. Аммо, интенсивлаштириш технологияси даражасигача чиқиш учун ўқув ижодий фаолиятни интенсивлаштириш, оптималлаштириш ва интеграциялаш жараёни диалектикасини очиб бериш керак.

Мазкур муаммолар бўйича кўплаб педагог психологлар текширишлар олиб борганлар. Психология соҳасида Д.Б. Эльконин, В.В. Давидов, Н.А. Мечинская, педагогика ва дидактика соҳаси бўйича М.А. Данилов, М.Н. Скаткин, И.Я. Лернер, А.В. Усова ва бошқалар ўқув-тарбия ва ўқув ижодий фаолиятни интеграциялаш бўйича муайян имий амалий натижаларга эришганлар.

Узлуксиз таълим тизимида ҳар томонлама етук, ижодкор шахсни тарбиялаш, ўқувчини узлуксиз ривожлантириш учун таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларида педагогик тизимнинг таркибий қисмлари

ўзаро алоқадорлиги, мувофиқлиги ҳамда истиқболга йўналтирилганлигини таъминлаш ҳамда уларни амалга оширишнинг дидактик шарт-шароитларини аниқлашни тақозо этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлаш миллий дастурда белгиланган вазифаларни амалга оширишда устувор аҳамият касб этиб, таълим тизимининг вертикал ва горизонтал узвийлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқотларни жадаллаштиришни талаб этади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини ишлаб чиқишда миллий таълим модели илмий ёндашувининг ўзига хос хусусияти шундаки, узлуксиз таълим тизими яхлитлик, узвийлик ва узлуксизликда, яъни бир бутун тизим шаклида қаралади. Узвийлик ва узлуксизлик таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири сифатида белгиланиб, педагогика назариясида уни ифодаловчи тизимлилик ва изчиллик таълимнинг методологик асосини ташкил қилиши билан бирга дидактик принцип сифатида ҳам алоҳида қайд этилган. Таълимнинг узвийлиги – таълим мазмунининг тизимлилиги, изчиллиги ва мантиқан боғлиқлиги таъминланишини, ўқувчилар ўзлаштирган билимларнинг кейинги босқичларда кўникма ва малакаларга ўтишига асос яратувчи, таълимнинг ҳар бир босқичида маълум даражада билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлашни талаб қилувчи дидактик принципдир. Узвийликнинг моҳияти ҳар бир шахсга ўзига мос билим олиш шароитларини яратиб бера оладиган таълимга бўлган шахс ва жамиятнинг эҳтиёжларини қониқтириш зарурати билан белгиланади.

Касб таълимининг ҳозирги кундаги амалиёти, умумтаълим тайёргарлиги бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаслигини кўрсатмоқда. Чунончи, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи касб таълими олдига ўз талабларини қўймоқда. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий тушунчалар, ҳодисалар, қонунлар, назариялар ўқувчиларга кўплаб хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнларини, турли воқеаларни, иқтисодий механизмларнинг ишлаш тамойилларини тушунишга ёрдам беради. Модомики, иқтисодий билимлар ўзига хос назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу соҳа бўйича замонавий педагогикада икки қарама-қарши тенденция ҳукмронлик қилмоқда, бир томондан таълим олиш жараёнини бошқаришнинг самарали воситаларини ишлаш амалга оширилса, иккинчи томондан ўқувчилар идрок этиш фаоллиги, уларда билимларни мустақил олиш маҳоратини юзага келтириш имкониятлари аниқланмоқда.

Ўқув тарбиявий жараённи интеграциялашни амалга ошириш натижасида ўқувчилар фаоллик даражасини юқори босқичга, янада самаралироқ босқичда ўтишни амалга оширамиз. Бундан ташқари, интенсификация шароитида интеграциялаш фақатгина ташкил этиш жараёнга эмас, балки ички, руҳий (мотивацион, интеллектуал, иродавий ва бошқалар) жараёнларни фаоллаштирувчи ҳам ҳисобланади.

Таълим жараёнини интегратив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил қилиш орқали ўқув тарбиявий жараёнида самарадорликка эришиш назарда тутилар экан, бунда узвийликнинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан:

Шахснинг билим олишида, ижодий изланишида энг кучли салоҳиятга эга бўлган жаҳон ахборот тармоғига боғланиш, турли хил маълумотлар, амалий тажрибалар билан танишиш, табиий ва гуманитар билимларнинг интеграцияси тўғрисида кўникма, тушунча ва билимлар пойдеворини ҳосил қилиши зарур. Ўқув фанларга тегишли замонавий билимларни пухта ўзлаштириш, биринчидан оламнинг илмий манзарасини яққол тасаввур қилиш ва тушуниб олишни назарда тутса, иккинчидан, олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш маҳорати ва кўникмаларини эгаллашни тақозо қилади. Бунинг учун таълим жараёнига илғор педагогик технология ва услубларни қўллаш зарурати туғилади. Бундай технологиялардан бири интегратив таълим технологияси бўлиб, у таълимга синергетик ёндашув ва тизимли таҳлил каби усуллар билан чамбарчас боғлиқдир.

“Синергетика” – макро, микро, мегаоламда жонсиз ва жонли табиатда, одамлар ва жамиятда содир бўлувчи жараёнлар ҳамда ҳодисаларнинг ўзини ўзи ташкил этиш ҳақидаги фан.

Синергетиканинг “биргаликда ишлаш” деган маъносининг ўзиёқ унинг кенг имкониятга эга эканлигидан далолат беради. Биргаликда ишлаш деганда, ҳар қандай соҳага таалуқли умумий жиҳатларнинг ягона мақсадга (педагогик технология, саноат, ҳарбий ва ҳоказо) эришиш йўлидаги уйғунлашуви тушунилади. Тушунчанинг тўлароқ бўлиши учун синергетикага оид аниқ ҳаётий мисол келтириш мумкин. 1895 йилда АҚШда “Америкага қайси соҳа йўналишларида ишлатиш учун қанча пахта зарур? Унга эришиш учун нималар қилиш лозим?” деган жиддий муаммолар қўйилди. Масаланинг ечими эса, биргаликда ишлаш орқали “Ягона универсал технология” яратиш ғояси (синергетика)ни тақозо қилди.

“Синергетика” билан “узвийлик” бир маънога эгадек туюлади, лекин улар орасида бир мунча жузъий фарқ ҳам мавжуд. Таълимда интеграциянинг назария ёки амалиёт ҳамда бошқа кўринишдаги ўқув жараёни билан боғлиқ метод, услуб, йўналиш, соҳага оид хилма хил турлари мавжуд. Аммо бу хилма-хилликдан ҳар бирининг алоҳида яхлит. Бир бирини тўлдирувчи вазиятга ўтиши (алоҳида қисмларни бир бутун ҳолга келтириш)ни битта фан ўқитувчиси ёки бошқа соҳага тааллуқли киши билими ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

Бугунги кунда жамиятда янги иқтисодий муҳит шаклланиб бормоқда. Шунга кўра, бозор муносабатлари талабларига мувофиқ тарзда ҳаётий жараённинг тури соҳаларида фаолият юритувчи шахснинг иқтисодий саводхонлик даражасига қўйиладиган талаблар ҳам ошиб бормоқда. Иқтисодий таълим жараёнида узвийлик қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

1. Турли ўқув предметлари таркибида берилиши мўлжалланган иқтисодий таълим мазмунини аниқлаш;

2. Иқтисодий билим ва кўникмаларнинг кенгайиб, чуқурлашиб боришини таъминлаш;

3. Ўқувчиларнинг физиологик ва психологик хусусиятларини инобатга олиш;

4. Тақдим этилаётган илмий, иқтисодий, ижтимоий маълумотлар ўқувчиларнинг умумий иқтисодий саводҳонлиги ва маданиятини шакллантириш имконини беришига эришиш;

5. Иқтисодий назария билан бир қаторда амалий характерга эга бўлган вазифаларни (иқтисодий вазиятлар, иқтисодга оид тест ва бошқалар) топширишни таъминлаш;

6. Иқтисодий материалларнинг тақдим этилиши мўлжалланган ўқув фани мазмунига мос келишини таъминлаш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, иқтисодий таълимда фанлараро алоқаларни татбиқ этиш ва таълим бериш методикаси илмий билимлар таҳлили ва синтез муаммосини педагоглар методологик қарашларига фанлар дифференциациясининг конкрет ифодаланиши деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу муаммонинг назарий ва амалий ечими жамият ривожланиши иқтисодий фанлар ва ўқув юртининг ижтимоий буюртмасига мос равишда ўзгариб келади. Коллежларда замонавий таълим беришда фан тизими бўйича тасдиқлаш ва таъкидлаш фанлараро алоқалар ғоясининг тараққиёти билан узлуксиз боғлиқдир.

И.ф.н. А. Алмуродов, физ-мат.ф.н., доц. Р.А. Файзиев,
Д.Р. Файзиева, ТДИУ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларига иқтисодий билим бериш ва олинган билимни баҳолашда автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимининг имкониятлари ва афзалликлари

Бозор иқтисодиёти шароитида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг узлуксиз иқтисодий билимга эга бўлишлари жуда муҳимдир. Бунда ўқув жараёнининг автоматлаштирилган тизимларининг аҳамияти жуда катта. Ахборот-коммуникация технологияларидаги жадал ривожланиш электрон таълимни сезиларли даражада ошириш имкониятини яратди. Билим олиш ва олинган билимни текширишда замонавий автоматлаштирилган тизим ва усуллардан фойдаланиш, таълим тизими ривожланишининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шундай тизимлардан бири “ZIYOKOR автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизими”дир.

Ушбу тизим жуда кенг имкониятларга эга:

1. Ўқув материалларини бошқариш:

−ўқув материаллари базасини яратиш учун турли манбалардан фойдаланиш мумкин:

−ўқув курслари ўқитувчилар томонидан яратилиши мумкин. Қулай шаблонлар ва таҳрирлаш воситалари тезда курсларни яратиш ва уни тизимга жойлаштириш имконини беради;

−ўқув материалларини ва мультимедиани тўғридан-тўғри интернетдан ишга тушириш мумкин;

−халқаро стандартлардан фойдаланилгани учун бошқа ўқув муассасалари томонидан яратилган материалларни ишга тушириш имконини беради;

−ўқув ва бошқа материаллар маҳаллий таълимни бошқарув органлари томонидан жўнатилиши мумкин;

−ўқув бўлими ўқув материалларини осон бошқариши, шунингдек, улардан энг яхшиларини интернет орқали бошқа ўқитувчиларга ҳам жўнатиши мукин;

−ўқув материалларини излаш ва жойлаштириш жуда қулай ҳолатда амалга оширилади;

−ўқув материаллари ва топшириқлари ўқувчиларга чоп этилиши ва тарқатилиши ёки интернет орқали жўнатилиши мумкин;

2. Ўқув режаларини бошқариш:

−услубчилар тизимдаги ўқув режаларидан фойдаланишлари ёки улар асосида ўзининг ўқув режаларини тузиши мумкин;

−таълим муассасасининг амалдаги ўқув режаларини тизимга киритиш имконияти мавжуд;

−тасдиқланган маҳаллий ўқув режалари интернет орқали марказлаштирилган ҳолда тарқатилиши мумкин;

−алоҳида ўқувчига ёки ўқув гуруҳига шахсий ўқитиш режасини белгилаш мумкин;

3. Баҳолаш ва тест олиш:

−тестлар педагоглар томонидан тузилиши ёки ташқаридан ишга туширилиши мумкин, шунингдек интернет орқали маҳаллий таълимни бошқариш органлари томонидан юборилиши мумкин;

−тест тузишда турли шаблонлардан фойдаланиш мумкин (битта тўғри жавобни танлаш, бир нечта тўғри жавобни танлаш, исталган шаклда тўғри жавобни киритиш);

−педагог ўқувчининг топшириқни бажаришини баҳолашда автомат баҳолаш, қўлда баҳолаш ёки улардан биргаликда баҳолаш усулларидан фойдаланиши мумкин (охирги ҳолатда автомат баҳолашга киритилган тузатишга изоҳ берилиши керак);

4. Дарсга қатнашиш ва ўзлаштириш бўйича ҳисобот:

−ўқувчининг дарсга қатнашиши ва ўзлаштиришини унинг олган баҳоси ёки ўқув дастури режасини бажарилиши кўрсаткичлари орқали кузатиш мумкин;

−дарсга қатнашиш ва ўзлаштиришни баҳолашнинг бир қанча параметрларидан фойдаланиш имконияти мавжуд;

−ўқувчининг дарсга қатнашиши ва ўзлаштириши тўғрисидаги маълумотлар баҳоланган вақтда киритилади;

5. Бўлим ёки гуруҳнинг веб-сайти:

−бўлим ёки гуруҳнинг веб-сайтига янгиликлар, мустақил иш учун топшириқлар, тестлар ва ўқувчи тўғрисидаги маълумотлар осон киритилади;

−таълим муассасаси веб-сайтини осонгина янгилаш мумкин, яъни уни янгиликлар, тадбирлар тўғрисида ва бошқа ахборотлар билан тўлдириб туриш имконияти мавжуд;

Тизим қуйидаги афзалликларга эга:

1. Ўқитувчилар учун:

−ўқувчилар билан мулоқотни енгиллаштирувчи замонавий ўқитиш усулларидан фойдаланиш;

−ўқув материалларини ўз вақтида ва манзилли тарқатиш;

−ўқув стандартлари, топшириқлари ва режалари ўртасидаги мосликни таъминлаш;

−бажарилган ишларни текшириш ва уларга баҳолар қўйиш: автомат равишда, қўлда, комбинациялашган (охирги ҳолатда автомат баҳолашга киритилган тузатишга изоҳ берилиши керак);

−турли ўқувчиларга ёки ўқувчилар гуруҳлари ўқишига дифференциал ёндашиш;

−махсус ўқув материалларига тез ва осон кириш;

−материаллардан одатдаги форматларда (Power Point, Word, Excel, веб-саҳифа) стандарт веб-технологиялардан қулай фойдаланиш;

−электрон ўқув материаллари ва улар учун текшириш топшириқларини интеграциялаш;

−ўқувчилардан ва уларнинг ота-оналаридан тезда жавоб келиши;

−ўқувчилар ўзлаштириши тўғрисида статистик маълумотлар ва ҳисоботни автомат равишда олиб борилиши;

−тизим билан тармоқдан ташқарида ишлаш ва кейинчалик тармоққа уланиб маълумотларни синхронлаштириш;

2. Ўқувчилар учун:

−қизиқарли, долзарб ва мазмунли ўқув материаллари;

−янги билим соҳасини ўзлаштириш ва янги кўникмаларни ҳосил қилиш (технология, дастурий таъминот, интернет);

−бошқа ўқувчилар билан интернет орқали масофавий биргаликда ишлаш;

−қолдирилган дарсларни ўзлаштириш учун ва қўшимча таълим учун яратилган катта имкониятлардан фойдаланиш;

−ўқув жараёнига тез қўшилиш имконияти;

−интернетга кириш имконияти бўлган исталган компьютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан) ўқув материаллари ва тестларга кириш;

3. Ота-оналар учун:

−исталган пайтда ўқув материаллари, топшириқлар, ҳисоботлар муддати, баҳолар ва ўқитувчилар маслаҳатларини кўриш;

−ота-оналар мажлисларига боғлиқ бўлмаган, фарзандининг ютуқ ва камчиликларини доимий равишда кузатиб бориш;

−веб-интерфейс орқали исталган компютердан (ўқув юрти компьютер хоналари, интернет-кафелар, уйдаги компьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефондан), исталган жойдан ва исталган вақтда осон кириш;

4. Таълим муассаси учун:

−долзарб ва истиқболли масалаларни ечиш (ислоҳот, таълим стандартлари, таълим масалалари ва режалари);

−ўқитишнинг ташқи ва ички талабларга мослиги ёки ўзининг масалаларини ва таълим стандартларини аниқлаш;

−замонавий таълим ташкилоти учун зарур бўлган янги концепцияларни татбиқ этиш;

−таълим муассаси веб-боғланмасини ташкил қилишнинг осонлиги. Унда алоҳида гуруҳлар ва бошқалар учун янгиликлар, эълонлар, лойиҳалар, ўқув материаллари эълон қилиниши мумкин;

−ўқув жараёнларини бошқариш ва қарорлар қабул қилишга ёрдам берадиган турли статистик маълумотлар;

−таълим муассасининг серверида тизимни оддий қўллаш;

−бошқаришнинг осонлиги;

5. Таълимни бошқариш тизими учун:

−ўқув стандартлари, ўқув режалари, услубий йўриқномалар, ўқув материаллари ва тестларни марказлаштирилган ҳолда тарқатиш;

−тест натижаларини (ўзлаштиришни) тезкор йиғиш;

−жойлардан энг яхши ишланмаларни йиғиш ва уларни бошқа таълим муассасаларига юбориш;

−ўқув режалари ва унга мос материалларни бутун ҳудудга (туман, шаҳар, вилоят ёки мамлакатга) тармоқ орқали тарқатиш. Бу, ўз навбатида, материалларни чоп этиш, ўқув режаларини янгилаш ва тарқатишга кетадиган харажатларни сезиларли даражада қисқартиради.

Рейтинг тизими тўғрисидаги “Низом” ижросини таъминлашда ZIYOKOR автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Унда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари билимини баҳолашнинг такомиллаштирилган янги усули ҳам таклиф қилинган. Унга кўра ўқувчилар билими 1-5 баллар билан баҳоланади. Шунингдек, дарс қолдирган ўқувчига 0 бал қўйиш тавсия этилади.

Ўқувчилар билимини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлар тавсия этилган:

5 балл билан баҳолаш учун ўқувчининг ўтилган машғулотлардан олган билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши керак:

ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига тўлиқ риоя қилиши;

мустақил хулоса ва қарор қабул қилиши;

ижодий фикрлай олиши;
мустақил мушоҳада юрита олиши;
олган билимларини амалда қўллай олиши;
моҳиятини тушиниши;
билиши, айтиб бериши;
тасаввурга эга бўлиши.

4 балл билан баҳолаш учун ўқувчининг ўтилган машғулотлардан олган билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши керак:

ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига тўлиқ риоя қилиши;
ўтилган машғулотлар бўйича эркин мустақил хулоса ва қарор қабул қила олмаслиги;
ижодий фикрлашда қийналиши;
мустақил мушоҳада юрита олиши;
олган билимларини амалда қўллай олиши;
моҳиятини тушиниши;
билиши, айтиб бериши;
тасаввурга эга бўлиши.

3 балл билан баҳолаш учун ўқувчининг ўтилган машғулотлардан олган билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши керак:

ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига тўлиқ риоя қилиши;
олган билимларини амалда қисман қўллай олиши;
моҳиятини қисман тушиниши;
қисман билиш, айтиб бериши;
қисман тасаввурга эга бўлиши.

2 балл билан баҳолаш учун ўқувчининг ўтилган машғулотлардан олган билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши керак:

ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига қисман риоя қилиши;
берилган топшириқларни бажара олмаслиги;
тасаввурга эга бўлмаслиги ва ўз фикрини баён эта олмаслиги.

1 балл билан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаган ўқувчи баҳоланади.

0 балл билан дарсга келмаган ўқувчи баҳоланади.

Шуни таъкидлаш керакки, таклиф этилган баҳолаш усули амалдаги рейтинг тизимини (“Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом”ни) такомиллаштиради ва бир қанча устунлиги билан ажралиб туради:

–Ўқувчилар билимини баҳолашда ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши мезонининг киритилиши, ҳамда уни ўқувчилар билимини баҳолашда инобатга олиниши, ўзига хос рағбатлантирувчи механизм бўлиб, айниқса ушбу қоидага амал қилмаган ўқувчига 1 балл қўйилиши ва унинг ўртача балга таъсир қилиши, ўз навбатида таълим-тарбия сифатини ошишига хизмат қилади.

–Ушбу баҳолаш тизимида қолдирилган дарсга 0 балл қўйиш тавсия этилади. Бу ўртача бални чиқаришда муҳим роль ўйнайди, яъни ўқувчи

қолдирган дарсни қайта ишламаса ўртача бали пасаяди, қайта ишлагач унинг ўртача бали ошади.

–Қолдирилган дарсга ва мустақил иш бажарилмаганда 0 балл қўйилиши ҳамда ўқувчига уни қайта ишлаш имкони берилиши, биринчидан ўқувчини қизиқтиради, иккинчидан, ўқувчини ижодий ишлаш ва фикрлашга мажбур қилади. Мустақил ишни бир неча марта қайта ишлашга берилган имконият эса ўқувчини ўз устида кўпроқ ишлашга ундайди.

–Ўқувчининг дарсда, мустақил ишни бажаришда, қолдирилган дарс ва мустақил ишни қайта ишлашда олган баллари, шунингдек, тест натижалари тўғридан-тўғри ягона журналда акс эттирилади ва улар ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, ўртача бални чиқаришда катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, бу қўйилган балларнинг шаффофлиги ва адолатлилигини таъминлайди. Амалдаги журналларда бу ҳолат жуда мавҳум, кўпинча улар эътиборга олинмайди.

Пс.ф.д., проф. З.Т. Нишанова,
С. Нишонов, Низомий номидаги ТДПУ

Таълим технологияларидан ногирон ўқувчиларни ўқитишда фойдаланиш имкониятлари

Имконияти чекланган болалар... улар фақат жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсонга эга. Ижтимоий ҳаётда эса уларнинг имкониятлари кенг. Бироқ аввалига бола ижтимоийлашиши, яъни жамиятга қўшилиши керак, деб таъкидлайди психологлар. Педагоглар эса қўшимча қилишади: бунда таълим-тарбиянинг бирламчи ўрни бор.

Ҳозирда кенг тарқалган янги педагогик технологиялар сифатида таълим тизимига жадаллик билан кириб келаётган технологиялар, принциплар хорижда асос солинган. Бундай принцинлардан бири голландиялик психолог Карл ван Парререн томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, олим томонидан ишлаб чиқилган таълим тамойиллари ҳозирда кенг фойдаланилаётган таълим технологияларига асос қилиб олинган.

1 тамойил: ўқувчиларда ўқув фаолиятига нисбатан барқарор мотивацияни шакллантириш;

2 тамойил: диалогик равишда, яъни ўқувчилар билан ҳамкорликда ўқитиш, яъни “юқоридан қуйига” тамойил бўйича эмас.

3 тамойил: диагностик ўқитиш: ўқувчилар ўқув фалиятини доимий кузатиши зарур; зарур ҳолларда тўғрилаш ва қўллаб-қувватлаш.

4 тамойил: таълим мазмунини мос ўқув бирликлари ва топшириқларига ажратиш. Бу нуқтаи назар ўқувчиларнинг турли категорияси ва уларнинг ўқув мотивацияси тузилмасини қатъий ўзгартириш учун турли вариантда бўлиши лозим.

5 тамойил: (ўқув мазмунини турли даражаларда таъминлаш. Бу интериоризация жараёни маҳсулдорроқ кечиши учун зарур.

6 тамойил: турли воситалардан фойдаланиб маълум темпда ўқитиш (масалан, оғзаки нутқ, ёзма нутқ, сунъий нутқ, график модел ва белгилар).

7 тамойил: ўқувчиларга уларнинг қобилиятлари даражасида ёрдамлашиш ва ўргатиш (масалан, коммуникатив ва фикрлаш ҳаракатлари мажмуи ва уларнинг ҳаётий тажрибага муносабатда бўлиш усуллари). Ван Парререн ўзаро боғлиқ бўлмаган механик эслаб қолишга ўқувчиларнинг ривожланиши учун ҳар қандай тушунчаларни англаб баён этишни қарши қўяди.

8 тамойил: рефлексия қобилияти ва ўқувчиларнинг ўзидаги юксалишни баҳолаши (компетентлик ҳисси). Ван Парререн қуйидагича ажойиб таклиф киритади: қабул қилинган баҳолаш тизими ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргаликда тузиб чиқилган баҳолаш мезонлари билан алмаштирилади. Олимнинг фикрича, бу тизим табель тизимини тўлдиради.

9 тамойил: ўқувчилар мустақил ишлашларидан олдин топшириқлар тўплами билан таъминлаш. Ҳаракатларнинг, нутқнинг, фикрнинг "ригидлигидан" қочиш учун ҳамкорлик қилиш зарур.

10 тамойил: анъанавий таълимга қараганда предметларнинг мазмунини чуқурроқ эгаллаш учун ўқувчиларни ижодга ва ташаббусларга ундаш.

11 тамойил: ўқувчиларда фанларга нисбатан ижобий муносабатни, билиш фаолиятига нисбатан мустақиллик, масъулият, ўз-ўзини аниқлаш хусуситяларини шакллантириш.

12. тамойил: ўқувчи шахси шаклланиши учун синфда қулай иқлим яратиш.

Ю.К. Бабанский, И.Я. Лернер, А.М. Матюшкин, С.П. Баранов каби замонавий дидактлар томонидан ишлаб чиқилган ўқув жараёнини тузишини таҳлил қилиб, ўқув жараёнини лойиҳалашда қуйидаги босқичлардан иборатлигини тасаввур қилиш мумкин:

биринчи босқич – ўқитувчилар томонидан жараён кечадиган тизимнинг хусусиятларини ўрганиш асосида таълимнинг шахсий ва ижтимоий муҳим мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш;

иккинчи босқич – мактаб, минтақа, синфнинг махсус хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини муайянлаштириш;

учинчи босқич – ўқитувчилар томонидан таълим воситаларини режалаштириш, тизимнинг аниқланган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятнинг қулай усул ва шаклларини танлаш (бу уч босқич- таълим жараёнини лойиҳалаш элементларидир);

тўртинчи босқич – ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятида ўқитувчиларнинг таълимий таъсири бирлигида педагог ва ўқувчиларнинг дидактик ҳамкорлиги;

бешинчи босқич – билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда жорий назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш, таълим жараёни боришини оператив бошқариш;

олтинчи босқич – педагогик рефлексия, педагоглар ва ўқитувчилар томонидан таълим жараёни маълум босқичи натижаларини таҳлил қилиш, ечилмаган топшириқларни аниқлаш, жараённинг янги циклида уларни ҳисобга олиш.

Эҳтиёжлар — инсон организмининг яшаши, ривожланиши ва фаолияти учун зарур бирор функционал ёки таркибий тизими яхлитлигини тиклашни

бошдан кечиришдир. Бу эҳтиёжларни қондириш алоҳида эҳтиёжга эга болалардаги жисмоний ёки психик нуқсон туфайли анча қийин кечади. Бу жараён ўзига хос ҳаёт йўли, хатолар ва муваффақиятлар орқали кечади ҳамда ота-оналар ва жамоанинг кўмагига бевосита боғлиқ бўлади.

Имконияти чекланган ўқувчиларга таълим беришда махсус ихтисослаштирилган мактаб ва коллеж ўқитувчилари ҳам инновацион таълим технологияларидан кенг фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Бунда дарслар субъект-субъект тизимида амалга оширилади ҳамда ҳар бир ўқувчига ўз фикрини мустақил ифодалаш, ўзини намоён қилиш эҳтиёжини қондириш учун имкониятлар яратилади. Бундай дарсларда кўпроқ фикр билдирган, ўзини кўпроқ намоён қилган ўқувчида эса ўзига ишонч, ўзини адекват баҳолаш амалга ошади. Бу эса, ўз навбатида, имконияти чекланган ўқувчининг ўз-ўзини англашига, касбий ўзлигини англашига, жамиятда ижтимойлашувига, ҳаётда ўз ўрнини топишларига ёрдам беради.

Эҳтиёжлар —инсон организмининг яшаши, ривожланиши ва фаолияти учун зарур бирор функционал ёки таркибий тизими яхлитлигини тиклашни бошдан кечиришдир. Бу эҳтиёжларни қондириш алоҳида эҳтиёжга эга болалардаги жисмоний ёки психик нуқсон туфайли анча қийин кечади. Бу жараён ўзига хос ҳаёт йўли, хатолар ва муваффақиятлар орқали кечади ҳамда ота-оналар ва жамоанинг кўмагига бевосита боғлиқ бўлади.

Имконияти чекланган болалар жамиятдан ташқарида – интернат муассасаларда ёки ўз оиласи билан уйида яшайди, бунинг натижасида улар жамият ва ташқи олам билан камроқ муносабатга киришадилар. Кўпчилик мамлакатларда ногиронликка нисбатан салбий муносабат ва дискриминация кенг тарқалган, бунинг асосий сабаби коммунистик руҳнинг мероси бўлиб, унга кўра, шахсни давлатнинг ривожига қўшган ҳиссаси ва ишлаб чиқариши нуқтаи назаридан баҳоланган. Бундай установкалар инклюзиянинг ривожланишига тўсиқ бўлади, албатта. Ногиронликни тавсифлаш учун фойдаланилаётган формулировкалар салбий стереотипларнинг сақланиб қолишига ва инклюзияни тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилади. Кўпчилик имконияти чекланган шахслар ҳақида гапирганларида камситиладиган атамалардан масалан “нуқсонли”, “ақли кам” каби атамалардан фойдаланадилар, бунда нуқсонлар тўғриланиши лозим.

Инклюзив таълимни жорий этишга таълим тизими мутахассислари орасида имконияти чекланган шахсларга нисбатан салбий муносабат ҳам таъсир қилади. Кўпчилик ўқитувчиларда ҳам, аҳолининг кўпчилик қисми каби имконияти чекланган шахсларга нисбатан дискриминацион установкалар сақланиб қолган. Сўнгги вақтларда республикамизда ҳам инклюзив таълим аста-секин кенгаймоқда.

Пс.ф.н., доц. Р.М. Абдуллаева,
Н. Ахмаджонова, М. Абдубанноева, ТДИУ

Таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг ўзига хос томонлари

Бугунги кунда таълим самарадорлигига эришиш учун ҳар бир фан ўқитувчиси ўзи ўқитаётган фаннинг таълим технологияси ва таълим моделини тўлиқ тарзда ишлаб чиқиши лозим. Унда асосан фаннинг хусусиятларидан ва

талабаларнинг ўзлаштириш даражалари келиб чиқиш кўзда тутилади. Ўқув машғулотининг таълим технологиясини ишлаб чиқиш ўқитувчи ҳаракатларининг қуйидаги изчиллигини ўз ичига олади: таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва унинг натижаларини таълим технологиясининг модели кўринишида расмийлаштириш; технологик харита кўринишида ўқув машғулотида талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятини босқичма босқич режалаштириш; ўқув жараёнининг ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш (технологик харитага илова қилинган ўқув-услубий ва визуал материалларни).

Ўқув машғулотнинг *таълим модели* жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

1) ўқув машғулотининг мақсадли белгиланишини аниқловчи дидактик мақсади: шакллантириш/ чуқурлаш/ тизимлаштириш/билим ва кўникмаларни назорат қилиш, таянч лаёқатлиликни ривожлантириш;

2) Ўқув фаолиятининг кутилажак натижалари – бу ўқитиш натижасида талаба эгаллаши ва бажариши лозим бўлган ҳаракатлар. Улар лўнда ва феъл шаклида шакллантирилади, тугалланган ҳаракатни билдиради (…..гапириб беради, …..санаб беради, ….тавсифлайди, …..ечимини топади ва ҳоказо).

3) Натижаларга мос педагогик вазифалар-талабанинг ўқув фаолиятини белгиланган натижасига қараб ҳаракатланишини ташкил этишда ўқитувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлари(тушунтириш,очиб бериш);

4) Қурилган таълим модели – бу белгиланган вақтда ва мавжуд шароитда белгиланган мақсадни амалга ошириш ва башорат қилинган ўқув натижаларига эришишни кафолатлайдиган таълимнинг энг мақбул шакллари, усуллари ва воситалари мажмуидир;

5) режалаштирилган ўқув натижаларини мониторингини амалга оширувчи қайтар алоқа йўл ва воситалари (кузатув, тезкор сўров, савол-жавоб, ўқув топшириғи натижаларини тақдимоти, тестлаш, ёзма ишларни текшириш ва бошқ.)

Ўқув машғулотининг технологик харитаси ўқув машғулотида таълим технологияси тузилишининг жараёнли (процессуал) баёнини акс эттиради ва жадвал кўринишида расмийлаштирилади.

Технологик харитада таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим олувчининг ҳам фаолияти, ўқув машғулотининг босқичлари ва вақти, таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари, таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари аниқ кўрсатилади.

Технологик харитага илова ўз ичига қуйидагиларни олади*:* талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида қўлланиладиган саволлар рўйхати; гуруҳларда ишлаш учун йўриқнома, ўқув фаолияти натижасида талабалар таяниши мумкин бўлган қоидалар (ақлий ҳужум қоидаси, гуруҳларда ишлаш қоидаси, мунозара иштирокчиларига эслатма); ўқитувчи томонидан ўқув жараёнида фойдаланиладиган слайдлар, жадваллар, ва бошқа визуал материаллар; мунозара ўтказиш учун қўшимча саволлар; гуруҳларда ва якка ҳолдаги фаолиятни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

Бу ерда тақдим этилаётган материаллар чегараланмайди. Фақат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли чизмаларда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Ўқув машғулотининг таълим технологиясини амалга ошириш асосан қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1.Ўқув машғулотига кириш

2.Ўқув машғулотининг асосий босқичи

3.Ўқув машғулотининг якуний босқичи

Ҳар бир босқич доирасида педагог кўзланган мақсад асосидаги натижаларга эришсагина, дарс жараёнлари самарали якун топади. Талабаларнинг ўзлаштиришлари юқори кўрсаткичларга эга бўлади. Таълим мақсадларини белгилаш ва натижаларни шакллантиришда таълимнинг ўзлаштириш даражалари ҳисобга олиниши лозим. Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўлларига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини белгилаш йўллари беш қисмга бўлинади:

1. *Билишликка оид* (таниш бўйича ҳаракатланиш);

2. *Тартиблиликка оид* (алгоритм, намуна, ўхшашлик бўйича ҳаракатланиш);

3. *Ижодий фикрловчиликка оид* (эвристик ҳаракатларни танлаш);

4. *Ижодкорликка оид* (ҳаракатларни излаш).

1. Билишликка оид (таниш бўйича ҳаракатланиш) таълим мақсадларини белгилашда мақсад ва натижалари шакллантирилиши ҳамда ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидагича бўлади:

Таълим мақсади: ...тўғрисида тушунчаларни шакллантириш.

Натижалар:

- (маълум, таниш нарсани ўзгартиришсиз, умумий тахминларни) тушунтиради, айтади, санаб ўтади;
- (ўз сўзларида) қайтариб беради;
- ташқи белги ва хусусиятлари бўйича билади, танийди;
- (сўзма-сўз) ёзади.

2.Тартиблиликка оид (алгоритм, намуна, ўхшашлик бўйича ҳаракатланиш) таълим мақсадларини белгилашда мақсад ва натижалари шакллантирилиши ҳамда ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидагича бўлади:

Таълим мақсади: ...тўғрисида билимларни шакллантириш, назарий билимни ўхшашлик бўйича қўллаш, ҳаракатларни тартиб бўйича бажариш малакаларини шакллантириш, (ривожлантириш, мустаҳкамлаш).

Натижалар:

- асосий фикрни ажратади;
- баҳо беради, якун ясайди, исботлайди, таснифлайди; тушунтиради, асослайди, умумлаштиради, ишончли далиллар келтиради, солиштиради ва таққослайди, хулосалар чиқаради.

3.Ижодий фикрловчиликка оид (эвристик ҳаракатларни танлаш) таълим мақсадларини белгилашда мақсад ва натижалари шакллантирилиши ҳамда ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидагича бўлади:

Таълим мақсади: шахсий фаолият тартибини ташкил этиш ва шу бўйича мустақил ижодий изланишни олиб бориш ва билимларни излаб топиш, уларни янги ҳолатларда қўллаш малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Натижалар:

- шахсий фаолиятини режалаштиради ва ташкиллаштиради;
- керакли ахборотни топади, танлайди, қўллайди ва янгидан ҳосил қилади;
- ясайди, мураккаблаштиради, соддалаштиради; синайди;
- билим ва малакаларни янги ҳолатларда таниш ва ностандарт топшириқларни, муаммоли ҳолатларни ечиш учун қўллайди;

4.Ижодкорликка оид (ҳаракатларни излаш) таълим мақсадларини белгилашда

мақсад ва натижалари шакллантирилиши ҳамда ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидагича бўлади:

Таълим мақсади: муаммони мустақил ажратиш ва ечиш қобилияти, тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятига тайёргарлик, нотаниш ҳолатларда ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантириш (ривожлантириш).

Натижалар:

- муаммони мустақил ажратади ва уни ҳал этиш йўлини топади;
- тадқиқот объекти ва предметини топади, тадқиқот фарази ва вазифаларини илгари суради, тажриба ўтказиш режасини тузади, тажриба ўтказади, тажриба натижалари асосида фаразни текширади, тажрибадан олинганларни қўллаш чегарасини аниқлайди.

Кат. ўқит. Г.З. Абдуллаева, Мирзо Улуғбек
Информатика касб-ҳунар коллежи

Инсон ва жамият ривожланишида таълим тизимини ўрни

Таълим инсон ривожланишининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланиб, жамиятнинг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳам у асосий ўрин эгаллайди. Таълим инсон ривожланишининг муҳим таркибий қисми сифатида қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар муаммоларни бартараф этишга мислсиз таъсир кўрсатади.

Таълимга нисбатан инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлаги ва унга ўзининг жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини англаб етишида муҳим восита сифатида қараш асрлар давомида ўзгариб борди. Бироқ таълимнинг бу борада тутган ўрни кўпинча маънавий-интеллектуал нуқтаи назардан кўриб чиқилган.

Сўнгги йилларда таълимнинг жадал суръатларда ривожланиши уни инсон ва жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бирига айлантирди. Таълимнинг инсоннинг маънавий ва ақлий эҳтиёжларини қондириш, қобилиятини шакллантиришга таъсирини аниқлашда унинг муҳим

жиҳатларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда давлат, жамият ва шахс нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мезони қабул қилинган.

Шахсий даражада — бу шахснинг ўз қобилият ва истеъдодларини тўлиқ намоён этиш. Айни пайтда, бу инсонга меҳнат фаолиятида ўзини намоён этиш имконини берадиган умумий ва касбий билимни эгаллашдир. Ўқимишли кишининг маънавий олами нисбатан бой, ҳаёти фақат моддий фаровонлик билан чекланиб қолмайди. Таълим инсонга ўзининг маънавий эҳтиёжларини амалга ошириш, ҳаётини тўлақонли ва мукаммал қилиш имконини беради.

Давлат даражасида — давлат мамлакат аҳолисининг ақлий салоҳиятини ривожлантиришдан манфаатдор бўлиши даркор. «Иқтисодий фанлар»ни кенг жорий этишда зарур билимга эга бўлиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини тўплашнинг муҳим таркибий қисмига айланади. Аҳолининг маънавий бойлиги мамлакатда ҳуқуқий маданиятни, шунингдек, халқнинг озод, демократик, ҳуқуқий давлатда яшаш ва меҳнат қилиш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаати йўлида фойдаланиш қобилиятини узвий ҳамда осон шакллантиради.

Жамият даражасида – таълим жамиятни ривожлантиришга қаратилган алоҳида глобал маънавий қадриятлар, ўзига хос ижтимоий менталитет ва инсон дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилиши лозим. Чунки фақат ўқимишли ва маънан бой одамларгина муаммоларни урушлар ёрдамида ҳал қилишни мутлақо рад этишга қодир жамиятни шакллантириши мумкин.

1996 йили Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, таълим соҳасида изчил ислоҳотларни амалга оширишни бошлади. Ушбу ислоҳотлар асосини аҳолига узлуксиз таълим беришнинг янги концепцияси, таълимни ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мутлақо янги тизимини яратиш орқали меҳнат бозори эҳтиёжларига имкон қадар яқинлаштириш, умумий 12 йиллик бепул ўрта таълим тизимини сақлаш ташкил этди.

Тарихан қисқа давр ичида таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Юртимизда ёшларнинг умумтаълим ва касб тайёргарлигини таъминлашнинг замонавий модели амалга оширилиб, пировардида ҳар томонлама баркамол ва мустақил фикрловчи, меҳнат бозорида талаб катта бўлган касбларни эгаллаган, қатъий фуқаролик позициясига эга ёшлар тарбияланмоқда. Бугун ёшларимиз мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш, уни янгилаш ва равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Мамлакатда изчил амалга оширилган ислоҳотлар натижасида қуйидагиларга эришилди:

- умумий 9 йиллик бепул мактаб таълимини мустаҳкамловчи тизим яратилди;
- уч йиллик умумий бепул ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими шаклланди;
- олий таълим тизими ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими шаклланди;

- таълимнинг барча босқичларида ўқувчилар сонининг ортишига эришилди;

- мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашнинг шаклланган тизими, шунингдек, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш учун полиграфия базаси яратилди;

- мебель, лаборатория ускуналари ва касб-ҳунар-ишлаб чиқариш таълими учун кўплаб асбоб-ускуналар турларини ишлаб чиқариш ҳамда ўқув юртларини ушбу жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш базаси шакллантирилди.

Республикамизда умумий ўрта ва касб-ҳунар таълимидан юқори даражада фойдаланиш таъминланганига қарамай, ҳозирги кунда жамият ўз олдига қўядиган энг муҳим вазифа — бу аҳолининг таълим тизимидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришдир. Шу билан бир қаторда бугунги кунда республикамиз таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд.

Бизнинг фикримизча таълим сифати билан боғлиқ вазиятни тубдан ўзгартириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. Ўрта махсус таълим муассасаларида энг илғор тажрибани оммалаштириш тизимини ташкил этиш, кенг жорий этиш ва тарғиб қилиш. Вилоятлардаги ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар бўйича ижтимоий асосда фаолият кўрсатадиган вилоят бирлашган услубият секцияларини ташкил этиш. Илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этиш учун ушбу секцияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш.

2. Ўқув муассасида ўқитилаётган махсус касбий фанлар, айниқса менежмент (ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, маркетинг ва ҳоказо), иқтисодиёт (иқтисодиёт, молия, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳоказо), ҳуқуқ, муҳандислик фанлари бўйича ўқитиш жараёнига етакчи амалиётчиларни жалб қилиш учун рағбатлантирувчи тизимни ташкил этиш. Бу таълим сифатини анча яхшилаш ва уни амалий ҳаёт эҳтиёжларига яқинлаштириш имконини беради.

3. Ўқитувчи меҳнатини моддий рағбатлантириш ва жамоатчилик томонидан эътирофини кенгайтириш. Жамият учун ўқитувчилар меҳнатининг эътирофи ва натижаларини оширадиган бадиий, публицистик ҳамда ҳужжатли фильмларни яратиш.

4. Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш борасида кескин чоралар кўриш. Ушбу ишларга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, балки жамоатчилик, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, талабалар кенгашлари, хотин-қизлар жамоат ташкилотлари ва бошқаларни ҳам жалб қилиш.

5. Ўқув режалари, дастурларини қайта кўриб чиқиш, ўрганилаётган фанлар ва ҳар бир семестрда топшириладиган имтиҳонлар сонини қисқартириш. Чунки талабаларга бошқа, ортиқча фанларни ўрганишни юклайвериш уларнинг танлаган касби бўйича фанларни чуқур ўзлаштириш

имконини бермайди. Фақат ўқитувчилар учун мўлжалланган курсларда қўшимча ўрганиладиган фанларни кенгайтириш.

6. Энг яхши талабаларга нуфузли ташкилот ва компанияларга ишга жойлашиш имконини берган ҳолда, таълим сифатини ва нуфузини ошириш.

Бошқарув тизимни такомиллаштириш ҳам таълим тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда таълим тизимини икки вазирлик ва бир ихтисослашган марказ бошқаради. Ҳудудларда мактаб таълими бошқармасининг вилоят ва туман бўлимлари, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бўлимлари мавжуд.

Таълим тизимини бошқаришни халқаро тажрибани ҳисобга олиб, таълим тизимини марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ҳолда бошқаришни мувозанатли мувофиқлаштириш орқали янада такомиллаштириш мумкин.

Д.У. Абдуллаева, кат.ўқит. Ш. Сабоҳиддинова,
А. Жўраева Низомий номидаги ТДПУ

Таълим жараёнида педагогик баҳолаш ва унинг хусусиятлари

Ўқувчининг психология бўйича билимларини баҳолашни ушбу ўқув фанини ўзлаштиришнинг зарур компонентидир. Баҳолаш ўқувчиларнинг мактаб дастури кўзда тутган билимларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш имконини беради.

Машҳур рус педагоги ва психологи П.Ф.Каптерев бола ривожланишида ҳурмат ҳисси аралаш ижтимоий баҳога интилишларини кўрган, унинг фикрича, биз қанчалик заворлигимизга қараб бошқалар, айниқса, яқинлигимиз қобилиятларимизни баҳолашлари, бизни ҳурмат қилишлари лозим.

Бола ўз хатти-ҳаракатларини атрофдагилар баҳолашларига бефарқ эмас – у мазахларга ғазаб билан жавоб бериши мумкин, бироқ унга муносабат етарлича жиддий эмас. Дарсдаги баҳога ҳар бири бефарқ бўлмайди.

Б.Г.Ананьев таъкидлайдики, ўқувчи учун аҳамиятли интеллектуал зўриқиш ва бажарилган иш учун баҳони кутиш вазиятларида педагогик баҳонинг йўқлиги ўқитувчининг ёркин равишда маъқулламаслигидан депрессивроқ таъсир кўрсатади.

Баҳо С.Л.Рубинштейннинг кўрсатишича, ўз психологик хусусиятларига эга: у фаолият мақсади эмас, натижаси бўлиши керак. Агар баҳо муваффақият фаолиятнинг асосий мақсади ҳисобланса, у ҳолда инсон бажараётган иши ҳақида эмас, уни қандай баҳолашлари унинг иши баҳолашадиганларда ёқимли ёқмаслиги ҳақида уйлайди.

Ишга ёки муваффақиятга бўлган психологик мўлжалга олиш кўп жиҳатдан ўз кучига ишониш ёки ишонмасликка боғлиқ бўлади. Агар инсон ўзига унчалик ишонмаса, у ҳолда у хато қилишдан кўрқади. Янги ишда хато қилишдан қўрқиш аҳамиятли даражада бўлишига зарар келтиради. Агар, қадимдаги инсонлар ҳам, хато – бу инсонга олдинга интилишига ёрдам берувчи фан, деб айтишган. Ёмони хато эмас, балки ундан дарс олмасликдир.

Буни болалар билан ишлашда айниқса, ҳисобга олиш муҳим, ахир уларни ўзини ўзи баҳолаш аҳамиятли даражада уларга катталар – ота-оналари,

ўқитувчилари берадиган баҳога боғлиқ бўлади. Катталарнинг ўқувчининг нотўғри ҳаракати ёки дарсдаги нотўғри жавобига позитив муносабатнинг мазмуни қуйидагича: “Сен яхшисан. Бироқ сенинг бу ишинг, жавобинг ва ҳ.к. яхши эмас”.

Мактабдаги баҳо доимо билимларни текширишга асосланган. Билимларни текшириш ва баҳо нафақат ўқувчиларни билимларини ўзлаштирганликлари даражаси ва сифатини қайд этиш имконини беради, балки бу билимлардаги, ўқув материалини тушунишдаги муаммоларни юзага чиқаришга ҳам ёрдам беради. Бу ўқитувчига муаммоларни бартараф этиш ёрдам берувчи, ақлий ва амалий иш усулларини ўрганишга, ўқувчиларнинг ривожланишга кўмаклашувчи индивидуал йўналган усул, методларни қидириш учун асос беради. Баҳосиз жавоблар сифати ва ўқувчилар ишларининг сифати, уларнинг ўқув фаолияти кам самаралидир.

Ўқув фани бўйича баҳолаш ўқувчиларда билимларни эгаллаш бўйича ўз ҳаракатларини, ушбу маълумотларни қанчалик билимлари, тушунишлари, ўз фаолият натижаларини баҳолай олиш кўникмасини ишлаб чиқишга қаратилган.

Психология ўқитувчисининг баҳоловчи мушоҳадалари қуйидагиларга тааллуқли бўлиши лозим: -ўқув материалини билиш; -бу материални тушуниш, бажарилган топшириқлар даражаси.

Ўқувчининг сифат ва хусусиятлари эмас, инсоннинг психик сифат ва хусусиятлар ҳақидаги билимлари баҳоланади. Билимларга берилган баҳони ўқувчиларнинг ривожланиш шахси, интеллекти, қобилиятларига берилган баҳо ва характеристикалар билан алмаштириш ва аралаштириш мумкин эмас. Яна бир бор эслаймиз, ўқувчи унинг ички оламига аралашмаслик ҳуқуқини таъминлаш мактабдаги психология ўқитувчисининг муҳим тамойилидир.

Педагогик саводни баҳо ўқувчиларида ўзини ўзи назорат қилишни ривожланишига ёрдам беради, бу эса шахснинг муҳим хусусиятини ўзини ўзи баҳолашни шаклланишига асос бўлиб, хизмат қилади. Ўзини ўзи баҳолаш малакаларга болаларни ўргатиш психология ўқитувчисининг марказий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Баҳо болага ҳар қандай ишга муваффақиятга доимий, зўриқишли ва тизимли меҳнатсиз эришиб бўлмаслигини тушунишга ёрдам беради. Бундан ташқари, у фақат мана шу муваффақият ҳақиқий роҳатланиш ва бундай меҳнат эвазига келадиган ғурурни ҳис этиш имконини беради. “Сеҳрли таёқчани қимирлатиш” эвазига келган ютуқни ҳеч нимага арзимаслигини англаш имконини беради. Бундай муваффақиятни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. У ўсаётган инсон учун зарар нарсани ўз-ўзини таъкидлаш, ўз ақлий ва бошқа меҳнати натижасидан ғурурланиш ҳиссини беради.

Педагогик баҳонинг профессионал даражасига кўп жиҳатдан бола локус назорати ривожланиши қандай йўналиш олиши – ички ёки ташқи йўналиш олишига боғлиқ бўлади. Эслатамиз, ички локус назорати қуйидагиларни кўзда тутади: инсон ўз омад ва омадсизликлари биринчи навбатда ўзига билимлари, ақли, қобилиятлари, қатъиятлилиги истак ва бошқаларга боғлиқ бўлади, деб ҳисоблайди. Барчасига унинг ўзи жавоб беради.

Ташқи локус назоратида инсон омад ва омадсизликларини ташқи сабабларига боғлайди: омад кулиб боқди, омад кулиб боқмади, жуда қийин жуда осон, ташланишмоқда, фақат адолатсизликлар ва бошқалар. Бу ҳолатда инсон ўз фаолияти натижалари учун ўзини жавобгар деб ҳисобламайди. Айниқса, шахс ривожланиши учун локус назоратининг биринчи варианти мақбул.

Мактабдаги баҳолаш одатда, нафақат ўқитувчининг баҳоловчи мушоҳадалари шаклида ифодаланилади. Баҳолаш - ўз моҳиятига кўра – бу ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган, баҳоланиш жараён, фаолиятидир. Баҳо – бу жараён, фаолиятнинг формал – мантиқий натижаси ҳисобланади.

Психологик педагогик адабиётларда турли ўқувчилар баҳони турлича қабул қилишлари позитив тан олиниши ифодаланган.

Л.С. Виготский бола ўз ҳаракатлари якуний натижасини билиши зарурлиги ва бу билишлар педагог қўлидаги яхши тарбиявий восита эканлигини тан олган ҳолда баҳо салбий муносабатда бўлган. У баҳо салбий таъсир кўрсатишни ва бола кўп ўтмай ўз таълимий қизиқишлари устидан доминантлик қила бошлайди ва ўқувчи ёмон баҳолардан қочиш ва яхши баҳоларни олиш учун ўқий бошлайди, деб ҳисоблайди.

Ҳар бир ўқитувчида ўқувчиларни билимларини баҳолаш мезонлари ва баҳоларга эга бўлади (албатта, умум қабул қилинган мезонлар асосида). Бу мезонлар ўқувчи олдида улар ўзларидан нима талаб қилаётганини, улар қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозимлиги, у ёки бу ўқув материалини ўрганишда улар эгаллашлари лозим бўлган билим ва кўникмаларни аниқ тушунишлари учун очиб бериш муҳим. Бунинг учун ўқувчилар янги ўқув фанини ўрганиш олдидан ўқитувчи билан биргаликда баҳолаш ва назорат мезонларини ишлаб чиқишлари, дарсда педагоглар билан келишган ҳолда ўзларига баҳо қўйишлари кўзда тутиладиган ўқув вазиятларини яратиш лозим.

Д.Б.Эльконин шуни таъкидлайдики, болани ўқитувчи томонидан қўйилган баҳоларни тушунишлари ўзини ўзи баҳолашлари етарлича юқори даражасини талаб этади, бу эса дарров юз беради. Бусиз ўқитувчилар билан баҳолар орқали юз берадиган диалоги икки карни суҳбатига ўхшайди.

Ўзини ўзи баҳолашнинг ривожланишига машғулотлардаги шундай муҳит ёрдам берадики, унда ҳар ўқувчи мустақил равишда ўқитувчига маслаҳат учун мурожаат этиш мумкин. Шу билан бирга ундан зарур кўрсатма ва ёрдам олиши мумкин, ўқувчи бу муҳитда хато қилмасдан қўрқмаслиги ва уялмаслиги, ниманидир тушунмаслигини тан олиш, ўз шубҳа ва келишмовчиликларини айтишдан тортинмаслиги лозим. Бунинг эвазига ўқитувчига, унинг маълумотларига ишонч ортади.

Баҳолаш вазиятида ўқитувчи ва ўқувчи фақат субъектив вазиятдагина бир-бирини тинглайди ва тушунади. Ўқитувчи ва ўқувчи биргаликда ўқувчи жавоби ёки бажарган топшириғи сифатини таҳлил қилишади ва баҳолашади.

Ўқувчининг таълим субъекти сифатидаги позицияси бу ерда шу ҳолатдагина намоён бўладики, бунда у нафақат ўқув материалининг мазмунини ўзлаштириб олади, балки ўзи ҳам ўз билиш – ўқув фаолиятини назорат ва

коррекция қилади. Бундай шароитларда, яъни ўқувчи диққати баҳога эмас, топшириқни бажаришга қаратилган вазиятда бўлиши ва ўқув қизиқишлари билан боғлиқ мотивлар ривожланади. Дарсдаги баҳолаш фаолияти жараёнида субъект-субъект муносабатларини бузилиши, ўқув нима учун қандай ва қачон унга баҳо қўйилишларини билмоқчилиги баҳони ўзи мотивлаштирувчи омилга

П.ф.н., доц. Д.М. Файзуллаева,
и.ф.н.,доц. Г.Т Юлчиева, Д. Юлдашева, ТДИУ

Таълим жараёнларини замонавийлаштиришда ўқитувчининг услубий ишларини аҳамияти

Таълим жараёнларини замонавийлаштириш жаҳон талабларига мос ўқувчиларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва таълим олувчини ўз ортларидан эргаштира олиш учун бугунги ўқитувчига қандай тартибда ёрдам бериш мумкин? Улар муносиб илмий, услубий ва маънавий муҳит яратилишининг йўллари қай тарзда белгиланади? Фақат ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ёрдамида муайян муаммоларни ечиш мукминми? Ўқитувчи, ўқувчиларга ижодкорлик муҳитини яратиш орқали ўз устида мустақил ишлай олиши, изланиши, мавжуд муаммоларни еча олишини қандай ташкиллаштирса бўлади? каби саволлар ўз ечимини кутмоқда.

Педагогик фаолият чексиз, мураккаб, сермеҳнатдир. Ўқитувчи меҳнатида ўзгармаган элементлар мавжуд эмас доимо билим соҳаси ривожланади, яъни ўқитувчи ўқитадиган унинг асоси бўлган ўқувчилар контингенти ўзгаради, педагогика фани тўлиб боради. Буларнинг барчаси энг муҳим бўлган мазмунни, мақсадга мос келадиган ўқитишнинг шакл, усул ва ўқитиш воситаларини, ўқув жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорликнинг самарали йўлларини доимий равишда излаб топишни талаб этади.

Ўқитувчининг касбий педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг қисми, унинг илмий-услубий иши ҳисобланиб, у қуйидагиларни назарда тутади, яъни тўпланган тажрибаларни таҳлил, тизимлаштириш ва умумлаштиришдир. Услубий иш – ўқитувчини мажбуриятларидан бири ҳисобланиб, махсус фанлардан ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган бўлади. Унинг натижаси бўлиб ўқув машғулотларида фан бўйича топшириқлар ва вазифалар мажмуи, дидактик материаллар, ўқув-кўргазмали қуролларни яратишдан иборат бўлади.

Услубий иш- бу илм-фан ва илғор педагогик тажрибаларнинг ютуқларига ва ҳар бир ўқитувчини касбий билимдонлигини ва касбий маҳоратини ҳар томонлама оширишга йўналтирилишга асосланувчи, амалий тадбирларнинг махсус мажмуидир.

Услубий ишлар кенг миқёсдаги муаммоларни қамраб олади, булар:

✓ мутахассисларни касбий фаолияти таҳлили; асосий меҳнат ишлари ва касбий малакаларини аниқлаш (мутахассис фаолиятини моделини ишлаб чиқиш);

✓ ўқув жараёнида мутахассисни касбий фаолиятини моделлаштириш (мутахассисни касбий тайёргарлик моделини ишлаб чиқиш);

✓ зарур кўникмаларни эгаллаш учун топшириқлар мажмуини ишлаб чиқиш, ўқитиш мазмунида унинг ўрнини аниқлаш;

✓ ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш;

✓ ўқитиш мазмунида (аниқ соҳа мутахассислигида) илм-фан, ишлаб чиқариш соҳаларидаги ривожланиш башоратларини акс эттириш;

✓ ўқувчиларни фикрлаш фаоллигини ривожлантиришни таъминловчи, таълимнинг шакл ва усулларини (муаммоли таълимнинг шакл ва усуллари) такомиллаштириш;

✓ ўқувчиларни фикрлаш фаоллигини ва мустақиллигини ривожлантиришни таъминловчи, таълимнинг шакл ва усулларини (ўқувчиларнинг мустақил ишларининг шакл ва усуллари) такомиллаштириш;

✓ таълимни индивидуаллаштириш (индивидуал топшириқлар ва ишлар, жамоавий шаклдаги ишларда топшириқларни индивидуаллаштириш, индивидуал ўқув дастурлари бўйича ўқитиш);

✓ дидактик материалларни (дастурлаштирилган таълим учун ўқитувчи дастурлар, топшириқлар мажмуи, машқлар, ишбилармон ўйинлар, таҳлил учун ишлаб чиқарувчилик вазиятлар баёни) ишлаб чиқиш.

Аниқ мавзуни танлаш педагогик маҳоратдан келиб чиқади. Тажрибали ўқитувчи ўзининг ишини ва ҳамкасбини ишини таҳлил қилиши ва умумлаштириши мумкин, у мустақил равишда, ўзининг ижодий имкониятларини қўллаб таълимнинг янги усулларини ишлаб чиқиши мумкин. Шу билан бирга, ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблардан бири шуки, у ўзининг фанини чуқур билиши, унинг методикасини ўзлаштириб олган бўлиши керак. Фан ва унинг назариясини чуқур билиши, уни қизиқарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши ўқувчиларни шу фанга бўлган қизиқишини оширади. Ўқувчилар ўқитувчи билимининг уларга етказа олиш имкониятларини қадрлабгина қолмай, балки унинг шу фанга бўлган қизиқишини, унинг фидойилигини тақдирлашади.

Олий таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ўқитувчилари барча ўқитувчиларга қўйилган талаблар билан бирга бевосита фаолият йўналишларига оид қуйидагиларни билишлари ва уддалай олишлари лозим:

➢ Олий таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ўқув ишлаб чиқариш жараёни ва амалиётларини назарий-методологик, педагогик асосларини;

➢ ўқитилаётган умумкасбий фанлар ва махсус фанлар, ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти бўйича тармоқ таълим стандартлари талабларини;

➢ мутахассислик йўналишига оид фанлар бўйича ишлаб чиқариш амалиётини режалаштириш, лойиҳалаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш, такомиллаштириш, назорат қилиш асосларини ҳамда уларга оид меъёрий ҳужжатлар юритилишини;

➢ ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётининг долзарб муаммолари ва уларни ечиш усулларини;

➢ меҳнатни ташкил этишни илмий асосларини;

➢ иқтисод соҳасига оид меҳнат қонунчилигини;

➢ ўқувчилар билан ўзаро муносабат одоб-аҳлоқ меъёрларини ва муомала

маданияти асослари ва шу кабиларни.

Услубий ишнинг асосий мақсади- бу ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш, аниқ бир фан доирасида унинг билимдонлигини оширишдан келиб чиқиб, унинг асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин, яъни уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ✓ ўқитувчиларни касбий ва маданий даражаларини ошириш;
- ✓ унинг хизмат ва жамоат ишлари фаоллигини рағбатлантириш;
- ✓ ўқитаётган ўқув фани соҳасидаги билимларини янгилаш ва такомиллаштириш;
- ✓ илғор-педагог ва ижодий ишловчи ўқитувчилар ғояси асосида педагогик ва услубий маҳоратини такомиллаштириш;
- ✓ ўқувчилар билан ўзаро ҳаракат усул ва йўлларини инсонпарварлик, ошкоралик ва эркинлак принципларида такомиллаштириш;
- ✓ ўқувчиларни машғулотда ва дарсдан ташқари вақтларида ижодий, мустақил ишлари бўйича фаолиятларини такомиллаштириш;
- ✓ умумий ҳолда таълим жараёнини таҳлил қилиш ва шу билан бирга ўқув-тарбия жараёнидаги ўз фаолиятини ўзи таҳлил қила олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- ✓ илғор педагогик тажрибани аниқлаш, умумлаштириш ва татбиқ этиш;
- ✓ ўқитувчиларни содда ва тушунарли бўлган услуб асосида тадқиқотчилик фаолиятига қатнаштириш.

Услубий ишлар шакли қуйидагича бўлади:

- ➢ педагогик ўқишлар ва анжуманлар;
- ➢ очиқ ўвув машғулотлари ва тарбиявий тадбирлар;
- ➢ услубий бирлашмаларнинг семинарлари;
- ➢ ижодий ишлар кўриги;
- ➢ услубий кўргазма, кабинетларни ташкиллаштириш;
- ➢ услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш;
- ➢ семинар-амалиётлар;
- ➢ илмий, техник, педагогик, иқтисодий ва бошқа адабиётлар шарҳи;
- ➢ махсус машғулотлар ва бошқа шакллар.

Услубий ишлар одатда якка тартибда ва жамоавий шаклларда ташкил этилиб, қуйидагиларни кўзда тутади:

-илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва уларни оммалаштириш мақсадида тарғиб қилиш;

-ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш;

-ахборот ресурс маркази имкониятларидан самарали фойдаланиш;

-ўқитувчиларга ўз имкониятларини намоён этишларига шарт-шароит яратиш;

-намунавий дарс ташкил этиб ўтказувчи ўқитувчиларга кўмак бериш;

-педагогик жамоани янгиликлар билан мунтазам равишда таништириб бориш;

-фан ютуқларини амалий тажриба- синовидан ўтказиш;

-ўқувчиларни олимпиадалар, кўрик-танловлар ва турли тадбирларга тайёрлашга кўмаклашиш кабилардан иборат.

Услубий ишларга қуйидаги талаблар қўйилади.

Ғоявий йўналганлик - услубий ишлар замон талабларига ҳамнафас чуқур ғоявийликка эга бўлиши керак. Мустақил Ўзбекистон республикасининг келажаги буюк давлат эканлигини ўқувчилар онгига сингдириш, тарбия асосида миллий мустақиллик ғоялари билан суғорилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш. Бунинг учун, ёшлар билан ишлаётган ўқитувчилар ва тарбиячилар билан олиб бориладиган методик ишларнинг мазмуни ҳам давр ва истиқбол талаблари даражасида бўлиши муҳимдир.

Илмийлик - услубий ишларни илмий ғоялар, назарияларга таянган ҳолда олиб боришни кўзда тутади. Шунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг психологияси, физиологияси ва гигиенасини ўқитадиган ўқув предмети мазмунини, таълим-тарбия назарияси қонуниятлари, принциплари, ташкил этиш шакллари, ўқитиш метод ва воситаларини ҳар томонлама мукаммал билиши зарур. Улар касбий педагогик маҳоратларини оширишлари учун мунтазам равишда ўз устида мустакил ишлаб ижод қилиши даркор.

Мақсадга мувофиқлик ва тизимлилик-долзарб педагогик муаммоларнинг мақбул ечимларини топишни режалаштиришда шарт-шароит, имконият, талаблар мувофиқлигини таъминлаш ва амалга ошириш тизимини яратишда ўз ифодасини топади.

Ижодийлик ва мустақиллик-ўқув юрти раҳбарияти ҳар бир фан ўқитувчиларининг ўз қобилияти ва истеъдодларини намоён этишлари учун шарт-шароит яратиб кўмак беришларини кўзда тутади. Чунки услубий ишлар ижодкорлик, фаоллик, илғорликка асосланган кўзланган натижаларни беради.

Таъсирчанлик ва ошкоралик - услубий ишларнинг таъсирчанлиги энг аввало, ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш сифати билан аниқланади. Агар ўқувчиларда шаклланган билим, кўникма ва малакалари сифатида ижобий силжишлар бўлмаса, услубий ишларнинг самараси паст ҳисобланади. Бу борада сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун, услубий ишларнинг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан режалаштирилишига, режаларининг аниқлигига, амалга оширилган ишларнинг ҳажмига ва бошқа омилларга боғлиқ. Шунингдек, ўқув юртларида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқаришда ошкораликка эътиборни қаратиш зарур бўлиб, бунда ҳар бир ўқитувчи меҳнатининг натижаларини ўз вақтида холисона кўрсатиш, рағбатлантириш, танқид қилишни меъёрида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Одатда услубий ишлар маълум аниқ режага биноан бажарилади. Бу ҳолат айрим ишларни бир неча марта такрорланишини бартараф этиб, ўқитувчилар ўртасида ишларни мақбул тақсимланишини ҳам таъминлайди.

Ўқув юртларида услубий ишларнинг умумий режасида илмий-педагогик кенгаш, услубий кенгаш, семинар-амалиётлар очиқ дарслар, педагогик ўқишлар, илғор педагогик тажриба мактаблари кабилар ўз ифодасини топади.

Шу билан бирга, ўқитувчилар услубиётчи ва мутахассис сифатида бир неча талабларга риоя қилиши талаб этилади.

Ўқитувчилар услубчи ва мутахассис сифатида қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

- ✓ психологик-педагогик билимлар юзасидан малака, маҳорат ва ижодкорлик фаолиятларини бойитиш, кенгайтириши;
- ✓ ижтимоий билимларни бойитиш, кенгайтириш, янгилаши;
- ✓ касби бўйича тажриба ошириш заминида тайёргарлик;
- ✓ ишнинг охирги натижаларига қараб, ўз фаолиятини назорат қилиш қобилиятига эга бўлиш, ҳамкасблари билан доимо келишишга интилиши;
- ✓ янгиликларга интилишда ижодий имкониятларни маълум бир тизимга келтириб, улар юзасидан кўникма ҳосил қилиш ҳамда уларни тезлик билан ҳал этиш, ахборотларни мустақил қабул қилиш ва баҳолаш, хулоса чиқариш, натижаларни баҳолаш, фаразларни ифодалаш, уларни мужассамлаштириб, ноанъанвий қарор қилишидир.

Кат.ўқит. Г.М.Мусаханова,
С. Ибодуллаева, ТДИУ

Ўзбекистонда узлуксиз таълим ва унинг фаолият кўрсатиш тамойиллари

Узлуксиз таълим тизими бўғинлари орасидаги узвийликни такомиллаштириш, чет тилларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш, узлуксиз таълимда инновацион технологиялар ҳамда электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва улардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш бугунги кун талабидир.

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида таълим соҳаси ривожига татбиқ этилаётган мақсадли дастурлар интеллектуал ривожланган, замонавий билим ва кўникмаларни мустаҳкам эгаллаган, мустақил фикрлашга қодир, маънан ва жисмонан етук авлодни тарбиялаш, уларга шароитлар яратиш каби улуғвор мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилгандир. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг яратилганлиги ва унинг жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётганлиги ҳамда юқори баҳоланаётганлиги таълим-тарбия соҳаси ходимларини руҳлантирмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари сифатида шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш белгиланган.

Мазкур андозада шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти сифатида, узлуксиз таълим тизимида таҳсил олиш орқали баркамол, юксак маънавиятли, касб-ҳунарли ва илмли бўлиши натижасида Ватан равнақига муносиб улуш қўшадиган, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган, миллатлараро тотувлик ва юрт тинчлигини сақлайдиган, дунё ҳамжамиятидаги касбдошлари билан ижтимоий ҳамкорликни амалга оширадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат орқали мустақиллик принципларига содиқлигини таъминлаш назарда тутилган.

Давлат ва жамият – узлуксиз таълим тизими олдига давлат ва ижтимоий буюртмаларни қўйиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника базасини яхшилаш баробарида, кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, эҳтиёжга мувофиқ кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашни амалга оширади;

Узлуксиз таълим тизими ўз олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмаларга мувофиқ малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш асоси саналиб, таълимнинг барча турлари учун давлат таълим стандартлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг услубий-методик асосларини ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш тизими меъёрий асослари ва фаолият кўрсатиш муҳитини яратади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида фаннинг ўрни беқиёс бўлиб, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим самарадорлигини орттиришга замин тайёрлайдиган илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш, уларни таълим-тарбия жараёни ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишни таъминлаши зарур.

Ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантирувчи, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи сифатида кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси саналади.

Давлат ва жамият Республикамиздаги барча фуқароларнинг узлуксиз таълим тизими бўйича таҳсил олиши, кадрлар тайёрлаш тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг замон талабларига мос равишда ташкил этилиши, ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Мазкур Қонун ғояларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳиятини ифодаловчи, узлуксиз таълим тизимини жорий этиш орқали баркамол шахсни вояга етказиш, назарда тутилган. Узлуксиз таълим тизимининг турлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

1.Мактабгача таълим

2. Умумий ўрта таълим

3. Ўрта-махсус, касб-хунар таълими

4. Олий таълим

5.Олий ўқув юртидан кейинги таълим

6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

7. Мактабдан ташқари таълим

Республикамизда узлуксиз таълим тизими жорий этилгандан буён ҳар бири бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Узлуксиз таълим тизими турлари ўртасида таълим мазмунининг узвийлиги ва изчиллигини амалга ошириш мақсадида фанлар бўйича узвийлаштирилган ва модернизацияланган ДТС ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Узлуксиз таълим тизимининг дастлабки тури бўлган мактабгача таълимда баркамол шахсни вояга етказишга замин тайёрлайдиган “Учинчи минг йиллик боласи” дастури орқали ёш авлоднинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб

шаклланиши таъминланмоқда, уларда Ватанга муҳаббат, таҳсил олишга интилиш ҳиссини уйғотиш орқали оламни таниш, дунёқарашини шакллантириш борасида изчил ва мунтазам таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш йўлга қўйилган. Мактабгача таълимнинг асосий вазифасини амалга оширишда давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасалари, оилалар, маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондларнинг ўрни беқиёс.

Мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим тизими ва мазмуни янгиланди, яъни I-IX синфларида ўқитиладиган фанлар бўйича узвийлаштирилган ва модернизацияланган ДТС ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Мазкур ДТС ва дастурларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлиги ҳисобга олинди.

Ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш борасида фанларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, мусиқа ва спортга ихтисослашган мактаблар ташкил этилди, таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш юзасидан замонавий ўқув-услубий мажмуалар яратиш орқали мазкур жараён дидактик жиҳатдан таъминланди.

Республикамизда ташкил этилган Ташхис марказлари фаолияти орқали ўқувчилар касб-ҳунар танлаш ва мутахассислар томонидан педагогик-психологик маслаҳатлар олиниши таъминланмоқда.

Иқтидорли ўқувчиларнинг эҳтиёжи ва қизиқишига мувофиқ ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги ҳар йили ўтказиладиган ўқув фанлари бўйича “Билимлар синови” орқали аниқланмоқда. Ўқувчилар касб-ҳунарга йўллашда ушбу синов муҳим ўрин тутмоқда.

Педагогик кадрларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий қўллаб қувватлаш мақсадида ҳар йили ўқув фанлари бўйича “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танлови ўтказилмоқда. Республика танлови ғолибларининг тантанали рағбатлантирилиши уларнинг ўз касбий маҳоратларини орттиришга бўлган мотивларини кучайтиради.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- **таълимнинг устуворлиги** - унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи:
- **таълимнинг демократлашуви** - таълим ва тарбия услубларининг танланишида ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;
- **таълимнинг инсонпарварлиги** - инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;
- **таълимнинг ижтимоийлашуви** - таълим олувчиларда эстетик бой

дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрларни шакллантириш ;

- **таълимнинг миллий йўналтирилганлиги** - таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётининг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;
- **таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги,** бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;
- **иқтидорли ёшларни аниқлаш,** уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, педагог, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;
- давлат ва нодавлат таълим муасассаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;
- таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта куриш, таълим, фан, техника ва технологияларнинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;
- мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;
- махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;
- илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- миллий мустақиллик тамойилларини ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устиворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва аҳлоқий фазилатларини ривожлантириш;
- таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;
- таълим олишда, шунингдек талабаларни маънавий аҳлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;
- таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

- таълим тизимини молиявий, моддий-техник ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;
- узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;
- туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;
- таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларнинг изчиллиги асосида таъминланади.

Узлуксиз таълимни ривожлантиришда тарбия масалаларига ҳам катта эътибор қаратиш лозим.

Ёшларни тарбиялашда биз учун қадрли бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўчмас меросимизга меҳр-муҳаббат уларга содиқлик руҳини шакллантира олсак ҳар биримиз учун ижобий натижа бажараётган ишларимизнинг маҳсули эканлиги билинади.

Бунинг учун, аввало, миллий ғурур, миллий онг, миллий ғоя, маънавият, юксак маданият эгаси каби тушунчаларни ёшларнинг онгига сингдиришимиз лозим. Чунки тарихни билмасдан, ўрганмасдан ундан руҳий, маънавий озуқа олмасдан туриб, келажакни, келажакдаги орзу умидларга эришиб бўлмайди.

Шу билан бирга ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантириш зарур.

Тарбия жамиятнинг вазифаси бўлиб, у фақат ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида эмас, балки турли тарихий даврларда илгари суриладиган у ёки бу тарбия назариясининг ғоялари таъсирида аниқ шаклга эга бўлади, шунинг учун ҳам кўп жиҳатдан маърифатчи ва педагоглар фаолиятининг натижасини ифодалайди. Агар тарбия алоҳида мустақил вазифа сифатида кишилик жамияти пайдо бўлиши билан бирга таркиб топган бўлса, таълим назарияси фан сифатида бир мунча кейинроқ шаклланган.

Тарбия жамият ҳаётида сезиларли рол ўйнайди. Жамиятда тарбия жараёнида тўпланган тажрибани умумлаштириш эҳтиёжи туғилиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш имконини берадиган махсус ўқув юртларини очиш зарурияти пайдо бўлиши билан бирга, таълим назарияси ҳам фан сифатида ривожлана бошлади.

Ибтидоий жамоа даврида ҳам ижобий тарбия тажрибасини оммалаштиришга уриниш куртаклари бўлган. Масалан, катталар ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар билан, кейинроқ турли одат ва маросимлар билан боғлиқ ўзини тутишнинг баъзи бир кўринишлари шакллана бошлаган.

Қадимий ва Ўрта Шарқ адабиёти намоёндалари орасида назарий-педагогик тусга эга қатор илмий қарашлар мавжуд бўлган. Улар орасида Ал-Фаробий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларини мисол келтириш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, жаҳон андозаларига мос равишда барпо этилган умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларининг замонавий усулларда жиҳозланиши, моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши, илмга чанқоқ ёшларимизнинг чуқур билим олишларига, ўз истеъдоди ва салоҳиятини намоён этишига, танлаган мутахассислик, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашига йўл очмоқда. Бу ўз-ўзидан узлуксиз таълим тизимида эришилаётган ютуқларни оммалаштириш, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини белгилаб олишни тақозо этади.

З.Б. Билолова, Республика
“Оила” илмий амалий маркази

Иқтисодий билимларни эгаллашда раҳбар шахсига зарур бўлган психологик хусусиятлар

Ҳозирги бозор муносабатларини ҳаётда амалга оширадиган, уни такомиллаштирадиган субъектлар - булар алоҳида шахслар бўлиб, уларнинг индивидуал ҳамда гуруҳ муҳитидаги фаолликлари, муносабатлари тизими, установкалари, ўз меҳнатларига субъектив муносабатлари, фаолиятдан қониқишлари ҳамда фаолият самарадорлиги ҳақидаги тасаввурлари, ҳиссиётлари етакчи ўринда туради. Бу келтирилган барча омиллар эса, ўз навбатида, ижтимоий-психологик эканлиги эса шак-шубҳасиздир. Айниқса, ҳозирги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилаётган шароитда корхоналарнинг мустақиллиги, хусусий корхоналарнинг кўпайиб бораётганлиги, тадбиркорлик ва мулкчилик психологиясининг такомиллашуви, улар шакл-шамойилларининг кўпайиб бориши - буларнинг барчаси инсоннинг ишлаб чиқариш муносабатларининг объекти ва субъекти сифатидаги ижтимоий мавқеини ўзгартириб юбормоқда. Бу ўринда айниқса, меҳнат самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлган одамларнинг бир-бирларига ижтимоий-психологик таъсири масаласини ўрганиш, унинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлардаги таъсирчан ва самарали усулларини қўллашни ҳам раҳбарларга, ҳам ишчи-ходимларга ўргатиш муаммосини келтириб чиқаради.

Халкнинг, давлатнинг тақдири ва тараккиёти хамма замонларда етакчи раҳбарлар ва уларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шунинг учун, Президент Ислом Каримов ўзининг кўпгина нутқ ва маърузаларида раҳбар шахси масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда:

- «Рахбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, мехрибонлик кўрсата олиш қобилиятида намоён бўлади. Раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшаши,

одамларни ҳимоя қилишга доим тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак».

- «Раҳбар халқ билан тил топиша олиши лозим. Раҳбар энг мураккаб, энг қийин вазиятларда хам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножуя йўллардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариши ва ўз атрофида соғлом иқлим барпо этиши даркор».

Айтиш жоизки, ҳозирги шароитда инсонлар тасаввуридаги бозор муносабатлари, бир томондан, ҳар бир шахсни нима қилиб бўлса ҳам, ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлларидан бири сифатида қараса, иккинчи томондан эса бу меҳнат қилиш имконияти ҳамдир. Яъни, ҳар бир инсон учун жамиятдан ташқарида, унингсиз, ишлаб чиқариш жараёнининг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, кун тартибига иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида инсонларга ижтимоий-психологик таъсир усулларини ўргатиш заруратини келтириб чиқаради. Демак, бозор муносабатларини мувофиқлаштириш, уни бошқариш ва бунга мос равишда иқтисодий тафаккур ва янгича ёндашишни шакллантириш муҳим масаладир. Айниқса, жамиятнинг турли бўғинларида бошқарувчи раҳбарлар олдида ўзига хос масъулиятли вазифалар пайдо бўлмоқдаки, бу муаммоларни бажаришда раҳбар шахсидан билимдонлик, психологик саводхонлик талаб этилмоқда. Чунки шундай раҳбаргина ходимларнинг индивидуал лаёқат ва қобилиятларига кўра саралай олади, ишга мотивациянинг энг таъсирчан воситаларидан фойдалана олади, психологик таъсирнинг самарали усулларини қўллай олади. Шунингдек, раҳбарнинг ижтимоий-психологик нуқтаи назардан билимдонлиги ишни ташкил этишида, гуруҳни шакллантиришида, одамлар сони ва сифатига эътибор беришида, уларнинг профессионал етуклик масалаларида саводхон бўлишида намоён бўлади. Бу жиҳатларнинг барчаси эса, бошқарувчи раҳбарлар ва ходимларларнинг айнан психологик етуклигининг мезонларидан ҳисобланади. Ҳозирги юксак ривожланишлар даврида барча уринишлар инсонлар учун бўлганлиги боис ҳам бу уринишларнинг ислоҳотчиси ҳам, ижрочиси ҳам айни инсонлардир. Шунинг учун, инсонлар бор жойда психология қонунлари амалга ошади. Иқтисодиётни юритиш ва эркинлаштириш масалалари ҳам фақат инсон омили билан кечар экан, демак, иқтисодиётни эркинлаштириш масалаларини ҳал этишда психологик билим ва тажриба сўзсиз керакдир.

Мустақил Ўзбекистонда ривожланишнинг дастлабки даврлариданоқ ҳукумат ва Президентимиз И.А. Каримов томонидан илгари сурилган муаммолардан бири шуки, ёшларни мураккаб бозор муносабатларига тайёрлаш, уларда янгича тафаккурни шакллантириш бўлиб, бу айни мулкчиликнинг янги шакллари барқарорлашуви жараёнига янги авлодни психологик жиҳатдан тайёрлашни кўзда тутади.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий жараёнларининг асосий ижрочиси корхона ёки ташкилотда фаолият кўрсатаётган ходимлар бўлса, ташкилот стратегияси учун жавобгар, бошқарув масаласида мутахассис - менежер ҳисобланади. Менежер шахси иқтисодий жараёнларнинг самарали кечишида марказий фигура ҳамдир. Шунинг учун, бу шахсдан қатор шахсий ва психологик

билимдонлик фазилатлари мавжуд бўлиши талаб этилади. Бундай сифатлар мажмуига қайси ҳислатларни киритиш мумкин.

Биринчидан, менежер шахси жамоадаги рўй берадиган иқтисодий ҳолат ва уларнинг ҳар бир ходим учун таъсирини, оқибатларини ҳис эта олиши керак. Бу ўринда унда табиий равишда берилган ички интуициянинг бўлиши мақсадга мувофиқдир, яъни фаҳм ва фаросатда бошқалардан ажралиб турадиган кишигина яхши бошқарувчи бўлиши мумкин.

Иккинчидан, турли топшириқларни ўз вақтида, ўз эгасига топшира олиши, ходимлар орасида вазифаларни тақсимлашга уста бўлиши, уларнинг қобилиятлари ва масъулият кўрсаткичларини ҳисобга олиши, бажарилиш суръатларини назорат қила олиши керак.

Учинчидан, иш стратегиясини, яъни яхши ва истиқболли келажакни таҳлил эта олиши, маълумот тақчил шароитда ҳам тез ва аниқ фикрлар қабул қила олиши лозим.

Тўртинчидан, таваккал қила олиш, яъни иккиланиш, хавотирланиш вазиятида ҳам зарур имкониятларни топа билиш, бунда чўчимаслик, қатъийлик намоён этиш. Масалан, жаҳон тажрибасидан кўринадики, японча бошқарувда бир хислат шундайки, қабул қилинадиган қарорлар натижаси қандай бўлишидан қатъи назар уни синаб кўришар экан. Агар шу жараёнда натижа кўнгилдагидек бўлмаса, ўшани ҳам натижа «кўрсаткич» сифатида қарар эканлар. Бу ўринда жуда катта таваккалчилик жасорати борлиги кўринади.

Бешинчидан, лидер бўлиш, яъни ўзгалар билан ҳамкорликда ишлай олиш, улар кўнглига яқин руҳий ҳолат ва кечинмаларни сеза олиш, ўзгалар дардига шериклик ҳисси, мулоқот маҳоратини намоён эта олиш каби бир қатор ижобий сифатлар туфайли обрўга эга бўлиш.

Олтинчидан, турли нохуш, ташвишли вазиятларда чидамли бўлиш, ўзини эмоционал танглик ҳолатларида тута билиш, ходимларга алам ва ташвишларни кўрсатмаслик, тортишув ва бахсларда ўзини тута билиш.

Еттинчидан, авторитет, яъни обрў-эътибор соҳиби бўла олиш, ишга муносабати, масъулияти, иродалилиги, сўзининг устидан чиқа олиши орқали эътибор қозониши керакдир. Зеро, авторитетли шахс бошқаларга атайлаб тазйиқ ёки таъсир этмайди, сўзи, ҳаракати ва муносабати билан ҳам одамларга таъсир кўрсатаверади.

Саккизинчидан, ҳалоллик, фозиллик, ўз қадр-қимматини, кимлигини ёдида тутиш, намунали ишлар қилишга интилиш.

Тўққизинчидан, юмор ҳиссининг мавжудлиги, чунки бу туфайли жамоадаги маънавий-психологик иқлим ижобий ҳолатда бўлади. Лекин, қай шароитда ва қандай жойда бу усулни қўллашни билиш керак.

Бу келтирилган сифатлар нафақат менежернинг, балки ҳар қандай меҳнат кишисининг шахс сифатида иқтисодий жараёнда самарали иштирокига ёрдам беради. Шунинг учун ҳар бир киши бу фазилатларни ўзида таркиб топтириб бориши зарурдир. Зеро, иктисодни эркинлаштириш, кузланган ислоҳотларни амалга ошириш, бу шароитда куринадиган ижтимоий, иқтисодий, экологик ва барча муаммоларнинг ҳал этилиши инсон тафаккури ва шуури билан боглик

эканлигини ҳамда бу жараёнларда инсонларнинг психологик саводхонлиги зарур эканлигини доимо ёдда тутишимиз керак.

Н.А. Чориева, Қарши педагогика коллежи

Изланувчилик фаолият - талабаларнинг ижодий тафаккурни ривожлантириш омили сифатида

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари узлуксиз таълим тизимига ҳам бевосита таъсирини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида, замонавий таълим муҳитининг муҳим тавсифи ҳамда шахс имкониятлари муваффақиятли амалга оширилишининг шарти сифатида таълим парадигмаларини ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда такомиллаштириш, унинг таркибий қисмлари функционал ва концептуал муаммолари ечимини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «... бой тажрибаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, умумлаштириш ва шу асосда ёш ижодкорларни тарбиялаш бўйича зарур назарий ва ўқув-услубий базани шакллантириш, бугунги талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш юзасидан амалий ишларни кенг йўлга қўйиш бу муаммоларни ечиш имконини бериши шубҳасиз».

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини модернизациялаш шароитида олий таълим муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида таълимий, тарбиявий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий функцияларни бажармоқда. Уларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун олий таълим муассасалари талабаларда ижодий ва мустақил фикрлаш, касбий етукликка интилувчанлик ва юксак маънавиятни шакллантиришни таъминловчи педагогик шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Билиш фаолияти кўп қиррали, мураккаб жараён бўлиб, унинг таълимни амалга оширишдаги самарадорлиги талаба қобилияти, изланувчанлиги, тафаккури, кузатувчанлиги ва ижодий ёндашувига боғлиқ. Шунинг учун ҳам билиш жараёнида ижод муҳим ўринни эгаллайди. Ижод – инсоннинг фан, техника, ишлаб чиқариш, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгилик яратиши билан боғлиқ мураккаб психологик жараёндир. Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, ижодда билим, тажриба, истеъдод намоён бўлади. Ижодкорлик талабалар эгаллаётган билимларнинг мустаҳкамлиги ва мукаммаллигини таъминлаш, уларда фаол ва мустақил фикрловчи шахс хислатларини шакллантириш, ақлий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу ҳолат бўлажак мутахассисларнинг фан асосларини ўзлаштиришида, бу жараёнга бевосита раҳбарликни амалга оширишда, касбий ижодкорликка асосланган ёндашувларни жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Турли даврларда ижод ва изланувчилик фаолияти тушунчаларига берилган таърифларда бу ҳодиса ҳақидаги ўзгариб бораётган тасаввурлар ўз

аксини топган. Масалан, фалсафий луғатда ижод бирор нарсани яратиш билан боғлиқ эканлиги, ижод қилиш қобилияти олий даражада илоҳга хослиги, инсон эса фақат айрим ижодий ҳаракатларни бажариши мумкинлиги қайд этилган. Кейинроқ ижод мутлақо янги маҳсулотни яратиш сифатида тушунила бошланди ва у инсон фаолиятининг турли жабҳаларида намоён бўлиши қайд этилди.

«Ижод» тушунчаси фикрлаш тушунчаси билан узвий боғлиқ. Аксарият муаллифлар фикрлашнинг икки асосий турини фарқлайди: репродуктив фикрлаш ва ижодий фикрлаш. Изланувчилик шахс мустақил фикрлаш сифатлари намоён бўлишининг энг асосий ва фаол шакли ҳисобланади. Унга берилган тарифлар бир-биридан жиддий фарқ қилса-да, унинг баъзи умумий жиҳатларини кўрсатиш мумкин, булар: биринчидан, ижодкорлик натижаси сифатида олинадиган маҳсулотнинг сифат жиҳатидан янгиликка эга бўлиши; иккинчидан, ушбу жиҳатларнинг ижодкорлик дастлабки асосларида мавжуд бўлмаганлиги; учинчидан, ҳар қандай ижодкорлик фаолияти интеллектуал изланишни тақозо этиши билан белгиланади.

Ижодкорлик педагогикаси диалектик асосларининг тарбия ва ўз ўзини тарбиялаш воситасида уйғун ижодий шахсни шакллантириш асосидаги педагогик назарияси А.Леонтьев, Ф.Тализина, П.Гальперинлар томонидан ишлаб чиқилди. Улар тадқиқотларида асосий эътибор ўқув фаолиятнинг мақсадга йўналтирувчи асосларини аниқлаш, тескари алоқа каби омилларга қаратилди.

В.В. Давидов изланувчанликнинг бу турлари ўртасида жиддий фарқ мавжудлигини қайд этади. Унинг фикрича, «тафаккур, формал мантиқ доирасидан четга чиқмайдиган эмпирик билишнинг дастлабки босқичидир; у предметнинг муҳим хусусиятларини, унинг ички алоқаларини қайд этмайди, ҳодисалар ва моҳиятни фарқлашни таъминламайди. Назарий фикрлаш эса, ўзининг алоҳида мазмунига эга бўлиб, у эмпирик фикрлаш мазмунига ўхшамайди. Бу амалда ўзаро боғланган, яхлит тизимни ташкил этадиган ҳодисалар соҳаси, бу умумий ва айримнинг объектив алоқасидир».

Ижодий изланиш натижасида ҳосил бўладиган билим мазмуни янги техник ечим, бадиий асар, математик формула, назария, қонуният каби шаклларда жамиятга тақдим этилади. Улардан жамият баҳраманд бўлишига эришилгандагина, ижод ҳақиқий тўлақонли намоён бўлади.

Талабалар ижодкорлик фаолиятини қуйидаги белгиларига кўра таснифлаш мумкин: ижод тури (техник, технологик, ташкилотчилик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, педагогик, дидактик, аралаш); ижод даражаси (моно ижод, мульти ижод, мега ижод); ижод қамрови (ихтисослик, мутахассислик, билим соҳаси, тармоқлараро, миллий, минтақавий, халқаро, минтақалараро); ижоднинг давомийлиги (қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли); ижоднинг мураккаблик даражаси (оддий, мураккаб, жуда мураккаб); ижоднинг шакли (инновацион, илмий-тадқиқотчилик, таълимий, инвестицион, аралаш).

Янги сифат – ижодкорлик маҳсули – фақатгина икки ёки ундан ортиқ нисбатан автоном тизимлар битта янги тизимга бирикканида юзага келади.

Айнан уларнинг янги тизим доирасида ўзаро таъсирлашуви янги сифатнинг юзага келишини белгилаб беради. Бошқа соҳалар билан туташ билим соҳалари, амалий ҳаётда эса одатда ўтиш даврларида ижодий потенциали юқори ҳисобланади.

Турли-туман, ўзаро қарама-қарши жиҳатларни бириктириш изланувчиликнинг энг муҳим манбаларидан бири саналади. Бунинг муҳим жиҳати янги ҳосил қилинган жиҳатнинг дастлабки маҳсулотда мавжуд бўлмаганлигидир. Аналогия бўйича хулоса чиқариш изланувчиликнинг яна бир манбаидир. Инсон томонидан турли буюмлардаги умумийликни кўра олиши абстракт тафаккур билан боғлиқ. Агар икки воқеа қайсидир жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлса, у сабаб-оқибат боғлиқлигида ўз аксини топади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш изланувчиликнинг санъат ва фалсафа билан боғлиқ турларида муҳим аҳамият касб этади. Энг умумий жиҳатларига кўра ижодкорлик фаолияти турларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: а) принципиал жиҳатдан янги ечимларни илгари суриш; б) ушбу янгиликнинг амалий қўлланиш имкониятларини аниқлаш мақсадида уни деталлаштириш, конкретлаштириш, ишлаб чиқиш; в) янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, у ёки бу моддий шаклда келтириш билан боғлиқ фаолият.

Яратилган ижод маҳсулини маъноси ва мураккаблигига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин: рационализаторлик таклифи – энг оддий ижодий ишланма бўлиб, мавжуд ва аввалдан қўлланилган тизим, жараён ва вазиятларнинг айрим таркибий қисмларини такомиллаштиришга йўналтирилган янги фикр; ихтиро – юқори даражада техник ишланма ҳисобланиб, мавжуд бўлганларидан жиддий фарқ қилувчи техник ечим; кашфиёт – моддий дунёнинг илгари маълум бўлмаган объектив мавжуд қонуният, хосса ва ҳодисалар аниқланиши.

Зеҳнлилик, топқирлик, синчковлик, қизиқувчанлик, изланувчанлик сифатлари, мустақил ва танқидий фикрлашнинг таркиб топтирилиши шахс ижодкорлик фаолиятини ташкил қилишнинг асосий омиллари ҳисобланади. Таълим жараёнларининг ушбу асосда ташкил этилиши ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотини индивидуал ва дифференциал ёндашувга асосланган инновацион технологияларни жорий этишни тақозо этади. Педагогикада инновацион ёндашувни жорий этишда ижодкорлик фаолиятининг маънавий, дидактик, технологик, ташкилотчилик каби турларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Маънавий изланувчилик – ўқитувчи ва ўқувчилар орасида маънавий-ахлоқий соҳада янги сифатли натижа берувчи такрорланмас, ўзига хос ёндашувга асосланган фаолият туридир. Дидактик изланувчилик – ўқув материалини танлаш, лойиҳалаш ҳамда ўқувчилар ўзлаштиришининг янги йўналишларини ишлаб чиқишга асосланган фаолият туридир. Технологик изланувчилик – юқори натижаларга эришиш имконини берувчи янги тизимлар, жараёнлар ва вазиятларни излаш ҳамда яратиш билан боғлиқ фаолият тури бўлиб, у ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини бутунлай қамраб олувчи ижодкорликнинг энг мураккаб тури ҳисобланади. Ташкилотчилик изланувчилиги – режалаштириш, назорат, ресурсларни тақсимлаш ва сафарбар қилиш, ташқи муҳит билан алоқа, ўқувчилар ва ўқитувчи орасидаги

боғланишнинг янги усулларини яратишни ташкил қилиш ва бошқаришдаги ижодкорликдир.

Ижодий фаолиятни педагог ва талабаларнинг бу жараёнга психологик жиҳатдан етарлича тайёр эмасликлари мураккаблаштиради. Аниқ метод, шакл, воситаларга интилиш уларни бошқаларни тан олмасликларига олиб келади. Бу психологик ҳолат сифатида турли шаклларда бўлиши мумкин, жумладан: азалдан умуман фикр ва мулоҳазаларни қабул қилмаслик; умумий қабул қилинган нуқтаи назардан қатъий ҳимояланиш; янги мазмун ва воситаларга нисбатан эски методларни қўллаш; янги методларда эски шаклларнинг сақланиб қолиниши; умуман янги масалани анъанавий ечиш усуллари кабилар.

Машғулотларни ташкил қилишда талабалар хулқ-атворига сезиларли таъсир ўтказувчи мақсадларни аниқлаш ва ҳисобга олиш зарур. Бу борада педагог кўпроқ якуний натижага қадар босқичма-босқич амалга ошадиган оралиқ мақсадларни излаш ва улардан фойдаланиши керак бўлади. Талабалар хулқ-атворини муайян йўналишга солишга қаратилган мақсад орқали исталган лойиҳани барқарор, аниқ қилиб бажариш мумкин. Ижодкорлик жараёнида мақсаддан ташқари инсон хусусиятларининг психологик (билим олиш жараёнининг ривожланиш даражаси), ижтимоий-психологик (ишонч ҳосил қилиш, муносабат, баҳо бериш, дид, урф-одатлар), педагогик (таълим бериш ва таълим олиш, тарбиялаш ва тарбияланганлик) жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Республикамизда таркиб топган касб-ҳунар таълими тобора мослашувчан, шахс эҳтиёжларига тўлароқ жавоб бера оладиган даражага эришмоқда, яъни касб-ҳунар таълими жараёнида ихтисослашувдан тобора воз кечилмоқда. Бу эса ўқувчиларга нафақат ўрта махсус таълим ва ягона касбий малакалар бериш, балки доимий, узлуксиз равишда таълим олиш, янгидан-янги мутахассислик ва ихтисосликларни эгаллаш учун зарур асосларни яратмоқда. Бу ўқувчиларни ҳар томонлама интеллектуал ва ижодий ривожлантиришни, уларда мустақил касб танлаш сифат ва қобилиятларини шакллантиришни, яъни шахсни касбий-ижодий ривожлантиришга ўргатишни юқори даражада универсаллаштиришни назарда тутади.

Кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим жараёнида ўқувчи шахсини узвий ва ижодий ривожлантириш муаммолари республикамиз ҳамда жаҳон миқёсида таълим мазмунини модернизациялаш, таълим жараёнини ташкил қилиш технологиялари ва усулларини оптималлаштириш каби йўналишларда тадқиқ қилинмоқда. Уларнинг тўлақонли ҳал этилишига эса педагогик тадқиқотларни амалга оширишда янада мослашувчан ва тараққийпарвар ёндашувларни кенг жорий этиш асосида эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шахсни касбий-ижодий ривожлантиришга ўргатиш технологияси ўқувчиларнинг ўқув-касбий фаолиятини бошқариш жараёнини лойиҳалашда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мотивлари ҳамда қизиқишларини, педагогнинг методи ва маҳоратини, таълим муассасаси ихтисосини эътиборга оладиган даражада мослашувчан бўлишини назарда тутиши ва уни қўллаш бошқа педагоглар томонидан турли шарт-шароитларда қўллаш учун етарлича умумлашган бўлиши керак.

И.ф.н., доц. М.Х. Ходжаева,
магистр З.З. Зайнитдинов, ТДИУ

Аудиторлик текширувларини ташкил этишни такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли “2011-2015 йилларга республика молия-банк тизимини янада такомиллаштириш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар ва принциплар асосида такомиллаштириш ва Ўзбекистондаги йирик корхоналарда аудитни аудит халқаро стандарлари асосида ўтказиш амалиётини татбиқ этиш масалаларини ҳал этиш чора-тадбирларига қаратилган.

Аудиторлик стандартлари аудитнинг сифати ва ишончлилиги меъёрий талабларини аниқловчи умумий талабларни шакллантиради. Бу қоидаларга риоя қилиш аудиторлик текшируви натижалари кафолатини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) халқаро аудит стандартлари (ХАС), яъни International Standards of Auditing (ISAs) асосида ишлаб чиқилмоқда ва асосан аудиторлик текширувларини ўтказиш қоидаларини белгилайди. Ҳозирда йигирмадан ортиқ АФМС ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Аудит стандартлари ягона асосий шартлар мажмуи ҳисобланиб, бу шартлар аудит сифати ва ишончлилигига норматив талабларни белгилайди ҳамда аудиторлик текшируви натижалари белгиланган даражада бўлишини кафолатлайди. Иқтисодий шарт-шароитлар ўзгариши билан молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар талабларини юқори даражада таъминлаш учун стандартлар доимий равишда қайта кўриб чиқилади. Аудит стандартларнинг аҳамияти шундаки, улар:

- сифатли аудиторлик текширувларини ўтказиш учун замин яратади;
- аудит амалиётига янги илмий янгиликларни татбиқ этиш имконини туғдиради;
- фойдаланувчилар учун аудиторлик текшируви жараёнларини ва моҳиятини тушунишга ёрдам беради;
- касбнинг ижтимоий имиджини яратади;
- аудиторга мижоз билан муҳокама олиб боришда ёрдам беради;
- аудит жараёнларининг алоҳида унсурларини боғлаш имконини беради.

Халқаро миқёсда трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиши, интеграцияси, аудиторлик фирмаларини йирик халқаро гуруҳларга айланиши ва аудит соҳасидаги муаммолар ўхшаш бўлганлиги сабабли аудитни унификациялаш зарурати туғилди. 70-йиллар бошларида Ғарб мамлакатларида аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш жараёни бошланди. Ҳозирги кунда малакавий талабларни ишлаб чиқиш билан халқаро миқёсда бир қанча ташкилотлар шуғулланади. Энг йирикларидан бири 1977 йилда вужудга келган Бухгалтерлар Халқаро Федерацияси (International Federation of Accountants – IFAC) ҳисобланади. Бу ташкилот доирасида халқаро аудиторлик стандартлари

Аудиторлик Амалиёти бўйича Халқаро Комитет (IAPC) ишлаб чиқади ва аудиторлик фаолиятини назорат қилувчи миллий тизимлар учун тавсия этилади. Шуни таъкидлаш лозимки, IFAC стандартлари ва нормалари миллий стандартларни инкор қилмайди. Бироқ кўпгина мамлакатлар ўз стандартларини ишлаб чиқишда IFACнинг асосий талабларига жавоб беришга ҳаракат қиладилар, чунки IFACнинг расмий мақсади "келишилган стандартлар билан жаҳон бухгалтерия ҳисоби касбини шакллантириш ва ривожлантириш" ҳисобланади.

Аудит жараёнини тўғри, аниқ ва пухта белгиланган аудиторлик текширувларини ташкил қилиш сифатида таърифлаш мумкин. Чунки аудитнинг барча вазифалари белгиланганлиги ва шу жараёнда тўпланган маълумотлар тўғри, малакали ва етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлади. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш даврида аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари олдида турган энг муҳим муаммолардан бири бу аудиторлик текширувларини тўғри ва самарали ташкил этишдир.

Аудиторлик текширувларини ташкил этиш юқорида таъкидлаганимиздек, аудитор ўз фаолиятини пухта режалаштириб олишига боғлиқ. Бунда аудит дастури холисона ва асосли хулосалар учун манба бўлиши аҳамиятлидир. "Аудит дастурини тайёрлаш аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик амаллар мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади"[14].

Аудит дастурининг асосий мақсадлари:

- аудиторлик амаллари ҳақида батафсил тушунча бериш;
- гуруҳ аъзолари ўртасида мажбуриятни тақсимлаш;
- текширишнинг турли босқичлари орасида боғлиқликни ўрнатиш;
- аниқ аудиторлик амалларининг бажарилиш ҳолатини ҳужжалаштириш.

Шунингдек, аудит дастури аудиторлик гуруҳнинг ишини назорат қилиш манбаи ва аудитор ёрдамчилари учун батафсил йўриқнома ҳисобланади. Аудитор ҳар бир бажариладиган аудиторлик амалини рақам ёки код билан белгилаши ёки иш ҳужжатларида акс эттириши лозим.

Аудит дастури таркибига аудитор ўз иши давомида бажариши лозим бўлган аудиторлик амаллари ва уларнинг ўтказилиш вақтини киритиши керак. Аудитор ҳар бир аудиторлик амали бўйича алоҳида текширилиши зарур маълумотлар миқдорини белгилаши, яъни текширув ҳажмини белгилаб олиши керак, чунки ажратилган аудит ўтказиш вақти чегаралангандир. Одатда, энг муҳим бўлган бўлимларда текширув ёппасига, операцияларнинг асосий қисми устидан назорат эса – танлаб олиш усули билан амалга оширилади ва аудит тез ва арзон бўлади. Ялпи текширувлар асосан танлаб текшириш жараёнида ўта муҳим камчиликларга йўл қўйилган ҳоллар аниқланганида ўтказилади.

Танлашни тузиш учун аудиторлик ташкилоти бухгалтерия ҳисоботининг муайян бўлимини 1) текшириш тартибини, 2) танлаш ўтказиш амалга

[14] Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозалари, №3, Аудитни режалаштириш, №837 Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 10 ноябрда тасдиқланган., 31- модда

ошириладиган тўплам ҳажмини ва 3) танлаш ўлчамини аниқлаб олиши керак.

Текшириш тартибини аниқлаш учун аудитор аудит мақсадлари ва амалларини белгилайди. Шундан сўнг тўплам ҳажми, яъни бўлиши мумкин хатолар, тўпланадиган далиллар миқдори ва сифатини аниқлайди. Танлаш ўлчамини белгилашда аудитор *танлаш таваккалчилигини* (ёки ишонч эҳтимолини), *рухсат этиладиган* ва *кутилаётган* хатоларни аниқлаши керак.

Танлаш таваккалчилиги бу танланган тўплам маълумотлари асосида умумий тўплам маълумотлар тўғрисида нотўғри хулоса тузиш эҳтимоллиги. Бу таваккалчилик ички назорат тизимини ва счетлар тестлари назоратида ҳам учраши мумкин. Ички назорат тизимини текширишдаги танлаш таваккалчилиги бу танлаш натижаларига асосланиб тўғри (нотўғри) фараз рад этиш эҳтимоли, яъни ички тизим барқарор демоқлик, ҳақиқатда эса у ишончли бўлади ёки бунинг акси. Одатда аудиторлар ўзлари учун танлаш таваккалчилигини 5 % (ишончлилик эҳтимоллиги 95 %) даражасида белгилайдилар[15].

Режалаштириш жараёнида *рухсат этиладиган* хатолик ўлчами моддийлик даражасига қараб белгиланади. Назорат тизимини текширганда бу назоратнинг маълум амалларидан четланишдаги энг юқори даражаси. Бевосита счетлардаги қолдиқларни текширганда эса бухгалтерия ҳисоботида максимал хатолик даражаси, яъни ҳисобот моддий хатоликка эга эмас деб хулоса бериш, эҳтимолидир.

Танлаш репрезентатив, яъни ишончли бўлиши ёки норепрезентатив, яъни ностатистик бўлиши мумкин. Ишончлиликни таъминлаш учун аудитор уч статистик усулдан фойдаланади:

1. **Тасодифий танлаш.** Тасодифий сонлар жадвали бўйича амалга оширилади.

2. **Тизимли танлаш.** Элементларнинг тасодифий танланган сондан бошлаб, доимий интервал орқали танланишини кўзда тутади.

3. **Аралаш танлаш**, яъни тасодифий танлаш ва тизимли танлаш усулларининг умумлаштиришдан иборат.

Ностатистик ҳолатда текширув аудиторнинг ўз билими, малакаси ва тажрибасидан фойдаланиб ўтказилади.

Аудит умумий режаси ва дастурининг айрим бўлимларини хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан келишиш кўзда тутилган бўлиб, бунда аудиторлик ташкилоти аудит услублари ва усулларини танлашда мустақил бўлиб қоладилар.

Аудитор ўз режасини текшириладиган корхона раҳбарияти ва ходимлари билан ҳам муҳокама қилиши мумкин. Бу ўтказиладиган аудитнинг таъсирчанлигини ошириш ва аудиторлик амалларини корхона ходимлари фаолияти билан мувофиқлаштиришга имкон яратади.

Кўп ҳолларда бундай келишиш, мижоз фаолиятининг айрим бўлимларини батафсилроқ таҳлил этиш билан боғлиқ масалаларни режалаштириш босқичида

[15] Бычкова С.М., Газарян А.В. Планирование в аудите. -М.: Финансы и статистика, 2010, 127 с.

кўзда тутиши, аудиторнинг текширув чоғидаги хатти-ҳаракатлари мижоз корхона раҳбарияти учун тушунарли бўлиши, шунингдек аудиторнинг иш жадвалига мувофиқ талаб қилинадиган ҳужжатлар мижоз томонидан тезкорлик билан тақдим қилиниши ва текширувнинг у ёки бу босқичида зарур бўладиган молиявий хизмат ходимларини ишдан озод этиш учун мақсадга мувофиқдир[16].

3- сонли «Аудитни режалаштириш», 14-сонли «Аудиторлик танлаш», 9-сонли «Жиддийлик ва аудиторлик риски», 6-сонли «Аудитни ҳужжатлаштириш» ва аудиторлик текширувини амалга оширишни тартибга соладиган бошқа стандартлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шундай қилиб, бошқа стандартлардаги талабларни ўрганмасдан ва изчил бажармасдан, ушбу стандарт талабларини бажариш мумкин эмас.

Аудиторлик дастурини назорат воситаларининг тестлар дастури кўринишида ва моҳиятига кўра аудиторлик амалларининг дастури кўринишида тузиши керак[17].

Назорат воситаларининг тестлар дастури ички назорат ва ҳисоб тизимининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш учун мўлжалланган ҳаракатлар мажмуининг рўйхатидан иборат ва улар хўжалик юритувчи субъект назорат воситаларининг жиддий камчиликларини аниқлашда ёрдам беради.

Аудиторлик дастурлар қуйидаги икки турда бўлади:

1) корхона ички назорат тизими тўғрисида маълумот тўплаш учун назорат тестлари дастури

2) бевосита счетлардаги қолдиқлар тўғрисида маълумотларни тўплаш учун счетлардаги қолдиқларни текшириш дастури

Молиявий ҳисобот холисона эканлигини текшириш учун беш турдаги тестлардан фойдаланилади[18]: 1) ички-хўжалик назорат тизимини тушунишга қаратилган чора-тадбирлар, 2) назорат ҳолатлари тестлари, 3) хўжалик операциялари ҳолатини текшириш, 4) таҳлилий амаллар ва 5) алоҳида қолдиқларни ҳақиқий эканлигини текшириш.

Демак, аудит дастурини тузиш юзаки бажарилмаслиги лозим, чунки у аудиторлар ишидаги таъсирчан назорат дастаги бўлиб хизмат қилади, дастурни ҳар бир бўлими бўйича аудитор хулосалари эса аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хотимасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

[16] Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик, -Т.: ТошДАУ, 2005

[17] Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозалари, №3, Аудитни режалаштириш, №837 Адлия Вазирлиги томонидан 1999 й. 10 ноябр тасдиқланган., 33 модда

[18] Аренс Э.А., Лоббек Д. К., АУДИТ, М., «Финансы и Статистика», 2003 г., 301 стр.

Д.п.н., проф. Б.С. Сафаралиев,
Челябинская государственная академия культуры и искусств
к.пед.н. Н.С. Кольева, Северо-Казахстанский государственный университет им М. Козыбаева

Лидерство и социальная активность в системе основного и дополнительного образования как психолого-педагогическая проблема

В последнее время особым направлением внеучебной деятельности со студентами стала разработка и осуществление лидерских программ. Данная программа помогает самореализоваться, найти свое место в жизни, развить свои коммуникативные и лидерские качества. Как считают многие педагоги, психологи именно лидерские качества и определяют позицию лидера, объясняют, почему одни могут и готовы увлечь и повести за собой, другие же не принимаются в этом качестве.

Проведем анализ состояния проблемы развития лидерства и социальной активности у учащихся и студентов в научной литературе.

Лидерство как социальное явление рассматривается педагогами, психологами, социологами, философами и интерпретируется, прежде всего, как механизм доминирования, подчинения и влияния в группе для достижения социальных целей.

Н.С. Жеребова рассматривает лидера, как представителя малой группы, выдвигаемого в результате взаимодействия ее членов, который организует вокруг себя группу при соответствии его норм и ценностных ориентаций с групповыми, и способствует организации и управлению этой группой при достижении групповых целей.

В.И. Зацепин считает, что лидер – это вожак, который сознательно и активно ведет других к достижению определенной цели. В исследованиях А.Л. Уманский дается следующее определение: лидер – человек, который от рождения получает определенные задатки, но это совсем не означает, что он обязательно станет лидером. Для этого он должен овладеть определенными культурными ценностями и находиться на определенном информационном уровне, уметь реализовать имеющиеся у него возможности.

Анализ психолого-педагогических источников показывает, что необходимость развития лидерских качеств рассматриваются как одна из основных задач высшей школы США. С 80-х годов XX столетия лидерство становится предметом социологических, психологических и экономических дисциплин, исследуются пути и способы развития лидерских качеств личности. В отечественных источниках первоначально проблема развития теории лидерства рассматривалась К. Левиным. В данном исследовании дается описание феномена лидера[19].

Проблема лидерства рассматривается исследователями с разных позиций:

– как средство координации, организации отношений членов группы, средство управления ими;

[19] Левин К. Разрешение социальных конфликтов. – М., 2010.

– как социально-психический феномен, обеспечивающий повышение эффективности официального руководства;

– как система межличностных отношений в группе, которые определены целями, а также сформировавшимися в ней ценностными нормами;

– как один из процессов организации и управления малой группой, удовлетворяющий потребность в групповой деятельности, способствующий достижению групповых целей в оптимальные сроки и с оптимальным результатом, в конечном счете, детерминированный по своему содержанию господствующими в данном обществе социальными;

– как результат взаимодействия членов малой группы в конкретный временный промежуток, на который оказывает влияние как наличие тех или иных качеств или их совокупность у ее членов, так и их проявление в конкретной ситуации, а также взаимное влияние имеющихся качеств в конкретной ситуации;

– как персональная способность к руководству, доминированию одной личности, подчинению себе других в конкретных условиях. Феномен лидерства связывается с решением задач и с организацией какой-либо деятельности, важной для группы.

В исследованиях некоторых авторов (Возник Л.А., Залевской А.Г., Зориной А.Н., Капиренкова О.Н., Павлова В.А. и др.) обнаружено и доказано, что внеучебная, общественная работа создает оптимальные условия для формирования лидерских качеств молодого человека. И в этом случае лидерство означает социальную активность, или «активную жизненную позицию». «Активная жизненная позиция» необычайно полезна для молодого специалиста. В первую очередь в такой позиции молодого специалиста заинтересованы работодатели. Она представляет собой некий гарант свежих идей, неординарных подходов, смелых решений, что всегда обеспечивало развитие экономики. Кроме того, эти качества являются основанием для привития управленческих умений. Работодатель заинтересован в том, чтобы получить потенциального управленца.

Таким образом, лидерские качества – это совокупность психологических качеств, умений и способностей взаимодействовать с группой, которые способны обеспечить успешное выполнение лидерских задач и функций [9]. Как считает Р.Л. Кричевский превращение человека в лидера группы зависит не столько от его индивидуальных особенностей или ситуации, складывающейся в группе, сколько от взаимодействия данного человека с группой. В.К. Васильев рассматривает понятие «стиль лидерства» как психологическое воздействие лидером на участников группы.

В научно-педагогической литературе выделяют общие и специфические качества лидера.

Общие качества лидера:

– активность – умение действовать энергично, неуклонно;

– инициативность – творческое проявление активности, готовность к выдвижению идей, предложений;

– компетентность – знание того дела, в котором человек проявляет себя как лидер;

– общительность – открытость для других, потребность иметь контакты с людьми;

– сообразительность – способность быстро доходить до сущности явлений, видеть их причины и следствия, определять главное;

– настойчивость – проявление силы воли, упорства, умение доводить дело до логического конца;

– самообладание – способность контролировать свои чувства и поведение, особенно в сложных ситуациях;

– работоспособность – выносливость, способность вести напряженную работу;

– наблюдательность – умение видеть, мимоходом выделять важное, замечать детали;

– самостоятельность – независимость в суждениях, умение брать ответственность на себя;

– организованность – способность планировать свою деятельность, проявлять последовательность, собранность.

Специфические качества лидера (своеобразные индикаторы лидера):

– организаторская проницательность – тонкая психологическая избирательность, способность понять другого человека, проникнуть в его внутренний мир, найти для каждого его место в зависимости от индивидуальных особенностей, настроения;

– способность к активному психологическому воздействию – владение разнообразными средствами воздействия на людей в зависимости от их индивидуальных качеств, от сложившейся ситуации; склонность к организаторской работе, лидерской позиции, потребность брать ответственность на себя.

Во многих европейских университетах и колледжах есть специальные отделы, предлагающие разнообразные лидерские программы. Чаще всего такие отделы выполняют задачи развития морального сознания, лидерских качеств и стремления добровольческого служения обществу у студентов. (Например, Центр Развития Лидерства, Этики и Служения Обществу – Center of Leadership Development, Ethics and Public Service.) Считается, что личность должна обладать этими тремя качествами – активной жизненной позицией, нравственностью и желанием служить обществу.

Подобные центры предлагают самые разнообразные программы для развития лидерских качеств, начиная от формирования университетской команды для участия в межуниверситетских соревнованиях по этическим дебатам и заканчивая специальными курсами. Их слушатели учатся волонтерской деятельности, получают знания о том, как экспериментировать, не бояться рисковать, планировать будущее, получать помощь от других людей, планировать небольшие победы, развивать сотрудничество, оказывать помощь другим людям, осуществлять сотрудничество и т.д.

В рамках подобных центров со студентами проводятся тренинговые занятия, направленные на развитие коммуникативных и лидерских качеств личности, развитие самосознания, умений и навыков самоанализа, рефлексии и активности, а также развитие креативности.

Будущий лидер должен гармонично сочетать «умение управлять» и «умение подчиняться», обладать развитой эмпатией, чутко реагировать на чужую боль. Вовлечение студентов в общественную деятельность оказывает большое влияние на развитие лидерских способностей. В первую очередь это имеет огромное и позитивное влияние на познавательное и эмоциональное развитие.

В соответствии с исследованием Роджера Гарольда, по крайней мере, дюжина специфических умений может быть развита через участие в студенческих организациях и общественной деятельности. Многие ценности соответствуют самой сути деятельности этих организаций. Эти способности обладают ценностью не только в настоящем опыте этих организаций, но и позднее в профессиональной работе. Гарольд выделяет такие способности, как:

– лидерские способности;

– способности межперсонального взаимодействия; способности планирования программ;

– способности принятия решений, разрешения проблем, разрешения конфликтов, способности к критическому мышлению;

– способности к постановке целей, делегирования полномочий, управления финансами, привлечения к сотрудничеству;

– способности к общественной деятельности[20] .

Все эти способности важны для успешной профессиональной и управленческой карьеры.

Таким образом, вовлечение во внеучебную деятельность помогает достигать реальных целей высшего образования. Очевидно, что интерес к общественной деятельности в студенческой среде возрастает. Молодые люди, получающие высшее образование, стремятся не только реализовывать свои художественные таланты, но ищут и другие способы приложения сил и способностей. Это и волонтерская работа, и экологическое движение, и вожатская деятельность. Задача высшего учебного заведения – предоставить своим студентам возможность самореализации. Вовлечение во внеучебную деятельность влияет на внутренний мир человека. Внеучебная деятельность учит важности и ценности служения обществу, гражданской ответственности и этики. Она дает возможность практиковать личностную гражданскую ответственность через сотрудничество с другими и развивать такие ценности как честность, гражданское самосознание, сострадание, ценность культурного разнообразия, устойчивость к окружающей среде и т.д. Все эти способности и ценности, развивающиеся высшим образованием, помогают личности

[20] Битянова Н.Р. Психология личностного роста. – М.: Академия, 1995. – 210 с.

становиться настоящим лидером, соответствующим духу постиндустриальной эпохи.

Ст. преп. И. Жалолова,
Н. Жалолова, ТГЭУ

Экономическое воспитание как часть формирования мировоззрения студентов

Экономическое сознание — важнейшая составная часть научного мировоззрения. Оно обеспечивает понимание экономической жизни общества, превращает каждого труженика в активного творческого участника производственного процесса. В условиях экономической реформы, совершенствования производственных отношений формирование экономического сознания подрастающего поколения объективно становится всеобщим и обязательным.

Экономическое сознание включает знания об основных законах развития рыночной экономики, повышения эффективности производства, перестройки его структуры, совершенствования производственных отношений, системы управления и методов хозяйствования. Важной его частью является способность экономического мышления, творческий поиск путей повышения производительности труда, достижения высококачественного производственного результата при наименьших затратах. Экономическое мышление предполагает умение осмысливать явления экономической жизни с учетом достижений науки и техники. Оно позволяет понимать экономику как целостное явление, в котором эффективность всего народного хозяйства зависит от эффективности каждого отдельного производственного звена. Экономическому сознанию сопутствуют такие социальные чувства, как коллективизм, чувство хозяина, общественной, колхозной, кооперативной, акционерной собственности, ответственности за ее сохранение и умножение, чувство социальной справедливости, общественного долга и дисциплины.

Экономическое сознание выполняет ряд общественных функций. Просвещенческая функция состоит в систематическом распространении экономических знаний, которые позволяют каждому труженику осмыслить свою трудовую деятельность, осознать степень ее экономической эффективности. Студенты усваивают истину, что экономика, развивающаяся на базе современной науки и техники, должна быть предельно рентабельной и эффективной. Развивающая функция экономического сознания заключается в формировании экономического мышления. Участник экономической сферы жизни общества осваивает свою деятельность в масштабах конкретного производства и всей системы народного хозяйства. Он не просто исполнитель, а предприимчивый рационализатор, приводящий в действие свою фантазию, смекалку, расчетливость. Все это развивает творческую личность. Воспитательная функция экономического сознания направлена на формирование у студента умения рачительного хозяйствования, бережливости, добросовестности, честного отношения к труду, соблюдения трудовой,

технологической, плановой сознательной дисциплины. Организующая функция экономического сознания непосредственно связана с научной организацией труда, которая определяет расстановку сил, задает определенный режим и ритм работы, обеспечивает технологическую последовательность операций и качественный конечный результат. Организованный труд рождает эстетику трудового процесса. Эстетическая функция экономического сознания направлена на развитие понимания каждым тружеником производственной деятельности как эстетически значимой. Продукт труда, не удовлетворяющий эстетические вкусы потребителей, не пользуется спросом, утрачивает потребительскую стоимость, что наносит прямой ущерб производителю и экономике. Прогностическая функция экономического сознания проявляется в планировании размещения производительных сил, в предвидении роста производительности труда, в потребности в кадрах, в осуществлении модернизации технологических линий, производства новых товаров, упреждающих требования моды. Каждый рабочий прогнозирует изменения в своей производственной деятельности и соответственно планирует повышение квалификации, овладение смежными профессиями, создание новых форм и методов организации труда.

Функции экономического сознания обеспечиваются в результате экономического воспитания студентов. Оно включает их в производственные отношения, дает представление о различных видах общественной и приватизированной собственности, бригадном, арендном, семейном подряде и индивидуальной трудовой деятельности, о плане, режиме экономии, рентабельности, производительности труда, себестоимости, трудовой и производственной дисциплине, качестве продукции, заработной плате, хозяйственном расчете.

Экономическое воспитание — это организованная педагогическая деятельность, специально продуманная система работы, направленная на формирование экономического сознания учащихся. В процессе ее осуществления Студенты усваивают сумму понятий и представлений об организованной и эффективной экономике, о развитии производительных сил, производственных отношениях, о действующем хозяйственном механизме. Экономическое воспитание обеспечивает развитие экономического мышления, формирование нравственных и деловых качеств, образующихся в экономической деятельности: общественной активности, предприимчивости, инициативности, хозяйского, бережного, честного отношения к общественному достоянию, рационализаторства, ответственности, стремления к высокой рентабельности, обновлению технологических процессов и оборудования, высокому качеству, личному успеху и благополучию.

Экономическое воспитание в вузе осуществляется на уроках по всем основным предметам. Общественный цикл обеспечивает усвоение студентами основных понятий экономики. Студенты узнают об экономическом базисе как совокупности производственных отношений, о производительных силах и их размещении, о различных экономических системах, основанных на тех или

иных формах собственности и способах распределения материальных благ, вносят свой вклад в предметы естественного цикла.

Наряду с практической деятельностью необходимо широкое ознакомление учащихся с конкретными проблемами экономики. Анализу и обсуждению могут быть подвергнуты газетные и журнальные статьи, радио и телепередачи. Из этих материалов студенты узнают о передовых формах организации труда, реконструкции производства. Вместе с тем они видят, какой огромный ущерб народному хозяйству наносят затяжка в проведении реформ, занижение плановых заданий, безалаберность, нарушение сроков поставок, норм технологии, низкая трудовая дисциплина, несогласованность в действиях, создание бракованной продукции, отсутствие учета спроса и требований моды, возникновение дефицита и залежалых товаров.

В системе экономического воспитания студентов большое значение имеют производственные экскурсии, встречи с руководителями образцовых предприятий и хозяйств, передовиками производства, с представителями арендных бригад, семейного подряда. Содержание этих форм экономического воспитания тщательно планируется с целью последовательного и систематического ознакомления студентов с актуальными экономическими проблемами, образцовым ведением дела в промышленности и сельском хозяйстве. Все это способствует профориентации молодежи, юношей и девушек.

Недостаточное внимание экономическому воспитанию приводит к экономической безграмотности учащихся, их неготовности к выбору профессии в соответствии с собственными интересами, способностями и потребностями народного хозяйства. Отсутствие современной базы для экономически эффективного производительного труда старших студентов воспитывает у них безалаберность, анти экономические взгляды, пренебрежение трудовой дисциплиной. Все это переносится молодым поколением из учения во взрослую трудовую жизнь.

Просчеты и недостатки экономического воспитания обусловлены объективно-субъективными противоречиями. С одной стороны, переход к рыночной экономике, внедрение новых технологий и методов хозяйствования; с другой — экономическое воспитание детей, соединение их обучения с производительным трудом если и осуществляются, то, как правило, на примитивном уровне, в отрыве от современного производства, форм организации труда, производственных отношений. Это существенно снижает уровень подготовки студентов к жизни, к производительному труду, тормозит их вхождение в общественное производство, наносит ущерб экономике.

Магистрлар А. Ибрагимова,
М. Мухамеджанова, ТДИУ

Иқтисодий таълим жараёнида талаба-ёшларни ижодий фикрлашга ўргатиш йўллари

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишлари учун шарт-шароитлар етарли даражада ва иқтидорли ўғил-қизларнинг изланувчанлиги, ижтимоий фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш, рағбатлантириш, ва соғлом авлодни камолга етказишнинг мукаммал тизими шакллантирилган.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бундай ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат юксак малака ва педагогик маҳоратга эга бўлган педагоглар билангина амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаш лозим. Педагогнинг ижодий салоҳияти унинг ўз ижодкорлик сифатларини шакллантиришга интилишида, педагогик одобининг намоён бўлишида, қобилияти ва касбий малакасини такомиллаштиришида, кутилмаган вазиятларда топқирлик қила олишида, бугунги кун ёшларини комиллик сари моҳирлик билан етаклай олишида кўринади.

Кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш муаммосининг самарали ечими, биринчи навбатда, ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экология, ҳуқуқшунослик, компьютер ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага ва чуқур билимга эга бўлган педагог кадрларнинг тайёрланиши билан боғлиқдир.

Шунингдек, бугунги куннинг талаба-ёшлари ҳар томонлама ривожланган юқори даражадаги интеллектга эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши ва у ўз мутахассислигидан ташқари, хорижий тиллардан бирини билиши ҳамда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдалана олиши шарт. Шу даражадаги рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун мураббийнинг ўзи юксак даражада малака ва касбий маҳоратга эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мутахассис тайёрловчи кадрга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди.

Таълим жараёни ўзаро ҳамкорликка ва ижодий тажриба алмашинишга асосланилган жараёндир. Таълимда самарали ўқитишни ташкил этилишига эришишда бир қанча таълим турларидаги жорий этилаётган ўқитишнинг янги шаклларини жорий этиш зарур. Ўзлаштирилаётган билим ва малакалар қанчалик тажрибадаги мавжуд бўлган маълумотлар билан ассоциатив боғлиқлик ҳосил қилса, уни ўзлаштириш ва хотирада сақланиши осон кечади. Шу маънода олий ва ўрта махсус таълимдаги жорий этилаётган самарали ўқитиш усулларини қўлланилиши талабаларни илмий ижодиётини ўстиришга, мустақил фикрий таҳлилини оширишга ва ўз устида ишлашга кенг имкон яратади.

Талаба шахси камолотида берилаётган мустақил ўқув топшириқлари, муаммоли ечимга қаратилган мунозарали дарс шакллари ва аудиовизуал воситаларга асосланилган ўқув материаллари кучли ижтимоийлаштирувчи таъсир аҳамиятига эга. Айнан мана шундай ўқитиш усуллари воситасида талабаларни олий таълимдаги ўқув фаолиятига тайёрлаш, мантиқий ва танқидий тафаккурини шакллантириш, мавжуд қобилиятларини юзага чиқаришга имкон яратилади. Бу эса ўз-ўзидан ўқитувчи-талаба ҳамкорлигини талаб этадиган педагогик фаолиятдан иборат бўлади. Таълимдаги таъсирчан усуллар, онгли мақсадга асосланган ёндашувлар шахсни ҳар томонлама камолотини таъминлайди.

Бугунги кунда, талабаларнинг мустақил фикрлаш, ижодий фаолият кўрсатишларига эътибор кучайиб, талаба таълим субъектига айланган бир даврда муаммоли ўқитишнинг аҳамият и кучайди. Зеро муаммоли таълим илмий билиш, педагог томонидан яратилган муаммоли вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган талабанинг мустақил фаолияти, ижодий қобилиятини ўстириш орқали ўқув натижаларини мақсадли ўзлаштиришга қаратилган таълимдир.

Олий ўқув юртининг талабаларида иқтисодий фанларни ўқитиш даврида муаммоли вазиятлардан ўқув жараёнининг барча босқичларида: янги мавзу баёни, мустаҳкамлаш ва билимларни назорат қилишда фойдаланиш мумкин. Муаммоли вазиятлар тизими муваффақиятли яратилган ҳолларда мазкур мавзуни муаммоли дарс шаклида ўтиш тавсия этилади. Ўқитиш жараёнига муаммоли дарсларни қўллаш учун ўқитувчи қуйидаги масалаларни ҳал қилиши керак бўлади:

- ўқув дастури бўйича қайси мавзуларни муаммоли дарс шаклида ўтиш мумкинлигини;
- мавзу матнидаги масалалар бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар, топшириқларни аниқлаш, бунда дидактиканинг илмийлик, тизимлилик, мантиқийлик, кетма-кетлик, изчиллик тамойилларига амал қилиши;
- талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усулларни аниқлаши, улардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш йўлларини белгилаши зарур.

Олий ўқув юртларида замонавий таълим – бу муаммоли ўқитиш, тадқиқ этиб, муаммони ҳал этишдир. Бундай ўқитиш жараёни шахснинг ижодий фаолиятини тарбиялаш мақсадларига мос таълим муассасалари иш амалиётида муаммоли ўқитиш билан биргаликда иллюстрацияли тушунтириш, ахборот-маълумот ва дастурлашган таълим технологияси кабилардан кенг фойдаланилади.

Иқтисодий таълим жараёнида муаммоли вазият хусусияти қуйидагилардан иборат:

- талабалар учун номаълум янгиликнинг мавжудлиги;
- муаммоларни ўзлари ҳал этишлари;
- шахсий қизиқиш ва эҳтиёжлари юзага келган тушунмовчиликларни ўзлари ўрганишга ҳаракат қилишлари;

- нима номаълум эканлигини билиб, маъносини тушуниб, уни ҳал этишга интилиши кабилар.

Иқтисодиётдан юзага келган муаммоларни таҳлил қилиб фикр юритиш, талабаларнинг мустақил ақлий фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим талабларидандир. Бундай фикр юритиш талабани шу нарсани англай олмаганлигини тушуниб етиб, бу гапнинг маъносига жиддий равишда эътибор беришга, тафаккурини шакллантиришга қаратади. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида талабалар ўқув-изланиш фаолиятини шундай ташкил этадики, уларнинг диққати юзага келган қийинчилик ва камчиликларни ҳал этишга, турли ахборотларни мустақил таҳлил қилишга, ечимини топиш, умумлаштириш ва хулосалар чиқаришга, олган билим ва малакаларини кейинги дуч келадиган вазиятларда қўллай олишга қаратилган бўлиши лозим. Демак, бунинг натижасида талабаларда мустақил фикр юритиш, билим олиш, янгидан-янги мақсадларни қўйиш, янгича фикрлаш йўлларига ўрганиш ҳамда тафаккурининг ривожланиш қобилиятининг шаклланишига имкон беради.

Муаммоли таълимни ташкил қилиш ёрдамида бўлажак педагогнинг тадқиқот, ўқув-билув фаолиятини йўлга қўйиш ва шу асосида ўқув предметидаги маълумотларни, хулосаларни мустақил тахлил қилиш янги билимларни ижодий мушохада қилиш, хулоса чиқариш операциялари амалга оширилади. Муаммоли ўқитишда талаба фаолиятининг мазмуни шундан иборат бўладики, у энг мураккаб тушунчаларни, воқеликларни тушунтира бориб зарур дақиқаларда муаммоли вазиятни вужудга келтиради ва муаммони ҳал қилади. Муаммони ечишга талабанинг ўзини йўллайди. Оқибат, натижада талабалар фаолияти шундай ташкил қилинадики, бунда улар фактларни таҳлил қилиш орқали мустақил равишда хулоса чиқарадилар ва умумлашмалар ҳосил қиладилар. Талаба ўқув фаолияти давомида мустақил тарзда қанча кўп ўзи иштирок этса, фикр билдирса, шу маълумотни тез ва осон ўзлаштиради. Талабанинг интеллектуал салоҳиятини тўла намоён қилишида, мустақил фикрлашида, кенг мушоҳадали тафаккурга эга бўлишида мунозарага асосланилган дарсларнинг ўрни беқиёсдир. Олий таълим тизимида амалий ва семинар дарсларида кўп мурожаат этиладиган бундай педагогик технологиянинг репродуктив усулларини самарали жорий этилиши талабаларни ўқув жараёнидаги мустақиллигини, ўз имкониятларини ўзгалар имкониятлари билан таққослаш ва баҳолаш шарт-шароитини яратади. Бу эса келажагимиз ворислари бўлган баркамол талабалар ички фаоллигини оширишга, ўқув фаолиятига нисбатан англанган муносабатни шакллантиришга таъсир этувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бўлажак мутахассислар иқтисодий таълим жараёнида ўқув материалларини муаммоли вазият шароитида ўрганишлари, тегишли маълумотларни мустақил таҳлил қилишлари, берилган ўқув масалаларини фаразларини олдинга суриб, уларни исбот қилиш йўллари билан ечишлари, таълим жараёнини ўзлаштиришга ақл билан ҳаракат қилишлари уларнинг интеллектуал фаолиятларини оширади. Талабаларнинг фаолияти иқтисодиёт дарсларида муаммоли вазиятларни идрок этиш, ҳал қилиш усулларини излаш, муаммони таҳлил қилиб, тахминларни илгари суриш, тахминларни илмий,

мантиқий нуқтаи назардан асослаш, тахминларни текшириш ва хулоса чиқаришдан иборат бўлади.

Ҳозирги замон иқтисодий таълим дарсларининг дидактик мақсади қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув муаммоларини ҳал этишда талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билимларини ижодий қўллаб, янги билимларни эгаллаш кўникмаларини.

2. Билимларни ижодий ўзлаштириш ва амалда қўллаш малакаларини.

3. Изланувчанлиги, қизиқиши, мотивлари, мантиқий тафаккури, ижодий фаолияти, ақлий камолоти, заковатини ривожлантиришдан иборат.

Иқтисодий таълим жараёнида муаммоли вазиятни юзага келтиришда бир қатор дидактик мақсадлар ҳам кўзда тутилади, яъни;

- талабалар диққатини ўқув материалига тортиш;
- уларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш ва уларни ўзлаштириш фаолиятини жонлантириш;
- талабаларнинг олдига ақлий фаолиятни ривожлантирувчи масалаларни қўйиш;
- ўқув материалларини таҳлил этишга ўргатиш;
- ўқитишдаги муаммоларни ҳал этишнинг йўлларини топишда уларга кўмак бериш.

Бугунги кунда иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида муаммоли вазиятлар бир неча турга бўлинади:

1. Бўлажак мутахассислар ўз олдиларида турган масаланинг ечимини топа олишда, муаммоли савол юзага келганда унга ўз вақтида жавоб беришда, янги мавзуни тушунишда анча қийинчиликларга дуч келишади.

2. Талаба-ёшлар иқтисодиётдан олдин эгаллаган билимларини янги шароит ва вазият юзага келганда қўллай олмайди.

3. Юзага келган муаммони назарий йўл билан ҳал этиш ва бу танланган усулни амалга ошириши ўртасида қарама-қаршиликлар вужудга келади.

4. Бўлажак мутахассислар амалда бажарган топшириқ натижалари билан ўзларининг назарий жиҳатдан тушуниб етишлари ўртасида билимларининг етишмаслиги ҳам муаммоли вазиятлар юзага келишига олиб келади.

Таълим бериш жараёнида иқтисодий тафаккурни самарали, мақсадга мувофиқ бўлиши учун уни ўқув жараёни, ўқув-тарбия ишлари асосининг бир қисмига айлантириш зарур. Муаммоли таълим ёрдамида эса бўлажак иқтисодчи мутахассисларда ўқув муаммолари ва мутахассислик масалаларини ечишга тадқиқий ёндошиш, иқтисодий тафаккурини ривожлантириш, мустақил тарзда ўрганиш маҳоратини шакллантиришни тарбиялайди.

Шундай қилиб, иқтисодий таълим талабалар билим тизимлари ва ақлий ҳамда амалий фаолиятларида самарали ўзлаштиришга, тафаккурини шакллантиришга ёрдам беради, ўзлаштирган янги билимларидан келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олишни, таълим муаммоларини еча билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ва уни ривожлантириш, таълим жараёнининг вазифаларини таҳлил қилиш, муаммоли таълимни аниқлаш имкониятларини очиб беради.

Н.Э. Зарипова, ЎзДСМИ

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда оиланинг таъсири

Президентимиз 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йил “Обод турмуш йили”, 2014 йил “Соғлом бола” йили деб номланиши ҳам бугунги ёшларни бугунги кундан эртага ишонч руҳида тарбияланишига замин бўлмоқда. Мамлакатимизда ёшлар учун кўплаб маънавият масканлари, спорт иншоотлари барпо этилмоқда буларнинг ҳаммаси юксак маънавиятли ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Биз ёшларнинг баъзи мамлакатлардаги тенгдошларимиздан тубдан фарқловчи бир жиҳатимиз бор. Биз болажон халқимизнинг оиладек қўрғони бағрида маҳалла эътиборида, қолаверса, давлатимиз ғамхўрлигидамиз. Умуман олганда, одамларни бир-биридан у ёки бу хусусияти билан фарқлашда амал қилинадиган мезонларнинг тури бениҳоя кўп. Лекин битта хусусият, қобилият борки у барча халқларда инсонларни бир-биридан фарқлашда, ўзаро солиштиришда ва баҳолашда асосий мезон бўлиб келган. Бу ҳам бўлса инсонийликдир.

Ёшларнинг иродаси, аввало, шахснинг ижтимоий фаоллигида, меҳнат фаолиятида, ижтимоий тажрибасида ва таълим жараёнида намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши мамлакатимиз ёшлари тарбиясида муҳим ўрин тутди. “Кадрлар тайёрлар миллий дастури” ва бунда қўйилаётган талаблар мустақил, эркин фикрловчи шахсни шакллантириш, унинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ҳамда иқтидорли ва истеъдодли ёшларни излаб топишни таъминлашга қаратилган. Бу ҳужжатлар асосида ёшларни бозор иқтисоди шароитида оила, маҳалла, ўқув масканлари ёрдамида ҳар томонлама юксак маънавиятли тадбиркор ишбилармон шахслар қилиб тарбиялаш кўзда тутилади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотларга кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.

Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзларини эслайман.

Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу интилишлар билан яшайди.

Оилада маънавий тарбияга, маънавий баркамол шахсни шакллантирилишига эътибор тобора кучаймоқда. Маънавий баркамол инсон деганда қандай инсон тушунилади? Биринчи галда дунёқараши, эътиқоди, маслаклари шаклланган ўз фикрига эга бўлган одобли шахс назарда тутилади.
Г.М. Бреслав бола шахсининг шаклланишида оиладаги эмоционал муносабатларни махсус ўрганган бўлиб, унга кўра, оиладаги ота-она ва фарзанд орасидаги ва қолаверса, барча аъзолар орасидаги муносабатларнинг нормада кечиши улар орасидаги муносабатларда тушуниш, меҳр, муҳаббат туйғуларининг мавжудлигига боғлиқ экан. Шунинг учун, у шахснинг болалик давридан шаклланиши бу ёлғиз болагагина эмас, балки унинг ота-онасига алоқадор эканлигини уқтиради[21].

Боланинг қобилияти ривожланиши учун, аввало ота-оналар ҳамда оила аъзолари, қолаверса, ижтимоий муҳитнинг таъсири катта. Болаларга зарур шароитни яратиб бериш керак, унинг қизиқишларини инобатга олиб, керакли жиҳозлар билан таъминлаш зарур.

Баъзи бир ота-оналарнинг эътиборсизлиги туфайли, ўзининг ташвишларидан ортмаганлиги сабабли боланинг қизиқишларига аҳамият бермайди, унга керак бўлган жиҳозлар, масалан, расм чизишга қизиқиши бўлса, акварель бўёғи, мўйқалам, турли хил қоғозлар билан таъминламаслиги ёки мусиқага қизиқса, мусиқа асбобларини олиб бермаслиги туфайли ҳам боладаги қизиқиш сўниб боради, ундаги қобилият ривожланмай қолиб кетиши мумкин. Қобилият – фаолият жараёнида намоён бўлувчи имкониятдир.

Айниқса, мусиқага ёки тасвирий санъатга бўлган қизиқиш болаларда жуда эрта намоён бўлади. Масалан: М.И. Глинка 3-4 ёшидаёқ шундай ўйинни жуда ёқтирган; у овоз чиқарадиган турли буюмларни (мис тоғора, кастрюлка) ёғоч билан чалган. Бунда катталарни ҳайрон қолдирадиган даражада оҳангдош товушлар пайдо бўлганки, уларни эшитиш мароқли бўлган. Кейинчалик бу бола буюк рус композитори бўлиб етишган. Маънавияти юксак, дунёқараши кенг, ҳушёр ота-оналар боласининг қобилиятини сезган заҳотиёқ, уларнинг керакли жойларга, яъни мусиқага қизиқиши бўлса, мусиқа мактабларига, расм чизишга қизиқиши сезилса, тасвирий санъат тўгаракларига олиб бориб, уларни қобилияти ривожланишига йўл очиб берадилар.

Аввалламбор болага шароит яратиш, уларнинг маълум бир ютуқларини кўргач, уни рағбатлантириш лозим. Рағбатлантирилган боланинг ўзига бўлган

[21] Бреслав Г.М. Эмоциональные особенности формирования личности в детстве: Норма и отклонения. – М.: Педагогика, 1990-144с.

ишончи ортади ва янада ўз устида ишлаб маҳоратини оширишга ҳаракат қилади. Янада ота-онасидан устозларидан илиқ сўз, рағбат эшитишга интилади. Чунки қобилиятнинг 90 фоизи тинимсиз меҳнат орқали юзага келади. Машҳур поляк пиониночиси Игнаций Падеревский ўзининг ажойиб пиониночилик ютуқларининг сири нимада эканлиги ҳақидаги саволга жавоб бера туриб, “Бир фоиз талант, тўққиз фоиз омад ва 90 фоиз меҳнат”деб айтади.

Боланинг ўзидаги бор лаёқати ривожлантирилса, ундан келажакда буюк, жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар етишиб чиқади. Хусусан, ҳар йили бўлиб ўтадиган ёш истеъдод соҳиблари қобилиятларини юзага чиқариш учун таъсис этилган “Ниҳол” мукофоти, “Зулфия” давлат мукофоти, “Келажак овози”, “Тўмарис”, “Эътироф”, “Олтин қалам” каби мукофотлар билан тақдирланиши, ёшларнинг янада интеллектуал салоҳиятини ошириб, юксак марралар сари етаклайди десак муболаға бўлмайди.

Тарихни кекса донишмандга қиёслашади. Унга таяниб иш кўриш ҳеч маҳал зиён келтирмаган. Мозийдаги энг йирик салтанатлар ҳам аслида ақл-идрок ва ўткир тафаккурнинг мевалари эди. Мамлакатимизда ёшларга қаратилган бугунги сиёсат ҳам бевосита маънавияти юксак, интеллектуал етук шахсни, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилгандир.

“Оила, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи”[22].

Ота-оналар болаларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашлари учун оилавий ҳаётнинг барча мураккабликларини енгиб ўтишга тайёр бўлишлари лозим. Оилавий ҳаётга тайёргарлик ўзида ҳаётнинг тиббий-биологик, маънавий-маърифий, ахлоқий, ижтимоий-психологик, анъанавий, ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатларини мужассамлаштирувчи жараёндир.

Республикамизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, жамиятнинг руҳий маънавий такомили кўп жиҳатдан оилада ота-онанинг фарзанд тарбиясига қанчалик масъулият билан ёндашганига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида давлат, жамият ва оила олдига ўз бурчи ва масъулиятини англаб етадиган ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш масаласи қўйилган. Шу билан бирга, ёш авлоднинг салоҳиятли ҳамда юксак маънавиятли бўлиб етишишидаги дастлабки пойдевор, аввало, оилада қўйилиши ҳам эътироф этилган. Чунки оиладаги шарқона тарбия, миллий урф-одатлар ҳамиша фарзандлар камолида ибрат намуна бўлиб хизмат қилади.

Оилада ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, ота-оналарнинг одоб-ахлоқ бобида фарзандларига намуна бўлишлари, уларнинг фикрлари билан ҳисоблашиш, мустақил қарор қабул қилишлари, маҳалла тадбирларида фаол иштирок этиш, самарали меҳнат билан шуғулланиш кабилар албатта боланинг кўз ўнгида содир бўлади.

[22] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-ж. –Т.: Ўзбекистон. 1997. 384-б.

Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш давр талаби бўлиб келмоқда. Зеро мамлакатимиз Раҳбари таъкидлаганларидек, "... мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, аввалambор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурч ва масъулиятларини чуқур англаб етишига боғлиқ"[23]дир.

Демак, жамият мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оила бўлишидан манфаатдордир. Шундай экан, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси юзасидан масъулиятини ва салоҳиятини кучайтириш, ота-онанинг педагогик лаёқатини ошириш, оилавий ва ижтимоий тарбия бирлигини таъминлаш давр талабидир.

Таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила, ҳаётига кенг кириб бориши учун замин яратишнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим.

Ёш авлодни юксак ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун мамлакатимизда барча шарт-шароит мавжуд. Ҳамма гап улардан оқилона фойдаланишда. Бу борада ҳам ота-оналар фарзандларига ҳар томонлама ўрнак бўлиши талаб этилади. Зеро, "Қуш уясида кўрганини қилади", деган мақол бежиз айтилмаган.

Кўпгина ота-оналар ўз болаларига ёшлигидан ундай қил, бундай қилма, бундай қилиш қўлингдан келади, бу ишинг маъқул, бу ишинг номаъқул деб боланинг ҳуқуқий онгини шакллантира боради. Бу, албатта, боланинг ҳуқуқий онгини илмий асосда шакллантириш учун етарли бўлмаса-да, унинг пойдеворини шакллантиришда катта роль ўйнайди.

Таъкидлаш лозимки, ёшлигида яхши тарбия кўрган инсон ҳаётда адашса ҳам ўзини йўқотиб қўймайди, синовлардан бемалол, тўлиқ ишонч билан ўтиб кетади. Ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тушуниб етган инсон ҳам қандай вазиятда қандай ҳаракат қилишни билади.

Оилавий тарбиянинг мураккаблиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўз хусусиятларини намоён қилади. Ота-оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини баркамол шахслар қилиб тарбиялайдилар. Айнан шу масканда дунёга келган фарзанд ота-онадан нафақат ирсий хусусиятларни олади, балки улардаги хатти-ҳаракат, ахлоқ-одоб қоидаларини ҳам эгаллаб боради.

[23] Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини 19 йиллиги муносабати билан маъруза // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

Оиладаги бола тарбияси ота-онанинг жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, уларнинг бирламчи вазифасидир, деб ҳисоблайди Ибн Сино. Ота-она давлат бошлиғими, ёки оддий фуқароми, бари-бир, бола тарбияси борасида масъулдир. Давлат бошлиқлари, раҳбарлар бола тарбияси хусусида барчага ибрат бўлмоқлари лозим. Унинг фикрича, тарбиячи, яъни ота-она, ёлланган шахс «нафақат сўз билан балки амалда ҳам бола руҳига таъсир кўрсатмоғи лозим»[24].

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишни ва биз ёшларнинг мустақил билим олишимизни таъминлаш учун нафақат оилада, балки таълим муассасаларига ҳам яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларини мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларини биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўқув-тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш лозим.

Таълимни шахсга йўналтирилган технологияси анъанавий таълим технологияларидан қуйидагиларга кўра фарқ қилади: Машғулотнинг асосий мақсади-тафаккур жараёнини ташкил этишдир, билим, кўникма, малакалар-ўқувчи фаолиятини маҳсули сифатида вужудга келади. Тафаккур жараёнининг қуввати билимлар қувватдан юқори туриб, у шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш унсури тарзида намоён бўлади, ижодий изланишнинг натижаси каби мазкур жараённинг ўзи ҳам ўта муҳим бўлиб, айнан у ўқувчи ва ўқитувчининг ижодкорлик қувончига, янгилик яратишга илҳомлантиради, мустақил изланиш ва ижодий фаолиятни ташкил этишга ундайди.

G.A. Unarova,
Angren politexnika kolleji

O’rta maxsus kasb-hunar ta’limi va oliy ta’lim o’rtasida hamkorlikda ishlash tizimi

O‘zR VMning 16.02.06 dagi 25-sonli “Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘rsida”gi qarori bilan tasdiqlangan “Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishga qo‘yiladigan davlat talablari” ga ko‘ra:

1. Kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishning bazaviy ta’lim muassasalari, ta’lim muassasalariga ega bo‘lgan vazirliklar va idoralarning ilmiy-tadqiqot va metodik markazlari, jumladan: “.... zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanib pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va

[24] (Ибн Сино, Тадбири манзил, 44 бет).

ularning malakasini oshirish bo‘yicha namunaviy o‘quv rejalari va dasturlarni ishlab chiqadilar”.

2. Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish institutlari, jumladan: “O‘qitishning interaktiv metodlarini, Internetning global tarmog‘idan foydalangan holda pedagoglarning tanqidiy va ijodiy tafakkurini rag‘batlantirishga, mustaqil ma’lumot olishga yo‘naltirilgan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy etadilar”.

3. Pedagog kadrlarning tayyorlanganligiga qo‘yiladigan talablarda esa jumladan: “yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini egallaganlik” kabi talab va vazifalar qo‘yilan.

O‘zR VMning 25 - sonli qarori bilan belgilangan ushbu vazifalardan ko‘ramizki, malaka oshirish jarayonida tinglovchilar zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asoslarini, bunday texnologiyalardan ta’lim jarayonida samarali qo‘llashni egallashlari kerakligi nazarda tutiladi.

Hozirgi kunda yuqoridagi talablarni bajarishda hamkorlikda ishlash o’zining samarali natijalarini berib kelmoqda.

Hamkorlikda ishlash tizimdan ko'zlangan asosiy maqsad – avvalo, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari faoliyatini takomillashtirish, uzluksiz ta'limning o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi, oliy ta'lim, oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim hamda kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash tizimi amalda faoliyat ko'rsatadi. ta'lim-tarbiya, o'quv-uslubiy jarayonlari adabiyotlar axborot ta'minoti sifatini oshirish hamda pedagog kadrlar bilan ta'minlanishi va ularning kasbiy mahoratini oshirishga qaratilgan.

Oliy ta’lim tizimining “Hamkorlikda ishlash” bo’limning asosiy vazifalari:

• Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari bilan hamkorlik qilish;

• Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarining o‘quv-uslubiy, ma’naviy-ma’rifiy, tashkiliy-uslubiy va ilmiy-tadqiqot faoliyatni tashkil etish, takomillashtirish va rivojlantirishga ilmiy-uslubiy, tashkiliy va amaliy yordam berish va hamkorlik qilish;

• O‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi to‘g‘risidagi me’yoriy-huquqiy hujjatlarga muvofiq kollej va akademik litseylarda tayyorlanadigan mutaxassisliklar bo‘yicha Davlat ta’lim standartlari, o‘quv rejalari va dasturlarini ekspertizadan o‘tkazish, ularni amaliyotga joriy etilishini o‘rganish va tegishli tashkiliy-uslubiy yordam berish;

• Akademik litsey va kasb-hunar kollejlariga biriktirilgan mutaxassisliklar o‘quv rejalari va dasturlariga muvofiq fanlar bo‘yicha o‘quv adabiyotlari, o‘quv-uslubiy majmualar va o‘quv-didaktik materiallar ishlab chiqish va ularni o‘quv jarayoniga joriy etilishiga amaliy-uslubiy yordam berish;

• Akademik litsey va kasb-hunar kollejlar o‘qituvchilarining malakasini oshirish, kompyuter va Internet savodxonligini, chet tilini bilish va undan amaliy foydalanish malakasi, ilg‘or ta’lim texnologiyalari va axborot-kommunikatsiya vositalaridan ta’lim-tarbiya jarayonida samarali foydalanish ko‘nikmalarini rivojlantirishga amaliy yordam ko‘rsatish;

• Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarning iqtidorli o‘quvchilarini izlab topish, ularni ilmiy-tadqiqot faoliyatiga jalb etish;

• Akademik litsey va kasb-hunar kollejlar o‘qituvchilarini, xususan, yosh iqtidorli pedagoglarini ilmiy-tadqiqot jarayoniga faol jalb etish, akademik litseylar va kasb-hunar kollejda o‘qitilayotgan fanlar bo‘yicha fan doktorlarini tayyorlashga (jumladan maqsadli asosda) ko‘maklashish;

• Turli davra suhbatlari, tadbirlar, tanlovlar, seminar-treninglar o‘tkazish;
• Institut qoshidagi akademik litseylar o‘quvchilarining OTMlarga o’qishga kirish ko‘rsatkichlari hamda o‘qishga kirmagan o‘quvchilarni “Abituriyentlar shtabi”ga jalb etish va bandligini ta’minlash;

• Institutda akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o‘qituvchilarini jalb etgan holda uslubiy seminarlar tashkil etish;

• Institut professor-o‘qituvchilari kasb-hunar kollejlarining o‘quv rejalari, fan dasturlarini tayyorlashda, ekspertiza qilishda doimiy ishtirokini ta’minlash;
• Institutning ko‘plab tajribali va professor-o‘qituvchilarini akademik litsey va kasb-hunar kollejlarida o‘rindoshlik hamda soatbay asosida o‘qituvchilikka jalb etish;
• Institut professor-o‘qituvchilari o‘rta maxsus kasb-hunar ta’limi muassasalari uchun yangi avlod o‘quv adabiyotlarini yaratishini ta’minlash;

• Institut professor-o‘qituvchilarining ochiq darslariga akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari o‘qituvchilari ishtirokini ta’minlash;

• Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o‘qituvchilari, o‘quvchilari uchun institut axborot–resurs markazi hamda uning o‘quv zallaridan foydalanishlari uchun sharoitlar yaratish;

• Institut qoshidagi akademik litsey va kasb-hunar kollejlariga o‘rnatilgan tartibda axborot taqdim etib, Internetdagi institutning veb saytida joylashtirilgan elektron ta’lim resurslaridan akademik litsey va kasb-hunar kollejlari pedagoglari, o‘quvchilari samarali foydalanishini tashkil qilish;

• Akademik litseylar va kasb-hunar kollej bitiruvchilarini kasbga yo‘naltirish va ularni ishga joylashtirish masalalarida hamkorlikda chora-tadbirlarni amalga oshirish;

• Akademik litseylar va kasb-hunar kollej o‘qituvchilari va o‘quvchilariga institut Axborot-resurs markazidan foydalanishga imkoniyat yaratish;

• Institut bitiruvchilarini akademik litseylar va kasb-hunar kollej ehtiyojiga muvofiq ishga jo‘natish;

• Akademik litseylar va kasb-hunar kollejda ilmiy-uslubiy va ilmiy-amaliy konferensiyalar hamda seminarlar tashkil etish, akademik litseylar va kasb-hunar kollejning xalqaro o‘quv va ilmiy-tadqiqot aloqalarini shakllantirish va rivojlantirishga, o‘qituvchilar va o‘quvchilarni xalqaro ilmiy va o‘quv grantlarida ishtirok etishlariga ko‘maklashish;

• Akademik litseylar va kollejda ma’naviy-ma’rifiy ishlarni tashkil etish, o‘quvchi-yoshlar bo‘sh vaqtlarini unumli tashkil etish, o‘quvchilarda Vatanga muhabbat va sadoqat, millatimiz, dinimiz va tariximizga yot bo‘lgan turli illatlarga qarshi mustahkam immunitet hosil qilishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirishga amaliy yordam ko‘rsatish;

• Akademik litseylar va kollejning axborot-resurs ta’minoti va moddiy-texnik salohiyatini takomillashtirish va rivojlantirishga ko‘maklashish, institutning Axborot-resurs markazi, Axborot texnologiyalari markazi va Innovatsion ta’lim

texnologiyalari markazidan litsey ehtiyojlariga muvofiq foydalanishga imkoniyat yaratish va boshqalar;

• Institutda bitiruvchilarni ishga joylashtirish bo‘yicha “Karyera haftaligi”ga akademik litsey va kasb-hunar kollejlarining rahbarlari, kadrlar bo‘limi xodimlari taklif etish va ularga institutda tayyorlanayotgan kadrlar to’g’risida ma’lumot berish hamda ishga qabul qilish bo‘yicha shartnomalar imzolashda amaliy yordam berish.

Hamkorlikda ishlash orqali fanning konseptual asoslarini yaratishda loyiha usullaridan foydalanish quyidagicha tashkil etiladi.

Hamkorlikda ishlashda loyiha maqsadi: Ta’lim yo’nalishlaridagi ta’lim muassasalari uchun fandan o’quv-uslubiy majmua yaratish. Hamkorlikda ishlash asosida loyiha ishini yaratishdagi asosiy vazifalar quyidagicha:

1. Fan bo’yicha konseptual asoslarini o’rganish.
2. Yo’nalish bo’yicha ma’lumot manbalarini aniqlash, uni yig’ish.
3. Ma’lumotlarni tanlash va tuzilmaga keltirish.
4. Tanlangan ma’ruza matnlari asosida innovatsion texnologiyalardan foydalanib, ta’lim texnologiyasini ishlab chiqish.
5. Nazorat turlari uchun fanning gumanitar mazmuni asosida “Nazorat variantlari” ni tayyorlash.
6. Loyiha faoliyati natijalari asosida ma’lumotlarni jamlash.
7. O’quv-uslubiy majmua yaratish.
8. Hisobot tayyorlash.

Hamkorlikda ishlash asosida har bir ishtirokchi kollej yoki litsey vakili fandan, o’quv dasturi, innovatsion texnologiyalar va fanning gumanitar mazmuni asosida tayyorlangan o’quv-uslubiy majmuaga ega bo’ladilar.

И.ф.н.,доц. А.А. Исмоилов,
магистрантлар Т.М. Кушимбетов, А.П. Рустамов, ТДИУ

Демографик жараёнларнинг меҳнат бозорида рақобат муҳитини шаклланишининг назарий асослари

Ўзбекистоннинг мустақил давлатга айланиши иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан туб ўзгаришларга олиб келиб, ўз навбатида бу ўзгаришлар меҳнат салоҳиятининг шаклланиши ва такрор яратилиши ҳақидаги илмий-иқтисодий тасаввурларни қайта кўриб чиқиш, унинг структурасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва бу соҳадаги ижтимоий муносабатлар тизимини тўғри йўлга қўйиш зарурати туғилди.

Меҳнат ресурсларининг шаклланиши тушунчаси анча вақтлардан буён илмий, иқтисодий адабиётларда ва статистик амалиётда қарор топган бўлиб, ўзига хос касбий атама сифатида ишлатилиб келинади. Илмий-иқтисодий адабиётларда эса меҳнат ресурсларини шакллантириш деганда меҳнат ресурсларининг доимий равишда янгиланиб туриши тушунилади.

Ишчи кучининг шаклланиши омиллари ва шароитларини ўрганишда, аввалambор, аҳолини такрор ишлаб чиқарувчи жараён бўлган мавжуд демографик вазият таҳлил қилинади. Чунки айнан демографик жараёнлар ишчи кучининг миқдоран шаклланиб боришини таъминлайди. Меҳнат

потенциалининг шаклланиши жараёнлари, уларга таъсир қилувчи омиллар ва босқичлар кетма-кетлигини ифодалайди.

Меҳнат потенциалининг шаклланиш жараёни кетма-кетликда рўй бериб, шунингдек, ушбу жараён занжир кўринишни акс эттиради. Чунки бунда иштирок этаётган омиллар ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бирининг натижасида иккинчиси вужудга келади ва ўзаро таъсирга ҳам эга. Демографик жараёнлар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва шарт-шароитлар таъсирида амалга ошади. Яъни бунда аҳоли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг истеъмолчиси ва фойдаланувчиси ҳисобланиб, аҳоли ҳаракатларига мавжуд шароитларнинг даражаси ҳамда истеъмолнинг сифати каби кўрсаткичлар катта таъсир кўрсатади. Демографик жараёнлар натижасида шаклланган меҳнат потенциали ишлаб чиқаришнинг бош омили бўлиб, унинг асосида ЯММ ҳамда даромадлар яратилади ва бу эса иқтисодий тараққиёт демакдир. Иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқариш, инфратузилма ва шарт-шароитларнинг ривожланиши ҳамда такомиллашувига олиб келса, даромадлар эса аҳоли фаровонлигининг асоси ҳисобланади.

Демографик жараёнлар, яъни аҳоли сонининг кўпайиши, бу ўсишнинг хусусиятлари ва суръати, туғилиш даражасининг ўзгариши, ўлим даражаси, аҳолининг ёш-жинс таркиби, никоҳда бўлиш, авлодлар алмашинуви, узоқ ёки қисқа умр кўриш, жисмоний балоғат ва оила таркиби кабилар бутун жамият ривожланиши билан ўзаро узвий алоқададир. Улар жамият ривожланишига боғлиқ бўлиб, унга таъсир ўтказади, у ёки бу давлатларда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кечишини осонлаштиради ёки қийинлаштиради.

Демографик вазият ҳар доим ўзига хос ҳусусиятга эга бўлиб, аҳолининг табиий ва механик (миграцион) ҳаракатларида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар мураккаб кўринишга эга бўлиб, бу ҳолат мамлакатда туғилишнинг нисбатан юқорилиги ва унга мос равишда аҳоли табиий ўсишининг тезкор суръати билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий сонига кўра, Марказий Осиёда давлатлари ичида биринчи, МДҲ таркибига кирувчи мамлакатлар ўртасида эса учинчи (Россия ва Украинадан сўнг) ўринни эгаллайди. Аҳолининг юқори суръатлар билан ўсиши Ўзбекистонга хос хусусиятлардан биридир. Шу жиҳатдан олганда, у яқин чет мамлакатлар ўртасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон аҳолиси сонининг кўпайиши бир қанча сабаблар тарихий, ижтимоий, иқтисодий ва, айниқса, республика учун хос бўлган демографик омиллар таъсирида юз бермоқда. Ўз навбатида, бу омиллар ҳам бир-бири билан бевосита боғлангандир.

Демографик вазиятни таҳлил қилишни, одатда, асосий демографик кўрсаткичларни ўрганишдан бошланиб, улар ичида аҳоли сони кўрсаткичи кўпроқ аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда аҳолининг ўсиши давом этмоқда, жумладан 2015 йилда 1991 йилга нисбатан 10,2 млн кишига ўсиб, ўсиш суръати 148 %ни ташкил этган. Аксинча, туғилиш 43,9 минг кишига камайиб, 94 %ни ташкил этган бўлса, ўлим эса 15,3 минг кишига кўпайиб, 112 %га ўсган. Аҳолининг табиий ўсиши эса 59,2 минг кишига камайиб, 90 %ни ташкил этган.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда фақатгина мустақилликка эришилгач давлат томонидан аниқ демографик сиёсат олиб борилиб, комплекс ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Ушбу ва бошқа демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда бозор ислоҳотларининг бошланғич давридаёқ аҳолининг меҳнат ва бандлик соҳасида янги сиёсат ишлаб чиқилди. Унинг асосида эса инсон ресурсларини сифат жиҳатдан шакллантириш, замонавий тартибга солинадиган меҳнат бозори тизимини яратиш ва унинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш каби мақсадлар ётади.

Мамлакатимизда деморафик жараёнларнинг мураккаб кўринишига сабаб бўлган омиллардан бири сифатида аҳолининг республика ҳудудлари бўйлаб нотекис тақсимотини кўрсатиш мумкин. Аҳолининг турли минтақаларда турлича миқдор ва зичликда жойлашуви ўзига хос муаммо ҳисобланиб, бу ҳолат мамлакатнинг тарихий, географик ва табиий-иқлимий хусусиятлари ҳисобига юзага келган.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони демографик омил таъсирида ўзгариб туради. Уларнинг қанча бўлиши тегишли ёшлардаги ўлим даражасига боғлиқ. Бу шунингдек, меҳнат қилиш ёшига етган ўсмирлар билан пенсия ёшига етган фуқаролар сони ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ. Ўлим қанчалик кам бўлса ва меҳнат қилиш ёшига етган фуқаролар билан бу ёшдан чиққан кишилар ўртасидаги фарқ қанчалик юқори бўлса, меҳнат қилиш қобилиятига етган кишилар сони шунчалик кўп бўлади ёки аксинча. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги барча аҳоли ҳам меҳнатга лаёқатли ҳисобланмайди. Чунки улар таркибида ногиронлар ва ёшга кўра имтиёзли нафақа олувчи шахслар бўлади. Демак, **меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли** – бу ишламаётган I ва II гуруҳ ногиронлари ва ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслардан ташқари меҳнатга қобилиятли ёшдаги шахслар (16-60 ёш бўлган эркаклар ва 16-55 ёш бўлган аёллар) дир.

Меҳнат ресурсларининг аксарият қисмини меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли ташкил этади. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурсларининг динамикасига хос хусусиятлар кўпроқ даражада меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли билан боғлиқдир. Меҳнат қилишга лаёқатли ёшдан катта кишилар, ишловчи пенсионерлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик кишилар, ишловчи ўсмирлар меҳнат ресурсларининг салмоғида у даражада сезиларли рол ўйнамайди.

Республикамиз меҳнат ресурслари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар 2005 йил мамлакат меҳнат ресурслари 14,4 млн. кишидан иборат бўлган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич 18,2 млн. кишидан ошди. Ва ўтган 10 йил давомида 3,8 млн. кишига ёки 26,3 %га ошган ва мазкур давр оралиғида уларнинг йиллик ўртача ўсиш суръати 2,8-2,9 фоизга тўғри келган.

Меҳнат потенциалининг шаклланиши ва ундан фойдаланиш тушунчалари бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Биз бу ерда фойдаланиш деганда ресурсларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятга жалб қилиниши ёки самарали (фойдали) меҳнатга сафарбар этилишини тушунамиз. Жамиятдаги иштироки ва ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан меҳнатга қобилиятли аҳолини иқтисодий

фаол ва иқтисодий нофаол аҳолига ажратишимиз мумкин. Бунда аҳолининг фаол қисми ўзининг меҳнатда бандлиги ёки унга муҳтожлиги билан белгиланса, нофаол аҳоли мамлакат иқтисодиётида пассив (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётганлар, туғруқ таътилидаги аёллар, ва ишлашни хоҳламайдиганлар) кўринишга эга бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсон салоҳияти жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Шундай экан, улар бетўхтов яратилиши, шу билан бирга сифат жиҳатидан анча юқори даражада такрор юзага чиқарилиши керак. Мамлакатда инсон ресурслари салмоғи, меҳнат салоҳияти қанча юқори, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони қанчалик кўп бўлса, тараққиёт янада юксалади.

Доц. О. Абдуваҳабов, ТДИУ
Ш. Абдуваҳабова, Олмазор политехника КҲК

Ўрта махсус таълим муассасаларида дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш

Жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ислоҳотларимиз жамиятнинг бошқа соҳалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда тизимли ва босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, таълим, илм-фан соҳаси бўладими, тиббиёт ёки спорт бўладими, бошқа қатор соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам ёш авлодни соғлом ва етук инсон қилиб тарбиялашдир. Бунга эса, мамлакатимизда барча шарт-шароитлар мужассамдир. Шу ўринда Ватанининг тақдири, бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш йўлида амалга ошириб келинаётган залворли ишларни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз.

Таълим муассасаларининг асосий вазифаси дарсдан ташқари шароитда ўқувчиларни мустақил ҳолда меҳнат жараёнига тайёрлаш экан, бунинг учун унга боғлиқ бўлган қатор бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиш, яъни:

- дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларга таълим бериш;
- маълум бир касб-ҳунарга йўналтириш;
- уларни одобли, ахлоқли қилиб тарбиялаш;
- ўқувчиларнинг эгаллаши мумкин бўлган касбига ижобий муносабатини, мустақилликни, интизомни тарбиялаш кераклиги назарда тутилган.

Касб-ҳунар коллежларида касб-ҳунар таълими вазифалари умумлаштириб олинади. Чунончи:

1. Дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни ишлаб чиқариш таълимига тайёрлаш меҳнат таълимининг умумижтимоий масаласидир.

2. Меҳнат таълимининг махсус коррекцион ривожланиш масаласи - ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда касб-ҳунарга ўргатиш билан боғлиқ масаладир.

3. Меҳнат таълими ўқувчиларда ижобий хусусиятларнинг ривожланишига, уларнинг келажакда меҳнат жамоасига киришига замин тайёрлайди.

Шундай қилиб, қайд қилинган барча меҳнат турлари ўқувчилардан пухта тайёргарлик, юқори даражадаги билимни талаб қилмайди, лекин уларга меҳнат фаолиятларида кичик устахоналардан, кейинчалик ишлаб чиқаришга йўл очиб беради.

Инсоннинг ҳар қандай ижодий фаолиятга, шу жумладан, меҳнатга ҳам ўрганиши ва маълум билимлар тизимини эгаллаши учун узоқ вақт катта бир босқични босиб ўтиши лозим бўлади. Билимнинг пухта ўзлаштирилиши шу билим ва малакаларнинг мураккаблик даражасига, ўрганиш усулларига, инсоннинг шахсий психофизиологик хусусиятларига боғлиқдир.

Ҳар бир инсоннинг меҳнати жамоада шаклланади ва жамоа учун қилинади. Дарсдан ташқари, машғулотлар жараёнида ўқувчиларда турли ижобий хусусиятлар шаклланади ҳамда меҳнат интизоми тарбияланиб боради.

Меҳнат жараёнида ижтимоий асос, ўз меҳнати маҳсулидан қониқиши, меҳнатни ташкил қилиш ишлари, инсониятнинг меҳнат қилиш тажрибасидан баҳраманд бўлиши доимий таҳлилий-синтетик масалаларни ечиш ва ҳоказолар инсон учун жуда муҳимдир.

Республикамизда вужудга келган янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, миллий анъаналаримизнинг ўзига хос хусусиятлари, узлуксиз таълим тизими олдидаги давлат ва ижтимоий буюртмалар мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, уларнинг педагогик маҳоратини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш учун қатор зарур шарт-шароитлар яратди.

Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва уни ҳаётга жорий этишнинг илмий-назарий асоси бўлган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълимнинг барча бўғинлари ва даражаларида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш асосида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш, шунингдек, болалар ва ёшларни маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш зарурлиги қайд этилган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллашга масъул бўлган, кўп жиҳатдан касб таълими ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишни талаб этмоқда. Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ўқитувчининг ижтимоий-сиёсий онгига, маънавий камолатига ва касбий етуклигига боғлиқ. Бу борада ўқитувчиларнинг, яъни мутахассис кадрларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини янгилаш, ўқитувчида айниқса, касб таълими ўқитувчисида ўз педагогик фаолиятига ижодий ёндашишни шакллантириш зарур. Бу эса албатта, ўқитувчиларда ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, ўқитиш жараёнидаги муҳим асосий томонларни топиб, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишларида муҳим ўрин тутади.

Ўқитувчилар иш фаолиятининг ўзига хос хусусияти унинг кўп қиррали ва мураккаб, шу билан бирга ижодий характерга эга эканлигидадир. У болалар жамоасининг тадқиқотчиси, психологи, тарбиячиси сифатида ўзида назариётчилик ва амалиётчилик хусусиятларини мужассамлаштириши керак. Ўқитувчи доимо изланиб, ўз малакаси ва педагогик фаолиятини такомиллаштириб боради.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида олиб борилаётган касб таълимининг муваффақияти ўқувчи шахсининг шаклланишига қанчалик таъсир этаётганлигини аниқ баҳолаш орқали ҳам белгиланмоғи лозим. Акс ҳолда йил давомида олиб борилаётган меҳнат таълими дарслари шунчаки иш бажариш ёки қуруқ вақт ўтказишдангина иборат бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи, таълим муассасаларининг раҳбарлари таълим-тарбия жараёнида масаланинг ана шу томонига кўпроқ эътиборини қаратмоғи лозим. Зеро, барча меҳнат ва касб-ҳунар таълими ўқитувчиларини педагогик-психологик асосда назарий ва амалий жиҳатдан қуроллантириш замон талабидир.

Тадқиқотларимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳар бир меҳнат таълими ўқитувчиси меҳнат таълимини муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, ушбу жараённинг психологик хусусиятлари ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлмоғи керак. Афсуски, кўпгина таълим муассасаларида бу нарсага жуда кам эътибор бериляпти. Зеро, педагогик жиҳатдан пухта ўйланган ва ташкил этилган меҳнат фаолияти ўқувчи шахси ва унинг камолоти учун муҳим сифатларни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Касб таълими ўқитувчиси ўқувчилар меҳнат фаолиятини бошқарар экан, аввало, уларнинг мазкур меҳнат топшириқларини бажаришга бўлган муносабатларини аниқ белгилай олиши ва шу асосда иш тутиши керак. Меҳнатга муносабат эса ўқувчининг қизиқишлари, маълум билим доираси, кўникма ва малакалари, шунингдек ўз эҳтиёжларини у ёки бу даражада қондириш асосида фаол ижобий ва салбий кўринишда намоён бўлиши мумкин.

Фикримизча, ўқувчи шахси тараққиётида меҳнат фаолиятига бўлган фаол ижобий муносабатларнинг таркиб топиши ва шаклланиши катта рол ўйнайди. Шу сабабли, ўқитувчи имкони борича болада намоён бўлган юзаки ва салбий муносабат кўринишларини бартараф этиб, ижобий ва фаол муносабатларнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни излаши даркор. Чунончи, меҳнатга фаол ижобий муносабат меҳнат таълими ва тарбияси учун зарур бўлган қуйидаги сифатларнинг ривожланишига бирмунча замин ҳозирлайди. Буни қатор тадқиқотлар ҳам тўғри таъкидлайди

1. Дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчилар меҳнатдан берилган топшириқларни бажариш жараёнида ҳар бир ишга ижодий ва мустақил ёндаша олиши ва топшириқларнинг барча босқичларини онгли равишда охирига етказиши;

2. Дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчилар жамоа бўлиб бажариладиган барча ишларда фаол иштирок этиши ва меҳнат билан боғлиқ бўлган амалий ишларни муваффақиятли бажаришидан қаноатланиши;

3. Дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчилар берилган топшириқларни бажариш жараёнида масъулиятни ҳис этиши, белгиланган вазифани охирига етказишга ҳаракат қилиши ва бунга эришиши;

4. Касб таълими ўқитувчилари ўқувчиларда касб-ҳунар танлаш билан боғлиқ бўлган касб-ҳунарга қизиқиш уйғотиши, уларни кўрсатмали ва амалий ҳаракатлар ёрдамида меҳнат топшириқларини бажара олишга ўргатиши кабилар.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилганларнинг барчаси ҳар бир дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларда таркиб топмоғи ва уни бажариш жараёнида мунтазам намоён бўлиб турмоғи лозим.

Magistrant G. Narzullayeva, T. Xidirov, TDIU
I.Foziljonov, AQXI

Agrosanoat kompleksida iqtisodiy munosabatlarni tartibga solishda xorijiy tajribalarning ahamiyati

Mamlakatimizda bugungi kunda barcha soha va tarmoqlarni yanada rivojlantirish maqsadida Yurtboshimiz tomonidan ko’plab chora-dasturlar amalga oshirilmoqda. Qolaversa barcha strategik ahamiyatga ega bo’lgan ustuvor yo’nalishlar davlat siyosati darajasiga ko’tarilishi aynan mana shu soha va tarmoqlarni yanada rivojlantrish uchun yangi imkoniyatlarni yo’lga qo’yilayotganligidan dalolat beradi. Bugun Agrosanoat kompleksi yirik tarmoqlarni o’zida mujassamlashtirgan muhim ahamiyatga ega bo’lgan yo’nalishlardan biri hisoblanadi. Agrosanoat majmuasi o’z tarkibiga bir qancha tarmoqlarni birlashtirgan soha bo’lib bugun bu sohadagi iqtisodiy munosabatlarni xar tomonlama o’rganib chiqib, taxlil qilish orqali yanada yaxshilashni yo’lga qo’yish eng muhim bo’lgan dolzarb masalalardan biridir. Qishloq xo’jaligi sohasi bor ekan albatta mahsulotlarni qayta ishlashga extiyoj seziladi. Agrosanoat yo’nalishi bu borada bugun ko’plab yangi imkoniyatlarga ega bo’lib Qishloq xo’jaligi mahsulotlarini qayta ishlash bo’yicha yetarlicha bilim va tajriba asosida faoliyat ko’rsatmoqda ammo bugun XXI-asr intellektual avlod hamda fan-texnika taraqqiyot asri sifatida bejizga e’tirof etilmoqda, chunki globallashuv jarayonida sayyoramizda o’zgarib borayotgan fan-texnika sohasidagi ko’plab yutuqlarni yuzaga kelishi barcha soha va tarmoqlarni infratuzilmasini doimiy modernizatsiya qilish orqali mahsulotlarni diversifikatsiyasini oshirishni talab qilib kelmoqda.

Mamlakatimizda faoliyat ko’rsatayotgan Agrosanoat sohalarida bugun zamon talabiga xar tomonlama mos bo’lgan resurs-tejamkor, nou-xau, innovatsion texnologiyalar bilan ishlab chiqarish tizimini tashkil etish undagi boshqaruvni avtomatlashtirilgan tizimga o’zgartirish muhim bo’lgan jarayon hisoblanadi. Bunday masalalarga yechim topish uchun, albatta? eng rivojlangan xorijiy davlatlarning Agrosanoat sohalaridagi yangi, ilmiy va amaliy tajribalarni, usullarni, ish tizimini va boshqaruvni avtomatlashgan tarzda tashkil qilishni o’rganish lozimdir. Mamlakatimizdagi Agrosanoat sohasidagi tarkibiy o’zgarishlarni, infratuzilmalarni yangilash orqali ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, raqobatbardosh mahsulotlarni yetishtirish va ularni qayta ishlash, eksport saloxiyatini yuksaltirish

qolaversa? iqtisodiy muammolarni bartaraf etish uni yanada yaxshilash bir qancha omillarga bog'liq bo'lib ularni quyidagilar orqali ifodalash mumkin. Agrosanoat kompleksida faoliyat ko'rsatayotgan jismoniy va ma'naviy eskirgan texnologiyalarni o'rnini resurs-tejamkor innovatsion texnologiyalar bilan almashtirish, kam energiya sarf qiladigan yuqori darajada ishlaydigan yangi texnologiyalardan ko'proq foydalanish, mahsulotlarni diversifikatsiyasini yanada kengaytirish, mahsulot tannarxini keskin kamaytirish, mahsulotlarni saqlovchi omborlarni ichki infratuzilmasini yaxshilash, xorijiy davlatlarning Agrosanoat komplekslari bilan hamkorlik aloqalarini yo'lga qo'yish, iqtisodiy munosabatlarni doimiy nazorat qilish va boshqaruvni avtomatlashgan tizimga o'tkazish eng muhim bo'lgan omillar bo'lib bu omillar orqali Agrosanoat kompleksdagi iqtisodiy munosabatlarni yaxshilashni yangi imkoniyatlarini yo'lga qo'yish muhimdir. Prezidentimizning 2015-yilda chop etilgan yangi "Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish eng oliy saodatdir" nomli asarida Agrosanoat komplekslarida iqtisodiy munosabatlar mustaqillik yillarida qandayligi hamda bugungi kunda qanday o'zgarishlarni yo'lga qo'yilganligi xususida to'xtalib o'tilgan bo'lib 90-yillarda sanoatning yalpi mahsulotdagi ulushi 14,1 % bo'lgan bo'lsa bugungi kunga kelib bu ko'rsatkich 25% ni tashkil etayotganligi bu sohada ko'plab o'zgarishlar bo'lganligini ifodalaydi, yana eng muhim omillardan biri bo'lib xorijiy investitsiyalarni jalb qilish orqali iqtisodiy kamchiliklarni keskin bartaraf etish yuzaga keladi[25]. Mamlakatimizda bu borada mustaqillik yillarida ko'plab chora-tadbirlarni amalga oshirilishi natjasida iqtisodiyotimizni 5 karraga o'sganligi yalpi ichki mahsulot oxirgi 10 yildan beri 8% dan tushmayotganligi, jaxon banki global iqtisodiy taraqqiyoti prognozi asosida tayyorlangan ma'lumotda 2014-yildan 2017-yilgacha bo'lgan davrda yillik o'sish darajasi eng yuqori bo'lgan davlatlar o'rtasida O'zbekiston 5-o'rinda turganligi mamlakatimizda barcha sohalarda olib borilayotgan islohatlarni natijasi demakdir. Agrosanoat kompleksida ham xorijiy davlatlar tajribasini qo'llagan holda tarkibiy o'zgarishlarni olib borish maqsadga muoviqdir[26]. Agrosanoatdagi tizimni axborot tizimlariga o'tkazish, xomashyo va yarim tayyor maxsulotlarni yanada chuqur qayta ishlash orqali iqtisodiy raqobatbardosh mahsulotlarni yetishtirish, ekologik munosabatlarni yaxshilash, suv va yer resurslaridan oqilona foydalanish, cheklangan resurslarni tejash, sarf-xarajatlarni kamaytirish, irrigatsiyani unumdorligini oshirish, qishloq xo'jaligini rivojlantirish bo'yicha 5-yillik uchun dasturlar ishlab chiqish orqali Agrosanoat kompleksidagi ko'plab iqtisodiy munosabatlarni yanada yaxshilash yo'lga qo'yildi. Asarda 1 trillion 700 ming gektar sug'oriladigan yerning xolati yaxshilanganligi, sizot suvlar 500 ming gektar, sho'rlangan yerlar 100 ming gektarga qisqarganligi, paxta xosildorligi 2-3 sentnerdan gektariga, don ekinlari 3-4 sentnerga oshganligi, paxtadan 30 ming gektar bo'shagan yerlarni bog'dorchilikka berish rejalashtirilayotganligi qolaversa 2012-2014 yillarda sabzavot 16,3%, poliz mahsulotlari 16,6%, meva 21% ga ko'payganligi aynan mana shu Agrosanoatni rivojlantirishga qaratilgan keng ko'lamli ishlarni yorqin ifodasidir. Agrosanoat

[25] Каримов И.А. Она юртимиз Бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2015. 9б.

[26] Каримов И.А. Она юртимиз Бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2015. 10-11б.

kompleksidagi iqtisodiy munosabatlarni yanada yaxshilash bevosita xorijiy davlatlarning tajribasiga bog'liq bo'lib ular bilan xamkorlik aloqalarini o'rnatish orqali kadrlar salohiyatini aynan shu soha bo'yicha yaxshilash muhim masalalardan biri bo'lib bu sohadagi yangi o'zgarishlarni investorlar hamda vatanimizning ertangi kuni bo'lgan intellektual salohiyatli mutaxassislar orqali olib kelish va rivojlantirish muhimdir[27].

Iqtisodiy munosabatlarni tartibga solish bu zamonaviy boshqaruv bilan bog'liq jarayon bo'lib zamonaviy boshqaruvni yaqindan o'rganish uchun hamkorlik munosabatlarini yanada kengaytirish orqali mutaxassislarni tajriba va malakasini oshirish uchun eng rivojlangan davlatlardagi xorijiy Agrosanoat komplekslarida amaliyot o'tashi hamda o'qishi uchun imkoniyatlarni yanada ko'proq yaratib berish lozimdir. Bugungi kunda Agrosanoat komplekslari eng rivojlangan davlatlar bu Germaniya, Fransiya, Gollandiya, Italiya, hamda boshqa bir qancha Yevropa davlatlari bo'lib u yerda xomashyoni, yarim tayyor mahsulotni qayta ishlash hamda ularni quritish, saqlash juda yaxshi avtomatlashgan boshqaruv tarzida yo'lga qo'yilgandir. Ishlab chiqarishning qayta ishlash jarayonida eng kam energiya sarf qilib yuqori darajada ishlaydigan resurs-tejamkor innovatsion texnologiyalar, nou-xaularni avtomatlashgan kompyuter tizmida faoliyat ko'rsatayotganligi mahsulotlarni tez va sifatli quritish uni bio darajada saqlash, ekologik jihatdan tozaligi, mahsulot tannarxini past darajadaligi, sarf xarajatlarni kamligi, ishlab chiqarish sur'ati yuqori bo'lib eksport salohiyati talab darajasida ekanligi, raqobatbardosh mahsulotlarni yetishtirayotganligidan dalolat beradi.

Bunday ishlab chiqarish va chuqur qayta ishlash tizimini tashkil etish uchun mutaxassislarimiz ularning tajriba, malaka va ko'nikmalarini ilmiy hamda amaliy o'rganish orqali mamlakatimizdagi Agrosanoat kompleksdagi infratuzilmalarni yanada yaxshilash, avtomatlashgan kompyuter tizimidagi boshqaruvni joriy etish qolaversa mahsulotlarni quritish, saqlash, tannarxini pasaytirish, raqobatbardoshligini, eksport salohiyatini yanada oshirish orqali sarf-xarajatlarni kamaytirib kam energiya talab qiladigan zamonaviy innovatsion texnologiyalarni boshqarishni mukammal darajada o'rganishi natijasida olgan ilmiy va amaliy bilim, tajriba, ko'nikma va malakalarini mamlakatimizga tadbiq eta olsagina iqtisodiy jarayonlardagi kamchiliklar yanada bartaraf etilib yangi tizimdagi imkoniyatlarni yaratish hamda yuqori darajada foyda olishni yo'lga qo'yishi muhimdir. Zero Yurtboshimiz aytganlaridek intellektual salohiyati yuqori bo'lgan mutaxassislar bugungi zamonning talabidir va Vatanning ertangi kunidir.

[27] Каримов И.А. Она юртимиз Бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015. 54-55 б.

Магистрант И.И. Нуриддинхонова,
ТДИУ

Ғазна ижроси шароитида бюджет харажатлари касса ижроси ҳисобини ташкил этиш масалалари

Жаҳоннинг бир қатор ривожланган мамлакатлари сингари, республикамизда ҳам давлат бюджети камомадини камайтириш, ундан қочиш ҳамда бюджет профицитига эришиш мақсадида бюджет маблағларини самарали бошқариш тизими доирасида "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни[1] (26.08.2004) қабул қилинди. 2005 йилдан бошлаб ривожланган давлатлар қаторида республикамизда ғазначилик тизими ташкил қилинди.

Ғазначилик ташкил этишнинг асосий сабаблари бу бюджет ташкилотларининг йил давомида режадаги харажатларини ошириб кўрсатиши натижасида давлат бюджети маблағларининг ўринли сарф қилинмаслиги, бюджет маблағларини самарали бошқариш зарурати ҳисобланади. Ғазначилик тизимини жорий қилиш билин боғлиқ бўлган асосий ишлар қуйидагилардан ташкил топади:

- Бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар турли банкларда очилган кўплаб бюджет ҳисоб рақамлари ўрнига Марказий банкда очиладиган Молия вазирлигининг ягона Ғазна ҳисобварағига жамланади;
- Бюджет ташкилотлари харажатларини ҳисобга олиш ва бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда ҳисоботлар тайёрлаш учун уларнинг шахсий ҳисобварақлари Ғазначиликда очилади;
- Тижорат банклари ўрнига Ғазначилик томонидан бюджет касса ижроси амалга оширилиши ва бюджет жараёнининг барча босқичлари, яъни даромадлар тушуми, бюджет маблағлари ажратишдан тортиб бюджет ижроси ҳисоботини тайёрлашгача бўлган ишлар бирлаштирилади.

Ғазначилик ташкил қилинган 2005 йилдан буён давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан профицит билан бажарилмоқда. Жумладан, давлат бюджети 2005 йилда республика ялпи ички маҳсулотига нисбатан 0,1 фоизга профицит билан, 2006 йил 0,5 фоиз профицит билан, 2009 йилда 0,2 фоизни ташкил этди, 2010 йил 0,3 фоиз профицит билан якунланган бўлса, 2014 йил бу кўрсаткич 0,2 фоизни ташкил этди. 2015 йил якунларига кўра давлат бюджети мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Бундай ижобий макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакат молия тизимидаги амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида юз бермоқда[2].

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари кассанинг Ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат. Давлат бюджети ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ҳисобварағига киритишдан, шунингдек? давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат. Бюджет харажатлари номли 020-сонли ҳисобварақда бюджет маблағ ажратмаларининг бош тақсимловчиларининг харажатлар сметаларининг ижро этилиши

тўғрисидаги ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг тегишли муассасалари ва Марказий банки ҳудудий бошқармаларининг капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни молиялаштириш бўйича ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг "капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни молиялаштириш"га тушган ва ажратилган суммалар ҳақидаги маълумотномаларига, шунингдек бевосита маҳаллий бюджетлар маблағларининг депозит ҳисобварақларидан корхоналар ва хўжалик ташкилотларини молиялаштириш бўйича харажатларни тўлаш бўйича молия органларининг тўлов топшириқномалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг касса харажатлари ҳисобга олинади.

Ушбу ҳисобварақда, бюджет маблағ ажратмалари бош тақсимловчиларининг ҳисоботлари асосида йил давомида бошқа бюджетдан ушбу бюджетга қабул қилинган бюджет ташкилотларининг касса харажатлари ҳам ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақдан маҳаллий бюджетнинг маблағлари ҳисобварақларига амалга оширилган молиялаштиришни қоплаш учун суммалар келиб тушганда молиялаштириш республика бюджетига берилган, бюджет ташкилотлари бўйича бюджет маблағ ажратмаларининг бош тақсимловчиларининг тегишли ҳисоботлари ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича хабарномалари (11-сонли шакл) асосида молиялаштириш бошқа маҳаллий бюджетларга берилган бюджет ташкилотларининг касса харажатларининг суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Бюджет маблағлари бўйича ташкилотларнинг ҳисобварақларидан тўланадиган касса харажатларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси банклари муассасаларида ташкилотларнинг бюджет маблағлари бўйича очилган ҳисобварақлари бўйича бюджет ажратмаларини бош тақсимловчиларининг ҳар бири бўйича алоҳида юритилади. Молия органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағларининг депозит ҳисобварақларидан бевосита амалга оширилган касса харажатлари бюджет таснифининг ҳар бир бўлинмаси бўйича ҳисобга олинади.

Бюджет таснифининг кичик бўлинмалари бўйича бюджетнинг касса харажатлари бўйича маълумотлар бюджет ажратмаларининг бош тақсимловчиларининг ҳисоботларидан, капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари муассасаларининг ҳисоботларидан ҳамда Молия органлари томонидан бевосита маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварақларидан амалга оширилган харажатлар бўйича 3-ф-сонли шаклдаги дафтардан олинади.

"Мақсадли йўналишлар бўйича маблағларнинг сарфланиши" номли 025-сонли ҳисобварақда мақсадли йўналишлар бўйича ҳисоб-китобларни олиб бориш учун келиб тушган пул маблағларининг ўтказилган касса харажатлари ҳисоби олиб борилади. 025-сонли ҳисобварақнинг дебетида мақсадли йўналишлар бўйича ҳисоб-китобларни олиб боришда иштирок этадиган бюджет ташкилотларининг ҳисобварағига ўтказилган пул маблағлари суммалари, ҳисобварақнинг кредитида эса молия йилининг охирида якуний

айланмалар билан 045-сонли ҳисобварақ дебетига ҳисобдан чиқарилган маблағлар ҳисобга олинади.

"Жамғарма маблағлари харажатлари" номли 026-сонли ҳисобварақда Жамғарма маблағ ажратмаларининг бош тақсимловчиларининг харажатлар сметаларининг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг тегишли муассасалари ва Марказий банки ҳудудий бошқармаларининг капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни молиялаштириш бўйича ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг "капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни молиялаштириш"га тушган ва ажратилган суммалар ҳақидаги маълумотномаларига, шунингдек бевосита Жамғарма маблағлари ҳисобварақларидан корхоналар ва хўжалик ташкилотларини молиялаштириш бўйича харажатларни тўлаш бўйича молия органларининг тўлов топшириқномалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жамғарма маблағлари ва маҳаллий жамғармаларнинг касса харажатлари ҳисобга олинади. Ташкилотларнинг Жамғарма маблағлари бўйича Ўзбекистон Республикаси банклари муассасаларида очилган ҳисобварақларидан тўланадиган касса харажатлари ҳисоби Жамғарма маблағларини тақсимловчиларнинг ҳар бири бўйича юритилади.

Жамғарма таснифининг бўлинмалари бўйича Жамғарманинг касса харажатлари тўғрисидаги маълумотлар Жамғарма маблағлари тақсимловчиларининг ҳисоботларидан, капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари муассасаларининг ҳисоботларидан олинади.

Ғазначилик тизимини алоҳида бир тизим сифатида шакллантириш ҳамда унга берилаётган ваколатларни кенгайтириш унинг молия тизимидаги ўрнини оширади ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан умумдавлат молиявий назорати самарадорлигини оширади.

Магистрант Ш.Т. Нурмухамедова,
ТДИУ

Ғазначилик тизимида бюджет ташкилотларининг маблағлари самарадорлигини ошириш йўллари

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиш даврида Давлат бюджетининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошди. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини такомиллаштириш иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш шароитида республика ва унинг ҳудудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатнинг ва маҳаллий идораларнинг вилоятларда мақсадли вазифаларини бажаришда, яъни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда, ижтимоий тармоқларнинг аҳолига узлуксиз хизматини ташкил этишда, давлат бюджети ташкилотлари фаолиятини

молиялаштиришда янги молия механизмларини қўллашни, қўшимча манбаларни излашни вақтни ўзи тақозо этмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, ғазначиликни ташкил этишнинг асосий мақсади – давлатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришдир. Ғазначилик давлат маблағларини бошқаришни барча босқичларида қатнашиши мумкин ва у бажарилган ҳисоб-китоб операциялари учун жавоб беради.

Давлат бюджети ғазна ижросининг мақсади бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш орқали дебитор ва кредитор қарздорликларни кескин қисқартириш, пировардида давлат бюджети ижросини жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги сифат поғонасига чиқаришдан иборат.

Ғазначилик органлари давлат молиясини бошқаришга тааллуқли турли вазифани бажарадилар. Ғазначилик давлат бюджети маблағларини бошқаришни, ягона ғазна ҳисобварагидаги ва ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварағидаги давлат бюджети маблағларини бюджет харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек, давлат бюджетининг вақтинча бўш турган маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга жойлаштириш ҳамда республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, бошқа маҳаллий бюджетларга, давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш орқали амалга оширади.

Шунингдек, Ғазначиликка консалидациялашган бюджетнинг касса ижроси, давлат даромадлари ва харажатлари ҳисобини олиб бориш, давлат харажатларига молиявий ресурсларнинг етарли бўлишини таъминлаш учун масъул бўлган таркибий бўлим сифатида қараш мумкин.

Бюджет ташкилоти тасарруфида бўлувчи пул маблағлари миқдори молия органи томонидан тасдиқланган смета билан чекланган. Юридик мажбуриятлари ҳам сметада кўрсатилган харажат моддалари доирасидан четга чиқмаслиги назорат қилинади. Бюджет ташкилотлари молиявий мажбуриятлари лимити уларнинг тасарруфида бўлган пул маблағлари билан белгиланади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан пул маблағлари ўтказилиши қуйидаги талабларга асосланган тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади:

- молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида ва бюджет маблағлари бўйича бюджетдан маблағ олувчиларнинг банк ҳисобварағида мавжуд бўлган, харажатларнинг тегишли гуруҳлари бўйича бюджет маблағлари қолдиқларининг суммалари доирасида;
- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма молия органи рўйхатидан ўтказилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари суммасидан ошмаса;
- товар (иш, хизматлар) етказиб берилишини ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг етказиб берувчидан қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджетдан маблағ

олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатлар бўлганида;

- етказиб берувчининг тўлов топшириқномасида кўрсатилган номи ва реквизитлари етказиб берувчининг шартномада кўрсатилган номи ва реквизитларига мувофиқ бўлса;
- тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари тўғри кўрсатилган булса.

Ғазначилик тизимида бюджет ташкилотларининг маблағлари самарадорлигини ошириш йўлларини таҳлили асосида қуйидагиларни хулоса тарзида келтириш мумкин:

1. Ғазначилик тизимида нархлар мониторингини такомиллаштириш, дебитор ва кредитор қарздорликка қарши курашда қонун доирасида талаб қилинган ҳужжатларни тақдим қилиш натижасида бюджет маблағларидан амалга ошириладиган мақсадсиз тўловлар сони камайишига олиб келади.
2. Давлат бюджетини бошқаришга қаратилган ғазначилик хизмати институтини ривожлантириш ва бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жараёнларида бюджет мажбуриятлари ва тўловларини бошқариш механизмини такомиллаштиришга эътибор берилади.
3. Давлат бюджети харажатларини бюджет таснифи орқали тартибга солиниши, бюджет ташкилоти мажбуриятларини назорат қилиниши, бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўловларини амалга оширишни такомиллаштирилиши, бухгалтерия ҳисоб-китобининг юритилиши, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни сифатли тайёрланиши давлат молиясини бошқариш ислоҳотларида асосий ўрин тутади.

И. Боқиева,
Марғилон педагогика коллежт

Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва объектив асослари

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини тадқиқ этиш, унда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш ва бу борадаги турли назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Бундай назариялар қаторида неолиберализм, корпорационализм, структурализм, неокейнсчилик, дирижистлик йўналиши кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Эрта неолиберализм (1950-1960 йиллар) вакиллари В. Репке ва М. Аллэ тўлиқ интеграция деганда бир неча мамлакатлар миқёсида ягона бозор маконининг ташкил этилишини тушуниб, бу маконда эркин рақобат ва бозорнинг стихияли кучлари амал қилиб, давлат сиёсати унга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Корпорационализм (намояндалари С. Рольф, Ю. Ростоу) XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлиб, бозор механизми ва давлат томонидан тартибга солишга қарама-қарши ҳолда трансмиллий корпорацияларнинг фаолият юритиши халқаро иқтисодиётнинг интеграциялашувини, унинг рационал ва

мувозанатли ривожланишини таъминлашга қодирлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурди.

Структурализм (асосий вакили Г. Мюрдаль) йўналиши тарафдорлари товарлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатининг тўла либераллашуви ғоясига қарши чиқиб, бозор механизмининг эркин амал қилиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашувида маълум номутаносибликларни, даромадлардаги тенгсизликнинг чуқурлашувини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайдилар.

Неокейнсчилик (асосий вакили Р. Купер) йўналиши халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг марказий муаммосини мамлакатларнинг эркинлигини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда интеграция жараёнларидан олинадиган турли-туман нафликни кўпайтиришга асосий эътибор қаратган.

Юқоридаги турли-туман назарияларнинг умумий тавсифига кўра, уларнинг ҳар бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг маълум жиҳатларини очиб беришга, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш ва янги ғояларни ривожлантиришга қаратилган.

Халқаро иқтисодий интеграция – турли мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг барқарорлашиб, чуқурлашиб ривожланиши, улар хўжаликларининг чамбарчас бирлашиш жараёнларидир. Микродаражада бу жараён ҳудуд жиҳатдан яқин жойлашган мамлакатлар алоҳида фирмаларининг ўзаро таъсири орқали, улар ўртасидаги турли туман иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, шу жумладан чет эллардаги филиалларини ташкил этиш асосида боради.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари қуйидагилар:

- эркин савдо ҳудудлари. Бу иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо чеклашлари бекор қилинади. Эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши ички бозорда миллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, бу бир томондан, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг банкрот бўлиши хавфини кучайтирса, бошқа томондан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янгиликларни жорий этиш учун рағбат яратади;

- божхона иттифоқи. Иқтисодий интеграциянинг бу шакли эркин савдо ҳудудларининг фаолият юртиши билан бирга ягона ташқи савдо тарифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишни тақозо этади. Европа Иттифоқи (ЕИ) божхона иттифоқига ёркин мисолдир;

- тўлов иттифоқи. Бу миллий валюталарнинг ўзаро эркин алмашувини ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишини таъминлайди. Европа ҳамжамияти, Жануби-шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатлари учун тўлов иттифоқи пировард мақсаддир;

- умумий бозор. Бу иқтисодий интеграциянинг анча мураккаб шакли бўлиб, унинг қатнашчиларига эркин ўзаро савдо ва ягона ташқи савдо тарифи билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади;

- иқтисодий ва валюта иттифоқи. Бу давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг

барча қараб чиқилган шакллари умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив тавсифдаги бир қатор омиллар тақозо этадики, уларнинг ичидан қуйидагилар асосий ўринни эгаллайди:

- хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва глобаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умумжаҳон фан-техника революцияси;
- миллий иқтисодиёт очиқлигининг кучайиши.

Интеграция жараёнларини рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири – миллий иқтисодиёт очиқлик даражасининг ошишидир. Очиқ иқтисодиётнинг ўзига хос белгиси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимига чуқур киришганлиги;
- товарлар, капитал, ишчи кучининг мамлакатлараро ҳаракати йўлидаги тўсиқларнинг камайтирилиши ёки тўлиқ бартараф этилиши;
- миллий валюта конвертациясининг таъминланганлиги.

Шундай қилиб, интеграция миллий даражадаги иқтисодий ўсиш жараёнларининг ўзаро бирикиши орқали тавсифланиб, бунинг натижасида ягона хўжалик организми шаклланади. Реал ҳаётда бир вақтнинг ўзида интеграциялашув ва интеграциялашувдан қайтишдан иборат икки тенденция амал қилади.

Кат. ўқит. У.А. Отажонов,
ТДИУ

Масофавий таълим технологияси асосида ўқитиш – долзарб педагогик муаммо сифатида

Масофадан ўқитиш йигирманчи юз йилликнинг оҳирларида вужудга келган бўлса-да, XXI асрга муҳандисларни тайёрлаш бўйича эффектив ва истиқболли тизим сифатида кириб келмоқда. Масофадан ўқитиш компьютер ва телекоммуникация технологияларга асосланган ҳолда таълим жараёнида энг яхши анъанавий усуллар ишлатиладиган таълим шакли ва воситаси ҳисобланади. Масофадан ўқитиш таълим жараёнини мақсадга йўналтирилган ва назорат қилинадиган, шахсий жадвал бўйича ўзига қулай бўлган жойда ўқиши мумкин бўлган, ўзида махсус таълим воситалари мажмуаси ва ўқитувчи билан телефон орқали, электрон почта бўйича, шунингдек, шахсан боғлана оладиган ўқувчининг интенсив мустақил ишини ташкил қилади.

Масофадан ўқитиш мақсадга йўналтирилган интерактив, ўзаро ва таълим воситалари орқали таълим олишда субъект ва объектларни ўзаро алоқасининг асинхрон жараёнини ўзида намоён этади. Бунда таълим жараёни уларни қаерда жойлашганлигига боғлиқ бўлмайди. Таълим жараёни ўзига хос педагогик тизимнинг элементи ҳисобланувчи ўқитишнинг мақсади, ўқишнинг тузилиши, ўқиш усуллари, ўқиш воситалари, ўқишнинг ташкиллаштирилган шакллари, идентификацион – назорат, ўқув материал, молиявий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий, маркетинг қисм тизимлари бўйича ўтилади. Таълим тизимида

масофадан ўқитиш ижтимоий тамойилга мос ҳолда ҳеч ким муҳтожлик, географик ёки вақтли чегараланганлик, ижтимоий ҳимоясизлик ва физик нуқсонлар туфайли ўқув юртига бора олмайдиган ёки ўзи учун зарур бўлган ёки бошқа ишлаб чиқариш ишлари билан бандлик сабаби бўйича ўқиш имкониятидан четда қолмаслигига жавоб беради. Масофадан ўқитиш XXI асрга таълим олишнинг анча истиқболли, ижтимоий, интеграл кўринишидаги тизим шаклида кириб келди.

Таълим жараёнида компьютер технологияларини қўллашнинг самарали усулларидан бири мультимедиа дарсликларидан фойдаланишдир. Сўнгги йилларда мультимедиа дарсликларини яратиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, аниқ фанлар, маънавий-маърифий фанлар бўйича дарсликлар тайёрланмоқда.

Масофадан таълим олиш – мультимедиа тизими ва янги ахборот технологиялари асосида кундузги, сиртқи ва кечки таълим олишнинг ўзига хос замонавий шакли ҳисобланади.

Масофавий таълим (МТ) – ўқувчи томонидан, кейинчалик унинг ижодий ёки меҳнат фаолиятига айланадиган маълум таълим соҳаси тасдиқланиши ва унга эришиш учун масофадан ўқитиш жараёнини амалга оширувчи тизим ҳисобланади. У масофадан ўқув ахборотлари алмашишув воситаларига (сунъий йўлдошли телевидение, радио, компьютер алоқаси ва ҳ.к.) асосланган, махсуслаштирилган ахборот-таълим муҳити ёрдамида чет элга ва мамлакат аҳолисига тақдим этиладиган комплексли таълим хизматидир. Масофадан ўқитишнинг ахборот таълим муҳити маълумотлар узатиш воситалар мажмуасини, ахборот ресурсларини, ўзаро алоқа баённомаларини, аппарат дастурий ва ташкилий-услубий таъминотни, фойдаланувчиларнинг таълимга бўлган талабини қондиришга мўлжалланган тизимий-ташкилий воситалар мажмуасини ўз ичига олади[28].

Масофадан ўқитиш – иштирокчи ва ўқитувчи орасида фаол ахборот алмашишуви кўриладиган, шунингдек, иштирокчилар ўртасида янги ахборот технологияларини (аудио-визуал восита, шахсий компьютерлар, телекоммуникация воситалари) максимал даражада ишлатиладиган сирқи таълим олишнинг турли кўринишидир. Масофадан ўқитиш янги ахборот ва телекоммуникация технологияларини, ўқитувчи билан диалогли ахборот алмашишни, мос стандартга асосан ўқувчига фан соҳасини эркин танлашга шароит яратадиган техник воситаларни қўллашга асосланган таълимнинг универсал ижтимоий шаклидир. Бунда ўқиш жараёни ўқувчининг муҳитда жойлашишига ва вақтига боғлиқ бўлмайди. Масофадан ўқитишга бўлган қизиқиш анча олдин шаклланган. Ҳозир эса телекоммуникацион технологияларни шиддат билан ривожланаётган даврида, масофадан ўқитиш ўзига хос аҳамиятни касб этади.

Ўқитишнинг мақсади. Белгиланган тартибда тасдиқланган таълим дастури, мутахассис модели ва давлат буюртмасига мос равишда таълим олувчи томонидан қобилият ва билимлар тизимини эгаллаб олиш.

[28] Преподавание в сети Интернет: Учебное пособие./ОТВ.ред. В.И. Солдаткин. – М.: Высшая школа, 2003.

Ўқитиш мазмуни. Ижтимоий буюртманинг педагогик модели. Ўқитиш жараёни, уни амалга ошириш усуллари ва ташкилий шакллари унинг мазмуни билан белгиланади.

Ўқитиш объекти. Масофавий таълим нинг таълим хизматларидан фойдаланувчилар(талабалар, таълим олаётганлар ва бошқалар) ўқитиш объектлари ҳисобланади. Ушбу таълим олиш шаклининг анъанавий шаклда таълим олувчи талабалардан фарқли равишда масофавий ўқитиш тингловчилари юқори даражадаги қатъиятлилик, билимга интилиш, режалилик, мустақил ишлаш қобилиятига эга бўлиши ва компьютер ҳамда телекоммуникацион алоқа воситаларидан фойдалана олиши лозим.

Ўқитиш субъектлари. Ўқитувчилар - ўқитиш субъектларидир. Ўқитувчи – масофавий ўқитиш таълим жараёнини юқори самаралили гини таъминлашда асосий бўғиндир. Масофа вий ўқитишни олиб борувчи ўқитувчилар фаолиятининг ўзига хослиги тютор терминини қўллашга зарурат туғдирди. Бу фундаментал информатика ва телекоммуникация асосларидан воқиф бўлиши керак бўлган маслаҳатчи ўқитувчидир. Унинг билим даражаси илгариланма табиатга эга бўлиши керак.

Қўллаш доираси. Масофавий ўқитишни Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимининг ҳамма поғоналарида қўллаш мумкин. Масофавий ўқитишнинг юқори самаралигини ўрта-махсус ва олий таълим тизими ҳамда ўқитувчи ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малака оширишда намоён бўлади.

Ўқитиш усуллари. Масофавий ўқитиш тўрт йўл билан амалга оширилади: ТВ-конференциялар; Видео конференциялар; Интернет ва (ёки) Интранет орқали; ўқув материаллар йиғимини тайёрлаш ва узатиш. Масофавий ўқитишнинг юқори сифатлилигига шу тўрт усулни мужассамлаштириш орқали эришилади.

Ўқитишнинг умумий дидактик усуллари. Масофавий шакл бешта умумий дидактик усулларни ўз ичига олади: ахборот-рецептив, репродуктив, муаммоли баён, эвристик ва тадқиқий. Улар ўқувчи ва ўқитувчининг ўзаро алоқасига тааллуқли педагогик ҳужжат (акт)лар мажмуасини ўз ичига олади.

Ўқитиш воситалари. Масофавий ўқитиш жараёнида ҳам анъанавий, ҳам компьютер техникаси ва телекоммуникацияни қўллашга асосланган янги ўқитиш воситаларидан фойдаланилади.

Илмий-ўқув материал базаси. Ўқув дастурларига мувофиқ равишда ўқитиш учун зарур бўлган ашёлар ва техник воситалар мажмуаси. У ўқув ва ўқув-ёрдам хоналари, тажриба жиҳозлари, техник ўқув воситалари, дарсликлар, ўқув қуроллари ва бошқа ўқув-услубий материалларни ўз ичига олади. Ўқувчиларнинг узоқ масофада эканлиги сабабли илмий-ўқув материал базасининг кўп қисми виртуал ахборот ўқитиш муҳитини ташкил этади.

Масофадан ўқитиш технологик усуллар мультимедиа ва Интернет воситаларидан асосланган кенг фойдаланиш йўлида айрим объектив муаммолар ҳам мавжуд. Булардан энг асосийси, ўқувчилар учун керак бўлган ўқув материаллари, қонунларини ва бошқа кўрсатмаларни қўлланма қилиб, компьютер дастурларини ишлаб чиқишдир. Фикримизча, замонавий компьютер

технологияларидан ўқувчиларга таълим бериш ва қайта тайёрлаш жараёнида кенг фойдаланиш, келажакда етук ҳамда юқори малакали мутахассисларни камол топтиради.

Масофавий ўқитишнинг анъанавий ўқитиш шаклларидан қуйидаги хусусиятларини фарқлаш мумкин.

Эгилувчанлик. Ўзига қулай вақтда, жойда ва шароитда ўқитиш имкониятини беради.

Модуллик. Ўқув курсига боғлиқ бўлмаган ҳолатда шахсий ҳамда гуруҳ талабига жавоб берадиган ўқув режасини амалга оширади.

Қуршов. Бир вақтда кўп иштирокчиларга ўқув информацияси бўйича мурожаат қилиш Тармоқ ёрдамида ўзаро ахборот алмашинувини тўғри ташкил қилиш.

Тежамкорлик. Ўқув майдонлардан, техник воситалардан, транспорт воситалардан унумли фойдаланиш, ўқув ахборотларини тўпланган ва бир хилликка келтирилган ҳолда ифодалаш ва уларга эришилган мутахассисларни тайёрлаш харажатларни камайтиради.

Технологиклик. Таълим бериш жараёнида инсонни жаҳон паст индустриал фазога юриштиришга имкон берадиган янги эришилган информацион ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш.

Ижтимоий тенг ҳуқуқлик. Ўқитувчининг турар жойидан, соғлиғининг ҳолатидан, моддий таъминланганлигидан мустақил таълим учун тенг имконият.

Байналминаллик. Таълим хизматлари бозорида эришилган ютуқларнинг экспорти ва импорти.

Ўқитувчиларнинг янги вазифалари. Масофавий ўқитиш ўқитувчининг вазифаларини кенгайтиради ва янгилайди. Ўқитилаётган курслари доимо такомиллаштириш, ижодий фаоллигини юқорилаштириш ва малакасини, киритилган янгиликлар ва инновацияларга мос билим жараёнини мувофиқлаштириши зарур.

Масофавий ўқитиш талабига ижобий таъсир этади, ўз-ўзини ташкил этиш, билим олишга интилиш, компьютер техникаси билан ўзаро ишлаш ва мустақил масъулиятли ҳал қилишларни қабул қилиш, уни ижодий ва тафаккур салоҳиятини ўстиради.

Масофавий ўқитиш сифати кундузги таълим олиш тартибидан сифат жиҳатидан қолишмайди, балки буюк профессор-ўқитувчилар таркибини келтириш ҳисобига ва ўқув жараёнида энг яхши ўқув-услубий нашрлар ва текшириш тестлари у ёки бу фанлардан фойдаланиш мумкинлиги учун яхшиланди.

Ўқитиш мазмуни. Ўқитиш жараёни, усуллари ва ташкилий тартиби амалга оширилиши унинг таркиби билан ифодаланади.

Ўқитиш объекти. Масофавий ўқитиш таълим хизматларидан фойдаланувчи ушбу усулда таълим олувчилар объектлари бўлади.

Ўқитиш субъектлари. Масофавий ўқитиш субъектлари ўқитувчилар ҳисобланади. Ўқитувчи таълим жараёнининг юқори самарасини таъминлашда асосий бўғиндир. Масофавий ўқитиш ўқитувчи фаолиятининг муҳим ихтисослигида компьютор терминини киритиш зарурлигини келтириб

чиқаради. Ўқитувчи маслаҳатчи, у фундаментал информатика ва телекоммуникациялар асосларини билиши керак. Унинг билимлигини узувчи характерга эга бўлиши керак.

Ўқитиш усуллари. Масофавий тартиб ўз ичига 5 та умумдидактик ўқитиш усулларини олади: информацион-рецептив, репродуктив муаммовий ифода этиш, эвристик ва тадқиқот. Улар ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракат педагогик актларнинг бутун тўпламларини ўзига қамраб олади.

Ўқитиш усули. Ўқитиш мақсадларига эришиш учун ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро ҳаракати таъсири меъёрлар тизими тўғрисида назарий тасаввурлар берадиган дидактик туркумдир.

Ўқитиш мазмуни. Бу ўқув информациянинг таркиби, тузилиши ва маълумоти ҳамда масалалар, топшириқлар ва машғулотлар тўплами, улар касбий малака ва идрокларини шакллантиради, меҳнат фаолиятининг дастлабки тажрибасини йиғишга имкон беради.

Ўқитиш воситалари. Масофавий ўқитиш таълими жараёнида анъанавий таълим билан бирга инновацион ўқитиш воситаларидан фойдаланилади. Улар компьютер техникаси, телекоммуникация қўллашга, ҳамда таъминот технологияси соҳасида охирги эришилган натижаларга асосланган.

Ўқув-илмий моддий асоси. Ўқув дастурларига мос бўлган, ўқитиш учун зарур моддий ва техникавий тўплам. У ўз ичига ўқув ва ўқув ёрдамчи жойларни, ўқитиш техник воситалари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув-услубий материаллар олади.

Молиявий-иқтисодий тизим. Таълимда бозор муносабатлари қатнашчилари сифатида фақат таълим муассасалари ва таълим хизматларини буюртмачилар бўлиб келмасдан, давлат ҳам буюртмачи ва истеъмолчи бўлади.

Масофавий ўқитишнинг қулайлиги. Келгусида мақсадга мувофиқ равишда лаборатория амалиётларини ўтказишни қисқартириш мумкин.

Масофавий ўқитиш назорати. Бу ўрганилаётган ўқув материалларини назарий ўзлаштириш натижаларини текширишдан иборат. Тест ҳақиқатан, фан бўйича жуда кўп саволлардан ташкил топган, ҳар бир савол учун бир нечта жавоб вариантлари таклиф этилади. Талаба улар орасида тўғри жавобни танлаши керак. Тестлар ўз-ўзини текширишга яхши мўлжалланган ва индивидуал машғулотлар учун жуда қулай.

Масофавий ўқитиш қатнашчилари (тингловчилар ва ўқитувчилар) етарли даражада тайёр бўлишлари, яъни масофавий ўқитишни ўрганиш усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларидан фойдалана билишлари керак. Шунинг учун фундаментал информатика табиий-илмий фан сифатида масофавий ўқитишнинг ажралмас қисми бўлиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда масофадан ўқитиш янги ахборот ва телекоммуникация технологияларини, ўқитувчи билан диалогли ахборот алмашишни, мос стандартга асосан ўқувчига фан соҳасини эркин танлашга шароит яратадиган техник воситаларни қўллашга асосланган таълимнинг универсал ижтимоий шаклидир. Бунда ўқиш жараёни ўқувчининг муҳитда жойлашишига ва вақтига боғлиқ бўлмайди. Масофадан ўқитишга бўлган қизиқиш анча олдин шаклланган. Ҳозир эса телекоммуникацион

технологияларни шиддат билан ривожланаётган даврида, масофадан ўқитиш ўзига хос аҳамиятни касб этади.

М.Ш. Халилов, ТДИУ,
Р. Исроилов, Шаҳрихон қишлоқ
ва сув хўжалиги коллежи

Масофавий таълимни замонавий таълим тизимидаги аҳамияти

Таълим тизимининг мазмун ва асосига эътибор қаратадиган бўлсак, бу барча даврда жамиятнинг илғор ва ғоялар тақдим этувчи асосий бўғини сифатида намоён бўлади. Бу эса таълим тизими замон билан ҳамнафас бўлиши кераклиги, янги таълим бериш усулларини яратиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Биз ёшларни ўқитиш жараёнида маълум мақсадга йўналтирилган тизимли билим ва кўникмалар билан қуроллантирамиз. Тарбиялаш ва таълим беришда уларни шахс сифатида камолотга етказиш ва ривожлантиришга хизмат қиламиз. Ёшларни ўқитиш, таълим бериш ва тарбиялаш жараёнида ноанъанавий усуллардан кенг фойдаланиш кўникмалари шаклланиб келмоқда. Бу жараёнда ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари, инновацион технологиялар муҳим аҳамият касб этмоқда. Инновацион технологияларнинг энг самарали усулларидан бири сифатида масофавий таълим бериш усули ўзининг устун жиҳатлари билан амалиётга кириб келмоқда.

Ўзбекистонда масофавий таълимни шаклланиши ва ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Информацион алоқалар бўйича технологияларни келгусида такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 117-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 декабрдаги "Компьютерлаштириш информацион алоқалар тизимини ривожлантириш ва татбиқ этиш режалари тўғрисида"ги 08-17-69-сонли қарори ҳуқуқий ва меъёрий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Масофавий таълимнинг мақсади барча ҳудудлар ва чет элдаги барча таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имконини яратиб бериш, етакчи таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш, асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш, таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим муҳитини кенгайтириш, узлуксиз таълим имкониятларини яратиш ва бошқалар.

Масофавий таълимдан узлуксиз таълим тизимида қандай фойдаланиш мумкин, унинг қандай шакл ва моделлари мавжудлиги соҳа мутахассисларини қизиқтириши мумкин. Инсоният йигирманчи аср ниҳоясида анчагина муаммоларга дуч келдики, улар бевосита ахборот телекоммуникация соҳасидаги жиддий ўзгаришлар, хусусан, ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Таълим, ишлаб чиқариш ва кишилик жамиятида янги ахборот коммуникация воситалари

кириб кела бошлади. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, интернет глобал компьютер тармоғининг ривожланиши бутун дунё таълим тизимини такомиллаштиришнинг янги йўналишлари очилишига сабаб бўлди, десак хато эмас. Биринчидан, ўқув муассасаларининг техник таъминоти кескин ўзгариши, дунёвий ахборот ресурсларга кенг йўл очилиши ўқитишнинг янги шакл ва усулларидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда олиб борилаётган таълим тизимининг ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган фаолиятларининг кенг йўлга қўйилганлиги барча соҳаларда ўз самарасини бермоқда.

Масофавий таълим тарихига назар ташласак у Европада 18 асрда почта алоқасини шаклланиши билан юзага келди. Ўқувчилар почта орқали ўқув материалларини оларди ва имтиҳонларни ўқитувчиларнинг ишончли ходимига ёки илмий иш шаклида топширарди. 1969 йилда Буюк Британияда жаҳонда биринчи бўлиб, масофавий таълим университети очилди. Радио, телевидение ва интернет технологияларини оммавийлаши эса масофавий таълимни жадал ривожланишига имкон яратди.

Масофавий таълим бу ўқув жараёни компонентларини (таълим мақсади, мазмуни, усуллари, ташкилий шакллари, воситалари) ўзида акс эттирувчи, масофадан туриб, интерактивликка, интернет технологиялари ва бошқа воситаларга асосланган ҳолда амалга ошириладиган ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабат.

Масофавий таълим бу мусатақил таълим шакли ҳисобланади, ахборот технологиялари унинг асосий воситалари сифатида намоён бўлади.

Замонавий масофавий таълим қуйидаги асосий элементлардан фойдаланишга асосланади:

- ахборотларни узатиш воситаларига (алоқа, телевидения, радио, ахборот комуникацион тармоқлар);
- ахборотларни алмашишда техник воситаларга асосланган усулларга.

Ҳозирги кунда масофавий таълимнинг амалга оширилишида Интернет тармоғи истиқболли ҳисобланади. «Advanced Distributed Learning» гуруҳи томонидан масофавий интеракатив таълимнинг стандартлари ишлаб чиқилди. Стандартларни киритиш масофавий таълимга бўлган талабларни кучайтириш, дастурий таъминотларни такомиллаштиришга имкон берди.

Масофавий таълимнинг устивор томонлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим жараёнидаги харажатларни камайтиради (бино ижара харажатлари талаб қилинмайди, талаба ва ўқитувчини таълим муассасаларига бориш харажатлари бўлмайди ва ҳ.к.);
- кўп миқдордаги инсонларни ўқитиш имконини мавжудлиги;
- замонавий воситалардан, катта электрон кутубхоналардан фойдаланиш ҳисобига таълим бериш сифатини оширилиши;
- ягона таълим муҳитини шакллантирилиши (корпоратив таълимни амалга ошириш жараёнида долзарбдир).

Масофавий таълимдан маълум курсларни ўзлаштиришда, ўқитувчи ва мутахассисларни малакасини оширишда, шунингдек, олий таълимни олишда қўлланилиши мумкин. Масофавий таълимнинг қуйидаги асосий шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин: онлайн ва оффлайн тизимлари. Интернет орқали таълим бериш бир қатор устунликларга эга:

- мослашувчанлиги;
- параллеллик;
- узоқни қамраб олиши;
- тежамкорлиги;
- ижтимоий тенг ҳуқуқлилик;
- интернационаллик.

Масофавий таълимни ташкилий шаклларига кўра бир қанча моделларга ажратиш мумкин. Биринчи модел фақат талабалар билан масофавий ишлашда фойдаланилади. Бунда талабаларнинг ҳар бири виртуал ўқитувчига бириктирилади. Маслаҳатлар ва якуний назоратларни топшириш учун ҳудудий бўлимлар ташкил этилади. Бундай ўқув курсларида ўқитувчи ва талабаларга ўқув шаклини ва формасини танлашда катта имкониятлар ва эркинликлар берилади. Бу модел Буюк Британиянинг Очиқ Университетида амал қилади. Иккинчи модел масофавий ҳамда кундузги анъанавий таълимда талабалар билан ишлаш учун яратилади. Иккала таълим турида ҳам бир хил ўқув дастури ва дарс жадваллари, назорат турлари ва уларни баҳолаш мезонларидан фойдаланилади. Бу каби ўқув муассасаларида кундузги таълим талабаларининг сони масофавий таълимдагига қараганда кўпроқ бўлиши мумкин. Ушбу масофавий курслар педагогика ва услубиётдаги янги йўналишларни излашда қўлланилади. Бу моделга Англия ва Австралия Университетларидаги таълимни мисол қилиш мумкин. Аралаш модели масофавий ва кундузги таълим турларини интеграциялашувидан ҳосил бўлади. Талабалар ўқув курснинг бир кисмини кундузги, бошқа қисмини эса масофадан ўқийди. Шу билан бирга бу таълим турига виртуал семинар, презентациялар ва маърузалар ўтказиш ҳам киради. Бу модел Янги Зеландиядаги Массей Университетида фойдаланилади.

Бизнинг мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган масофавий таълим жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Ёш болалар учун масофавий таълим теледарс сифатида ривожланмоқда, яъни ёш ўқувчиларни табиат, тил ва бошқа фанларга бўлган қизиқишларини оширишда деярли барча телеканалларди ўйин, қизиқарли теледарслар ташкил этилган.

Малакаларни ошириш, билимларни мустаҳкамлаш ва ўзаро билимларни алмашишда веб дарслар, видео конференциялар ҳам оммалашиб бормоқда.

Фикримизча, масофавий таълим, замонавий таълим технологиялари ичида истиқболли йўналишлардан ҳисобланади, шунингдек, у мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимини янада ривожланишига хизмат қилади. Бунинг учун олий таълим вазирлиги, етакчи таълим мумассасалари билан бирга масофавий таълимни ривожлантириш йўналишлари, дастурларини ишлаб чиқиши, мавжудларини такомиллаштириши, мониторингини олиб бориши ва уларни методик таъминоти, техник базасини мустаҳкамлаши зарур.

Магистрант Б. Отамуротов,
ТГЭУ

Правовые и методологические основы аудиторской деятельности

В Узбекистане за годы независимости осуществлена целенаправленная широкомасштабная работа по формированию рынка аудиторских услуг, в том числе создана организационно-правовая и методологическая база его дальнейшего развития.

Мировой опыт аудиторской деятельности свидетельствует, что она должна опираться на полноценную законодательную базу. Все положения старой редакции Закона, безусловно, сыграли свою положительную роль. Но остались неурегулированными, в частности, проблемы обеспечения ответственности аудиторов за результаты проводимых ими проверок, эффективной защиты аудиторами законных интересов своих заказчиков – хозяйствующих субъектов, соответствия квалификации аудиторов требуемому уровню и некоторые другие. Все это стало предпосылками к разработке и принятию Закона «Об аудиторской деятельности» в новой редакции. Работа была осуществлена с учетом особенностей настоящего периода углубления экономических реформ, с соблюдением норм и основ международных стандартов аудита. Аудиторская деятельность осуществляется в соответствии с требованиями Закона «Об аудиторской деятельности» и включает проведение аудиторских проверок достоверности финансовой отчетности и оказание профессиональных услуг. Закон Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности» играет важную роль в организации и регулировании аудиторской деятельности на должном уровне, создает гарантии, с одной стороны, для заказчиков аудиторских услуг, с другой стороны - для аудиторских организаций. Внесенные Законом Республики Узбекистан от 30 апреля 2013 года № ЗРУ-352 изменения и дополнения в Закон Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности» создали условия для применения международных стандартов аудита и дальнейшего развития аудиторской деятельности в соответствии с международными принципами.

Аудит в Республике Узбекистан развивается как часть единой экономической системы и играет важную роль в ее развитии. В результате последовательного реформирования финансовой системы и совершенствования рыночной инфраструктуры республики была создана законодательно-правовая основа аудиторской деятельности.

Порядок лицензирования аудиторской деятельности регулируется Положением о порядке выдачи лицензий аудиторским организациям на осуществление аудиторской деятельности, утвержденным постановлением Кабинета Министров от 22.09.2000 г. №365, сертификация аудиторов осуществляется в соответствии с Положением о порядке выдачи квалификационного сертификата аудитора (рег. № 977 от 13.10.2000 г.). Действует 21 национальный стандарт аудиторской деятельности, которые регулируют основные вопросы организации проведения аудиторских проверок и оформления их результатов.

Созданы действенные экономические стимулы и налоговые льготы и преференции для активного развития аудита, существенно упрощена и либерализована система выдачи лицензий:

- лицензии на осуществление аудиторской деятельности выдаются без ограничения срока действия;

- решения о прекращении действия лицензий за допущенные нарушения принимаются только судом;

- до 2017 г. аудиторские организации освобождены от уплаты налога на прибыль и единого налогового платежа;

- удешевлены не менее чем в два раза размеры сборов, уплачиваемых аудиторскими организациями за получение лицензий и др.

Современный этап развития аудита характеризуется постепенной адаптацией и внедрением основных принципов международных стандартов.

В целях усиления ответственности аудиторских организаций, повышения качества аудиторских услуг и внедрения эффективных методов регулирования, искоренения недобросовестной конкуренции на рынке аудиторских услуг, дополнительного стимулирования деятельности аудиторских организаций:

- внедрена система дифференциации лицензий на аудиторскую деятельность в зависимости от вида аудиторских проверок;

- введено требование об осуществлении аудитором аудиторской деятельности только в одной аудиторской организации, а также быть учредителем только одной аудиторской организации;

- введено требование о запрещении проведения аудиторской организацией аудиторской проверки одного и тоже хозяйствующего субъекта более трех лет подряд;

- введено требование обязательного наличия в аудиторских организациях внутренних стандартов качества работы аудиторов;

- внедрена система обязательной рейтинговой оценки аудиторских организаций со стороны профессиональных общественных объединений аудиторов;

- введено требование об обязательном прохождении руководителем аудиторской организации аттестации один раз в три года;

- введено требование об обязательном проведении Министерством финансов не реже одного раза в три года проверок соблюдениями аудиторскими организациями лицензионных требований и условий;

- установлен порядок, в соответствии с которым не менее 50 % уставного капитала аудиторской организации формируется из денежных средств учредителей (участников), а оставшаяся часть – материальными ценностями, непосредственно используемыми при осуществлении аудиторской деятельности;

- предусмотрена полная укомплектованность установленного минимального количества аудиторских штатов аудиторами, для которых данная аудиторская организация является основным местом работы;

- аудиторским организациям предоставлена возможность в течение определенного времени устранять возникшие после получения лицензии несоответствия лицензионным требованиям и условиям.

С принятием изменений и дополнений в Закон «Об аудиторской деятельности» (Закон от 30.04.2013 г. № ЗРУ-352 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» и Закон от 14.05.2014 г. № ЗРУ-372 «О внесении изменений и дополнений, а также признании утратившими силу некоторых законодательных актов Республики Узбекистан»):

- аудиторская организация не может создаваться в форме акционерного общества;

- аудитор может быть учредителем (участником, акционером) только одной аудиторской организации, в которой он работает;

- руководителем аудиторской организации должен быть только аудитор, для которого данная аудиторская организация является основным местом работы;

- аудиторская организация не может быть учредителем (участником, акционером) другой аудиторской организации;

- расширен перечень хозяйствующих субъектов, подлежащих обязательной аудиторской проверке и др.

Внесенные изменения и дополнения в Положение об аудиторских организациях (постановление Президента Республики Узбекистан от 22 августа 2014года № ПП–2225)и Положение о порядке выдачи лицензий аудиторским организациям на осуществление аудиторской деятельности (постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 сентября 2014 года № 247) предусматривают предоставление прав аудиторской организации по применению международных стандартов аудита, детализацию обязанностей по обеспечению контроля качества работы аудиторов, соблюдению принципа независимости, а также конкретизацию некоторых лицензионных требований и условий при осуществлении аудиторской деятельности.

Изменены требования к претендентам на получение квалификационного сертификата и аудиторам, имеющим квалификационный сертификат: претендент на получение квалификационного сертификата должен иметь соответствующий стаж только после окончания высшего учебного заведения; при наличии международного сертификата бухгалтера представление заявления на получение (продление срока действия) квалификационного сертификата аудитора только с обязательным подтверждением ежегодного повышения квалификации; осуществление аудитором аудиторской деятельности одновременно более чем в одной аудиторской организации, а также установление факта, когда аудитор одновременно является учредителем более чем одной аудиторской организации, являются основанием для прекращения действия квалификационного сертификата аудитора.

Кат. ўқит. Б.А.Раҳмонов,
М. Раҳмонова, ТДИУ

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши масаласини ўрганишнинг айрим педагогик жиҳатлари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида ўқитишнинг масофавий усулларидан фойдаланиш, электрон дарсликлар тайёрлаш, мультимедиалар яратиш, ўқув-услубий мажмуа тузиш каби ишлар машғулотлар сифатини яхшилаш билан бирга унинг таъсирчанлигини оширишга ҳам олиб келмоқда. Бундан ташқари, маъруза ва амалий машғулот дарсларини ўтказишда “инсерт”, “кластр”, “балиқ суяги”, “нилуфар гули” усуллари, “Венн”, “қандай”, “нимага” диаграммаларидан фойдаланиш, “каскад”, “пирамида”, “дельфи”, “пинборд”, “зиг-заг” (эгри - бугри) техникаларини қўллаш кўплаб ижобий натижаларни бермоқда. Шу боисдан ҳам ўқитиш жараёнида талабаларда мустақил фикрлаш, ўз қарашларини асосли ҳимоя қилиш, баҳслашиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун семинар дарсларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай дарслар ўтказилишида ҳозирги пайтда катта аҳамият касб этиб бораётган интерфаол усуллардан фойдаланиш, жумладан, кичик гуруҳларга бўлиниш, маълум позицияни эгаллаш, ақлий ҳужум, роллар ўйини каби усулларни кенг қўллаш машғулотларнинг самарали бўлиши, уларнинг қизиқарли кечишига сезиларли таъсир кўрсатади[29]. Шу маънода Президент И.А. Каримовнинг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан билдирган қуйидаги фикри ғоят эътиборлидир: “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор”[30].

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши масаласи ижтимоий-гуманитар фанларда муҳим аҳамият касб этганлиги боис, ўқитувчи бу мавзу бўйича **маъруза дарси** ўтказишда қуйидаги ҳолатларга асосий эътиборни қаратиши лозим бўлади.

1. **Дарснинг мақсади** баён қилиниб, жамиятнинг ижтимоий тузилиши, унда амал қилувчи асосий гуруҳлар, тенгсизликнинг келиб чиқишига доир назариялар, ҳозирги даврдаги турли стратификацион тизимлар, социал мобилликнинг ўзига хос жиҳатлари, Ўзбекистондаги ўрта мулкдорлар қатламининг шаклланиш жараёни, кишилар этник бирлигининг тарихий

[29] Раҳмонов Б., Содиқов А., Сиддиқов Н. ва б. Социологиядан топшириқлар тўплами. Ўқув-услубий қўлланма. - Т.: Адабиёт учқунлари, 2014, 4-бет

[30] Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Тошкент ,“Ўзбекистон”, 2009, 29-бет.

шакллари ва уларнинг хусусиятлари, жамият ижтимоий тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлган оиланинг моҳияти ва ижтимоий функциялари масалаларига эътибор қаратилиши айтиб ўтилади.

2. **Дарснинг асосий қисмида** мавзунинг энг муҳим жиҳатлари, қоидалари лўнда, ихчам, тушунарли тарзда баён қилинади. Мутафаккирлар, олимлар, назариётчиларнинг мавзуга доир турли қарашлари, концепциялари ҳақида фикр юритилади. Бундан ташқари, мавзуга тегишли бўлган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар, Президент асарлари, статистик маълумотлар, социологик тадқиқотлар натижаларидан ҳам ўринли фойдаланилади. Ўқитувчи томонидан мавзуни ёритиш жараёнида синфий стратификация, унинг асосий шакллари, социал ҳаракатчанликнинг моҳияти ва кўринишлари, шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва роли, шахс ижтимоийлашуви жараёнлари, миллий тенг ҳуқуқлилик ва эркин ривожланиш, миллий ўзига хослик, оиланинг ахлоқий, ҳуқуқий ва ижтимоий асослари масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

3. Мавзуга доир гетерогенлик, тенгсизлик, стратификация, социал мобиллик, маргиналлик, социал статус, социал роль, ижтимоийлашув, этник бирлик, миллат, миллий ғурур, миллий ифтихор, нуклеар оила, эндогамия, экзогамия каби **асосий тушунчаларга** изоҳ берилади

4. Жамиятнинг ижтимоий тузилиши мавзуига тегишли бўлган тенгсизликнинг таркибий-функционал ва зиддиятли назарияси, М.Вебернинг тенгсизлик назарияси, У. Уорнернинг синфий стратификация концепцияси, П. Сорокиннинг мобиллик назарияси, маргиналлик концепцияларининг моҳияти очиб берилади.

5. Мавзуга тегишли бўлган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати, рефератлар ва мустақил ишлар мавзулари берилади.

6. Тестлар, турли топшириқлар ва машқлар, бошқотирмалар, кроссвордлар дарс жараёнида бажариш ва уйда ишлаб келиш учун вазифа сифатида топширилади. Таъкидлаш жоизки, ўқувчиларга бериладиган тестлар ҳар бир мавзу бўйича ўнтадан ошмаслиги лозим. Шунга ўхшаш топшириқлар, уй вазифаларини ҳам турли шакл ва кўринишларда бериш мумкин бўлади. Масалан:

Қуйидаги касбий гуруҳларнинг обрўи, нуфузини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказинг.

а) муҳандис;
б) физик;
в) банкир;
г) этикдўз;
д) компьютер мутахассиси;
е) менеджер;
ж) вазир;
з) шифокор;
и) социолог;
к) адвокат;
л) сотувчи;
м) уй хизматкори;
н) ҳайдовчи;
о) заргар;
п) учувчи;
р) қассоб

Касбий гуруҳларнинг нуфузини аниқлаш 100 дан (максимал кўрсаткич) 1 гача (минимал кўрсаткич) бўлган шкала асосида амалга оширилади. Ҳар бир касбий гуруҳнинг ўртача нуфуз даражаси аниқланади. Олинган маълумотларни

турли мамлакатлардаги шунга ўхшаш тадқиқотлар натижалари билан солиштириш мумкин.

7. **Дарснинг якуний қисми.** Маърузанинг сўнгги қисмида ўқитувчи ўтилган дарсни қисқача шарҳлайди, алоҳида фаоллик кўрсатган ўқувчилар ва гуруҳларга қўйилган баҳо (балл) ларни эълон қилади ҳамда навбатдаги уй вазифасини топширади.

Уйга вазифа. Социал мобилликнинг турли кўринишларига мисол келтиринг ва қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Мобиллик шакли	Индивидуал мобиллик	Гуруҳий мобиллик
Кўтарилувчан мобиллик		
Пасаювчан мобиллик		
Горизонтал мобиллик		

Ушбу мавзу бўйича **амалий (семинар) машғулотини** ўтказишда ўқитувчи муҳокама қилиниши лозим бўлган асосий саволларни яна бир бор эслатиб ўтгандан сўнг, дастлаб ишни **ақлий ҳужум** ўтказишдан бошлайди. **Ақлий ҳужумда** қуйидаги саволларни бериш мумкин:

1. Жамиятдаги тенглик ва тенгсизлик масалаларини қандай тушунасиз?
2. Жамиятнинг ижтимоий тузилишига оид қандай концепциялар (йўналишлар) ни биласиз ?
3. Ижтимоий синф деганда нимани тушунасиз ?
4. Бозор муносабатлари ва мулкчиликнинг турли шакллари жамиятнинг ижтимоий тузилишига қандай таъсир кўрсатади?
5. Ижтимоий стратификация нима? Ижтимоий стратификациянинг қандай кўринишларини биласиз?
6. Ўзбекистонда жамиятнинг ҳозирги ижтимоий стратификацияси қандай кўринишга эга?
7. Ижтимоий мобилликнинг моҳияти нимада? Мобилликнинг қандай кўринишлари мавжуд?
8. Шахснинг ижтимоий мақоми деганда нимани тушунасиз?
9. Маргинал шахс деганда қандай шахс назарда тутилади?

Таъкидлаш жоизки, **“Шахс ва жамият” курсидаги** мавзуларни ўрганишда (жумладан, бу мавзу бўйича ҳам) 2-4 соатларга мўлжалланган (асосан амалий машғулот дарсларида) турли ўқув ўйинларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ўқув (дидактик) ўйинлардан билиш ҳамда ишчан (ишлаб чиқариш) характеридагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Билиш характеридаги ўйинлар ҳам, ўз навбатида, турли кўринишларга бўлинади. Булар тарихий, муаммоли, зиддиятли кўринишдаги ўйинлар бўлиб, унда ўқув машғулоти мавзуи билан боғлиқ бўлган маълум бир ҳолат, жараён қамраб олинади. Талабалар гуруҳларга бўлинган ҳолда, тегишли ҳолатларни социал ролга киришиш асосида оғзаки баён қиладилар.

Ўйинни ўтказиш услуби ва босқичлари

Биринчи босқич. Ўқитувчининг кириш сўзи асосида бўлажак вазифанинг мавзуи, мақсади аниқлаб олинади, муаммо шакллантирилади, унинг долзарблиги ёритилади ҳамда уни ҳал қилиш йўллари баён қилинади. Бундан ташқари, жамоавий шаклда муаммони ҳал қилиш йўллари ва усулларини қидиришнинг зарурлиги асослаб берилади ҳамда билиш-қидирув жараёнининг самарали шароитлари яратилади.

Иккинчи босқич. Муаммо қисқача изоҳланади. Муаммонинг моҳияти одатда жамоавий муҳокама жараёнида очилади. Мураккаб, баҳсли муаммолар муқобил нуқтаи назарларни тегишли равишда муҳокама қилишга қаратилган эксперт усулини қўллашни тақозо этади.

Учинчи босқич. Муаммони ҳал қилиш йўллари (усуллари)ни аниқлаш иши ўқитувчи томонидан эркин, тадбиркорона ташкил қилинган “ақлий ҳужум” усулидаги фикр алмашишга асосан амалга оширилади.

Тўртинчи босқич. Талабалар орасидан ишчи гуруҳи ва эксперт гуруҳи тайинланади. Гуруҳ аъзолари очиқ овоз бериш асосида тайёргарлиги анча юқори бўлган талабалардан ёки овоз беришда бетараф қолганлардан тайинланади.

Бешинчи босқич. Турли қарорлар (фикрлар)ни асослаш учун кичик ишчи гуруҳларида иш олиб бориш. Гуруҳлардаги иш ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилади. Бунда асосий эътибор муаммони ҳал қилиш ва унинг асосий аргументларини исботлаш, зарурий шарт-шароитларни аниқлаш, содир бўлиши мумкин бўлган оқибатларини башоратлаш ва бошқа шу каби ҳолатларга қаратилади.

Олтинчи босқич. Муаммони ҳал қилиш бўйича тақдим этилган вариантлар муҳокамаси ва ҳимояси. Бу жараён қиёсий таҳлил асосида кўпчилик томонидан қабул қилинган меъёрлар ва тартиблар бўйича амалга оширилади.

Еттинчи босқич. Муҳокамани хулосалаш. Муаммони ҳал қилишнинг анча муваффақиятли варианти, ўйиннинг ғоят фаол ва ҳар томонлама тайёрланган қатнашчилари тўғрисидаги экспертлар фикрлари тингланади. Айрим талабаларнинг баҳолари ҳам эътиборга олинади. Ўйинни якунлаш жараёнида ўқитувчи муаммо бўйича ўз фикрини баён этади, муҳокама вақтидаги ҳаддан ошиб кетиш ҳолатларини инкор қилади ҳамда консенсус (келишувчанлик) га эришади.

“Жамиятнинг ижтимоий тузилиши” мавзуи бўйича **амалий (семинар) машғулотларда** ўқитувчи томонидан ўқувчиларга дарс жараёнида ҳал қилиш учун айрим топшириқларни бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай топшириқлардан бирини намуна сифатида келтирамиз:

Амалий машғулот дарсида юқорида берилган топшириққа ўхшаш вазифаларни ўқитувчи ўқувчиларни бир нечта гуруҳларга бўлиш асосида ҳар бир гуруҳга алоҳида-алоҳида шаклда бериши, сўнгра уларни ўзаро алмаштириш йўли билан ҳар бир гуруҳнинг билим даражасини аниқлаши мумкин бўлади. Шунингдек, дарс жараёнида ўқувчилар тайёрлаб келган рефератлар, мустақил ишларни муҳокама қилиш, кичик ҳажмдаги тестларни ечишга ҳам эътибор қаратилади.

Дарснинг якуний қисмида ўқитувчи машғулот ўтиш даврида фаол бўлган ўқувчилар, гуруҳларни алоҳида тилга олиб ўтади, уларга қўйилган баҳоларни эълон қилади. Шу билан бирга, дарс жараёнида вужудга келган муаммоли вазиятларга ўз муносабатини билдиради, уларнинг ечимини топишга интилади, тегишли хулосалар қилади. Шундан сўнг, уйга вазифа сифатида ўқувчиларга кроссвордлар тузиш, анкета саволларини (масалан, **оила мавзуида**) тайёрлаш,"Адолатлимисиз?", "Бойми ёки камбағал ?", "Исрофчимисиз ёки зиқна ?", "Оила Сиз учун муқаддасми ?" ва бошқа шунга ўхшаш психологик (руҳий) тестларни ҳам вазифалар сифатида бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мақолада биз **"Шахс ва жамият"** курсидаги битта мавзу бўйича маъруза ва амалий (семинар) машғулот ўтказишнинг айрим педагогик, услубий жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилдик. Албатта, муаллифлар томонидан таклиф қилинган бу услуб нисбий характерга эга бўлиб, у бошқа шу каби кўплаб услубларни инкор этмайди ва, ўз навбатида, етакчиликка ҳам давогарлик қилмайди. Қадимги дунёнинг машҳур мутафаккири Суқрот айтганидек: "Ҳақиқат фақат баҳс-мунозарада туғилади".

Кат.илмий ходим-изланувчи Д.О. Химматалиев,
ассис.Р.Х.Файзуллаев, Р.Эркабоев,ТИМИ

Бўлажак педагогнинг инновацион фаолиятининг модели, унинг ривожланиш истиқболлари

XXI аср инсонлар орасидаги буюк муносабатлар ривожланган, яъни ўзларининг жисмоний ва маънавий кучларини ифодаловчи инсонийлик қарашлари ривожланган асрдир. Инсонпарварлик, тафаккурнинг ўрнатилиши ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги янги турдаги ўзаро муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ёш ўқитувчининг инновацион фаолияти модели. Инновацион педагогик фаолиятнинг муҳим шарти, предметга йўналтирилган ўқув фаолиятини шахсга йўналтирилган ўқув фаолиятига айлантирилаётган шароитларда бўлажак ўқитувчини тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Модел (Modele, лотинча modulus-ўлчов, намуна) инновацион педагогик фаолият модели тушунчаси асоси қилиб ўқитувчининг фаолияти жараёни схемасини тушуниши олинади.

Ушбу муаммо бўйича адабиётларни ўрганиш кўпчилик олимлар бўлажак мутахассисларни тайёрлаш модели деганда мутахассисларнинг моделини ва унинг фаолиятини ёки тайёрлаш моделини тушунишларини кўрсатади. Е.Э. Смирнов "Мутахассис моделини" ушбу касбда мавжуд бўлган шароитлар билан ифодаланадиган унинг фаолияти аналоги деб ҳисоблайди. Тадқиқотчилар шахсга йўналтирилган ёндашишда қуйидаги хусусиятларни ажратиб оладилар:

-педагогик инновацияларнинг мақсадлари-педагогик жараённинг ҳамма субъектларини шахсий ривожлантириш. Инновацион жараёнда педагогнинг тутган ўрни ўзгариши керак. Ўқитувчи билимларини етказиб берувчи эмас, балки ўқувчи шахсинининг ташкил топиши ва ривожланишида ёрдамчи сифатида иштирок этади;

-ўқув жараёнини ташкил этиш характери. Ўзлаштириш жараёни эскича ёдлаб олиш хусусиятларини йўқотиб, ўқув жараёни субъектларининг ўзаро алоқалари ва фикрлаш фаолиятларини турли шаклларида содир бўлади;

-мустақил ўрганиш фаолиятини баҳолаш;

-янги педагогик тажрибаларни ўзлаштириш;

-таълимнинг ўзгараётган мазмуни ва мақсадларини мос равишда билимларни, малака ва кўникмаларни эгаллаш бўйича махсус ишлар.

Бундай муносабатларнинг характерли томонлари:

-таълим бериш ва тарбияда шахсга йўналтирилган йўлни амалга ошириш;

-аста-секин гуруҳли ўзаро алоқадан индивидуал алоқага ўтиш;

-ўқувчиларга қўйиладиган тўғридан-тўғри педагогик талаблардан маслаҳат, илтимос ва таклифларга ўта бориш;

-ўқувчилар билан бўладиган иш муносабатларнинг ҳис-туйғуга ўта бошлаши;

-коммуникатив иш фаолиятининг доимо назоратда бўлиши;

-ўқувчига унинг ривожланишидаги ёрдамни инсоний ва маданий муносабатларни тарбиялаш орқали вужудга келтириш.

Ҳозирги замон фан-техника инқилоби босқичининг характерли хусусиятларидан бири жамият ҳаётининг барча жабҳаларини компьютерлаштиришдан иборатлиги касбий ва шу қаторда педагогик фаолиятнинг таркибини кескин ўзгартиришни келтириб чиқаради. Таълим тизими барча бўғинларининг ахборот технологияларидан фойдаланиши таълимнинг ахборотлашувида кундалик талабни келтириб чиқаради, бу эса, ўз навбатида, техника олий ўқув юртининг бўлажак касбий таълим ўқитувчисидан янги ахборотлар муҳитида бемалол ишлай олувчи кўникмаларни ўзлаштиришни талаб этади.

Умумлашган ҳолда ёш ўқитувчи салоҳиятини оширишида унинг шахсига қўйиладиган асосий талаблар: **касбий билимдонлик, зиёлилик, маънавий баркамоллик, ижодкорлик, маданиятлилик, қатъиятлилик, уддабуронлик.**

Ҳозирги даврда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кескин кучайганлиги учун ҳам ўқитувчига ва ҳам ўқувчига жуда катта ва турли-туман ахборот технологиялари билан ишлашга тўғри келганлигидан уларнинг асосийларини юксак билим ва ақл-идрок билан ажратиб олиш зарур. Шунинг учун ўқитувчилар меҳнати ва билимини ташкил қилиш учун қуйидагилар зарур:

1. Бўлажак педагогнинг биргина ахборот технологиялари муҳитида ишлашга тайёргарлигини ташкил этиш. Бу муаммони ахборот технологияларини билиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш маъносида қараш мумкин.

2. Педагогнинг фикрини жамлаш, вақтини тежаш ҳамда ўқитиш методикасини ташкил этишга имкон берувчи ягона ахборот тизимига яқинлаштириш.

3. Ахборот технологияларидан фойдаланиб таълим беришга тайёрланиш ва унга ўтиш. Бундай ўтиш ўқув курсларини ахборотли-компьютерли ҳолга ўтказишни кўзда тутади.

4. Бирлашган ахборот ҳажмидаги ўқув жараёнининг дастурий-методик таъминланишини тайёрлаш.

Шундай қилиб, университетнинг бўлажак педагоглари аниқ фанларни ўқитишда компьютердан фойдаланиш малакаларини ошириши ва билиши зарур.

Таълимдаги халқаро тенденцияларнинг, хусусан, касбий педагогикадаги, таҳлили ўқитувчининг ҳам касбга оид ва ҳам шахсий сифатига нисбатан талабларнинг кескин ортишига олиб келмоқда:

а) таълим сифатининг ўқитувчи касбий билимдонлиги юқорилашиб бориши зарурлигини кўрсатади;

б) ўқитувчиларга кўплаб илмий ва ижодий масалаларни қўйиш ва ечишларига тўғри келмоқда, бу эса ўқитувчининг илмий ва ижодий хусусиятлари ортиб боришига олиб келади. Шундай қилиб, келажак ўқитувчининг узлуксиз ижодий шахсга айланиши зарурлигини кўрсатади;

в) мураккаблашиб бораётган тарбия ўқитувчидан юқори даражадаги зиёлиликни ва руҳий-маънавий хулқининг ортиб боришини талаб қилмоқда.

г) XXI аср ўқитувчидан ўқитиш ва тарбиянинг илғор технологияларидан ва аждодларимиз битикларидан доимо фойдалана боришини талаб қилмоқда.

Маълумки, ёш педагогнинг моҳир педагог бўлиб ривожланишида буюк алломаларнинг фикрлари катта аҳамиятга эга:

Беруний таълим-тарбия соҳасида ўша замонларда, ҳатто ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган фикрларни илгари суради. У таълим бериш жараёнида таълим олувчини зериктирмаслик, билим беришда бир хил нарса ёки битта усулда ўргатавермаслик, узвийлик, изчиллик асосида, мавзуларни қизиқарли асослаб, кўргазмали баён этиш ва шунга ўхшаш нарсаларга эътибор бериш лозимлигини уқтирган.

Беруний таъкидлашича, инсон камолотида уч нарса муҳимдир, ҳозирги маърифат, илм-фанни эътироф қилувчи-ирсият, ижтимоий муҳит ва тўғри тарбиядир. Яна у инсон камолга етиши учун энг муҳим омил-муаллимнинг илм-маърифатли бўлиши билан бирга юксак ахлоқли бўлиши ҳам кераклигини эътироф этади.

Ибн Сино бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини фалсафий, ижтимоий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаб, махсус рисолаларда талқин этган.

Ибн Сино инсон камолотининг бош мезони саналган маърифатни эгаллашга даъват этади. Илм-фаннинг табиат ва жамият қонуниятларини очиб, авлодларга етказишини эътироф этиб, бу мақсадга етишиш учун қийинчиликлардан қўрқмаслик зарурлигини таъкидлайди.

Таълим олувчиларга билим бериш ўқитувчиларнинг масъулиятли бурчидир. Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритиб, шундай йўл-йўриқлар беради;

-болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;

-берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;

-таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;

-талабаларнинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;

-фанга қизиқтира олиш;

-берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш;

-билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;

-ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғота олиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

Мирзо Улуғбекнинг фикрича, болаларнинг билим олишни истамаслиги мударрисларнинг нодонлигидандир, чунки бундай тарбиячилар таълим усулларини нотўғри қўллаш билан болаларнинг билимга қизиқишини сўндиради. Мударрис аввал ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларини чуқур эгаллаши, ўз устида тинмай ишлаши, билимларини такомиллаштириб бориши лозимлигини эътироф этиб, бериладиган билимларнинг юқори савияда бўлишига эътибор беришга даъват этади.

Шунингдек, Улуғбек дарсликлар қанчалик мазмунли бўлмасин, таълимда ўқитувчи асосий ўринда туришини, у ўз педагогик маҳорати ва яхши фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши, яхши тарбия кўрган, чуқур билимли ва маърифатпарвар инсон бўлиши кераклигини таъкидлайди. Улуғбекнинг ўзи Самарқанд мадрасаларида ана шундай фазилатли устоз сифатида фаолият кўрсатди.

Улуғбекнинг фикрича, боланинг билим олишга қизиқишини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўрин эгаллайди. Оилада ота-оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб етишишларига эътибор беришлари лозим, дейди.

Шу каби ибратли фикрлар ёш ўқитувчининг профессионал даражасида шаклланишига ёрдам беради.

Ёш мутахассис тажрибали новатор педагог сифатида ўз мавқеига эга бўлишида педагогик маҳорат асослари фанининг ютуқларига таяниши лозим.

Кат. ўқит. Ф.Ф. Абдурахманова, ассис. Н.А. Шанасырова,
М.А. Пирматова, ТДИУ

Турли мулкчилик шаклида иқтисодиёт субъектларини тўғри бошқаришда таҳлилнинг роли

Фан сифатида иқтисодий таҳлилнинг мазмуни, аввало унинг бошқа амалий фанлар тизимида бажарадиган функцияларидан келиб чиқади. Ана шундай функцияларидан бири иқтисодий қонунларни таъсири характерини

ўрганиш, аниқ корхона шароитида иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар қонуниятлари ва тенденцияларини белгилаш ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилнинг яна бир фунцияси - жорий ва перспектив бизнес режаларни илмий жиҳатдан асослашдир. Бошқарув қарорларини ва бизнес режалари бажарилиши ҳамда ресурслардан фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳам иқтисодий таҳлилнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилнинг марказий функцияларидан бири - илғор тажрибаларни, фан ва амалиёт ютуқларини ўрганиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари (резервлари)ни қидириб топишдир.

Иқтисодий таҳлилнинг навбатдаги функциялари жумласига бизнес режаларни бажариши, иқтисодиётни ривожлантиришидаги эришган даражасини ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиши бўйича корхона фаолияти натижаларини баҳолашни киритиш мумкин. Шунингдек, иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим функциялари жумласига яна аниқланган резервлардан фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишни ҳам киритиш мумкин.

Турли мулкчиликка асосланган иқтисодиёт бозор муносабатларининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Унинг субъектлари бўлган корхоналар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи бошқа шахслар мулкнинг эгаси ва тасарруф этувчиси сифатида маблағлардан тўғри фойдаланишдан манфаатдордирлар. Бу эса содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ва ҳодисаларини даврий кузатишни, фаолият натижавийлигини батафсил ўрганишни ҳамда уларни иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади. Шу жиҳатдан корхона фаолиятини бошқаришнинг муҳим воситаси ва қуроли бўлган иқтисодий таҳлил ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Бозор муносабатларида, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, аввало тизимда бошқарув ролини оширишдан бошланади. Чунки, тўғри бошқарув воситасида корхона ўз олдидаги вазифаларни ҳал қилади ва қўйилган мақсадга эриша боради.

Корхонада бошқарув тизими ўз объекти ва субъектидан иборат бўлади.

Бошқарув объекти – ишлаб чиқариш, субъекти эса бошқарув таркибидир.

Уларни ҳар бири ўзига юклатилган функцияларни бажаради. Аммо, мазкур кичик тизимлар бир-бирлари билан узлуксиз ва чамбарчас алоқада бўлиб айни ҳолатда ягона тизимни ташкил қилади.

Бошқарув субъекти – бошқарув объектининг катта-кичиклиги ва ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб ташкил этилади.

Лекин, бошқарув субъекти ҳар доим ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнларини ўзгаришига кўра объект шакли ва унга таъсир этувчи усулларни белгилайди ҳамда такомиллаштириб боради. Бошқарувчи кичик тизим бошқарув объектни тартибга солади, мақсад ва дастурларни бошқарув функциясига кўра ишлаб чиқади ва уларни назорат этади. Демак, бошқарув субъекти корхона тизимида фаол рол бажарар экан.

Яна, бошқарув субъекти бошқарувнинг етакчи функцияларини: маркетинг, режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, тартибга солиш ҳамда назорат ва аудитларни амалга оширади.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда корхона фаолиятининг ташкил этиш ва юритишни маркетинг қонунлари, тартиблари ва тамойилларини билмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Чунки, маркетинг илми асосида энг мақбул дастурлар ёки режалар ишлаб чиқилади.

Бошқарув тизими сифатида маркетинг фаолиятини асосий тамойиллари мазмуни қуйидаги кўринишни олади:

- ишлаб чиқаришни бозордаги талабга мос тушиши;
- бозордаги ҳолат ва корхонани ҳақиқий ишлаб чиқариш имконияти;
- харидор ва буюртмачилар талабини янада тўлароқ қондириш;
- аниқ бозорларда маҳсулот ва хизматларни кўзда тутилган ҳажмда ва белгиланган муддатда сотиш;
- ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини узоқ муддатли рентабелли ишлашини таъминлаш;
- танлаб олинган маркетинг стратегияси ва тактикасига қатъий амал қилиш (бозор ҳолатини эътиборга олган ҳолда);
- доимо ўзгариб турувчи бозор ҳолатига ва харидор талабига мослашиш.

Мазкур санаб ўтилган тамойилларга амал қилиш ва маркетинг дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш бевосита аналитик ҳисоб-китоблар билан чамбарчас боғланган. Бу жараёнлар асосида жуда кўплаб иқтисодий таҳлил ишлари бажарилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

- корхона иқтисодига ташқи ва ички муҳитни кўрсатадиган таъсири таҳлили;
- бозор ҳолати таҳлили (кенг кўламда, товар гуруҳлари ва алоҳида товарлар бўйича);
- истеъмочилар ва сотиб олувчилар таҳлили;
- рақобат ҳолати таҳлили;
- бозордаги баҳо ҳамда ўз бахосини белгилаш тактикаси таҳлили;
- молиявий натижалар таҳлили.

Бошқарув жараёнида тартибга солиш функцияси – бошқарувчи субъектнинг энг мақбул бошқарув қарорларини қабул қилишда ўта муҳим ҳисобланади. Бу билан, ўрганилаётган объектга комплекс ёндашилиб, бутун бир тизимни ижобий ва салбий жиҳатлари назарда тутилган ҳолда энг мақбул чоралар ёки тадбирлар белгиланади. Натижада, бошқарув объекти фаолияти ёки дастуридаги салбий ҳолатлар тугатилади ва бошқарув дастурларига аниқлик киритилади. Мазкур ишлар бевосита иқтисодий таҳлил ёрдамида амалга оширилади. Чунки, тартибга солинаётган ҳар бир объект ҳар томонлама чуқур ўрганилади.

Бошқарувда асосий фаолиятни ишончлилигини таъминлашда назорат этишнинг ҳам роли каттадир. Унинг ёрдамида фаолиятнинг бориши, уларнинг нечоғлик ҳаққонийлиги текширилади. Текшириш жараёнини сифати, ишончлилиги ошириш учун таҳлилнинг усуллари, тамойилларидан фойдаланилади ва шу асосда керакли хулосалар ёзилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган бошқарувнинг барча функциялари корхонани иқтисодий ривожланиши учун тайинланган. Бироқ, корхонани фақатгина иқтисодий тизим деб қараш ҳам, унга бир томонлама ёндашишини келтириб чиқаради. Чунки, унинг ўзига хос моддий-техник, ижтимоий, экологик ва бошқа шу каби жиҳатлари ҳам мавжуд.

Демак, корхона тизимида моддий-техник, ижтимоий, экологик жараёнларни ҳам таҳлил этиш ундаги мазкур йўналишдаги ҳақиқий аҳвол ва унинг такомиллаштириш масалаларини ўрганади ва уларга таъсир этади.

Буларнинг натижаси эса, иқтисодий жараёнларга кўрсатган таъсири билан аниқланади.

Фикримизни умумлаштириб, шу нарсаларни айтиш мумкинки иқтисодий таҳлил корхонани бошқаришни муҳим функцияларидан биридир.

Унинг ёрдамида:

а) бошқарув қарорларини илмий асосланиши таъминланади;

б) мулк ва маблағлардан фойдаланишнинг муқобиллик шартларини белгилайди ва бошқарувчи улар қаторидан ўзи учун мақбул бўлган оптимал вариантларни танлайди;

в) истиқболли бошқариш учун замин тайёрлайди.

Бозор иқтисодиёти – бозорнинг ўзига хос қонунлари, функциялари ва вазифаларини бажаришга асосланган иқтисодий муносабатларни алоҳида шаклидир. Бу жараёнда бозор муносабатларининг барча жиҳатлари, хусусиятлари амал қилади.

Бозор субъектлари яъни ишлаб чиқарувчилар ёки харидорлар, мавжуд таркиб топган тизимда талаб ва таклиф, пул муомаласи, рақобат, инқироз ва шу каби томонларга мослашиб, ўз фаолиятини амалга ошириши шарт. Бу эса уларни мазкур шароитда яшаб қолиш ёки ривожланишини таъминлайди. Акс ҳолда, улар ўзлари олдига қўйилган мақсадга эриша олмай бозор муносабатларида ўринларини йўқотадилар.

Бозор муносабатларида корхоналар фаолиятини бошлаши ёки давом эттиришидан олдин, даставвал унинг ва ўзининг барча ҳолат ва имкониятларини чуқур таҳлил қилишга мажбур. Натижада, таваккалчиликка асосланган, лекин айни пайтда илмий асосига эга бўлган фаолият дастури ишлаб чиқилади. Дастурга амал қилиш эса маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

Бозор муносабатларини ривожланиб, тобора такомиллашиб бориши корхоналарда таҳлил қилинадиган, ўрганиладиган объектлар сонини ҳам кўпайитириб, мураккаблаштириб бормоқда. Жумладан, бозордаги инфраструктура хизматидан бошлаб то корхонадаги таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа ҳисоб-китоблар ҳамда молиявий муноса-батларгача, қиймат яратилиши ва эришилишининг барча босқичлари ва шу кабилар улар учун таҳлил объекти бўлиб қолмоқда.

Бозор шароитида илмий асосда ишлаб чиқилган бизнес-режалар ҳаракат учун кўлланмадир. Режани илмий асосда бўлиши бевосита иқтисодий таҳлил ишлари билан боғлангандир. Чунки, режа кўрсаткичлари бозордаги ҳолат,

ўтган йиллар тажрибаси, белгиланган меъёрлар, етакчи корхоналар ҳамда ички имкониятлар аҳволидан келиб чиқиб белгиланади.

Мазкур тадбир мулк эгалари учун ўта муҳим ҳисобланиб, маблағлардан фойдаланишда энг яхши деб танланган самарали йўналишнинг ҳар бир босқичида амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракат аниқ белгиланиб олинади. Ундан кутиладиган натижалар эса илмий асосда ҳисоб-китоб қилинади. Демак, режалаштириш ишларининг ҳар бир элементи даставвал турли усуллар билан муқобиллик асосда таҳлил этилади. Натижада эса, энг мақбул фаолият деб танлаб олинган йўналиш учун маблағлардан фойдаланишда имкон қадар самарали чора-тадбирлар илмий асосда ишлаб чиқилади.

Корхоналар ишлаб чиқариш ва тижорат ишларини амалга ошира бошлаганида ҳақиқий маълумотлар олиниб уни режа кўрсаткичлари билан таққосланиб кўрилади. Бу билан режанинг нақадар реаллигига баҳо берилади, юзага келган ижобий ёки салбий ҳолатлар аниқланади ҳамда қай даражада имкониятлар кўзда тутилгани ўрганилади. Ҳақиқий маълумотлар бевосита бозордаги ҳолат билан ҳам боғланади. Бозордаги ўзгаришлар ва уларнинг корхона фаолиятига ижобий ёки салбий таъсирини тезкорлик билан таҳлил қилинади. Шу асосда тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

Иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишдир. Таҳлил давомида хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хулосалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Иқтисодий таҳлилнинг икки хил йўналишини кўрсатиш мумкин:

1. Саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;

2. Иқтисодиёт тармоқларининг бошқа тармоқларини таҳлил қилиш.

Бунда иқтисодий районлар, ҳудудлар ва бутун иқтисодиёт тармоқларини таҳлил қилиш тушунилади. Шуни айтиш керакки, иқтисодиёт тармоқларини таҳлил қилиш иқтисодий фанлар мажмуасида мустақил ўрин олмаган бўлиб, у сиёсий иқтисод ва тармоқлар иқтисодиёти курсларида ўрганилади. Холбуки, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш иқтисодий фанлар қаторидан ўзига хос мустақил ўрин олган.

Хўжалик фаолиятини муваффақиятли бошқариш кўпгина таъсир этувчи омилларга, шартларга ва ҳолатларга боғлиқ бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, корхоналар фаолиятини бошқаришда бошқарув функцияси асосий мавқеини эгаллайди, шу билан бирга таҳлил ҳам. Ушбу функцияларнинг тўлиқ фаолияти ва даражаси кўп жиҳатдан уларнинг услубиятига боғлиқлиги билан, бундан ташқари бошқарув объектида фаннинг предметини ўз вақтида аниқ тушуниши билан ажралиб туради.

Бизга маълумки, одатда ҳар қандай фан ўз предмети орқали объектив борлиқнинг қайсидир томонлари ва қисмларини тушуна олади. Айнан битта объектни турли хил фанлар ўзининг ихтисослик томонларидан ёки алоқаларидан келиб чиқиб турлича қараши мумкин. Кўриниб турганидек, хўжалик фаолияти ўзининг мазмуни ва структураси жиҳатидан мураккаб объект эканлиги билан ажралиб туради.

Шу сабабли корхоналарнинг хўжалик фаолиятини кўпгина иқтисодий фанлар ҳамда бошқа фанлар ўрганиши мумкин.

Ҳар бир фан жамият, табиат ва идроклаш, тараққиёт ҳақида маълум бир билим беради. Бундай билим беришда ёки ўрганишда табиат ва жамиятни ривожлантиришдаги умумий қонуниятларига, тамойилларига амал қилади.

Иқтисодий таҳлил ҳам аниқ фан сифатида қуйидагилар ҳақида махсус билим беради:

- иқтисодий жараён, ҳодиса ва воқеаларни ривожланишини, ўзгаришини объектив (ташқи) ва субъектив (ички) таъсир этувчи омиллар билан умумий боғлиқ ҳолда ўрганиш;
- ўрганилаётган фирма, ташкилот, муассаса ва уюшмаларнинг фаолиятини тўлиқ ва кенг ўрганган ҳолда аниқ ва холисона баҳо бериш;
- ижобий ва салбий таъсир этган омилларни аниқлаш, рақамларда кўрсатиш ва ҳисоблаш;
- мавжуд имкониятлар, самарадорликни оширишни йўл-йўриқларини кўрсата олиш;
- илғор ғоя ва тажрибаларни ўрганилаётган жараёнга қўллаш йўналишларини белгилаш.

Молиявий ва бошқарув таҳлилида ўрганилаётган ҳодиса ёки жараён майдадан-йирикка, оддийдан мураккабга ёки аксинча ўрганилади, ҳамда умумий бирлиги ва бир-бири билан ўзвий боғланиши эътиборга олинади. Демак, хўжалик фаолиятини таҳлили фирмаларнинг иқтисодий фаолиятини объектив ва субъектив омилларни эътиборга олиб ўрганади.

Турли мулкчилик тизимига асосланган иқтисод бозор механизмининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Унинг субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар, алоҳида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар мулкнинг эгаси ва тасарруф этувчиси сифатида уни тўғри бошқаришдан манфаатдордирлар, бу эса, албатта, содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ва ҳодисаларини даврий кузатишни, фаолият натижавийлигини батафсил ўрганишни иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади. Шу жиҳатдан корхона (фирма) фаолиятини бошқаришнинг муҳим воситаси ва қуроли бўлган иқтисодий таҳлил ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Доц. Н.И. Халилова, Низомий номидаги,
А. Кучкарова, Низомий номидаги ТДПУ

Таълим жараёнидаги узвийликни таъминлашда талабалар билимини назорат қилишнинг ўрни

Таълим тизимининг асосий муҳим шартларидан бири бу ўқитиш жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини мақсадли ва самарали равишда қўллашдан иборат. Шунингдек, тайёрланаётган мутахассисларга замон талабларига мос билимлар ҳамда фан-техниканинг илғор ютуқларини сингдириш ҳам ҳозирги ўқитиш тизимининг муҳим шарти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олганда, таълим жараёнида талабаларни билимларини назорат

қилиш уларнинг келгусидаги фаолиятларининг муҳим жиҳатларидан бири саналади.

Шунга мувофиқ талабаларнинг билимлари ёки уларни амалда қўллаш кўникмалари текширилаётганига қараб қуйидаги назорат турлари фарқланади: сўров ва амалий топшириқларни бажариш. Сўров орқали талабаларнинг муайян бир эмпирик факт, назариялар, тушунчаларнинг изоҳи, мисоллар таснифлар, илмий қонуниятлар ҳақидаги билимлари текширилади. Амалий масалаларни бажариш орқали эса ушбу билимларни ўқув ва масалаларни ҳал қилишда қўллаш назарда тутилади.

Ўз навбатида сўров ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Оғзаки сўровнинг ютуқлари: 1) талабаларнинг билим даражасини аниқлаштириш учун саволлар бериш; 2) тасодифий баҳолашнинг олди олиниши; 3) талабанинг монологик боғлай олиш кўникмасини текшириш мумкин. Албатта бунда талаба саволга мос равишда тушуниб гапирса мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, оғзаки сўров натижаларини баҳолаш бироз субъективроқ бўлади. Ҳар икки томон ҳам муаммони ечимини баҳолаш бўйича субъектив фикрга эга бўлади. Агар бу борада 2 томоннинг фикри бир-бирига мос келмаса, бунда объективликка эришиш мушкул бўлади. Кўп вазиятларда ўқитувчи ҳақ бўлиб чиқади. Ёзма сўровнинг қулайлиги қисқа вақт ичида кўпчиликнинг билимини баҳолаш имконини беради, бироқ бажарилган ишларни текширишга кўп вақт сарфлайди. Унинг шакллари: 1) машғулот давомида олинадиган ёзма назорат иши; 2) уй иши (реферат, конспект). Ёзма сўров орқали баҳолаш объективроқдир, агар талаба олган баҳосидан қониқмаса апеляцияга бериши мумкин. Талабанинг ёзма жавоби учун баҳолаш асоси бўлади.

Шунингдек, талабаларни билимларини баҳолашда амалий топшириқлар ҳам оғзаки ва ёзма бўлиши мумкин.

Шунингдек, сўров эркин ва дастурлаштирилган бўлади. Эркин сўровдан кенг умумий саволларга жавоб беришда қўлланилади. Бунда талабадан илмий далилларга таянган ҳолда мантиқий мушоҳада орқали саволларга ёзма ёки оғзаки жавоб беришлари кўзда тутилади. Бундай саволлар қуйидагича бўлиши мумкин: “Идрок ва унинг хусусиятлари”, “Хотира ва унинг турлари”, “Психологияда шахс тушунчаси”. Бироқ бундай сўров натижаларини баҳолаш бироз қийинчилик туғдиради. Дастурлаштирилган сўров эса бироз аниқроқ саволлар қўйишни талаб этади, масалан; “Қачон тарихда биринчи марта психик лаборатория очилган?”, “Ким биринчи бўлиб психоанализ назариясини ишлаб чиққан?”, “XX асрлардаги психологиянинг илмий мактабларини сананг?”. Бундай саволларнинг жавоблари аниқ ва баҳолаш ҳам осонроқ. Буларга тестлар ҳам мисол бўлади.

Амалий топшириқлар ҳам эркин ва дастурлаштирилган бўлиши мумкин. Биринчи вазиятда топшириқларни бажаришда ижодий ёндошув талаб этилади, Масалан, реферат, конспект, резюме ёки икки вазиятда эса муайян алгоритмни амалга ошириш талаб этилади. Масалан, келтирилган психик вазиятлар қайси психологик тушунчага мос келиши топилади ёки вазифадаги корреляция коэффициенти аниқланади.

Гуруҳдаги ҳар бир талаба билан индивидуал ёки бутун гуруҳ билан бирданига ишлаш орқали уларнинг билим ва кўникмаларини текширишни индивидуал ва фронтал кўриниши мавжуд. Бу икки ҳолатда ҳам юқорида келтирилган барча назорат турлари бир вақтда қўлланилиши мумкин. Фронтал усул ўқитувчининг вақтини тежашлиги билан қулай бўлса ҳам ҳар бир талабага индивидуал ёндошиш имкони йўқ. Маъруза семинар, амалий машғулотларнинг бошида ёзма фронтал экспресс сўровни қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунда талаба 5-10 минут ичида бир неча саволга қисқа жавоб бериши лозим. Бу усулни қўллаш талабаларнинг машғулотга тайёрланиш мотивациясини оширади.

Имтиҳонда талабалар билимини бир киши ёки бир неча кишилар текширишга қараб персонал ва эксперт турларни ажратиш мумкин. Персонал назорат бир киши томонидан эксперт назорат эса имтиҳон олувчилар гуруҳи томонидан ташкил қилинади. Асосийси, эксперт гуруҳи баҳонинг объективлигини оширади. Шу боис, ушбу усул объективлик жуда муҳим бўлган вазиятларда қўлланилади.

Айниқса, талабаларни билимини объектив баҳолаш ва мутахассисликка тайёргарлик даражаларини аниқлашда Давлат аттестацияси комиссияси ва битирув малакавий иши, магистрлик диссертациялари ҳимоясида қўлланилади. Бироқ бу усул жуда кўп иш кучини талаб этади. Қолаверса, билимларни назорат қилишнинг бир марталик ва тақсимланганлик турлари ҳам мавжуд. Фан бўйича эгалланган вақтида назорат қилиш бир марталикка мисол бўла олади. Катта ўқув материалини оралиқ назоратнинг ўтказиш бироз мушкул. Шу боисдан ҳам охирида якуний имтиҳон олинади ва бу кўпроқ имтиҳон “лотореясига” айланиб кетади. Билимларни баҳолашда ишончлилик даражасини ошириш учун ҳар бир боб, бўлимдан биттадан савол қўйиш зарур. Бироқ бунинг иложи йўқ, чунки вақт чегараланган. Назоратнинг тақсимланган тури билимларни текшириш муайян бир бўлаклар бўлиб чиқишни талаб этади. Демак, курс бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини назорат қилиш бутун семестр жорий назорат ҳамда оралиқ назорат давомида йиғилиб боради ҳамда ҳозир бу усул кенг қўлланилиб рейтинг тизими деб юритилади.

Рейтинг баҳолаш таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма, малакаларини тўлиқ, ишончли, объектив баҳолаш учун рейтинг баҳолаш тизими қўлланилади.

Тизим ўзлаштиришни баҳолашнинг “йиғиб боришни” қўллаш асосига қурилган. Ушбу тизимнинг энг муҳим ютуғи шундаки талабалар ўқув фаолиятини миқдор ва сифатини мажмуавий ҳамда дифференциал баҳолашни таъминлайди. Уларнинг ўқув машғулотларга бўлган мотивациясини оширади ҳамда семестр давомида мустақил ўқув фаолиятини стимуллаштиради.

Рейтинг тизимида топшириқларнинг мураккаблик даражаси инобатга олинади. Талабаларнинг семестр давомидаги муваффақиятли ўзлаштиришлари 100 % балли шкала асосида баҳоланади. Баҳолаш топшириқларнинг бажарилганлик даражасига қараб балланади.

Фанлар бўйича рейтинг баҳолаш миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

- семестр давомида талаба фаолиятининг сифат ва миқдорига қараб рейтинг баҳолаш;

- оралиқ назорат бўйича рейтинг баҳолаш натижалари.

Демак, уюшқоқлик, дифференциаллик, кўп қирралилик рейтинг баҳолашнинг характери ва ютуғидир. Шу билан бирга унинг турли кўринишлари мавжуд.

Келтирилган фикрлардан кўринадики, талабаларни билимини оқилона ва адолатли баҳолаш муҳим ҳисобланади. Шунинг билан бирга талаба томонидан эгалланаётган билим, кўникма ва малакаларни шаклланиш даражаларини самарали текшириб бориш лозим. Бунинг учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш керак:

- талабаларга уларга қуйилаётган баҳони субъектив эканлигини тушунтириш;

- талаба билимини баҳолашда объективликка эътибор бериш;

- улар билимларини баҳолашнинг турли хил усулларини ишлаб чиқиш;

- кўпроқ талабаларни баҳо учун қизиқтирмасдан билим олиш муҳим эканлигини англатиш;

- талабалар билимларини баҳолашда уларнинг психологик хусусиятларини инобатга олиш.

Доц. Д.Т. Юсупова, ассис. Г.Х. Норматова, ТТЕСИ,
магистрант З.А. Пулатова, ТДИУ

Саноат корхоналарининг ташқи бозорига чиқиш стратегиясини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш нуқтаи назаридан Марказий Осиёда тутган географик, ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолат уни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун асос яратади. Ўзбекистоннинг бой табиий хомашё ресурсларига эканлиги, ҳамда иқтисодий минтақадаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар нуқтаи назаридан энг ривожланган эканлиги турли давлатлар ўртаси ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ўрнатишда боғловчи звено бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекситон Республикаси қуйидаги устунликларга эга:

- табиий иқлим шароитларидаги қулайликлар (йилига ўртача 8 ой қишлоқ хўжалиги учун, туризм учун, халқаро спорт анжуманларини ўтказиш учун ортиқча иссиқлик ва электр энергиясини сарфламаслик);

- катта миқдордаги минерал хомашё потенциалига эгалиги (3,5 трлн. АҚШ долларига тенг). Республикамизда 2800 дан ортиқроқ қазилма конлари мавжуд бўлиб шулардан 100 га яқини ўзлаштирилган, 100 дан ортиқ турлаги минерал хомашёлар бўлиб, шулардан 65 таси саноат ва қишлоқ фойдаланилади;

- дунёга машҳур бой маданий тарихий ва архитектура бойликларига эгалиги халқаро туризмни ривожлантиришда устунликка эга бўлиши;

- етарли даражада малакали, арзон ишчи ресурсларига эгалиги;

- юқори илмий салоҳият ва амалий тадқиқотлар даражаси;

- экспорт салоҳияти ишлаб чиқариш ва савдо инфратузилмасининг нисбатан ривожланганлиги.

Республикамизнинг экспорт салоҳияти барқарор ривожланиш стратегиясининг умумиқтисодий стратегиясининг асосий қисми бўлган либераллашувнинг макроиқтисодий шартлари билан узвий боғлиқ. Шу сабабдан экспортнинг ташкилий тузилишини такомиллаштиришнинг стратегик мақсади бўлиб халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг илғор формаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бугунги кунда товар экспорти номенклатурасига енгил автомобиллар, автобуслар, автотрактор фильтрлари, юпқа электр узаткичлар, электр хўжалик техникаси ва аппаратлари, комплекс химиявий ўғитлар, тош ва керамикадан ясалган турли буюмлар, мебеллар, пойабзал, трикотаж буюмлари каби янги тур маҳсулотлари ҳам қўшилди.

Экспортни ривожлантиришда ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ишлари алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги кунда экспорт дунёнинг деярли 80 мамлакатига амалга оширилмоқда. Ўзбекистон маҳсулотининг истеъмолчилари бўлиб ғарбий Европа мамлакатларининг бозорлари, Миллий Ҳамдўстлик давлатлари жумладан, Россия давлати бозорлари Эрон, Туркия давлатларининг бозорлари ҳисобланади.

Республиканинг экспорти таркибини таҳлил қилар эканмиз, анъанавий пахта толаси, рангли металлар билан бир қаторда турли дастгоҳлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ип, пахтадан тайёрланган газламалар, самолётлар, автомобиллар ва бошқа тайёр маҳсулотлар улушининг ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Амалиётда бирорта ҳам давлат тайёр маҳсулотларни импорт қилишдан манфаатдор эмас. Улар максимал даражада ўз ички бозорини ташқи ишлаб чиқарувчилар рақобатидан ҳимоялашга ҳаракат қилади.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистон Республикаси товар экспотёрлари учун имтиёзлар яратиб, республикамизнинг экспорт салоҳиятини ошириш устида тинмай иш олиб бормоқда. Бугунги кунда экспортёр корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган солиққа тортиш бўйича бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Даромадга товарларни реализация қилиш ҳажмига нисбатан экспортнинг улушига қараб солиққа тортиш регрессив шкаласи жорий этилган. Миллий товарларни халқаро бозорга чиқиши маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ИСО 9000 сериясидаги жаҳон стандартларига жавоб беришини, корхоналарда сифат менежменти системасини жорий этишни талаб қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, республикамизда бир қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда: ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни халқаро аналогларнинг шартларига жавоб берадиган даражага келтириш мақсадида норматив-техникавий ҳужжатларга ўзгаришлар киритиш, қайта кўриб чиқиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг биринчи навбатда экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини тавсифловчи стандартларга аниқлик киритиш ва ишлаб чиқиш; корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш; ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этилган сифатни бошқариш тизимига мувофиқлигини атестациядан ўтказиш.

Миллий экспорт сиёсати амалга оширилиши таркибан 2 та ўзаро боғланган йўналишни ўз ичига олади; биринчидан экспорт салоҳиятининг ўсиши, иккинчидан, экспортни ривожланишига олиб келадиган шарт-шароитларнинг яхшиланиши.

Экспорт салоҳиятининг ривожланиши масаласи маҳаллий саноатнинг асосий муаммосини таҳлил қилиш, илмий-изланиш, тажриба-ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш, техникавий қайта суръатлари, миллий таълим ва қонунлар асосида шаклланади.

Экспортнинг доимий ўсиб боришини таъминлайдиган экспорт салоҳиятининг ривожланиши қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади: анъанавий экспорт (пахта, ипак, қоракўл, рангли металлар ва қурилиш материаллари)нинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш; янги технологияларни жорий этиш, анъанавий бўлмаган товар ва хизматларни экспорт қилиш ҳисобига экспорт номенклатурасини кенгайтириш; мамлакатимизга жаҳон даражасига жавоб берадиган технологияларни келтираётган чет эл инвесторларига нисбатан ”очиқ эшиклар” сиёсатини олиб бориш; экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифатининг халқаро стандартларга жавоб беришини таъминлаш; Республикамиз корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнининг тугалланган циклини яратишни рағбатлантириш; кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларнинг экспортга йўналтирилишига кўмаклашиш; экспортёрлар учун реал иқтисодий рағбатлантиришни таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш; хомашё ва дастгоҳларни, комплектловчи буюмлар импортини қисқартириш мақсадида оралиқ товарларнинг ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш; экспортга йўналтирилган хизматлар соҳаси, шунингдек халқаро сервис стандартларига жавоб берадиган туризм инфратузилмасини таъминлаш.

Яқин келажакда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини эркинлаштириш;
- экспортёрлар учун реал иқтисодий имтиёзларни яратиш;
- солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш;
- корхоналарни техникавий қуроллантириш ва янгилашни молиялаштиришга йўналтирилган ички инвестицияларни кўпайтириш;
- йирик, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош корпорацияларни шакллантириш;
- иқтисодиётнинг территориал тузилмасини такомиллаштириш;
- молия ва банк тизимини такомиллаштириш, миллий валютани алмаштириш курсини оптималлаштириш, инфляцияни имкони борича пастроқ даражада ушлаб туриш;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини диверсификациялаш, ички ва ташқи бозор учун мўлжаллаб юқори сифатли максимал қўшимча қийматга эга бўлган тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш;

- миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва янги корхоналарни қуриш, мавжуд хомашёни қайта ишлашга имкон берадиган замонавий технологияларни жорий этиш;

- чет эл инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб этиш, янги илғор технологияни жалб этиш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида қўшма корхоналар барпо этиш;

- маҳсулот бирлигига тўғри келадиган сарф-харажатларни, маҳсулотнинг материал сарфини, энергия сарфини қисқартириш;

- хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, ҳақиқий мулкдорлар синфини яратиш;

- Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиши учун транспорт коридорларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тузилмасининг шаклланиши учун ташкилий-ҳуқуқий базани яратиш.

Ҳозирги кунда саноат соҳасидаги сиёсатимизнинг мақсади – ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини сақлаш, рақобатбардош, юқори даражадаги қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришини таъминлашдир.

Доц. Б.А. Мирпаязов,
Ўзбекистон давлат консерваторияси

Таълим тизимида узлуксизлик ва узвийликнинг таъминланиши, инновацион ўқитиш усулларининг соҳа ривожланишидаги ўзига хос жиҳатлари

Мустақиллик халқимизнинг маданий-тарихий мероси ва умуминсоний қадриятларга асосланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тиришнинг миллий моделини таъминловчи алоҳида, ўзимиз танлаган таълим тизимимиз ва кадрлар тайёрлаш моделимизни танлаш шароитини яратди. Кўп йиллик тажрибага суянган ҳолда илмий жиҳатдан асосланган, мамлакатни иқтисодий, ижтимоий соҳаларда кечаётган барча ўзгаришлар билан боғлиқ, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни таъминлашга асос бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши эвазига сезиларли даражада таълим ва педагогика назарияси ва амалиёти ривожига эришилди. Ушбу дастурда инсон манфаатлари, шахс камолотини таъминлашга замин яратиши муқаррар бўлган, таълим олишнинг юксак намуналарини шаклланишига асос бўладиган *узлуксиз таълим тизими* таркибий қисм сифатида ўрин эгаллади.

Узлуксиз таълим тизимини амалга жорий этиш шахснинг шаклланиши, умуман кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг зарур шартидир. Узлуксиз таълим тизими Давлат таълим стандартига мувофиқ барча таълим турлари дастурларининг изчиллиги асосида тузилган.

2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси хусусида “Юксак билимли ва

интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференция ўтказилди. Ушбу конференция ишида Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти баён этилган нутқ муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда таълим самарадорлигини ошириш, ёшларнинг мукаммал билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига юқори малакали ўқитувчиларни жалб этиш, шунингдек, ўқув машғулотларини ташкил этишда замонавий педагогик технологияларидан унумли фойдаланадиган мутахассисларни жалб этиш давр талабига айланди. Қайд этиш лозимки, мусиқий таълим соҳасидаги педагоглар ҳам интерфаол усуллар, педагогик технологиялардан фойдаланишлари, ўз билим ва малакаларини ўқув машғулотларида самарали қўллаш кўникмаларига эга бўлишлари лозим.

Маълумки, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини ўстиришда, таълимнинг самарали бўлишида ўқитувчининг маҳорати муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи нафақат изланувчан ва кенг дунёқарашга эга бўлиши, шу билан бирга назарий ва амалий жиҳатдан етарли даражада билим ва тажрибага эга бўлиши, сезгир ва юксак маданиятли, машғулотни турли усулларда, ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, қизиқарли олиб бориши зарур.

Мусиқа санъатида ижрочилик йўналиши ўзига хос бўлиб, бу соҳада фаолият олиб борадиган мутахассислар ҳам бошқа соҳа вакиллари қаторида фаннинг назарияси ва амалиётини чуқур ўргата олиши, тадқиқотчи, тарғиботчи сифатида иштирок этишлари лозим. Мусиқага ўқитиш, ижрочилик тарбияси жараёни, асосан, якка шаклда ва кичик гуруҳларда ўтилиши инобатга олинганда педагогик технологияларни қўллашда нималарга эътибор берилиши лозим?

Педагогик технология тушунчаси мутахассислар томонидан турлича талқин этилади: “жиҳозлар ва услубий воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради” “психологик ва педагогик тарбиянинг жамламаси бўлиб, шакллар, усуллар, ўргатиш йўлларининг махсус мажмуаси”; “ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси”; “ўргатишда мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар ва ҳ.к.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сўзсиз, ўқув жараёнига тизим сифатида ёндашишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ҳодисалар ўзаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутунликни, яъни педагогик жараён тизимини ташкил қилади. Педагогик жараён тизимининг муайян бир вақт мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши педагогик технология дейилади.

Демак, таълим доирасида қўлланилиши зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва жараёнга татбиқ этиш билан натижага эришиш, яъни билимларнинг мукаммал ўзлаштирилиши педагогик технологиялардан фойдаланишнинг асосий вазифасини ташкил этади.

Мусиқа йўналиши бўйича машғулотлар жараёнида мавжуд педагогик технологияларни қўллаш қай тартибда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади?

Санъат йўналишида ижодий фаолиятни шакллантириш, профессионал таълим олиш хусусиятига кўра, ижрочиликнинг қайси шаклидан (чолғу ижрочилиги, хонандалик ёки дирижёрлик) қатъи назар, одатда, анъанавий шаклда олиб бориладиган якка машғулот, яъни шахс билан алоҳида шуғулланиш тартибида таълимни ўзлаштириш қабул қилинган.

Педагогик технологиянинг турли усул ва шаклларидан фойдаланишда, асосан, ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнларини биргаликдаги ҳаракатлар асосида амалга оширилишини қайд этдик.

Шунинг учун ҳам педагогик технология усулларидан, асосан, ихтисосликнинг амалий шаклдаги квартет, квинтет ва ансамбль каби фанлари бўйича машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Гуруҳларда ишлаш қоидаси қуйдагилардан иборат:

– ижро этишда шеригини диққат билан тинглаш;

– гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этиш, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш;

– ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилиш;

– ёрдам сўрашса, албатта ёрдам бериш;

– гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт;

– бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз ва ижро малакаларини мустаҳкамлаймиз;

– биз битта кемадамиз: биргаликда сузиб чиқамиз ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Биргаликда ўрганамиз техникаси

Биргаликда ўзлаштириш: ўқув гуруҳи кичик ижрочи гуруҳлардан ташкил топади. Гуруҳларда ўрганилаётган асарлар билан таништирилади. Машғулот бошланишида талабалар асар мазмунига қараб тайёрланади ва уларнинг диққати машғулотнинг кейинги босқичидаги жараёнга қаратилади. Машғулотнинг биринчи қисмида мусиқий асардан парчалар ижро этилади, қўшиқ ўрганилаётган бўлса унинг матнидан парча ўқилади, асарга оид қизиқарли мусиқий лавҳалар ижро этилади. Пировард натижада талабалар асар ҳақида маълум тушунчага эга бўладилар.

Гуруҳнинг мақсади: гуруҳдаги барча иштирокчилар асар бўйича саволларни тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

Биргаликда ўрганамиз техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши:

Баҳс-мулоҳаза

Алоҳида машғулот кўринишида бўлиб, ўтилган мавзу (асар, куй)га доир баҳсли, тортишувли муаммолар икки гуруҳга бўлиниб ҳал этилади. Бу усулни қўллаган ўқитувчи талабаларни икки гуруҳга ажратади. Ўртада тайинланган бошловчи баҳсни мувозанатга солиб туради. Гуруҳ аъзолари навбат билан

чалинган ёки эшитилган асар, куй тўғрисида ўз тушунчаларини, мулоҳазаларини баён қиладилар.

Гуруҳнинг мақсади: талабани ансамбль билан ишлашга, баҳолашга, ижро бўйича мустақил қарор чиқаришга ўргатиш.

Занжир машқи

Ҳар бир гуруҳга битта топшириқ берилади – унинг устида барча ўқув гуруҳи иш олиб боради. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.

Ҳамма *якка тартибдаги топшириқни* бажаради.

Бу усул асарни қисмларга бўлиб, навбатма-навбат суҳбат ва ижро этиш орқали яхлит кўринишда умумлаштириш усули.

1-талаба: Бастакор ҳақида умумий маълумот беради;

2-талаба: Асар мазмуни, шакли, ўлчови, тезлиги ва умумий тузилиши ҳақида фикрини баён этади;

3- талаба: Ўрганилган асардан парча ижро этади;

4- талаба: Асарни давом эттиради;

5- талаба: Асарни биргаликда ижро этиш кўникмасини намойиш этади.

Гуруҳнинг мақсади**:** ўрганилаётган мусиқий асар тўғрисида талабаларнинг тўлиқ маълумотга эга бўлишларига ёрдам беради. Талабага асарнинг ўқитувчи томонидан танланган маълум бир қисмини ижро этиш малакасини ривожлантириш. Талабани ансамбль билан ишлашга, баҳолашга, қарор чиқаришга ўргатиш.

Ижодий иш

Талабаларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга қаратилган, эстетик дидларини шакллантирадиган услуб. Бу услубда талабаларнинг дарсдан бўш пайтларида мустақил ўрганган мусиқий асарлари тингланади ва дарс жараёнида ўқитувчи томонидан назарий ва амалий кўрсатмалар берилади.

Гуруҳнинг мақсади**:** Талабага мустақил ишлашни ўргатиш, ўзлаштириш қийин бўлган мусиқий асарни ўрганишда, асосан, талабанинг ўзини жалб қилиш ва хатоларини тўғрилаб бориш. Мазкур усулни қўллаган ўқитувчи талабага мусиқий асарни ижро этиши яхши натижа беради, чунки талабанинг асарни мазмунини тушуниб, мустақил равишда ижро эта олишига имкон беради.

Барча гуруҳ аъзоларининг асар юзасидан фикрлари ёки ижролари тингланади. Умумий натижа шакллантирилади ва уни тақдимотга тайёрланади.

Гуруҳ барча аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини тақдимот этишади. (Тақдимот асосан асарни ижро этиш шаклида бўлади).

Гуруҳнинг мақсади**:** талабани нота матни ёрдамида ишлашга, асар мазмунини тушуниш ва тушунтириб беришга ўргатиш. Фақат талабага маълум билимларни беришдан иборат бўлмай, уларда мустақил ва ўқитувчи ёрдамисиз ўзлаштириш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчи (талаба)ларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш, ўқувчиларнинг билимга интилиши ва руҳий талабларини ривожлантиришга йўналтириш, ўқув ва билиш фаолиятини оширишга интилиш малакасини шакллантириш.

Ўқитувчи талабанинг мақсаддан натижага эришишида ҳизмат қиладиган услубни танлаши, уни қўллашни белгилаб олиши керак, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади бир, аниқ натижага эришишга қаратилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур жараён инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик жараённи олдиндан лойиҳалаштириб олиш, ўқув-тарбиянинг самарали шакл ва усуллари, технологияларини эгаллашга ундайди. Натижада, талабалар томонидан фанларни пухта ўзлаштириш, ижро этишни мукаммал даражада амалга ошириш, асарларни мустақил таҳлил қилишга эришилади.

Доц, п.ф.н Х.Я. Шарифбаева, ТАЙИ,
доц. пс.ф.н. Р.М. Абдуллаева, ТДИУ

Ўзбекистон Республикасида касбий таълимнинг аҳамияти

Бугунги кунда биз мустақиллик туфайли жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий асосларини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишларни амалга оширдик. Уларни давом эттириш эса ёшларимиз қўлидадир. Шунинг учун иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳамда таълим тизимини ўрганиш асосида мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни атрофлича таҳлил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни батамом бартараф этиш ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш усулларини илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари илгари сурилади. Бунда, асосий эътибор, Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнини жадал суръатларда ривожлантириш, бунинг учун мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади.

Республикамизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида касбий таълим ишчи касбларига махсус тайёрлаш масаласига, таълим олувчи шахсида касбий маҳорат ва лаёқат сифатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Замонавий жамиятнинг фаолиятини таъминлашда турли даражадаги мутахассислар муҳим ўрин эгаллайди. Касб таълими узлуксиз таълимнинг бўлинмас бир қисми ҳисобланиб, энг муҳим вазифани бажаради: инсонни аниқ касбий фаолиятга тайёрлайди. Ҳозирги кунда касбий таълимга бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1. Таълим ислоҳотлари натижасида гимназия, лицей, коллеж ва бошқа турдаги янги ўқув муассасаларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши;
2. Олий ўқув юртларида касб таълимини ташкил этиш, алоҳида бўлим ва факультетларнинг ташкил этилиши.
3. Касбий педагогиканинг бошқа фанлар билан янада жипсроқ боғланиб бориши, истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган, билим соҳалари туташувида янги концепция ва назарияларнинг юзага келиши.

4. Касбий таълим муассасаларининг аҳолига таълим хизматларини кўрсатиш турларининг ортиб бориши, ўз базасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши, меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларини жорий этиши ва бошқалар.

Маълумки, *касб маҳорати деганда,* битирувчининг юқори даражадаги касбий кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги тушунилади, у шахснинг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатбардошлик даражасида ўз аксини топади. Касбий маҳорат ишчи кучларининг юқори даражада мослашувчанлиги ва янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитларига оз вақт ичида ўта олиши, фаолият соҳасини мустақил танлай олиши каби сифатлар билан белгиланади. Глобаллашув шароитида мамлакатимиз олий таълим тизимида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида иқтисодий таълимнинг халқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда рақобатлаша оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий иқтисодий таълим тизимига эгадир.

Олий таълим муассасаларида иқтисодиёт йўналиши соҳалари мутахассисликлари бўйича замонавий кадрларнинг тайёрлашнинг ўзига хос хусусияти эса қуйидагилар ҳисобланади:

- олий таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларига таяниш;
- таълим жараёнини тузишга нисбатан янги ёндашувларни ўзлаштиришнинг инновацион таълим стратегиясига чиқиш;
- ўқитишнинг замонавий шакли, усул ва технологияларини қидириб топиш;
- таълимга нисбатан иқтисодий ёндашув.

Бундай ёндашувнинг асосида таълим соҳалари бўйича тақсимланган, таълим йўналишларининг тизимлаштирилган рўйхатини ўзида намоён этувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг классификатори ётади ва у олий касб таълимининг қуйидаги таълим дастурларининг таркибий асоси ҳисобланади:

- камида 4 йил мобайнида бакалавр даражасини олишни таъминловчи дастурлар;
- бакалавриат базасида камида икки йил мобайнида магистр даражасини олишни таъминловчи дастурлар.

Иқтисодий соҳа кадрларини тайёрлаш даражасига қўйиладиган давлат талаблари нафақат бакалавр ва магистрнинг маълумотлилик даражасига қўйиладиган умумий талабларни, балки умумий гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, умумий математика ва табиий-илмий, умумий касб ва махсус фанлар бўйича билим ва кўникмаларга қўйиладиган талабларни ҳам белгилаб беради. Улар, шунингдек, йўналиш ёки мутахассислик бўйича касб дастури мазмунининг таълим минимумини ҳам белгилаб беради.

Олий иқтисодий таълимнинг мақсадини умумий тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин: замонавий иқтисодий билимлар асосини ўзлаштириш учун

шарт-шароитларни таъминлаш, яъни улар базасида касб иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш мумкин.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш учун иқтисодий билимларни тизимлаштириш, яхлитликни таъминлаш, функционал аҳамиятига кўра бўлимларга ажратиш, базавий ва қўшимча билимлар, умумфан, умумий касб ва маҳсус билимларни аниқлаш ва охир-оқибатда мутахассисларни ушбу билим ва кўникмаларни реал иқтисодий амалиётда қўллашга ўргатиш зарур.

Маълумки, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, ўз навбатида мутахассислар малакаси ва маҳоратининг юқори бўлишини, мутахассисларга бўлган талабнинг ўзгаришига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интилувчан бўлишни талаб этади. Бунинг учун иқтисодчи мутахассисларни мустақил изланиш, фикрлаш, турли қарашларни таққослаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиш лозим.

Ўқитишда ривожлантирувчи вазифа моҳияти – ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишлари ва ижодий фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантиришни таъминлашдан иборат. Ривожлантирувчи вазифа ривожлантирувчи тамойилга асосланиб, унинг моҳияти, ўқитиш жараёнини шундай мураккаб даражада тузиш керакки, бунда талабадан ҳам ақлий, ҳам иродавий кучларни сарф қилсин. Ўқув жараёни талабада қониқиш, билиш қувончини, ҳайрон бўлиш, яъни у ниманидир бажара олиши ҳиссини уйғотиши зарур. Шу боис ўқув материали жуда ҳам содда бўлмаслиги керак, талаба фақат уни қайтариб қолмасдан, балки билимлар асосида топшириқлар занжирини еча олиши керак.

Ўқитишда тарбияловчи вазифа – ўқитишни тарбиялаш тамойилга асосланади. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари узвий боғлиқликда бўлади. Уларнинг умумий мақсадлари – бўлғуси мутахассисликнинг моҳияти ва ижтимоий муҳимлигини тушунувчан, ўз меҳнатининг натижаларига касбий масъулиятга эга бўлган мутахассисни шакллантиришдан иборат. Ўқув жараёнида тарбия ўқитиш мазмунини амалга ошириш йўли орқали, уни тўғри ташкиллаштириш ва зарур усулларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Таълим бериш вазифаларининг яна бир йўли *мустақил ўқиш* ҳисобланиб, бунда талабаларда мустақил ўқиш учун уларда қизиқишни уйғотиш, билиш эҳтиёжини пайдо қилишда уларга ёрдам бериш, мустақил ақлий меҳнатнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Бўлғуси мутахассиснинг *касбий фаолиятга тайёргарлиги* қуйидагилардан иборат: касбини тўғри танлаганлигига ишонч; жамият учун бу мутахассисликнинг муҳимлигини англаши; жисмонан саломатлик; касбий билимдонлик; мулоқот; ташкилотчилик; масъулиятлилик; фуқаровий етуклиги; ахлоқий сифатлар; касбий мослашувчанлиги; сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлиги.

Касбий таълимнинг самарадорлик мезони эса қуйидагича: малакавий фаолиятда мустақиллик ҳисси; меҳнат хавфсизлигига амал қилган ҳолда техник талабларни бажариш; иш фаолиятида вақт ва меъёрларни бажариш; касбий фаолиятда фикрлаш ва ўз-ўзини назорат қилиб бориш; меҳнат маданиятига

қатъи амал қилиш; меҳнат фаолиятига ижодий ёндашиш; бажарилган иш учун масъулиятни ҳис қилиш кабилар киради

Умуман бугунги кунда шундай мутахассис кадрларни тарбиялашга эришиш керакки, у англанган ҳолда иш унумдорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшсин. Уларни ишлайдиган ташкилот ва корхонанинг обрўси, иш сифатини ошириш, меҳнат интизомига қатъиян риоя қилиш руҳида тарбиялаш лозим.

Д.Р. Солижонова,
Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежи

Иқтисодий таълимни ривожлантиришда шахс омилининг педагогик жиҳатлари

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари сифатида шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш белгиланган. Мазкур моделнинг 3.1-бўлимида шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти сифатида, узлуксиз таълим тизимида таҳсил олиш орқали баркамол, юксак маънавиятли, касб-ҳунарли ва илмли бўлиши натижасида Ватан равнақига муносиб улуш қўшадиган, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган, миллатлараро тотувлик ва юрт тинчлигини сақлайдиган, дунё ҳамжамиятидаги касбдошлари билан ижтимоий ҳамкорликни амалга оширадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларига ҳурмат орқали мустақиллик тамойилларига содиқлигини таъминлаш назарда тутилган.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

Маълумки, шахсга йўналтирилган ўқув жараёни ўқувчига юқори даражадаги инсоний муносабатда бўлишни талаб қилади. Бу эса аждодларимизнинг инсонпарвар таълим ҳақидаги кўп асрлик меросидан ўқитувчилар унумли фойдаланишлари лозимлигини тақозо этади. Шахсга йўналтирилган таълим ғояси ўз таркибида инсонпарварлик муносабатларини ифодалайди.

Инсонпарварликка асосланган шахсга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этиш бугунги кунда таълим тизими олдига қўйилган ижтимоий буюртманинг асосини ташкил этади. Шу билан бир қаторда ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантириш, фан-техника ютуқларини эгаллашга бўлган эҳтиёжи уни ўқитиш жараёнига инсоний ёндашув зарурлигини талаб қилмоқда. Ўқув жараёнини ташкил этишга инсонпарвар ёндашув бу жараённинг асосий вазифаси ўқувчида муайян билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни инкор қилмайди, балки унинг вазифаларини кенгайтиради ва бойитади. Бу

жараёнда таълим ва тарбия алоҳида-алоҳида ҳодиса сифатида ажратилмайди, балки шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёни юксак маънавий сифатларга эга бўлган билимдон ёшларни етиштиришга хизмат қилади.

Ўқув предметларига асосланган ўқитиш жараёни, унинг мақсадлар доираси бир қадар тор бўлиб, муайян ўқув фанига оид билим ва тушунчаларни эгаллаш, шу йўналишда муҳим қарорлар қабул қилиш тажрибасини ўзлаштириш, фаолият турларини эгаллашдан иборат. Анъанавий ўқитиш жараёнида ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам қатъи белгиланган режа асосида бир томонлама фаолият кўрсатар эди. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечмоқда. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз». Дарҳақиқат, ўқувчини мустақил фикрлашга ундаш учун унинг имкониятларини рўёбга чиқара оладиган шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёни ниҳоятда зарур.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи ўз қарашлари, нуқтаи назари, касбий маҳоратини намоён қилади. Бунда педагогнинг касбий билимдонлиги, лаёқати катта аҳамиятга эга.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчини олий таълимий қадрият сифатида тан олиш, унинг ўзига хослиги, қарашларини ҳисобга олган ҳолда ўқув-билув жараёнини ташкил этиш учун янги типдаги лаёқатли, билимдон, ижодкор ўқитувчини етиштириш лозим. Бундай ўқитувчи катта педагогик тажриба ва маҳорат эгаси бўлиши керак. Бунинг учун ўқитувчидан ўз тажрибасини мунтазам ошириши, шахсий ва касбий сифатларини турли педагогик тадбирлар жараёнида намоён қила олиши, ўз фаолиятини текшириб, таҳлил қилиб бориши, хатоларини тан олиб тузатиши, ҳамкасблари тажрибасини ижодий ўзлаштириши, ўз тажрибаларини оммалаштириши талаб этилади.

Ўқувчи шахсини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга қаратилган ўқув-билув жараёнининг мазмуни муайян мақсадга йўналтирилганлик, меъёрланганлик, ижтимоий маданийлашганлик, интеграция тамойилларига асосланиши лозим.

Ўқувчини ўқув-билув жараёнида педагогик-психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Республикамизда узлуксиз таълим тизими жорий этилгандан буён ҳар бири бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, узлуксиз таълим тизими турлари ўртасида таълим мазмунининг узвийлиги ва изчиллигини амалга ошириш мақсадида фанлар бўйича узвийлаштирилган ва модернизация-ланган ДТС ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Шахс шаклланишида алоҳида ўрин тутадиган узлуксиз таълим тизимининг дастлабки тури бўлган мактабгача таълимда баркамол шахсни вояга етказишга замин тайёрлайдиган “Учинчи минг йиллик боласи” дастури орқали ёш авлоднинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланиши таъминланмоқда, уларда Ватанга муҳаббат, таҳсил олишга интилиш ҳиссини уйғотиш орқали оламни таниш, дунёқарашини шакллантириш борасида изчил ва мунтазам таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш йўлга қўйилган.

Мактабгача таълимнинг асосий вазифасини амалга оширишда давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасалари, оилалар, маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондларнинг ўрни беқиёс.

Мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим тизими ва мазмуни янгиланди, яъни I-IX синфларида ўқитиладиган фанлар бўйича узвийлаштирилган ва модернизацияланган ДТС ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Мазкур ДТС ва дастурларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлиги ҳисобга олинди.

Ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш борасида фанларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, мусиқа ва спортга ихтисослашган мактаблар ташкил этилди, таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш юзасидан замонавий ўқув-услубий мажмуалар яратиш орқали мазкур жараён дидактик жиҳатдан таъминланди.

Республикамизда ташкил этилган Ташхис марказлари фаолияти орқали ўқувчилар касб-ҳунар танлаш ва мутахассислар томонидан педагогик-психологик маслаҳатлар олиниши таъминланмоқда.

Иқтидорли ўқувчиларнинг эҳтиёжи ва қизиқишига мувофиқ ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги ҳар йили ўтказиладиган ўқув фанлари бўйича “Билимлар синови” орқали аниқланмоқда. Ўқувчилар касб-ҳунарга йўллашда ушбу синов муҳим ўрин тутмоқда.

Ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтириш, дунёқарашларини бойитиш мақсадида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, барча вилоят ва туман марказларида 211 та “Баркамол авлод” болалар марказлари ташкил этилди. Уларда ўқувчилар ўлкашунослик, экология, бадиий ва техник ижодиёт йўналишлари бўйича миллий ҳамда замонавий касб-ҳунар, фан, санъат сирларини ўрганмоқдалар.

Миллий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ижобий натижаларини, шунингдек, ўқувчиларимизнинг халқаро майдонлардаги ютуқларидан ҳам кўриш мумкин. 1995-2011 йилларда кимё, биология, физика, математика, информатика, хорижий тиллар фанлари бўйича халқаро нуфузли танловларда қатнашиб келаётган ўқувчиларимиз юқори натижаларни қўлга киритдилар. Масалан, 2008 йилда Тошкент шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган Менделеев номидаги 42-Халқаро олимпиадада иштирок этган 15 нафар ўзбекистонлик ўқувчилар энг юқори натижаларни кўрсатиб, жами 10 та – битта олтин, битта кумуш ва 8 та бронза медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. 2009 йил Германиянинг Бермен шаҳрида математика фани бўйича ўтказилган 50-Халқаро олимпиадада ўқувчиларимиз 1 та олтин, 2 та бронза медал билан тақдирланган бўлсалар, 2010 йилда эса шу фанидан ўтказилган 51-Халқаро олимпиадада ўқувчиларимизнинг 96 мамлакатдан келган 517 нафар ўқувчи орасида 4 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритганликлари фахр-ифтихор бағишлайди. Бу йил Астана шаҳрида ўтказилган кимёдан Халқаро олимпиадада ўқувчиларимиз 1 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритганликлари таҳсинга лойиқ.

Кат. ўқит. Х.Т. Чулпанова,
ТТЙМИ

Мутахассис модели таълим мақсадларини аниқлашнинг асоси сифатида

Узлуксиз таълим шароитларида таълим мақсадлари замонавий жамият олдида турган, ижтимоий-иқтисодий вазифалардан келиб чиқиб ифодаланади.

Мақсад – олдиндан англанган ва режалаштирилаётган натижа. Унинг ютуғи инсонни онгли, мақсадга йўналтирилган фаолиятини талаб этади. Мақсад ва мақсадни белгиловчи фаолият фақат бир жараённинг, яъни белгиланган натижага эришиш жараёнини элементи ҳисобланади. У ўйлаб чиқилмайди, балки ривожланаётган жамият талабларидан келиб чиқади. Асосий мақсадни танлашни унга эришиш воситалари аниқлайди: методлар, иш услублари, ўқитувчилар. Мақсадни белгилаш жараёнини бутун бир мақсадлар иерархиясини жойлаштириш бўйича ўқитувчининг мураккаб, тизимли фаолияти сифатида кўриш муҳим: мутахассисни тайёрлашга бўлган умумий талабдан – белгиланган йўналишдаги мутахассис шахсига бўлган талаб орқали ифодаланувчи, берилган мутахассислик, касби бўйича таълим мақсади орқали – аниқ фан бўйича таълим мақсадига.

Фанга оид мақсадлар умумий, фанни хусусиятловчи ва алоҳида турларга бўлинадилар.

Умумий мақсадлар ўқув фанига тааллуқли бўлиб, бутун таълим олиш даври мобайнида ўрганилади.

Фанни хусусиятловчи мақсадлар талаба берилган фанни бир йил мобайнида ўрганиши натижасида, ечишни ўрганиб олиши лозим бўлган вазифалар билан боғлиқ.

Алоҳида мақсадлар – ўқув фанларининг аниқ бўлимлари, мавзуларини ўрганиш мақсадлари.

Педагогик мақсад – ўқитувчи ва талаба томонидан уларнинг ўзаро ҳаракатини умумлашган фикрий пайдо бўлувчилар шаклида олдиндан кўра билишидир.

Ўқитувчи мақсади – ўқитиш-ўргатиш. Ўқитувчи уни белгилаши бўйича аниқ ҳаракатларни бажаради: ажратади, таҳлил қилади, ифодалайди.

Талабалар мақсади – ўқиш-ўрганиш. Ҳар бир талаба турли аниқлик, тўлиқликда ва англаган ҳолда ўзининг мақсадларига интилади: касбий ҳаракатларга ўрганиш, бошқаларга нисбатан вазифаларни яхши бажариш, топшириқларни тез бажаришдир. Талабалар мақсади ўқитувчи мақсади билан мос келиши ёки мос келмаслиги ҳам мумкин. Бундай пайтда ўқитувчи уларни яқин келтириш йўлларини топиши муҳим.

Педагогик жараён мақсадлари:

1. Таълимий мақсадлар – билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш масалан, талабаларда иқтисодиёт асослари тўғрисида билимларни шакллантириш;

2. Ривожлантирувчи мақсадлар – ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган билиш жараёнларини сезиш, қабул қилиш,

фикрлаш, хотира, тасаввур қилиш орқали шакллантириш. Масалан: талабаларда топшириқларни мустақил ечиш кўникмаларини шакллантириш; талабаларда фикрлашни ривожлантириш;

3. Тарбиявий мақсадлар – жамиятга, меҳнатга, касбга, ўқув муассасасига, дарсга, фанга, ота-онага, ўзига, табиатга, санъатга, шунингдек, шахсий сифатлар: ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварликни шакллантириш. Масалан: талабаларда иқтисодчи касбга бўлган қизиқишларини шакллантириш.

Мақсадлар тузилиши доимий бўлиб, у алгоритмли аниқланади:

Мақсадли объект – талаба, тингловчи, ўқувчи ва б.

Мақсадли ҳаракат – мақсадли фанни ривожлантириш учун қилинадиган, ўқитувчининг аниқ ҳаракати.

Мақсадли предмет – педагогик жараён мобайнида ҳосил қилиш лозим бўлган, талаба шахсининг жиҳатлари (унинг тажрибаси, йўналтирилганлиги, сифати).

Таълим тизимидаги ўқув жараёнини ташкил этишда биринчи кадам ўқув мақсадларини аниқлаш ҳисобланади. Биз бугунги кунда дарснинг мақсадини умумий ҳолда белгилаймиз, шунинг учун ҳам эришган натижамизни баҳолашда қийналамиз. Бундай умумий мақсадни белгилаш педагогик технологияни қониқтира олмайди. Таълим технологиялар дарс мақсадини белгилашда ҳам аниқлик бўлишини талаб этади. Аниқ мақсадларни белгилаш назорат ва баҳолаш ишини енгиллаштириб, бу жараёнга ойдинлик киритади. Шунинг учун ҳам таълим технологияларини қўллашдаги биринчи қадам аниқлаштирилган мақсадларни ишлаб чиқишдир.

Аниқлаштирилган мақсадлар педагогга назорат ишини белгилаш, баҳолаш ва усулларни аниқлашда катта имкониятлар яратади. Барча босқичлар бир мақсадга бўйсунади ва юқори натижани кафолатлайди.

Маълумки, анъанавий таълим қуйидаги изчилликда ташкил этилади:

1. Умумий мақсадни белгилаш.
2. Усулларни аниқлаш.
3. Назорат ишини аниқлаш.
4. Баҳолаш.

Анъанавий таълим тизимида ўқув жараёнида умумлаштирилган ўқув мақсадлари белгиланади. Масалан: экологик маданиятни шакллантириш, сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Кўриниб турибдики, бундай қўйилган мақсад мавҳум характерга эга, чунки тушунча турли даражада ҳосил қилиниши мумкин. Бундай мақсадни текшириш ва баҳолаш ҳам муаммоли. Бундай мақсадни белгилаш ишда ноаниқликни вужудга келтиради. Натижада ўзлаштириш самарадорлиги ҳам пасаяди. Бундай тизим педагогик технологияни қониқтира олмайди. Умумий мақсадларни эса текшириш қийин ва бунда ҳар бир ўқитувчи ўз тушунчасидан келиб чиққан ҳолда текшириш ишларини ташкил этади. Умумий мақсад ўқитувчи нимага эришмоқчи эканлигини аниқ кўрсата олмайди, ўқувчида эса умумий тушунчалар ҳосил қилишгагина хизмат қилади.

АҚШ ва Англияда ўкитувчи ва талабалар учун алоҳида аниқлаштирилган мақсад режалари тузиш қабул қилинган. Ўқитувчилар учун тушунтириш,

кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, ўргатиш кабилар назарда тутилса, талабалар учун талаба дарс охирига бориб нимани билиши, ишлай олиши, қўллай олиш керак деган йўналишда тузилган. Дарсдан олдин билмаган ва дарс давомида ўрганиб, уни қўллай оладиган вазифалар белгиланган. Талабалар ушбу мавзуни ўрганишда улардан нималарни билиш ва бажара олиш талаб этилаётганини аниқ биладилар ва дарс давомида ана шуларга ўз диққатларини кўпроқ қаратадилар. Ҳар бир қўйилган мақсад алоҳида ўз мазмунига мос равишда текширилади ва натижалар таҳлил қилиниб, хулосалар чиқарилади. Аниқлаштирилган мақсадли лойиҳада ўқитувчи аниқ тушунчалардан фойдаланиши лозим. Бунинг учун аниқ ва мавҳум тушунчаларни ажрата олиши керак. Масалан:

Мавҳум тушунчалар:	*Аниқ тушунчалар:*
1. Ўрганмоқ.	1. Белгилаб чиқмоқ.
2. Танишиб чиқмоқ.	2. Гуруҳларни ташкил қилмоқ.
3. Кўриб чиқмоқ.	3. Ажратиб олмоқ.
4. Тушунмоқ.	4. Тузиш.
	5. Ёддан айтиб бермоқ.
	6. Масала ечмоқ.

Масалан, текшириш учун савол таклиф қилсак:

Дарсдан асосий мақсад:

1. Талабаларда қонуният ҳақида тушунча ҳосил қилмоқ.

2. Талаба қонуниятни ёддан айтиб бериши ва амалда масала ишлаши лозим.

Ушбу мақсадларнинг қай бири аниқ ва уни текшириш осон?

Аниқ мақсадни белгилаш талаба ва ўқитувчидан нима талаб этилаётганлигини аниқ англаб етишга ёрдам беради ва натижани баҳолашда қулайлик вужудга келтиради.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари, биринчи навбатда, назорат иши орқали текширилиши керак. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда тест ва назорат ишлари танланади. Танланган назорат ҳар бир мақсад учун алоҳида қўлланилади. Масалан, биринчи қўйилган мақсад учун алоҳида, кейинги мақсадга эришиш учун алоҳида назорат иши топилиши керак. Барча назорат ишлари умумлаштирилиб, охирги баҳолаш маълум қилинади. Масалан:

1-мақсад – таърифни ёддан билиш деб белгиланган бўлса, уни ёддан айтиб бериш талаб этилади;

2-мақсад – формулани амалда қўллашга ўргатиш бўлса, уни амалда масала ишлаб қўллаш талаб этилади;

3-мақсад – формулани ноанъанавий ҳолатда қўллаш бўлса, унга мос мисол танланади ва уни ишлаш талаб этилади. Шундай қилиб, нечта мақсад аниқлаштирилган бўлса, шунча назорат иши ҳам ишлаб чиқилиши керак. бўлади Шутариқа мақсад ва назорат иши ўртасида уйғунлик ҳосил қилинади. Назорат ишларини танлашда албатта мақсаднинг характери ҳисобга олинади. Аниқ белгиланган мақсадлар эса текширишни осонлаштиради. Назорат ишларида турли хил тест турларидан фойдаланиш мумкин. Таълимнинг

мақсади таълим олувчининг фикрлари, ҳислари ва харакатларини ўзгартириш экан, натижада шахсий қадриятлар ва эътиқод ҳосил бўлади.

Assis. D.I. Begmatov,
magistr N.R. Sharopova, TDIU

O‘qitishning interfaol usullari: tanqidiy fikrlash

Tanqidiy fikrlashni o‘stirishga xizmat qiladigan usullar Demokratik ta’lim uchun konsorsiumi tomonidan amalga oshiriladigan “Tanqidiy fikrlash uchun” o‘qish va yozish loyihasi doirasida ishlab chiqilgan konsorsiumning a’zolari: Xalqaro o‘qish assotsiasiyasi, Xobort va Uilyam Slims kollejlari va Shimoliy Ayova shtati universitetidir. Bu loyihani Nyu-York Ochiq jamiyat instituti va Markaziy Osiyo to‘g‘risidagi Markaziy va Sharqiy Yevropadagi Soros fondi mablag bilan ta’minlaydi.

Tanqidiy fikrlash nima? Fikrlash – o‘qish, yozish, so‘zlash va eshitishga o‘xshash jarayon. U shunday jarayonki, o‘zida biror haqiqat to‘g‘risidagi fikrlarni qamrab oladi.

Braun ta’kidlaydiki, vazifa va real hayot maqsadlaridan ajratilgan o‘quv ko‘nikmalari ta’lim oluvchilarga obyektiv testlarni yaxshi topshirish imkoniyatini berishi mumkin, lekin ular bu ko‘nikmalarni yangi vaziyatlarda qo‘llay olmaydilar.

Rixer ta’biri bo‘yicha, o‘rganish va fikrlash ta’rifi kognitiv (bilish jarayoni) psixologiya, falsafa va mul’timedia madaniyati ta’limi sohasidagi tadqiqotlar natijalariga asoslanadi. Bu tadqiqotlarning asosiy natijalari quyidagicha:

1. Samarali va muttasil o‘rganish talabalarning axborotlarni o‘zlashtirish, sintezlash va ularni to‘la egallash faolligidan iborat (Anderson va unga hammualliflar, 1985).

2. O‘rganish jarayoni fikrlash faoliyatini rivojlantirishning turli-tuman strategiyalaridan foydalangandagina muvaffaqiyatliroq bo‘ladi. Bunday strategiya o‘rganish jarayonida yanada rivojlantiriladi (Palinskar va Braun, 1989).

3.O‘rganish va tanqidiy fikrlash talabalarni aniq vazifalarga nisbatan yangi bilimlarni qo‘llash imkoniyatlariga ega bo‘lgan taqdirda rivojlanadi (Resnik, 1987).

4. O‘rganish talabalarning oldingi bilimlari, tajribalariga tayangandagina mustahkamlanadi. Bular talabalarning bilimlarini yangi axborotlar bilan boyitish va bog‘lash imkonini beradi (Ros, 1990).

5. Tanqidiy fikrlash va o‘rganish g‘oya va tajribalarni turli-tumanligini pedagoglar tushungan va qadrlagan vaqtdagina amalga oshadi. Tanqidiy fikrlash "yakkayu yagona to‘g‘ri javob" ni qabul qiladigan mintalitet jarayonida yuz beradi.

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish oson emas. Bu muayyan yosh davrda tugallangan va esdan chiqarilgan vazifa ham emas. Shu bilan birga tanqidiy fikrlashga olib boradigan tugallangan yo‘l ham emas. Lekin tanqidiy fikrlovchilarning shakllanishiga yordam beruvchi muayyan o‘quv sharoitlari to‘plami mavjud. Buning uchun:

- tanqidiy fikrlash tajribasini egallash uchun vaqt va imkoniyat berish;
- talabalarga fikr yuritish uchun imkoniyat berish;
- turli - tuman g‘oya va fikrlarni qabul qilish;

- talabalarni o‘quv jarayonidagi faolligini ta`minlash;
- har bir talabani tanqidiy fikr yuritishga qodir ekanligiga o‘zlarida ishonch hissini uyg‘otish;
- tanqidiy fikrlashning yuzaga kelishini qadrlashga o‘rgatish lozim.

Buning uchun esa talabalar quyidagilarga tayanishi kerak (amal qilishi lozim):

1. O‘ziga ishonchni orttirish va o‘z fikri hamda g‘oyalarining qadrini tushunish.
2. O‘quv jarayonida faol ishtirok etish.
3. Turlicha fikrlarni e’tibor bilan tinglash.
4. O`z hukmlarini shakllantirishga hamda undan qaytishga tayyor turishi lozim.

Tanqidiy fikrlash quyidagilarni talab qiladi:

1. Vaqt, - bu - vaqt ichida fikrlarini o‘z so‘zlari bilan ifodalaydi;
   - o‘zaro tanqidiy fikr almashadi;
   - o‘z g‘oyalarini ifodalay olish va konstruktiv takliflarga javob ola bilish;
   - fikrlarni muayyan g‘oyalar qiyofasida, qulay muhitda amalga oshira olish va o‘z g‘oyalarini to‘la va aniq ifodalay olish.

Izn berish. Tanqidiy fikrlashda erkinlik bo‘lishi uchun talabalar ma’qul va noma’qul narsalarni aytish, ular haqida fikrlash, ijod qilish uchun ruxsat olishlari lozim. Talabalar yo‘l qo‘yiladigan holatlarni anglab olishgach, tanqidiy tahlil qilishga faol kirishadilar.

Tanqidiy tahlilga izn olish onglilik tamoyiliga asoslanadi.

Bunda tahlil va haddan oshish orasidagi farq aniqlanib berilishi lozim. Tanqidiy fikrlashga izn fikrlash uchun chinakam maqsad bo‘lgan do‘stona hamda samarali sharoitda beriladi.

Rang - baranglik. Talabalarning fikrlash jarayonida turli fikrlar va g‘oyalar paydo bo‘ladi .

Rang - barang fikr va g‘oyalar yakkayu yagona javob mavjudligi haqidagi tasavvur bartaraf qilingan chog‘dagina yuzaga keladi. Fikrlarni ifoda etish chegaralanganda talabalarning fikrlashiga chek qo‘yiladi. Faqat birgina javob mavjud bo‘lgan taqdirda xilma-xil vosita va jarayonlardan foydalanish joizki, uning yordamida talabalar ana shu javobni topa olsin.

Faollik. Tanqidiy fikrlash talabalarning faolligi bilan bevosita bog‘langan. Odatda, talabalar sustkash tinglovchilar bo‘lishadi, chunki ularda o‘qituvchi bilimli yoki matnda uning bu bilimlari aks etgan, shu tufayli ularning bilimlari o‘qituvchi ma`sul degan ishonch shakllanib qolgan. O‘quv jarayonida talabalarning faol ishtiroki va o‘qishlariga o‘zlarining mas’ul ekanligiga tayyorligi tanqidiy fikrlashda kutilgan natijalarni beradi. Talabalarni fikr yuritishga o‘z g‘oya va fikrlari bilan o‘zaro o‘rtoqlashishga da’vat etish haqida pedagogik yondashuv ularning faolligini oshiradi.

Tavakkalchilik. Erkin fikrlilik tavakkalchilikka asoslanadi. Uning bilim faoliyatida qo‘rqmay tavakkal qiluvchi insonlarni rag‘batlantirib turish joiz. Fikrlash jarayonida axmoqona g‘oyalar aql bilan tuzilmagan birikma va tushunchalar ilgari surilgan holatlar ham bo‘lishi mumkin. O‘qituvchi buni o‘quv jarayonining tabiiy holati sifatida talabalarga tushuntirish lozim.

Qadrlash. Tanqidiy fikrlashning omillaridan biri talabalarning fikrlash jarayonini qadrlashidir. Tashkil etilgan fikrlash jarayonida talabalar o‘z g‘oyalari, tasavvurlarining o‘qituvchi tomonidan qadrlanayotganini tushungan holda chuqur mas’uliyat va e’tiborga yarasha javob qaytaradilar.

Qimmatlilik. Fikrlash jarayonini tashkil etish davomida talaba ularning fikrlari, o‘z tanqidiy tahlili natijalari qimmatli ekanligini ularning ongiga singdirish zarur.

O‘qituvchi talabalardan muayyan materialni shunchaki qayta ishlashni talab qilganda tayyor qoliplardan, andozalardan holi bo‘lishi lozim. Aslida talabalarga o‘z fikri, o‘ziga taalluqli bo‘lgan g‘oya va tasavvurlar qimmatli ekanligini ko‘rsata olishi zarur. Talabalarning o‘zlari ham fikrlarining qammatbaho ekanligiga ishonch hosil qila olishlari zarur.

O‘zaro fikr almashish. Fikrlash jarayoni talabalarning o‘zaro fikr almashuvini ko‘zda tutadi. Talabalarning o‘zaro fikr almaishlari ularning bir-biridan o‘rganishdagi o‘rtoqchiligiga asos soladi. Talabalardan fikrlovchi sifatida o‘zlarida bo‘lgan yirik fikr va oddiy xatoga bo‘lgan qobiliyatlarini boshqalarga ochib berish talab etiladi.

O‘zaro fikr almashishda talabalardan diqqat bilan tinglash, o‘zining qarashlar tizimini so‘zlovchiga zo‘rlab o‘tkazish va boshqa so‘zlovchilarni tuzatib turishdan o‘zini tiyib turishi ham talab etiladi.

Fikrlash jarayonini tashkil etishda va uni o‘tkazishda bir necha modellari mavjud.

Ular quyidagilar:

- o‘ziga ishonch hosil qilish;
- juda faol ishtirok etish;
- o‘rtoqlar va o‘qituvchi bilan fikr olishish;
- o‘zgalar fikrini tinglay olish.

2. Tanqidiy fikrlashni ta’minlovchi savollar. Tanqidiy fikrlash jarayonida axborotni tahlil qilish va izohlash? g‘oyalarni tahlil qilish, o‘rganilayotgan hikoyalarni o‘z taxminiy rejalari bilan qayta tuzib chiqishga qaratilgan savollardan foydalaniladi:

1. Ko‘chirish savollari. Bu savollar talabalarga o‘rganayotgan, tavsiflangan va ko‘rgan vaziyatlari, sahnalari va voqealarini o‘zlari namoyish eta olishlari uchun beriladi. Kuchirish savollari talabalarni axborotlarni qayta ishlash yoki boshqa shakllarga ko‘chim qilishga ilhomlantiradi.

2. Talabalarga g‘oya, dalillar, qayd va qadriyatlar orasidagi bog`lanishlarni ochish uchun izohlashga qaratilgan savollar.

3. Tatbiq qilishga qaratilgan savollar. Bunday savollar o‘qish (talaffuz) jarayoni yoki o‘rganish tajribasida uchraydigan mantiq muammolarini yechish va chuqur o‘rganish uchun imkoniyat beradi.

4. Tahlil etishga qaratilgan savollar. Bu talabalarni u biror-bir voqeaning ahamiyati yetarli darajada yaxshi yoritilganmi, yo‘qmi degan savolga javob berishga undaydi.

5. Sintez qilishga qaratilgan savollar. Yangicha fikrlash asosida ijodiy muammolarni hal qilishga da’vat etadi. Sintez savollari talabalarga o‘zining barcha

bilim va tajribalarini muammoning ijodiy yechilishida foydalanishga imkon beradi. Sintez savollari muqobil senariylar yaratishni ham taqozo qilishi mumkin.

6. Baholash savollari. Yaxshi va yomon, adolatli va adolatsizlik to‘g‘risida hukm chiqarish uchun beriladi. Baholash savollari talabalar, axborotlar sifatini yangi axborotlarga nisbatan o‘z munosabatlarini baholay olishi, ularni qadrlay olishi uchun beriladi.

Tanqidiy fikrlarni rivojlantirish jarayonini tashkil etishda idrok etishning 4 turi mavjud.

1.Yaxlitligicha idrok qilish. Mavzu yoki fan to‘g‘risida umumiy bilim beradigan idrokning shaklidir.

2.Izohli idrok qilish. Idrokning bu turida talaba g‘oya va hodisalarning o‘zaro aloqalarini yoritadi, uning mohiyatini muhokama qiladi, fanning turli sohalariga oid g‘oya va axborotlarni hatto tashqi jihatdan bog‘liq hodisalarni birlashtiradi.

3.Shaxsiy idrok etish. Talabalar o‘zlarida avvaldan mavjud bo‘lgan shaxsiy tajriba va bilimlar tuzilmasini yangi bilimlar bilan bog‘lab tushunish jarayonini aks ettiradi.

4.Tanqidiy idrok etish. Mazmunni bir tomonga qo‘yib, uni tahlil qilish, uning nisbiy qiymati, to‘g‘riligi, foydaliligini va talabalarning bilishi, tushunish va qabul qilish doirasida uning ahamiyatini baholashdir.

Shunday qilib, axborotlarni chorlash, o‘ylab ko‘rish va fikrlash metodikalaridan foydalanish quyidagi muhim vazifalarni yechish imkoniyatini beradi:

1.Talabalarga maqsadlarini anglab olishga yordam beradi.

2.Mashg‘ulotlarda faolligini ta`minlaydi.

3.Samarali munozaraga chorlaydi.

4.Talabalarning o‘zlari savollar tuzish va uni savol tarzida bera olish uchun yordam beradi.

5.Talabalarga o‘z shaxsiy bilimlarini ifoda qilishga yordam beradi.

6.Talabalarni shaxsiy mutoalasi motivatsiyasini qo‘llab – quvvatlaydi.

7.Har qanday fikrlarga bo‘lgan hurmat kayfiyatini yaratadi.

8.Talabalarda personatlarga bo‘ladigan istirobini o‘stirishga yordam beradi.

9.Talabalar qardlanadigan fikrlashga sharoit yaratadi.

10. O‘zgarishlar sodir bo‘lishiga sabab sifatida xizmat qiladi.

11. Talabalarning tanqidiy jalb qilinishiga bir qator umidlar bildiriladi.

Yuqoridagi ma’lumotlardan kelib chiqqan holda xulosa qiladigan bo`lsak, oliy ta`lim va kollej ta’lim tizimida seminar, amaliy mashg`ulotlar va o`quv amaliyotlarida “tanqidiy fikrlash” metodidan foydalanish dars maqsadiga erishishning eng samarali usullaridan biri hisoblanadi. Ushbu usul talabalarda tanqidiy fikr yuritish, tanqidiy tahlil qilishni rivojlantiradi va talabalarning erkin fikrlashini va o`z fikrini bayon etishni, o`ziga bo`lgan ishonchni va nutqning rivojlanishini oshiradi.

Кат.ўқит. М.П. Юнусов,
ТДИУ

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимида ислоҳотлар самарадорлигини ошириш йўллари

Буюк ватандошимиз Амир Темур бошлаб берган таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш ва ислоҳ этиш тамойиллари Президентимиз И.А. Каримов бошлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари, меъёрий ҳужжатлари ва дастурлари, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги қонуни, "Кадарлар тайёрлаш миллий дастури", Давлат таълим стандартларида ўз аксини топган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳаётимизнинг барча соҳаларида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида мисли кўрилмаган натижаларга эришилганлигига ҳеч бир шубҳамиз йўқ.

Дилимизни хира қилаётган нарса – жамиятимизда ҳануз учраб турадиган эскилик сарқитлари, порахўрлик, маҳаллийчилик, бепарволиклар ҳақида хоҳлаймизми йўқми фикр юритишга мажбурмиз!

Чунки ҳозир олий ўқув юртига таълим олаётган баъзи талабаларимизнинг билим савиялари жуда паст, ўз-ўзидан савол туғилади, улар қандай қилиб, олий ўқув юртига кирганлар? Уларни ким қабул қилган? Албатта улар кўп эмас, лекин бор!

"Таълим тизимини ислоҳ этишни бошланғич мактабдан бошлаш керак эди" деганлар ҳам бор. Ҳар қандай ислоҳотлар аниқ мақсадга йўналтирилган, маълум муддат ичида амалга оширилувчи, пухта ишлаб чиқилган лойиҳа бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу лойиҳа тахминан 10-15 йилга мўлжалланган бўлиб изчил жараён бўлмоғи лозим.

Таълим тизимини бошланғич мактаб босқичидан то олий ўқув юртигача бўлган қисмида амалга ошириладиган ислоҳотлар мазмуни тахминан қуйидаги мазмунда бўлиши мумкин:

1. Биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи синфни битириб, бошланғич маълумотга эга бўлган мактаб ўқувчиси битирув имтиҳонини топширади ва умрида биринчи маротаба расмий ҳужжат яъни бошланғич маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (шаҳодатнома)га эга бўлади. Бу ҳужжат бир маротаба берилади ва қалбакилаштирилишдан ҳимоялаш мақсадида бошқа берилмайди, у банкдаги махсус – дахлсиз қути ёки қимматли қоғозлар депозитарийсида сақланиши мумкин.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчи билимини ўртача тортилган рейтинг балл ёрдамида аниқланади. Масалан, фан бўйича 5 ёки 10 баллик тизим қўлланиши мумкин. Агар 5 баллик тизим қўлланса, ўқувчи ҳар бир фандан йил чораги давомида кўпи билан ўртача тортилган 5 балл, ками билан 3 балл олса, фанни ўзлаштирган ҳисобланади. Демак, бошланғич таълим босқичида ўқувчи жами тўртта асосий фанлар бўйича максимал 20 балл тўплаши мумкин бўлса, камида 12 балл тўплаганда ўқувчи мактабнинг бошланғич таълим босқичини муваффақиятли тугатган ҳисобланади.

2. Мактаб таълим босқичининг иккинчи босқичи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи синфларни тугатгач, яна асосий бешта фандан ўртача тортилган рейтинг баллари йиғиндиси якуний имтиҳонлар натижасида аниқланиб, максимал 50 балл, минимал 30 баллга эга бўлган ўқувчи узлуксиз таълимнинг бу босқичини муваффақиятли тугатган ҳисобланади ва жами мактаб таълим тизимида йиққан ўртача тортилган баллари максимал 70 га, камида 42 га тенг бўлади. Яъни мактабни аъло баҳоларга битирган ўқувчи максимал 70 баллга эга бўлиши мумкин.

3. Умумий ўрта таълим босқичининг якунловчи 3 йилида ўқувчи коллеж ёки академик лицейни тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи синфларни битириб, асосий фан йўналишлари бўйича якуний имтиҳонлар натижасида яна максимал ўртача тортилган 30 баллга, минимал 18 баллга эга бўлади. Яъни ўқувчи академик лицейни битирган бўлса умумий ўрта таълим маълумотига, коллежни битирган бўлса, ўрта махсус таълим маълумотга эга бўлади ва махсус гувоҳнома ёки шаҳодатнома билан тақдирланади. Бу хужжат ҳам аввал берилаган ҳужжатлар каби қалбакилаштирилишидан муҳофазаланиш мақсадида бир марта берилади ва банкдаги дахлсиз қутида сақланади.

Демак, ўқувчининг олий ўқув юртига кириб ўқишни давом эттиргунгача йиққан баллари максимал (20, 50, 30 баллар йиғиндиси) 100 баллга тенг бўлади, бу максимал кўрсаткич минимал (12, 30, 18 балла йиғиндиси) 60 га тенг бўлади ва ўқувчи келгусида ўз ҳаёт йўлини мустақил танлаш имкониятига эга бўлади.

Тараққий этган мамлакатлар амалиётида олий ўқув юртларига кириш тартиботлари кўп йиллик тажриба ва синовлардан ўтиб шаклланган бўлиб, ўқишни давом эттириш истагида бўлган, ўрта маълумотли ўсмирлар учун кенг имконият яратади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда 100 дан 90 баллгача йиққан талабалар касб танлашга кўмаклашувчи мутахассисларнинг тавсияномалари асосида хоҳлаган олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириб, ўқишни давом эттиришлари мумкин. Баъзи мамлакатларда мактаб ва коллежда 90 баллдан кам балл йиққан ёшларнинг рейтинги юқори, бўлса ҳам машҳур тиббиёт олий ўқув юртлари қабул қилмайдилар ва уларга ўқишни давом эттиришлари учун бошқа, рейтинги пастроқ олий ўқув юртига мурожаат қилишлари тавсия этилар экан. Масалан, баъзи оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра 80 баллдан кам балл йиққан ёшларни ҳуқуқшунос мутахассис тайёрловчи олий ўқув юртлари ҳам қабул қилмайди.

Албатта ёшларнинг дунёқарашлари, билим кўнималари фақат мактаб ёки коллежда шаклланмайди, кўпгина машҳур ихтирочилар, олимлар мактабда ўртача, баъзи ҳолларда ўртачадан паст баҳоларга ўқиганликлари ҳақидаги маълумотлар ҳам эмас, лекин бундай ҳолатлар жуда кам бўлиб, олим ва юқори малакали мутахассисларнинг деярли барчаси ёшлигиданоқ ўткир зеҳнлари билан ажралиб турганлар мактаб ва коллежларда аъло баҳоларга ўқганликларини ҳеч ким инкор этмаса керак. Юқорида келтирилган маълумотлар "Қозонда бори, чўмичга чиқади" деган халқимиз нақли жуда тўғрилигидан далолат беради.

Шундай бўлса-да, мактаб ва коллежларда баъзи сабаблар таъсирида етарли рейтинг баллари йиғолмаган, олий таълим муассасаларида таълим

олмоқчи бўлган ўқувчилар учун улуксиз таълим тизимида яна бир имконият яратилиши мумкин, яъни коллеж, лицейни тугатаётган ўқувчи 1 йил давомида маҳсус ваколатли давлат ташкилотларининг руҳсатнома сертификатларига эга ўқув марказларида шартнома асосида кам балл тўплаган фан-предметларидан қўшимча рейтинг балларини тўплашлари мумкин, қўшимча баллар йиғиндиси ҳар бир фандан максимал 10 рейтинг балларидан ошмаслиги лозим. Тўпланган қўшимча баллар ҳам давлат депозитарийсига топширилиши шарт.

Демак ўқувчининг мактаб ва коллежларда йиққан рейтинг баллари йиғиндиси 70 баллни ташкил этган бўлса, шартнома асосида йиққан 10 баллар билан қўшиб ҳисобланганда, (70+10) - 80 ни ташкил этади.

Олий ўқув юртига кириш учун юқорида санаб ўтилган жараён - тартиботнинг ўзи камлик қилиши мумкин, бўлажак олий маълумотли мутахассисини таълим йўналишини танлашида унга коллеж ва мактабларда ўқувчига устозлик қилган ўқитувчи, амалиёт раҳбарининг йўлномаси ўқувчининг маълумотини тасдиқловчи бошқа хужжатларга илова қилинса, фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

Пировард натижада олий ўқув юртларида фақат диплом учун эмас, ҳақақатдан билимга интилган ёшларимиз таълим олишлари учун имконият яратилади.

Майли, шундоқ бўлди ҳам дейлик, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни самарадорлигини ошириш учун фақат профессор-ўқитувчиларнинг малакалари, ҳаракатлари етарли бўлмайди. Мамлакатимизни юқори малакали, рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш вазифаси иқтисодётнинг барча соҳаси, қолаверса аҳолининг барча қатламлари учун тааллуқли вазифадир.

Чунки малакали мутахассис тайёрлаш учун универсистетдаги машғулотларнинг ўзи кифоя қилмаслигини барча мутахассислар яхши биладилар. Олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик - интеграция ишларини амалга ошириш лозим. Бунинг учун олий ўқув юртиш иқтисодиёт тармоғининг ўзига яқин турдош тармоғидаги йирик корхона билан шартнома асосидаги ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш амалиёти яхши натижа бериши қатор мамлакатлар тажрибаларида исботланган.

Мамлакатимизда юқорида баён этилган узлуксиз таълим тизимни яратилиши ёшларимизни мактабданоқ яхши ўқишга ундовчи асосий омил бўлиши муқарар.

Мустақил тадқиқотчи Н.А. Худойбердиева,
ЎзДЖТИ

Таълимда инновацион фаолият ва педагогик технологияларни қўллаш самарадорлиги

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўлида изчил олиб бораётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди.

Олий таълим тизимида ўқув-тарбиявий жараённи самарали ташкил этиш ва ўқув жараёнида педагогик технологияларни жорий этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2011-йилнинг 20-мартида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди ва унинг ижроси бугунги кунга қадар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Олий таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълимда ўқитишнинг замон талаблари ва янги педагогик технологиялар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Янги педагогик технологияларни илм-фан тараққиётига жорий этишнинг афзаллиги шундаки, қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва бевосита амалга оширилади. Дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва тузиш ҳамда уни амалга ошириш билан боғлиқ.

Бугунги кунда педагогика соҳасида ривожланиб бораётган йўналишлардан бири замонавий педагогик технологияларни олий таълим тизимида қўллашдан иборат.

Заманавий педагогик технологиялар таълим олувчига олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказувчи фаолиятдан иборат бўлиб, ўқувчини мустақил ўқиш, билим олиш, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараён. Бу жараёнда ўқувчи мустақил билим олади, ўрганади, ўзлаштиради. Бу жараён, ўқувчи фаолиятини амалга оширишда уни ташкил этлиш, қиёслаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, бошқариш, назорат қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Педагогик технологиялар тушунчаси кўп қиррали бўлиб, унга педагогик, психологик, дидактик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, экологик нуқтаи назардан ёндашганлар.

Педагогик технологияларнинг илмий тушунчасига қатор олимлар томонидан турлича таърифлар берилган (В.М. Шепель, Б.Т. Лихачев, В.П. Беспалько, И.П. Вопков, М. Чошанов, В.М. Монахов, В. Кларин, М. Очилов, У. Нишоналиев, Ў. Толипов, М. Усмонбоева, Н. Саидахмедов ва бошқалар), унда педагогик технология техника ресурслари, инсонлар, уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи деб таърифланади.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, замонавий таълим-тарбия ишларини давлат стандарти даражасига кўтариш учун педагогик таълим фаолиятига илғор ахборот ва технологияларни жорий этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Таълимда тарбия технологияси деганда, тарбиянинг маълум мақсадларига эришишга қаратилган махсус педагогик услублар тизими тушунилади. Таълим фаолиятида интерфаол усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор

кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билим, кўникма ва малакаларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилиш, хатто ҳулосаларини ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади.

Педагог бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиш, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади, шунингдек, бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради.

Шунинг учун баркамол авлод вакилларини тарбиялашда замонавий ўқитиш методлари – интерфаол усуллар, инновацион технологиялар ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бунга педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратга оид билим ва кўникмалар, тажриба ва интерфаол усуллар ўқувчиларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Педагогик таълимда педагогик ва таълим технологияларидан фойдаланишдан асосий мақсад фаолиятда таълим олувчида етарли даражада билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш асосида эркин ва мустақил фикр баён қилиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланади.

Педагогик таълим фаолияти жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашда таълим олувчининг шахсини ҳурмат қилиш, ҳар бир шахсни эркин фикр билдиришига имконият яратиш, ижод билан шуғулланиши ва ўз-ўзини ривожлантиришга қулай ижтимоий-психологик муҳит яратиш орқали тингловчини шахс сифатида мустақил фикрлашга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўз нутқида: «Бизнинг олдимизда озод фуқоро шахснинг маънавияти, бошқача айтганда, озод ва ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, кучи ва қобилиятига ишониб таянадиган, атрофдаги муҳитга, ҳодисаларга ўзининг мустақил фикри ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини Ватан ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган шахсни тарбиялаш турибди»,[31] – деб таъкидлаган эди.

Фаол ўқитиш усуллари илғор педагогик технологиялар инновацион ғояларнинг маҳсулидир.Таълим жараёнига инновацияларни қўллаш бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

- ўқув фанининг аниқ мақсадини аниқлаш;
- фаннинг ҳажми ва мазмунини аниқлаш;
- зарур бўлган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш;
- фаннинг моддий ва техник таъминотини яратиш;
- таълим олувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- ўқитувчиларнинг тайёргарлиги ва дарс машғулотларини лойиҳалаш.

Юқоридаги вазифалар ичида энг муҳими ўқув жараёнини ташкил этиш учун энг мақбул таълим технологияларини ишлаб чиқишдир. Бу муаммоларни бирор-бир усулни тавсия этиш билан ҳал этиб бўлмайди, айниқса педагог репродуктив таълим усулларини қўллашни мақсад қилган бўлса.

[31]Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг 14-сессиясида сўзлаган нутқидан.

Мақсадга эришишнинг энг тўғри йўли дарс машғулотларини лойиҳалашда интеграллашган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан дарснинг турли босқичларида самарали фойдаланиш имкониятларини излашдир.

Самарали инновацион усуллардан бири ҳамкорликда ишлашдир. Ҳамкорликда ўқув жараёнини ташкил этишнинг энг асосий моҳияти шундан иборатки, унда барча ўқувчилар билиш жараёнига жалб этилган бўлиб, эркин фикрлаш, таҳлил қилиш ва мантиқий фикр юритиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳамкорликда ўқитиш жараёнида ўқувчиларни танқидий фикрлашга, шарт-шароитлар ва тегишли ахборотни таҳлил қилиш асосида мураккаб муаммоларни ечишга, муқобил фикрларни чамалаб кўриш, асосли равишда қарорлар қабул қилишга, муҳокамаларда иштирок этишда бошқалар билан мулоқот қилишга ўрганадилар.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда янги педагогик технологияларнинг илмий-назарий асосларини яратиш ва ундан самарали, оқилона фойдаланиш хар бир педагог зиммасида турган улкан вазифадир. Педагогик техногияларни таълим жараёнига жорий этиш, ривожланган мамлакатлар педагогика соҳасини тубдан ўрганиш орқали педагогик технологиялардан фойдаланиш тажрибасини ўрганиш, унга ижобий ва ижодий ёндашган ҳолда улкан натижаларга эришиш, ўқув жараёни фаолиятини янада такомиллаштиришга эришиш, ўқувчини суст объектдан фаол субъектга айлантириш, шу билан бир қаторда таълим жараёнида инновацияларни қўллаш, интерфаол дарс ўтиш усулларини жорий этиш орқали замонавий билим кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

3 – шуъба

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАМДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўқит. И.С. Акбарова,
Мирзо Улуғбек Информатика касб ҳунар коллежи

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг мустақил изланувчанлик қобилиятларини ривожлантириш йўллари

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим мақсади юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан шу мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда 1997-2015 йилларда кенг миқёсдаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди. Унинг замирида аҳолининг узлуксиз таълим олишини таъминлаш, таълим тизимининг жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар, иқтисодиётдаги юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлишига эришиш концепцияси мужассам эди. Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда замонавий таълимнинг вазифаси, мақсади, ўрни ва ролини яққол тасаввур қила олишимиз керак.

Ҳозирги вақтда қўлланилаётган ўқув-тарбия жараёнида, педагогик адабиётлар ва тадқиқот ишларида “мустақил таълим”, ”мустақил иш” тушунчаларининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилдик.

Мустақил ҳолда ўқиш расмий ўқув жараёнидан ташқарида кечиши мумкин, яъни муайян таълим муассасасига бормай туриб, уйда ўзи ўқув материаллари асосида мустақил индивидуал ҳолда ўқиш ва ўрганиши мумкин. Мустақил таълим белгиланган ўқув топшириқларини таҳсил олувчиларнинг мустақил ва ижодий бажаришлари асосида ўтадиган ўқув фаолиятидир. Мустақил таълим негизини мустақил ишлар ташкил этади.

Биз мустақил таълимни педагогик тамойилларга асосланиб ташкил этиш керак, деб ўйлаймиз. Масалан, ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик, ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланадиган булсин.

Баъзи тадқиқотчилар ўқувчиларнинг билим савияси уларнинг мустақил таълим олиш ёки урганиш фаолиятининг ҳажми ва мунтазамлигига бевосита боғлиқ, деб таъкидлайдилар. Чунки ҳеч бир инсон мустақил фаолиятсиз мақсадига эриша олмайди. Шунинг учун мустақил фаолиятни билим олиш воситаси ва унинг натижаси сифатида қараш мумкин. Ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари уларнинг тадқиқот ишлари изланишлари натижаси эканлигини кўрсатиш учун бундай натижани ташкил этиш ва бошқариш лозим. Бу эса ўқувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантиради.

Мустақил таълим - ўқувчиларнинг ўқув мақсадларига кафолатли эришишлари, шунингдек, фан дастурлари доирасидаги ўқув материалларини самарали ўзлаштиришлари буйича мустақил ишларни бажаришларини назарда тутади. Ўқитувчилар эса ўқувчиларнинг мустақил таълим олишга интилишларини рағбатлантиришлари ва тўғри йўналтира олишлари лозим. Ўқувчи якка ҳолда самаралироқ ишлайдими ёки бир неча кишидан иборат гуруҳ билан биргаликда ишлашни ёқтирадими, ўз вақтини кутубхонада ўтказадими ёки унга Интернет тармоғидаги мавжуд электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш қулайроқми, ўқувчи мустақил ишни қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ ва қулайроқ ташкил этиш кераклигини ўзи ҳам, ўқитувчи ҳам яхши билиши керак. Мустақил таълимнинг асосий моҳияти ҳам шундаки, ўқувчиларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи томонидан машғулотларда берилаётган билимлар бўлиши керак эмас. Мустақил таълим шароитида ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалини ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада ўзлаштириш учун қўшимча, маълумотлар излаб топишга ундашлари ҳамда йўналтиришлари лозим. Мустақил таълимда дидактик ва педагогик тамойилларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда ўқувчини мустақил билим олишини самарали ташкил этиш орқали ўқувчини ижодий фаолият юритиш, шу билан унинг мустақил изланишига ундайди.

Мустақил билим олиш педагогик технологияга нисбатан жуда муҳим талабларни қўяди. Таълим муассасасидаги ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги фаолиятнинг якуний натижаси олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда ўқувчи аниқ бўлмаган ҳамда олдиндан режалаштирилмаган натижага эришиш керак, яъни ўрганаётган ўқув материаллари бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бўлажак замонавий мутахассис мустақил равишда таълим олиш ва ўрганишга шундай тайёрланиши керакки, улар нафақат ҳозирги мавжуд техника ва технологияни билиши, балки янги техника ва технологияни анча қисқа муддатда самарали ўзлаштира олишлари лозим.

Бўлажак кичик мутахассисда ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантириб бориш алоҳида педагогик вазифа ҳам ҳисобланади, ҳамда бу вазифани амалга ошириш учун махсус методикалар ишлаб чиқишни тақозо этади. Ўз навбатида, ўқитувчилар ўқувчининг тадқиқот олиб бориш куникмаларини, ўтилган материалларини янада чуқурроқ ўзлаштириши учун қўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Барча соҳада ижод иш натижасининг фарқли белгилари, унинг янгилиги ва ижтимоий аҳамиятга моликлигидир.

Sh. Jo‘rayeva, Sergeli tibbiyot kolleji

MS ACCESS dasturida ma’lumotlar omborini tashkil etish bo‘yicha loyiha ishini yaratish

Hozirgi kunda kompyuter texnologiyasi xalq xo`jaligining deyarli barcha jabhalarini qamrab oldi. Yildan-yilga kompyuter texnologiyalari rivojlanib, takomillashib va mukammallashib bormoqda. Kompyuter texnologiyalarining juda katta imkoniyatlarga ega bo`lgan matn muharrirlari, elektron jadval protsessorlari, ma’lumotlar bazasini boshqarish tizimlari va Web texnologiyalari kabi dasturiy vositaliri yaratilishi barcha sohalarda o`z samarasini bermoqda.

Kompyuterlar asosidagi axborot texnologiyalarining ko`rinishlaridan biri ma’lumotlar ombori hisoblanadi. Oddiy fayllardan farqli ravishda ma’lumotlar ombori kompyuter xotirasida joylashga axborotlarni izlash va saralashni amalga oshirish imkoniyati bor.

Ma’lumotlar omborini yaratish va uni ishlatish uchun shaxsiy kompyuterdan foydalanish shart emas. Masalan, shifokorning qabulxonasidagi bemorlar kartotekasini ma’lumotlar ombori deb hisoblash mumkin (kartotekalar qog`ozdan yoki kartonlardan foydalanib bajarilgan bo`lishi mumkin).

Masalan, shifokor kompyuterda matn fayllarini yaratishni o`rganib, bemorlar kartotekalarini bir nechta fayllarda yozib «kompyuterli» ma’lumotlar omborini hosil qilishi mumkin. Albatta, bunday ma’lumotlar omboridan foydalanilganda bemorlarni hisobga olish va kerakli hujjatlarni tayyorlash (bemorga ma’lumotnoma berish, retsept yozish va h.k.) ancha tez bajariladi.

Ma’lumotlar omborini axborotlarni kompyuterlashgan shakldagi alohida yig`indisi deb tushunish mumkin.

Kompyuterda ham axborotlarni turli usulda saqlash mumkin. Masalan, matn muharrirlari (Bloknot yoki, MS Word dasturlari) yordamida katta hajmdagi axborotlarni saqlash mumkin. Lekin axborotlarni matn muharrirlari yordamida saqlash va ular bilan ishlash axborotlarni qog`ozda saqlash va kerakli ma’lumotlarni izlash bilan deyarli teng.

Ma’lumotlar bilan ishlashda kompyuter imkoniyatlaridan foydalanib, u holda barcha ishni avtomatlashtirish mumkin. Lekin shunda ham avval barcha ma’lumotlarni kompyuter xotirasiga kiritib olish zarur.

Loyiha asosida o`qitish bosqichlari

Tayyorlov bosqichi: loyiha bilan tanishish; auditoriyadagi mashg`ulot vaqtida talabalar faoliyatini tashkil etish.

Loyihani bajarish bosqichlari: auditoriyadan tashqari faoliyat davrida.

Yakuniy bosqich: loyiha taqdimoti, loyiha va auditoriya mashg`ulotida talabalarning loyihalashtirish faoliyatini baholash.

Loyiha asosida o`qitishni boshqarish: auditoriyadan tashqari faoliyatda.

Loyiha doirasida yechilishi kerak bo`lgan muammo MS Access dasturining imkoniyatlaridan foydalangan holda talabalar to`g`risida ma’lumotlarga ega bo`lgan ma’lumotlar omborini tuzishdan iborat.

Vazifalar:

MS Access dasturida ma’lumotlar omborini ikkita jadval ko`rinlshida tashkil etish. Birinchi jadval o`quvchilar haqidagi umumiy ma’lumot (familiyasi, ismi, otasining ismi, guruhi, tug`ilgan sanasi, telefon raqami va rasmi)dan iborat. Ikkinchi jadvalda o`quvchilarning fanlardan olgan baholari aks etgan jadvallar hosil qilib, ularni bir-biriga bog`lashni amalga oshirish.

Jadvallarning maydon nomlari va qiymatlarining turlarini tanlash.

Kalit maydonni aniqlash.

So`rovlarni tashkil etish.

Loyihaning maqsadi (u nima uchun yaratiladi): MS Access dasturidan foydalanib, talabalar to`g`risida ma’lumotlarga ega bo`lgan ma’lumotlar omborini tashkil etish.

Yakuniy natija: axborotlarni saralash, kerakli ma’lumotlarni izlash imkoniyatiga ega bo`lgan ma’lumotlar ombori.

Loyihadan foydalanuvchilar: Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari talabalari va o`qituvchilari hamda ma’muriyat.

O‘quvchilar uchun uslubiy ko`rsatmalar

1. Loyiha faoliyatini bosqichma-bosqich bajarish uchun yo`riqnoma

1-bosqich. Tayyorgarlik

1.1.Loyiha faoliyati jarayonida yechimni topish talab etiladigan, muammo, maqsad va loyiha natijalari, vazifalar hamda ishtirokchilarning loyiha faoliyati turlarini aniqlang.

1.2. Loyiha faoliyati jarayonida yechimni topish talab etiladigan, muammoni, maqsad va loyiha natijalarini, loyiha faoliyati ishtirokchilarining vazifalarini aniqlang.

1.3.Axborot manbalarini aniqlang.

2-bosqich. Loyiha faoliyatini rejalashtirish

1.1.Maqsadga erishish ketma-ketligini ishlab chiqing.

1.2.Ish rejasini tuzing (loyihani ishlab chiqish, rasmiylashtirish, uni taqdimotga tayyorlash, ma’lumotlar omboroni tuzish bo`yicha topshiriqlarni ishtirokchilar o`rtasida taqsimlang, ularni bajarish va tayyor holatga keltirish muddatini belgilang).

Ishtirokchi-larning F.I.SH	**Topshiriq**	**Faoliyat turi**	Tayyor mahsul ko`rinishi	Bajari-lish mud-dati
	Loyiha doirasida qatnashchilarni aniqlash, har bir qatnashchining vazifasini belgilash	Qatnashchilar ro`yxati tuziladi, qatnashchilar imkoniyatiga qarab loyiha uchun tanlangan faoliyat yo`nalishidagi ma’lumotlar omborining jadvallari o`zaro taqsimlanadi	Loyihani amalga oshirish rejasi shakllanadi	
	Qaysi yo`nalishdagi obyektlar uchun ma’lumotlar ombori tayyorlanishini tanlash	Obyektlarni to`liq tahlil etish orqali ishchi guruh imkoniyatlarini to`g`ri baholash	Obyekt aniqlanadi	
	Obyektga tegishli ma’lumotlarni shakllantirish	Tanlangan obyektning o`ziga xos xususiyatlarini aks ettiruvchi ma’lumotlar	Ma’lumotlar ombori tuziladi	

		ombori shakllantiriladi		
	Yo`nalishiga qarab ma’lumotlarni jadvalga solish	Accessda jadvallarni ma’lumotlar bilan to`ldiriladi	Accessda jadvallar hosil bo`ladi	
	Sorovlarni hosil qilish	Ma’lumotlar omboridan kerakli axborotni chiqarish usullarini yaratadi	So`rovlar hosil bo`ladi	
	Loyihalashtirish faoliyati natijalari va loyiha taqdimoti bo`yicha hisobotni tayyorlash	Mavzu dolzarbligi va muammoni asoslab berish, loyihanin maqsad va vazifalarini ko`rsatib berish va boshqalar	Hisobot	
	MS Power Pointda loyiha taqdimotini tayyorlash	Taqdimotni umumiy rasmiylashtirish va uning mazmunini yana bir bor tekshirish va x.k.	Taqdimot	

Izoh: har bir guruhdagi ishtirokchilar hamda mavjud vaziyatdan kelib chiqqan holda ishtirokchilarninng F.I.Sh. lari belgilanadi; -bajarish muddatlari tanlangan loyiha yo`nalishi va guruhdagi vaziyatga bog`liq ravishda muayyan holatdan kelib chiqib belgilanadi.

3-bosqich. Amalga oshirish

3.1. Kerakli ma’lumotlarni to`plang, tizimga keltiring va tahlil qiling.

3.2. Taqdimot natijalarini rasmiylashtiring (tayyor holatga keltiring).

3.3. Yo`riqnomaga muvofiq loyiha faoliyati to`g`risida hisobot tayyorlang.

4-bosqich. Loyihani taqdimotga tayyorlash.

4.1. MS Power Point da taqdimotlarni tayyorlash bo`yicha qo`llanmadan foydalangan holda loyiha taqdimotini tayyorlang.

4.2. Loyihaning og`zaki taqdimotida guruh a’zolari o`rtasida vazifalarni aniqlang.

5-bosqich. Ommaviy taqdimot, loyiha himoyasi va baholash.

Demak, loyiha ishi bo‘yicha rejalashtirilayotgan o`quv natijalari quyidagicha: Ma’lumotlar omborining maqsadi va vazifalarini anglab yetadi; ma’lumotlarning turlari (belgili, sonli va mantiqiy)ni ajrata oladi; jadvalning bosh kaliti nima ekanligini o`zlashtiradi; MS Access dasturida so`rovlarni tashkil etish ko`nikmalariga ega bo`ladilar.

Loyihalashtirish faoliyati bo`yicha quyidagi amaliy ko`nikmalarga ega bo`ladi: muammoni shakllantirish va vazifalarni aniqlash; vazifalarni amalga oshirishdagi usullarni tanlash va ulardan foydalanish; o`z faoliyatini rejalashtirish; ma’lumot manbalarini aniqlash, tizimga keltirish va tahlil etish; natijalarni talab darajasida rasmiylashtirish va kerakli ko`rinishda taqdim etish.

Кат. ўқит. Г.М. Мусаханова,
ТДИУ

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг таълим тизимида жиддий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури қабул қилиниши муносабати билан барча академик лицейлар педагогик жамоалари олдига мустақил тафаккурга, ижодкор-яратувчан, заковатли, чуқур билимга эга бўлган, олган билимини ўзи бойитиб, амалга татбиқ эта оладиган, иқтидорли, истеъдодли, янгича фикрлайдиган, янгиликка чанқоқ, замонавий соҳаларни чуқур англайдиган билимли ўқувчи-ёшларни тарбиялашдек улкан ва шарафли вазифани қўйди.

Бугунги кунда мактаблар, коллежлар, лицейлар ва олий таълим тизимида ўзаро узвийлик ва узлуксизлик кенг йўлга қўйиб борилмоқда. Бунга ҳозирги кунда ҳар бир олий ўқув юрти қошида академик лицейларнинг ташкил этилганлиги ва улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ишларининг кенг йўлга қўйилиши ёрқин мисол бўла олади. Ҳозирда ҳар бир фан фидоийси таълим самарадорлигини ошириш бўйича тинмай изланишлар олиб бормоқда. Эндиликда таълим самарадорлигини ошириш учун эски усуллардан воз кечиб, янги замонавий педагогик технологияларга асосланган усуллардан фойдаланиш давр талаби даражасига кўтарилди.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг юқори сифат кўрсаткичини таъминлаш, талаб мазмунини давлат таълим стандартлари асосида ташкиллаштиришга киришилди. Барча ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартларини ўқув жараёнида қўллаб ва ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар шу стандартларга мослигини аниқлаш бўйича мактаб, туман, шаҳар, республика даражасида мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Миллий дастурда кўзда тутилганидек, замонавий ахборот технологиялари ва компютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб борди. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожланди. Ўқув-услубий, илмий, инновацион замонавий технологиялар мукаммаллашиб, ўқув жараёнига татбиқ этиб борилди.

Маълумки, дидактиканинг предметини ўргатиш, ўрганиш ҳамда таълим мазмуни ташкил қилади. Бунда иштирок этаётган учта компонент бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, улардан бирортасини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Ишни ўрганиш ёки ўргатишдан бошласак, табиий равишда нимани (қайси мазмундаги ўқув материалини) ўрганмоқчимиз ёки ўргатмоқчимиз, деган савол туғулади.

Ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам уларнинг оҳирги натижаси ҳам таълим мазмунига боғлиқ.

Ҳар хил мазмундаги матнларни ўзига хос усуллар билан ўзлаштириш қабул қилинганлиги учун ўргатишнинг қандай бўлиши унинг мазмунидан келиб чиқади, эса ўрганишни ташкил этувчи, яъни ўргатувчига боғлиқ. Дидактик тафаккур бу – ўрганиш, ўргатиш ва таълим мазмунининг доимий алоқалари, муносабатларини излаш, аниқлаш демакдир.

Ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, ўқитиш шакллари ва вазиятларни излайди, замонавий педагогик технологияга суяниб, ўқув жараёни

самарадорлигини оширади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўқув жараёнининг юқори сифат ва самародорлигига эришади.

Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил этади. Замонавий педагогик технологиялардан барча педагоглар хабардор бўлишлари ҳамда ўқувчига билим беришда замонавий педагогик технологияларни қўллаш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бугунги кун талабидир.

Педагогик технология маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ҳамда ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Педагогик технология ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Педагогик технология жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчи мустақил равишда билим олади, ўрганади, ўзлаштиради.

Педагогик технология инсон (таълим-тарбия олувчи)га олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат.

Шу боисдан ҳам, педагогик технология, дидактик технология, таълим технологияларига ўқув жараёнидаги энг самарали воситалар деб қаралмоқда. Улардан дунё педагогик амалиётида кенг фойдаланилмоқда.

Демак, педагогик технология – маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ҳамда ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Бугунги ижтимоий тараққиёт шароитида улғайиб келаётган авлодни баркамол этиб тарбиялаш, истеъдодли, изланувчан, ташаббускор ёшларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини тўла намоён этишида кўмаклашиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, янги таълим масканларини барпо этилиши, уларни замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиши, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналар ташкил этилганлиги, ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг маиший шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани бунга аниқ мисол бўла олади. Бу, ўз навбатида, фан, техника, илғор технологиялар асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш, ривожлантириш масаласини ҳал этиш учун хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида таълим соҳаси, хусусан, ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга берилаётган эътибор ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш мақсадини кўзлайди. Бугунги кунда ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологиялар кенг жорий этилмоқда, таълим ва тарбияда мукаммал воситалардан самарали фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, бой моддий-техника таъминотини яратиш, жисмоний тарбия ва спорт ишларини жонлантириш, касб-ҳунар бўйича ўқувчиларнинг кенг кўникма ва малака эгаллашларига ёрдамлашиш, мавжуд имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш натижасида бугунги кунда битирувчиларнинг олий ўқув юртларига муваффақиятли қабул қилинишига, мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилишига эришилмоқда.

Президентимиз ўз маърузаларида: “Халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад деб билади”, дея эътироф этдилар. Чунки педагогларнинг фаолиятининг аксар қисми ёшлар орасида ўтади. Янада аниқроқ айтганда, ёшлар бизнинг ҳаётимиз, бугунимиз, эртамиз. Шу туфайли маърузада таъкидланган юқоридаги сатрлар ўқитувчиларнинг келажак фаолияти тамойилларини белгилаб олишида улкан дастуриламал бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бугунги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида амалий машғулот дарсларини бошқаришда педагогик услублардан фойдаланиш муҳим аҳамият каб этади.

Тадқиқодларга кўра, олган билимни ўзлаштириш жараёнида бир хил талабаларга бир услуб мавзу мазмунини тезроқ аниқлашга ёрдам берса, иккинчиларига бошқа услуб ёрдам беради.

Маълумки, инновацион технологиялар орқали ўқув жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи катта педагогик тажрибага эга бўлмаса ҳам, юқори самарага эриша олиши мумкинлиги кўринади. Шунинг учун таълим жараёнини ташкил этишда ўқув мақсадларини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади. Аниқ мақсадларни белгилаш назорат ва баҳолаш ишини енгиллаштиради, жараёнга ойдинлик киритади. Дарсда талабаларнинг эркин, ижодий ишлашлари учун шароит яратиш керак. Бунинг учун дарсларнинг ҳар бир қисми аниқ лойиҳалаштирилиши, ўқув материалини билим эгалловчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мослаштириш фойдали бўлади. Анъанавий таълим методлари билан бирга интерфаол усуллардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Интерфаол усуллардан фойдаланганда асосий урғу ўқувчиларни ҳамкорликда ишлашларига имкон берилиши ҳисобланади. Интерфаол усуллар ўқувчида эркин фикрлаш, ижодий қобилиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда ўқитишнинг фаол усулларини қўллаш инновацион технологиялар асосини ташкил этади. Инновацион технология ўз олдига таълим шаклларини муқобиллаштириш вазифасини қўювчи, техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро фаолиятини ҳисобга олиб, таълим бериш ва таҳсил олиш жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усулидир.

Таълим тизимига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш бир-бирини тўлдирувчи икки томонлама жараён бўлиб, бир томондан ўқитувчи касб фаолиятининг технологиялашуви бўлса, иккинчи томондан ўқувчи билим олишини фаоллаштириш асосида технологиялаштиришдан иборат. Инновациялар (ингилизча) innovation - янгилик киритиш, янгиликлардан тизм ичидаги ўзгаришлардир. Педагогик ўхшатишлар ва умумий маънода инновациялар ўқув-тарбия жараёнининг оқими ва натижаларини яхшиловчи педагогик тизимдаги зичлик киритишларни кўзда тутади. Аммо янгилик киритишлар тизимни ёмонлаштириш ҳам мумкин. Янгиликларни белгилаш қандайдир янги нарса билан алмаштириш учун инглиз сўзи ,,novation’’

мавжуд. Инновация тизимида эса унинг шахсий ресурслари (захиралари) ҳисобига амалга ошириладиган янгилик киритишни билдиради. Дарсларда ҳар хил усулларни қўллаш ўқувчиларда фанга қизиқиш уйғотади ва уларнинг фаоллигини оширади. Натижада ўзлаштириш даражаси ортади. Тез ва тўғри фикрлашга йўналтириш, машғулот мазмунини гуруҳларда таҳлил қилиш, ўйин воситасида билим эгаллаш, натижаларни тадқиқ қилиш, кузатув, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс, анкета сўровларини ташкил этиш, оғзаки ва ёзма машқлар бажариш, видеофильмлар намойиши, кассеталарни тинглаш, компакт дисклар ва кўргазмали материаллардан фойдаланиш, турли хил компьютер дастурларини қўллаб, дарсларни ташкил этиш жуда яхши самара беради. Ҳозирги кунда таълим жараёнида микрогуруҳларда шуғулланиш ижобий натижа бермоқда. Микрогуруҳлар икки хил йўл билан тузилади.

Биринчиси, тўрт, беш кишидан иборат бўлган доимий гуруҳлар. Унда талабалар дарсда, дарсдан ташқарида, оралиқ ва якуний назоратларга бирга тайёргарлик кўрадилар.

Иккинчиси ҳолатда микрогуруҳ айрим дарснинг, мавзунинг мазмуни, ўтказилиш тартибига мос ҳолда муваққат тарзда тузилади. Бунда айнан бир вазифа бажарилиши, ўйин ва тренинглар ўтказилиши мўлжалланади.

Бу усул талабаларнинг ҳар қандай шароитда ва ҳар хил жамоаларда эркин мулоқатга киришиши, фаоллигининг янада ортишини таъминлашда афзал ҳисобланади. Микрогуруҳ ичида ва микрогуруҳлар орасида ижобий маънодаги рақобатни тўғри ташкил этиш аҳамиятлидир. Таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланганда таълим усулларини танлаш ва самарали қўллаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Ўқитувчи томонидан у ёки бу таълим технологиясининг танланиши режалаштирилган дарсда қай даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боғлиқдир. Юқорида қайд этилганидек, таълим технологияси доирасида янги ўкув материалини ўзлаштиришнинг қуйидаги даражалари мавжуд:

1) бошланғич;
2) алгоритмик;
3) эвристик;
4) ижодий.

Бошланғич ва алгоритмик характердаги даражалар самарали билим ва кўникмаларни аниқлаш учун мезон вазифасини ўтайди. Ўзлаштиришнинг ушбу даражаларини аниқлашга ёрдам берувчи технологик жараённи ижрочи технология деб аташ мумкин. Ўқув материални эсда сақлаб қолиш ҳамда кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилган фаолият даражаси ўқувчиларнинг маҳсулдор ва натижали (продуктив) фаолиятларини уйғунлаштиришни талаб қилади. Мазкур ҳолат ўкув фаолиятини ташкил этишга муаммоли ривожлантирувчи технологиянинг татбиқ этилиши билан амалга ошади. Ушбу технология асосида таълим жараёнини ташкил этиш ўкувчиларни ўқув материалини рефератлаштириш, уларнинг машғулотларда ўз маърузалари билан қатнашиш, мунозара ҳамда ишчанлик ўйинларида фаол иштирок этишга ўргатиши лозим.

Ўқув-билиш фаолияти изланувчан, эвристик характер касб этганда, юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар, мустақил ишлар, муаммоли характердаги топшириқлар, ишчан ўйинлар каби шакллардан фойдаланиш зарур. Ўзлаштиришнинг мазкур даражасини ифода этувчи технологик жараён эвристик технология деб аталади.

Таълим жараёнининг дидактик моҳияти қуйидаги педагогик технологияларни ажратишга имкон беради:

1. Муайян ўқув-тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи омилларни яратишга асосланган педагогик технология (келгуси ўқув омилларини яратиш технологияси).
2. Фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология.
3. Бошқаришга асосланган педагогик технология.

Бундай ҳолатлар кўп ҳолларда ўкитувчининг ўқувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига олиб келади. Бу ҳол ўқувчининг ортиқча ҳиссиётларга берилиши, ўкув фаолиятига ундовчи рағбатнинг пасайиши, ўқишдан безиши ҳамда ўқув предмети ва ўқитувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, нохуш ҳис сиётларни бартараф этишга йўналтирилиши лозим. Ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги муносабат эришилган ютуқлардан завқланиш, ўқув фаолиятига нисбатан чанқоқлик билан интилиш ҳамда биргаликдаги ижодий мулоқотга чорлаши керак. Бу эса педагогик таъсирни ташкил этиш учун зарур бўлган ўзаро алоқа воситаси, «кўприк»ни вужудга келтиради.

Бизга маълумки, таълим-тарбия жараёни ўзида учта ўзаро алоқадор учлик – таълим, тарбия ва шахс ривожланишини акс эттиради. Мазкур учликни таълим жараёнига баробар татбиқ этиш модуллашган технологияни қўллашни осонлаштиради.

Шундай экан, бугунги кунда таълим муассасаларида ўқувчиларга билим бериш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш учун илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш ижтимоий заруратга айланди. Республикамизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, бозор муносабатлари шароитида рақобатбардош, ўз касбининг билимдони ва моҳир эгаси бўлган кадрларни тайёрлашда педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларнинг ўрни беқиёс эканлиги аниқ исботини топмоқда.

М.А. Ахмадбекова,
Марғилон педагогика коллежи

Иқтисодий жараёнларни илмий билиш усуллари

Республикамизнинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатлари ва уларнинг натижаларини баҳолаш учун ҳам иқтисодиёт назариясининг илмий тадқиқот усуллари ва услубиятидан хабардор бўлиш, иқтисодий тафаккурлаш имкониятларига эга бўлишни тақозо этади.

Услубият – илмий билишнинг тамойиллари, тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадисларидир. Бу объектив реалликни билиш диалектикаси, мантиқи ва назариясини ўз ичига олувчи бир бутун таълимотдир. Услубият умумилмий тавсифга эга, лекин ҳар бир фан ўзи предметидан келиб чиқиб, ўзининг илмий билиш усулларига эга бўлади. Шунинг учун услубият умумилмий ва айни вақтда, хусусий бўлади.

Диалектик усул қоидалари илмий билишнинг умумий усули бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт назариясида қўлланиладиган бу тамойиллар қуйидагилардир:

1) иқтисодиёт бир-бири билан алоқада, чамбарчас боғлиқликда, зиддиятда, ўзаро таъсир қилиб турадиган турли бўғинлардан, бўлаклардан иборат яхлит бир жараёнки, у доимо ҳаракатда, ривожланишда, мазмун ва шакл жиҳатдан ўзгариб турадиган ички ва ташқи ҳодисалар билан алоқада бўлади;

2) иқтисодий жараённинг ҳар бир бўлагини алоҳида олиб, унинг ўзига хос хусусиятларини, келиб чиқиш ва йўқ бўлиш сабаблари ва оқибатларини, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини, ички ва ташқи алоқадорлик ва боғлиқлик томонларини замон ва маконда ўрганиш;

3) иқтисодий жараёнларни оддийдан мураккабгача, қуйидан юқоригача ривожланишда, деб қараш. Бу ерда сон жиҳатидан ўзгаришлар тўплана бориб, сифат жиҳатидан ўзгаришга олиб келишини ҳисобга олиш зарур:

4) ички қарама-қаршиликлар бирлиги ва уларнинг ўзаро курашига ривожланишнинг манбаи сифатида ёндашиш.

Иқтисодий фаолиятлар, ҳодиса ва жараёнлар табиий, моддий, шахсий омиллар ва пул маблағлари каби омилларга таянган ҳолда кечади, бу омиллар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамда зиддиятда бўлади ва бир-бирига таъсир кўрсатади, улар доимо сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгариб туради, турли даврларда турлича ижтимоий шаклга эга бўлади, эски иқтисодий қонунлар, тушунчалар ўрнига янгилари пайдо бўлади. Ана шулар ҳисобга олинса, бу фан учун диалектика қоидаларини қўллашнинг қанчалик зарурлиги ва муҳимлиги дарҳол намоён бўлади.

Шу билан бирга, иқтисодиёт назарияси фанининг ўзига хос тадқиқот усуллари ҳам мавжуд, улардан энг муҳими илмий абстракциядир. Иқтисодий жараёнларнинг моҳияти ўзгаришини ўрганишда микроскоплардан, кимёвий лабораториялардан фойдаланиб бўлмайди, бунда абстракция кучи ишга солинади.

Илмий абстракция усули – таҳлил пайтида халал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратишдир. Бу усул ёрдамида ўрганилаётган воқеа ва ҳодисанинг ички, кўзга кўринмайдиган моҳияти, унинг асл мазмуни билиб олинади.

Аслида ҳар бир иқтисодий жараён ёки ҳодиса ўнлаб омилларнинг таъсири остида рўй беради. Мазкур жараён ёки ҳодисанинг чуқур мазмунини очиб бериш мақсадида ҳар бир омилни ўрганиш, бир томондан, ўта мушкул ва сермашаққат ҳисобланса, бошқа томондан, у қадар муҳим бўлмаган жиҳатларни ҳам юзага чиқариб, тадқиқотчини воқеанинг асл моҳиятидан чалғитади. Шунга кўра, тадқиқотчи учун жараён ва ҳодисаларни илмий таҳлил қилишда биринчи

даражали, аҳамиятли ва асосий омилларни ажратиб олиб, диққат марказини шунга қаратиш муҳим ҳисобланади. Бу ҳаракатлар амалда тадқиқотчининг онгида, фикран ва мунтазам равишда содир бўлади. Айнан шу жараён илмий абстракциялашдир.

Илмий билишнинг муҳим усулларидан яна бири – таҳлил ва синтез усулидир. Таҳлил ва синтез деярли барча фанлар учун самарали қўллаш мумкин бўлган усуллардан бири ҳисобланса-да, унинг иқтисодий фанлар учун аҳамияти жуда беқиёсдир.

Таҳлил – ўрганилаётган бир бутунни алоҳида қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан ўрганиш. Тадқиқотчи воқеа-ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаши, у ҳақда тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун унинг ички таркибий қисмларига кириб бориши зарур. Бу эса тадқиқот объектини алоҳида таркибий қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан ўрганиш орқали амалга оширилади. Мисол учун, биз Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш суръати 2007 йилда олдинги йилга нисбатан 9,5 фоизни ташкил этганини биламиз. Бундай ўсиш суръатига нималар ҳисобига эришилганини аниқ тасаввур қилиш учун эса фақат таҳлилий жараёнлар орқали эришамиз. Яъни ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш, даромадлар ва харажатлар, мулкчилик шакллари, тармоқлар ва минтақалар бўйича таркибий қисмларини алоҳида ажратиб олиш ва уларни ўрганиш орқали ўсиш суръатининг манба ва омиллари тўғрисида тўғри хулоса чиқара оламиз.

Синтез – ўрганилган қисмлардан олинган хулоса ва натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб, умумий хулоса чиқаришдир. Мураккаб иқтисодий тизимлар ана шу йўл билан ўрганилади, иқтисодий тизим бутунича тасвирлаб берилади.

Иқтисодий фанларда кўпинча синтездан аниқ иқтисодий кўрсаткичларни умумлаштириш орқали яхлит хулоса чиқариш жараёнида фойдаланилади. Масалан, корхоналар иқтисодий фаолияти натижаларини умумлаштириш орқали тармоқ ва соҳалар, тармоқ ва соҳалар иқтисодий фаолияти натижаларини умумлаштириш орқали эса – миллий иқтисодиётга баҳо бериш, унинг умумий натижаларини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, синтез усули иқтисодиёт назарияси фанида кўплаб иқтисодий таълимот ва назарияларнинг илмий асосга эга бўлган, тўғри ва муҳим жиҳатларини ажратиб олган ҳолда, уларни умумлаштириш орқали янги ғоя ва назарияларни ҳосил қилиш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Жумладан, нархнинг илмий асосини очиб беришда А. Маршаллнинг қийматнинг турли назарияларини синтез қилиш усулидан фойдаланганлиги бунинг яққол далилидир.

Мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлики усули. Иқтисодиёт назариясида тарихийлик далили тарихий ривожланиш нуқтаи-назаридан тадқиқот олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Чунки иқтисодий жараёнлар тарихий жараён сифатида ривожланади. Мантиқийлик усулида жараёнлар фақатгина тарихий нуқтаи назардан эмас, шу билан бирга асосий ички зарур қонуний боғланишлар бўйича ҳам таҳлил қилинади. Масалан, биз пулнинг иқтисодий табиатини ўрганишда унинг тарихий жиҳатлари, жумладан, қиймат шаклларининг ривожланишини кўриб чиқамиз. Бу эса, биздан тарихга, товар-пул муносабатларининг дастлабки куртаклари пайдо бўлган жамиятга қайтиб,

ўша даврдаги иқтисодий муносабатларни таҳлил қилишни тақозо этади. Бироқ бу ҳолат ўтмишдаги барча иқтисодий муносабатларга эмас, балки айнан пулнинг дастлабки асослари билан мантиқий боғланган муносабатларгагина тааллуқлидир.

Фойдаланилаётган усуллар ичида **эксперимент** маълум ўрин эгаллайди, иқтисодий ўсишнинг кескин ўзгариш босқичларида, жумладан иқтисодиётнинг инқироз ва беқарорлик босқичларида экспериментдан кенг фойдаланилади. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун пухта тайёргарлик кўриш, яъни илмий тажриба, эксперимент ўтказиш ҳисоб-китоб воситасига асосланиш ва илмий йўналишларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишда **икки томонлама ёндашув усули** муҳим ўрин тутади. Бунда барча иқтисодий жараёнлар қиймат ва нафлилик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва хулоса чиқарилади. Акс ҳолда бир томонламаликка йўл қўйилиб, янглиш тасаввурга ва нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин[32].

Иқтисодий жараёнларни миқдорий жиҳатдан таҳлил қилишда **таққослаш, статистик, математик ва график усуллардан** кенг фойдаланилади. Айниқса, ҳозирги даврда график усулни кенг ўзлаштириш ва қўллаш зарурдир. Графиклар назария моделларини ифодалашда воситачи бўлиб хизмат қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, график усул ўзгарувчи миқдорлар ўртасидаги боғлиқликни кўргазмали қилиб тасвирлайди.

Бу усуллар ёрдамида иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг мазмуни, улардаги ўзгаришлар, келиб чиқиш сабаб-оқибатларини билиш мумкин.

Кат. ўқит. Д.У.Абдуллаева,ТДПУ,
У.Н. Маюсупова ТДПУ қошидаги академик лицей ўқитувчи

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишнинг ўзига хослиги

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида касб-ҳунар коллежларида амалий машғулотларни йўлга қўйиш ва назария билан амалиёт боғлиқ ҳолда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган вазифаларни ҳал қилишда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида «Оила психологияси» фанини ўқитиш жараёнида амалий машғулотларни таълим йўналишларини эътиборга олган ҳолда амалга оширишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Амалий машғулотларда ўқувчи шахсини бош қадриятга айлантириш, маънавиятини шакллантириш, билим олиш учун ўқувчининг ўзини ҳаракатга ундаш, унга кашф этиш лаззатини туйдириш, ушбу жараёнда педагогик

[32] Бу усулнинг назарий ва амалий аҳамияти проф. Ш.Шодмонов, доц. Г.Баубекова томонидан нашр этилган «Инновационные методы в преподавании экономической теории» китобида батафсил баён этилган.

ҳамкорлик ҳукмронлик қилишига эришиш сингари тамойиллар устуворлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатишда таълимнинг мантиқий ва интерфаол усулларидан самарали фойдаланилган ҳолда амалий машғулот дарсларини тўғри ташкил этишга эътибор бериш ҳамда ўқувчиларнинг назарий эгаллаган билимларини амалий малака ва кўникмаларга айлантириш лозим.

Бўлажак мутахассисларнинг ўз касбий фаолиятларини пухта ўзлаштиришларида “Оила психологияси” фанининг имкониятлари беқиёс. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг аксариятини ўсмир ва ўспирин ёшидагилар ташкил этади. Бу ёшда нафақат касбий Мен концепцияси, балки шахсий қараш ва умумий дунёқараш шакллана бошлайди. Шу билан биргада бу давр ўқувчиларнинг жинсий ривожланиш даври бўлиб, келажакда оила қуриш муаммосини онгли равишда ҳал эта олиш кўникмалари шакллана бошлайди. “Оила психологияси” фани, нафақат ўсмир ва ўспиринлар шахси ривожланиши, балки эгаллаётган касблари учун керакли билим ва малакаларни таркиб топтиришга кўмаклашади.

«Оила психологияси» фанида амалий машғулотларни таълим йўналишлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, ўқувчиларни ижодий ва мустақил фикрлашга ўргатиш ва касбга оид бўлган керакли кўникмаларни таркиб топтириш зарур. Бу эса, ўз навбатида, ҳар жиҳатдан баркамол бўлган комил шахсни тарбиялашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Амалий машғулотларни муаммоли ўқитиш технологиялари асосида ташкил этиш таълим самарадорлигини янада оширади ва қуйидаги кўникмаларнинг таркиб топишига ёрдам беради:

- муаммоли вазиятларни кўра билиш;
- муаммоли вазиятлар ечимини топа олиш;
- муаммоли вазиятларнинг муқобил ечимларини кўра билиш;
- муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- мулоқот маданиятини таркиб топтириш;
- касбий “Мен” концепциясини шакллантириш.

Таълимнинг барча босқичларида ўқувчилар қобилияти, қизиқишлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда амалий машғулотларни ташкил этиш, амалий дарслар жараёнида ўқувчида мустақил фикрлаш, ижодкорлик қобилиятини ўстиради.

Ўқувчиларнинг амалий машғулот дарсларида мустақил фикрлашга эътибор қаратиш ўқувчининг ўзини-ўзи тарбиялашига, ўз шахсида эзгу маънавий сифатларни шакллантиришига омил бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда касб ҳунар коллежлари ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига мутахассисларни етказиб бермоқда. Мавжуд бўлган ишлаб чиқаришдаги талаблар қондирилиши учун таълим соҳасининг йўналиштириш классификатори ишлаб чиқилган. Таълимнинг барча йўналишларида “оила” тушунчаси объект ва субъект сифатида кўрилади, ҳамда бу оилага нисбатан турлича ёндашувларга олиб келади.

Шу билан бирга ҳар бир йўналишлардаги касб-ҳунар коллежларида «Оила психологияси» ўқитилишида ва амалий машғулотларни ташкил этишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. “Оила психологияси” фанида дарсларни ташкил этишнинг умумий дидактик мазмунига эътибор бериш.

2. Амалий машғулотларни мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш.

3. “Оила психологияси”ни ўқитишда кўпроқ амалий масалаларга, айниқса, оила турлари, оиладаги шахслараро муносабатлар, оилавий низолар ва уларни бартараф этиш йўллари, репродуктив саломатлик асослари каби мавзуларда амалий машғулотларни муаммоли ўқитиш технологиялари асосида ташкил этишга аҳамият қаратиш.

Муаммоли ўқитиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим томони шундаки, бунда ўқитувчи унинг ҳам таълимий, ҳам тарбиявий функциясини яхши англаб олган бўлиши талаб қилинади. Ўқитувчи ҳеч қачон ўқувчиларга муаммонинг тайёр ечимини бериши керак эмас, балки муаммонинг турли ечимларини топишга, янги билимларни олишга туртки бериши, машғулотларда ва ҳаёт фаолиятларида зарур бўлган ахборот, воқеа, вақт ва ҳодисаларни онгида қайта ишлашларига ёрдам бериши лозим.

Оила психологияси фанидан “Оилавий низолар” мавзуси бўйича амалий машғулотларни муаммоли вазиятларни таҳли этиш орқали ўтказиш тавсия этилади. Мақсад: Оилавий ҳаёт замирида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, низолар ҳақида тушунча бериш, уларни ҳал қилишнинг турли ечимларини топишга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Машғулот бошланишида ўқитувчи ҳозирги замон оилаларида учраши мумкин бўлган муаммолар нималардан иборат эканлигини, қандай оилавий низоларни билишлари сўрайди. Жавобларни доскага ёки флипчартга ёзиб борилади.

Шундан сўнг гуруҳда "Оила низолар" ўйини ўтказилади. Буни амалга ошириш учун гуруҳни 4 та кичик гуруҳларга бўлинади. Шундан сўнг кичик гуруҳларнинг ҳар бирига юқорида қайд этилган оилавий низолардан бирини танлаб олиб, шу асосда саҳна кўриниши тайёрлашлари топширилади ва саҳна кўриниши тайёрлаш учун вақт берилади. Бунда ўқитувчи албатта ҳар бир гуруҳнинг мавзу танлашида уларга маслаҳат бериши ва тайёрланаётган саҳна кўринишларини кузатиб бориши лозим. Муаммолар турлича бўлиши мумкин. Масалан: оиладаги ота-она ва бола ўртасидаги келишмовчиликлар, эр-хотин ўртасидаги низолар, ажралиш муаммоси, қайнона-келин ўртасидаги низолар ва ҳоказо.

Кичик гуруҳлар ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишини намойиш этиб бўлганларидан сўнг кўтариб чиқилган муаммонинг келиб чиқиш сабаблари ва бу муаммони ҳал қилишнинг турли ечимларини барча иштирокчилар томонидан муҳокама қилинишини ташкил қилиш керак.

Муҳокамадан сўнг ўқувчиларга, оилавий низолар ҳар бир оилада бўлиши муқаррар эканлиги ва ҳеч қайси оилавий муаммонинг ечими ягона бўлмаслигини, оилавий ҳаётда муаммо, низо юза келар экан, уни албатта ўша

вазият, ўша шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш лозимлигини алоҳида таъкидланади.

Ушбу муаммоли дарснинг аҳамияти шундаки, талабаларга низолар инсон ҳаётининг ажралмас қисми эканлиги, икки инсон мулоқотга киришар экан, улар ўртасида низонинг вужудга келиши муқаррарлигини тушунтириш, таълим орқали, хусусан “Оила психологияси” фани ёрдамида ёшларни оилавий ҳаётда юз бериши мумкин бўлган низоли вазиятларни, келишмовчиликларни бартараф этишда бир неча усулларини ўзлаштиришлари ва амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Ўқитувчи томонидан инновацион технологияларни дарс жараёнида қўллаш натижасида ўқувчиларнинг фаоллигига, мустақил фикрлай олишига, оилавий низоларни ҳал қила олиш кўникмаларини шаклланишига эришилади.

Асси. Р. Файзуллаев ТИМИ,
Р. Эркабоев, Касб таълими йўналиши талабаси

Касб-ҳунар коллежларида педагог кадрларнинг методик тайёргарлигини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 май куни чиқарган “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида, жумладан: “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари томонидан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш савияси ва сифати устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, битирувчиларнинг касбий методик тайёргарлиги билан бир қаторда, уларнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни эгаллашларига, педагогик амалиётни коллежлар ва лицейларда мажбурий равишда ўтишларига алоҳида эътибор қаратсин”, – деб уқдирилди.

Бундай кўрсатманинг сифатли бажарилишида республикамизнинг бир қатор олий ўқув муассасаларида фаолият юритаётган “Касб таълими” йўналишларининг масъулияти алоҳидадир. Чунончи, бугунги кунда мамлакатимизнинг бир қанча олий ўқув юртларида касбий методик тайёргарлик таълим соҳаси бўйича касб-ҳунар коллежларига касб таълими ўқитувчилари тайёрланмоқда. Бу йўналишлар бўйича таълим олаётган талабалар келгусида ўз соҳаларида етук касб таълими ўқитувчиси бўлиб етишишлари учун ўз йўналишларидаги ихтисослик фанлари ва педагогик-психологик блок (ёш физиологияси, психология, педагогика, педагогик технологиялар, педагогик маҳорат, махсус фанларни ўқитиш методикаси) фанларини чуқур ўрганишлари керак. Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси бўйича касб таълими ўқитувчиларини тайёрловчи олий ўқув юртлари талабалари учун “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” курси бўйича янги авлод ўқув қўлланмаси мавжуд эмас. Бунга яна бир қатор таълим йўналишларини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида интерафаол усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу эса ўқувчи-талабаларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларини ҳам ўзлари келтириб чиқишларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу бир қаторда бошқарувчанлик, йўналтирувчанлик функциясини бажаради. Шунинг учун ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида касб эгаларини тайёрлашда замонавий интерфаол усуллар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир.

Биз олға сураётган илмий фаразга кўра, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагог кадрларнинг методик тайёргарлигини касб таълими йўналишларининг ўқув режаларидаги “Таълим технологиялари” ва “Махсус фанларни ўқитиш (касб таълими) методикаси” фанлари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш орқали эришиш мумкин.

Касб-ҳунар таълими ҳозир мураккаб, лекин зарур ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Уларнинг мураккаблиги даставвал шундаки, улар педагог кадрларнинг касбий онгини ўстиришни талаб этади. Бу методик хизматга ҳам тўлиқ равишда тегишли бўлиб, у касб-ҳунар таълимида алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Унинг асосий мақсади - ўз таълим муассасасида янгиликларни жорий этиш йўлига кирганларга ёрдам кўрсатишдир.

Касб-ҳунар таълимида сифат муаммоларини биринчи ўринга қўйиш бошқаришнинг тузилиши ва сифатини, касбий тайёргарлик мазмунини, ўқитишга инновацион ёндашувларни, ўзгартиришни, шунингдек, муҳандис - педагог ходимлар малакасини оширишни талаб қилади.

Ўқитишнинг янги технологияларига ўтиш муҳандис - педагог кадрларнинг махсус қайта тайёрланишини талаб этди. Педагог бугун таълим тизимини янгилашда бош ижрочи субъект ҳисобланади. Ўқитувчининг методик малакаси педагогик қадриятлар ва технологияларни ўзлаштириш, узатишга ва яратишга йўналтирилган алоқа ва фаолиятнинг турли кўринишларида шахснинг ижодий ўзини тартибга солиш усулидир. Педагогнинг муҳим сифатларига педагогик мақсадларни қўя билишни, ўқитишнинг мазмуни ва технологиясини мақсадга мувофиқ ҳолда тузатишни, ўз фаолияти натижаларини баҳолашни киритиш лозим. Педагогик фаолиятни такомиллаштириш методик профессионализм (ўз касбининг моҳир устаси бўлиш)ни узлуксиз шакллантиришни назарда тутади. Шу муносабат билан педагогларнинг ўз методик фаолияти ривожланишига ёндашувларини янгилаш муаммоси етарлича долзарб ҳисобланади.

Методик фаолият таълим фаолиятининг маълум бир тури бўлиб, тадқиқот - диагностик, методика - лойиҳаловчи, маслаҳатчи - тузатувчи ва ташкилий - методик вазифаларини амалга оширувчи кичик тизимдан иборат, уларнинг ўзгартириш бутун педагогик тизимни ривожлантиришга имкон беради. Мазкур фаолият қуйидаги хоссаларга хос бўлган тизим сифатида келтирилган: усулга йўналтирилганлик мавжудлиги, вақти бўйича ривожланиши, яъни динамиклиги

(харакатдалиги), барқарор ҳолатини сақлай олиш қобилияти; муҳандис-педагог жамоасининг методик илмга раҳбарлик қилишда иштирокиниг фаоллиги ва мослашувчан бўлиш зарурлиги.

Таълим тизмида методик хизматларнинг фаолияти педагог ходимларнинг, уларнинг касбий маҳоратининг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга, пировардида - меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ таълим муассасалари битирувчиларининг касбий таълими сифатини оширишга қаратилган ўзаро боғлиқ тизим сифатида қаралади.

Методик хизмат илмнинг мазмуни комплес тавсифга эга ва фаолиятнинг тўртта асосий йўналишини ўз ичига олади: технологик, педагогик, бошқарув, илмий.

Технологик кучланиш муҳандис-педагог ходимларнинг педагогик фаолиятини дастлабки ташхислар асосида таҳлил қилиш, педагогик меҳнатни тавсифлаш, янги педагогик технологияларга ўтиш имкониятлари ва йўлларини англашдир.

Педагогик йўналиш муҳандис-педагог ходимларга методик моҳирликни мукаммаллаштиришда, малакасини оширишда, ўқитувчилар ва усталарга таълим стандартларини илмий-методик таъминлашда маслаҳат билан ёрдам кўрсатишдан иборат.

Бошқарув йўналиши Давлат стандартлари талабларини амалга ошириш шароитида ўқув-тарбиявий жараёнини инновацион ўзгартиришга қодир педагогик жамоани шакллантиришни назарда тутади.

Илмий йўналиш янги ғоя, концепция, таълим муассасасини ривожлантириш дастурларини опробациядан ўтказиш, бахолаш бўйича тажриба - эксперементал ишни ташкил этишни ўз ичига олади.

Методик хизматнинг асосий вазифаларини янги ижтимоий-педагогик шароитларда қуйидаги тарзда тасаввур этиш мумкин:

буюртмачиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ методик хизматлар тизмини яратиш;

Педагогларга ишчиларни тайёрлашга ижтимоий буюртмани амалга ошириш учун зарур шароит яратиш. Илмий тадқиқотлар ва педагогик тажриба нитижаларини ўтказиш;

Методик хизматнинг асосий вазифалари;

педагог ходимларнинг илмий-амалий фаолияти учун шароит яратиш;

касб-хунар таълимининг илмий-методик таълимотидан ягона ахборот банкини яратиш. Педагогик ижодни ривожлантириш, методик таълимот, малака ошириш.

Методик ишни янгилаш ва ривожлантириш иккита масалани амалга ошириш билан боғлиқ:

- муҳандис-педагог кадрлар билан ишлашда инновацион таълим амалиётини тизимли англаш асосида эскидан воз кечиш йўли билан ўзгартириш;

- методик фаолиятнинг қарор топган ижодий тажрибасини такомиллаштириш;

Юқорида айтиб ўтилган вазифаларни бажариш давомида муҳандис-педагог жамоанинг тайёргарлиги ва педагогик махоратнинг мавжуд даражасини аниқлаш лозим. Бунда ҳар бир даража учун такомиллаштиришнинг индивидуал дастури ишлаб чиқилиши керак. Бунда энг асосийси - педагогни ўзининг шахсий ва касбий захираларидан фойдаланишга ўргатиш, яхлит педагогик фаолиятнинг индивидуал тизимини мустақил қуришдир.

Педагогларнинг методик маҳоратини такомиллаштириш методик ишнинг жамоавий ва индивидуал шакллари доирасида амалга оширилади. Методик ишнинг жамоавий шаклларига қуйидагилар киради: ўзини-ўзи ўқитиш, ходимлар малакасини ошириш, педагогнинг профессионал ва педагогик маҳоратни ошириш устида индивидуал иш олиб бориш, ташкилот ва муассаса мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Малакани ошириш 5 йилда камида бир мартадан кам бўлмаган муддатда ўтказилади, ўз ичига қуйидаги ўқитиш турларини олади:

- қисқа муддатли (камида 72 соат);
- мавзуга оид ва муаммоли семинарлар (72 соат);
- узоқ муддатли (100 соатдан иборат);

Таълим мазмуни соҳасида: баъзи ўқув режасини ўзлаштиришни таъминлаш, таълим стандартларини ўрганиш бўйича педагог кадрлар билан ишлаш, раҳбарларга уларнинг таълим муассасаларини доимий ривожланиш тартибига ўтказишда ёрдам бериш; таълимнинг янги мазмунини дидактик ва методик таъминлаш; янги педагогик технологияларни ташвиқот қилиш ва таълим муассасаларига уларни ўзлаштиришда ёрдам бериш. Диагностика ва прогноз қилиш (башорат қилиш) соҳасида: педагог кадрлар малакасини оширишга эҳтиёжини аниқлаш; педагогнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш.

Инновацион ва тажриба соҳасида: Инновационларни тажрибадан ўтказиш, тажриба фаолиятига илмий раҳбарлик; тажриба - тажриба ишни ташкил этиш; инновацион таълим муассасалари кадрлари билан методик ишни ташкил этиш.

Ахборот соҳасида: педагогик ахборот ва ахборотли педагогик системанинг худудий маълумотлари банкини яратиш. Малакани ошириш соҳасида: педагогик кадрлар ва таълимни бошқариш органлари рахбарларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, махсус маълумоти бўлмаган педагогларга ёрдам бериш; жойларда муҳим муаммолар бўйича малакали маслаҳатларни ташкил этиш.

Аттстациядан ўтказиш соҳасида: педагог ва раҳбар кадрлар аттестациясида қатнашиш; ўқувчи ва талабалар аттестациясида иштирок этиш. Методик ишни режалаштиришда фаолиятнинг асосий турлари ўзак вазифасини бажариши керак.

Ст.преп. Л.И. Ахметова,
Мирзо-Улугбекский профессиональный колледж информатики,

Перспективы применения информационных технологий в профессиональном образовании

В нашей стране с переходом системы образования на новый качественный этап обусловил уделять все большее внимание дополнению традиционной системы профессионального образования последними достижениями в области информационных технологий. Так как в настоящее время общество стремительно идет по пути к информатизации, компьютеризация образовательных учреждений стало требованием времени. Компьютеризация образовательных учреждений способствует широкому внедрению образовательных электронных ресурсов и Интернет-технологий в учебный процесс.

Информатизация общества это глобальный социальный процесс, особенность которого состоит в том, что доминирующим видом деятельности в сфере общего производства является сбор, обработка, передача, использование, продуцирование информации, осуществляемые на основе современных средств информационного взаимодействия и обмена. А так же информатизацию можно рассматривать как комплекс мер, направленных на обеспечение полного использования достоверного, исчерпывающего и своевременного знания во всех общественно значимых видах человеческой деятельности. По заключению ЮНЕСКО информатизация – это широкомасштабное применение методов и средств сбора, хранения и распространения информации, обеспечивающей систематизацию имеющихся и формирование новых знаний и их использование обществом для текущего управления и дальнейшего совершенствования и развития.

В нынешнем этапе развития системы образования Узбекистана информатизация образования является как новая, инновационная область педагогического знания, которая ориентирована на обеспечение сферы образования методологией, технологией и практикой решения ряда проблем образования и направлений научных исследований в области информационных технологий.

Целью информатизации образования сегодня можно считать глобальную рационализацию интеллектуальной деятельности путем использования ИТ, через массовую компьютерную грамотность и новую информационную культуру мышления. Данная цель предусматривает повышение качества образования и увеличение степени доступности образования. Информатизация образования ставит перед собой две основные задачи: стратегические и тактические. Если стратегические задачи состоят из подготовки кадров, анализа уровня целесообразности применения ИТ, научного обоснования методологии информатизации, разработки новых принципов и методов, то к тактическим задачам можно отнести доступ к большому объему информации, наглядность форм представления материала, поддержка активных методов обучения, поддержка ИТ учебно-методическим материалом.

Очевидны основные тенденции современного этапа информатизации образования. К ним можно отнести:

• изменение средств, способов и форм обучения: развитие способности эффективно сотрудничать при выполнении работы в группе и продуктивно планировать свою работу, формирование умения работать с информацией, овладение средствами рационального мышления;

• построение учебной среды, в рамках которой осуществляется эффективное сотрудничество участников учебного процесса за счет индивидуализации обучения, расширения средств представления информации, ориентацию на развивающее и опережающее образование с использованием информационно – коммуникационных технологий.

Внедрение интерактивных форм обучения - одно из важнейших направлений совершенствования подготовки учащихся к обучению в профессиональном колледже. Основные методические инновации связаны сегодня с применением именно интерактивных методов обучения. При этом термин «интерактивное обучение» понимается по-разному.

Поскольку сама идея подобного обучения возникла в середине 1990-х годов с началом развития сети Интернет, ряд специалистов трактует это понятие как обучение с использованием компьютерных сетей и ресурсов Интернета. Вполне допустимо и более широкое толкование, как способность взаимодействовать или находиться в режиме диалога с чем-либо (например, компьютером) или кем-либо (человеком). Основой интерактивных методов обучения являются интерактивные упражнения и задания, которые выполняются учащимися. Основное отличие интерактивных упражнений и заданий от обычных в том, что они направлены не только и не столько на закрепление уже изученного материала, сколько на изучение нового. Современная педагогика богата целым арсеналом интерактивных подходов.

Несмотря на достигнутые успехи в этой области, существуют еще ряд проблем связанных с внедрением информационно-коммуникационных технологий в учебный процесс, а именно:

1) технические проблемы – они определяют требования к микропроцессорной технике и свойствам их применения в процессе использования на уроках специальных дисциплин;

2) проблемы связанные с программами – они определяют структуру и виды программного обеспечения, особенности их применения;

3) проблемы с подготовкой – эти проблемы связанны с навыками использования компьютерной техники педагогов и учащихся;

В целом, исследования, направленные на совершенствование методологии и стратегии отбора содержания образования, методов и организационных форм обучения, воспитания обусловили, прежде всего, необходимость развития интеллектуального потенциала молодого поколения, в том числе, будущего специалиста, умений самостоятельно извлекать знания в условиях активного использования современных технологий информационного взаимодействия, таких как мультимедиа, телекоммуникации, геоинформационные технологии, в перспективе - Виртуальная реальность.

Kat.o`q. Sh.R. Djumaniyazov, TDIU "Ekonometrika" kafedrasi
Z.B. Nazarova, Toshkent transport kasb-hunar kolleji

Ta'lim jarayonida texnik vositalar orqali mustaqil ta'limni samarali tashkil etish yo'llari

O'qitishda texnik vositalardan keng foydalanish, axborotlarni berish va ularni o'zlashtirish jarayonini yengillashtiradi. O'qitishning texnik vositalarini uning belgilanishiga ko'ra, axborot, nazorat qiluvchi va boshqaruvchi vositalarga bo'lish mumkin. O'quv axborotlari, asosan, hikoya qilish va ko'rsatish orqali berilar ekan, u holda bu jarayonda yordamchi yoki mustaqil axborot manbalari sifatida ishtirok etayotgan texnik vositalar ovoz yozish (ovozli) yoki ko'rgazmali tasvirlash (ko'rish) vazifalariga bo'linadi.

Shu bilan bog`liq ravishda axborot texnik vositalarini uch guruhga bo'lish mumkin: ko'rish (videovositasi), ovozli(audio-vosita), ovozli ko'rish (audiovizual vosita) yoki murakkab (uyg`unlashgan) vosita. Ko'rish texnik vositalari yoki ko'rish axborotini beradigan vositalar o'rganilayotgan hodisa yoki jarayonning mohiyatiga chuqurroq kirib borish imkonini beradi, idrok qilish vaqtini qisqartiradi va o'zlashtirilgan axborot hajmini o'stiradi. O'z navbatida, statik va dinamik proyeksiya (aks etish) vositalariga bo'linadi.

Statik aks etish ekranda diaproyeksiya yoki epiproyeksiya yordamida harakatsiz tasvirni hosil qilishdir. Diaproyeksiyada tasvir tiniq asosga: plyonka, shisha va hokazoga ko'chiriladi. Diafilm yoki diapozitiv hosil bo'ladi. Obyektiv yorug`lik manbai yordamida tasvir ekranda kuchli kattalashtirilgan ko'rinishda aks ettiriladi. Biroq ekranda tiniq asosga ega bo'lgan tasvirni ko'rsatish zarurati tug`iladi: kitobdan chizma, rasm, suratlar va h.k. Bunday hollarda epiproyeksiyadan foydalaniladi. Bu yerda yorug`lik nuri obyektiv orqali o'tmaydi, balki optik tizim yordamida undan o'tib, ekranga beriladi, ya'ni epiproyeksiya – aks ettirilgan yorug`likda tiniq bo'lmagan asosdagi tasvir aksidir.

Diaproyeksiya tamoyili bo'yicha ishlaydigan apparatlar diaproyektorlar, epiproyeksiya tamoyili bo'yicha ishlaydiganlari esa - epiproyeksiya, deb ataladi. O'quv jarayonida turli-tuman diaproyeksiyalar (qo'l bilan boshqariladigan, yarim avtomatlashtirilgan yoki avtomatlashtirilgan) dan foydalaniladi.Keyingi ikki turi masofali boshqarish imkonini beradi, bu ulardan katta auditoriyalarda ma'ruza paytida foydalanish uchun juda muhim.

Dinamik proyeksiya yoki kinoproyeksiya deganda, harakatdagi obyektlar tasvirining aks etishi tushuniladi. U tovushsiz va tovushli turlarga bo'linadi. Tovushsiz kinofilmni auditoriyada kuzatish imkoni bo'lmagan hodisa va jarayonlar dinamikasini ko'rsatish zarur bo'lganda mashg`ulotlarda namoyish etiladi. Tovushli kinoproyeksiya bilan ko'rish – tovushli o'qitish vositalari haqida gap ketayotgan bo'limda tanishish mumkin. Tovushli texnik o'qitish vositalari oliy o'quv yurtlarida ayniqsa, til o'rganishda va mutaxassislarni kasbga tayyorlashda ko'proq qo'llaniladi. Bu ovoz yozuvchi va ovoz beruvchi apparatlar: elektr o'yinlar, radiogramafonlar, radiomagnitafonlar va diktafonlar.Ko'rish - tovushli (uyg`unlashgan) vositalar YUNESKO ma'lumotlariga ko'ra, odam eshitish sezgisi orqali 15 % ma'lumotni, ko'rish orqali 20 % ma'lumotni eslab qoladi, ko'rish-eshitish sezgisi eslab qolishni

65 % foizgacha kuchaytiradi. Koʻrish-eshitish vositalariga tovushli diafil'mlar, tovushli kinofilmlar, televizon koʻrsatuvlar va boshqalar kiradi.

Nazorat texnik vositalariga oʻquv materialini oʻzlashtirishni tekshirish uchun tayinlangan qurilmalar kiradi, nazorat qurilmalari oʻqituvchi tomonidan oldindan tayyorlangan oʻz ichiga savol va javoblarni oluvchi nazorat dasturi asosida ishlaydi. Nazorat dasturi javoblarning maʼlum shaklini koʻzda tutadi. Javoblarning quyidagi shakllari koʻproq tarqalgan: Tanlanma, tuzatilgan, tanlanma-tuzatilgan, natijaviy, grafik va boshqalar. Nazorat qiluvchi qurilmalar universal va maxsus boʻladi. Universal qurilmalar koʻp predmetlar boʻyicha bilimlarni tekshirish uchun moʻljallangan hamda mexanik elektron boʻlishi mumkin. Texnik boshqaruv vositalari oʻquvchilarning anglash faoliyatini boshqarish uchun, yaʼni oʻqitishni boshqarish uchun moʻljallangan. Ular talabalarda (obyektlar bilan) odatda oʻquvchining keyingi kasbiy faoliyatida mehnat vositasi hisoblangan (obyektlar bilan) qurollar, asboblar, pultlar tizimlari bilan amaliy ish olib borish koʻnikmalarini rivojlantirish va mustahkamlash uchun qoʻllaniladi. Biroq texnik boshqaruv vositalari oliy oʻquv yurtlarining faoliyatini takomillashtirish maqsadida kengroq qoʻllaniladi.

Har bir talaba seminar mashg`uloti mavzulari boʻyicha uslubiy maslahatlar fonoyozuvini eshitishi mumkin. Shunday maslahatlar juda foydalidir. Fonotekaning mazmuni odatda seminar mashg`ulotiga qadar ikki hafta ichida yangilanadi. Bu yangi adabiyotdan va statistik materialdan foydalanish, nazariy masalalarni respublikamiz yoki xorijiy mamlakatlar hayotida dolzarb misollardan foydalanish orqali mustahkamlash imkonini beradi. Talabalarning bir guruhi magnitofon yoki diktofondan foydalanib, fonoyozuvni eshitadilar. Bir vaqtning oʻzida boshqa talabalar quloqchinlardan foydalanib boshqa mavzudagi fonoyozuvni eshitishlari mumkin. Talabalarda nutq madaniyatini oʻstirish, matndan ajralgan holda erkin soʻzlash koʻnikmasini hosil qilish maqsadida ularga oʻz-oʻzini nazorat qilishning shunday shakllari tavsiya etiladi: materialni yodlash seminar mashg`uloti rejasi boʻyicha chiqish matnini tayyorlash, oʻz javobini matndan foydalanmagan holda magnitofonga yozish, odatda birinchi tajribayoq talabaga yo savolni bilish darajasi yetarliligini yoki koʻproq uchragani savolni bilishning yetarli chuqurmasligi, mantiqsizligi bayon qilishning izchil emasligi nutqdagi nuqsonlar vaqtni ortiqcha sarflanishi kabilarni koʻrsatadi.

Kabinetning ishi koʻpincha kafedraning oʻqituvchilar tarkibiga bog`liq, har bir oʻqituvchi talabalarga kabinet xizmatidan foydalanishni tavsiya qilib qolmasdan, balki oʻzlarining seminarlari, maslahatlari, suhbatlarida talabalarni yuqoriroq unumdorlikka ega ekanligiga ishontirishlari ham kerak. Ijtimoiy fanlar, xususan, iqtisodiy fanlar kafedrasining oʻquv tarbiyaviy ishini yaxshilash hozirgi paytda respublikamizda Oliy taʼlim tizimini yanada takomillashtirishning asosiy yoʻnalishlaridan biri hisoblanadi.

Hozirgi zamon oʻquv jarayoni iqtisodiy fanlar oʻqituvchilari oʻzlarining nazariy darajasinigina emas, balki pedagogik mahoratini ham muntazam oʻstirib borishini, nazariya va amaliyotda oʻqitishning ilmiy uslubiga ega boʻlishlarini talab qiladi. Fan-texnika inqilobi asrida oʻqitishning yangi texnik vositalari - ularni toʻg`ri tashkil qilganda va foydalanganda koʻproq samarali boʻladi va koʻrgazmalilik tamoyilini yangitdan amalga oshirish imkonini beradi. Biroq bu koʻrgazmalilikning eski

vositalaridan voz kechish kerakligini bildirmaydi (plakat, jadval, grafik, albom xatto doska, bo‘r va hokazolar). Faqat eski va yangi o‘quv vositalarini oqilona qo‘shish ko‘rgazmalilik tamoyilini to‘liqroq amalga oshirish imkonini beradi. Yangi texnik vositalar ma’lum sharoitlarda materialni bayon qilishning alohida usuli bo‘lishi mumkin.

Iqtisodiy fanlar bo‘yicha talabalar mustaqil ishlarini tashkil etish ta’lim va tarbiya bo‘yicha tadbirlar tizimini ishlab chiqishga qaratiladiki, bu talabalarda iqtisodiy ta’lim, dunyoqarash, ijtimoiy faollik va mustaqil fikrlashni shakllantiradi. U bilim va ko‘nikmalarni oqilona, kam vaqt va kuch sarflab ishlab chiqishni, o‘quv rejasi va kurs dasturida ko‘zda tutilgan iqtisodiyot nazariyasi sohasida zarur bilimlarga ega bo‘lishni o‘zida mujassamlashtiradi. Iqtisodiyot nazariyasini o‘qitish jarayonini takomillashtirish, talabaning qiziqishlarini, anglash faolligini va mustaqil ishlarini rivojlantirish yo‘nalishida boradi, bunda ijodiy fikrlash, mustaqil o‘qish ko‘nikma va layoqatlari shakllanadi.

Talabalarning mustaqil ishi ta’lim va tarbiyaning shunday vazifalariga bo‘ysundirilganki, butun o‘quv jarayoni to‘laligicha talabalar tomonidan faol, ongli, puxta va tizimli ravishda fan asoslarini o‘zlashtirish va ularda iqtisodiy dunyoqarashni shakllantirish imkonini beradi. Bu vazifalar ta’lim jarayoni va shaxsni shakllantirish qonuniyatlarini bilmasdan va foydalanmasdan turib hal qilinishi mumkin emas. Ularning mazmuniga qisqacha to‘xtalib o‘tamiz.

Iqtisodiy fanlar bo‘yicha ma’ruza o‘quv jarayonining asosi bo‘lib, uning mazmuni va ijtimoiy-siyosiy yo‘nalishini belgilaydi. Ma’ruza tinglash – talabalar mustaqil ishlarining shakllaridan biri bo‘lib, uning mazmuni o‘quv materialini o‘zlashtirishdir. Ma’ruzani yozib borish ham faol mustaqil ish shaklidan biridir, u qisqa, chizma ko‘rinishida, izchil, mantiqan asosiy qoidalar, xulosa va umumlashtirishlarni qayd qilish ko‘nikma va layoqatini talab qiladi. Yozish jarayoni diqqatni o‘stiradi, qabul qilishni faollashtiradi, o‘zlashtirilgan materialni xotirada mustahkamlaydi. Iqtisodiy fanlar o‘z terminologiyasiga ega, talaba ma’ruza yozish jarayonida qisqartirish, mantiqiy chizmalardan foydalanib, ularni yaxshi va ongli o‘zlashtirishi zarur. Iqtisodiy fanlar bo‘yicha seminar mashg`uloti – talabalar o‘quv-uslubiy va ilmiy adabiyotlar ustida mustaqil ishining muhim shaklidir. Bu o‘qituvchiga bilimlar shakllanishi jarayonini tahlil qilish va nazorat qilish, ularning talabalarning ichki e'tiqodiga aylanishi imkonini beradi. Seminar mashg`uloti mavzusining mazmuni, o‘tkazish shakli va usullaridan qat'iy nazar, talabaning mustaqil ishi amaliyot mezonlaridan biri hisoblanadi.

Maslahatlar – o‘quv jarayonining ajralmas qismidir. Ularning o‘ziga xosligi va o‘tkazish usullari turlicha: guruhiy va yakka, maqsadli, mavzuli, uslubiy seminar oldidan yoki oraliq, yakuniy nazorat oldidan belgilanishi mumkin. Maslahatlarda o‘qituvchi o‘z ishini har bir talabaga ta’lim va tarbiya berish bo‘yicha alohidalashtirish imkoniga ega. Shaxsiy suhbatda talabaning ichki olami, uning ruhiy xususiyatlari to‘liq ochiladi.

П.ф.н.дотцент. М Ў. Дехканова,
М.Э. Абдувахобов, (ТТЙМИ)

Касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим соҳасида олиб борилаётган кадрлар тайёрлаш бўйича ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётини малакали мутахассислар билан таъминлашга имкон беради.

Мазкур масаланинг долзарблигини таъкидлаб, Президентимиз И.А.Каримов. “Ўзбекистон инновацион ривожланиш туринининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга”, деган эди. Бу модел вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади.

Бугунги кунда ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнини такомиллаштириш, таълим мазмунини кенгайтириш, чуқурлаштириш ва бойитиш ҳамда таълим узлуксизлигини таъминлаб бериш учун янгидан-янги қонун ва ҳужжатлар қабул қилинмоқда, замонавий педагогик технологиялар яратилмоқда. Замонавий педагогик технология фан асослари ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш ва амалга оширишни кўзда тутади.

Ўқув-тарбия жараёнларини илмий ва методик жиҳатдан мукаммал ташкил этиш муваффақиятлар гаровидир. Янгича ёндашув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида билим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг самарали шакл ва услубларини жорий этиш, уларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш лозим.

Маълумки, мустақил таълим олиш етук мутахассис бўлиб етишишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу, айниқса, касбий тайёргарлик тизимида якқол намоён бўлади. Мустақил таълим – ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудитория ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси, кимга индивидуал ёки жамоа учун мўлжалланганлигига қараб, бир-биридан фарқ қилади. Мустақил таълим жараёнида танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги ҳамда ўқув материалларининг қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги, шунингдек, бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характерга эгалиги муҳимдир. Унинг назарий, амалий, илмий, методик ва педагогик асослари таҳлил қилиниши, самарали шакллари, воситалари танланса ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт билан узвийлиги, илмийлиги ва ўқув материаллари қизиқарлилиги, мавзулар тизимлилиги, топшириқ ҳамда вазифаларнинг кўп қирралилиги, ўзаро боғлиқлиги муҳим ўрин тутади. Аммо,

энг асосийси, талабаларнинг мустақил равишда таълим олиш фаолиятини ташкил этишда уларнинг интилиш ва қизиқишларига эътибор қаратиш зарур. Талабаларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишини, улар ижтимоий фойдали, тарғибот-ташвиқот ишларида иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Талабалар мустақил таълим олишлари жараёнида қўшимча адабиётларга мурожаат қилади, ўтилган мавзуларни қайта кўриб чиқади. Кўпгина талабалар уйга берилган маъруза матнлари устида ишлайдилар, маъруза, реферат тайёрлашда илмий-оммабоп, даврий нашрлардан, ўқитувчи томонидан тайёрланган электрон ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланадилар.

Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усулларини эгаллайди. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда дидактикада мустақил таълим даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил этиш ва назорат воситалари сифатида қаралади. Талабанинг ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талаблар қўйиши уларнинг мазмунини бойитади. Бунда мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашга, ижодий меҳнат қилишга, ҳар томонлама мустақил фикр юритишга йўналтирадиган бўлиши лозим. Ушбу жараёнда, айниқса, лойиҳавий, кейс-вазиятли топшириқларни ишлаб чиқиш, улардан кенг фойдаланиш лозим. Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва дарсдан ташқари ишлар, улар қандай кўринишда ташкил этилишидан қатъи назар, илмий-назарий, илмий-методик ва маърифий-маънавий жиҳатдан тўлақонли бажарилганидагина юксак педагогик самарани бериши мумкин. Бунда, албатта, билим олувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятлари, қизиқиши, билим савияси, фикр юритиш доираси ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинадиган машғулотлар кўзда тутилади. Бунинг учун эса таълим ва тарбия берувчининг мукаммаллик даражасидаги педагогик маҳорати ва касбий салоҳияти талаб қилинади.

Кучли билим, касбий методика ва оддий инсоний фазилатлардан иборат учта хусусият бирлашиб ўқитиш жараёнининг пировард натижасини белгилайди.

Ўқув юртларида ахборот-коммуникация технологияларини замонавий педагогик технологиялар билан уйғунлашган ҳолда қўллаш бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлик сифатини яхшилашга хизмат қилади, ўқув машғулотларининг самарадорлиги ва ўқитувчи (педагог)лар меҳнатининг фойдали иш коэффициентини оширади. Бунинг учун албатта ўқитувчи ва талабаларнинг электрон манзиллари бўлиши, муайян вақт ичида маслаҳат ва мулоқот қилиш учун аниқ графикларни олдиндан белгилаш, талабаларга масофавий мустақил таълимни амалга ошириш кетма-кетлиги ва қонун-қоидалари тушунтирилиши лозим. Ўқитувчи ва талабалар портфолиоси яратиш ва ундан фойдаланиш яхши натижа гарови хисобланади. Талаба портфолиоси куйидаги босқичларда яратилади. Ўқув портфолиосини яратишнинг биринчи босқичида талабаларга портфолионинг афзалликлари, уни яратишдан кўзланган мақсад, портфолионинг турлари ҳақида маълумот

берилади. Сўнгра портфолионинг тузилиши билан таништирилади: титул қисми, мундарижа, портфолионинг мақсадини кўрсатиш, портфолионинг бўлимлари ҳақида маълумот бериш.

Талаба фаолиятини камраб олувчи портфолиослар куйдагилардир:

1. “Ҳужжатлар портфолиоси”. Бундай турдаги портфолио индивиудал таълимий муваффақиятларнинг сертификатланган портфели: диплом, фахрий ёрлиқ, гувоҳнома ва бошқалар.

2. “Ишлар портфолиоси” ўзида турли ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқот ишларини акс эттиради: рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон ҳужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий амалиётга доир ҳисоботлар. Мазкур портфоолиода талаба мустақил ва гуруҳдошлари билан биргаликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жойланади.

3. “Тақризлар портфолиоси”да талабанинг эришган ютуқларини баҳолашга доир хулосалар, тақризлар, резюмелар, эсселар, тавсиянома ва тавсифномалар тақдим этилади.

4. “Натижалар портфолиоси” белгиланган йўналиш бўйича эгалланувчи талабалар маҳоратини жамлаш учун қўлланилади; талабалар ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишларини ўзида акс эттиради. Натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин. Гуруҳ натижалари портфолиоси ғоясидан “Энг яхши талабалар гуруҳи” конкурсида фойдаланиш мумкин.

5. “Баҳоловчи портфолио” талабаларнинг эгаллаган билим ва кўникмаларини назорат қилиш учун йиғилади ва турли хилдаги назорат материалларидан ташкил топади: назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар. Баҳоловчи портфолиони педагог мустақил равишда тузиши ва таълим олиш курси тугашигача бўлган вақтга мўлжаллаши мумкин.

6. “On-line-портфолио” хилма-хил шаклларда қўлланилиши мумкин. Бундай портфолионинг биринчи шаклида талабалар олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материаллар қўшиши, иккинчи кўриниши сифатида ўз шахсий веб-сайтини яратиш ва тушунгани асосида семестр якунлари бўйича ҳисобот тарзида тайёрланадиган портфолиодан фойдаланиш мумкин. Талабаларни портфолио яратиш қуйидаги фаолият босқичларидан иборат:

1-қадам. Дастлаб талабаларда портфолио яратишга доир мотивация ҳосил қилинади.

2-қадам. Талабалар билан ҳамкорликда портфолионинг тури ва тузилиши ҳақида келишиб олинади.

3-қадам. Портфолиони яратиш муддати ва вақти белгилаб олинади.

4-қадам. Портфолиони баҳолаш мезонлари келишиб олинади.

5-қадам. Баҳолаш тизимини яратиш ва назорат объектларини аниқлаш.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, айни даврда замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим ва тарбия жараёнлари сифат, самарадорлигини оширишга ҳамда таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга олиб келади.

M. Alimbekova, Sergeli tibbiyot kolleji

O‘rta maxsus kasb-hunar kollejlarida matematikani o‘qitishda muammoli vaziyatlardan foydalanish

Ta’lim oluvchilarga bilim berishda zamonaviy ta’lim texnologiyalarning ahamiyati to‘grisida so‘z borganda Prezidentimiz Islom Abdug‘aniyevich Karimovning “O‘quv jarayoniga yangi axborot va pedagogik texnologiyalarni keng joriy etish, bolalarimizni komil insonlar etib tarbiyalashda jonbozlik ko‘rsatadigan o‘qituvchi va ustozlarga e’tiborimizni yanada oshirish, qisqacha aytganda, ta’lim-tarbiya tizimini sifat jihatidan butunlay yangi bosqichga ko‘tarish diqqatimiz markazida bo‘lishi darkor”, degan so‘zlarni ta’kidlash o‘rinlidir.

Matematika fani o‘quvchilarni firklashga, fikrlash doirasini kengaytirishga juda katta hissa qo‘shadi. O‘qituvchilar tomonidan yaratilgan ma’ruza matnlar va qo‘llanmalar kollej o‘quvchilarini bilim saviyasini oshirish, fikrlash doirasini kengaytirish, bilimlarini mustahkamlashda qo‘l kelmoqda.

Matematika fanidan uslubiy majmualarni tayyorlashda, ta’lim texnologiyalarini ishlab chiqishda noan’anaviy usullardan foydalanish ta’lim samaradorligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Muammoli o‘qitish bilishga oid vazifalarni o‘quvchilar oldiga izchil va maqsadga qaratilgan holda qo‘yishni nazarda tutadi, o‘quvchilar ularni o‘qituvchi rahbarligida hal qilar ekanlar, yangi bilimlarni faol o‘zlashtiradilar. Bilish muammosi ko‘pincha tegishli o‘quv predmeti uchun eng tipik vazifalarni qo‘yish yordamida o‘rtaga tashlanadi. Muammoli o‘qitishda qo‘yiladigan vazifalar, birinchi navbatda, o‘quvchilarni yangi mavzuga hozirlash va bilish jarayonini faollashtirish uchun qo‘llaniladi. Muammoli yondashishda bunday vazifalar, odatda, nazariy qoidalarni xabar qilishdan oldin keladi. Vazifa quyidagi talablarni qondira oladigan bo‘lsagina, bilish muammosiga aylanishi mumkin:

1. O‘quvchilar uchun bilish qiyinchilikka ega, ya’ni o‘rganilayotgan muammo ustida fikr yuritishni talab qiladi.
2. O‘quvchilarda bilishga qiziqish uyg‘otadi.
3. Appersepsiya prinsipi bo‘yicha o‘quvchilarning avvalgi tajribasi va bilimiga tayanadi.

“Matematikaning rivojlanishi” mavzusini bosqichma-bosqich o‘qitishda muammoli vaziyatlarni vujudga keltirish:

I bosqich – matematikaning qadimgi Gretsiya rivojlanish bosqichi bo`lib, unda Ptolomey, Aflotun, Arastu, Evklid, Arximed kabi olimlarning nomlari tilga olinadi, rivojlanish bosqichidagi bajarilgan ishlar muammo sifatida qaraladi.

II bosqich – O‘rta Osiyoda rivojlanish bosqichi bo‘ldi. Al-Xorazmiy, Beruniy, Umar Hayyom, Ibn Sino, Mirzo Ulug‘bek kabi olimlarning bajargan ishlari muammo sifatida qaraladi.

III bosqich – G‘arbiy Yevropa va Rim imperiyasi (XVII-XVIII) davrida matematikaning rivojlanishiga to‘g‘ri keldi. N. Kopernik, G.Galiley, N.I. Lobachevskiylarning ishlari muammo sifatida qaraladi.


IV bosqish – XIX asrdan shu kaunlargacha bo`lgan davrni o`z ichiga oladi. Bu bosqichni xususan O`zbekistonda ilm-fan rivojlanishi bosqichi deb atash mumkin, rivojlanish bosqichidagi bajarilgan ishlar muammo sifatida qaraladi.

Mohiyat shundan iboratki, o‘qituvchi darsda bilish qiyinchiligi vaziyatini atayin yaratadi, bunda o‘quvchilar yangi mavzuni o‘rganish uchun bir yoki bir necha operatsiyalar: analiz, sintez, taqqoslash, analogiya, umumlashtirish kabilardan mustaqil foydalanishning zarurligiga duchor qilib qo‘yiladi. Muammoli vaziyat o‘quvchilarning ixtiyorsiz diqqatlariga tayanib, ularda asta-sekin o‘rganish obyektiga nisbatan ixtiyoriy e’tiborni, predmetni mavjud qiynchiliklarga qaramay o‘zlashtirib olishga intilishni uyg‘otadi. Muammoli vaziyatni yaratish muammoli o‘qitish sistemasida boshlang‘ich fursat (faza, palla) hisoblanadi. Keyin o‘quvchilar o‘qituvchining yo‘naltiruvchi ta’sir bilan bilish muammolarini hal qilishning quyidagi bosqichlarini mustaqil o‘tishlari kerak.


1. Muammoni hal qilishning gipotezalarini, mumkin bo‘lgan variantlarini ko‘rsatish.
2. Gipotezalarni nazariy yoki amaliy tekshirish.
3. Eng real gipotezani tanlash.
4. Bilish xulosasini ifodalash.


Matematika darsida “To‘plamlar tarkibini o‘rganish” mavzusini o‘qitishda muammoning yechimini topish bosqichlari:

To‘plamlar tarkibiga qarab uchga bo‘linadi.



O‘quvchi tomonidan muammoning yechimi topilgandan so‘ng muammo yechimining quyidagi javoblarining elektron varianti taqdim etilib, xato va kamchiliklar aniqlanadi.





O‘quv materiallarini muammoli hikoya va muammoli tuzilgan ma’ruza usulida bayon qilish o‘qituvchining bayon jarayonida fikr yuritishini, faktlarni isbotlashini, tahlil qilishini va tinglovchilarning tafakkurini yanada faolroq va ijodiyroq qilib, o‘ziga ergashtirishini nazarda tutadi. O‘qituvchi materialni shunchaki “bayon qilmaydi”, balki u muammo ustida ovozini chiqarib mulohaza yuritadi, masalani yechishga qanday qilib yondashishni, uni yechish yo‘llarini qidiradi. Mulohaza yuritish jarayonida ba’zi fikrlarni ular asossizligini ko‘rib inkor etadi (chiqarib tashlaydi), boshqalarini esa rivojlantirib, shu zaylda oxir-oqibat to‘g‘ri va aniq yechimga keladi.

O‘qitishning muammoli-izlanish usullarida ko‘rgazmali qurollar endilikda eslab qolishni faollashtirish maqsadida emas, balki darslarda muammoli vaziyatlarni yaratadigan vazifalarni qo‘yish uchun qo‘llaniladi. Bundan tashqari, keyingi vaqtlarda ko‘rgazmali qurollar tobora ko‘p tayyorlanmoqdaki, ularda bir qator rasm va sxemalar ko‘rinishida o‘quvchilarning qanadaydir umumlashtirishni aytib berish, ustun bo‘lgan sababalarni ajratib ko‘rsatish uchun mustaqil fikr yuritishlarini talab qiluvchi muayyan vaziyatlar tasvirlanadi.

К.т.н. Г.Г. Базарбаева, д.т.н, проф. Л.В. Золотцева,
МГУ Дизайна и Технологии,
Ж.Д. Мавланов, Проф. Чирчикский колледж сферы услуг и промышленности

Роль своевременного прогноза материалоемкости новых моделей в планировании производства швейных предприятий

В настоящее время в условиях рыночной экономики одним из наиболее актуальных задач является своевременное прогнозирование экономической эффективности планируемых новых партий швейных изделий. В результате можно будет исключить те модели не оправдывающих с экономической точки зрения использованных трудовых и материальных ресурсов необходимого для производства.

Перебои в работе швейных предприятий во многом связано с несвоевременной адаптацией на быструю сменяемость моделей также производством партий изделий приводящих экономически неоправданным затратам.

Зачастую, в условиях производства заказчик требует оперативно за несколько минут спрогнозировать производственную стоимость новых моделей и согласовать с ним. Изготовитель должен своевременно реагировать и видеть все риски связанные с производством планируемой новой коллекции и экономическую рентабельность определяющий завтрашний день данного предприятия.

В результате своевременного прогноза материальных затрат возрастает эффективность прогнозирования также снижается экономический риск связанный с производством нерентабельных моделей.

Материалоемкость швейных и швейно-трикотажных изделий характеризуется расходом материальных затрат на изготовление единицы продукции, является основным критерием экономичности изделия. В условиях быстрой сменяемости моделей швейно-трикотажных изделий актуальной становиться разработка механизма прогнозирования материалоемкости новых моделей на стадии эскиза. Для решения задачи разработана методика прогнозирования материалоемкости новой модели швейно-трикотажного изделия, представляющие собой последовательность действий, осуществление которых позволяет принимать решение о внедрении новой модели в производство.

Метод прогнозирования материалоемкости новой модели швейно-трикотажного изделия, представленной методикой состоит из четырех этапов, в каждом из которых происходит последовательная обработка входной информации о новой модели:

- прогнозирование расхода трикотажного полотна;
- определение расхода вспомогательных и отделочных материалов;
- оценка стоимости фурнитуры и швейных ниток;
- определение затрат на упаковку готового изделия.

Входной информацией процесса прогнозирования является технический эскиз, описание вида трикотажного полотна и предполагаемая стоимость новой модели ($С_{пред}$). Методика предусматривает обращение к базе знаний и базе данных. База знаний включает в себе массивы информаций о конструктивных признаков изделий, требованиях к выбору основных и дополнительных материалов. В базе данных сформированы каталоги материалов применяемых при производстве швейно-трикотажных изделий.

На первом этапе процесса прогнозирования осуществляется идентификация и выбор характеристик основного материала из базы данных «Справочник накопитель характеристик трикотажных полотен» в соответствии с исходной информацией о модели. Информация в базе данных структурирована по следующим показателям: каталог эскизов базовых моделей, библиотека раскладок лекал деталей базовых моделей; характеристики трикотажных полотен, артикул, вид полотна, ширина, поверхностная плотность, состав, стоимость 1кг. полотна; характеристики дополнительных материалов, их назначение, вид и стоимость материала.

Согласно разработанной методике процесс оперативного выбора материалов из БД включает в себе:

- Формирование и кодирование информации о прогнозируемой модели;
- Ввод информации в информационную систему;
- Установление требований к свойствам материалов;
- Выбор и анализ материалов из БД.

Далее определяют количества и приведенной площади деталей новой модели ($\sum S_{□}$) методом заключения их в геометрическую фигуру. Из базы данных выбирают средневзвешенный коэффициент приближения ($К_{пр}$) базовой модели-аналога по данным которых определяют прогнозный расход трикотажного полотна.

Следующий этап предусматривает анализ вспомогательных и отделочных материалов, при наличии из базы данных «Справочник накопитель характеристик вспомогательных и отделочных материалов» определяют расход и стоимость необходимых материалов для изготовления модели.

В материалоемкости швейных и швейно-трикотажных изделий значительную долю составляет величина расхода швейных ниток, поэтому далее анализируют возможные способы обработки срезов деталей, на основе чего определяют стоимость расходуемых швейных ниток. Также на этом этапе в результате визуального анализа эскиза модели предусматривается выявление вида и количества необходимой фурнитуры, далее рассчитывают их стоимость.

На заключительном этапе рассматривают затраты на упаковочные материалы и на основе анализа вида (назначения) изделия также требований заказчика выбирают характеристик упаковочных материалов затем оценивают стоимость упаковки готовой продукции.

На основе показателей необходимых материальных затрат осуществляют прогнозирование материалоемкости новой модели: $М=f(R_{тр};R_{вс};R_{от};R_{ф};R_{уп})$. Затем, определяют стоимость всех материалов необходимой для изготовления модели: $С_{м}=f(М)$.

Если все показатели имеют удовлетворительные значения, то далее рассчитывают коэффициент соотношения материальных затрат: $К_{с.м.з}=С_{ім}/С_{м}*100$. Расчет коэффициента $К_{с.м.з}$ производится для случая возможной замены основного, вспомогательного, отделочного материала либо фурнитуры при необходимости снижения материалоемкости модели.

Ценовой уровень модели: $Ц_{ур}$=(low, middle, high) где low-низкий ценовой, middle-средний, high-высокий ценовой сегмент, определяет выбор характеристик основных и вспомогательных материалов для изготовления изделия новой модели.

Этапы разработанной методики прогнозирования материалоемкости взаимосвязаны прямой и обратной связью. Прямая связь действует при последовательном или параллельном выполнении процесса определения материальных затрат. Обратная связь связывает процессы выбора характеристик материалов согласно стоимостной группе основного трикотажного полотна. Если трикотажное полотно относится к I-стоимостной

группе, соответственно выбирается другие дорогостоящие материалы, например фурнитуры.

Таким образом, предлагаемая методика прогнозирования материалоемкости новой модели является реализацией разработанного метода, сущность которого заключается в использовании разработанных способах определения прогнозной площади деталей по эскизу модели, прогнозирования расхода трикотажного полотна и швейных ниток на изготовление изделия новой модели. Разработанная методика прогнозирования материалоемкости новой модели позволяет на стадии эскизного проекта спрогнозировать материальных расходов для изготовления модели, сократить сроки внедрения новых коллекций, снизить степень рисков связанные с производством новых моделей, предотвратить выпуск нерентабельных изделий, подготовить достоверную информацию для принятия решения о целесообразности выпуска новой модели в серийном производстве. Реализация методики прогнозирования материалоемкости изделий в условиях САПР позволит производителю оперативно оценить экономическую эффективность новых коллекций на стадии эскиза и решить вопрос о внедрении в производство.

G. Matyakubova, Sergeli tibbiyot kolleji

Kasb-hunar kollejlarida informatika va axborot texnologiyalari fanini interfaol usullardan foydalanib o‘qitish

Mashg‘ulotlarni tashkil qilish va o‘tkazish uchun o‘qitishning interfaol usullaridan foydalanish maqsadga muvofiq. Shu o‘rinda mazkur tushunchaga izoh berib o‘tish lozim. «Interfaol» so‘zi inglizcha «interact» so‘zidan olingan bo‘lib, «Inter» - «o‘zaro», «act» - «harakat qilmoq» ma’nolarini anglatadi. Interfaol – biror buyum (masalan, kompyuter) yoki shaxs bilan o‘zaro aloqada yoki dialogda bo‘lgan holatni anglatadi. Binobarin, interfaol usulida o‘qitish – bu, eng avvalo, dialogga asoslangan o‘qitish bo‘lib, dars jarayonida o‘qituvchi bilan o‘quvchi o‘zaro hamkorlikka kirishadi, ayni paytda, o‘quvchilar orasida ham o‘zaro muloqot imkoni vujudga keladi.

Interfaol usulning mohiyati shundaki, hamma o‘quvchilar bilish jarayoniga jalb qilinadi, ular mavzuni o‘z tafakkuri, o‘z bilimlarini ishga solgan holda tushunish va anglash imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Bilish, o‘quv materialini o‘zlashtirish, muammolar yechimini topish yo‘llarini izlash, hal qilish jarayonida o‘quvchilarning hamkorligi, har bir ishtirokchi ushbu jarayonga o‘z hissasini qo‘shayotgani, bilim, tajriba, fikr almashinuvi kechayotganini anglatadi. Ayni paytda, bularning hammasi o‘zaro xayrixohlik, bir-birini qo‘llab-quvvatlash muhitida o‘tadi. Bu esa yangi bilimlarni chuqur o‘zlashtirish, bilish faoliyatida o‘zaro hamkorlik va birdamlikni kuchaytiradi.

O‘qitishning interfaol metodi darslarda o‘zaro dialog - suhbat shaklida munosabatga kirishishni taqozo etadi, bu o‘zaro bir-birini tushunish, umumiy, lekin har bir o‘quvchi uchun muhim bo`lgan masalalarni birgalikda hal qilishga olib keladi. Interfaol usulida o‘qitish paytida o‘quvchilar tanqidiy fikrlashga, qiyin muammolar

yechimini vaziyat tahlili va kerakli axborot asosida topishga, bahslarda ishtirok etishga, boshqalar bilan muomalaga kirishishga o‘rganadilar.

Interfaol usullardan biri bu-darslarni tushuntirishda, uyga vazifani so‘rashda va o‘tilgan mavzuni mustahkamlashda multimedia vositalaridan foydalanib, rasmlari bilan namoyish qilishdir. Bunda o‘quvchi ma’lumotlarni esda saqlash bilan bir qatorda tasavvur ham qila oladilar. Bu esa, o‘z navbatida, mashg‘ulotning o‘zlashtirilishida muhim ahamiyat kasb etadi. Quyida Informatika va axborot texnologiyalari fanidan ana shunday mashg‘ulotlarni tashkil qilishdan namuna keltirilgan.


Axborot tashuvchi vositalar



Shu kabi axborot tashish vositalariga ko‘plab misol keltirish mumkin.



Disketa Ma’lumotlarni, programmalarni doimiy saqlash, ayirboshlash maqsadida disketalar ishlatiladi. Unga FDD (Floppy Disk Driver – egiluvchan disk qurilmasi) yordamida ma’lumotlar va programmalar yoziladi va undan o‘qiladi. Hozirda HD (High Density-yuqori zichlik) rusumidagilar asosan hajmi 1,44 yoki o‘ta yuqori 2,88 Mbaytga teng bo‘lganlari keng ishlatilmoqda.



Lazerli (kompakt) disk CD ROM (Compact Disk Read Only Memory – faqat o‘qish uchun lazerli disk), keyingi paytda bu qurilma juda muhim rol o‘ynamoqda. Uning asosiy sababi unga 650 Mbayt (700 Mbayt) hajmdagi ma’lumotni sig‘ishi bo‘lsa, ikkinchi tomondan uni ishlatishda qulayligi bilan alohida e’tiborga loyiq. Uning CD ROM va CD Writer(yozuvchi) ko‘rinishdagilari mavjud bo‘lib, birinchisi faqat o‘qish uchun mo‘ljallangan bo‘lsa, ikkinchisi ma’lumot va programmalarni yozish uchun keng qo‘llanilmoqda. CD ROMning muhim ko‘rsatkichlaridan biri uning ma’lumot ayirboshlash tezligidir.



Raqamli DVD videodisklar. Bu disklarga ma’lumot ikki qatlamli va ikki tomonli yoziladi. Shuning uchun ham ularga katta sig‘imli ma’lumotlar ketadi, ularning sig‘imi 4,7Gbayt, 8,5Gbayt, 9,4Gbayt, 17Gbayt ga teng bo‘ladi.



USB (Ultra-Stable Mini). Bu tashqi xotira ham desketa vazifasini bajaradi, uning tashqi ko‘rinishi ixcham hajmi esa juda katta. Uning sig‘imi 12 Mbayt dan 36 Gbaytgacha bo‘ladi. Bu qurilma COM portiga ulanadi. Uning ajoyib xususiyati shundan iboratki, unga CD yoki DVD Writer (yozish qurilmalari) asboblarisiz ham to‘g‘ridan-to‘g‘ri yozsa bo‘ladi. Yana bir xususiyati shundan iboratki, hozirgi kunda ishlab chiqarilayotgan USBlardan nafaqat tashqi xotira, balki MP3 Player (qo‘shiq eshituvchi qurilma), FM to‘lqinlarida ishlovchi radio tarzida ham foydalanish mumkin.

Mikrofon va karnay. Mikrofon – turli xil ovozli animatsiya va prezentatsiyalar tayyorlash uchun ishlatiladi. Bunday animasiyalarga misol qilib Windows sistemasida yoki Word matn muharririda ishlash jarayonini olishimiz mumkin. Bunda animatsiyalar shu jarayonlarda ishlash bo‘yicha to‘liq ovozli tarzda tayyorlanadi. Ana shu ovozlarni eshitish uchun karnay (kolonka)dan foydalaniladi. Karnayning asosiy vazifasi ovoz (musiqa, ovoz va boshqalar)ni chiqarib berishdan iborat.

Webkamera. Kompyuterlararo videotasvirlarni uzatuvchi qurilmadir. Bu, asosan, xalqaro Internet tarmog‘i bilan birgalikda ishlatiladi. Webkameradan foydalanganingizda siz dunyoning istalgan bir burchagidagi tanishlaringizni ko‘rish imkoniga ega bo‘lasiz.





Raqamli fotoapparat. Raqamli fotoapparat yordamida lavhalar suratga olinib, kompyuterga kiritiladi va u o‘z holida yoki qayta ishlanib slaydga yoki qog‘ozga olinishi mumkin. Lavhalarni va suratlarni kompyuterdan Multimedia orqali ekranda ko‘rsatsa ham bo‘ladi. Raqamli fotoapparatlarning bir qancha turlari mavjud, ular bir biridan nuqtalar soni (pixels) bilan farqlanadi: masalan 1.0, 1.2, 1.4, 2.0, 3.2, 4.0 Megapixels va boshqalar. Shuningdek raqamli fotoapparat yordamida kichik videolavhalar ham olinib bu lavha kompyuterga kiritilishi mumkin.



Raqamli videokamera. Raqamli vediokamera yordamida lavhalar videotasmaga olinib, kompyuterga kiritiladi. U qayta ishlanib vediomagnitafonda ko‘rish uchun vediokassetaga ko‘chirib olinishi mumkin. Uning oddiy vediokameradan farqi shundaki, unda olingan lavhalarni kompyuterga ham kiritiladi.

Mavzuni mustahkamlash rasmli namoyish
(Ghap ustun bilan o‘ng ustun mosligini o‘rnating)

	Televizor ekraniga o‘xshash vazifani bajaruvchi qurilma unda kompyuterda ro‘y berayotgan jarayonlarni aks ettiriladi
	Himoya g‘ilofiga o‘ralgan elektron sxemalar va qurilmalardan iborat bo‘lgan qurilma
	Ustiga harf, son va boshqa belgilar yozilgan klavishlar majmuidan iborat bo‘lgan qurilma
	Kompyuterni qulay usulda boshqarish, ba’zi ishlarni osongina bajarish uchun mo‘ljallangan qurilma
	Kompyuterning tashqi xotirasi hisoblanib, undan ma’lumotlarni saqlash uchun qo‘llaniladi

	Kompyuterdagi axborotlarni qog‘ozga chop etish uchun mo‘ljallangan qurilma
	Fotosurat, grafik va matn shaklidagi axborotlarni kompyuterda kiritish uchun mo‘ljallangan qurilma
	Magnit disklarning qattiq turi, u sistema blokida joylashgan bo‘lib, unga juda ko‘p ma’lumotlarni saqlash mumkin
Ctrl+Shift yoki Ctrl+Alt	Klaviaturadan foydalanib Kiril harflaridan lotin hafrlariga o‘tkazish tugmalari

G. Matyakubova,
Sergeli tibbiyot kolleji

Informatika va axborot texnologiyalari fanini o‘qitishda baholash mezonlarini ishlab chiqish

Bugungi kunda pedagoglar oldiga qo‘yilgan asosiy vazifa o‘quvchilarning zamonaviy dunyo qarashini shakllantirish bilan birga, ta’lim berishning samarali yo‘llarini izlab toppish va ta’lim jarayoniga qo‘llashdir.

Shu maqsadda kasb-hunar kollejlarida informatika va axborot texnologiyalarini o‘qitishning samaradorligini oshirish uchun interfaol usullar hamda zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalariga asoslangan o‘qitish metodikasi ishlab chiqilib, tajribada sinaldi.

Ma’lumki, har bir dars o‘ziga mos kutiladigan natijalarga ega. Bir so‘z bilan aytganda, zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalaridan, interfaol usullardan uyg‘unlashgan holda foydalanish kutiladigan natijalarga ega bo‘lishni to‘liq kafolatlaydi va ta’lim samaradorligining oshishiga olib keladi.

Ta’limda samaradorlikka erishganlik ta’lim oluvchining bilim, ko‘nikma va malakalarini davlat o‘quv rejalarining bajarilishi nuqtai nazaridan tekshiriladi va baholanadi.

Baholash natijasida nafaqat ta’lim oluvchining, balki ta’lim beruvchining kuchli va kuchsiz tomonlari, shuningdek, o‘quv jarayonidagi kamchiliklar ham aniqlanadi. Baholash mezonini ishlab chiqishda o‘quv fanining xususiyatidan kelib chiqqan holda mavzu, uning mazmuni, bajarilishi lozim bo‘lgan faoliyat bo‘yicha o‘quvchilarning bilishi lozim bo‘lgan bilimlarning o‘ziga xos xususiyatlari hisobga olinadi.

Informatika va axborot texnologiyalari darslarida zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanib, darslarni o‘tish samaradorligini aniqlashning besh baholi tizimida umumiy mezonlarni quyidagicha ishlab chiqish mumkin.

“A’lo” baho:

Informatika va axborot texnologiyalaridan o‘tilgan mavzu mazmunini chuqur va to‘la egallab olgani, o‘quv materialidagi nazariy va amaliy mashg‘ulotlarda o‘rganiladigan bilimlarni mazmun jihatidan ajrata bilganligi, o‘qituvchi tomonidan berilgan savollarga erkin, ijodiy fikrlab javob qila olgani, aytilgan ta’rif va tushunchalarni izohlay bilgani, shuningdek, javoblarni to‘g‘ri usulda, ijodiy, ishonchli va bexato bo‘lishi.

“Yaxshi” baho:

Informatika va axborot texnologiyalari fanidan o‘rganilishi lozim bo‘lgan o‘quv materialining mazmunini chuqur va to‘la o‘zlashtirgani, o‘rganilgan tushunchalar ta’riflarini to‘la bayon eta olishi, berilgan topshiriqni bajarish malakasiga ega bo‘lganligi, lekin topshiriqlarni bajarishda noaniqliklarga, javob mazmunida, shakl va uslubida ayrim xatolarga yo‘l qo‘yilganligi.

“Qoniqarli” baho:

Informatika va axborot texnologiyalari fanidan oquv materialidagi asosiy bog‘lanish va qoidalarni o‘rganganligi, tushunganligi, lekin tushunshalarni, amaliy topshiriqlar mazmunini yetarli darajada chuqur egallab olmaganligidan dalolat beradigan xatolarga yo‘l qo‘yilishi, aytadigan fikrni bayon eta olmasligi. Javobda birlik yo‘qligi. Javob to‘g‘ri bo‘lsa ham, u alohida, tarqoq fikrlardan iborat bo‘lishi. Javob berishda ikkilanish borligi, ko‘p hollarda ta’lim beruvchining yordami bilan javob berishi.

“Qoniqarsiz” baho:

Informatika va axborot texnologiyalari fanidan tizimsiz, tarqoq bilimlarga ega bo‘lganligi. Nazariy va amaliy topshiriqlar mazmunini bir-biridan farqini bilmasligi. Javob berish mazmunida qo‘pol xatolarga yo‘l qo‘yishi. Informatika va axborot texnologiyalaridan yod olingan iboralarni takrorlay olishi, lekin amaliy topshiriqlarni mustaqil bajara olmasligi.

Mezonlarni har bir dars uchun alohida ishlab chiqilsa maqsadga muofiq bo‘lar edi. “Sho‘x” o‘quvchilari ko‘p bo‘lgan guruhlarning baholash mezoniga “intizom” deb nomlangan mezonni ham qo‘shishimiz mumkin.

№	Mezonlar	Ball
1.	Intizomi, muomila madaniyati.	1 ball
2.	Darsga tayyorgarlik	1 ball
3.	Klaster	1 ball
4.	Bilts o’yin	1 ball
5.	Og’zaki javobi	1 ball
	Jami:	5 baho

Mezonga asoslangan baholashning afzalliklari_quyidagilardan iborat:

- o‘quv maqsadiga muvofiq baholanadi;
- ta’lim oluvchining o‘zlashtirish darajasini obyektiv baholaydi;
- baholash o‘zining aniq ko‘rsatkichlariga ega bo‘ladi;
- ta’lim oluvchi olgan bahosida yo‘l qo‘ygan xatolarini yaqqol ko‘rib turadi;
- baholanuvchini ta’lim olishga yo‘naltiradi;

⦿ baholanuvchining baholanayotgan sohasidagi kuchli va kuchsiz tomonlarini xolisona aniqlab beradi, ularning o‘z bilimi va malakalariga bo‘lgan ishonchini oshiradi;

⦿ hamma uchun bir hil va malaka talablarini o‘rnatadi;

⦿ ta’lim mazmunini aniqlab beradi;

⦿ baholanuvchilarning o‘z faoliyati natijalariga bo‘lgan mas’uliyatini oshiradi.

Zamonaviy pedagogik texnologiya usullari bo‘yicha o‘tkazilgan mashg‘ulotlarda ”Rag‘bat” va ”Jarima” kartochkalari bo‘yicha baholash mezonlari:

➢ ma’naviyat saboqlari bo‘yicha: 1 ta ”Rag‘bat” yoki 1 ta ”Jarima” kartochkalariga ega bo‘lishlari mumkin;

➢ uyga berilgan vazifani mustahkamlashda 4 ta kichik guruh o‘quvchilari maksimum 5 ta rag‘bat va 5 ta jarima kartochkalariga ega bo‘lishlari mumkin;

➢ yangi o‘tilgan mavzuni mustahkamlashda yozilgan javoblarga qarab, har bir to‘g‘ri javob uchun 1 tadan «Rag‘bat” kartochkasiga, noto‘g‘ri javob uchun 1 tadan “Jarima” kartochkalariga ega bo‘ladilar.

To‘plangan “Rag‘bat” va ”Jarima” kartochkalari bo‘yicha baholash mezoni:

➢ har bir guruhdan eng ko‘p “Rag‘bat” kartochkasiga ega bo‘lgan 2 tadan o‘quvchilar: “5” baho

➢ “Jarima” kartochkalari bo‘lmagan har bir o‘quvchi uchun kamida 2 ta “Rag‘bat” kartochkasi bo‘lgan o‘quvchilarga: “4” baho

➢ “Rag‘bat” kartochkasi va “Jarima” kartochkasi teng miqdorda bo‘lgan, daftari to‘liq yozilgan o‘quvchilarga “3” baho, qo‘shimcha savolga javob bersa “4” baho

➢ faqat “Jarima” kartochkalariga ega bo‘lgan o‘quvchilarga qo‘shimcha savol berilib, savolga javob bersa “3” baho, javob bermasa “2” baho

➢ “Rag‘bat” kartochkasi “Jarima” kartochkasidan 1 taga ko‘p bo‘lsa, o‘quvchidan quyidagi variantlar so‘raladi:

1)hech qanday shartsiz o‘quvchi baholanmaydi;

2) o‘qituvchi tomonidan beriladigan qo‘shimcha 1ta savolga javob bersa –“4” baho, 2 ta savolga javob bersa “5” baho; javob bera olmasa –“3” baho

Amaliy mashg‘ulotning baholash varaqasidan namuna

BAHOLASH MEZONLARI:

1. Uyga vazifaning bajarilishi	5
2. O`quv topshig`i natijasi	5
3. Kompyuterda vazifaning bajarilishi.	5
4. Elektron test natijasi	5
5. Informatika daftarining yuritilishi.	5
6. Oquvchining hulqi, davomati va formasi	5
O`rtacha baho	*Um.ball/6*

Кат. ўқит. С.В. Маҳмудбеков,ТБР,
ассис. М.С. Хусанов,ТДИУ

Хорижий инвестициялар – иқтисодий фаровонлик омили

Инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришнинг зарур шарти ҳисобланиб, улар асосан моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги устувор лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади. Хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантириш йўли билан замонавий янги технологиялар устқуртмасида мамлакат иқтисодиёти салоҳиятини ошириш ва дунё бозорида рақобат мавқеини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг илғор тажрибаларини олиб кириш чоралари кўрилади.

Тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий капитал қўйилмалар, техника ва технологиялар ҳамда бошқа активлар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўшмоқда ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашмоқда. Чет эл капитали иштирокида ташкил этилган, хомашёни чуқур қайта ишловчи корхоналар нафақат муайян хўжалик субъектининг, балки бошқа соҳалар тараққиётига таъсир ўтказиб, макроиқтисодий ўсишга замин яратмоқда.

Сир эмас, табиий ресурсларга бой, катта ақлий салоҳият ва етарли ишчи кучига эга Ўзбекистон бозори хорижий инвесторларнинг бу бозорга бўлган қизиқишини тобора ошириб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жалб этилаётган ва ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳажмини оширишда Ўзбекистонда, аввалambор, инвестициявий муҳитни шакллантириш шартлари ва омилларига етарлича эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 100 млрд. доллардан ошиб кетди, уларнинг 35 млрд. доллари тўғридан-тўғри инвестициялардир. Барча хорижий инвесторлар, шунингдек, улар киритган инвестициялар республикада қонун асосида кафолатланган ва ҳимоя қилинган. Мамлакат иқтисодиётининг жадал ўсиши, сиёсий, молиявий ва банк тизимининг барқарорлиги Ўзбекистонни чет эл молия институтлари ва халқаро банклари учун инвестияларни жойлаштириш ва миллий банк тизимига киришга бўлган қизиқишини орттирмоқда.

Халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланган “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ва “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунлар Ўзбекистонда чет эллик инвесторларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлигини таъминлайди. Шунингдек, ушбу қонунларда инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш, ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш, инвесторларнинг тўлақонли фаолият юритишига шароит яратиш, улар мулкининг дахлсизлигини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари белгилаб берилган, инвесторлар учун рағбатлантирувчи чоралар кўрилган.

Инвестицион жозибадорлик инвестицион фаоллик, яъни инвестицияларни ўзлаштириш даражаси ва самардорлигини таъминлаш омили бўлиб қолмоқда.

Ўтган олти ойда мамлакатимизда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 1,5 млрд. доллари ёки 21,3 фоизини хорижий инвестициялар ва кредитлар (ўсиш 11%), жумладан, 1,2 млрд. долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилди. Мамлакатимиз бўйича жорий йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 160,9 млн. долларлик 63 та лойиҳа амалга оширилган. Кичик бизнесни ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг 86,4 млн. долларга тенг кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузуридаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси кўмагида кичик бизнес субъектларининг 16,7 млрд. сўмлик 24 та лойиҳаси молиялаштирилди.

Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, унинг таркибий қисми бўлган банк тизимида инвестиция муҳитини янада яхшилаш масалаларига изчил эътибор бериб келинмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокида 5 та банк фаолият кўрсатмоқда, дунёнинг 6 та йирик банки ваколатхонаси ишлаб турибди. Уларнинг молиявий бозордаги иштироки банк тизими активларини ошириш, бизнес юритиш маданиятини юқори даражага олиб чиқиш, янги технологияларни жорий этиш ва зарур инфратузилмани яратиш, бошқарувнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этишга сезиларли ҳисса қўшиш баробарида ички инвестицияларни кўпайтиришга ҳам шароит яратмоқда.

Банк тизими барқарорлигини ошириш, қўшимча капитални жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар банкларнинг фонд бозоридаги фаоллигини оширмоқда. Ўтган олти ойда банкларнинг фонд бозори савдоларида 75,8 млрд. сўмлик акциялари номинал нархлардан бирмунча юқори баҳоларда сотилди. Бу фонд биржаси савдоларида инвестор сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банклари қимматли қоғозларига бўлган қизиқиши ва ишончи ўсишда давом этаётганидан далолат беради. Бундан ташқари, банкларнинг депозит қолдиғи сўнгги йилларда ўртача 25 фоиздан ўсиб бормоқда.

Марказий банк бош мувофиқлаштирувчи сифатида тизимда жозибадор инвестиция муҳитини яратишнинг асосий мезонлари – қонун устуворлигини таъминлаш, кредит ташкилотлари ўртасида адолатли рақобат ўрнатиш, маъмурий чекловларга барҳам бериш, банклар фаолияти шаффофлигини таъминлаш, банк бизнесининг ривожланиши учун сифатли инфратузилма барпо этиш чораларини кўриб бормоқда. Сўнгги вақтда корпоратив муносабатлар – акциядорлар, менежмент, ходимлар ва мижозлар ўртасидаги алоқаларни юқори даражага олиб чиқишга, умуман, инвесторлар ишончини мустаҳкамлашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Банк тизими асосий кўрсаткичларининг барқарор ўсиш суръати ва сифати, пул-кредит сиёсатини изчил олиб борилиши, кредит фоиз ставкаларининг тушириб борилиши, интеллектуал салоҳиятни ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ўсиши, самарали банк назорати, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар асосида юритилиши, инвестициялардан аниқ мақсадларда фойдаланиш, инвестиция рискининг минимал даражага туширилиши тизимда инвестицион муҳитни яхшилашнинг муҳим омиллари бўлиб қолмоқда.

Салоҳиятли инвесторларни жалб этишда уларга банк тизимининг ривожланиш стратегияси, инвестиция фаолиятининг имкониятлари ва шарт-шароитлари ҳақида ахборот бериш муҳим ўринга эга. Шу мақсадда тижорат банклари томонидан инвесторлар қизиқиш билан қарайдиган ахборот майдони кенгайтириб борилмоқда. Салоҳиятли инвесторларга фаолиятнинг юридик, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари бўйича маслаҳатлар бериб, юзага келувчи масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Инвесторлар фаоллигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаб борилмоқда.

Тижорат банкларининг рейтинги хорижий инвесторлар учун аҳамиятли кўрсаткич бўлиб, улар муайян қарорга келишда ана шу баҳоларга суянадилар. Республикамиздаги 26 та тижорат банкининг фаолияти халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланиши иқтисодий ўсиш учун зарур миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этиш асоси бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда 15 га яқин йирик халқаро молия ташкилотлари мамлакатимиз тижорат банкларида ўз кредит линияларини очган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хорижий инвестициялар мамлакатимиз ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, истеъмол бозорини юқори сифатли ички маҳсулотлар билан тўлдириш, жамият ҳаёти сифатини яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда.

N. Mirsavurova,
Sergeli tibbiyot kolleji

Yoshlarni kasbga yo‘naltirish

Bugungi kunda mamlakatimiz shuhratiga shuhrat qo‘shayotgan, xalqimiz faxr-iftixori bo‘lgan yoshlar safi tobora kengayib borayapti, bu bejiz emas, albatta. Chunki, yurtimizda yoshlarga ko‘rsatilayotgan e’tibor va g‘amxo‘rlik ular o‘z iqtidorini namoyon etib, mustaqil hayotni dadil qadamlar bilan boshlashiga zamin yaratayapti.

O‘zbekistonda Kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirishni yuksaltirishda muhim ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatdagi vazifa sifatida kasbga yo`naltirish ishlarini mazmun va sifat jihatdan takomillashtirish hozirgi kunda alohida ahamiyat kasb etmoqda. Bu vazifaning uzluksiz ta’lim tizimidagi o`rni to`g‘risida Prezidentimiz I.A. Karimov o`zining ilk “O`zbekistonning o`z istiqlol va taraqiyot yo`li” risolasida “... nafaqat umumiy ma’lumot va tarbiyani, balki kadrlarni kasbga yo`naltirish, ularni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishni o`z ichiga

oluvchi yagona uzluksiz milliy ta’lim tizimini yaratish vazifasiga qaratgan. Bundan tashqari, Prezedentimizning asarlari milliy istiqlol g‘oyasining ustuvor tamoyillari, “Ta’lim to`g‘risidagi” qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, shuningdek, shaxs rivojlanishini tadqiq qilishda tizimlilik, integrallik, shaxs va faoliyat birligi nazariyasi, determinizm tamoyillari nuqtai nazaridan yondashish, mamlakatimiz va chet elda kasbga yo`naltirish masalalarini yorituvchi pedagogik, psixologik tadqiqotlar, sharq alomalarining falsafiy pedagogik g‘oyalari ham o`quvchilarni kasb-hunarga yo`naltirishni ilmiy tatqiq qilishning nazariy metodologik asoslari hisoblanadi.

Prezidentimizning quyidagi gaplari yoshlarni kasb tanlashga imkoniyatlarini cheksiz ekanligini yaqqol ochib bera oladi:

“Har bir shaxs mehnat qilish, erkin kasb tanlash va qonunda ko`rsatilgan tartibda ishsizlikdan himoyalanish huquqiga ega”, “Davlat va ijtimoiy muassasalarning kasb-hunarga yo`naltirish bo`yicha faoliyatini takomillashtirish. Bunda kasb tanlashning bozor ehtiyojlari va imkoniyatlarini e’tiborga olish zarur, toki har bir shaxs o`ziga mos kasbni egallay olsin”. Bundan ko‘rinib turibdiki, kasb-hunarga yo`naltirish ishlarini yaxshi yo‘lga qo‘yish dolzarb masala va davr talabi.

Darhaqiqat, o‘qish, bilim olish, kasb tanlash O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan kadrlar tayyorlashning milliy dasturi asosida tubdan yangilanmoqda. Ta’limga ajratilgan mablag‘lar keyingi 7 yil (1995-2002-yillar) ichida yiliga yalpi ichki mahsulotning 7,1-7,76 %ini, ajratilgan mablag‘ budjet xarajatlarining 21,77-24,12 %ini tashkil etdi. Bu dunyodagi eng yuqori ko‘rsatkichlardan hisoblanadi. Tibbiyotda o‘tkazilayotgan islohotlar natijasida aholiga sog‘liqni saqlash sohasida ko‘rsatiladigan xizmatlar samaradorligini ko‘tarish choralari amalga oshirildi. Inflyatsiyata qarshi choralar ham ijtimoiy himoyada muhim ahamiyatga ega. Keyingi yillarda uning o‘rnini tola qoplash mumkin bo‘lmasa ham zarar kuchini pasaytirish maqsadida ish haqi, pensiya, stipendiya va ijtimoiy nafaqalar miqdori oshirilmoqda.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida insonlarning yaxshi yashashida to‘g‘ri kasb tanlash muhim ahamiyatga ega. Inson faoliyatida to`g‘ri kasb tanlashning ahamiyatini, turli xil kasblarning insonga qo`yadigan talablarini, kasblar olamini, kasblar shajarasini bilmog‘i darkor. O`zbekiston xalq xo`jaligidagi muhim kasblar, kasblar tasniflagichi; kichik mutaxassislar tayyorlash tizimi, kasblar, mehnat shart-sharoitlari, vositalari, fani, maqsadi bo`yicha shajaralanishi, o`quvchilarni o`z qiziqish va moyilliklari, o`z xarakterining o`ziga xos xususiyatlarini, o`z asab tizimi tuzilishi, psixikasi, o`z qobiliyati va ehtiyojlarini kasblar to`g‘risida ma’lumot olish maktablarini ayrim kasb mehnat bozori talablari asosida ehtiyojning o`zgarib borishini, salomatligining tanlagan kasbiga mos kelishi, hududda joylashgan o`rta maxsus, kasb-hunar o`quv yurtlarida ta’lim yo`nalishini ixtiyoriy tanlashi, o`qishni davom ettirish imkoniyatlarini, kelgusi mavqeini bilishi zarur.

O`quvchilar kasblarni tahlil qila olishi, o`zlarining shaxsiy sifatlari, qiziqishi va salomatlik darajalarini to`g‘ri baholay olishlari, kasblarning insonga qo`yadigan talablari bilan o`zlarining individual xususiyatlarini taqqoslay olishlari, shaxsiy kasbiy rejalarini tuza olishlari zarur.

Zamonaviy bilimlarga ega, mustaqil fikrlaydigan, kelajakka ishonch bilan qaraydigan barkamol avlodni tarbiyalash oldimizda turgan asosiy vazifadir. Bu borada quyidagilarga e'tibor bermog'imiz kerak.

Avvalo, yoshlarning qiziqish va iste'dodini qo'llab-quvvatlash, ularga kerak paytda yo'l-yo'riq ko'rsatish lozim. Ba'zan shunday holatlar bo'ladiki, maktab bitiruvchisi qiziqishiga mos bo'lmagan kasb-hunar kollejini tanlaydi. Keyinchalik esa uning o'qishdan ko'ngli soviydi, tegishli mutaxassislik sirlarini chuqur o'rganmaydi. Natijada hayotda o'z o'rnini topolmay qiynaladi. Shu bois biz maktab o'quvchilarini qobiliyatiga mos mutaxassislikni egallashi uchun ko'maklashishimiz zarur. Buning uchun, avvalo, pedagoglar va ota-onalar o'rtasidagi aloqani mustahkamlash talab etiladi. Chunki bolaning qiziqishi va iste'dodidan ular to'liq xabardor bo'lishadi. Mahallada bo'ladigan uchrashuv va davra suhbatlarida biz ana shu masalalarni ota-onalarga tushuntirishimiz kerak. Kollejlarda o'tkaziladigan «Ochiq eshiklar» kuni tadbirlariga ota-onalarni yanada kengroq jalb qilish zarur.

Biror kasb-hunarga ega kishi hayotda o'z o'rnini topadi, oilasi va jamiyatga nafi tegadi. So'nggi paytlarda kollej bilan bandlikka ko'maklashish markazlari, korxona va tashkilotlar o'rtasida aloqa tobora mustahkamlanib borayapti. Bu esa, o'z navbatida, o'quvchilar amaliyotni muvaffaqiyatli o'tashi va ishga joylashishida muhim ahamiyat kasb etayapti. Shu tariqa mehnat bozorining muayyan ixtisosliklarga talabi ham o'rganilib, korxonalarning mutaxassislarga bo'lgan ehtiyoji ta'minlanayapti, shuningdek, yoshlar ertangi ish joyi haqida ma'lumotga ega bo'la-yapti.

Hozirgi kunda kollej o'qituvchilarining bitiruvchi o'quvchilar bilan olib borayotgan faoliyati davomida uchraydigan asosiy kamchilik ayrim hollarda ish beruvchi tashkilotlar uch tomonlama shartnomalarni rasmiyatchilik uchun tuzadi. Yoshlarni ishga qabul qilish vaqti kelganda esa turli bahonalarni ro'kach qilishadi.

Buyuk yozuvchilardan biri shunday degan edi: «Hayotda Siz uchun eng sevimli bo'lgan kasbni tanlab va Siz bir umr ishga bormaysiz». Agar kishi o'z sevgan kasbida ishlayotgan bo'lsa u hech qachon har ertalab o'zini ishga ketayapman, deb hisoblamaydi. O'z sevgan kasbi bilan shug'ullanish kishiga zavq, xursandchilik, shijoat, rag'bat hamda ma'naviy ozuqa beradi. O'zi yoqtirgan ishni qilayotgan kishi vaqt qanchalar tez o'tib ketganligini sezmay qoladi, u hech qachon bajarayotgan ishidan charchamaydi.

Bugun dunyo bo'ylab qanchadan-qancha kishi zavod-fabrikalarda, idoralarda, avtomobillarda, ish maydonlarida ish vaqtining tezroq tugashini intizorlik bilan kutib, tushlik vaqtining tezroq kelishi ilinjida soatga ma'yus termulib o'tirishadi. Bu toifadagi kishilar, o'z haddi-harakatlaridan ma'lumki, o'zlari yoqtirgan mashg'ulotni o'z kasblari sifatida tanlashmagan. Ya'ni, ular o'zlariga yoqmaydigan kasb bilan shug'ullanuvchi kishilardir.

Ba'zilar «Kishi bajarayotgan ishidan katta daromad olsa bo'ldi-da, kasb kishiga katta pul keltirsa bo'lgani, uning qilayotgan ishi o'ziga yoqishi ikkinchi darajali», deb hisoblashadi. Ammo hech bir kishi kasbidan zavqlana olmas ekan, o'z bajarayotgan faoliyati orqali katta daromadga erisha olmaydi. Balki biror kishi shug'ullanayotgan kasb katta foyda keltiradigan ishdir, balki kimlardir shu kasb ortidan katta daromadga

erishayotgandir, ammo bu kasbning egasida o‘z ishiga nisbatan qiziqish va zavqlanish bo‘lmasa, u hech qachon o‘z kasbidan baraka topa olmaydi.

Shundan kelib chiqqan holda bugun haqiqiy hayotda kasbidan zavqlana olganlarning muvaffaqiyatli faoliyat yuritayotganini, o‘z kasbini yomon ko‘rganlarning esa kunni zerikarli bekorchilik bilan o‘tkazhayotganligini ko‘rishimiz mumkin. Bunday sharoitda o‘z kasbini sevgan, qilayotgan ishidan zavqlana olgan oddiy poyafzal ta’mirlovchisi bugungi kunda milliardlab foyda ko‘rish mumkin bo‘lgan ilg‘or tashkilotda yetuk mutaxassis sifatida ishlovchi, ammo o‘z kasbini yomon ko‘radigan, qilayotgan ishidan zavq topa olmaydigan kishidan ancha ko‘proq foyda ko‘rishi mumkin.

Ishoning, kasb – faqat pul topish usuli emas, balki hayotingizning katta qismini mazmunli o‘tkazish vositasi sifatida ham katta ahamiyatga ega hisoblanadi.

Agar Siz hozirgi yoshingizda kelajakda shug‘ullanishingiz uchun kasb tanlayotgan bo‘lsangiz, faqatgina bu kasbdan Sizga keladigan moddiy daromadni emas, balki undan olishingiz kerak bo‘lgan ma’naviy ozuqani ham hisobga oling. Bordi-yu Siz allaqachon biror kasbga ega bo‘lsangiz, ammo bu kasb Sizning sevimli kasbingiz bo‘lmasa, qilayotgan ishingizdan zavqlana olmasangiz, o‘z bajarayotgan ishingizda xursandchilik, ma’no topishga intiling. Bajarayotgan ishingizdan zavqlanishni o‘rganing. Agar buning iloji bo‘lmasa, kasbingizni imkon qadar o‘zingiz zavqlanib ishlaydigan faoliyat turiga o‘zgartirishga harakat qiling.

Unutmang, Siz kasbingizda jon saqlashingiz emas, balki yashashingiz kerak. Shundagina qilayotgan ishingiz Sizning haqiqiy sevimli kasbingiz hisoblanadi.

G.Hamroyeva,
Sergeli tibbiyot kolleji

Kasb tanlash mas’uliyatini bartaraf etish yo‘llari

Bugungi kunda hayotimizning barcha jabhalarida “inson omili”ning roli ortib borishi kuzatilmoqda. Dunyo miqyosida hozirgi ijtimoiy-siyosiy hayot kishilik jamiyati taraqqiyotining ayni bosqichi shunday o`ziga xos xususiyatga egaki, unda harbiy qudrat emas, balki intellektual salohiyat, aql-idrok, ijodiy fikrlash, yangi texnika va texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Biroq shuni ham ta’kidlash o`rinliki, bolalardagi tug‘ma layoqat va iste’dodni, ularning qiziqishlari va imkoniyatlarini tizimli o`rganish, kasb-hunarga to`g‘ri yo`naltirish va ular tomonidan kasb-hunarni mustaqil tanlay olishni tashkil etish ishlarini rivojlantirish hamda takomillashtirishda o`z yechimini kutayotgan bir qator muammo va vazifalar mavjud. Bular qatoriga oila, maktabgacha ta’lim muassasasi, umumta’lim maktabi, kasb-hunar ta’limi muassasalari bilan ijtimoiy hamkorlikni kuchaytirish, ta’lim tizimini iqtisodiyot va ishlab chiqarishdagi o`zgarishlarga tezkor moslashtirishini tashkil etish, eng muhimi esa o`quvchilarni erta yoshdan boshlab uzluksiz kasb-hunarga yo`naltirish ishlarining mazmunini belgilash, natijani tahlil etish va navbatdagi bosqichda amalga oshirilishi kerak bo`lgan ishni asosli rejalashtirish lozim.

Kasb tanlashda ikkilanayotgan o`quvchilar uchun maslahatlar.

Mehnat bozoridagi holatni tahlil qiling. Yildan-yil yangi kasblar paydo bo`layotganligiga e'tiboringizni qarating. Doimiy malakani oshirish, qo`shma kasblarni egallashga to`g'ri kelishiga tayyor bo`ling.

Hozirgi kunda, Siz maktabni tugatayotgan paytda kasb tanlashingiz, Sizning taqdiringizni butunlay hal qiladi, deb qo`rqmang. Navbatdagi tanlovdagi o`zgarishlar, yangi mutaxassislikni o`zlashtirish, Sizni fanlararo faoliyat bo`yicha qimmatli mutaxassis qilib tayyorlaydi.

Birinchi kasb, garchand Siz keyinroq undan voz kechishingiz va o`zingiz uchun qiziqrog'ini topsangiz ham hayotning turli kutilmagan holatlarida Sizga asqotadi. Bundan tashqari, e'tibor qiling-ki, har bir erkak uchun uyda chilangar ham, sartarosh ham, elektrchi ham, haydovchi ham bo`lishga to`g'ri keladi. Ayollar uchun esa, tikuvchi, oshpaz, kir yuvish va boshqa maishiy mashinalar "operatori" bo`lishga to`g'ri keladi.

Albatta, kasbning nufuzliligi u yoki bu holda Siz tomoningizdan inobatga olinadi, lekin buni o`z qiziqishlaringiz va qobiliyatlaringiz, sog'lig'ingiz holatini hisobga olgandan so`ng amalga oshiring. Mehnat birjasidagi bo`sh o`rinlar to`g'risidagi gazetalarni tahlil qilish juda foydali (u yerda odatda har bir bo`sh o`rin uchun qaysi ta'lim yo'nalishidagi mutaxassis kerakligi ko`rsatiladi).

Shunday kasblar borki, ular Sizga mos kelmaydi, chunki ular sizning sog'lig'ingizni yomonlashtirishi mumkin. Bunday kasblar ko`p emas va ular asosan u yoki bu jismoniy tizimlarning uzoq muddatli zo`riqishini talab etadi.

O`zingiz tanlamoqchi bo`lgan kasbning mazmun-mohiyatini o`rganib chiqing. Shu kasb bilan shug'ullanishingiz lozimligini ko`z oldingizga keltiring. O'z mamlakatingiz va oilangiz ravnaqiga munosib hissa qo'shishingiz lozimligi haqida fikr yuriting.

O`quvchilarni kasb tanlashda fiziologik holatlarini e'tiborga olish zarurligi to`g'risida tavsiyalar.

Kasb tanlashda o`quvchilar qobiliyatlaridan tashqari salomatlik holatini ham hisobga olishlari zarur, chunki kasb tanlovchilarning barchasi ham sog'liqlarini e'tiborga olgan holda kasbni to`g'ri tanlaydi deb bo`lmaydi.

To`g'ri, batafsil tavsiyalarni tegishli tekshiruvlardan so`ng vrach beradi, lekin dastlabki cheklovlarni (agar ular mavjud bo`lsa) tanlovchining o`zi belgilashi lozim. Bu undan qandaydir maxsus bilimlarni talab qilmaydi, chunki ko`pchilik asosiy qarshi ko`rsatkichlar organizm anomaliyasining (normadan chetga chiqish) to`rt guruhi bilan belgilanadi:

A. Skelet mushak apparati anomaliyalari – skelet, bo`g'imlar, umurtqaning jarohatlanishi yoki kasalligi, muskullar kamchiligi bor bo`lgan o`quvchilar uchun quyidagi kasblarni tanlashlari tavsiya etilmaydi: ko`plab jismoniy energiyani, uzoq vaqt oyoqda turishni, tez-tez engashib turishni talab qiladigan kasblar (yukchi, g'isht teruvchi, stanokchi, temirchi, metallurgiya ishlab chiqarishdagi bir qator kasblar va boshqalar).

B. Sezgi organlari (ko`rish, eshitish, hid bilish, ta'm bilish)da kamchiligi bor o`quvchilar uchun quyidagi kasblar tavsiya etilmaydi: haydovchilik mutaxassisligining barcha turlari, mayda detallar bilan ishlash, oziq-ovqat,

parfyumeriya sanoatining qator kasblari, oshpaz, degustator (mazasiga qarab ta’m bilish) va boshqalar.

V. Asab tizimining buzilishi – bosh aylanishi, qo`lning qaltirashi kabi kasalliklarga chalingan o`quvchilar uchun quyidagi kasblar tavsiya etilmaydi: Balandlikda (montajchi, minorali kran mashinisti,va h.k.), mexanizmlar bilan bog‘liq kasblar (yig‘uvchi, soatsoz, zargar va boshqalar) tavsiya etilmaydi.

G. Ichki organlar – yurak-tomir va nafas tizimi kasalliklariga chalinganlar uchun quyidagi kasblar tavsiya etilmaydi: changlangan, gazlangan muhitda, havoning siyrakligi muhitida yoki uning teskarisi bo`lgan yuqori atmosfera bosimi ostida, yoki yuqori harorat sharoitlari bilan bog‘liq kasblar va boshqalar.

Shunday qilib, kasb tanlashda yana bir qadam – o`zining qobiliyatlari va sog‘lig‘iga baho berishdir. Bunda ushbu baholashning zarur, lekin yetarli bo`lmagan muolaja ekanligini inobatga olish lozim.

Kasb tanlashda tipik xatoliklar:

1. Do`stlariga ergashib. Ko`p hollarda yigit va qizlar o`z qobiliyatlarini bilmagan holda do`stlariga ergashib keyingi ta’lim turlarini tanlaydilar. Bunday tanlov juda kam hollarda samarali bo`ladi, aniqrog‘i tasodif tufayli muvaffaqiyatli bo`lishi mumkin. Chunki kasbni o`z imkoniyatlari va qiziqishlarini inobatga olgan holda tanlash o`zini to`liq namoyon qilish va tanlov imkoniyatini beradi.

2. Nufuzli kasb tanlash. Hozirda iqtisodchi, huquqshunos, menejer, broker, diler kabi kasblar nufuzli hisoblanadi. Juda ko`p o`quvchilar bu kasblarga qiziqadilar, lekin ularning hammasida ham bu kasb uchun zarur bo`lgan sifatlar (yuqori eruditsiya, shijoatkorlik, g‘ayrat, muloqotchanlik, ishchanlik) bo`lmasligi mumkin.

3. Biror-bir fanni yaxshi o`zlashtirishni kasb bilan bog‘lash. Masalan, o`quvchi adabiyot darsini yaxshi o`zlashtiradi, she’r va hikoyalar yozadi, jurnalist kasbini tanlaydi. Lekin jurnalist kasbi egalaridan turli vaziyatlarda safarga chiqish, turli faoliyat turlarini bilish va muloqotchanlik qobiliyati talab etililadi.

4. Aka-opalarining kasbini tanlash. Oila a’zolarning bir-biriga bo`lgan mehri ham kasb tanlashga turtki bo`ladi. Masalan, uka uchuvchi bo`lgan akasiga havas qiladi. Akasiga bo`lgan mehr uni ham uchuvchi bo`lish qaroriga undaydi. Lekin biror insonni yoqtirish boshqa insonning shu kasbga moyilligi borligini bildirmaydi.

5. Tanlangan kasb va mehnat sharoitining salomatlikka mos kelmasligi. Har bir kasb turli darajada inson organizmi va biror-bir a’zosrini zo`riqtiradi Shuning uchun har bir kasb uchun mavjud bo`lgan turli tibbiy cheklovlar haqida bilish zarur. Shu bilan birga kasb tanlash bo`yicha qaror qabul qilganda, o`zingizni sog‘lom deb hisoblasangiz ham shifokor bilan maslahatlashish tavsiya etiladi.

6. Ota-onalarning bosimi ostida kasb tanlash. Ota-onalar farzandlarining ehtiyojlari, qiziqishlari, qobiliyatlari haqida unutmasliklari, ularni majburlamasliklari, aksincha yordam berishlari va ularni qo`llab-quvvatlashlari kerak.

7. Kasbning imkoniyatlari va mehnat xarakteri haqida tasavvurlarning yetarli emasligi. Jamiyat va texnik rivojlanish bilan bog‘liq bo`lgan kasbning rivojlanish dinamikasini bilmaslik xatolikka yo`l qo`yishga olib keladi. Kasbning zamirida mehnatning umuman o`zgacha bo`lgan yangi ko`rinishi yashiringan bo`lishi mumkin. Doimo kasbning zamonaviy ko`rinishi haqidagi bilimlarga ega bo`lish talab etiladi.

8. O`z imkoniyatlari, qobiliyatlari, moyilliklari va kasb tanlash motivlari haqida bilmaslik. Bu bir ko`rinishda oson narsa emas. Bundan tashqari ko`pgina o`quvchilar o`zlarining kamchiliklari va zaif tomonlari haqida bilishdan cho`chiydilar. Buning uchun ular haqiqatni bilish uchun o`zlarida jasorat topa olishlari, aql-zakovatni ishga solib xatolarni tuzatishga intilishlari lozim. Bitiruvchining o`zini anglashida tengdoshlari, yaqin insonlari va albatta kasbga yo`naltiruvchi mutaxassislar yordam beradilar.

Kasb tanlashda yo`l qo`yiladigan tipik xatolarni bilish sizni ortiqcha yoki noto`g‘ri qadam qo`yishingizdan himoya qilib, vaqtingizni tejab, o`z imkoniyatlaringiz, qiziqishlaringizga mos kasbni tanlashingizga yordam beradi.

Sh. Ilyasova,
Sergeli tibbiyot kolleji

Informatika va axborot texnologiyalari fanini o‘qitish samaradorligini oshirishda zamonaviy texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati

O‘qitish samaradorligini yanada oshirish, o‘quvchilarni mustaqil fikrlash va ijodiy izlanishga o‘rgatishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarning o‘rni va ahamiyati beqiyosdir. Tahlillarga ko‘ra, an’anaviy usulga nisbatan ilg‘or pedagogik texnologiyalarni qo‘llagan holda dars berilganda o‘quvchilarning mavzuga qiziqishi sezilarli darajada ortib, o‘zlashtirish ko‘rsatkichida ijobiy natijalar kuzatilmoqda.

Informatika fanida ilg‘or pedagogik texnologiyalarni qo‘llash barcha fanlardagi kabi, informatika fanidan ham yangi avlod darsliklari yaratilib, unda mazmunan o‘zgartirishlarga yangicha yondoshildi.

Prezidentimiz Islom Karimov alohida ta’kidlaganlaridek, “Mamlakatimizning istiqboli yosh avlodimiz qanday tarbiya topishiga, qanday ma’naviy fazilatlar egasi bo‘lib voyaga yetishiga, farzandlarimizning nechog‘li faol munosabatga bo‘lishiga, qanday oliy maqsadlarga xizmat qilishiga bog‘liq ekanini hamisha yodda tutishimiz kerak”. Shuning uchun ham darsliklarda ta’lim mazmuni va uning tarkibini kengaytirish va chuqurlashtirish, xususan, bu mazmunga nafaqat bilim, ko‘nikma va malaka, balki umuminsoniy madaniyatni tashkil qiluvchi – ijodiy faoliyat tajribasi, tevarak-atrofga munosabatlarni ham kiritishga erishdik. Natijada ta’lim mazmunini kengroq bayon etishga erishdik.

O‘quvchilarni mustaqil fikr yuritishga, mushohada qilishga, mutolaa qilishga o‘rgatishda o‘qituvchilar oldida katta mas’uliyat qo‘yiladi. O‘qituvchi o‘qitishdan o‘qishni o‘rgatishga, bilim berishdan o‘quvchilarning bilimlarni mustaqil egallashlariga yodam berishi lozim. Ya’ni o‘qituvchi o‘quvchini ehtiyoj tug‘dirishdan, muhit yaratishga va undan mas’uliyatni his qilishni o‘rgatish kerak.


Demak, o‘qituvchidan tashabbuskorlikni, mustaqil fikrlay olishni, o‘z faniga oid bilimni puxta bilishini, kuzatuvchanlikni, ijodiy tasavvurni tarbiyalashga layoqatini faollashtirish zarur. Shunday layoqatga ega bo‘lgan o‘qituvchi o‘z ish faoliyatida ilg‘or texnologiyani qo‘llashi o‘quvchilarda yuqori bilim, ko‘nikma va malakaga ega bo‘lishiga olib keladi.


O‘qituvchi fanida yuz berayotgan yangilikni, o‘zgarishlarni isloh qila olishi zarur. Keng ma’noda qaralganda ta’lim tizimidagi har qanday o‘zgarishni pedagogik innovatsiya deb qarash mumkin. Har bir o‘qituvchi uchun ta’lim berayotganda ertami-kechmi “Qanday qilib, qaysi usullar bilan bilim olish jarayonida o‘quvchilarni faollashtirish mumkin?” degan savolni hal qilish zaruriyati kelib chiqadi.


XXI asrda malakali pedagog bo‘lish uchun albatta axborot texnologiyalarini yaxshi egallash zarur. Inson faoliyati ko‘proq uning axborotga ega bo‘lganlik darajasi, ushbu axborotlardan samarali foydalana olish qobiliyatiga bog‘liq bo‘lib qolmoqda. Ixtiyoriy soha bo‘yicha zamonaviy mutaxassis vaqt sayin oshib borayotgan axborot oqimida bemalol yo‘l topa olishi uchun, u kompyuterlar, telekommunikatsiya va boshqa aloqa vositalari yordamida tegishli axborotni ola bilishi, qayta ishlay olishi va undan foydalana olishi kerak bo‘ladi.


Bu esa, o‘z navbatida, ta’limda samaradorlikni ta’minlaydi. O‘qituvchi o‘quvchini faollashtiradigan, o‘zi va o‘rganuvchi uchun qulay bo‘lgan yo‘llarni, usul va uslublarni, o‘qitish shakllari, metod va vaziyatlarni izlaydi, zamonaviy pedagogik texnologiyaga suyanib, o‘quv jarayoni samaradorligini oshiradi. O‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatib, o‘quv jarayonining yuqori sifati va samaradorligiga erishadi.

Ta’lim taraqqiyoti jarayonida pedagoglar o‘qitishning juda ko‘p usullarini izlab topganlar. Bu usullarning ayrimlari ko‘pchilikni o‘qitishga mo‘ljallangan bo‘lsa, ayrimlari individual ta’limga moslashtirilgandir. Quyida “Power point dasturining qo‘shimcha imkoniyatlaridan foydalanish” mavzusini o‘qitishda axborot texnologiyalaridan foydalangan holda innovatsion texnologiyalarning tatbiqini ko‘rib chiqamiz.




VENNA DIAGRAMMASI
MS POWER POINT
1. Microsoft kompaniyasi mahsuli.
2. Office dasturlari turkumiga kiradi.
3. Slaydlar bilan ishlaydi.
4. Taqdimot yaratiladi.
5. Yaratilgan faylni chop etish mumkin
MS WORD
1. Microsoft kompaniyasi mahsuli.
2. Office dasturlari turkumiga kiradi.
3. Matnlar bilan ishlaydi.
4. Matnlarni tahrirlash va formatlash mumkin.
5. Yaratilgan faylni chop etish mumkin.
1. Microsoft kompaniyasi mahsuli.
2. Office dasturlari turkumiga kiradi.
3. Yaratilgan faylni chop etish mumkin.
MS EXCEL
1. Microsoft kompaniyasi mahsuli
2. Office dasturlari turkumiga kiradi.
3. Hisoblash ishlari bajariladi.
4. Formula va funksiyalarda ishlaydi.
5. Yaratilgan faylni chop etish mumkin.


MS POWER POINT
MS Power Point dasturining yorlig`i
Taqdimotlar tayyorlashda eng effektiv va universal vositalardan biri - bu «Microsoft Office» ilovasidagi – «Power Point» dasturidir. U grafik axborotlar, slaydlar, ovoz, video kliplar, animatsiyalardan foydalanib, sifatli prezentatsiyalar yaratish imkonini beradi.



Ko‘rinib turibdiki, ushbu metod ta’lim oluvchilar tomonidan muayyan nazariy bilimlarning puxta o‘zlashtirilishiga erishish, vaqtni iqtisod qilish, har bir ta’lim oluvchini faollikka undash, ularda erkin fikrlash layoqatini shakllantirishga yordam beradi. Bunda o‘quvchi axborotlarni vizual o‘rganish bilan bir qatorda o‘qitishning zamonaviy interfaol usullaridan foydalanishda vaqtdan tejamkorlikka ham erishadi.

Н. Исмоилова

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида янги педагогик технологияларни жорий этишнинг психологик жиҳатлари

Бугунги кунда таълим тизимини ислоҳ этишнинг сифат босқичи жадаллик билан давом этмоқда. Бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимига янгиликлар киритишдан мақсад – ўсиб келаётган ёшларни баркамоллик руҳида тарбиялашдан иборатлигини ҳисобга олган ҳолда, Президентимиз И.А. Каримовнинг фикрларини алоҳида қайд этамиз: “Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим”.

Давлатимиз раҳбари таълим ва тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаларини белгилаб бериш билангина чекланиб қолмасдан, бу жараённинг қанчалар муҳимлиги устида ҳам тўхталиб ўтганлар: “... шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”.

Президентимизнинг юқоридаги фикрларига амал қилган ҳолда таълим муассасаларида иш юритаётган педагогларимиз бугунги кунда ўқув жараёнларини ташкил этишга янгича ёндашиб, турли технологиялардан

фойдаланаётганлиги ва бу орқали ёш авлодда мустақил фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантираётганлиги қувонарли ҳолдир.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтиладиган “Оила психологияси” бошқа фанлардан ўтилиши жиҳатдан бироз фарқ қилади. Негаки, ушбу фан доирасида ўтиладиган мавзуларни ўтишдан мақсад ўсиб келаётган ёшларда оилавий тасаввурларнинг шаклланишига кўмак бериш ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлашдан иборат.

Демак, фанни ўтиш ўқитувчидан мавзуга оид билим ва жуда катта педагогик маҳорат билан биргаликда психологик саводхонлик ва янги педагогик технологияларни қўллашни ҳам талаб этади. Оила психологияси фанидаги аксарият мавзуларни ўтишда амалий дарсларни тренинглар усулида, аниқроғи мантиқий ва ролли ўйинлар тарзида ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда оилавий муносабатлар мавзусига тегишли мавзуларга оид айрим услубий кўрсатмаларни ҳавола этамиз.

Ўқитувчи ўқувчиларга дарснинг амалий характерда олиб борилишини эълон қилади. Бу жараёнда уларда ўзаро бир-бирлари ва ўзгаларнинг фикрларини ҳурмат қилишлари, “ўнг қўл қоидаси”га амал қилишлари талаб этилиши алоҳида қайд этилди.

“Оила хақидаги афсоналар” мантиқий ўйини

Мақсад: *Ўспиринларнинг оилавий ҳаётга оид кенг тарқалган лекин ноўрин “афсонавий” фикрларга муносабатини аниқлаш ва уларда мустақил фикрлар ҳамда қарашларни шакллантириш.*

Материаллар: “Қўшилмайман”, “Қўшиламан”, “Қисман Қўшиламан”, “Билмайман” каби ёзувлар.

Ўйин давомийлиги: 20-25 мин.

Ўйиннинг бориши:

1. Хонанинг турли томонларига “Қўшилмайман”, “Қўшиламан”, “Қисман қўшиламан”, “Билмайман” ёзувлари ёпиштириб чиқилади.

2. Ўқувчиларга оилавий ҳаётга оид ҳодисаларни акс эттирувчи ва омма орасида кенг тарқалган ғайритабиий фикрлар – “афсона”ларни ўқиб эшиттирилади. Болалар бу фикрларга қўшилиш ёки қўшилмасликларини девордаги ёзувлар ёнига бориб туриши орқали намоён этадилар. Шу аснода йиғилган маълум бир гуруҳларга ўз танловларини асослаб, изоҳлаб бериш, яъни тақдимот қилиш топшириғи берилади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳдаги ўқувчиларнинг фикрларини муҳокама қилар экан, уларнинг фикрларига бошқа гуруҳларни ҳам жалб этган ҳолда, баҳс-мунозара шаклида муҳокама қилади. Ушбу ўринда ўқитувчининг мақсади гуруҳий мунозара орқали ўқувчиларни тўғри жавоб сари етаклашдан иборат бўлиши лозим.

3. Жинслар ўртасидаги тенглик, оилавий ҳаётдаги поклик ва инсондаги маънавий етуклик ҳақидаги тушунчалар мажмуаси қуйидагича бўлиши мумкин:

- оилада доимо эркак киши хўжайин;
- аёл киши ҳеч қаерда ишламай уйда ўтириши керак;
- оилага пул топиб келиш фақат эркак кишининг иши;
- хотин эрининг рухсатисиз ҳеч қаерга чиқа олмайди.

Бошловчи ўз ихтиёрига кўра бу таърифлар ёнига бошқаларини ўйлаб топиб қўшиши ҳам мумкин.

Муҳокамалар якунида ўқитувчи илмий асосларга кўра тўғри бўлган хулосаларни ўқувчиларга тушунтириб бериши лозим.

“Оила муаммолари” ўйини

Мақсад: *Ўспиринларга оилавий ҳаётда учраши мумкин бўлган муаммолар ҳақида тушунча бериш. Уларни ҳал қилишнинг турли ечимларини топа билишга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.*

Ўйиннинг бошланишида ўқитувчи ўқувчилардан ҳозирги пайтда оилаларда энг кўп учраши мумкин бўлган муаммолар нималардан иборат эканлигини сўрайди. Жавоблар доскага ёки махсус қоғозларга ёзиб борилади.

Шундан сўнг, гуруҳда “Оила муаммолари” ўйини ўтказилади.

Фаолиятнинг бу турини амалга оширишда ўқувчилар гуруҳини 5-8 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлиш мумкин. Шундан сўнг кичик гуруҳларнинг ҳар бирига қуйидагича топшириқ берилади:

“Сиз ҳозир ўз гуруҳингиз билан биргаликда иш олиб бориб, юқорида санаб ўтилган оилавий муаммолардан бирини танлаб олинг ва шу асосда 10 дақиқага мўлжалланган саҳна кўриниши тайёрланг. Ҳар бир гуруҳ турли хил муаммоларни танлаб олиши лозим. Кейин эса ана шу муаммони саҳна кўриниши асосида очиб беришлари лозим. Сизга муаммони танлаш ва шу муаммо асосида саҳна кўриниши тайёрлаш учун 15 дақиқа вақт берилади”.

Бунда ўқитувчи албатта ҳар бир гуруҳнинг мавзу танлашида турли муаммоларга мурожаат қилиши учун уларга маслаҳат бериши ва тайёрланаётган саҳна кўринишларини кузатиб бориши лозим. Муаммолар турлича бўлиши лозим. Масалан: оиладаги ота-она ва фарзанд ўртасидаги келишмовчиликлар, эр-хотин ўртасидаги низолар, ажралиш муаммоси, қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлар, оилаларда содир бўладиган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик муаммолари ва ҳоказо.

Гуруҳ аъзоларига ўз чиқишларини намойиш этишларида турли хил усуллардан, масалан: мусиқа, рақс, юмор, драматик ўйин ва ҳ.к.лардан фойдаланишлари мумкинлиги эслатиб ўтилади.

Гуруҳлар ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишини намойиш этиб бўлганларидан сўнг кўтариб чиқилган муаммонинг келиб чиқиш сабаблари ва бу муаммони ҳал қилишнинг турли ечимларини барча иштирокчилар томонидан муҳокама қилинишини ташкил қилиш керак.

Муҳокамадан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга, ҳеч қайси оилавий муаммонинг ечими ягона бўлмаслигини, оилавий ҳаётда муаммо вужудга келар экан, уни албатта ўша вазият, ўша шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш лозимлиги алоҳида таъкидланади. Шундан кейин, ўқувчилар гуруҳини доира шаклида ўтқизиб (агар ўтириш учун жой тайёрлашга кўп вақт талаб этиладиган бўлса, уларнинг тўрган ҳолатида бўлса ҳам) ўзаро бир-бирларига яхши тилак айтишларига имкон яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат уларнинг оилавий муаммоларни муҳокама этиш вақтидаги айрим нохушликларни тарқатиб юборишда қўл келади. Ўқитувчи ўқувчилардан тилак эшитиш жараёнида нимани ҳис қилганлигини сўрайди ва уларга ҳар бир одам тилак эшитганда

хурсанд бўлишини, демак, атрофимиздагиларга тилаклар айтиб туришимиз уларнинг хурсандчилигини таъминловчи яхши бир анъана эканлигини таъкидлаб ўтса, ўқувчилар ўз ҳаётларида тилак айтиш кўникмасини ҳам ўзлаштириб олишларига эришиш мумкин.

Дарс охирида ўқитувчи ўқувчиларга дарсда фаол иштирок этганликлари учун миннатдорчилик билдириши керак.

Ўспиринларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, бундай усулда ташкил этилган дарслар улар учун қизиқарли бўлиши билан бирга, мавзуларнинг психологик моҳияти ўқувчилар онгига тезроқ сингийди ва узоқ вақт эсида сақланиб қолиниши таъминланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Оила психологияси” фанидан ўтиладиган ҳар бир дарснинг амалий характерда олиб борилиши ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳаётга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказишга ҳисса қўшади.

Б.Қ. Исакова,
Мирзо Улуғбек Информатика касб-ҳунар коллежи

Таълим соҳасини ривожлантиришнинг муҳим белгилари

Яқин йилларда таълим соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифаси таълим муассасаларида яратилган моддий-техник базадан самарали фойдаланиш, уларни тизимли асосда замонавий техника ва ускуналар билан янгитдан таъминлаб бориш, ўқув жараёнига илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимини кенг жорий этишдан иборат бўлиб бормоқда.

Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма ташкил этилди. Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси, ўқув мебели ва анжомлари билан жиҳозлаш, ўқув биноларини ўқув устахона ва лабораториялари билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончалари, бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш ишларини молиялаштиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизими салоҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. Барча ўқув муассасалари замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланди. Ўқувчи ёшларнинг ахборот билан таъминланиш даражаси жаҳон стандартлари даражасига етказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг турли тузилмалари томонидан ахборотларни узатиш тармоқларида таълим ва ёшлар бўйича яратилаётган ахборот ресурслари ягона “Ziyo-NET” таълим тармоғига уланди. Бу ўқувчи ёшлар талабалар билим ва тафаккур дунёсининг кенгайишида жуда катта маънавий имкон эшикларини очиб берди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда айни пайтда фақат таълим тизимига йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда. 2013 йилда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон жаҳондаги 141 та мамлакат орасида 5-ўринни эгаллаб тўрганини ҳисобга олсак, соҳадаги юксак тараққиётни ҳис этиш асло қийин эмас.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлардаги чет тили фани, аввало, инглиз тилини ўрганиш учун мўлжалланган ўқув хоналари 45 миллиард сўмлик замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани ёш авлодга чет тилларни пухта ва мукаммал ўрганиш имконини яратди.

Юртимизда таълим соҳасига кўрсатилаётган юксак эътибор ва рағбат таълим тизимини беқиёс ривожланиш босқичига олиб кирди. Бугунги Ўзбекистон ёшлари бепул умумий ўрта ва ўрта махсус таълим олиш имконига эга бўлдилар. Жуда қисқа фурсат ичида мамлакатимизда минглаб умумтаълим мактаблари, юзлаб касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, янги-янги олий ўқув даргоҳлари бинолари қурилиб, илми толиблар ихтиёрига берилди.

Ҳозирги кунда юртимиздаги 12 йиллик мажбурий бепул таълимнинг устунлик жиҳати шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сунг ўқувчилар кейинги 3 йил давомидаги ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган икки-уч мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни, компьютер ва ахборот технологияларини ҳамда хорижий тилларни ҳам ўрганмоқда.

Шунингдек, ўқув даргоҳи, ўқувчи ҳамда турли ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлар ўртасида тузилаётган уч томонлама ҳамкорлик шартномалари таълимда назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш, битирувчиларни иш билан таъминлашни кафолатламоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, Президентимиз И.А. Каримов раҳнамолигида юртимизда истиқлол йилларида таълим тизимига эътибор энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур, мустаҳкам ҳуқуқий ва моддий-техник база шакллантирилди, малакали педагог кадрлар тайёрланди, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув-услубий адабиётлар ишлаб чиқилди. “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш асосида бугун бутун дунёда эътироф этилаётган ноёб, узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, “Электрон таълим” лойиҳасини амалга оширишга алоҳида эътибор берилса, ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда, умумтаълим мактабларида босқичма-босқич электрон кутубхона фондининг эркин каталоги, масофавий таълим ва маълумот алмашинуви тизими янада кучайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

П.ф.н. Қ.А. Ишанов,
Марғилон педагогика коллежи

Менежментнинг иқтисодий ва ижтимоий психологик усуллари

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида «Кучли ижтимоий сиёсат, аввало сермаҳсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан хам иборатдир», деб таъкидлаган эди.

Менежмент моҳияти ишлаб чиқариш усули, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даражаси, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ишлаб чиқариш ривожланиши ва иқтисодий алоқалар мураккаблашуви билан бошқарув ҳам мураккаблашади ва мустақил фан сифатда ажралиб чиқади. Ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлган шароитда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат вужудга келиб, ишлаб чиқаришни бошқариш, фойдани купайтиришга йўналтирилади.

Менежментнинг асосини объектив иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қонунларга асосланувчи ҳуқуқий илмийлик ташкил этади. Бу қонунларни ўрганиш ва уларнинг аниқ вазиятларда намоён бўлишини ҳисобга олган ҳолда хўхалик раҳбарлари республика халқ хўжлигини бошқаришнинг стратегия тактикасини белгилайдилар.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари кишиларга иқтисодий манфаатлар орқали таъсир кўрсатади.

Иқтисодий усулларнинг моҳияти ходимлар ва ишлаб чиқариш жамоасига улар манфаати бўлишини таъминловчи иқтисодий шароит яратишдан иборат. Бошқарув усуллари тизимида иқтисодий усуллар етакчи ўринни эгалайди. Иқтисодий усуллар иқтисодий таъсир воситалари йиғиндисидан (нарх, кредит, бизнес-режа, фойда, солиқлар, иш ҳақи, иқтисодий рағбатлантириш ва ҳ.к.), яъни хўжалик фаолиятига таъсир этишнинг ҳар бир жамоа мос хўжалик бўғини билан узвий алоқада амал қилишини таъминловчи тадбирларидан иборат.

Бозор механизмининг муҳим вазифаларидан бири бизнес-режа ва бозорнинг узвий боғлиқ бўлишига имкон яратувчи пул ва товар ресурслари тўғри нисбатини таъминлашдир.

Бозор товар-пул муносабатларининг доимо сақланувчи балансидир. Бозор муносабатлари шароитида режали иқтисодиётга нисбатан қатъий бошқарув тизими ўрнатилади. Бозор тамойиллари хўжалик раҳбарларидан ташаббускорлик, корхона фаолияти масалалари бўйича юқори натижаларга эришиш мақсадида қайишқоқлик, таваккалчиликни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти маъмурий-буйруқбозлик тизимига нисбатан қарама-қарши тизим бўлиб, бозорда нарх, солиқ, кредит воситасида тартибга солиш, энг аввало, ижтимоий мақсадда амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх ва иш ҳақи ўзгаришини қатъий тартибга солмай барқарорликка эришиб бўлмайди.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари ишлаб чиқарувчи ва айрим шахсларга уларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларига таъсир этиш билан бошқариш воситасидир. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларини қўллаш корхонада юз бераётган ижтимоий ҳодисаларни чуқур ўрганиш ходимлар асаб тизими кайфиятига таъсир этувчи психологик (руҳий) омилларни билишни талаб этади.

Ишлаб чиқариш шароитида социология кишилар ижтимоий алоқаси шаклланишининг асоси бўлган меҳнат омилларини ўрганади, ижтимоий тизимлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш тизими ривожланиши ва амал қилиш қонуниятлари, кишиларнинг жамиятнинг турли қатламидаги хулқ-атвори қонуниятларини тадқиқ қилади. Ижтимоий психология гуруҳ ва омма психологиясининг хусусиятлари, уларнинг шахснинг онги ва хулқига таъсири, кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омиллар, кайфият, ижтимоий фикрни шакллантирувчи омилларни ўрганади. Шахс психологияси олий асаб фаолияти турлари ва инсон темпераменти, характери, шахснинг иродаси, қобилияти, ҳиссиёти, хотираси, англаш ва ҳис этиш қобилиятини ўрганади, меҳнат психологияси меҳнат фаолиятлари, жумладан, раҳбар ва мутахассислар (касбий хусусият ва қобилиятлари, кадрларни ўқитиш усуллари, иш ва дам олиш тартиби, кадрларни танлаш ва баҳолаш усуллари, меҳнат жараёнининг психологик жиҳатлари) фаолиятини ўрганади.

Кишилар фикрлаш усулида ўзгариш юз бериши ва улар маданий ҳамда билим даражаси ортиб бориши билан ижтимоий-психологик усуллар аҳамияти ҳам ортиб боради. Бундай шароитда шахснинг эҳтиёж ва манфаатлари маънавий соҳа томон ўзгариб боради. Ўз меҳнатидан қониқишнинг муҳим омили бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг раҳбар билан ўзаро яхши муносабати ишлаб чиқаришдаги қулай ижтимоий-психологик вазият хизмат қилади.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари ишлаб чиқаришда мавжуд ижтимоий механизмни (ўзаро муносабат тизими, ижтимоий эҳтиёжлар) қўллашга асосланади. Бошқарувнинг ижтимоий усуллари ижтимоий тартибга солиш воситасида амалга оширилади.

Ижтимоий тартибга солиш усуллари турли гуруҳлар ва шахслар мақсади ва манфаатларини аниқлаш ва ростлаш йўли билан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва уйғунлаштириш мақсадида қўлланилади.

Улар жумласига ижтимоий ташкилотлар низомлари, шартномалар, ўзаро мажбуриятлар, ишчиларни танлаш, тақсимлаш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш тизими киради. Ижтимоий тартибга солиш усуллари инсон омили фаоллигини ошириш, бошқарувни демократлаштириш мақсадида ҳам қўлланилади.

Бошқарувнинг психологик усуллари жамоада мақбул психологик ҳолат ташкил этиш йўли билан кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Психологик усулларга кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш, меҳнатни инсонийлаштириш, малакали кадрлар танлаш ва уларни ўқитиш ва ҳ.к.лар киради.

Меҳнат фаолиятини инсонийлаштириш деганда, ранглар, мусиқанинг руҳий таъсиридан фойдаланиш, бир хил, ўзгармас меҳнатни бартараф этиш, ижодий ёндашувни кенгайтириш тушунилади.

Касбий танлашнинг моҳияти – кишиларнинг руҳий хусусиятлари улар бажарувчи ишларига энг мос бўладиган қилиб танлашдан иборат. Шахснинг руҳий хусусиятлари жумласига унинг қизиқиш ва майллари, қобилияти, темперамент ва характери киради. Шу сабабли, раҳбар шахсга раҳбарлик қилганда ўз олдига инсон руҳий хусусиятлари шаклланиши ва ривожланишини ўрганиши, унинг қизиқиш ва қобилияти, темперамент ва феълини билиш вазифасини қўйиши керак.

Шахснинг руҳий хусусиятларини инсон фаолиятида ажратиб тушуниб бўлмайди, чунки киши қобилияти ва феъли хусусиятлари унинг фаолияти ва хулқида намоён бўлади. Инсон ҳаёти ва оммавий фаолияти унинг руҳий ҳолатини шакллантиради. Инсоннинг қандай ҳаёт кечириши, нима билан шуғулланишини билмай вужудга келганлиги, бирор нарсага қобилияти ривожланганлиги, феъли шаклланганлигини англаб бўлмайди.

Инсон, аввало, ўзини ижодий шахс сифатида баҳолайди. Ишчи меҳнатга бундай нуқтаи назардан қарашга дарров келмайди: моддий эҳтиёжлар бирламчи бўлиб, улар қониққандан сўнг нисбатан юксак инсоний эҳтиёжлар илгари сурилади. Инсон фаолияти маълум рағбатлантирувчи омилларга асосланган бўлиб, маълум мақсадга эришишга қаратилган. Рағбатлантирувчи омил мақсад муносабати инсон фаолияти ўзагидир. Умумий маънода рағбатлантирувчи омил инсонни фаолият юритиш учун ундовчи омил бўлиб, мақсад эса инсон уни амалга ошириш натижасида эришишни хоҳлаган нарсадир. Рағбатлантирувчи омил киши хулқининг ички кучидир. Психологияда узоқ ва қисқа рағбатлантирувчи омил ажратилади. Агар инсон фаолиятини рағбатлантирувчи омил ва ўз олдига қўйган мақсад яқин келажакка мўлжалланган бўлса, у қисқа муддатли, агар улар узоқ истиқболни қамраб олса узоқ муддатли дейилади. Рағбатлантирувчи омил даражаси билан инсоннинг меҳнатга, ютуқ ва муваффақиятсизликка нисбатан бўлган муносабати узвий боғлиқдир. Фақат узоқ муддатли рағбатлантирувчи омил меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш манбаидир.

Раҳбарга хос бўлган муҳим хусусият кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омилларни яхши билиш, ҳар бир кишини у ёки бу вазифани бажаришга қизиқтира олишдир. Бу, айниқса, бирор-бир корхонага ишга кириб, уларни келажакда нима кутишини билиш лозим бўлган ёшлар билан ишлашда муҳимдир. Раҳбар ишини ким ва қачон қайси скрипкани чалиши, қайси асбобда мусиқа чалишини ўрганган, ким нотўғри чалиши мумкинлиги, кимни қайси ерга қўйиш кераклигини билиши лозим бўлган дирижёр меҳнати билан солиштириш мумкин.

Киши руҳий хусусиятларнинг у бажарувчи иш талабларига мос келмаслиги ўз касбидан қониқмаслик уни ўзгартиришга ҳаракат қилишга, хато қилиш эҳтимоли ортиши ва натижада меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади. Аксинча, агар инсон ўз қобилиятини тўлиқ намоён қила олувчи иш

билан банд бўлса, у ўз меҳнатидан мамнун бўлади, касбни тез эгаллайди ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.

Инсон учун фақат моддий рағбат муҳим деб ҳисоблаш нотўғри. Унга жуда кўп нарса катта умумий ишда ўз ҳиссаси борлигини ҳис этиш, ўзини меҳнат орқали намоён этиш, ўз малакаси билан ғурурланиши, уртоқлари ҳурматига сазовор бўлиш ва ҳ.к.лар ҳам муҳимдир. Кўпчилик кишилар шахсий фаровонликка бошқалар ҳисобига эришилган шахсий муваффақият орқали эмас, мамлакат иқтисодиётига қўшган меҳнати ҳисобига эришиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Шундай қилиб, бошқарувнинг иқтисодий усуллари жуда кенг имкониятларга эга бўлиб, улар моҳирона ва ўз вақтида ташкилий-фармойиш, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий усуллар билан қўшиб олиб борилган тақдирда яхши натижаларга эришиш мумкин.

M.S. Pardayeva,
Angren pedagogika va xizmat ko‘rsatish kolleji

Amaliy geografiya fanini o‘qitishda interfaol usullardan foydalanish

Zamonaviy o‘qituvchi qanday bo‘lishi kerak? Hozirgi kundagi global o‘zgarishlar, fan-texnika va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining kun sayin rivojlanib borishi XXI asr o‘qituvchisidan pedagogik mahoratni, o‘tkir irodani, pedagogik-psixologik bilimlarni, o‘z fanini chuqur bilishni va yuksak tafakkurni, siyosiy savodxonlikni, fikrlash doirasi keng va mulohazali bo‘lishni talab qiladi.

Bugungi kun o‘qituvchisi ko‘rgazmali qurollar, turli o‘yin, mashg‘ulotlari, zamonaviy interfaol usullardan, texnik vositalar va kompyuterdan faoliyati davomida o‘rinli foydalana turib, mul’timedia darslarini qo‘llash orqali sifat va samaradorlikka erishishi mumkin. Demak, zamonaviy o‘qituvchi hozirgi kunda zamonaviy axborot-kommunikatsion texnologiyalar va interfaol usullarni dars jarayoniga tatbiq eta olishi bilan ajralib turadi.

Biz quyida kasb-hunar kollejlarida “Amaliy geografiya” darsida foydalanish mumkin bo‘lgan zamonaviy interfaol usullarning tatbig‘i bilan tanishamiz.

“Blits-so‘rov” usuli.

Mashg‘ulotni o‘tkazish tartibi. Ushbu usul bir necha bosqichda o‘tkaziladi:

- o‘qituvchi hamma o‘quvchilarga alohida-alohida tarqatma material beradi va ulardan ushbu materialni sinchiklab o‘rganishlarini so‘raydi;
- o‘qituvchi tarqatma material mazmuni va bajariladigan vazifa (tarqatma materialda berilgan harakatlar ketma-ketligini to‘g‘ri belgilash, belgini qog‘ozda alohida ajratilgan bo‘limga raqamlar bilan qo‘yish kerakligi)ni tushuntiradi;
- tarqatma materialda berilgan vazifa dastlab yakka tartibda bajarilishini ta’kidlaydi;
- har bir o‘quvchi o‘zining shaxsiy fikri asosida tarqatma materialdagi “yakka baho” bo‘limiga berilgan harakatlarning mantiqiy ketma-ketligini raqamlar bilan belgilab chiqadi;
- barcha kichik guruhlar o‘z ishlarini tugatgach, o‘qituvchi harakatlar ketma-ketligi bo‘yicha to‘g‘ri javobni beradi, ya’ni o‘quvchilardan ularga tarqatilgan

qog‘ozlardagi “to‘g‘ri javob” bo‘limiga u tomonidan aytilgan harakatlar ketma-ketligi raqamlarini yozishni so‘raydi;

- o‘qiyuvchi “to‘g‘ri javob” bo‘limida raqamlar bilan “yakka baho” hamda “guruh bahosi” bo‘limidagi raqamlarni solishtirish va kattasidan kichigini ayirish, ayirmalarni mos holda “yakka xato” va “guruh xatosi” bo‘limlariga yozishlarini so‘raydi;

- o‘qituvchi “to‘g‘ri javob ” bo‘limida berilgan raqamlar bilan “yakka baho” hamda “guruh bahosi” bo‘limidagi raqamlarni solishtirish va kattasidan kichigini ayirish, ayirmalarni mos holda “yakka xato” va “guruh xatosi” bo‘limlariga yozishlarini so‘raydi;

- o‘qituvchi yakka va guruh xatolarining umumiy soni bo‘yicha tushuncha beradi va ularni har birini alohida-alohida sharhlab beradi;

- o‘qituvchi mashg‘ulotni yakunlab, ba’zi guruhlarning mashg‘ulot mobaynidagi ish faoliyatlariga o‘z fikrini bildiradi va o‘quvchilarning bilimini ilovadagi mezonlar asosida baholaydi yoki mos kelgan to‘g‘ri javoblar soniga qarab har bir o‘quvchi o‘z bahosini ilovada ko‘rsatilgandek aniqlaydi.

“Zilzilalar” mavzusini mustahkamlash uchun Blits-so‘rov

(Ekspert varag‘i)

Ballar	***Guruh bahosi***	***Guruh xatosi***	***To‘g‘ri javob***	***Yakka xato***	***Yakka baho***	***Qisqacha ta’rif***	***Zilzila kuchi***
1						Faqat seysmik asboblar bilan qayd etiladi	Sezilarli
2						Ko‘pchilik sezmaydi. Sokin vaziyatdagi odamlargina sezadi	Juda kuchsiz
3						Bino ichidagi ayrim odamlargina sezadi	Kuchsiz
4						Bino ichidagi odamlarning ko‘pchiligi sezadi. Uydagi jihozlar harakatga keladi	Sezil-maydi
5						Bino va mebel tebranadi. Uyqudagilar iug‘onib ketadi	Kuchli
6						Hamma sezadi, ba’zi uylarda suvoqlar ko‘chadi	Kuchsiz
7						Imoratlar shikastlanadi, g‘ishtli devorlar yoriladi	Juda kuchli
8						Imoratlar kuchli shikastlanadi, tog‘larda surilmalar yuz beradi	Vayron qiluvchi
9						Uylar butunnlay buzuladi yoki qisman buziladi	O‘ta halokatli
10						Yer yuzida yoriqlar paydo bo‘ladi	Yakson et.
11						Jarliklar hosil bo‘ladi	Halokatli

12						Yer ko‘rinishi - relyefi o‘zgaradi	O‘ta vayron q.

7-8 ta tog‘ri javob – “Qoniqarli”
9-10 ta to‘g‘ri javob –“Yaxshi”
11-12 ta to‘g‘ri javob –“A’lo”

Javoblar varianti

Ballar	***Guruh bahosi***	***Guruh xatosi***	***To‘g‘ri javob***	***Yakka xato***	***Yakka baho***	***Qisqacha ta’rif***	***Zilzila kuchi***
1			4			Faqat seysmik asboblar bilan qayd etiladi	Sezi-larli
2			2			Ko‘pchilik sezmaydi. Sokin vaziyatdagi odamlargina sezadi	Juda kuch-siz
3			3			Bino ichidagi ayrim odamlargina sezadi	Kuch-siz
4			1			Bino ichidagi odamlarning ko‘pchiligi sezadi. Uydagi jihozlar harakatga keladi	Sezil-maydi
5			6			Bino va mebel tebranadi. Uyqudagilar iug‘onib ketadi	Kuchli
6			5			Hamma sezadi, ba’zi uylarda suvoqlar ko‘chadi	Kuch-siz
7			7			Imoratlar shikastlanadi, g‘ishtli devorlar yoriladi	Juda kuchli
8			8			Imoratlar kuchli shikastlanadi, tog‘larda surilmalar yuz beradi	Vay-ron qiluv-chi
9			12			Uylar butunnlay buzuladi yoki qisman buziladi	O‘ta halo-katli
10			10			Yer yuzida yoriqlar paydo bo‘ladi	Yak-son et.
11			11			Jarliklar hosil bo‘ladi	Halo-katli
12			9			Yer ko‘rinishi – relyefi o‘zgaradi	O‘ta vay-ron q.

Ushbu usul dars jarayoniga tatbiq etilsa, albatta o‘zining samarali natijasini beradi.

M.A. Rashidov,
Qibray energetika kolleji

Bilimlarni o‘zlashtirish va o‘quv faoliyati yo‘llariga darajali yondashuv asosida ta’lim maqsadlarini belgilash

Ta’lim – inson bilish faoliyatining eng murakkab turlaridan biri bo‘lib, individual psixik rivojlanishni va bilimlarni o‘zlashtirishni ancha tezlashtiradi. O‘qituvchi ta’lim jarayonida faqatbilim berish bilan chegaralanmaydi, balki bu jarayonda o‘quvchi, talabaga ta’sir ko‘rsatadi, bu esa ularning bilim olishlarini yanada faollashtiradi, natijada o‘quvchi ta’lim jarayonining faol ishtirokchisiga aylanadi. Ta’limdagi yutuqlar, avvalo o‘qituvchiga bog‘liq. Mutaxassis sifatida o‘z fanini chuqur bilishi, pedagogik muloqot ustasi bo‘lishi, psixologik-pedagogik va uslubiy bilim va malakalarni egallagan bo‘lishi, har xil pedagogik vaziyatlarni zudlik bilan o‘rganish va baholash, pedagogik ta’sir ko‘rsatishning maqbul usul va vositalarini tanlab olish qobiliyatiga ega bo‘lishi kerak.

Ta’lim maqsadlari quyidagi turlarga bo‘linadi:

I. O‘quvchilikka oid (tanish bo‘yicha harakatlanishi).

Mavzu: Kirish. Tabiatni o‘rganishda fizikaning o‘rni.

Ta’lim maqsadi: Fizika fani bo‘yicha tushunchalarni shakllantirish.

Natijalar:

- fizika fani bo‘yicha umumiy ma’lumotlar tushuntiriladi;
- o‘rganiladigan bo‘limlar sanaladi;
- fizika sohasida bajarilgan va bajarilayotgan ishlar o‘rganiladi.

O‘qituvchi: O‘quvchilarning bilimlarni o‘zlashtirishlari bo‘yicha faoliyatlarini tashkillashtiradi, ma’lumotlarni beradi.

O‘quvchilar: ma’lumotlarni qabul qiladi, eshitadi, kuzatadi, o‘quv axborotini eslab qoladi va qayta tiklaydi.

II. Tartiblilikka oid (algoritm) (Namuna, o‘xshashlik bo‘yicha harakat).

Mavzu: Nyuton qonunlari.

Ta’lim maqsadi: Nyuton qonunlari haqidagi bilimlarni shakllantirish. Mavzuga oid formula va fizik kattaliklarni o‘rganish va qo‘llash.

Natijalar:

-Nyuton qonunlari o‘rganiladi;

-Nyuton qonunlarini isbotlovchi misollar keltiriladi;

-Nyuton qonunlarini isbotlovchi misollar asosida xulosalar chiqariladi;

-Mavzuga oid masalalar ishlanadi.

O‘qituvchi: O‘quvchilar faoliyatini tashkillashtiradi.

O‘quvchilar: Mavzu bo‘yicha bilimlarni ongli o‘zlashtiradi, ularni keltirilgan misollar asosida mustahkam eslab qoladi va qo‘llaydi. O‘qituvchi rahbarligida mavzuga oid formulalardan foydalanib, masalalar ishlaydi.

III. Ijodiy fikrlovchilikka oid (evristik) (harakatlarni tanlsh).

Mavzu: Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlash. (Laboratoriya ishi)

Ta'lim maqsadi: O‘quvchilarning malaka va ko‘nikmalarini shakllantirish. Matematik mayatnik yordamida erkin tushish tezlanishini aniqlashni o‘rgatish.

Natijalar:

- erkin tushish tezlanishini aniqlash usullari o‘rganiladi;
- laboratoriya ishi topshiriqlari bo‘yicha laboratoriya ishini mustaqil bajarish o‘rganiladi;
- laboratoriya jihozini (matematik mayatnik va boshqalar) ishlatish bo‘yicha tayyorlov qo‘llanmasi o‘rganiladi;
- laboratoriya ishi mustaqil bajariladi;
- jadval to‘ldiriladi;
- bajarilgan laboratoriya ishi natijasida hulosa chiqariladi, hatoliklar ustida mantiqan izlanishlar o‘tkaziladi.

O‘qituvchi: o‘quvchilar faoliyatini yo‘naltiradi.

O‘quvchilar: ijodiy faoliyatni amalga oshiradi. O‘zlashtirilgan bilimlar asosida bilimlarni yangidan hosil qiladi va ularni yangi holatda qo‘llaydi.

IV. Ijodkorlikka oid (harakatlarni izlash).

Mavzu: Yarim o‘tkazgichli asboblar.

Ta'lim maqsadi: Yarim o‘tkazgichli asboblarning qo‘llanilishini o‘rgatish. O‘quvchilarning qobiliyatini shakllantirish.

Natijalar:

-yarim o‘tkazgichli asboblarning qo‘llanilishi o‘rganiladi;
- yarim o‘tkazgichli asboblar to‘planadi;
-mikromodullar tuziladi;
-yarim o‘tkazgichli asboblardan foydalanib, radioqurilmalar yasaladi;

O‘qituvchi: o‘quvchilarga maslahat beradi.

O‘quvchilar: mahsuldor faoliyatni amalga oshiradi.

Darajali test topshiriqlarini ishlab chiqish

Ko‘zlanayotgan natija: BMK o‘zlashtirish darajasi	**Tekshiruvning mazmunli ko‘rsatkichlari**	**Misol**
I. O‘quvchilikka oid (tanish bo‘yicha harakatlanishi)	Eslab qolish, tanish va qayta aytib berish bilan bog‘liq bo‘lgan bilimlarni tekshirish-*ta'lim oluvchi o‘quv axborotini muddat, dalil, formula, qoida, qonunlar ko‘rinishida eslashi va qayta tiklashi lozim*	1. Fizika so‘zinig ma’nosi nima? A) texnika B) tabiat C) vaqt D) zamon E) makon 2. Tezlikni ifodalovchi formulani aniqlang. A) a=F/m B) v=s/t C) I=U/r D) F=ma E) t=s/v 3. SI birliklar sistemasida tezlikning o‘lchov birligi qanday ifodalanadi? A) m B) s C) kg D) km E) m/s 4. Jismning fazoda qoldirgan iziga nima deyiladi? A) Yo‘l B) Trayektoriya C) Ko‘chish D) Masofa E) Erkin tushish
II. Tartiblilikka oid (algoritm) (namuna,	Amaliyotda yuzaki sharoitlarda bilimlar (qoida, qonunlar)ni amaliy qo‘llash	1. Massasi 12 kg bo‘lgan tinch turgan jismga 6 N kuch ta’sir qilsa, jismning olgan tezlanishini toping. A) 0,5 m/s B) 1 m/s C) 2 m/s D) 72 m/s E) 6 m/s 2. 72 km/coat ni m/c da ifodalang.

o‘xshashlik bo‘yicha harakatlanish)	ko‘nikmalarini tekshirish: *ta’lim oluvchi avval o‘rgangan namuna bo‘yicha vazifa, topshiriqni bajarishi kerak*	A) 10 m/c B) 20 m/c C) 30 m/c D) 36m/c E) 72 m/c 3. 7200 s necha soatga teng? A) 1 B) 2 C)60 D) 24 E) 12 4. Javoblardan qaysi biri 15 kN ga teng? A) 30N B) 150N C) 1500N D) 15000N E) 30000 N
III. Ijodiy fikrlovchilikka oid (evristik) (harakatlarni tanlash)	Mustaqil ishlab chiqilgan ish tartibi: mantiqan tuzilgan, asoslangan o‘zaro bog‘liq bo‘lgan to‘g‘ri xulosa chiqarish orqali bir xil bo‘lmagan topshiriqlarni yechish uchun o‘zlashtirilgan bilimlarni o‘zgartira olish ko‘nikmalarini tekshirish – *ta’lim oluvchilar berilgan topshiriq va uni yechish uchun ma’lum bo‘lgan qoidalar asosida mustaqil ish tartibini tuzishi kerak*	1.Yuqoriga tik otilgan jismning ko‘tarilish balandligini 2 marta oshirish uchun unung boshlang‘ich tezligini necha marta oshirish kerak? A)2 B) 1/2 C) 4 D) $\sqrt{2}$ E) Bog‘liq emas 2. Yer sun’iy yo‘ldoshining orbita radiusi 8 marta ortganda, uning aylanish davri 4 marta ortadi. Yo‘ldoshning orbita bo‘ylab harakat tezligi nechchi marta ortgan? A) 1/2 B) 1/4 C) 1 D)2 E)4 3. Agar erkin tushayotgan jism oxirgi 2 sekundda 160 m masofani o‘tgan bo‘lsa, u qancha vaqt tushgan? G=10 m/s^2 A) 3 s B) 6 s C) 9 s D) 12 s E) 15 s 4. Brusok gorizontal tekislikda sirpanib harakatlanmoqda. Agar normal bosim kuchi 2 marta oshsa, ishqalanish kuchi qanday o‘zgaradi? A)2 marta kamayadi B) 2 marta oshadi C) o‘zgarmaydi D) 4 marta kamayadi E) 4 marta oshadi

Demak, darslarni turlarga ajratishda darsning mazmuni dasturda ko‘rsatilgan bo‘ladi. Darsning maqsadi esa, ana shu mazmunni bildirishdan va bildirilgan ma’lumotimizga asoslanib, o‘quvchilarda bilim, ko‘nikma va malakalar hosil qilishdan iborat. Bir darsning maqsadi dastur materiallaridan o‘tish bo‘lsa, boshqa bir darsning maqsadi xuddi shu o‘tilgan materiallarni qaytarishdir, yana birining maqsadi esa, o‘quvchilarning uni qanday o‘zlashtirganliklarini aniqlashdan iborat bo‘lishi mumkin.

N. Saitxo‘jayeva,
Sergeli tibbiyot kolleji

Kasb-hunar kollejlarida ma’naviyat darslarini innovatsion texnologiyalar asosida tashkil etish

Prezidentimiz I.A. Karimov farzandlarimiz haqida shunday degan edilar: “Vatanimizning kelajagi, xalqimizning ertangi kuni, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro‘-e’tibori, avvalambor, farzandlarimizning unib-o‘sib, ulg‘ayib, qanday inson bo‘lib hayotga kirib borishiga bog‘liqdir. Biz bunday o‘tkir haqiqatni hech qachon unutmasligimiz kerak”.

Biz o‘z kuchimiz va imkoniyatlarimizga tayanib, demokratik davlat va fuqarolik jamiyati qurish yo‘lida ulkan natijalarni qo‘lga kiritayotgan bir zamonda

yashamoqdamiz. Biz pedagoglar yosh avlodni mana shunday zamonga mos, har tomonlama yetuk, sog‘lom, barkamol qilib tarbiyalashimiz zarur. Hozirgi vaqtda ta’lim milliy istiqlol mafkurasi asosida shakllanib, rivojlanib bormoqda. Ta’lim muassasalarida tajribali pedagoglar o‘z darslarida xalqimizning milliy qadriyatlari, urf-odat va an’analari, buyuk ajdodlarimiz qoldirgan ilmiy-ma’naviy merosni o‘rganish va targ‘ib etishga jiddiy e’tibor qaratishi tobora kuchayib va ko‘lami kengayib bormoqda. Natijada ta’lim-tarbiya tizimida o‘ziga xos milliy ma’naviy muhit shakllanmoqda.

Ta’lim jarayonida mustaqillik yillarida kechgan yigirma to‘rt yil Vatanimiz tarixida misli ko‘rilmagan yangilanishlar va o‘zgarishlar davri bo‘lgani, ular sirasida jamiyatning yuksalishi va shaxs ma’naviy kamolotiga berilayotgan e’tiborni, o‘quvchilarning bilim olishi uchun va zamonaviy shart-sharoitlar yaratish uchun davlatimiz milliardlab so‘m mablag‘ ajratayotganini o‘quvchilarimizga alohida ta’kidlash, tushuntirish va uqtirib borish ham ma’naviy-ma’rifiy ishlarimiz sirasiga kiradi va uning samaradorligini ta’minlaydi.

Quyida Ma’naviyat soatining “Mustaqillik darsi”da foydalanish mumkin bo‘lgan innovatsion usullarning tatbiqini keltiramiz.

Intervyu metodi

Har bir ishtirokchi o`zining raqamidagi taqdim etilgan so`zni izohlab beradi. Har bir o`quvchi 10 soniya vaqt ichida o`z fikrini bildiradi. O`zlariga berilgan so`zlarni qisqa va lo`nda ifodalagan o`quvchilar rag`batlantiriladi.

Raqamlar uchun so‘zlar

1. Mustaqillik 2. Vatan 3. O`zbekiston 4. Ma’naviyat 5. Oila 6. Milliylik 7. Islom Abdug`aniyevich Karimov 8. Alisher Navoiy 9. Zahiriddin Muhammad Bobur 10. Amir Temur 11. Jaloliddin Manguberdi 12. To`maris 13. Maktab 14. Baxt 15. Shukrona 16. Ustoz 17. Go`zallik 18. Kitob 19. Bahor 20. Ota-ona 21. Navro`z bayrami 22. Sumalak 23. Do`st 24. Shifokor 25. Bolalik 26. Qo`ni-qo`shni 27. Muhabbat 28. Mahalla

Masalan: 1. Mustaqillik – oily ne’mat 3. O`zbekiston – kelajagi buyuk davlat 5. Oila – muqaddas qo`rg`on 7. Islom Abdug`aniyevich Karimov – O`zbekistonning birinchi Prezidenti, xalqmizning asl farzandi. 8. Alisher Navoiy – buyuk bobokalonimiz. Prezidentimiz ta’biri bilan aytganda: “Bu zotni avliyo desak, avliyolarning avliyosi, mutafakkir desak, mutafakkirlarning mutafakkiri, shoir desak, shoirlarning sultonidir.” 17. Go`zallik – qizlarda, u qora ko`zlarda, Soz kabi so`zlarda, deganlar yanglishar. Go`zallik – ishlayish, manglayni terlatish, Go`zaldir ungan ish, maqtansa yarashar .

“Tushunchalar tahlili” uchun tarqatma material shakli

Vatan	
Vatanni sevish	
Vatan tuyg‘usi	
Vatanparvarlik	
Sevgi, muhabbat, ishq	
Sodiq, sadoqatli, vafodor, fidokor	
Sotqin, xoin, xiyonatkor, g‘addor, murtad	

“Tushunchalar tahlili” uchun javoblar variant shakli

Vatan	Har bir insonning o‘z makoni va vatani bo‘ladi. Inson bevatan bo‘lmaydi. Chunki har bir inson ona-Vatan, ota-bobolari o‘tgan muqaddas zamin bilan faxrlanib yashaydi.
Vatanni sevish	Vatanni sevish – ona yurtning ravnaqi yo‘lida halol mehnat qilish, o‘zini qahramonliklarga tayyorlab borish demakdir.
Vatan tuyg‘usi	Vatan tuyg‘usi – aziz Vatanimizni obod etgan oddiy kishilarimizning fidokorona mehnatini yodda tutishdir. Vatan tuyg‘usi – bu o‘z aql-idroki bilan jahon sivilizatsiyasiga ulkan hissa qo‘shgan qomusiy mutafakkirlarni yodga olishdir. Vatan tuyg‘usi – bu musulmon dunyosi e’tirof etgan Imom Buxoriy, Termiziy, Samarqandiy kabi allomalar nomini yodga olishdir. Vatan tuyg‘usi – aziz va g‘o‘zal Vatanimizga yuksak e’tiqod bilan yashash, unga hamisha sadoqatli bo‘lishdir.
Vatanparvarlik	Vatanparvarlik – insonning o‘z yurti manfaatlarini himoya qilish yo‘lidagi fidoiyligi, Vatanning har qarich tuprog‘i, har bit giyohini ko‘z qorachig‘iday asrashi, uning uchun zarur bo‘lganda jonini ham fido etishdir. Vatanparvarlik – o‘z vatanining mustaqilligini asrab-avaylash, uning yo‘lida fidokorona mehnat qilish, Vatan posbonligiga tayyor bo‘lish, Vatan tarixi, madaniyatini bilish, faxrlanishdir. “O‘zbekiston fuqarosining vatanparvarligi, – degan edi yurtboshimiz Islom Karimov, – bu qayta o‘zgarishlar yo‘lini ko‘rsatuvchi, ko‘zlangan maqsaddan chetga chiqmaydigan yo‘lchi yulduz, ishonchli kompasdir”.
Sevgi, muhabbat, ishq.	Biror shaxs yoki narsaga kuchli darajadagi moyillik, bog‘lanish, his, sevgisi.
Sodiq, sadoqatli, vafodor, fidokor	O‘z munosabati, ahdi, vafosida mahkam turuvchi vafoga sadoqatga ega umuman, shaxs yoki narsaga nisbatan sodiqlik, egalikni bildiradi.
Sotqin, xoin, xiyonatkor, g‘addor, murtad	O‘z tomoniga to‘dasiga nisbatan xiyonat qilgan, o‘zga tomonga sotilgan

Ma’naviy – ma’rifiy ishlar samaradorligini ta’minlashda innovatsion usullarda tashkil etilgan darslarda asosiy e’tibor o‘yinga emas, balki ustozlarning istiqlol, yurt tinchligi va el faravonligi yo‘lidagi sa’y-harakatlar xususidagi saboqlari o‘quvchilarda Vatanga munosib farzand bo‘lish hissini kuchaytirishga xizmat qilishni ham alohida diqqat markazida tutishimiz kerak.

Shuningdek, darslarda xalqimiz istiqlolga osonlikcha erishmagani, yurtimiz har jihatdan yuksalgani, ta’rixan qisqa fursatda olamshumil o‘zgarishlar bilan jahon ham jamiyatidan munosib o‘rin olgani oddiy va ta’sirchan usullarda tushuntirilishi kerak.

N. Sattorova,
Olmazor tibbiyot kolleji

Fizika, astronomiyani fanini o‘qitishda ta’lim samaradorligini oshirish

Ma’lumki ta`lim jarayonida innovatsion texnologiyalar va interfaol metodlarni tatbiq etishga qiziqish tobora keng tus olmoqda. Boisi, bunday metodlarni qo`llash ta’lim samaradorligini va ta’sirchanligini oshiradi, o`quvchilarning o`qish metodlarini o`stiradi.

Innovatsiya so`zining ma’nosiga e’tibor bersak, u (inglizcha-innovation) yangilik yaratish demakdir. Ya’ni, an`anaviy ta’limdagi kabi bir xil tizimlar asosida emas, balki yangiliklar asosida ta’lim jarayoning ta’sirchanligini oshirishga qaratilgan ish shaklidan foydalanish demakdir. Ta’limda pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, o`quv jarayonini faollashtirishga qaratilgan turli interfaol metodlardan foydalanish ta’lim maqsadini samarali amalga oshirishga yordam beradi.

Dars loyihasini tuzishga o`qituvchi o`zining ish shakllari va o`quvchilarning ko`nikmani egallash jarayonidagi ishlari doirasini aniq belgilab olishi lozim. Shuningdek, u qanday o`qitish metodlaridan foylanishi ham muhim ahamiyatga ega. Bunda ko`proq interfaol metodlarga e`tiborni qaratish ta’lim samaradorligini oshiradi.

Quyida “Yer tipidagi planetalar. Gigant planetalar. Mayda planetalar. Quyosh sistemasining mayda jismlari” mavzusini mustahkamlashda, “Charxpalak” texnologiyasidan foydalanish usuli bilan tanishamiz:

“Charxpalak”texnologiyasi

Texnologiyaning tavsifi. Ushbu texnologiya o‘quvchilarni o‘tilgan mavzularni yodga olishga, mantiqan fikrlab, berilgan savollarga mustaqil ravishda to‘g‘ri javob berishga va o‘z-o‘zini baholashga o‘rgatishga hamda qisqa vaqt ichida o‘qituvchi tomonidan barcha o‘quvchilarning egallagan bilimlarini baholashga qaratilgan.

Mashg‘ulotni o‘tkazish tartibi:

- o‘quvchilarni (sharoitga qarab) guruhlarga ajratish;
- o‘quv mashg‘ulotni o‘tkazishga qo‘yilgan talablar va qoidalar bilan tanishtirish;
- o‘quv materiallarni guruh a’zolariga tarqatish;
- guruh a’zolari tomonidan yakka holda mustaqil ravishda tarqatma materiallardagi vazifalar bajariladi;
- har bir guruh a’zosi o‘zi ishlagan tarqatma materialining o‘ng burchagiga guruh raqamini yozadi, chap burchagiga esa, o‘zining biron-bir belgisini chizib qo‘yadi;
- vazifa bajarilgan tarqatma materiallar boshqa guruhlarga “Charxpalak aylanmasi” yo‘nalishida almashtiriladi;
- yangi guruh a’zolari tomonidan berilgan materiallar o‘rganiladi va o‘zgartirishlar kiritiladi;
- jamoalar tomonidan o‘rganilgan va o‘zgartirishlar kiritilgan materiallar yana yuqorida eslatilgan yo‘nalish bo‘yicha guruhlararo almashtiriladi (ushbu jarayon guruhlar soniga qarab davom ettiriladi);
- materiallarni oxirgi almashishdan so‘ng har bir guruh va har bir guruh a’zosi o‘zlari ilk bor to‘ldirgan materiallarni (guruh raqami va o‘zlari qo‘ygan belgilari asosida) tanlab oladilar;

Har bir guruh a’zosining o‘zlari belgilangan javoblariga boshqa guruh a’zolarining tuzatishlarini taqqoslaydilar va tahlil qiladilar;

- o‘qituvchining tarqatma materialda berilgan vazifalarini o‘qiydi va jamoa bilan birgalikda to‘g‘ri javoblarini taqqoslaydilar va tahlil qiladilar;
- o‘qituvchining tarqatma materialda berilgan javoblar farqlarini aniqlaydilar, kerakli ballni to‘playdilar va o‘z-o‘zini baholaydilar.

“Charxpalak” texnologiyasi uchun tarqatma material koʻrinishi:

Berilgan nomlanishlar asosida planetalarning qay biriga mansub ekanligini belgilang (toʻgʻri javob qatoriga “+” belgisini qoʻying)

T/r	***Nomlanishi***	***Gigant planeta***	***Yer tipidagi planeta***	***Yoʻldosh***	***Mayda planeta***
1	*Merkuriy*				
2	*Io*				
3	*Yupiter*				
4	*Yevropa*				
5	*Fobos*				
6	*Yer*				
7	*Mars*				
8	*Deymos*				
9	*Ganimed*				
10	*Kalilisto*				
11	*Umbriyel*				
12	*Asteroid*				
13	*Serera*				
14	*Venera*				
15	*Saturn*				
16	*Pallada*				
17	*Vesta*				
18	*Uran*				
19	*Xaron*				
20	*Oberon*				
21	*Titaniya*				
22	*Neptun*				
23	*Pluton*				
24	*Gigeya*				
25	*Ikar*				
26	*Eros*				
27	*Titan*				
28	*Oy*				
29	*Miranda*				
30	*Ariel*				

Oʻquvchilar berilgan vazifalarni bajarib boʻlgach, quyida berilgan toʻgʻri javoblar varianti imkon boʻlsa slayd orqali namoyish qilinadi, boʻlmasa, oʻqituvchi tomonidan aytilib, oʻquvchilarning bajargan ishlari tekshiriladi va baholash mezoniga asosan oʻquvchilar baholanadi.

Javoblar varianti

T/r	***Nomlanishi***	***Gigant planeta***	***Yer tipidagi planeta***	***Yoʻldosh***	***Mayda planeta***
1	*Merkuriy*		+		
2	*Io*			+	
3	*Yupiter*	+			
4	*Yevropa*			+	
5	*Fobos*			+	
6	*Yer*		+		
7	*Mars*		+		

8	*Deymos*			+	
9	*Ganimed*			+	
10	*Kalilisto*			+	
11	*Umbriyel*			+	
12	*Asteroid*				+
13	*Serera*				+
14	*Venera*		+		
15	*Saturn*	+			
16	*Pallada*				+
17	*Vesta*				+
18	*Uran*	+			
19	*Xaron*			+	
20	*Oberon*			+	
21	*Titaniya*			+	
22	*Neptun*	+			
23	*Pluton*	+			
24	*Gigeya*				+
25	*Ikar*				+
26	*Eros*				+
27	*Titan*			+	
28	*Oy*			+	
29	*Miranda*			+	
30	*Ariel*			+	

17-20 ta to‘g‘ri javob –“qoniqarli”
21-24 ta tog‘ri javob – “yaxshi”
25-30 ta tog‘ri javob – “a’lo”

N.T. Sultanova,
Angren tibbiyot kolleji

Fizika, astronomiya fanini o‘qitishda noan’anaviy o‘qitish usullari

O‘zbekiston Respublikasida o‘qituvchi kadrlarning ma’naviy qiyofasiga, aqliy salohiyatiga hamda kasbiy mahoratiga nisbatan alohida mas’uliyat yuklangan. Chunonchi, bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti LA. Karimov quyidagilarni qayd etadi: «Biz yurtimizda yangi avlod, yangi tafakkur sohiblarini tarbiyalashdek mas’uliyatli vazifalarni ado etishda, birinchi galda, ana shu mashaqqatli kasb egalariga suyanamiz va tayanamiz, ertaga o‘rnimizga keladigan yoshlarning ma’naviy dunyosini shakllantirishda ularning xizmati naqadar beqiyos ekanini o‘zimizga yaxshi tasavvur qilamiz». Ushbu fikrlardan bugungi kun o‘qituvchisiga nisbatan qo‘yilayotgan talablarning mazmun va mohiyati anglanadi.

Yangi pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish kadrlar tayyorlashda yangicha yondashuvlarning paydo bo‘lishiga va ta’lim tizimi samaradorligi oshishiga xizmat qiladi. Zamonaviy pedagogik texnologiyaning mohiyati ta’limni yuqori darajada samarali tashkil etish uchun maqsad va vazifalarni aniq belgilash, ta’lim natijasini oldindan qayd etish, o‘quv predmetlarini to‘liq o‘zlashtirishga erishish uchun zaruriy ta’lim vositalari, shart-sharoitlarini tayyorlash, oldindan qayd etilgan,

aniq kafolatlangan natijaga erishishga qaratilgan zaruriy tadbirlar tizimini ishlab chiqish va ta’lim jarayonini unga rioya qilib tashkil etishdan iborat.

O‘qitish metodlarini shartli ravishda “O‘qitishning an’anaviy metodlari”ga va “O‘qitishning noan’anaviy metodlari”ga ajratish mumkin. Biz quyida “Fizika. Astronomiya” fanini noan’anaviy o‘qitish usullari uchun tayyorlanadigan tarqatma materiallarning turlaridan namunalar keltiramiz.

“Yer tipidagi va Gigant planetalar” mavzusini mustahkamlash uchun “Blits-so‘rov” usulidan foydalanish.

O‘quvchilarni har biriga quyidagicha “Blits-so‘rov” jadvali chizilgan qog‘oz tarqatiladi va mashg‘ulotni o‘tkazish tartibi bo‘yicha vazifalar bajariladi. Bunga ko‘ra, berilgan planeta nomlarini Quyoshdan uzoqligi bo‘yicha ketma-ketligi bo‘yicha raqamlab chiqishlari kerak.

Guruh bahosi	***Guruh xatosi***	***To‘g‘ri javob***	***Yakka xato***	***Yakka baho***	***Planetalar nomi***
					Neptun
					Yupiter
					Merkuriy
					Mars
					Uran
					Yer
					Pluton
					Saturn
					Venera

O‘quvchilar bajargan ishlarini quyidagi jadval asosida tekshirishadi. Imkon bo‘lsa, javoblar varianti slayd orqali namoyish qilinadi.

Javoblarni tekshirish uchun to‘g‘ri javoblar varianti

Guruh bahosi	***Guruh xatosi***	***To‘g‘ri javob***	***Yakka xato***	***Yakka baho***	***Planetalar nomi***
		8			*Neptun*
		5			*Yupiter*
		1			*Merkuriy*
		4			*Mars*
		7			*Uran*
		3			*Yer*
		9			*Pluton*
		6			*Saturn*
		2			*Venera*

“Quyosh sistemasining tuzilishi. Olam tuzilishi haqida geliotsentrik ta’limot. Quyosh sistemasining a’zolari va o‘lchamlari” mavzusini o‘qitishda “T-sxema” usulini qo‘llash.

Agar jadvalda keltirilgan fikrga qo‘shilsa, birinchi ustunga “+”, aks holda oxirgi ustunga “-” belgisini qo‘yiladi.

T – sxemani to‘ldiring

Agar jadvalda keltirilgan fikrga qo‘shilsangiz birinchi ustunga “+”, aks holda oxirgi ustunga “-” belgisini qo‘ying.

Ha	Fikr–mulohazalar	Yo‘q
	Olam tuzilishining *geotsentrik (ya’ni markazida Yer turadigan) sistemasi* nazariyasiga ko‘ra, Koinotning markazida Quyosh turadi	
	XVI asrda mashhur polyak astronomi Klavdiy Ptolomey (1473-1543) tomonidan ko‘p yillik astronomik kuzatishlari asosida Olam tuzilishining geliotsentrik nazariyasi yaratildi.	
	Gelisentrik nazariyaga ko‘ra, Olamning markazida Quyosh turib, barcha planetalar, jumladan, Yer, uning atrofida tartib bilan aylanadi	
	Kopernik birinchi bo‘lib planetalarning yulduzlar fonidagi sirtmoqsimon harakatlanishlarining sababi, Yerning Quyosh atrofida boshqa barcha planetalar qatori, aylanishidan ekanligini ko‘rsatib berdi	
	Quyosh sistemasini shartli ravishda chegaralovchi Neptun, Quyoshdan Yerga qaraganda salkam 30 marta uzoqlikda joylashgan	
	Quyosh sistemasi chegarasida, Quyosh atrofida son-sanoqsiz, o‘lchamlari qum zarralari kattaligidagi jismlar ham elliptik orbitalar bilan aylanadi. Ular *meteor jismlar* deyiladi	
	Quyosh atrofida faqatgina sayyoralar aylanadi, boshqa jismlar yo‘q	

T-sxema uchun javoblar varianti

Ha	Fikr-mulohazalar	Yo‘q
	Olam tuzilishining *geotsentrik (ya’ni markazida Yer turadigan) sistemasi* nazariyasiga ko‘ra, Koinotning markazida Quyosh turadi *(to‘g‘ri javob-Yer)*	-
	XVI asrda mashhur polyak astronomi Klavdiy Ptolomey (1473-1543) tomonidan ko‘p yillik astronomik kuzatishlari asosida Olam tuzilishining geliotsentrik nazariyasi yaratildi (Nikolay Kopernik)	-
+	Gelitsentrik nazariyaga ko‘ra, Olamning markazida Quyosh turib, barcha planetalar, jumladan, Yer, uning atrofida tartib bilan aylanadi	
+	Kopernik birinchi bo‘lib planetalarning yulduzlar fonidagi sirtmoqsimon harakatlanishlarining sababi, Yerning Quyosh atrofida boshqa barcha planetalar qatori, aylanishidan ekanligini ko‘rsatib berdi	
+	Quyosh sistemasini shartli ravishda chegaralovchi Neptun, Quyoshdan Yerga qaraganda salkam 30 marta uzoqlikda joylashgan	
+	Quyosh sistemasi chegarasida, Quyosh atrofida son-sanoqsiz, o‘lchamlari qum zarralari kattaligidagi jismlar ham elliptik orbitalar bilan aylanadi. Ular *meteor jismlar* deyiladi	
	Quyosh atrofida faqatgina sayyoralar aylanadi, boshqa jismlar mavjud emas (mavjud)	-

Demak, o‘qitishda noan’anaviy usullardan va zamonaviy texnologiyalardan foydalanish, o‘quvchilarni egallayotgan bilimlarini o`zlari qidirib topishlariga, mustaqil o`rganib, tahlil qilishlariga, hatto hulosalarni ham o`zlari keltirib chiqarishga o`rgatadi. O`qituvchi bu jaryonda shaxsni rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo`naltiruvchilik funksiyasini bajaradi.

Zero, zamonaviy o‘qituvchi – kelajak bunyodkori, yangi pedagogik texnologiyalar, nazariyalar, konsepsiyalarning muallifi, ishlab chiqaruvchisi, tadqiqotchisi va targ‘ibotchisi darajasiga yetmog‘i zarur, deyilganda ana shular ko‘zda tutilgan bo‘lsa, ajab emas.

Доц. Г.Т. Юлчиева,
ассис. Д.Х. Юлдашева, ТДИУ

Таълим муасассаларида иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбиянинг аҳамияти

Республикамиз давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши мутахассислар тайёрлаш тизими ва унинг мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва бир қатор чора-тадбирлар кўришни, шу жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонуни жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни тақозо этди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир мутахассис кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. Дастур Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Дарҳақиқат, иқтисодий билимлар, иқтисодий таҳлил кўникмалари, иқтисодий тафаккур ва ўзига хос сезгилар (масалан, мулкка эгалик ҳисси)ни ўзлаштириш даражасини таърифловчи бу билим, кўникма, ижтимоий сезгиларни инсоннинг амалий фаолиятида рўёбга чиқариш даражасини очиб берувчи бошқа бирон-бир маданият ёки иқтисодий тарбия услуби борми? Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия уйғунликда инсон ижтимоий фаолиятининг ана шу тамонларини акс эттиради. Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбиянинг кўникмаларини ўзлаштирмасдан иқтисодий муносабатларни онгли, изчил ва илмий ўзгартириш ҳамда такомиллаштириш мумкин эмас. Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия уйғунликда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иқтисодий билимлар, яъни иқтисодий назария асосларини, ходимнинг ихтисослиги билан узвий боғлиқ бўлган муайян иқтисод соҳасини, халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосларини билиши лозим;

- хўжалик юритиш билими, малака ва кўникмаларининг ривожланганлиги;
- ташаббускорлик ва тадбиркорликка, масъулиятни оширишга, кам харажат қилиб, катта иқтисодий натижаларга эришиш имконини берувчи йўлларни ижодий излашга йўналтирилган иқтисодий тафаккурнинг янги типи, яъни кўринишидир;
- тежамкорлик, омилкорлик, хўжасизликка нисбатан муросасизлик каби ижтимоий хислатларни шакллантириш;
- иқтисодий билимлар, кўникмалар ва маҳоратни кундалик амалиётда – меҳнатда, оилавий маиший муносабатларда, ижтимоий-сиёсий, бошқарув ва тадбиркорлик фаолиятида қўллаш.

Шундай қилиб, иқтисодий билимларни эгаллаш ва ўзлаштириш иқтисодий маданиятдан маънавиятга, билимдан эътиқодга, ундан эса, ўз навбатида, реал амалий ҳаракатлар сари юксалишни назарда тутади.

Демак, иқтисодий маданият иқтисодий тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Жамиятда иқтисодий муносабатлар сақланар экан, иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, педагогик-психологик асос ва хусусиятларга эга бўлади. Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбиянинг фаолияти билимдан эътиқодга ва мазкур билимларни амалиётга татбиқ этишга ҳаракат тарзида содир бўлади. Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий фаолиятга иқтисодиёт ва иқтисодий тарбия назарияси нуқтаи назаридан, ҳаёт ҳодисаларига бозор номалари ва қонуниятлари ҳамда қоидалари талабидан қарашни талаб этади. Иқтисодий маданият иқтисодий тарбия назариясини ўзагидир.

Бугунги кунда республикамизда таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида иқтисодий таълимнинг асосий вазифаси сифатида жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндашувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва татбиқ қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим.

Kat. o`qit. G`.B. Ernazarov,
Sh. Matkarimov, TDIU

Oliy va o‘rta maxsus o‘quv yurtlarida seminar mashg‘ulotlarini samarali o‘tkazish yo‘llari

Pedagogika amaliyotida seminar mashg‘ulotlari mavjud o‘qitish usullari ichida teskari aloqaning faol shakllaridan biri hisoblanadi. Seminar mashg‘ulotlarida o‘qituvchi ma'ruzadagi kabi jim turadigan suhbatdoshi bilan emas, balki bu suhbatga mustaqil holda kirishish imkoniyatiga ega bo‘lgan talaba bilan jonli suhbat olib boradi. Talabalar bu yerda o‘zaro faol fikr almashishlari va o‘z nuqtai nazarlarini himoya qilishlari mumkin. Aynan seminarda o‘qituvchi uncha katta bo‘lmagan auditoriyaga qulayroq shaklda birin-ketin va mantiqan izchil qilib murakkab

tushunchalarni va qonunlarni tushuntirib berishi hamda materialni mustahkamlash uchun bir qancha usullardan foydalanishi mumkin.

Seminar mashg`ulotlarini tashkil qilishda o‘qituvchining, seminar rahbarining o‘rni juda murakkab bo`lib, u dars jarayonining borishini yo‘naltirib turishi, uni yuqori saviyada o‘tkazishi, savollarni muhokama qilishga faol ijodiy tavsiyalar berishi, barcha talabalarni seminar ishiga qatnashishga jalb qilishi, ularning bilimini tekshirish va reyting tizimi asosida baholashi, ularni seminardagi xatti-harakatlarini kuzatishi, ularga to‘g`ri amaliy va nazariy xulosalar chiqarishga yordam berishi kerak. Har qanday seminar mashg`ulotini har doim tashkiliy qismdan boshlashga to‘g`ri keladi, auditoriyaning darsga tayyorlik holati, darsda yo‘qlarni belgilash, ularning qatnashmaslik sababini aniqlash va boshqalar. Bunda ishtirok etayotganlarni qayd etishning hojati yo‘q, barcha tashkiliy tomoni akadem guruh oqsoqoli tomonidan oldindan tayyorlanganda o‘qituvchi jamlovchi xabarni eshitadigan tartibga o‘rgatish kerak.

Yana shunday tartibni belgilash ham mumkin, bunda mazkur seminar mashg`ulotiga qandaydir sabablar bilan tayyorlanmagan talaba o‘qituvchiga bu haqda ma'lum qilishi kerak va shu yerda bu darsni auditoriyadan tashqaridagi vaqtda qayta topshirishi uchun aniq vaqtni bilib olishi kerak. Odatda bunga "Darsga hamma tayyormi?" degan dastlabki savolni qo‘yish orqali erishiladi.

Har doim mavzu ustida mustaqil ishlash jarayonida tavsiya etilgan asosiy va qo‘shimcha adabiyotlarni o‘rganish jarayonida talabalarda ma'lum tushunmovchiliklar yuzaga kelishi mumkin, u holda seminar mashg`uloti boshida ishtirok etayotganlardan qanday savollar bor, deb so‘rash maqsadga muvofiq. Seminar mashg`uloti mavzusining savollari muhokamasini to‘g`ri yo‘naltirishda o‘qituvchining kirish so‘zi juda muhim rol o‘ynaydi. U “uch-to‘rt minut” bilan qat’i cheklanishi kerak, uning maqsadi – auditoriya e’tiborini harakatlantirish, oldinda turgan mashg`ulotning aniq tarkibini berish, mavzuning ma’nosini ochishdir. Shu sababli kirish so‘ziga cheklangan haqqoniy va mantiqiy izchillik xos bo‘lishi kerak. Ijodiy munozara ish muhitini yaratish uchun auditoriya oldida savollarni to‘g`ri qo‘yish muhimdir.

Boshlovchi o‘qituvchilar orasida qo‘yilgan savollarga javob berish uchun majburiy yoki xohlovchilardan so‘rash kerakmi, degan savol tez-tez muhokama qilinadi. Ma’lumki, bu savolga bir xil javob berish mumkin emas. Mazkur akadem guruh bilan ishlashda o‘qituvchi odatda ikkita, uchta darsdan keyin kimga javobning asosiy qismini, kimga qo‘shimchalar qilishni topshirish, kimni qo‘yilgan savol tor doirasi bilan cheklab qo‘yish, kimga esa javob berish jarayonida qo‘shimcha savollar berishga to‘g`ri kelishiga moslasha boshlaydi.

Talaba javob berganda o‘qituvchi javobning mazmunigagina emas, balki uning shakliga ham e'tibor berishi kerak, talaba konspektiga qattiq tayanib qolmayaptimi, materialni erkin bayon qilayaptimi, nutqida noaniq so‘zlar uchramayaptimi, dalillar yetarlimi, ana shularga e'tibor berishi kerak. Seminar mashg`uloti bo‘lg`uvchi mutaxassislar uchun avval ham ta'kidlab o‘tilganidek, oratorlik madaniyatining asosiy boshlang`ich maktabi hisoblanar ekan, bu juda muhimdir.

Javobning mazmuni va shaklini nazorat qilish o‘qituvchi talaba javob berayotganda, nutq so‘zlayotgan paytda aralashishi kerakligini mutlaqo anglatmaydi,

bundan tashqari, o‘qituvchining aralashishi talaba qo‘yilgan savol doirasidan chiqib ketganda, savol mazmuni bo‘yicha gapirmagan holdagina to‘g`ri bo‘lishi mumkin. Boshqa barcha holatlarda talaba javob berayotganda aralashish mumkin emas.

Seminar mashg`ulotidagi bahsda ishtirok etayotganlar o‘z o‘rtoqlarining kuchli va kuchsiz tomonlarini belgilashga harakat qilishlarini ham kuzatishga to‘g`ri keladi, bu nafaqat ish jarayonini yaratishga yordam beradi, balki o‘quv jarayonining bir shakli sifatidagi seminar mashg`ulotida o‘qituvchining ahamiyatini ham oshiradi. Platon o‘z davridayoq shunday ta'kidlaydi, “o‘zaro suhbatni shunday o‘tkazish kerakki, bunda har bir suhbatdosh suhbatdan katta bilimlarga ega bo‘lish orqali foyda ko‘rsin”.

Amaliyotda talabalar seminar darsigacha oldindan savollarni o‘zaro taqsimlab olishadi va har biri o‘zining savoliga tayyorlanadi. Agar o‘qituvchi buni sezib qolsa (sezib olish qiyin emas), u holda javob berayotgan talabadan boshqa savolni so‘rashi kerakki u savolga odatda to‘g`ri javobni bilmaydi va o‘qituvchi bu talabaga ball qo‘yishda e’tiborga olishi kerak.

Seminarga rahbarlik qilishda achchiqlanish, o‘z-o‘zini boshqara olmay qolish mumkin emas. Har doim bosiq bo‘lishi kerak, o‘z ishini, hatto talabalar tomonidan ham tanqid qilinishiga to‘g`ri moslashishi kerak. Talabalar javoblariga ball qo‘yishda o‘qituvchi har qanday bo‘rttirishlarsiz, obyektiv yondashishi kerak. Seminar mashg`ulotlarida talabalarda tabaqalashgan yondashuv juda muhim, yomon o‘qiydigan, seminarga tayyorlanmaydigan (hatto layoqatli bo‘lsa ham)larga talabchan va qattiq turishi kerak – ularni ishlashga majburlash kerak, ishlayotganlarga (garchi faollik ko‘rsatmayotgan bo‘lsa ham) e’tiborli bo‘lish, ularning yutuqlarini ko‘rsatish va rag`batlantirish, ularning rivojlanishini diqqat bilan kuzatish zarur.

Seminar o‘tkazish amaliyotida ularni faollashtirish maqsadida alohida talabalarga kelgusi seminar mavzusi bo‘yicha muhokama qilinadigan u yoki bu savolga tayyorgarlik ko‘rish topshirilishi muhim. Shunday qilib o‘zaro suhbatni talabalarning o‘qituvchi topshirig`i bo‘yicha xabarlari (o‘n minut) bilan qo‘shish usuli vujudga keladi. Bunday topshiriqlar talabalarning seminardagi ijodiy faolligini o‘stirish usullaridan biri hisoblanadi. Seminarda arifmetik masalalarni hamda oliy matematika tenglamalarini yechish, talabalar faolligini o‘stiradi va iqtisodiy muammolarni chuqurroq o‘zlashtirishga yordam beradi.

Uslubiy nuqtai nazardan iqtisodiyot bo‘yicha shunday matematik masalalarni tuzish kerak bo‘ladiki, ularni yechishda talabalarga shu masalalarga tegishli bo‘lgan oldin o‘tgan materialni takrorlashga va qator yangi iqtisodiy qonunlar, tushuncha va hodisalarni (ya’ni iqtisodiy tahlil arifmetik hisob-kitoblardan ustun bo‘lishi kerak) o‘zlashtirishga to‘g`ri keladi. Bunday hisob-kitoblar o‘quv jarayonining maqsadi emas, balki ta’limni faollashtirish usullaridan biridir.

Seminar mashg`ulotida o‘qituvchining yakuniy so‘zi seminarni boshqarishdagi muhim bosqich hisoblanadi. Munozara qilinayotgan mavzuning alohida muammo va savollari yuzasidan yakunlovchi so‘zni farqlay bilish kerak. O‘tilgan seminar bo‘yicha yakuniy so‘zda o‘qituvchi muhokamani jamlaydi, butun guruhning ishlashini, uning faolligini, tayyorgarligini, mavzuni o‘rganish chuqurligini baholaydi va har bir javob berayotgan talabaga tabaqalashgan ball qo‘yadi.

Alohida talabalar javoblariga ball qo`yishda juda e’tibor bilan ehtiyotkorona yondoshish zarur, chunki ularning kelgusidagi mustaqil ishlari va seminardagi faolliklari ko‘p darajada ana shunga bog`liq bo‘ladi. Har bir talabaning javobida ijobiy va salbiy jihatlarni ajratish zarur. Iqtidorli talabalarni rag`batlantirishda ehtiyotkorona yondoshishga to‘g`ri keladi, bir so‘z bilan aytganda talabalar javoblariga ball qo`yishda tabaqalashgan yondoshish zarur.

Seminar o‘tkazish natijalari bo‘yicha yakunlovchi so‘z oxirida o‘qituvchi kelgusi seminar mashg`uloti mavzusini aytishi, tavsiya etilayotgan adabiyotlarni tavsiflashi ularga qanday tayyorgarlik ko‘rishni o‘rgatish kerak. Agar kelasi seminar bo‘yicha yakka topshiriq berilishi kerak bo‘lsa u holda uni bajaradigan talabalarning familiyasi aytilishi kerak. Yakka topshiriqlarni bajarish bilan bog`liq barcha savollarni tushuntirish uchun maslahat soatlarini belgilash kerak.

Seminar mashg`ulotlariga tayyorgarlik ishlarida ma’ruzadan farq qilib, to‘g`ri tuzilgan rejalar katta ahamiyatga ega. Ma’lumki, ma’ruzada butun dasturiy material yoki darslikdagi material to‘liq bayon qilinmaydi. Seminarda ham, ma’ruzada ham eng avvalo, mavzuning tayanch muammolari tushuntirilishi kerak, seminar rejalari dastur va ma’ruza savollarini aynan ko‘chirmasligi kerak, lekin dastur va ma’ruza doirasidan chetga chiqmasligi ham kerak. Ma’ruza rejasi va seminar rejasining mos kelishi shunga olib keladiki, talaba seminarga tayyorgarlik ko‘rishda ma’ruza konspekti yoki dasturni o‘qish bilan cheklanadiki, bular kurs dasturiga muvofiq yozilgan bo‘ladi.

Uslubiy qo‘llanmalar yoki ish rejasi seminar mashg`uloti o‘tkazayotgan o‘qituvchining asosiy uslubiy hujjatidir. O‘qituvchining seminar darsiga tayyorgarlik ko‘rishi o‘quv guruhi bilan katta tayyorgarlik ishini ham ko‘zda tutadi. Eng avvalo, har bir guruhdagi talabalar tarkibini o‘rganish, ularning umumiy va maxsus bilim darajasi, shijoatkorlik xususiyatlari haqida tasavvurga ega bo‘lishi zarur. Auditoriyani oldindan o‘rganish aniq talabaning shaxsiyatini hisobga olishning ta’sir imkoniyatlarini tabaqalashtirish orqali katta samaraga erishish imkonini beradi.

К.О. Ҳакимов,
Бўстонлиқ қишлоқ хўжалиги ва
тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи

Ўқитишми ёки ўқишни уқтиришми?

Мен ҳар вақт келажакда турли касбларни эгаллаётган кичик мутахассис – ўқувчи-талабаларга математика фанини қандай ўқитиш хусусида қайғураман. Бу менинг асосий ишим, бунинг учун менга ойлик маошлари тўлайдилар ва мен олган иш ҳақим эвазига ўз рўзғоримни тебратаман. Аслида эса афтидан фақат бу ишни бажариш етарли эмас. Ўқувчи-талабаларни бирор нарсага ўргатиш учун балки ўқитувчининг ўзи доимий равишда ўз устида тинмай ишлаши, изланиши, қолаверса, тадқиқот ишлари билан шуғулланиши керакдир. Чунки илм билан шуғулланиш ҳам асосий ишдир, мумкин қадар сабоқ бериш учун дарсдан ҳам асосийроқдир. Бу аснода муаллим ўқувчи-талабаларни имконият ва эҳтиёжларини ўрганиб, уларнинг қизиқишларини англаб ва шунга мувофиқ ўзини тайёрлайди.

Умуман, ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларга дунёга, илмга, ҳаётга қандайдир ўлчовда сенинг кўзинг билан қараш қобилиятини ўргатиш жуда қийин. У сенинг хатти-ҳаракатингдан шубҳаланмаслиги керак, у сени ҳақиқатда айтаётганларингга қизиқишига эришиш керак, ечимини топишга ҳаракат қилаётган муаммолар жавобини билмаслигингни сезиши керак. Бошқача айтганда, сен имитация билан эмас, балки илм билан қизиқаётганингга ишонтириш керак.

Бунда агар ўқувчи ҳақиқатда ҳам билимга қизиқса, унга нимани ўқитаётганингга бефарқ бўлмайди. Қизиқишларини қондириш учун, албатта, вақт сарфланади. Умуман олганда, асосий муаммо, бу биз ўқувчи-талабаларни нима учун ўқитаётганимиз қолаверади. Ишонаманки, мен нафақат ўзим ишимнинг давомчилари бўлмиш янги авлод яратаяпман, балки илм билан шуғулланиш менинг сафдошларим билан якун топмаслигига ишонишни хоҳлайман. Ишонаманки, бу ҳали кимгадир нимагадир керак ва ўқитиш стратегиясини бу талаботларга қаратишни хоҳлайсан.

“Билимлар йиғиндиси асосий эмас, балки ўқишни уқтириш асосий” эканлигига ишонч ҳосил қиласан. Ўқувчи-талаба тўлдириш учун бирор бир идиш эмас, балки у машъалдир ва уни ёндириш, яъни олов олдириш керакдир. Бу доно сўзлар аниқ қандай маънони билдиради? Аниқки, ўқувчи-талабаларни қандайдир бемаъни масалалар билан банд қилиб қўймаслик керак. Балким уларга мен таништирмоқчи бўлган математика фани назариясини тузилиши ҳақида айтиб беришим лозим. Унда қандай тенденциялар мавжуд, олдин бу илмга қандай қараш бўлган, ҳозирги пайтда эса унга қандай қарайдилар. Келажакда эса нималар кутилмоқда? Унда қандай тушунмовчилик ва муаммолар мавжуд. Тушунтириш керакки, нима учун бир дарсликнинг муаллифи тушунчани бир томонига урғу берса, иккинчиси бошқа томонига урғу беради. Шундагина мумкин қизиқувчи ўқувчи-талаба дарсликлардан мустақил қисмларни ўқиб чиқар ва ўзи хулосалар чиқарар.

Бу яхши ниятлар, лекин мисол ва масалаларни ечиш, топшириқларни бажаришни ўргатиш керакми ёки йўқми? Унутмаслик керакки, математикада назария мисол ва масалаларни ечишдан шаклланган ва уларни ечиш лозим. Мумкин қадар умумий муаммоларга камроқ вақт сарфлаб, кўпроқ мисол ва масалаларни ечиб, мисоллар ёрдамида аниқ ҳолатларга қандай ёндашишни тушунтириш керакдир. Математика курсида мавжуд бўлган теоремаларнинг барчасини исбот қилиш керакми, балки айримларини исбот қилиб, ўқувчи-талабаларга, умуман, теоремалар қандай исбот қилинишини кўрсатиш етарлидир? Бунда янада қизиқувчи ўқувчи-талабалар мустақил равишда қолганларини дарсликлардан ўқиб ўзлаштириб олишар?!

Бу икки қараш, қандай бўлмасин, менга биринчи нуқтаи назар яқинроқ. Мен математика фани таълимининг анъанавий ўқитиш намояндасиман. Демак, ихтиёрий тушунчани тўлалигича, бутун ва яхлит ҳажмда ўқитиш тарафдориман. Мен барча ўқувчи-талабаларга яхлит ҳажмда берилган билимни ўзлаштирилиши оғир кечишини тушунаман. Лекин бу оғирликни енгиллаштириш мақсадида назорат ишларини 3-даражали мисол ва масалалар орқали қабул қилинишини мотивлаш мумкин. Мен ўқитилаётган ўқувчи-

талабаларнинг барчаси математик бўлмаслиги аниқ (лекин Аллоҳга шукрки, битирувчилардан бир нафари математика-физика факультетининг талабаси бўлди). Ҳатто барчаси ўзлари танлаган касбида бир умр ишлаб, ҳаёт сурмас, лекин унга яхлит ҳажмда ўқитиш фойдали бўлади, деб ўйлайман. Мумкин қадар қаердадир қандайдир муаммони ечишда асқотар. Ҳеч бўлмаганда, у математикани тарихий матнлар аралашмасидан тушунар, ўқитувчи талабани назария деталларини тўлақонли тушунишига амин эмаслигини билади, унга мисолларни ечилиши муҳимдир. Унда ўзлаштирилаётган услубни қачон татбиқ этилиши мумкинлиги тушунарсиз қолади.

Одамлар турли-туман фикр юритиш пистирмаларига дуч келганлари сабаб назария шаклланди ва ривожланди, улар хатоликларга йўл берарди. Лекин аста-секин пистирмалардан ҳимоя қилувчи назария кошонасини қурдилар. Албатта, тахминлаш мумкинки, қизиқувчи ўқувчи-талабалар бир неча маротаба шундай пистирмаларга дуч келадилар, ундан кейин яхши китобларни оладилар ва ўзлари барча муаммоларга жавоб топади. Лекин бундай дарс ўтишни хоҳламаслигим аниқ, яъни ўқувчилар диққатини фақат назариянинг умумий масалаларига эмас, балки хусусий ҳолатларга қаратиш керакдир. Бирмунча қийинроқ муаммоларнинг жавобини махсус китоблардан олиб ишлата билишни уқтириш лозим. Қолаверса, у Интернет тармоқларидан фойдаланиб, осонгина мақсадга етиши ҳам мумкиндир. Лекин мен кутубхонага бориб, мавзуга доир китоблардан фойдаланишни маслаҳат берардим.

Бунда мен янада аввалги, яъни кимни ва нима учун ўқитаяпман, деган саволга қайтаман. Мен мазкур саволга тўғри жавобни билмайман. Балким бу саволга аниқ ва ягона қимматли жавоб йўқдир.

Барчамиз биламизки, кундалик ҳаётимизда доимо нарсаларга иккита бир-бири билан қарама-қарши бўлган назарлар мавжуд, ваҳоланки, уларнинг ҳар бири орқасида ўзининг ҳақиқати мавжуд. Ўйлайманки, бу икки ёмон биргаликда бўлган назарлар қарама-қаршиликлардан тараққиёт ўсиб чиқади. Мен бир тенденция тарафдори бўлиб туриб, иккинчи тенденциядан ўз методикамга айрим методларни, ҳолатларни, қарашларни қўшиб, бундан сабоқ беришим сатҳи анча юксалади, деб ўйлаб, сабоқ бериб келмоқдаман.


D.Z. Xodjayeva,
Sergeli tibbiyot kolleji

O‘rta maxsus kasb-hunar kollejlarida fizika fanini o‘qitishda innovatsion texnologiyalar tatbig‘i

Prezidentimizning 2012-yil 28-mayda qabul qilingan “Malakali pedagogik kadrlar tayyorlash hamda o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalarini shunday kadrlar bilan ta’minlash tizimini yanada takomillashtirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori o‘qituvchi-kadrlarning ilg‘or pedagogik texnologiyalarni o‘zlashtirishi, interfaol uslublarni o‘quv jarayoniga joriy etishda muhim omil bo‘lmoqda.

Quyida O‘rta maxsus kasb-hunar kollejlarida fizika fanining “Mexanika” bo‘limini o‘qitishda innovatsion texnolgoyalarning tatbiqidan namunalar keltirilgan.

“Bilardim, Bilib oldim, Bilishni hohlayman” usuli



B/B/B usuli uchun ekspert varag‘i

Bilardim	***Bilishni hohlayman***	***Bilib oldim***

B/B/B usuli uchun o‘quv topshirig‘i:

- tezlik;
- tezlanish
- tekis harakat;
- notekis harakat;
- egri chiziqli harakat;
- burchak tezlik;
- aylanma harakat
- burchak tezlanish
- ilgarilanma harakat;
- aylanish chastotasi;
- aylanish davri;
- to‘g‘ri chiziqli harakat;

“Tushunchalar tahlili” usulu

O‘qituvchi tomonidan tarqatiladigan ekspert varag‘ida mavzu bo‘yicha boshlang‘ich tushunchalar o‘qituvchi tomonidan yoziladi, davomiy tushunchalar va tushunchalar mazmuni o‘quvchilar tomonidan to‘ldiriladi.

“Tushunchalar tahlili” usuli uchun ekspert varag‘i

Tushuncha	*Mazmuni*
Mexanik harakat	
Moddiy nuqta	
Absolyut qattiq jism	
Qattiq jismning ilgarilanma harakati	
Qattiq jismning aylanma	

harakati	
Sanoq sistemasi	
Vektor kattaliklar	
Ikki vektorning skalyar ko‘paytmasi	
Ikki vektorning vektorial ko‘paytmasi	
Ozod vektorlar	
Va b.	

“T – sxema” usuli

Agar jadvalda keltirilgan fikrga qo‘shilsa birinchi ustunga “+”, aks holda oxirgi ustunga “-” belgisini qo‘yadi.

“T-sxema” usuli uchun ekspert varag‘i

Ha	Fikr–mulohazalar	Yo‘q
	Moddiy nuqta aylana bo‘ylab harakati davomida ma’lum nuqtadan takror-takror o‘taveradi	
	Ko‘chish va yo‘l kabi kattaliklar moddiy nuqtaning aylana bo‘ylab harakatini tavsiflovchi asosiy kattaliklar bo‘la olmaydi	
	Yo‘nalishi aylana yo‘nalishi bilan bog‘liq bo‘lgan vektorlarga ozod vektorlar deyiladi	
	Burchak tezlikning SI da birligi “Radian”	
	Burchak tezlanishi deb burchak tezlikdan olingan birinchi tartibli hosiladek aniqlanadigan vektor kattalikka aytiladi	
	Moddiy nuqtaning vaqt birligidagi to‘la aylanishlar soniga aylanish davri deyiladi	
	Aylanish chastotasi deb, nuqta bir marta tola aylanib chiqishi uchun, ya’ni 2n burchakka burilish uchun ketgan vaqtga aytiladi	
	Burchak tezlanishning yo‘nalishi burchak tezlik yotgan o‘q bilan mos keladi	

T-sxema uchun javoblar varianti:

Ha	Fikr–mulohazalar	Yo‘q
+	Moddiy nuqta aylana bo‘ylab harakati davomida ma’lum nuqtadan takror-takror o‘taveradi	
+	Ko‘chish va yo‘l kabi kattaliklar moddiy nuqtaning aylana bo‘ylab harakatini tavsiflovchi asosiy kattaliklar bo‘la olmaydi	
	Yo‘nalishi aylana yo‘nalishi bilan bog‘liq bo‘lgan vektorlarga ozod vektorlar deyiladi	-
	Burchak tezlikning SI da birligi “Radian”	-
+	Burchak tezlanishi deb burchak tezlikdan olingan birinchi tartibli hosiladek aniqlanadigan vektor kattalikka aytiladi	
	Moddiy nuqtaning vaqt birligidagi to‘la aylanishlar soniga aylanish davri deyiladi	-
	Aylanish chastotasi deb, nuqta bir marta tola aylanib chiqishi uchun, ya’ni 2n burchakka burilish uchun ketgan vaqtga aytiladi	-
+	Burchak tezlanishning yo‘nalishi burchak tezlik yotgan o‘q bilan mos keladi	

Yuqorida keltirilgan interfaol usullardan uyga berilgan vazifani so‘rashda va yangi mavzuni mustahkamlashda foydalanish o‘zining samarali natijasini beradi.

A.T. Xoshimova, Sergeli tibbiyot kolleji

Tarixiy-ilmiy bilimlar asosida o‘quvchilarning matematikaga qiziqishlarini shakllantirish

Matematika o`qituvchisining vazifasi o`quvchilarda mustaqil mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish bilan birga ularda matematikaning qonuniyatlarini o`rganishga bo`lgan qiziqishlarini tarbiyalashdan iboratdir.

O‘quvchilarning fanga qiziqishlarini shakllantirishda tarixiylik prinsipidan foydalanish, o‘zining yaxshi natijalarini berib kelmoqda. Tarixiy-ilmiy bilimlarga asoslanib yangi o‘quv materialini tushuntirish jarayonida ilmiy axborotning asosiy manbai so‘z bo‘ladi. Bunda mavzuga oid qiziqarli hikoyalar o‘qituvchi yoki o‘quvchilar tomonidan tashkil etilishi mumkin.

Quyidagi ma’lumotlar asosida matematik allomalarning fanga qo‘shgan hissalari bilan yaqindan tanishamiz va tarixiylik prinsipi asosida o‘qitishda o‘zining samarali natijasini berishiga ishonamiz.

Abdulloh Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy - (*taxm. 780-850 yillarda yashagan*) - mashhur O‘rta Osiyolik forsiy qomusiy olimidir.

U taxminan, 780-yilda Xorazmda hozirgi Xivada, O‘zbekiston) dunyoga kelgan va 850-yillarda vafot etgan. Al-Xorazmiy o‘z umrining aksariyatini Bog‘doddagi Bayt ul-Hikmada olim sifatida ishlab o‘tkazdi.

Uning Algebra asari chiziqli va kvadrat tenglamalarning tizimli yechimi to‘g‘risidagi birinchi kitobdir. Shu sababdan, u Diofant kabi" algebra fanining otasi" degan unvonga sazovor bo‘ldi. Uning hind raqamlari haqidagi Arifmetika asarining Lotin tiliga tarjimasi XII asrda G‘arb olamiga o‘nlik raqamlar tizimi haqidagi tushunchani olib kirdi. Al-Xorazmiy Batlimusning "Jo‘g‘rofiya" asarini ko‘rib chiqib, yangiladi va shuningdek, uning o‘zi ham astronomiya va astrologiyaga oid bir qancha asarlar yaratdi.

Al-Xorazmiy nafaqat matematika sohasiga, balki shuningdek tillarga ham katta hissa qo‘shqan olimdir. "Algebra" so‘zi, olimning kitobida qayd etilishicha, kvadrat tenglamani yechishda qo‘llaniladigan ikki amaliyotning biri nomidan olingandir.

"Algoritm" so‘zining o‘zagi esa Algoritmi bo‘lib, u olimning ismini lotinlashtirishdan kelib chiqqan. Shuningdek, ispan tilidagi *guarismo va portugal tilidagi* algarismo so‘zlari ham (ikkalasi ham raqam ma’nosini beradi) uning ismidan kelib chiqqan.

Ahmad al-Farg‘oniy (798-861). Abul-Abbos Ahmad ibn Muhammad ibn Kasir al-Farg‘oniy taxminan 798-yili hozirgi Farg‘ona viloyatining Quva shahrida tug‘ildi. U Bag‘dodda xalifa al-Ma'mun (813-833-yy.) va uning vorislari saroylarida ishladi. Bu davrda Bag‘dodda «Donishmandlar uyi» (Bayt ul-hikma), ya’ni Fanlar Akademiyasi tuzilib, xalifalikning turli davlatlaridan yirik olimlar taklif qilingan edi. Ahmad al-Farg‘oniyni «Yulduzlar ilmi elementlari haqida kitob» (Kitab fi usul ilm an-nujum), ikkinchi nomi «Osmon jismlari harakati va yulduzlar ilmi to‘plami»

(Kitab fi harakat as-samaviy va javami ilm an nujum), «Astrolyabiyani qurish haqida kitob»(Kitab fi sana al-astrulab), «A1-Farg‘oniy jadvali»(Jadval al-Farg‘oniy), «Yetti iqlimni hisoblash» (Xisab al-aqalim as- sab'a) kabi 10 dan ortiq asarlari yetib kelgan.

Ahmad al-Farg‘oniy o‘zining hayoti va ijodi bilan aniq fanlar tarixida chuqur iz qoldirdi. Buni quyidagilarda ko‘rishimiz mumkin;

Mashhur Yevropa yozuvchisi Dante o‘zining bir qator asarlarida al-Farg‘oniyni Alfraganus nomi bilan tilga oladi va uning fanga qo‘shgan hissasini e'tirof qiladi.

U Qohira shahri yaqinidagi Nil daryosida joylashgan Ravza orolida suv sathini o‘lchaydigan nilometr asbobini takomilashtirdi, uni mukammal holga keltirdi.

Ahmad al-Farg‘oniy 861 -yili vafot etgan.

Abu Nasr Forobiy(873-950). Abu Nasr Muhammad ibn Muhammad ibn Uzlug‘ ibn Tarxon Forobiy 873-yilda Forobda tug‘ilgan. Forobiy «Fozil shahari aholisi fikri», «Astrologiya bo‘yicha izohlar», «Hajm va miqdor haqida kitob», «Isbotlashning shartlari haqida kitob», «Fazo geometriyasiga kirish haqida qisqacha kitob» kabi 160 dan ziyod asar yaratgan, lekin bizga 40 ga yaqini yetib kelgan.

1. «Geometrik yasashlar haqida» kitobida Forobiy konstruktiv geometriya masalalarini bayon etadi. Bu kitob 10 bobdan iborat bo‘lib, birinchi bobi doira markazini aniqlash deb ataladi. Unda 15 ta masala va ularni yasash usullari ko‘rsatilgan. Ikkinchi bobda teng tomonli shakllar yasash bayon etilgan. Unda 11 ta masala va ularning yasash usullari ko‘rsatilgan. Uchinchi bobda doiraga ichki chizilgan shakllar yasash bayon etilgan. To‘rtinchi bobda berilgan shaklga tashqi aylana yasash bayon etilgan. Bunda 6 ta masala va ularni yasash usullari ko‘rsatilgan. Beshinchi bobda berilgan shaklga ichki aylana yasash bayon etilgan. Oltinchi bobda berilgan ba’zi shakllar ichida va tasbqarisida boshqa ba’zi bir shakllar yasash haqida bayon etilgan. Bunda 23 ta masala va ularni yasash usullari ko‘rsatilgan. Yettinchi bobda uchburchaklarni qismlarga ajratish (bunda 8 ta masala), sakkizinchi bobda to‘rtburchaklarni qismlarga ajratish (bunda 24 ta masala), to‘qqizinchi bobda kvadratlarni ajratish va ularning tuzuvchilari haqida (18 ta masala), o‘ninchi bobda sferalarni ajratish, unda 9 ta masala va ularni yasash usullari bayon etilgan.

2. U «Fazo geometriyasiga kirish haqida qisqacha kitob» asaridagi parabola egrisini yasash usulini ko‘rsataylik.

Markazi E nuqtada bo‘lgan ixtiyoriy radius bilan aylana chizamiz. AB va MQ diametrlarni o‘zaro perpendikulyar qilib o‘tkazamiz. BE radiusni C va D nuqta yordamida MC=CD=DE kabi teng bo‘laklarga bo‘lamiz. C va D nuqtalar orqali MQ diametrga parallel chiziqar o‘tkazamiz. Bu chiziqlar aylanani KC va DL nuqtalarda kesadi. So‘ngra K, L va M nuqtalarni B nuqta bilan tutashtiramiz. Keyin CK davomida NB=BK, DL kesma davomida OD=BL, EM kesma davomida PE=BM larni yasab, N,O,P nuqtalarini hosil qilamiz. Topilgan nuqtalarning geometrik o‘rnini chizsak, parabola egrisi hosil bo‘ladi.

3. U «Ilmlarning kelib chiqishi va tasnifi» nomli asarida o‘rta asrlarda mavjud bo‘lgan 30 dan ortiq fanning ta'rifini bergan. Bu asar 7 qismdan iborat: bular sonlar haqidagi fan, geometriya, optika fani, yulduzlar haqidagi fan, musiqa haqidagi fan, og‘irliklar haqidagi fan, mexanizmlar haqidagi fan qismlaridir.

Forobiy «Tatbiqlar» kitobida trigonometriya va trigonometrik jadvallar tuzish qoidalarini bergan.

Forobiy Yevklidning «Negizlari»ga, Ptolemeyning «Almagest» asarlariga sharh yozgan. Forobiy 950-yilda Suriyaning Damashq shahrida vafot etgan.

Abu Ali Husayn ibn Sino (980-1037)Abu Ali Husayn ibn Sino 980-yil Buxoro yaqinidagi Afshona qishlog‘ida dunyoga keldi. Ibn Sino 18 yoshga yetganda faqat Buxoroga emas, balki butun Sharqqa mashhur olim va tabib sifatida tanildi. U «Ash-shifo», «Najot» kitobi, «Donishnoma» asarlarida matematikaga oid fikrlarini bayon qilgan.

1. «Ash-shifo» asari 18 qismdan iborat bo‘lib, unda «kvadrivium», ya’ni matematikaga doir bo‘limlar: «Qisqartirilgan Yevklid», «Qisqartirilgan «Almagest», «Sonlar fani», «Musiqa fani» deb atalgan. «Qisqartirilgan Yevklid» bo‘limida planimertiyaga doir bo‘limi 58 ta'rif, 7 postulat, 5 aksioma va 169 jumladan iborat; stereometriyaga doir bo‘limida esa 16 ta'rif va 86 jumla bayon etilgan. «Sonlar fani» bo‘limi arifmetikaga bag‘ishlangan bo‘lib, u 43 ta'rif va 201 jumlani o‘z ichiga oladi. Unda 9 soni yordamida sonlarni kvadratga va kubga ko‘tarish amallari to‘g‘riligini tekshifish haqida qoidalar berilgan. Ibn "Sino natural qatordagi hamma sonlarni ayrim-ayrim kvadratga ko‘tarsak, natijada hosil bo‘ladigan sonlarning birlar xonasi hamma vaqt 1,4,5,6,9 sonlardan biriga teng, deb ko‘rsatadi.

Haqiqatan ham: 11^2=121; 12^2= 144; 25^2=625; 38^2=I444; 54^2=29I6; 59^2=3481;75^2=5625.

Keyin Ibn Sino sonlar kvadratini 9 raqami bilan hind hisobi usulida tekshirish masalasini quyidagi qoidalar bilan ifodalaydi:

Agar son 9 ga bo‘linib, qoldiqda 1 yoki 8 qolsa, u holda bunday sonlarning kvadrati 9 ga bo‘linib, qoldiqda 1 qoladi. Berilgan sonlar M va N bo‘lsin. Qoidaga ko‘ra: M=9n+1;

M_2=$(9n+l)^2$=$81n^2$+18n+l=9($9n^2$+2n)+l ifoda 9 ga bo‘linadi, qoldiq

1. N=9k+8; N_2=$(9k+8)^2$=81 k^2+72k+64=8 lk^2+72k+63+ l=9($9k^2$+8k+7)+1; 9($9k^2$+8k+7) ifoda 9ga bo‘linadi, qoldiq 1.

2. Agar son 9 ga bo‘linib, qoldiqda 2 yoki 7 qolsa, u holda bunday sonlarning kvadrati 9 ga bo‘linib, qoldiqda hamisha 4 qoladi.

3. Agar sonni 9 ga bo‘lganda, qoldiqda 4 yoki 5 sonlari qolsa, u holda bunday sonlaming kvadrati 9 ga bo‘linib, qoldiqda 7 qoladi.

4. Agar son 9 ga bo‘linib, qoldiqda 3, 6 yoki 9 qolsa, u holda unday sonlarning kvadrati 9 ga bo‘linib, qoldiqda 9 qoladi.

Tarixiy ma’lumotlarga asosan ibn Sino $(a\pm b)^2=a^2\pm 2ab+b^2$ formulani geometrik usul bilan isbotlagan. Ibn Sino sonlarni kubga ko‘targanda ham 9 raqami bilan tekshirish qoidalarini keltiradi.

1) Agar son 9 ga bo‘linib, qoldiqda 1, 4 va 7 qolsa, u holda bunday sonlarni kubga ko‘targanimizda natijasi 9 ga bo‘linib, qoldiqda 1 qoladi. Isboti: N=9k+4 bolsin, u holda N_3=(9k+4)3= $729k^3$+$972k^2$+432k+63+l; $729k^{3+}$$972k^2$+$432^k$+63 ifoda 9 ga bo‘linadi, qoldiq 1.

2) Agar son 9 ga bo‘linib, qoldiqda 3, 6 yoki 9 qolsa, u holda bunday sonlarni kubga ko‘targanimizda natijasi 9 ga bo‘linib, qoldiqda 9 qoladi.

3) Agar son 9 ga bo‘linib, qoldiqda 2, 5 va 8 qolsa, u holda bunday sonlarni kubga ko‘targanimizda natijasi 9 ga bo‘linib, qoldiqda 8 qoladi.

Tarixiy-ilmiy bilimlarga asoslanib matematika o‘qitishning ham yagona maqsadi, o‘rganilayotgan bilimlarning ilmiy va amaliy ahamiyini ochib ko‘rsatishdadir. Ana shundagina biz, ko‘zlagan maqsadimizga, o‘quvchilarda darsga bo‘lgan qiziqish hissini uyg‘ota olishimizga erishishimiz mumkin.

Х.К. Хошимов, С.Б. Кенжаев,
М.Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежи

Иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашнинг асосий йўналишлари

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодиёт сир-асрорларини ўрганишга бўлган ҳаракатни, иқтисодий фанни чуқур ўрганишга бўлган талабларни ҳам кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий қонунларни яхши биладиган, турли вазиятларни таққослаш, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун муқобил вариантларни тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган иқтисодчилар тайёрлашнигина эмас, балки уларни ўқитадиган иқтисодчи-педагоглар тайёрлашни ҳам талаб қилади.

Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлаш ўринлидир: «Айниқса ўсиб келаётган авлод тақдирига ҳеч ким бефарқ қарай олмайди. Бунда олий ўқув юртларининг аҳамияти каттадир. Ёшларни қай усулда ўқитиш, уларни тарбиялаш, мустақил мамлакатнинг етук мутахассислари бўлишига қайғуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунда олий ва ўрта махсус таълим тизими савиясини жаҳон андозалари даражасига етказиш, халқ хўжалигида мутахассисликларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни илмий таҳлил асосида аниқлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасидан оқилона фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидандир»[1].

Бугунги кунда халқнинг бой замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида мутахассислар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «.. бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, аввалombор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлингини барчамиз англаб етмоқдамиз»[1].

Мамлакатимиз олий таълим тизимида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида иқтисодий таълимнинг халқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал

[1] Каримов И.А. «Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиётини ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» маърузаси. -Т.: Ўзбекистон 2010 й.

[2] Каримов И А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. - Т.: Ўзбекистон 2010 й, 5-бет.

қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда рақобатлаша оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий иқтисодий таълим тизимига эгадирлар[2].

Жамият тараққиёти даражаси, ахборотларни ҳаддан ташқари кўплиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, умуман олганда ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ёшларни етук, вазиятни тезда англай оладиган, айни шу вазият учун тўғри қарор қабул қила оладиган малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш учун фақат анъанавий услубларга таяниб дарс ўтиш етарли эмас.

Республикамизда таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида иқтисодий таълимнинг асосий вазифаси сифатида жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндашувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва татбиқ қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим[2].

«Иқтисодиёт» билан шуғулланишнинг биринчи вазифаси талабаларнинг иқтисодий билим савиясини ошириш бўлса, кейингиси ана шу билим асосида малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш жараёни қуйидагича кечади: билим-кўникма-малака. Бу жараён механизми қуйидагича амалга оширилиши мумкин.

Шундай экан, бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва умуман ҳозирги замон хўжалик тизимини фақат ғарбда мавжуд бўлган, кўплари эскириб кетган ва мунозарали бўлиб бизнинг реал иқтисодий ҳаётимиздан анча узоқ бўлган назариялар билан изоҳлаб, иқтисодиётнинг ривожланиш йўлини ёритиб бўлмайди. Шунингдек, бизнинг иқтисодий тафаккур тарихимизда узоқ вақт ҳукмрон бўлган, иқтисодий ҳодисаларни асосан синфий нуқтаи назаридан ва синфий кураш жиҳатларидан олиб қараган, иқтисодий тараққиётнинг умуминсоний томонларини кейинги ўринга сурган эски марксистик йўналишдаги ақида ва қоидаларига асосланиб ҳам бозор хўжалиги ва ҳозирги замон иқтисодидаги бир қатор ҳодисаларни тушунтириб бўлмайди.

Иқтисодий таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадилар. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради. Ўқиш талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган хақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Шундай қилиб, иқтисодий таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан-техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш

[3] Тожибоева Д., Хўжаев Н., Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2008.
[4] Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Т.: Шарқ, 2006.

лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожи учун асос бўлиб хизмат қилсин.

V.K. Yaxina, Sergeli tibbiyot kolleji

O‘rta maxsus kasb-hunar kollejlarida fizika fanini o‘qitishda kichik guruhlarda ishlashning ahamiyati

Guruhlarda ishlash – ta’lim oluvchilarning faoliyatini tashkil qilishning shunday shakliki, u, o‘quv guruhlarini, ma’lum bir vazifani ochish, hamkorlikda ishlash uchun vaqtinchalik mikroguruhlarga ajratishni talab qiladi. Ta’lim oluvchilarga qo‘yilgan vazifaning mazmunini, uni yechish yo‘llari va usullarini belgilshni muhokama qilish taklif qilinadi. Bunda ilgari surilayatgan takliflarni hamkorlikda baholash orqali ularni amalga oshirish, bajarilgan ishlarni birgalikda tahlil qilish, hamkorlikda topilgan natijani oldin shakllantirib, so‘ngra taqdim etish so‘raladi.

Guruhlarga bo‘linib ishlash, zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarda, dolzarb pedagogik, psixologik va ijtimoiy maqsadlarga erishishni ta’minlaydi. Eng avvalo, ta’limning guruhli shakli «ta’lim beruvch – ta’lim oluvchi» dialogidan voz kechishni va «ta’lim beruvchi-guruh-ta’lim oluvchi» ko‘rinishdagi uch tomonlama o‘zaro munosabatga o‘tishni nazarda tutadi. O‘quv guruhi, tarkibi bo‘yicha harakatchan kichik guruhlarga bo‘linadi va ularning har biri o‘zicha o‘quv materalini o‘zlashtiradi. Tajriba shuni ko‘rsatadiki, shu tufayli o‘qituvchi bilan ta’lim oluvchilar o‘rtasida ancha mustahkam aloqa o‘rnatiladi, shaxsiy va bir vaqtning o‘zida ta’limda jamoaviy ruhiy holat kuchayadi. Ta’lim oluvchilarning hamkorlikdagi harakati tashkillashadi, bu esa, o‘quv-bilish jarayonini faollashtirishga, ularda empatiyani, kommunikativlikni shakllantirishga ko‘maklashadi.

Guruhlsrda ishlash, atrofdagilarga bo‘lgan munasabatni o‘zgartiradi, «men va ular»dan «biz»ga o‘tishni ta’minlaydi va o‘zini guruhning bir bo‘lagi sifatida his qilish imkonini beradi.

Quyida O‘rta maxsus kasb-hunar kollejlarida fizika fanini o‘qitishda kichik guruhlarda ishlash usullaridan namunaviy o‘quv topshiriqlaridan misollar keltiramiz.

“Dinamikaning vazifalari. Nyuton qonunlari. Inersial va noinersial sanoq sistemalari. Butun olam tortishish qonuni. Kosmik tealiklar” mavzusini mustahkamlashda kichik guruhlarda ishlash. FSMU texnologiyasi misolida.

“Rezyume” texnologiyaning tasnifi:

Bu texnologiya murakkab, ko‘p tarmoqli, mumkin qadar muammoli mavzularni o‘rganishga qaratilgan. Texnologiyaning mohiyati shundan iboratki, bunda bir yo‘la mavzuning turli tarmoqlari bo‘yicha axborot beriladi. Ayni paytda ularning har biri alohida nuqtalardan muhokama etiladi. Masalan ijobiy va salbiy tomonlari, afzallik va kamchiliklari, foyda va zararlari belgilanadi.

Hulosa o‘rnida: Guruhlar nazorat ostidan chiqib ketsa nima qilmoq kerak?

- Guruhlarda ishning ketishini tekshiring va uni ta’lim oluvchilar bilan muhokama qiling. Bunday tartib-intizom sizni xavotirga solayotganini ayting.
- Ta’lim oluvchilarning qay biri, o‘ziga ajratilgan vazifani bajarmayatganini ko‘rsating.Vazifaning bajarilishi uchun barcha ma’sul ekanligini uqtiring.

- Agar auditoriyadagi umumiy tartib-qoidalari buzilsa, guruh a’zollari bu holni muhokama qilib, yachimimi topishlarini so‘rang.
- Har bir guruhga, besh daqiqa kuzatuvchini tayinlang va ushbu kuzatuvchilar ko‘rganlari haqida axborot beradilar. So‘ngra, ushbu guruhdagi tartib-intizomni barcha bilan muhokama qiling.

Guruhning ichida nizo paydo bo‘lsa nima qilmoq kerak?

- Muhokama qilmang. Nima voqea sodir bo‘lganini guruhning o‘zi tahlil qilib chiqishini va uning yechimini topishini so‘rang. Yakun yasang.

4 – шуъба

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ

Пс.ф.н., доц. Ф.А. Акрамова

Иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда инновацион таълим билиш жараёнларини фаоллаштириш

Иқтисодий таълим ўзига хос жиҳатларини талаб этадиган узлуксиз жараёндир:

1. Инсон ҳаётининг барча даврларида иқтисодий тушунчалар, қонунлар, категориялар, қонуниятлар ўзига хос фикрлар, билимлар, малакалар, кўникмалар кўринишида намоён бўлади.

2. Иқтисодий таълимнинг самарали бўлишида педагогик ва психологик таъсир этиш усулларини билиш лозим.

3. Иқтисодий таълимни шахсда шакллантиришнинг педагогик-психологик омилларидан бири сифатида педагогик технологияларни турли кўринишларини қўллаш, талаба-ёшлар билан турли иқтисодий мавзуларда

суҳбатлар олиб бориш, мунозара, бахсларни уюштириш, муаммоли вазиятлар яратиш орқали уларни фаол фикрлашга чорлаш самара беради.

4. Иқтисодий таълимни талаба-ёшларда шакллантиришнинг педагогик-психологик омиллари таъсирчан бўлиши учун педагогларнинг ҳам таъсири кучлидир.

Давлатимиз раҳбари И. Каримов Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида: «Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон аввало ўзи ҳар томонлама баркамол бўлмоғи шарт», - дейди. Профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд бўлган билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарурлиги алоҳида таъкидланади. Демак, иқтисодий таълим самарадорлиги педагог шахсига бориб тақалади. Бунинг учун дарс жараёнида турли педагогик технологияларни маҳорат билан қўллаш зарур. Педагогларнинг иқтисодий қонун ва қонуниятларни яхши билиши, уларнинг дунёқарашини кўрсатиши билан бирга, улардаги нутқ қобилияти, академик билимлари талабаларда ўқув жараёнига нисбатан жиддий муносабати шаклланишига олиб келиши муқаррар.

5. Иқтисодий йўналишдаги олийгоҳларда таҳсил оладиган талаба-ёшларнинг иқтисодий билим даражаси ва савияси юксак бўлиши учун турли иқтисодий жараёнларни ўрганиб, билиб олишлари учун кейс-стади, муаммоли дарслар, ақлий ҳужум методлари орқали билим бериш зарур бўлади.

Инновация (инглизча Innovastion – янгилик киритиш) – тизимнинг ички тузилишини ўзгартириш демакдир. Педагогик инновация деб ўқув тарбия жараёни ва унинг натижаларини яхшилашга хизмат қилувчи янгиликлар тизимига айтилади. Педагогик инновациялар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунининг ривожи учун истиқболли бўлади, шунингдек, таълим тизими ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Инновацион технологияларнинг асосий негизи – ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун олдиндан таълим жараёнини лойиҳалашдир. Демак, инновация ўқув жараёнига янгилик олиб кириш, ўқув жараёнини талаба эҳтиёжи, хоҳиши ва истакларига мослаштириш, талабани мустақил мутолаага ўргатиш, билимларни тайёр ҳолда бериш эмас, талабаларнинг билим олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга ҳаракат қилиш демакдир.

Инновацион технологияларини иқтисодий таълим тизимида қўллашдаги самарадорлиги тўғрисида фикр юритилганда, ўқитиш жараёнини изга соладиган ва уни мақсадли йўналтира оладиган, ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлашни кўзда тутиш керак.

Инновацион технологиялар дарсда талабалар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратилади.

Бугунги кунда ахборотлар шиддати ва янгиликлар оқими тобора кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида ҳар бир шахсдан фикрий етукликни, тўғри мушоҳада юрита олишни, ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришни тақозо этади. Таълим

мазмунини такомиллаштириш, интеграциялаш, ахборот технологияларига асосланилган таълимни ташкил этиш эса ана шундай тезкор давр тақозосидир.

Олий таълимдаги ижтимоий, гуманитар фанлар доирасида таълимни ноанъанавий усуллари қўлланилиши талаба-ёшларни ижодий тафаккурини шаклланишида, мулоқот имконини кенгайиши, воқеа-ҳодисаларга нисбатан баҳолашлари ва қарашларини шаклланиши ва шунингдек, дарс жараёнида вужудга келган қизғин мунозара ва мантиқий ечимларни бевосита иштирокчиси сифатида ўз фаолиятидан психологик қониқиш ҳиссини вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, қанчалик таълим жараёнидаги берилаётган янги маълумотлар талабадаги мавжуд тасаввур ва тажрибаларга уйғунлашган бўлса, уни идрок этиш, билиш жараёнлари орқали таҳлил қилиш ва баҳолаш фаоллашади. 1-2-курс талабаларида абстракт тафаккур, мантиқий фикрлаш, танқидий баҳолаш, қиёслаб таҳлил қилиш имконини янада такомиллашишида «Муаммоли ўқитиш», «Ақлий ҳужум», «Индивидуал ўқитиш» каби турли субъектив фаолликни талаб этувчи усуллар орқали таълимни ташкил этилиши юқори самарали аҳамиятга эга. Шунингдек, таълимнинг энг сўнгги интернет хабарларидан фойдаланилган ва турли слайдлар кўринишида ташкил этилиши талабаларда ижодий тафаккурни, ички фаолликни, эркин мулоқотга киришиш, ўз хулқини бошқариш имконини шакллантирибгина қолмай, мулоқот маданияти ва савиясини ўзлаштиришига кучли таъсир кўрсатади. Шахс маънавияти, руҳий олами кўринишлари унинг мулоқоти орқали намоён бўлади. Сир эмаски, бугунги кунда ёшларни мулоқот савияси, маданияти, мулоқот орқали ҳиссий ҳолатларини баён эта олиш имкониятида қўпол нуқсонлар кўзга ташланади. Бу муаммо ечими эса уларни таълим жараёнида ўз устида ишлашларини ташкил этиш, ўзга шахслар ва ўзини ўзгалар қарашлари (рефлексия) билан баҳолай олишларини юзага келтириш орқали ҳал этиш мумкин. Бу эса кенг дунёқараш, бой маълумотлар захираси, турли ахборотлар тизимидан фойдалана олишларини тақозо этади. Бундан ташқари таълимда индивидуал хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ва ички имкониятларга кўра турли усуллар қўлланилиши, талабаларни турли вазиятларда фаоллик кўрсатишларини талаб этилиши улардаги очилмай қолган имкониятлар, забт этилмаган янги қирраларни кашф этилишига туртки бўлади.

Мана шундай шахс билиш жараёнларини ўзаро уйғунлиги ва фаоллигини талаб этадиган усуллардан бири бўлган «Ақлий ҳужум» усули мантиқий фикрлаш, хотира, диққат, идрок, ҳаёл, нутқ жараёнлари узвийлиги, тафаккур тезлиги ва нутқий маҳоратни мукаммал даражасини намоён этишни талаб қилади. Бундан ташқари ҳал этилаётган муаммо ечимига қадар турли ёндошишлар, таърифлар кенг қамровли фикр юритишга, ўз ақлий салоҳиятини қай даражада эканлигини баҳолай олишга шароит яратади. Психологик нуқтаи назардан, шахс ўз қобилиятлари ва имконларини қай даражада адекват баҳолай олиши уни жамиятда фаоллик кўрсатишига, шахслараро муносабатлар тизимига осон кириша олишига, ички салоҳиятидан оқилона, самарали фойдалана олишига замин яратади. Бундан ташқари бир хилликка йўғрилган таълим мазмуни шахс хотирасида кам қўзғолишлар ҳосил қилади, тасаввурлар тизимида ассоциатив боғланишлар узвийлиги фаол бўлмайди. Таълимдаги

маълумотлар тизими қанчалик янги бўлиб, инновацион технологиялар асосида ёритилган тарзда узатилса, ўзлаштириш жараёнида сифат даражаси ошишига олиб келади. Таълимда иложи борича визуал воситалар, слайдлар асосида ўқитишни ташкил этилиши аниқ, мавҳумликларсиз, мавжуд билимлар билан боғланган мустаҳкам тасаввурлар тизимида ўрин олган тушунчаларни ҳосил бўлишига олиб келади.

Интерфаол усуллардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ҳам шахс фаоллигини таъминловчи, ўзига нисбатан талабчанликни оширувчи, бевосита вазиятни фаол иштирокчиси сифатида эркин идрок қилишига, мавжуд нуқсон ва камчиликларини тўғрилашига таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бунда эса таълимни мультимедиа кўринишида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Таълимда қанчалик мураккаб билиш жараёнларини иштироки талаб этилишига эришилса, талаба шахсини яширин бўлган ички имкониятлари, қобилият қирралари намоён бўлади. Бевосита таълим жараёнида талаба ўзи ҳам таълим мазмунини ёритувчи сифатида фаоллик кўрсатиши, муаммони ифодалашда изланиши ўзлаштириш даражасини юқори савияга кўтарилишига олиб келади. Шундай экан, иқтисодий таълим жараёнида инновацион таълим усулларини билиш жараёнлари намоён бўлишидаги таъсири муҳимдир.

Доц. Н.Х. Лутфуллаева, ТГЭУ
Магистр Д. Султанова

Развитие дистанционного обучения в зарубежных развитых странах

Нововведения или инновации, характерны для любой профессиональной деятельности человека и поэтому естественно становятся предметом изучения, анализа и внедрения. Инновации сами по себе не возникают, они являются результатом научных поисков, передового педагогического опыта отдельных учителей и целых коллективов. Этот процесс не может быть стихийным, он нуждается в управлении.

Инновации в образовании считаются новшествами, специально спроектированными, разработанными или случайно открытыми в порядке педагогической инициативы.

Перемены, произошедшие в мире за последнее десятилетие, определили новый социальный заказ общества на деятельность системы образования. Без коренного пересмотра целей образования и системы организации работы школы школьникам сложно адаптироваться к новым социальным условиям и «информационному взрыву». По сравнению с прошлым веком условия резко изменились. В современном мире каждые 18 месяцев количество информации удваивается, а многие знания быстро устаревают. Для успешной личностной и профессиональной реализации в современном обществе выпускнику школы необходимо научиться быстро ориентироваться в потоках разнообразной информации, гибко реагировать на существенные изменения, систематически повышать свою квалификацию.

В образовательной сфере на мировом рынке преобладают крупные

университеты, представляющие собой университетские комплексы, включающие не только образовательные, но и исследовательские подразделения, а также структуры, обеспечивающие инновационную деятельность университетов и тесную кооперацию последних с промышленностью, научные и технологические парки, инновационно-технологические центры, и коммерциализации объектов интеллектуальной собственности и др. Подобные структуры являются инструментами реализации так называемой «третьей миссии» университета - удовлетворения конкретных социальных нужд в дополнение к образованию и исследованиям - и в то же время обеспечивают его устойчивое многоканальное финансирование. Положительные результаты функционирования университетов как инновационных университетских комплексов отмечены в США, Западной Европе, Японии и многих других странах.

Сегодня многие компании пересматривают статус образовательных подразделений в своих структурах. Руководство предприятий все чаще рассматривает инвестиции в обучение наравне с инвестициями в научно-исследовательские разработки. Традиционная система обучения, которая предполагает отвлечение служащего на определенный период от рабочего места, и, следовательно, ведет к потерям для компании, оказывается все более не приемлемой. Крупные предприятия часто имеют подразделения, филиалы во всем мире и должны обучать персонал в разных странах. Кроме того, обучение должно происходить быстрыми темпами, чтобы не сдерживать процесс внедрения и реализации новых товаров на рынке. Услуги по обучению персонала должны предоставляться одновременно с появлением новых разработок предприятия. Это приводит к необходимости децентрализации обучения, которое и осуществляет предприятие. Это по-зволяет избежать перемещения персонала в центр обучения и тем самым получить выигрыш во времени, экономию затрат на транспорт и отвлечение персонала от работы. Таким образом, применение ДО – это шанс для крупного предприятия обеспечить быстрое внедрение на рынок новых товаров в условии конкуренции и постоянной модернизации производства.

Дистанционные образовательные технологии активно применяются как в гражданском образовании, так и в военном. Наибольшего развития они, конечно, достигли в сфере гражданской образовательной деятельности.

Так, например, в США в СДО обучается около одного миллиона человек. Национальный технологический университет (США), который представляет собой консорциум из 40 инженерных школ, еще в начале 90-х годов обеспечил подготовку более 1100 студентов с помощью дистанционных методов на степень магистра. Сейчас, в более чем половине университетов США используются технологии ДО для обучения взрослых. Широко используется телевидение. Создана система публичного телеве-щания PBS-TV. Программа обучения взрослых включает в себя курсы в области науки, бизнеса, управления и др.

Более двадцати лет в Испании функционирует Национальный университет дистанционного образования. Он был создан Парламентом в 1972 г. с целью

организации высшего профессионального образования для взрослых на уровне бакалавриата, магистратуры и продолженного образования. Включает в себя 58 учебных центров внутри страны и 9 – за рубежом, является одним из учреждений министерства образования и непосредственно подчинен государственному секретарю по высшему образованию. Особое внимание уделяется повышению квалификации, в частности, преподавателей средних школ. Общее количество студентов 124 000 человек.

Национальный Центр ДО во Франции обеспечивает дистанционное обучение 35000 пользователей в 120 странах мира.

В ФРГ с 1976 года действует Хагенский заочный университет как государственное образовательное учреждение. Этот университет присуждает даже степени доктора наук. Институт дистанционного образования в г. Тюбинген разрабатывает программы для обучения с использованием радио и телевидения. В подготовке 2500 учебных курсов принимает участие 5000 преподавателей.

Балтийский Университет в Швеции объединяет усилия более чем пятидесяти университетов балтийского региона. С использованием технологий ДО образование можно получить в университетах городов Упсалы, Лунда, Гетеборга, Умео и Линчепинга. Все учебные задания выполняются вне университета на основе специально разработанных учебных материалов и консультаций преподавателей. Процесс же сдачи экзаменов осуществляется непосредственно в вузе.

С 70-х годов в Финляндии при десяти университетах начинают создаваться центры ДО. Создано также более двадцати летних университетов, в которых обучается более 30 000 человек.

В Турции с 1974 г. работает Открытый университет, имеющий целью помочь получить образование жителям отдаленных районов. Все слушатели получают пакет учебных материалов. Для них дополнительно проводятся учебные радио- и теле-программы, организуются летние курсы, возможны занятия вечером и в выходные дни. Охвачено более 120 000 слушателей.

Аналогичное образовательное учреждение ДО функционирует в Австралии и находится в стадии становления в Швейцарии. Существует программа создания системы ДО даже в такой маленькой европейской стране, как Андорра.

ДО развивается и в других регионах мира. В качестве примеров мегауниверситета можно привести Китайский телеуниверситет, Национальный открытый университет им. Индиры Ганди (Индия), Университет Пайнам Ноор (Иран), Корейский национальный открытый университет, Университет Южной Африки, Открытый Университет Сукотай Тампариат (Таиланд).

В Японии с начала 80-х годов функционирует «Университет в эфире». Это государственное учреждение, находящееся на бюджетном финансировании и под строгим контролем министерства просвещения. Имеет несколько факультетов гуманитарного и естественно–научного профиля. В определенные часы по телевидению и радио для слушателей транслируются лекции. По каждому избранному предмету учащийся должен прослушать дважды в неделю

часовую лекцию. Консультации даются в специальных учебных центрах, созданных в каждой префектуре. Основная часть слушателей обучается в течение пяти лет и получает после успешной сдачи экзаменов диплом бакалавра. Зачетные единицы Открытого университета приравниваются к зачетным единицам всех других университетов.

В странах Ближнего Востока и Центральной Америки, где уровень образованности населения наиболее низкий, а техническая оснащенность образовательного процесса недостаточна, дистанционные образовательные технологии не развиты[1].

Анализ развития университетского образования в мире показывает, что под влиянием современных компьютерных и телекоммуникационных технологий в условиях развития рынка в сфере образования формируется новая модель университета. В этой модели объединены традиционное образование и несколько основных типов институциональных форм (организационных структур) дистанционного университетского образования. Основные новые типы организационных структур дистанционного университетского образования, это такие институциональные формы, как подразделения дистанционного образования в традиционных и открытых университетах, консорциумы университетов, телеуниверситеты, виртуальные классы, виртуальные университеты. Все эти формы можно рассматривать как компоненты новой модели университетского образования. Традиционные университеты во всем мире имеют важное значение для развития новой системы университетского образования. Являясь образовательными центрами, в которых сосредоточены ведущие специалисты, традиционные университеты обладают значительным потенциалом для того, чтобы стать центрами по разработке современных дистанционных университетских курсов. В основе этого - развитие в традиционных университетах специальных подразделений дистанционного образования. Эти подразделения дистанционного образования могут, во-первых, разрабатывать и доставлять дистанционные курсы в рамках своего университета, особенно когда университетские здания (корпуса) расположены на значительном расстоянии или имеются филиалы в разных городах; во-вторых, разрабатывать дистанционные университетские курсы для рынка образовательных услуг. Для развития этих подразделений в первом направлении важно использовать опыт таких признанных лидеров в области дистанционного обучения, как Университет Ольстера, который активно использует видеоконференции для обучения студентов в своих кампусах [Navas C., 1993].

Необходимость использования дистанционного обучения в этом университете связана с его структурой: он образовался путем слияния нескольких учебных заведений и состоит из четырех отдельных университетских территорий, отстоящих одна от другой на расстояния более 72 миль. Слияние нескольких заведений в одно, с одной стороны, означает рационализацию процесса обучения, поскольку один и тот же курс может читаться в разных кампусах. С другой стороны, чтение одного курса в разных местах означало, например, что профессор университета должен проезжать

между кампусами около 1740 миль каждый семестр. Это стимулировало развитие методов дистанционного образования. Другим стимулом было то, что растущее давление на университеты со стороны правительства с требованием повышения эффективности затрат на обучение поставило под вопрос существование курсов, разработанных для небольшого числа слушателей. Развитие методов дистанционного обучения позволяло включить в группу слушателей курса людей из разных мест и тем самым собрать достаточную по размерам группу.

Таким образом, необходимость использования методов дистанционного обучения в Университете Ольстера была осознана под давлением в основном экономических факторов.

Надо отметить, что Узбекистан не стоит в стороне от позитивных мировых процессов и достижений. «Развитие собственного интеллектуального, научно-технического потенциала, как фактора устойчивого прогресса нашей страны, подчеркнуто в трудах Президента Узбекистана Ислама Каримова, мы непосредственно связываем с дальнейшим расширением научных, технических и культурных связей с авторитетными в мире исследовательскими центрами, с совместным проведением исследований по многим актульным проблемам».

П.ф.н., доц М.Х. Байбаева, ТИМИ
Д.Марқаева, Касб таълим йўналиши талабаси ТИМИ

Махсус фанларни ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш методикаси

Ҳозирда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири интерфаол таълим – тарбия усулларини жорий қилишдан иборат. Интерфаол усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради.

Бу масалада америкалик психолог ва педагог Б.Блум билиш ва эмоционал соҳалардаги педагогик мақсадларнинг таксономиясини яратган. Уни **Блум таксономияси** деб номланади (Таксономия-борлиқнинг мураккаб тузилган сохаларини таснифлаш ва системалаштириш назарияси). Унга кўра, тафаккурнинг ривожланиши **билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, умумлаштириш, баҳолаш** даражаларида бўлади. Булар қуйидаги белгилар ҳамда ҳар бир даражага мувофиқ феъллар намуналари билан ҳам ифодаланади, жумладан:

Билиш-дастлабки тафаккур даражаси бўлиб, бунда ўқувчи атамаларни айта олади, аниқ қоидалар, тушунчалар, фактлар ва шу кабиларни билади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: қайтара билиш, мустахкамлай олиш, ахборотни етказа олиш, айтиб бера олиш, ёзиш, ифодалай олиш, фарқлаш, таний олиш, гапириб бериш, такрорлаш.

Тушуниш даражасидаги тафаккурга эга бўлганда эса, ўқувчи фактлар, қоидалар, схема, жадвалларни тушунади. Мавжуд маълумотлар асосида

келгуси оқибатларни тахминий тафсифлай олади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъл намуналари: асослаш, алмаштириш, яққоллаштириш, белгилаш, тушунтириш, таржима қилиш, қайта тузиш, ёритиб бериш, шарҳлаш, ойдинлаштириш.

Қўллаш даражасидаги тафаккурда ўқувчи олган билимларидан фақат анъанавий эмас, ноанъанавий ҳолатларда ҳам фойдалана олади ва уларни тўғри қўллайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: жорий қилиш, ҳисоблаб чиқиш, намойиш қилиш, фойдаланиш, ўргатиш, аниқлаш, амалга ошириш, ҳисоб-китоб қилиш, татбиқ қилиш, ҳал этиш.

Таҳлил даражасидаги тафаккурда ўқувчи яхлитнинг қисмлари ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ажрата олади, фикрлаш мантиқидаги хатоларни кўради, далиллар ва оқибатлар орасидаги фарқларни ажратади, маълумотларнинг аҳамиятини баҳолайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: келтириб чиқариш, ажратиш, табақалаштириш, таснифлаш, тахмин қилиш, башорат қилиш, ёйиш, тақсимлаш, текшириш, гуруҳлаш.

Умумлаштириш даражасидаги тафаккурда ўқувчи ижодий иш бажаради, бирор тажриба ўтказиш режасини тузади, бир нечта соҳалардаги билимлардан фойдаланади. Маълумотни янгилик яратиш учун ижодий қайта ишлайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: янгилик яратиш, умумлаштириш, бирлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, тизимлаштириш, комбинациялаштириш, яратиш, тузиш, лойиҳалаш.

Баҳолаш даражасидаги тафаккурда ўқувчи мезонларни ажрата олади, уларга риоя қила олади, мезонларнинг хилма-хиллигини кўради, хулосаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолайди, фактлар ва баҳоловчи фикрлар орасидаги фарқларни ажратади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: ташхислаш, исботлаш, ўлчаш, назорат қилиш, асослаш, маъқуллаш, баҳолаш, текшириш, солиштириш, қиёслаш.

Интерфаол метод – таълим жараёнида ўқувчилар хамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчилар билимларини ўзлаштиришини фаоллаштириш, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

"Интерактив" (интерфаол)-инглизча сўз бўлиб, "interact" - "inter" - бу ўзаро, "act" - бу "ҳаракат қилмоқ" маъносини англатади.

Умумлаштирганда эса "Интерактив" (интерфаол) – "ўзаро ҳаракат қилмоқ" маъносини англатади.

Интерфаол таълим бу:

▲ стратегия ва методология;

▲ доимий мулоқотга асосланган методлар тизими;

▲ биргаликдаги ўқиш ва фаол иштирок этишдир.

Интерфаол таълимнинг асосий мезонлари: норасмий баҳс-мунозаралар ўтказиш, ўқув материалини эркин баён этиш ва ифодалаш имконияти, маърузалар сони камлиги, лекин семинарлар сони кўплиги, ўқувчилар ташаббус кўрсатишларига имкониятлар яратилиши, кичик гуруҳ, катта гуруҳ, синф жамоаси бўлиб ишлаш учун топшириқлар бериш, ёзма ишлар бажариш ва

бошқа методлардан иборат бўлиб, улар таълим-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Интерфаол таълим усули – ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади.

Интерфаол машғулотларни амалда қўллаш бўйича айрим тажрибаларни ўрганиш асосида бу машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни кўрсатишимиз мумкин. Уларни шартли равишда ташкилий - педагогик, илмий методик ҳамда ўқитувчига, ўқувчиларга, таълим воситаларига боғлиқ омиллар деб аташ мумкин. Улар ўз моҳиятига кўра ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини назарда тутишимиз лозим.

Ташкилий-педагогик омилларга қуйидагилар киради:

1 Ўқитувчилардан интерфаол машғулотлар олиб борувчи тренерлар гуруҳини тайёрлаш.

2 Ўқитувчиларга интерфаол усулларни ўргатишни ташкил этиш.

3 Ўқув хонасида интерфаол машғулот учун зарур шароитларни яратиш.

4 Маърузачи ҳамда иштирокчиларнинг иш жойи қулай бўлишини таъминлаш.

5 Санитария-гигиена меъёрлари бузилишининг олдини олиш.

6 Хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни таъминлаш.

7 Давомат ва интизомни сақлаш.

8 Назорат олиб боришни ташкил қилиш ва бошқалар.

Илмий-методик омилларга куйидагилар киради:

1 ДТС талабларининг бажарилиши ҳамда дарсдан кўзда тутилган мақсадга тўлиқ эришишни таъминлаш учун мақсадга мувофиқ бўлган интерфаол усулларни тўғри танлаш.

2 Интерфаол машғулот ишланмасини сифатли тайёрлаш.

3 Интерфаол машғулотнинг ҳар бир элементи ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ бўлишини таъминлаш.

4 Машғулотлар мавзуси ва мазмунини сўнгги илмий-назарий маълумотлар асосида белгилаш.

5 Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини олдиндан аниқлаш ва шунга мос даражадаги интерфаол машғулотларни ўтказиш.

6 Интерфаол машғулот учун етарлича вақт ажрата билиш ва бошқалар.

Интерфаол машғулотлар ўзига хос ташкилий тузилишга эга бўлиб, уни ташкил қилиш ва олиб бориш бўйича фаолият турлари алоҳида ажратилган ва ҳар бири бўйича алоҳида вазифалар белгиланган. Бунда бир машғулот жараёнида машғулотни олиб борувчи бир вақтда ушбу вазифаларни бажариши кўзда тутилади. Шу билан бирга бир машғулотни икки ёки уч педагог ёки ёрдамчилар биргаликда олиб бориши ҳам қўлланилади. Улар бажарадиган вазифаларига кўра қуйидагича номланадилар:

1. **Модератор** - таълим мазмунини яратувчи, модулларини ишлаб чиқувчи.

2. **Тренер**-ўқувчиларнинг кўникмаларини ривожлантирувчи машқлар ўтказувчи махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис.

3. **Тъютор**-масофадан ўқитиш дастурларини яратувчиси ва бажарилишини таъминловчи.

2. **Фасилитатор —** дарсда кўмакчи, йўналтирувчи, жараёнга жавоб бермайди, хулоса чиқармайди.

3. **Ментор —** устоз, ўргатувчи (якка ва гуруҳли тартибда).

6. Коуч — таълим олувчиларнинг тўлиқ ўзлаштиришлари учун ёрдам кўрсатувчи репетитор, инструктор, тренер. Амалиёт давомида амалий машғулотни олиб боради, иш жараёнини назорат қилувчи, кузатувчи. (Коучинг-имтихонларга ёки спорт бўйича тайёргарлик кўриш).

7. Консультант — маслаҳат берувчи, тушунтирувчи, қўшимча маълумот берувчи.

8. **Лектор —** назарий маълумотлар билан таништирувчи.

9. **Эксперт —** кузатиш, таҳлил, текшириш, хулоса, тавсия, таклиф, мулоҳаза билдириш.

10. **Инноватор —** янгиликларни таълим мазмуни ва машғулотлар жараёнига жорий этувчи.

11. **Менежер**-ташкилий — педагогик ва иқтисодий масалаларни ҳал этувчи.

12. **Спектер —** кузатиш, таҳлил қилиш ва хулосаларни баён қилиш.

13. **Ассистент —** машғулот учун тайёрланган воситаларни амалда қўллашга тайёрлаш, машғулот иштирокчиларига ёрдам кўрсатиб туриш.

14. **Секретар —** зарур маълумотларни ёзиб бориш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, белгиланган тартибда сақлаш.

16. **Технолог —** педагогик технология мутахассиси. Замонавий педагогик технологиялар асосидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиб боради.

17. **Методист**-таълим-тарбия методлари бўйича мутахассис. Дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида методик масалаларни ҳал этиб боради.

Дарс жараёнини лойиҳалашда ўқитиш методларини тўғри танлаш, яъни методларни дарснинг вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи дарснинг лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги топшириқларни кетма- кет бир бутунликда амалга ошириши керак.

1-босқич: Ўқитувчи дастур, дарслик, методик қўлланма ва синф ўқувчиларининг умумий тавсифи билан танишиб чиқиши лозим.

2-босқич: Дарснинг асосий вазифалари мажмуасини: ўқитиш, таълимий мақсад, тарбиявий мақсад ва ривожлантирувчи мақсад ва вазифаларини белгилаш.

3-босқич: Дарснинг асосий босқичларини тўғри, аниқ ва изчилликда жойлаштириш.

4-босқич: Дарснинг ҳар бир босқичи мазмунидаги асосий ўрини ажратиб олиш.

5-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитиш методлари, воситалари ва технологияларни танлаш.

6-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитишнинг етакчи; умумсинфий, кичик гуруҳ ва индивидуал шаклини танлаб олиш.

7-босқич: Бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлаш.

8-босқич: Тегишли синф ўқувчилари учун вақт меъёрларига мувофиқ уй вазифасининг мақбул ҳажмини танлаш.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Педагогик технология ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятга эга, яъни ҳар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан катъий назар педагогик технологиялар:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;
- ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;
- ўқувчиларининг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, интерфаол таълим бир вақтда бир нечта масалани ҳал этиш имконини беради. Булардан асосийси-ўқувчиларнинг мулоқот олиб бориш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантиради, ўқувчилар орасида эмоционал алоқалар ўрнатилишига ёрдам беради, уларни жамоа таркибида ишлашга, ўз ўртоқларининг фикрини тинглашга ўргатиш орқали тарбиявий вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Доц. М.Т. Алиева,
магистри М.М. Каримова,

Меҳмонхоналарда ходимларни бошқариш тизимлари

Меҳмонхона ва ташкилотни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари ва қисқа муддатли режаларини амалга ошириш унинг ходимлари томонидан, яъни жалб қилинадиган инсон ресурслари томонидан кўпинча ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш функциялари деб аталувчи муайян саъй-ҳаракатларнинг

бажарилишини назарда тутади. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишдаги хулқ-атвор атамасини ишлатиш анча тўғрироқ бўлади, чунки у ўзига фақат техникавий кўникмаларни (дастгоҳда, компьютерда ишлай олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш технологиясини билишни) эмас, балки хулқ-атворга доир кўникмаларни ҳам назарда тутади.

Мазкур жараёндаги хулқ-атвор ташкилот фойдаланадиган моддий ва табиий ресурсларга, унинг тузилиши ва маданиятига боғлиқ бўлади, лекин биринчи навбатда ташкилий мақсадлар билан белгиланади. Масалан, итальян таомларига ихтисослашиш ҳисобига даромад олишни 20 % купайтиришга эришган ресторанниng ошпазлари итальян таомлари рецептларини яхши билишлари ва шундай таомлар тайёрлаш кўникмаларига эга бўлишлари лозим, официантлар эса итальян таомларининг ҳусусиятларини хўрандаларга зўр ихлос билан тушунтира олишлари, таомлар ва виноларни тавсия эта билишлари даркор ва ҳоказо.

Меҳмонхона ходимларининг ишлаб чиқаришдаги хулқ-атвори Меҳмонхонанинг мақсадларига эришишга қанчалик яқин бўлса, улар ишининг самарадорлиги, инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Демак, инсон ресурсларини бошқариш вазифаси ташкилий мақсадларга эришиш учун ҳар бир ходимнинг талаб қилинган хулқ-атворини таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, ходимни бошқаришнинг сифат хусусияти, яна миқдор ҳусусияти ҳам мавжуддир. Меҳмонхона ўз мақсадларига эришиш учун зарур бўладиган миқдордаги ходимлар сонига эга бўлиши лозим. Умуман инсон ресурсларини бошқариш меҳмонхонани ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш учун талаб қилинадиган зарур миқдордаги ходимлар билан таъминлашдан иборат.

Алоҳида олинган ҳар бир ходимдан самарали фойдаланиш унинг талаб қилинган ишни бажара олиш қобилиятига боғлиқ. Қобилият дейганда, ходимда ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун касб малакасининг мавжудлиги, етарли даражадаги жисмоний куч-қувват ва чидамлилик, ўқувлилик, умумий маданият мавжуд ва шу кабилар тушунилади. Масалан, мактаб ўқитувчиси учун қобилият мактаб дастурини (программасини) билиш, ўқувчи болалар руҳиятини тушуниш, тингловчилар олдида сўзлай олиш, дафтарларни текшириш, ўқувчиларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиш ва уларга маслаҳатлар бера олиш тушунилади.

Меҳмонхонанинг мақсадига эришиш учун касбга доир вазифаларни бажара олишнинг ўзи кифоя қилмайди, чунки ходим қанчалик малакали бўлмасин, унинг меҳнат унумдорлиги унинг ишлаш истаги ва меҳнат қилиш сабабига (мотиви) боғлиқ бўлади. Фақат меҳнат қилиш сабаби ва касб маҳоратини бирга қўшиб олиб бориш мақсадга эришишни таъминлайди. Масалан, ер қазувчи меҳнат қилишга қанчалик интилмасин, у экскаваторда ишлаш малакасини эгалламай туриб ўз машинасининг самарали ишлашини таъминлай олмайди.

Меҳнат қилиш сабабига кўпгина омиллар-мукофот берилиши, касбий жиҳатдан ўсиш ва унинг истиқболи, ходимнинг умумий маданият даражаси ва

хоказолар таъсир этади. Ходимнинг касбга доир вазифаларни бажариш қобилияти қуйидагилар билан белгиланади:

- ходим меҳмонхонага келганда ўзи эга бўлган потенциал (салоҳият);
- у меҳмонхонада оладиган касбга доир таълим;
- унинг жисмоний ва маънавий ҳолати (у бир қатор омиллар, шу жумладан моддий рағбатлантиришнинг миқдорига боғлиқ бўлади);
- ходимнинг меҳмонхонадан олган баҳоси, бу хоҳ расмий аттестация бўлсин ёки раҳбарнинг кундалик маслаҳатлари бўлсин.

Хуллас, инсон ресурсларини бошқариш (талаб қилинган малака ва сабабни таъминлаш меҳмонхонанинг талаб қилган ходимини танлаб олиш ва уни сақлаб қолиш, унга касб таълими бериш ва ривожлантириш, ҳар бир ходимнинг фаолиятига ташкилотнинг мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан баҳо беришдан иборат бўлиб, шу билан бирга ходимнинг хулқ-атворига тузатишлар киритиб бориш, унинг сарфлаган куч-ғайратига кўрарағбатлантириш имконини ҳам беради.

Ҳозирги жамиятда мавжуд бўлган меҳмонхоналар қанчалик ҳилма-ҳил бўлмасин, фаолиятлари ҳам турлича бўлмасин, улардан ҳар бирининг ишида юқорида санаб ўтилган фаолият турлари мавжуд бўлади. Инсон ресурслари билан ишлаганда ҳар бир меҳмонхона ўз фаолиятига хос хусусиятлардан қатъий назар, мақсадга мос вазифаларни бажаради.

Биринчидан, ҳар бир меҳмонхона ўз мақсадларига эришиш учун зарур бўлган инсон ресурслари, яъни ходимларни жалб қилади. Ходимларни танлаш усуллари ташкилотнинг фаолият хусусиятлари ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлади, масалан, армияга давлат чақириғи, институтга танлов имтиҳонлари, сиёсий ташкилотлар аъзоларини жалб қилиш ва ҳоказо. Бугунги кунда ходимни меҳмонхона билан боғлашнинг кенг тарқалган усули уни ишга ёллаш, яъни меҳмонхона билан шахс ўртасида шартнома (битим) тузишдир. Шу шартномага мувофиқ ташкилотга мос жисмоний ва интеллектуал салоҳиятларини моддий рағбатлантириш ҳисобига муайян муддатга айирбошлайди.

Иккинчидан, истисносиз барча меҳмонхоналар ўз ходимларига “таълим беради”, бундан мақсад ўз олдиларида турган вазифаларни тушунтириш ва ходимлар кўникмаси ва малакасини ана шу вазифаларни мослаштиришдир. Бу ерда “таълим бериш” сўзларининг қўштирноқ ичига олинишига сабаб шуки, ташкилотнинг ходимга кўрсатувчи таъсири турли шаклда бўлиши, яъни ер қазувчи учун ўн дақиқали йўл-йўриқдан бўлажак раҳбарлар бизнес мактаби битирувчилари учун ярим йиллик интеграция дастуригача бўлиши мумкин.

Учинчидан, ташкилотлар ўз мақсадларига эришишда ходимларидан ҳар бирининг иштирок этишига баҳо беради. Меҳмонхона турлари кўп бўлганидек, баҳо бериш шакллари ҳам турличадир - булар саф олдида миннатдорчилик билдириш, унвонини (мансабини) ошириш, навбатдаги разряд бериш, ҳар йилги аттестациядан ўтказиш ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин.

Ниҳоят, ҳар бир меҳмонхона ўз ходимларини маълум бир шаклда рағбатлантиради, яъни улар меҳмонхонанинг мақсадаларига эришиш устида меҳнат қилиб, сарфлаган вақтлари, куч-қувватлари, ақл-идроклари ўрнини тўлдирадилар. Рағбатлантиришнинг энг кўп тарқалган ва одатдаги шакли

албатта, пул билан мукофотлаш ёки иш ҳақи тўлашдир. Лекин ходимларга компенсация тўлашнинг бошқа кўпгина натура тарзидаги турлари ҳам мавжуд, булар меҳмонхона ишлаб чиқарган маҳсулот билан мукофотлаш, каттароқ маош тўланадиган ишга ўтказиш, шунингдек, ҳайрия ташкилотлари аъзоларининг турли фаолиятларда иштирок этишдан олган маънавий қониқиш ҳосил қилишлари ва шу кабилардир.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар ҳар бир меҳмонхонада мавжуд, лекин улар турли шаклларда турлича даражада бўлиши мумкин. Бироқ Хитой халқ партияси ҳам, Ай-Би-Эм ҳам, "Ўздэуавто" АЖ ҳам ўз ходимларини танлаш, ўқитиш, баҳо бериш ва рағбатлантириш билан шуғулланади. Агар ташкилот мазкур вазифалар билан шуғулланмас экан, унинг инқирозга учраши муқаррардир.

Шундай қилиб, ташкилот муваффақиятли ривожланиши учун ходимни танлаш, ўқитиш, баҳо бериш ва рағбатлантириш, бошқариш, яъни мазкур жараёнларни ташкил этишнинг алоҳида усуллари, тадбирлари, дастурларини ишлаб чиқиши, фойдаланиши ва уларни такомиллаштириши зарур. Биргаликда олинган бу усуллар, тадбирлар, дастурлар инсон ресурсларини бошқариш тизимларидан иборат. Анъанавий равишда бундай тизимлар тўртта бўлиб, улар инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий вазифаларига тўғри келади бу тизимлар ходимни танлаш, ходимни ўқитиш ва ривожлантириш, ходимга баҳо бериш ва ходимни рағбатлантиришдир. Баъзан бу сўнгги икки тизим ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли улар бирлаштирилади.

Кат.ўқит. М.А.Баратова
Бўстонлиқ қишлоқ хўжалиги
ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи

Инновацион технологиялар – талабаларнинг касбий малакаларини оширишнинг замонавий усули сифатида

Таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари – замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, аввалambор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ҳал этиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилмоқда.

Маълумотларга кўра, бугун Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотларнинг ўрни ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг, ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим бўғини – инновациялар ҳам бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўз афзалликларини намойиш

этмоқда. Ҳозирги вақтда “инновация” тушунчаси жуда кенг қўлланилмоқда. “Инновация” сўзи инглизча сўз бўлиб, инновацион янгилик киритиш деган маънони билдиради, яъни тизим ички тузилишини ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир.

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббус ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ҳал этиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир.

Бугун таълим тизимидаги инновацияларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

– фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги);

– киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (локал, модулли, тизимли);

– келиб чиқиш манбаига кўра (шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган).

Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли “инновация” тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларни ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз инновация хусусида фикр юритаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришга олиб келса, инновация деган тушунча шаклланади.

Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: инновация мавжуд назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг йўналишлари очилади, замонавий технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат самараларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. Инновацион жараён деб, инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнига айтилади. Инновацион жараён педагогик янгиликлар, бу янгиликларнинг педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб борувчи яхлитлигидир.

Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Инновацион фаолият – янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир.

Президентимиз И. Каримов “Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни назорат остига олиш зарур”лигини алоҳида таъкидлаб келадилар. Бугун олим ва ўқитувчилар илғор педагогик технологиялар ҳамда модул тизимини ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдирлар.

Бугунги глобаллашув шароитида юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ўқитишнинг модулли тизими ва илғор педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Педагогик технологияларнинг хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Дарҳақиқат, машғулотлар муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқ.

Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда таълим мазмуни, таълимнинг мақсади, кутилаётган натижани аниқ белгилаш, таълим методлари, шакл ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчи ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг реал мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни самарали амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Замонавий педагогик технология педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда қуришга йўналтирилган, ўқитишнинг ахборотли воситалари, дидактик материаллар ва фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни

эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб таҳлил қилишлари, ҳатто хулосаларини ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бирга бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий бўғинга айланади.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан, интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар жамоа бўлиб фикрлашдан иборат, яъни у педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти орқали амалга оширилади.

Умуман, инновацион технологиялар, келажакда таълим тараққиётининг ҳаққоний ҳаракатлантирувчи куч сифатида ўқитувчи фаолиятини янгилаш, таълим-тарбия жараёнини мақбул (оптимал) қуриш, талаба ёшларда ҳур фикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

А.А.Бозоров, ЎзДЖТУ

Педагогларда касбий зўриқиш ҳолатларини ўрганишнинг психологик хусусиятлари

Мамлакатимизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ”ни босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жихатдан ўқитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Шундай, соғлом ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савияси, тайёргарлиги ва фидойилигига ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир.

Психология фанида сўнгги даврларда касбий зўриқиш муаммосида қизиқиш кучайган. Мамлакатимиз психологлари яқиндан бери бу муаммога мурожат қилсаларда, хориж психологиясида бу масала ўрганилаётганига чорак асрдан ортиқ вақт бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари кўплаб нутқ ва асарларида кадрлар масаласига жиддий эътиборни қаратмоқдалар. “Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибар кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади”.

Тадқиқотларга кўра, педагоглар ва бошқа ижтимоий соха мутахассисларининг фаолияти асаб тизимига катта таъсир кўрсатар экан.

Касбий зўриқиш – узоқ давом этувчи ва тўхтамайдиган ўртача интенсивликдаги стрессорлар (стрессга олиб келувчи омиллар) таъсирида пайдо бўлади. Сўнгги тадқиқотларга кўра, касбий зўриқиш асосан интеллектуал-комуникатив касб вакилларида кузатилади, булар ўқитувчилар, шифокорлар, раҳбарлар, журналистлар. Касбий зўриқишни ташхислаш ва

даволаш мумкин. Бунинг учун мунтазам дам олиш, мутахассислар билан маслахатлашиш ва стресслар билан курашиш керак.

Америка психологи Фрейденбергер 1974 йилда психологик амалиётга “эмоционал зўриқиш” терминини киритган. М.Аргейлни маълумотларига кўра, педагогик фаолият стрессоген касблардан ҳисобланиб, уни стрессга берилувчанлик даражаси менежер, профессионал футболчи, сотувчи ва биржа маклери фаолиятларидан ҳам стрессга берилувчанликдан устундир. Психолог касбининг стрессогенлиги дипломат, котиба, юрист, ва банкир касбидаги стрессогенликдан устундир. П.С. Эргашев ўз ишида педагог-психолог мутахассисларда касбий зўриқиш муаммосини таҳлил қилган ва профилактика йўналишларини белгилаб берган.

Ҳозирги даврга келиб аниқланишича касбий зўриқиш синдроми асосан касбий ваколатларига кўра ўзгалар билан кўп миқдорда интенсив алоқа ўрнатишга мажбур бўлган мутахассисларда учрар экан.

Эмоционал зўриқишнинг намоён бўлиши ва шаклланиш муддатига кўра 3 та даражасини ажратиш мумкин. Зўриқишнинг психологик кўринишларига қуйидагилар киради:

- Кучсизланишни ҳис этиш. Инсон педагогик фаолияти вақтида ҳам, ўз иш қобилияти пасаётганлигини сезади. Ўзига ишончсизлик ишни керакли тарзда давом еттира олишга кучи етмаслигини сезади.
- Диққат бузилиши бўлиб ўтади. Инсон диққатини бирор-бир нарсага жамлаш қийин бўлиб қолади, унинг диққати тез ҳато, йўналишда бир объектдан бошқасига кўчади.
- Сенсор соҳада бузилиш сезгирликнинг пасайиш кўринишида кузатилади. Булар шу фаолият юқори даражада қўлланилувчи анализаторларда пайдо бўлади. Агар инсон тўхтовсиз ўқиса, унда кўзида ёзув қаторлари тўлқинлана боради, узоқ вақт қўл билан ишлаш тактил ва кнестетик сезгилар пасайишига олиб келади.
- Мотор соҳасида зўриқиш ҳаракатлари секинлашиши ва тартибсиз шошқалоқлик ҳаракатларнинг ритми бузилишида уларнинг автоматик бошқариш бузилишида кўринади.
- Хотира ва тафаккур бузилиши ҳам иш билан боғлиқ соҳада юзага келади. Фикрлаш жараёнлари асосан ақлий ишдан толиқишда бузилади, аммо инсон жисмоний ишда ақлий мўлжал олиш ва тасаввур қилиш пасайишидан арз қилмайди.
- Зўриқишда қарор қабул қилиш ўзини тута билиш ва ўзини назорат қилиш, матонатлилик пасаяди, иродавий жараёнлар бузилади.
- Фаоллик пасаяди, ҳимоя қилувчи тормозланиш сифатида уйқу пайдо бўлади. Зўриқишнинг келтириб ўтилган белгилари унинг кучига боғлиқ равишда кўринади.

Биз зўриқиш жараёнини ўрганиш мақсадида ўқитувчилар билан учрашувлар ўтказдик ва зўриқиш жараёни уни келтириб чиқарувчи омиллар намоён бўлиш шакллари, ифодаланиш даражалари ва коррекция йўналишлари хусусида давра суҳбатлари ва кичик маърузалар ўтказдик. Бу суҳбатлар

жараёнида Урганч шаҳри ва туманида ўрта мактаб педагоглар орасида сўровлар ўтказиб бордик.

1. Ўзида касбий зўриқиш аломатларини кузатиши борасидаги саволга барча ўқитувчилар (100 %) ўзида зўриқиш аломатларини кузатишини кўрсатди. Бунга сабаб касбидаги турли хил муомала муносабатидаги муаммолар бўлиши мумкин. Суҳбат жараёнида биз ўқитувчиларга зўриқиш даражалари ҳақида малумот берган эдик, бу тафсилотларни эшитган ўқитувчилар ўз зўриқиш даражасини аниқлашга ҳаракат қилдилар.

2. Касбий фаолиятга боғлиқ ҳолда ўзингизда асабийлашишини кузатасизми деган саволга (70 %) та ўқитувчи ҳа жавобини кўрсатди. Бунга сабаб ўқитувчи доимо болалар билан мулоқотда бўлади, улар билан индивидуал ишлайди, бундан ташқари оиласидаги муаммолар, турли хил ишга оид вазиятлар асабийликни келтириб чиқариши мумкин.

3. Касбий фаолиятингизда ҳаётий кадириятларни намоён эта оласизми деган саволга 50 % ўқитувчи ўз касбий фаолиятида ҳаётий қадриятларни намоён эта олишини айтди. Суҳбатда ўқитувчиларга инсон ҳаётий қадирият ҳақида тушунча берган эдик. Ҳаётий қадириятлар деганда ижод, ўзини керакли ҳис этиш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира олиш, ўз оиласи ва ишида муносабатини ижобий шакллантириш. Аксарият ўқитувчилар ўз ҳаётий мақсадларини ишда намоён қила олмас эканлар ва шу сабабдан педагогларнинг бир қисмида ўз касбий фаолиятидан қониқмаслик ва эмоционал зўриқиш кузатилган.

4. Сизда касбий зўриқишнинг олдини олиш кўникмалари шаклланганми деган саволга (30 %) ўқитувчи ижобий жавоб кўрсатди. Улар бундай пайтларда ўзига ёқадиган машғулотлар билан шуғуланар экан. Баъзилар қариндошлар, оиласи даврасида оилавий юмушларни қилар, китоб ўқир, мусиқа тинглар экан. Шундагина ўзларида зўриқиш аломатларини йўқотишлари мумкинлигини айтдилар.Улар илмий асосли усуллар билан таниш эмас экан.

5. Меҳнат жамоасида ижобий иқлим мавжудми деган саволга 40 % ўқитувчи ҳа жавобини кўрсатди. Улар ўз меҳнат жамоасида доимо ўқитувчилар билан ҳамфикрликда, иш кўришларини айтишди. Меҳнатдаги ҳамкорлик ва шахсий ҳаётдаги ҳамкорлик, ҳамкасблар билан ижобий муносабатлар шаклланиши ҳам касбий зўриқишни камайтирувчи омиллардан бири ҳисобланади.

6. Касбий мотивация борасидаги саволга 20 % ўқитувчи унинг юқорилигини билдирган. Касбий мотивациянинг юқорилиги ўз касбидан қониқиш, ўқитувчи касбининг жамиятдаги қадр-қимматини англаш, ўз меҳнати самарасини кўра олиш билан боғлиқ. Мотивациянинг пастлиги касбий муаммоларни ҳал эта олмаслик, майда ташвишларга қўшилиб кетиш ва ўзини бошқара олмаслик ҳолатини келтириб чиқаради ва зўриқишни оширувчи омил ҳисобланади.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– барча социоген касблар қатори педагог касбида ҳам ўзига хос психологик- эмоционал зўриқиш намоён бўлади;

– психологик-эмоционал зўриқиш ички индивидуал ва ташқи ижтимоий-психологик омилларга боғлиқ холда шаклланади;

– шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларидан юқори эмоционал зўриқиш пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омиллар бу: юқори даражадаги нейротизм, шахс қадриятлар тизимидаги номувофиқликлар;

– психоэмоционал зўриқишни келтириб чиқувчи ташқи омиллардан: жамоадаги салбий ижтимоий-психологик иқлим, ўқитувчи фаолиятини ташкил қилишдаги нуқсонлар ва ўз-ўзини бошқариш кўникмалари шаклланмаганлиги.

Шундай қилиб, педагогларнинг психологик зўриқиш масалалари психологияда долзарб турли нуқтаи назардан ўрганилаётган ва кенг қамровли илмий муаммо эканлигини эътироф этиш мумкин.

Ст.преп. С.М. Джалалова,
М.М. Таирова, ТГЭУ

Роль интерактивных методов обучения в инновационном образовании

Президент И.А.Каримов в подготовке высококвалифицированных кадров, востребованных временем, акцентирует систему, содержание образования, воспитания, обучения, учебный и воспитательный процесс, постоянно обновляемые, совершенствующиеся, с ориентиром на личность обучающихся, их интеллектуальное, духовно-нравственное развитие, формирование «эстетически богатого мировоззрения» – на основе национальных и общечеловеческих ценностей, с постоянным ориентиром на Национальную программу по подготовке кадров. Президент провозглашает: новое образование, основанное на идеологию национального возрождения и познание общечеловеческих ценностей; необходимость в учебных заведениях расширить формы обучения; активизировать мотивацию и творческий потенциал преподавателей и обучающихся. Напоминает, что нет границ в обновлении и совершенствовании системы, содержания и технологии образования – воспитания, пока продолжается жизнь.

Проблема инновационного образования на основе использования инновационных технологий на государственном уровне поставлена, предложена отечественной педагогической науке как государственный, социально значимый заказ. Обозначен и его концептуальный ориентир: в центре внимания науки – профессиональная подготовка будущих специалистов на инновационных технологиях. Инновационные технологии востребованы во многом инновационным преобразованием содержания образования, новыми образовательными, информационными и педагогическими технологиями.

Требуется преподаватель – новатор с творческим, научно-педагогическим мышлением, способный к специальным конструированиям в реальной педагогической деятельности, изыскивающий оптимальные технологии в профессиональной подготовке будущих специалистов как фактор совершенствования учебно-воспитательного, профессионально-образовательного процесса – на основе модифицированного содержания, с

использованием инновационных педагогических технологий. Требуется преподаватель, способный организовать инновационный образовательный процесс, нетрадиционную самостоятельную учебно-профессиональную деятельность студентов – при главном приоритете – личности субъекта образования, ее формировании. Итак, в центре внимания инновационная, нетрадиционная технология… Проблема инновационной технологии в педагогике особенно актуальна и реальна в связи с образовательной реформой. Ее научной основой является философия, социология, культурология, образование, методология проектирования, психология и педагогика развития человека в образовательных процессах.

Новые технологии позволяют проектировать учебный процесс не только с точки зрения выполнения преподавательской деятельности, но и студенческой. Педагогические, образовательные технологии обучения позволяют преподавателю трансформировать идеи инновационного типа образования в инновационные модели обучения. Инновационные технологии, как нововведение, должны быть актуальными: соответствовать потребностям учебного заведения, социальному заказу, устранять недостатки в педагогическом процессе, соответствовать государственной образовательной политике, идее развития данного учебного заведения; обусловливать результативность, заключать в себе творческую новизну, быть новыми или эффективными.

Важным источником инновационных технологий является педагогическая практика и передовой педагогический опыт, а также научно-исследовательская и опытно-экспериментальная работа и, безусловно, собственно-преподавательский опыт. Но главными источниками и побудителями педагогических новаций являются социальные заказы государства и общества, директивные и нормативные документы, новые ценности образования, востребованность педагогической практикой. Настало время инновационных технологий, поскольку традиционные педагогические технологии в принципе не могут решить стратегических целей и задач профессионально-педагогического образования, поставленных в знаковом государственном документе – Национальной программе по подготовке кадров.

Интерактивные методы обучения – методы, стимулирующие познавательную деятельность обучающихся, строятся, в основном, на диалоге, предполагающим свободный обмен мнениями о путях разрешения той или иной проблемы.

Наиболее распространёнными и характерными интерактивными методами обучения являются: мозговой штурм, беседа, дискуссия, обучающая игра, метод проблемных задач и ситуаций.

Позиции, которые занимает при реализации данной группы методов субъекты обучения:

- преподаватель: сообщает только часть знания, привлекает обучающихся к выполнению отдельных шагов поиска, организует разнообразные проблемные

ситуации, обязательный само- и взаимоанализ обучающимися своей деятельности, ее обсуждение;

- студенты: самостоятельно, под наблюдением обучающего, сравнивают, обобщают, делают выводы, оценивают и анализируют, разрешают проблемные ситуации и решают нестандартные задачи, выполняют практические действия в усложненных условиях.

Интерактивные методы - методы, предполагающие взаимодействие между студентами, преподавателем и информацией. Работа в режиме диалога с преподавателем, друг с другом, с информацией. Использование этих методов предполагает организацию следующих форм общения:

- «преподаватель - студент»;
- «студент - студент»;
- «студент -информация».

Краткое содержание: Способы совместной учебной работы, когда студенты делятся своими соображениями друг с другом.

Способы, которые помогают создать хорошую обстановку в группе

Следует:

- искать компромисс, смягчать разногласия между членами и их мнениями;
- находить общее в различных высказываниях, делать резюме;
- обращать внимание на достижения группы;
- создавать атмосферу безопасную для высказываний (участник должен быть уверен, что его мнение не будет высмеяно);
- отказываться от собственных идей во имя общих интересов группы;
- разрядить шуткой напряжение;
- культурно вести себя в каждой ситуации;

Виды деструктивного поведения, которые не содействуют работе группы как единого целого.

Нельзя:

- монополизировать дискуссию, стараться брать на себя контроль над группой, мешать другим;
- допускать личных выпадов, вызывающих шуток, проявления зависти;
- высказывать реплики, оскорбляющие достоинство, отрицательно воздействовать на чувства других;
- приобретать авторитет путем манипулирования группой или ее членами;
- демонстрировать отрицательную реакцию без причины (саботаж), пытаться вернуть группу к делам, которые она сознательно отвергла;
- искать признания, обращать внимание на себя и красочно описывать свои личные достижения, хвастаться;
- требовать особых привилегий;
- навязывать собственные убеждения.

Интерактивные методы обучения дают реальную возможность создать в аудитории атмосферу партнерства. Преподаватель, получивший в руки технологию, основанную на интерактивных методах, а не готовые рецепты хороших занятий, обучается работать в режиме творческого соавторства, в готовности к собственным изменениям и принятию нестандартных и ответственных решений. Интерактивные методы обучения позволяют педагогу:

- обеспечить интерес обучаемых к теме занятия;
- достигнуть более прочного усвоения учебного материала;
- развивать аналитическое мышление;
- формировать коммуникативные навыки;
- создавать условия для вовлечения всех обучаемых в активную учебную деятельность;
- обеспечить благоприятный психологический микроклимат в учебной группе и др.

Psix.f.n., dots.v.b. G.A. Qurbonova,
O‘zbekiston davlat konservatoriyasi

Talabalar sog’lom turmush tarzini shakllantirishda innovatsion pedagogic texnologiyalardan foydalanishning omillari

Ma’lumki, «Ta’lim to‘g‘risida»gi qonun va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” ta’lim-tarbiyaning nazariy va tashkiliy asoslari bo‘lib, ta’lim islohotlarining sifat bosqichi yo‘nalishlari ham bevosita ta’lim tizimida yangi yo‘nalish va samaradorlikni oshirish orqali ijtimoiy, axloqiy va madaniy jihatdan maqbul, maqsadli va ehtiyoj darajasida shakllangan, sog‘lom turmush tarzi ruhida shakllangan shaxslarni tarbiyalashda innovatsion va pedagogik texnologiyalardan foydalanishning dolzarb muammolarini hal etishga qaratilgan. Sog‘lom avlodni tarbiyalashda pedagogik jarayon va uni tashkil qilish haqidagi g‘oya va qarashlarni tahlil qilib uning konseptual asoslarini o‘rganar ekanmiz, antik davr allomalarining g‘oya va qarashlarida ham pedagogik jarayon va pedagogik texnologiyalarning nazariy asoslariga alohida e’tibor qaratilganini ko‘ramiz. Jumladan, Aristotelning tarbiya “inson shaxsi”ni shakllantirishga qaratilishi, Sokratning ta’lim-tarbiya usullariga dastlabki yondoshuvi ta’lim-tarbiyadagi “izchillik, uzluksizlik” va “shaxsiy xulosa”larning shakllanishi bilan bog‘liqligi haqidagi g‘oya va qarashlari, Platonning “kasbiy ko‘nikma”larni shakllantirish va mustahkamlash “kasbiy bilim”lar shakllanishiga olib kelishi haqidagi, Ibn Sinoning “guruhlarda o‘qitish”, Forobiyning shaxsiy fazilatlardagi “axloqiylik va adolatparvarlik”, J.D’yuining “qobiliyatlarni aniqlash va rivojlantirish”, Ya. Komenskiyning “ta’lim-tarbiyaning didaktik xususiyatlari” haqidagi g‘oya va qarashlari shular jumlasidandir.

XXI asrning global muammolaridan biri shaxs kamoloti masalalarida bolalar ta’lim-tarbiyasini tashkillashtirish bo‘lib qolmoqda. Bu masala o‘z o‘rnida dunyo hamjamiyati diqqat-e’tiboridagi masalaligi bilan fan, ta’lim muassasalari mutassaddilari va pedagog-psixolog olimlarimizning diqqati qaratilgan muhim obyekt darajasini olgan.

Prezidentimiz I.A. Karimov 1997-yili “O‘zbekiston XXI asr bo‘sag‘asida: xafsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari” asarida tahdidlar muammosiga jamoatchilik diqqatini tortadi. Shundan so‘ng pedagog-psixolog va sotsiolog, politolog olimlar bu borada bir talay tadqiqotlar e’lon qildilar. Yurtboshimizning “Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch” kitobida ham tahdidlar, ayniqsa, nosog‘lom turmush asosi bo‘lgan nosog‘lom g‘oyalar, ma’naviy-axloqiy tahdidlar muammosiga e’tibor qaratildi. Shuningdek, “Barkamol avlod”, “Oila”, “Sog‘lom bola” kabi davlat dasturlarida ham yoshlar hayotida sog‘lom turmush tarzini tarkib toptirish, yoshlarni “xatar guruhi”ga tushib qolishining oldini olish borasidagi chora-tadbirlar mazmuni belgilanib, pedagog va psixolog olimlarimizning bu masalada hozirgi vaqt uchun zarur va o‘rinli bo‘lgan qat’iy fikrlarini aytishga undaydi.

Shaxs kamoloti masalalarida “xatar guruhi” iborasining qo‘llanilishidayoq, yomon yo‘lga kirib qolish xavfi bo‘lgan bolalar ta’lim tarbiyasiga ogohlik mazmuni yaqqol anglanadi.

Bu guruh bolalaridagi zararli odatlar, illatlar, tarbiyasidagi noqisliklar mazmuni nimalarda ko‘rinadi. Avvalo? uning xulq-atvorining axloqiy mezonlardan chekinish holatlarida ya’ni hurmatsizlik, qo‘pollik, dangasalik; ruhiy holatidagi noqisliklarda - odamovilik, yengiltaklik, jizzakilik, irodasizlik va zararli odatlarda kashandalik, ichkilik va giyohvandlikka ruju qo‘yishida ko‘rinadi va bu holatlar bolalarda ma’naviy-axloqiy tubanlik illatlarining shakllanishiga olib keladi. Bu esa, o‘z navbatida, shaxs taraqqiyotida yemirilish, darz ketish jarayonini hosil qiladi va yosh organizmda har qanday mazmundagi shu jumladan sog‘lom turmush kechirish, ma’naviy – axloqiy illatlarga qarshi kurashish immunitetini yemirilishiga olib keladi.

Ma’naviy-axloqiy illatlar, ayniqsa nosog‘lom g‘oyalarni targ‘ib qiluvchi illatlar shaxs va jamiyatning axloqiy ongi uchun eng xavfli xurujlar hisoblanadi. Prezidentimiz I.A. Karimov qayd etganidek, Ma’naviy-axloqiy illatlar, “har qaysi odamning tom ma’nodagi erkin inson bo‘lib yashashiga qarshi qaratilgan bo‘lib, uning aynan ruhiy dunyosini izdan chiqarish maqsadini ko‘zlaydi”. Ma’naviy-axloqiy illatlar insonning erkin hayoti va ruhiy dunyosiga daxl qilishi bilan xavfli hisoblanadi. Bu masala pedagogik jihatdan jiddiy muammodir. Chunki inson barkamol shaxs sifatida erkin yashashi kerak, uning ruhiy dunyosiga daxl qilishga hech kimning haqqi yo‘q. Erkinlik va barqaror ruhiy olamdan mosuvo shaxs mute, o‘zgalar fikrining quli va irodasi mo‘rt kimsaga aylanadi. Mute va irodasiz shaxslar esa “xatar” ostonasida turgan birinchi qurbonlardir. Shu sababli bugungi kunda nosog‘lom turmush va ma’naviy-axloqiy illatlarga qarshi kurashish pedagogika va psixologiya fani oldida turgan eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Bu vazifani amalga oshirish eng avvalo insonlar ongi, dunyoqarashiga ta’sir etish ijtimoiy, axloqiy va madaniy jihatdan maqbul, maqsadli va ehtiyoj darajasida kamol topgan shaxslarni shakllantirish orqali amalga oshiriladi. Zero, ta’lim-tarbiya ong mahsuli, va uning darajasini belgilovchi omil ekanligini Prezidentimiz ham ta’kidlab o‘tganlar. Bu bejiz emas, agar biz ta’lim-tarbiyaga yoki ta’lim-tarbiyaning uyg‘unlashgan jarayoni pedagogik jarayonga o‘z munosabatimizni o‘zgartirmas ekanmiz, ijtimoiy, axloqiy va madaniy jihatdan maqbul, maqsadli va ehtiyoj

darajasida shakllangan, sog‘lom turmush tarzi ruhida tarbiyalangan shaxslarni shakllantirish maqsadiga erishishimiz qiyin kechishi aniq.

Ta’lim jarayonlarida shaxsning ma’naviy-axloqiy illatlarga qarshi kurash immunitetini shakllantirishning bir qancha omillari, jumladan: birinchi omil - shaxsning dunyoqarashi, xulq-atvori va xatti-harakatini insoniylik mezonlari asosida shakllantirish; ikkinchi omil - tarbiyada pokxilqatlik va pokziynatlik mezonlariga rioya qilish va shaxs axloqida eng muhim insoniy sifat va fazilatlarni shakllantirish; uchinchi omil - ma’naviy-ma’rifiy tarbiya ishlari samaradorligini oshirish imkoniyatlarini ishlab chiqish; to‘rtinchi omil - oilada, jamiyatda, ta’lim-tarbiya muassasalari va maktabdan tashqari ta’lim muassasalari, mehribonlik uylarida sog‘lom turmush tarzini tarkib toptirish; beshinchi omil - yoshlarda insonparvarlik, vatanparvarlik, milliy qadriyatlarga sodiqlik g‘oyalariga sodiqlik sifatlarini shakllantirish kabi shaxs sog‘lom turmush kechirishining mezonlariga e’tibor qaratish tavsiya etiladi.

Pedagoglarning ichki va tashqi imkoniyatlarini, bilim olish uslublarini bilgan, aniq ehtiyojlarini o‘rgangan holda, ularga sog‘lom avlodlarni tarbiyalash jarayoniga pedagogik texnologiyalar asosida yondoshish, uyg‘unlashtiruvchi va umumiy ta’sir etuvchi shart-sharoitlarning yaratilishi yo‘l-yo‘riqlari targ‘ib qilinmoqda. Ayniqsa, pedagoglarning shaxsiy (insoniy) va nisbiy xususiyatlari, kasbiy va fuqarolik xususiyatlarini o‘rganish, ulardagi demokratik va insonparvarlik tamoyillar darajasini, ilmiy bilim va salohiyatini aniqlash, pedagog faoliyatining innovatsion xususiyatlarini rivojlantirish, ularning pedagogik texnologiyalarni o‘zlashtirish darajasiga e’tibor qaratish, pedagogik mahoratini oshirish kabi omillar sog‘lom avlodni shakllantirish jarayonini takomillashtirishga odilona yondoshish imkonini yaratadi. Shuningdek, ta’lim islohatlaridagi “majburiy itoatkorlikdan ongli intizomlilik” tamoyili hozirda pedagogik jarayonni isloh qilishdagi asosiy tamoyil bo‘lib xizmat qilmoqdaki bu ta’lim-tarbiyaga yo‘naltirilgan pedagogik jarayonning mazmun mohiyatini tubdan yangilash imkonini beradi. Pedagogik jarayonga yangicha mazmun baxsh etishda pedagogik jarayonning negizlari, ya’ni ta’lim beruvchi va ta’lim oluvchi va uning bilish ehtiyojini qondiruvchi, shu asosda shaxsning shakllanishida ishtirok etuvchi barcha subyektiv va obyektiv omillar muhim ahamiyat kasb etishini inobatga olgan holda professor-o‘qituvchilar va ularning kasbiy faoliyatlarida quyidagi bir qancha jihatlarga e’tibor qaratish talab etiladi:

- zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo‘llash;
- pedagogik nutq, pedagogik mahorat ko‘nikma va malakalarini shakllantirish;
- o‘qitishning innovatsion texnologiyalarini joriy qilish;
- pedagoglarning ichki va tashqi imkoniyatlarini, bilim olish uslublarini bilgan, aniq ehtiyojlarini o‘rgangan holda, uyg‘unlashtiruvchi va umumiy ta’sir etuvchi shart-sharoitlarni yaratish;
- pedagogning shaxsiy (insoniy) va nisbiy xususiyatlarini, kasbiy va fuqarolik xususiyatlarini o‘rganish;
- pedagogning demokratik va insonparvarlik tamoyillar darajasini, ilmiy bilim va salohiyatini aniqlash;
- pedagog faoliyatining innovatsion xususiyatlarini rivojlantirish;

- pedagogning pedagogik texnologiyalarni o‘zlashtirish darajasiga e’tibor qaratish;
- pedagogik mahoratini oshirish.

Bu o‘rinda pedagogik texnologiyalar sog‘lom avlodni shakllantirish jarayonini boshqarish omili sifatida pedagogikaning boshqa yo‘nalishlari kabi quyidagi ta’limiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi xususiyatlarga ega ekanligini ta’kidlash zarur.

- Pedagogik texnologiyalarning *ta’limiy xususiyatlari* - muayyan fan yoki g‘oyalar haqidagi umumiy-frontal, sohaviy-tarmoqli yoki alohida-xususiy bilimlar majmualarini o‘rganish, ularni boshqa soha, tarmoq, fanlar bilan aloqadorligini tahlil qilish, amaliy asoslash va amaliyotdagi ahamiyatini belgilashi bilan xarakterlanadi.
- Pedagogik texnologiyalarning *tarbiyaviy xususiyat*lari – aqliy, axloqiy, etik, ma’naviy, ruhiy tarbiya jarayonlariga ta’sir ko‘rsatadi.
- *Rivojlantiruvchi xususiyatlari* shaxsning intellektual salohiyati oshadi, undagi sezgi, diqqat, xotira, tafakkur, idrok, temperament, faoliyat, hissiyot va iroda kabi psixo-pedagogik jarayonlar rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatadi.

Ta’kidlash joizki, pedagogik jarayonga nisbatan yangicha qarash, uning mazmuniga pedagogik texnologiyalarni olib kirish orqali erkin, faol bilish jarayoniga undovchi darslarni tashkil etish - shaxsning ma’naviy-axloqiy olamiga ijobiy ta’sir o‘tkazish, o‘z ustida mustaqil izlanish olib borish, milliy axloqiy qadriyatlarga sodiq qolish, o‘zgalar fikri va qadriyatlariga e’tiborli bo‘lish, narsa va hodisalarga nisbatan o‘z fikriga ega bo‘lish va erkin, ijodiy fikrlash va sog‘lom turmush tarzi g‘oyalariga amal qilish, sog‘lom turmush madaniyatiga ega bo‘lish, sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish va amaliyotga joriy qilishda fuqarolik institutlari faoliyat mazmunini bilish, amal qilish va sog‘lom turmush kechirish ko‘nikmasini hosil qilish ularda ma’naviy-axloqiy tahdidlar, nosog‘lom g‘oyalar va nosog‘lom turmush tarzi ko‘rinishlariga qarshi kurash immunitetini shakllantiradigan va doimiy ogohlik pozitsiyasida turishni ta’minlab beruvchi asosiy omillardan biridir.

Доц. И.Е. Долгова,
ТВВТУ МВД РУ

Использование интерактивных методов обучения при изучении дисциплины статистика

Технология в широком смысле слова - это совокупность приемов, методов, применяемых в каком-либо деле, мастерстве или искусстве.

Педагогическая технология - это системный метод создания, применения и определения всего процесса преподавания и усвоения знаний с учетом технических и человеческих ресурсов и их взаимодействия, ставящий своей задачей оптимизацию форм образования (по определению ЮНЕСКО).

Понятие «педагогическая технология» в образовательной практике употребляется на трех иерархически соподчиненных уровнях:

1) Общепедагогический уровень: общепедагогическая, общедидактическая, технология характеризует целостный образовательный процесс в данном регионе, учебном заведении, на определенной ступени обучения. Здесь педагогическая технология аналогична педагогической

системе: в нее включается совокупность целей, содержания, средств и методов обучения, алгоритм деятельности субъектов и объектов процесса.

2) Частнометодический или предметный уровень, т.е. совокупность методов и средств для реализации определенного содержания обучения и воспитания в рамках одного предмета, группы, преподавателя, т.е. методика преподавания предметов, методика работы преподавателя.

3) Локальный или модульный уровень, т.е. технология отдельных частей учебно-воспитательного процесса, решение частных дидактических и воспитательных задач, технология занятия, усвоения новых знаний, технология повторения и контроля материала, технология самостоятельной работы.

Внедрение новых информационных технологий в образование привело к появлению новых образовательных технологий и форм обучения, базирующихся на электронных средствах обработки и передачи информации. Но, несмотря на разнообразие технических средств и технологий, использующихся в учебном процессе, следует отметить, что качество обучения зависит, прежде всего, от совершенства учебного материала, формы его представления и организации учебного процесса.

Педагогические технологии - это системная, структурная категория, одной из составляющих которой является метод обучения.

Интерактивные методы обучения - это методы обучения через тренинги, упражнения, которые основываются на новейших принципах педагогики для взрослых, учебной психологии и психологии личности.

При интерактивных методах сознательно ставится в центр личность участника, с его качествами и способностями, которые он во время тренинга должен тренировать и развивать. Основным принципом интерактивной работы с группой является вовлечение в работу самих участников группы, погружение их в реальную ситуацию, близкую к жизненной и предоставление им возможности находить ответы самим.

Согласно интерактивным подходам к обучающим методикам, человек лучше усваивает информацию и лучше использует опыт, приобретенный и осмысленный им самим.

Существуют различные методы интерактивного обучения: домино, бумеранг, кластер, пинборд, скелет рыбы, снежный ком, мозговой штурм, диспут, критическое мышление и многие другие.

Для закрепления учебного материала и определения степени его усвояемости курсантами на семинарских занятиях по дисциплине статистика в числе других методов используется метод «домино».

Курсанты учебной группы разбиваются на группы по пять человек в каждой, им раздаются карточки с заданиями, которые они должны сложить по принципу домино: к вопросу №1 поставить ответ №1, к вопросу № 2 поставить ответ №2 и т.д.

Каждая карточка с заданием выглядит следующим образом: (вопросы и ответы относятся к 2 теме дисциплины статистика «Теория статистического наблюдения»).

Статистическое наблюдение	Объектом статистического наблюдения называется та совокупность, о которой должны быть собраны нужные сведения.
Объект статистического наблюдения	Единицей наблюдения называется тот основной элемент объекта наблюдения, который является носителем признаков, подлежащих регистрации.

Единица статистического наблюдения	Под программой наблюдения понимается перечень признаков, регистрируемых в процессе наблюдения.
Программа статистического наблюдения	Формуляр наблюдения представляет собой особым образом разграфленный лист бумаги, в котором содержится перечень вопросов программы, свободные места для записи ответов на них, а также места для записи кодов ответов на вопросы.
Формуляр наблюдения - это	Статистическим подсказом называется перечень возможных ответов на вопросы программы.
Статистическим подсказом называется	Отчетность; специально организованное наблюдение.
Виды статистического наблюдения	Отчетностью называется такая организационная форма статистического наблюдения, при которой сведения поступают в статистические органы от предприятий, учреждений и организаций в виде обязательных отчетов об их деятельности.
Отчетность – это	Специально организованное статистическое наблюдение - это наблюдение, которое организуется с какой - либо определенной целью, на определенную дату, для получения данных, которые не собираются посредством отчетности или для проверки их (например, перепись населения, инвентаризация, ревизия)
Специально организованное наблюдение	Выборочным наблюдением называется такое наблюдение, при котором обследованию подвергаются не все единицы изучаемой совокупности, а только отобранные в определенном порядке
Выборочное наблюдение	Статистическое наблюдение представляет собой планомерное, научно – организованное, систематическое собирание данных о явлениях и процессах общественной жизни путем регистрации

	заранее намеченных существенных признаков

Если курсанты усвоили учебный материал, хорошо знают все основные понятия и определения изученной темы, то для них не составит труда правильно выполнить полученное задание. Таким образом, в игровой форме происходит закрепление изученного учебного материала, и преподаватель имеет возможность проверить степень его усвояемости курсантами.

Л. Ибрагимова, Д.Собирова,
А. Абдурахманов,ТДИУ

Таълимда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, маърифатли ёш авлодни тарбиялаш истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсадидир. **“**Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди. Мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур мустаҳкам моддий-техник база шакллантирилди, малакали педагог кадрлар тайёрланди, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув-услубий адабиётлар ишлаб чиқилди.

Ёш авлодга замонавий билим ва тарбия бериш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар барча билим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълимни сифат ва мазмун жиҳатидан янги, янада юқори босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Жамият ривожи эҳтиёжларини қониқтиришга йўналтирилган таълим тизимини ахборотлаштириш жараёни унинг сифатини кўтаришга қаратилади. Таълим тизими учун ахборотлаштириш жараёни – етук баркамол шахсларни жадал ривожланиб бораётган, ахборотлашган жамият шароитларига ва келажак ҳаётга тайёрлаш, таълим мазмуни, ўқитиш методлари ҳамда таълим шаклларини ўзгартириш, ўсиб келаётган авлодда ўз ҳаётини муваффақиятли ва мустақил қуриш кўникма ҳамда малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Таълим тизимини ахборотлаштириш – бу компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш, таълимда янги сифат кўрсаткичига эришишдир. Таълим тизимини ахборотлаштиришда ўқитувчидан дарсни янги инновацион ва педагогик технологиялар асосида ўтиш талаб этилади. Педагогик технологиянинг асосини ахборот технологияси ташкил этади. Сабаби таълим жараёни технологиясининг асоси ахборот олиш ва қайта ишлашдан иборат.

Бугунги кун таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришларни янада такомиллаштириш учун компьютер технологиясини таълим жараёнидаги ўрни, унинг педагогик ва психологик хусусиятларини ўрганиш, компютер воситаларидан фойдаланишга бўлган эътибор ва эҳтиёж даражаларини яна бир бора кўриб чиқишни талаб этади.

Бунинг учун:

– таълим тизимида компьютер технологиялари ўрнини аниқлаш;

– компьютер ёрдамида талабанинг тафаккури ва дунёқарашининг ўзгаришини, хотирасининг шаклланишида компьютернинг самарадорлиги қандай роль ўйнашини аниқлаш;

– талабаларнинг ўқув жараёнида ижодкорлик фаолиятларини ривожлантириш усулларини аниқлаш лозим.

Таълимни компьютерлаштиришда қуйидаги вазифалар белгилаб олинади:

– ўқув режалари, конспектлар ва кичик дидактик материалларни тайёрлашда компьютердан фойдаланишни йўлга қўйиш;

– фан, мавзуларнинг кўргазмалилик сифатини, ўрганилаётган объектнинг иллюстратив ва анимацион имкониятларини ошириш мақсадида мавжуд электрон дарслик ва таълимий дастурлардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

– намойиш қилиш воситаларини яратишда Microsoft Power Point, Misrosoft Publisher, Adobe Potoshop, Movie Maker каби стандарт дастурлар ва дастурий ресурслардан унумли фойдаланиш;

– маълумот ва ахборот алмашинишда Интернет тизимидан унумли фойдаланиш.

Бугунги кунда кўпгина фанлар учун электрон дарслик ва мултимедиа воситалари яратилган бўлиб, эндиликда ўқув жараёнини компьютерлашган муҳитда ташкил этишга бўлган эътибор анча кучайтирилди. Мултимедиа воситалари компьютер ёрдамида ўрганилаётган мавзуларни тез ва осон ўзлаштиришга ёрдам беribгина қолмасдан, балки ўқитувчига кўплаб имкониятлар яратиб бериши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунини бажариш мақсадида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар ва дастурлар ишлаб чиқилиб, қабул килинган эди, шунингдек ахборот тармоғини шакллантириш, ахборот ресурсларини яратиш ва АКТни таълим жараёнида қўллаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Барча олий ўқув юртлари ягона корпоратив тармоққа бирлаштирилган. www.edu.uz, www.markaz.uz веб-сайтлари ишга туширилган. Интернет тармоғининг миллий сегментида ахборот ресурсларни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режасига мувофик, барча ўқув юртлари веб-сайтлари www.edu.uz ахборот-таълим порталига бирлаштирилган. Бундан ташқари, ўқув юртларининг ўқув қўлланма ва маъруза матнлари «Зиё» электрон-таълим базасида жойлаштирилган, «ЗиёНЕТ» ахборот-таълим тармоғининг ресурслари яратилган, ўзбек адабиётининг ёркин намоёндалари ҳаёти ва ижодига

бағишланган www.литературе.уз веб-сайти ишга туширилган, мақолалар тўплами, ўқув қўлланмалар ва Е-соллестор рефератлар ҳамда олтита тилга мўлжалланган — www.multilex.edu.uz он-лайн луғат яратилди. Ўқув жараёнини бошқаришни компьютерлаштириш, таълим жараёнига масофавий ўқитишни жорий этиш, талабалар ва ўқитувчиларнинг мустақил ўқишини таъминлаш мақсадида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (ТДПУ) қошида www.педагог.уз ахборот-таълим портали яратилди. Университет буйича 250 компютерни бирлаштирган "ТДПУ-ИНТРАНЕТ» тармоғи фаолият юритади. 2007 йилнинг охирига келиб, олий ўқув юртларида яратилган 500дан зиёд электрон ўқув қўлланма рўйхатга олинган, ўқитиладиган предметлар аксарияти бўйича маърузаларнинг электрон матнларидан олий ўқув юртлари ахборот-ресурс марказларида фойдаланиш мумкин. ЗиёНЕТ таълим тармоғи ресурс марказининг бўлинмаси томонидан «ЗиёНЕТ» порталининг «Библиотека» бўлимида 6000 дан зиёд ахборот-таълим ресурслари жойлаштирилган шунингдек ЗиёНЕТ портали Ўзбекистон Республикасига алоқадор бўлган ахборот - таълимий ресурсларга, янгиликларга ҳамда сайтлар тавсифи келтириб ўтилган каталогларга эга.

Барча ресурс марказларида ахборот ва компютерларни зарарли дастурлардан ҳимоялаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди. Бунинг учун доимий тарзда янгиланиб турадиган махсус вирусларга қарши дастурлар қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги 381-сон фармонига мувофик олий ўқув юртлари бошида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилмокда, бу эса кадрларни тайёрлаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатмокда. Ахборот-ресурс марказлардаги компютерларнинг умумий сони 1600 зиёдни ташкил этади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг барча ўқув юртлари орасида бюджет маблағлари ҳисобига тайёрланган 307 ўқув қўлланмаларнинг электрон версиялари тарқатилган. Ишлар таълим жараёнида АКТ ни қўллаш бўйича ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларининг кўникмаларини ошириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ амалга оширилмокда.

Ўқув юртларининг актдан фойдаланиш имконияти. Мактабларнинг АКТдан фойдаланиш имконияти.

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларини компьютер техникаси билан жиҳозлаш, компютерларнинг эскирган моделларини экслуатациядан чиқариш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмокда. Бунинг учун халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари жалб килинмокда. 2007 йилда мактабларни компютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича кўрсаткичларнинг пасайиши экслуатациядан эскирган техникани чиқариш ва республика бўйича янги умумтаълим мактабларни ишга тушириш билан боғлик эди.

Таълимнинг компьютер техникаси ва интернет, дастурий таъминот, интерактив хизматлар билан таъминлаганлиги

Кўрсаткичлар	**Ўлчов бирлиги**	**2014 йил**

Оператор ва провайдерлар сони	**дона**	**930**
Халқаро Интернет тармоғига уланиш тезлиги	**Мбит/с**	**16 640 Мбит/с**
"U.Z" доменидаги доменлар сони	**минг**	**19**
Дастурий таъминот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари сони	**дона**	**484**
Йиллик рўйхатга олинадиган дастурий таъминотлар	**дона**	**208**
Электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатлари миқдори	**минг дона**	**658.7**
Давлат ахборот ресурслари сони	**дона**	**226**
Давлат ахборот тизимлари сони	**дона**	**195**
Давлат интерактив хизматлари сони	**дона**	**600**
www.uz да рўйхатга олинган веб-сайтлар сони	**минг**	**8,2**
software.uz Миллий каталогида рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар сони	**минг**	**1,5**

Ўрта махсус ўқув юртларининг АКТдан фойдаланиш имконияти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимида 119 академик лицей, 1074 касб-ҳунар коллеж фаолият юритмокда. Ахборот технологияларига ихтисослашган 37 касб-ҳунар коллеждан ташқари 400 дан зиёд коллежлар информатика ва ахборот технологиялари, радиотехника, радиоалоқа, телекоммуникация каби 19 йўналишдаги 44 мутахассисликлар бўйича мутахассисларни тайёрлайди. Ўрта махсус ўқув муассасаларидаги компьютерларнинг умумий сони 30 683 га тенг ёки касб-ҳунар коллеж ва академик лицейдаги 100 талабага тегишли равишда 2,6 ва 4,7 компьютер тўғри келади. АКТга ихтисослашган касб-ҳунар коллежларнинг техникавий базасини мустаҳкамлаш учун хорижий ташкилотларнинг займ грантлари жалб этилади.

Олий ўқув юртларининг АКТдан фойдаланиш имконияти 2007 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга оширилган чора-тадбири натижасида ОУЮдаги компьютерлар сони 54 мингдан зиёдни ташкил этди, бу эса 2006 йилга нисбатан 2 марта кўпдир. Интернетдан фаол фойдаланувчи талабалар сони 83 % ошиб, 52 мингдан зиёд талабани ташкил этди. Барча олий ўқув юртларидаги компьютерларнинг умумий сони 23 420 бирликни ёки 100

талабага ўртача 7,8 компьютерни ташкил этди. Ўқув юртларининг АКТ ўқитувчилари билан таъминланганлиги Республиканинг АКТ билан боғлиқ фанлар ўқитилиши дастурида кўзда тутилган барча ўқув юртлари тегишли ўқитувчилар билан таъминланган. Ҳар бир вазирликлар қошида АКТ мутахассислиги бўйича ишлайдиган ўқитувчиларни тайёрлаш ва кўникмаларини оширишга оид жадваллари тасдиқланган.

Ўзбекистон таълим тизимининг жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишида масофавий таълимнинг ривожланиши ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Интернет орқали турли масофавий таълим тизимларига мурожаат қилиб, билим олиш имконияти замонавий талаба учун сир эмас.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, компьютерлашган дарс жараёнлари нафақат ўқувчининг билим ва кўникмаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, балки ўқитувчиларнинг илмий изланишга ва ўз устида тинимсиз меҳнат қилишларига кенг имконият яратади.

Г.О. Очилова,
Д. Қаҳхорова, ТДИУ

Иқтисодий таълим тизимида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятлари

Бугунги кундаги жадал ривожланиш ва глобализация жараёни олий таълим олдига бир қанча талабларни қўймоқда. Талабаларни нафақат билимлар билан қуроллантириш, балки уларда касбий кўникма ва малакаларни ҳам шакллантириш муҳим. Ўз фаолиятига танқидий ёндаша оладиган, юқори малакали ва ўқимишли инсонлар оммасини яратувчи олий таълимсиз ва илмий-тадқиқот муассасаларисиз бирорта мамлакат барқарор ривожланишни таъминлай олмайди. Бўлажак мутахассис танқидий фикрлаш, ижтимоий муаммоларни таҳлил қилиш, ечимларни ишлаб чиқиш, ўз зиммасига ижтимоий масъулиятни олишга қодир бўлиши лозим. Бундай талабларга жавоб берувчи мутахассисларини тайёрлаш учун олий таълим тизимида ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланиш, таълимнинг турли-туман бўлишига эришиш, янги самарали таълим усулларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Ўқув жараёнида талаба тингловчи объект эмас балки, билимларни фаол ўзлаштирувчи субъект сифатида иштирок этиши керак. Талабаларни фаол ўзлаштирувчи субъектга айлантирувчи интерфаол усуллар, замонавий педагогик технологиялар бу борада биз учун янги имкониятларни очиб беради. Технологик жараён ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган ҳолда амалларни (операцияларни) муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, технологик жараён – бу меҳнат қуроллари билан меҳнат объектларига босқичма-босқич таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш борасидаги ишчи (ишчи-машина)нинг фаолиятидир. Ана шу таърифни илмий тадқиқот мавзусига кўчириш мумкин, яъни: Педагогик технология – бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида талабаларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан

белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараёндир.

Педагогик технология ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларини қуриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишини таъминлайди. Педагогик технология белгиланган бошланғич мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш сифатида талқин этилган. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса унинг бир ёқламалиги кўзга яққол ташланади ёки бундай ёндашувларда ўқувчи шахси инкор этилади. Педагогик технология ўқувчи (талаба)ларда маълум ижтимоий тажриба элементларини шакллантириш учун лойиҳаланади; лойиҳаланган тайёр технологияни амалга ошириш фан ўқитувчисидан катта маҳорат талаб этмайди; якуний натижа, албатта, кафолатланади.

Педагогик технология тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ечилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, педагогик технологияни амалиётга жорий этишга бўлган уринишлар натижасини ифодалайди. Қатор йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинди. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоқлашиб кетмоқдалар.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имконият етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради. Таълимни технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёт йўналиши билан белгиланишини эътироф этган ҳолда педагогик технологиянинг ўзига хос томонлари бугунги кун талаблари доирасида ўзаро боғлиқ вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш учун асосий эҳтиёж сифатида хизмат килишини таҳлил қиламиз. Бунинг учун:

- кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологиянинг ўрнини асослаш ва зарурий тавсияномалар ишлаб чиқиш:
- замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология, эргономия каби соҳа технологиялари билан педагогик технологияларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;
- истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш;

- тегишли бошқарув органлари (таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни татбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш;
- республикамиздаги олий (ўрта махсус, касб-ҳунар, мактаб) таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагогик ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш;
- республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчилар иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методикаларни янги педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш.

Шу сабабли Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илк бор мамлакатимиз таълим тизимида технологиялаштириш муаммоси муҳим давлат буюртмаси сифатида эътироф этилди, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланиши зарурат даражасида қайд қилинди. Шу нуқтаи назардан, ўқитиш учун ташхисли мақсадни аниқлаш мумкин. Бунда мақсадга эришиш якуний назорат ёрдамида осонгина кузатилади. Демак, ўқитиш жараёни технологик асосда ташкил этилиши мумкин. Аммо тарбия учун бу фикрни қўллаб-қувватлаш мураккаб.

Биринчидан, бу ҳолат учун ташхисли мақсадни ўрнатиш мумкин эмас. Инсон – кўп омилли мураккаб тизим ҳисобланиб, қатор психологик, психофизиологик ва алоҳида шахс сифатларига эга. Уларни тавсифий равишда ёритиш, зарур даражада шакллантириш мумкин бўлган педагогик жараёнларни тузишни педагогика фанининг бугунги ривожланиш даражасида амалга ошириб бўлмайди.

Иккинчидан, ҳар қандай технология ўрнатилган мақсадларга кафолатли эришишни назарда тутади. Бироқ, шу кунга қадар педагогикада инсоннинг тарбияланганлик, унда шаклланган маълум шахс сифатлари, қадриятли йўналишлар ва бошқа тарбия натижалари мезонлари бир қолипда аниқланмаган.

Учинчидан, олий мактабда замонавий тарбия концепциясига биноан ҳозирги вақтда гап талабаларда маълум шахс сифатларини шакллантириш ҳақида эмас, балки олий ўқув юртларида уларнинг ўз-ўзини ривожланиши учун энг мақбул шароитлар яратиш ҳақида бориши керак.

Иқтисодий таълим жараёнини технологиялаштириш, таълим технологиясини лойиҳалаш ва таълим технологиясини лойиҳалашнинг умумлашган алгоритмига оид тадқиқотлар кўлами аста-секин камайиб, тадқиқот майдони эса торайиб бормоқда. Ҳар қандай ўқитишнинг салмоғи технологиясида дидактик функцияларни жорий этиш ўқитувчининг воситаларни қўллашига ажратилади. Бироқ ўқитиш технологиясининг ушбу ташкил этувчисини абсолютлаштириш ярамайди. Ўқитиш воситаларининг юқори унумдорлиги ва улардан фойдаланишнинг алоҳидалиги мутлақо бошқа ўқитиш моделини, таълимий жараённинг бошқача маданиятини вужудга келтиради. Замонавий педагогикадаги мавжуд ёндашувлар таҳлили асосида ўқитиш технологиясининг асосий тавсифи сифатида тадқиқотчилар унинг

тизимлилиги, илмийлиги, қайта тикланувчанлиги, қўшилувчанлиги, самарадорлиги, сифат ва мотивлашганлиги, янгилиги, алгоритмлилиги, ахборотлилиги, нусха олиш имконияти, янги шароитга кўчириш мумкинлиги ва бошқаларни тилга олишади. Технологик даражадаги ўқитувчи фаолиятининг мезонлари сифатида қуйидагиларни илгари суриш мумкин.

- аниқ ва ташхисли берилган мақсадларнинг мавжудлиги, яъни тушунчалар, ва амалларни кутилаётган ўқитиш натижаси сифатида таълим олувчининг фаолиятидаги мақсадга эришишни ташхислаш усулларининг тартибли ўлчанадиган ҳолатда кўрсатилиши;
- ўрганилаётган мазмунни билиш, амалий масалалар, мўлжалли асослар ва уларни ечиш усулларининг тизимли кўринишида тақдим этилиши;
- мавзулар (материаллар, касбий функциялар тўплами ва ҳ.к)ни етарлича қатъий кетма-кетлиги, мантиқийлиги, босқичлилиги мавжудлиги;
- ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида иштирокчилар ўзаро ҳаракат усулларининг кўрсатилиши;
- ўқитувчининг энг мақбул (ўқув жараёнининг натижавийлиги нуқтаи назаридан) ўқитиш воситаларидан фойдаланиши;
- ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолиятининг мотивацион таъминланиши, бу жараёнда уларнинг шахсий-касбий функцияларининг намоён бўлиши (эркин танлаш, креативлик, баҳслашув, ҳаётий ва касбий маъно);
- ўқитувчининг қоидамонанд ва ижодий фаолияти чегарасини андозали қоидалардан мумкин бўлган четга чиқишининг кўрсатилиши.

Замонавий олий таълим стратегиясини нафақат мавжуд бўлган ижтимоий технологияларга хизмат кўрсатишга қодир, балки меъёрий фаолият чегарасидан чиқиб кетишга, инновацион жараёнларни амалга ошира оладиган мутахассис шахсини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш ташкил этади. Бу стратегия шахсий-ривожланувчан ва касбий йўналтирилган ўқитиш технологиялари устуворлигида олий мактаб ўқув жараёни мазмуни ва шаклларининг жиддий йўналишларида амалга оширилади. Юқоридагилардан олий мактабда ўқитиш технологиясига қўйилган талаблар келиб чиқади: таълим олувчиларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш, мақбуллик, дидактик принципларга зид келмаслик, талабаларнинг билиш фаолияти фаоллаштиришга йўналтирилганлиги. Шундай қилиб, ўқитиш технологиясини ишлаб чиқариш асосида таълим олувчиларнинг юқори самарали ўқув фаолиятини ва ўқитувчининг бошқарув фаолиятини лойиҳалаштириши ётади

Бугунги кунда республикамизда олий таълим тизими янги ривожланиш поғонасига кўтарилди: икки босқичли таълим – бакалавриат ва магистратура фаолият кўрсата бошлади; давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди; талабаларнинг мустақил таълим олишини якка тартибда амалга ошириш жорий этиляпти, таълим мазмунида фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ўз аксини тобора кўпроқ топмоқда; профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга эътибор кучайтирилганлиги алоҳида таҳсинга лойиқ.

Юқорида билдирилган фикр мулохазалардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Иқтисодий таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустаҳкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига қўйилди.

2. Иқтисодий таълим жараёнига янги педагогик технологияни татбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди.

3. Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

4. Баркамол шахс ва малакали иқтисодчи мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

Т. Силкина, УзГУМЯ

Креативность как основа инновационной педагогической деятельности

Изменения, происходящие в образовательной политике, влияют на характер профессиональной деятельности педагогов. А именно инновационная деятельность ориентирует педагога на будущее, на новейшие достижения науки, а инновационно работающие образовательные учреждения приобретают конкурентные преимущества и тем самым опережают в своем развитии другие структурные элементы системы образования.

Под инновационной деятельностью принято понимать деятельность, которая обеспечивает превращение идей в нововведение, а также формирует систему управления этим процессом. Это целенаправленная педагогическая деятельность, основанная на осмыслении (рефлексии) собственного педагогического опыта при помощи сравнения и изучения, изменения и развития учебно-воспитательного процесса с целью достижения более высоких результатов, получения нового знания, созидания качественно иной педагогической практики.

Авторы работ по педагогической инноватике М.С. Бургин, В.И. Загвязинский, С.Д. Поляков, В.М. Полонский, М.М. Поташник, Н.Р. Юсуфбекова и другие понятие «новое в педагогике» соотносят с такими характеристиками, как полезное, прогрессивное, положительное, современное, передовое. То есть, инновационная деятельность предполагает положительные преобразования образовательной системы и нацелена на развитие самого педагога как творческой личности, переключение его с репродуктивного типа деятельности на самостоятельный поиск методических решений, превращение педагога в разработчика и автора инновационных методик и реализующих их средств обучения, развития и воспитания. Инновационная деятельность педагога связана с процессами самоопределения, т. е. с построением отношения

к новому, изменением себя, своей профессиональной позиции, преодолением препятствий в процессе самореализации.

Согласно теории В.А. Сластенина и П.С. Подымовой структура инновационной деятельности педагога включает следующие компоненты: мотивационно-целевой, креативный, технологический (операционный), рефлексивный (контрольно-оценочный). Остановимся более подробно на рассмотрении креативного компонента. Креативный компонент включает в себя наличие у педагога отношения к инновационной деятельности не как к соединению готовых форм, найденных в практике, а как к преобразованию, изменению (развитию в новых сложных синтезах сообразно собственной индивидуальности и особенностям ученического коллектива), а также наличие научной рефлексии. Он также предполагает наличие знаний и представлений об особенностях и условиях поиска новых путей и способов осуществления профессиональной деятельности, готовность к восприятию нового и потребность в создании нового.

В основе понимания креативного компонента инновационной деятельности лежит рассмотрение феномена креативности, определяющего творческий характер инновационной деятельности педагога и проявляющегося на определенных этапах творческого и инновационного процесса.

Креативность активно изучается социологами, психологами и педагогами, начиная со второй половины XX века. В «Современном психологическом словаре» креативность определяется как «творческие возможности (способности) человека, которые могут проявляться в мышлении, чувствах, общении, отдельных видах деятельности, характеризовать личность в целом или ее отдельные стороны, продукты деятельности, процесс их создания». В педагогическом словаре креативность определяется как уровень творческой одаренности, способности к творчеству, составляющий относительно устойчивую характеристику личности. Креативность в профессиональной педагогике рассматривается как способность к творчеству, принятию и созданию нового, нестандартному мышлению, генерированию большого числа оригинальных и полезных идей. Креативность личности определяет ее готовность изменяться, отказываться от стереотипов, помогает находить оригинальные решения сложных проблем в ситуации неопределенности; это внутренний ресурс человека, который поможет ему успешно самоопределиться в обществе.

В зарубежной литературе существует множество определений понятия креативность; эту «множественность» можно проиллюстрировать обобщающим высказыванием Р. Холлменна: «Креативность представляет собой сплав восприятий, осуществленных новым способом (Э. Маккеллар), способность находить новые связи (Л. Кюби), возникновение новых отношений (К. Роджерс), появление новых сочинений (Г. Меррей), предрасположение совершать и узнавать новшества (Г. Лассуэль), деятельность ума, приводящая к новым прозрениям (К. Жерар), трансформация опыта в новую организацию (Ф. Тейлор), воображение новых констелляций значений (И. Гизелин)». Другим наиболее общим принимаемым большинством современных зарубежных

исследователей определением креативности является ее рассмотрение как способности создавать продукт, который обладает новизной и при этом соответствует контексту, в котором он находится (Т. Амабайл, Ф. Баррон, Т. Любарт, Д. Маккинон, Р. Оксе, Р. Штернберг).

Первоначально креативность рассматривалась как функция интеллекта, и уровень развития интеллекта отождествлялся с уровнем развития креативности. Впоследствии выяснилось, что уровень интеллекта коррелирует с креативностью лишь до определенного предела, а слишком высокий интеллект препятствует креативности. В настоящее время креативность рассматривается как несводимая к интеллекту функция целостной личности, зависящая от целого комплекса ее психологических характеристик (Дж. Гилфорд, Е. Торренс, Р. Вайсберг, К. Роджерс, А. Маслоу, Т. Амабайл и др.). Соответственно, центральное направление в изучении креативности — выявление личностных качеств, с которыми она связана.

Один из создателей теории креативности Дж. Гилфорд выделяет шесть параметров креативности:

1. Способность к обнаружению и постановке проблем.

2. Способность к генерированию большого количества проблем.

3. Семантическая спонтанная гибкость — способность к продуцированию разнообразных идей.

4. Оригинальность — способность продуцировать отдаленные ассоциации, необычные ответы, нестандартные решения.

5. Способность усовершенствовать объект, добавляя детали; способность решать нестандартные проблемы, проявляя семантическую гибкость, т.е. способность увидеть в объекте новые признаки, найти их новое использование.

В своей теории Дж. Гилфорд определяет креативность как совокупность личностных характеристик, способствующих творческому мышлению. По его мнению, креативность опирается на разные умственные операции, в особенности на дивергентное мышление.

Ф.Баррон и Д.Харрингтон, подводя итоги исследований в области креативности с 1970 по 1980 г., сделали следующие обобщения того, что известно о креативности:

- Креативность — это способность адаптивно реагировать на необходимость в новых подходах и новых продуктах. Данная способность позволяет также осознавать новое в бытие, хотя сам процесс может носить как сознательный, так и бессознательный характер.

- Создание нового творческого продукта во многом зависит от личности творца и силы его внутренней мотивации.

- Специфическими свойствами креативного процесса, продукта и личности являются их оригинальность, состоятельность, адекватность задаче и еще одно свойство, которое может быть названо пригодностью — эстетической, экологической, оптимальной формой, правильной и оригинальной на данный момент.

- Креативные продукты могут быть очень различны по природе: новое решение проблемы в математике, открытие химического процесса, создание

музыки, картины или поэмы, новой философской или религиозной системы, инновация в юриспруденции, экономике, свежее решение социальных проблем и др.

Говоря о традиционных взглядах на креативность, отраженных в современных исследованиях, А.В. Морозов отмечает, что она «рассматривалась как личностная категория, и споры в основном велись по поводу уточнения ее трактовки, а именно: креативность как дивергентное мышление (Дж. Гилфорд, О.К. Тихомиров), или интеллектуальная активность (Д.Б. Богоявленская, Л.Б. Ермолаева-Томина), или как интегрированное качество личности (Я.А. Пономарев и др.)».

Поскольку креативность — непременный атрибут самоактуализации, она проявляется в способности во всем находить возможность для творчества. Креативные, ориентированные на творчество и самоактуализацию люди психологически готовы к инновациям в профессиональной деятельности, менее подвержены профессиональному «выгоранию». В социокультурном взаимодействии креативность выступает как необходимая составляющая. Чем выше уровень креативности личности, тем эффективнее будет ее созидательный труд.

Так же креативность как «творчество», то есть проявление творческого подхода и творческих способностей (Д.Б. Богоявленская, Н.М. Гнатко, В.А. Просецкий и др.). Предпринимаются попытки разграничить понятия «творчество» и «креативность». В рамках такого дифференцированного подхода творчество представляет собой процесс и его результаты, тогда как для определения креативности ссылаются на ее субъективно-обусловленный характер. То есть, творчество — это процесс, направленный на создание нового продукта, а креативность — внутренний потенциал личности, предполагающий выход за рамки известного, отказ от стереотипов в мышлении и деятельности, способность к нестандартному, самобытному мышлению и т. п.

При выполнении своей профессиональной деятельности педагог приходит к осознанию необходимости ее улучшения. Этого можно достичь двумя путями: просто усовершенствовать свой подход к выполнению деятельности, добавив определенные детали, или полностью отказаться от прежней позиции. Находясь в относительно одинаковых условиях, педагоги могут входить в инновационную деятельность по-разному. Различия в освоении инновационной деятельности определяются в том числе и уровнем креативности личности.

Подводя итог рассмотрению взаимосвязи креативности, творчества и инновационной деятельности, следует подчеркнуть, что творчество представляет собой процесс создания новых материальных и духовных ценностей, тогда как креативность является внутренним потенциалом личности, определяющим ее готовность и способность к обозначенному процессу. При этом невозможно однозначно определить значение и эффект результатов творческого процесса. В инновационной деятельности, сущностью которой становится создание и освоение педагогических новшеств, важной характеристикой нововведений является их положительное влияние на учебно-

воспитательный процесс и систему образования в целом. Таким образом, можно сделать вывод, что творческая деятельность педагога не обязательно является инновационной, в то время как инновационная деятельность всегда предполагает творчество, а значит ее важной характеристикой становится креативность как интегральное качество педагога-новатора.

Доц. Г.Т. Юлчиева, асс. Д.Х. Юлдашева,
Ф.Х. Каримова ТДИУ

Олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида ахборот технологияларини қўллаш давр талабидир

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти шароитида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларни танлаган мутахассислиги бўйича қўйилган масалаларни тез ва аниқ ҳал этишга ўргатиш бугунги куннинг энг асосий вазифалардан биридир. Миллий дастурда қўйилган масалаларни ҳал этишда, албатта Олий таълимда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг бўлиб ўтган қўшма мажлисида таъкидлаб ўтганларидек: "Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали ўқув-лаборатория базасини компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш; замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ва Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш; илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш лозим"[33].

Демак, фан ва техникани, ўқитиш жараёнида эришилган ютуқларни самарали ривожлантирмай, ўқитиш жараёнида ахборот технологияларни, айниқса ҳозирги даврда виртуал кутубхонадан фойдаланмай кутилаётган натижаларга эришиш мушкул эмас. Кейинги йилларда адабиётларда турли билим соҳалари янги ахборот технологияларини яратиш ва ишлатиш масалалари кенг ёритилмоқда. Талабаларни ўқитишнинг мазмуни, усул ва воситаларини янгилаб бориш республикада Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда энг мухим вазифадир. Бу муҳим вазифани ҳал қилиш учун барча олий ўқув юртларида таълим жараёнига янги ахборот ва

[33] Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. //Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь, 1 - 3 бетлар.

коммуникация технологияларини кенг жорий этишга катта умид боғланмоқда. Бу борада катта ишлар амалга оширилди ва режалаштирилмоқда.

Иқтисодиётга ихтисослашган олий ўқув юртларида хам бу соҳада атрофлича назарий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таълим жараёнига ўқитишнинг замонавий компьютер технологиялари: электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар, ишбилармонлик ўйинлари, видеомаърузалар, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботини юритиш дастурлари, турли ҳисоб-китобларни, тест синовларини автоматлаштириш дастурлари ва бошқалар жорий қилинмоқда. Ҳар бир оддий ўқув юртида масофадан ўқитиш тизими ишлаб чиқилмоқда.

Машғулотларда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ўқув материалларини талабалар томонидан қабул қилиш ва ўзлаштириш самарасини юксалтиради. Шунинг учун ҳам шахсий компьютерлар кудратли таълим воситасига айланмоқда. Бу шахсий компьютер ўқитувчининг барча функцияларини ўз зиммасига олади дегани эмас, албатта. Балки инсоннинг шахсий компьютер билан ўзаро ҳамкорлик қилиши таълим жараёнини янада самарали ташкил қилишда кенг имкониятлар яратади.

Ўқув жараёнидаги ахборот технологиялар қуйидаги кўринишларда ўз аксини топмокда:

- Компьютерда ўқитиш дастурлари: электрон дарслик, тренажер, тьютор, лаборатория практикуми, автоматлаштирилган тест тизимлари.
- Мультимедиа технология асосидаги ўқитиш тизимлари: мультимедиа тизимлари, виртуал стендлар.
- Турли предмет соҳалари бўйича ўқитиш эксперт тизимлари.
- Фанлар бўйича маълумотлар базалари.
- Телекоммуникация воситалари: электрон почта, видеоконференция, телеконференция, локал ва корпоратив тармоқлари.
- Виртуал ёки электрон кутубхоналар.

Жаҳон тажрибасига кўра, ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашнинг истиқболлари мультимедиа-технологиялар асосида интерактив маърузаларни ташкил қилиш ҳисобланади. Анъанавий маърузалар ўқишга нисбатан интерактив маърузаларда талабалар ўқитиш жараёнига фаол аралашишлари мумкин бўлиб, унда ўқув материалининг турли жойидан саволлар бериб, аниқ жавоблар олиш имконига эга бўладилар. Мультимедиа технологияларда ахборот технологияларининг замонавий дастурий-техник воситаларининг мужассамланиши талабаларнинг, яъни аудиоахборот, видеоахборот ва анимация, мультипликация кўринишдаги ахборотни турли ҳис этувчи органлари томонидан қабул қилиш даражасини юксалтирилишини таъминлайди. Бу эса дарсларни қизиқарли ва самарали ташкил этишни таъминлайди.

Олий ўқув юртларининг таълим жараёнида компьютерда ўқитиш тизимларидан фойдаланишда видео элементлари ҳам кенг қўлланилади, чунки видео орқали дунёнинг мавжуд объектларини тўлиқ акс эттириш мумкин. Бундан ташқари амалиётда ўқув курсларига овоз ва мусиқавий элементлар ҳам киритилмоқда. Бу ҳам ўқув материаллари ўқувчи-талабанинг хотирасида узоқ

муддатда сақланиб қолишида катта ўрин тутади. Олий таълим муассасалари ўқув жараёнида виртуал кутубхоналардан самарали фойдаланиш ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш талабаларни билим савияси ошиши, фикрлаш қобилияти юксалиши, замонавий компьютерлардан юқори даражада фойдаланиш, бу эса келажаги порлоқ бўлган таълим самарадорлигига эришиш ва ўқитиш сифатининг кескин ошишига олиб келади.

Доц. П.Ш. Исамова,
УзГУМЯ

Инновационные аспекты развития педагогической рефлексии

Процесс личностно профессионального развития будущего педагога приобретает новое содержание в современный период. Личность воспитывается личностью. На первый план выступает осознанный выбор ценностей педагогической деятельности, оценка будущим педагогом собственных когнитивных ресурсов, перспективных целей и задач на пути к достижению профессионального мастерства. В свете инновационных подходов к педагогической профессии развитию личности педагога отводится особая роль как важнейшему фактору успешности педагогической деятельности.

В становлении будущего педагога трудно переоценить роль рефлексии-механизма самоосмысления в созидании личностью собственного, жизненного и профессионального пути. Способность к рефлексии помогает современному педагогу выработать индивидуальный стиль профессиональной деятельности, адекватно оценить себя, свои когнитивные ресурсы, свой личностно-профессиональный потенциал, прогнозировать результаты педагогической деятельности, стремиться к обеспечению своего личностного роста и развития.

Именно рефлексивно-инновационная деятельность педагога является важнейший предпосылкой осознанного преобразования содержания своего сознания, деятельности, общения, что способствует выработке целостного отношения к педагогическому процессу.

Рефлексирующий учитель – это думающий, анализирующий, исследующий свой опыт педагог, «вечный ученик своей профессии» с неутомимой потребностью к саморазвитию и самосовершенствованию, заметил Д.Дьюи.

Под рефлексией в педагогическом процессе или педагогической рефлексией понимают процесс и результат фиксирования субъектами (участниками педагогического процесса) состояния своего развития, саморазвития и причин этого.

Педагогическая рефлексия предполагает взаимоотображение, взаимооценку участников педагогического процесса, состоявшегося взаимодействия, отображение педагогом внутреннего мира, состояния развития учащихся и наоборот.

В педагогическом процессе рефлексия выполняет следующие функции:

- проектировочная (проектирование и моделирование деятельности участников педагогического процесса);

• организаторская (организация наиболее эффективных способов взаимодействия в совместной деятельности);

• коммуникативная (как условие продуктивного общения участников педагогического процесса);

• смыслотворческая (формирование осмысленности деятельности и взаимодействия);

• мотивационная (определение направленности совместной деятельности участников педагогического процесса на результат);

• коррекционная (побуждение к изменению во взаимодействии и деятельности).

Выделение функций, их реализация способствует повышению развивающего потенциала рефлексии в педагогическом процессе, позволяет выстроить процедуру рефлексивной деятельности педагога и обучаемых.

Цели рефлексии на разных этапах деятельности

Структура деятельности	Рефлексивные умения
Цель деятельности	Оценить требования к идеалу (норме) с аксиологических позиций; оценить поставленную цель на основе диагноза – анализа – прогноза; корректировать цель в соответствии с ценностными требованиями к деятельности
Способы деятельности	Оценить логические пути деятельности; оценить логические возможности деятельности; проявить готовность к пересмотру своих действий
Результат деятельности	Оценить эффективность своей деятельности; прогнозировать конечный результат своей деятельности; оценить значимость продукта деятельности, исходя из внутренних и внешних критериев качества; принять ответственность за свою деятельность

Показателями развития педагогической рефлексии являются:

• собственный жизненный и педагогический опыт, гармоническое единение человеческого и профессионального;

• профессиональная устойчивость, преданность профессиональному кредо, профессиональная идеология, синтез гуманистического и профессионального, духовного и человеческого факторов;

• позитивный характер профессиональных ожиданий, эмоциональная привлекательность образа профессии с позиции личностного смысла;

интериоризация ценностей совместной деятельности, социальных смыслов в педагогические;

• наличие внутреннего контроля, самоанализа, осознанный выбор профессии, внутренняя мотивация; смыслообразующие мотивы, преобладание внутренней мотивации над внешней, осознание мотивов;

• открытость к инновациям, гибкость, настойчивость, самодостаточность в отличие от самодовольства;

• осознание динамики или регрессии собственного личностно-профессионального развития; сопоставление с более общими ценностями и примерами; педагогический оптимизм

• развитие интеллектуальных чувств: сомнения, удивления, восхищения, чувства нового; поисковая активность как средство борьбы с внутренним конфликтом, выработка воли, интернальность, педагогическая интуиция, реализация способов самоактуализации.

Структурные компоненты педагогической рефлексии: рефлексия педагогом деятельности ученика; рефлексия педагогом своей деятельности; рефлексия педагогом педагогического взаимодействия; рефлексия обучаемыми своей деятельности; рефлексия обучаемыми деятельности педагога; рефлексия учеником имевшего место педагогического взаимодействия.

Механизм осмысления и коррекции педагогом жизненных и профессиональных проблем, причин конфликтов способствует развитию его внутренней культуры и саморегуляции эмоционально-волевой сферы.

Таким образом, педагогическая рефлексия является одновременно свойством личности и важнейшим фактором формирования профессионального самосознания. Развитая педагогическая рефлексия является механизмом творческого преобразования качества педагогической деятельности и способствует ее оптимизации.

Z.M. Saydaliyev, Avtomobil Yo'llar instituti

Ta'limda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012- yil 28-maydagi “Malakali pedagog kadrlar tayyorlash hamda o‘rta maxsus, kasb-hunar ta`limi muassasalarini shunday kadrlar bilan ta`minlash tizimini yanada takomillashtirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-1761 sonli qarorida belgilangan vazifalarni amalga oshirish, akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari pedagog kadrlarni zamonaviy axborot-kommunikatsiya vositalarini qo‘llash asosida ilg‘or pedagogik texnologiyalarni egallashlari uchun tegishli sharoitlar yaratish, ularda interfaol ta`lim uslublarini o‘quv jarayoniga joriy etish bo‘yicha to‘plangan ilg‘or tajribalar ommalashtirilmoqda.

Zamonaviy pedagogik texnologiyaning mohiyati ta’limni yuqori darajada samarali tashkil etish uchun maqsad va vazifalarni aniq belgilash, ta’lim natijasini oldindan qayd etish, o‘quv predmetlarini to‘liq o‘zlashtirishga erishish uchun zaruriy ta’lim vositalari, shart-sharoitlarini tayyorlash, oldindan qayd etilgan, aniq

kafolatlangan natijaga erishishga qaratilgan zarur tadbirlar tizimini ishlab chiqish va ta’lim jarayonini unga rioya qilib tashkil etishdan iborat.

Ta'lim jarayoniga axborot texnologiyalarini olib kirish zarurati 70-80 yillardan boshlab (o‘quvchilarning mashg‘ulotlarga qiziqishi pasayib ketgach) dars metodlari, shakllarini o‘zgartirish, yangilik kiritishdan boshlandi. Nostandart (ular 40-50 tadan oshdi) darslarda axborot texnologiyasi (kompyuter. filmoskop, kodoskop va h.k.) va pedagogik texnologiyalarni qo‘llash bilan takomillashtirib borilmoqda.

Mustaqillikka erishgach, ta'limda, umuman, barcha jabhalarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash, hech qanday to‘siqlarsiz axborot izlash, olish, tekshirish, uzatish hamda axborotlarni yanada takomillashtirish yuzasidan qator chora-tadbirlar ishlab chiqilib, amaliyotga joriy qilinmoqda. Ushbu chora-tadbirlarning uzluksiz amalga oshirib borilishi O‘zbekiston Respublikasining “Axborot erkinligi prinsiplari va kafolatlari to‘g‘risida”gi, “Axborot olish kafolatlari va erkinligi to‘g‘risida”gi qonunlari va boshqa qator me'yoriy-huquqiy hujjatlar bilan kafolatlangan.

Globallashuv jarayoni ta'limda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) dan keng foydalanishni talab etadi. O‘qitishning zamonaviy usullari va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llamasdan turib, o‘qituvchi o‘z kasbiy faoliyatida samarali natijalarga erisha olmaydi. Ammo bunda ta'limning maqsad va mazmuni, usul va vositalari hamda tashkiliy shakllarini to‘g‘ri tanlash muhim ahamiyatga ega.

Axborot texnologiyalari qo‘llanadigan darslarning qulayligi shundaki, unda o‘quvchining o‘quv materiallarini o‘zlashtirib olayotganligini doimiy ketma – ket kuzatishga, nazorat olib borishga, kerak holarda tuzatishlar kiritib borishga imkoniyat yaratiladi.

Shuning uchun ham axborot texnologiyalari asosidagi darslarda qiziqish, o‘zini - o‘zi boshqarish, yangi bilimlarni o‘zlashtirib borishga intilish dars oxirigacha saqlanib qoladi. Bunday darslarda o‘quvchining bilim olish motivatsiyasi oshib boradi.

Axborot texnologiyalarining ta'lim jarayoniga kirib kelishi bilan “Inson va kompyuter” muammosi markaziy muammolardan biri bo‘lib qolmoqda. Ta'lim jarayoni - axborot, ayniqsa, uning oliy shakli bo‘lmish bilimlarni ishlab chiqarish, saqlash, qayta ishlash va amalga oshirish jarayonidir. Bu jarayonning to‘g‘ri, maqsadli tamonga qaratilgan yo‘nalish, imkoniyatlarini topishga to‘g‘ri keladi.

Zamonaviy axborot texnologiyalari va tizimlaridan foydalanish orqali axborotlarni qayta ishlash ta'lim samaradorligining muhim omillaridan biri bo‘lib qoldi.

Yurtimizda barcha tarmoqlar kabi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ham jadallik bilan rivojlanib borishi pedagoglar oldiga yangidan – yangi vazifalarni yuklamoqda. Ushbu tarmoqni yetuk malakali kadrlar bilan ta'minlash zamon talabi bo‘lib, talimda axborot texnalogiyalarini qo‘llash pedagogdan quyidagilarni bilishni talab etiladi:

- axborotdan jarayon sifatida bilim olish va ijod qilish;
- fan-texnika va madaniyatdagi axborot va kreativ jarayonlar;
- axborotda jamiyatni rivojlantirish muammolari;

- sun'iy intellektning axborot tizimlari va bilim berish usullari;
- axborotlashning texnik vositalari va telekommunikatsiya vositalari;
- o‘quv materiallari haqida axborotli ma'lumot tizimini bilish va qo‘llay olish;
- universal va muammoli-masofali axborot texnologiyalarini amalga oshirishning dasturiy vositalari haqida tasavvurga ega texnologiyalar;
- axborotni modellashtirish asoslari;
- o‘qitish va nazorat qilishning avtomatlashtirish tizimi;
- global internet kompyuter tarmog‘idan foydalanish;
- o‘quv jarayonida amaliy dastur paketlarini qo‘llash;
- o‘quv jarayonida elektron pochtadan foydalanish bo‘yicha ko‘nikmalarga ega bo‘lish;
- diskka yozilishi mo‘ljallangan o‘quv predmeti strukturasi, mazmunini ishlab chiqish;
- mustaqil ishlash, o‘zlashtirish va mustahkamlash uchun savollar to‘plamini ishlab chiqish;
- bilimni sinash uchun test savollarini tuzish, sinov va imtihonlarni o‘tkazish.
- materialni chuqur o‘rganish uchun manbalar ro‘yxati, adabiyotlar katalogi, ijodiy ishlar mavzularini ishlab chiqish.
-telekonferensiyalar uyushtirish, faol muhokamani tashkil etish, referat, mustaqil ishlar uchun mavzular ro‘yxatini tayyorlash.
- o‘quv mashqlarini bajarish, ketma-ketligini nazorat qilish va baholash shakllarini aniklash.
- o‘qitish natijalarini tahlil qilish va takomillashtirish bo‘yicha taklif berish.
- nazorat ishlarini o‘tkazish.

Ta'kidlash joizki, ta'lim va tarbiya elektron resurslar pedagoglar imkoniyatlarini oshiruvchi vosita bo‘lib xizmat qiladi, lekin ular pedagog o‘rnini bosa olmasligi tabiiy.

Kompyuter va kishilarning birgalikdagi faoliyatida kishilar ehtiyoji o‘z aksini topadi. Bunda ushbu jarayonning boshqaruvchisi bo‘lgan pedagog ta'lim oluvchi maqsadlarini ma'lum bir asosda yo‘naltirib boradi. Birgalikdagi faoliyat va muloqot ijtimoiy nazorat sharoitida ro‘y beradi.

Bu jarayon esa ta'lim oluvchi va kompyuter o‘rtasida o‘zgacha tarzda namoyon bo‘ladi. Bunda o‘qituvchi o‘z vazifalarining bir qismini kompyuter zimmasiga yuklaydi, ammo, boshqaruvchilik rolini o‘zida saqlab qoladi. “Teskari aloqa” turlarini ham belgilab boradi. Ya'ni kompyuterda natijalarning qayd qilib borilishi, nazoratlarning olib borilishi va shu asosda o‘quvchilarning bilimini nazorat qilib borishi kabilar.

Texnologiyalar takomillashib borgani sari o‘qituvchining roli ta'lim jarayonini boshqarish bo‘lib qoladi. Lekin bu holat o‘qituvchining ta'limdagi o‘rnini hech kamaytirmaydi va uni chetga surib chiqarmaydi. Ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o‘qituvchi vazifasini tubdan o‘zgartiradi. An'anaviy ta'limda o‘qituvchining vazifasi axborot berish (mavzuni tushuntirish, takrorlash, mustahkamlash va h.k.) bo‘lsa, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari qo‘llanganda bu vazifalarni kompyuter bajaradi (o‘quv materiali kompyuter xotirasiga yoki SD disklarga kiritilgan bo‘ladi), o‘qituvchining asosiy

vazifasi o‘quvchining anglash faoliyatini boshqarish, o‘quv jarayonini rejalashtirish va nazorat qilish bo‘ladi.

Shunday qilib, kompyuter vositalari yordamida olib boriladigan dars an'anaviy darsdan o‘quv jarayonini tashkil etish va unda ishlatiladigan metodlar bilan ham farqlanadi. O‘qish jarayoni o‘quvchining mustaqil bilim olishiga asoslanadi. Bu tamoyil o‘qitish jarayonida ishtirok etuvchi subyektlarning munosabati va o‘qituvchining jarayondagi rolini aniqlaydi.

Axborot texnalogiyalari, kompyuterli darslarning qulayligi shundaki, unda o‘quvchining o‘quv materiallarini o‘zlashtirib olayotganligini doimiy ketma-ket kuzatishga, nazorat olib borishga, zarur hollarda tuzatishlar kiritib borishga imkoniyat yaratiladi.

Shuning uchun ham axborot texnologiyalari, kompyuter asosida darslarda qiziqish, o‘zini-o‘zi boshqarish, yangi bilimlarni o‘zlashtirib borishga intilish dars oxirigacha saqlanib qoladi. Bunday darslarda o‘quvchining bilim olish motivatsiyasi oshib boradi.

Кат.ўқит. Д.У. Абдуллаева,
Н. Маткаримова, У. Исламова ТДПУ

Психология фанини ўқитишда инновацион ўқитиш технологияларидан фойдаланиш

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ҳуқуқий, демократик жамият қураётган даврда мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Зеро, жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маданий, маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчиларга боғлиқ. Шундай экан, ўз ўзидан: Бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлиши керак? - деган ҳақли савол туғилади. Бугунги кун ўқитувчиси, билимли, атрофлича фикрлай оладиган, дунёқараши кенг, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланувчан, ижодкор шахсга, ўқувчиларнинг юрагига чуқур кириб борадиган юксак фазилатлар эгасига айланишини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Бугунги кунда замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақтда муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, талабалар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида яна бир омил, яъни педагог ўқитувчиларнинг инновацион таълим технологияларининг моҳиятидан хабардорликлари ҳамда уларни таълим жараёнида самарали қўллай олишлари муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида иннавацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Инновацион

технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол - ўзаро ҳаракат қилиш ёки суҳбат, мулоқотга киришиш деган маънони англатади. Интерфаол услубнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият орқали амалга оширилади.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Инновацион технологиялардан фойдаланиш таълим самарадолигининг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Машғулот давомида ақлий ҳужум, кластер, балиқ склети, ББББ технологиялари каби таълимнинг интерфаол усуллардан ўринли фойдаланиш, кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли вазиятларни муҳокама қилиш талабаларнинг ўқув машғулотига қизиқишларини оширади, уларнинг интеллектуал фаоллиги ортади.

Талабаларни мустақил фикрлашга, ўз фикрини эркин баён эта олишига имкон берувчи методлардан бири бу “ақлий ҳужум” методидир. Мазкур метод талабаларнинг машғулот жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рағбатлантириш, муайян мавзу юзасидан турлича ғоялар тўплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал этиш жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлган фикрларни енгишга ўргатиш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методининг асосий тамойили ва шарти машғулотнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан ўртага ташланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъқиқлаш, ҳар қандай фикрни рағбатлантиришдан иборат. Бундан кўзланган асосий мақсад талабаларининг машғулот жараёнидаги эркин иштирокини таъминлашдир.

Таълим жараёнида ақлий ҳужум усулидан мақсадли фойдаланиш ижодий тафаккурни ривожлантириш гарови ҳисобланади. “Ақлий ҳужум”да талабаларни уюштириш бирмунча содда бўлиб, таълим мазмунини ўзлаштириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда муаммоларнинг ечимини топишда ҳам қўл келади. Дастлаб гуруҳ олдига мавзу доирасида бир муаммо қўйилади. Бу муаммонинг ечими тўғрисида талабалар ўз фикрларини билдирадилар. Демак “ақлий ҳужум” йўли билан қисқа муддатда кўплаб фикрларни, ғояларни юзага чиқариш имкониятлари мавжуд бўлади. Таълим жараёнида ушбу методдан самарали фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тафаккур кўламининг кенглигига боғлиқ бўлади.

Масалан, “Оила психологияси” фанидан “Никоҳ олди омиллари” мавзусини ўтишда “Ақлий ҳужум” усулини қўллаш учун талабаларга “Никоҳга тайёрлик” деганда нимани тушунасиз, - деб савол билан мурожаат этилади. Саволга ҳамма ўз билганини айтишига шароит яратиш керак. Ақлий ҳужумни ташкил этишда уни ўтказиш қоидаларига албатта амал қилиш керак. Талабалар томонидан берилган жавоблар танқид қилинмаслиги ҳаммаси доскага ёки ватман коғозга ёзиб борилиши ҳар бир ўқувчини рағбатлантириб бориш керак. Ҳамма вариантлар ёзиб берилгандан кейин ўқитувчи ёзилганларни таҳлил қилиб, тўғри жавоб варинтларини танлаб олади ва қисқача маъруза қилиб тушунтириб берилади:

Шундан сўнг никоҳга етуклик жиҳатлари “Балиқ склети” органайзерини тўлдириш орқали таҳлил қилинади.

Бунда балиқ склетининг юқори қисмига оилавий ҳаётга тайёрлик жиҳатлари, пастки қисмига эса уларнинг таърифи келтирилади. Масалан, юқорисига психологик тайёрлик, пастки қисмига эса психологик тайёрликка нималар кириши ёзилади ва талабаларга бу тушунчалар янада тушунарлироқ бўлади. Ёшлар қандай мотивга кўра оила қурадилар, - деган савол бериш орқали ўқувчиларнинг бу борадаги фикрлари аниқланади ва кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда “Т органайзер” технологияси асосида никоҳ мотивларининг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил қилинади.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, ижодий фаолият юритишларига эътибор кучайган бир пайтда муаммоли ўқитишнинг аҳамияти кучайди. Зеро, муаммоли таълим педагог томонидан яратилган муаммоли вазиятлар ва уларни ҳал этишга қаратилган талабанинг мустақил фаолияти, ижодий қобилиятини ўстириш орқали ўқув натижаларини мақсадли ўзлаштиришга қаратилган таълимдир. Муаммоли таълимни ташкил қилиш ёрдамида ўқувчининг тадқиқот, ўқув-билув фаолиятини йўлга қўйиш ва шу асосида ўқув предметидаги маълумотларни, хулосаларни мустақил таҳлил қилиш, янги билимларни ижодий мушоҳада қилиш, хулоса чиқариш операциялари амалга оширилади.

Муаммоли ўқитишда ўқитувчи фаолиятининг мазмуни шундан иборатки, у энг мураккаб тушунчаларни, воқеликларни тушунтира бориб зарур дақиқаларда муаммоли вазиятни вужудга келтиради. Муаммони ҳал этишга талабанинг ўзини йўллайди. Натижада талабалар фаолияти шундай ташкил қилинадики, бунда улар фактларни таҳлил қилиш орқали мустақил равишда хулоса чиқарадилар. Талаба ўқув фаолияти давомида мустақил тарзда қанча кўп ўзи иштирок этса, фикр билдирса, шу маълумотни тез ва осон ўзлаштиради. Талабанинг интеллектуал салоҳиятини тўла намоён этиш, мустақил фикрлаши ва кенг мушоҳадали тафаккурга эга бўлишида мунозарага асосланилган дарсларнинг ўрни беқиёс.

“Оила психологияси” фанини ўқитишда бир қатор муаммоли бахсталаб мавзулар борки, бу мавзуларни талабалар ҳукмига ҳавола этиш ва биргаликда ёритиб беришда бир қанча технологиялардан ҳам фойдаланиш самаралидир: масалан, “Венна диаграммаси”, “Балиқ скелети”, “Нима учун”, “ФСМУ” технологиялари.

Демак, ўқитиладиган фаннинг таъсирчанлигини оширишда талабаларни гуруҳларга бўлиш билан бирга, мавзуни ўрганишда талабага муаммони кўрсата билиш, шу муаммони ёртишда эса маълумотларни вербал ва визуал қабул қилиш ҳамда ифодалаш муҳим экан. Бу, ўз навбатида, фанни ўқитишда самарали натижага олиб боради.

З.К. Азимова,
Ташкентской Медицинской академии

Технология использования в обучении игровых методов

Наибольший интерес, в образовательном процессе, представляют игровые технологии. Игровые технологии связаны с игровой формой взаимодействия педагога и учащихся через реализацию определенного
сюжета (игры, сказки, спектакли, деловое общение). При этом образовательные задачи включаются в содержание игры. В образовательном процессе используют занимательные, театрализованные, деловые, ролевые, компьютерные игры.

Разработкой теории игры, ее методологических основ, выяснением ее социальной природы, значения для развития обучаемого в отечественной педагогике занимались Л. С. Выготский, А.Н. Леонтьев, Д.Б. Эльконин и др. Реализация игровых приёмов и ситуаций при урочной форме занятий происходит по таким основным направлениям:

- дидактическая цель ставится перед учащимися в форме игровой задачи;
- учебная деятельность подчиняется правилам игры;
- учебный материал используется в качестве её средства, в учебную деятельность вводится элемент соревнования, который переводит дидактическую задачу в игровую;
- успешное выполнение дидактического задания связывается с игровым результатом.

Игровые технологии занимают важное место в учебно-воспитательном процессе, так как не только способствуют воспитанию познавательных интересов и активизации деятельности учащихся, но и выполняют ряд других функций:

1) правильно организованная с учётом специфики материала игра тренирует память, помогает учащимся выработать речевые умения и навыки;

2) игра стимулирует умственную деятельность учащихся, развивает внимание и познавательный интерес к предмету;

3) игра - один из приёмов преодоления пассивности учеников.

Функция игры – ее разнообразная полезность.

У каждого вида игры своя полезность. Выделим наиболее важные функции игры как педагогического феномена культуры.

Социокультурное назначение игры. Игра – сильнейшее средство социализации ребенка, включающее в себя как социальноконтролируемые процессы целенаправленного воздействия их на становление личности, усвоение знаний, духовных ценностей и норм, присущих обществу или группе сверстников, так и спонтанные процессы, влияющие на формирование

человека. Социокультурное назначение игры может означать синтез усвоения человеком богатства культуры, потенций воспитания и формирования его как личности, позволяющей функционировать в качестве полноправного члена коллектива.

Функция межнациональной коммуникации. И. Кант считал человечество самой коммуникабельностью. Игры национальны и в то же время интернациональны, межнациональны, общечеловечны. Игры дают возможность моделировать разные ситуации жизни, искать выход из конфликтов, не прибегая к агрессивности, учат разнообразию эмоций в восприятии всего существующего в жизни.

Функция самореализации человека в игре. Это одна из основных функций игры. Для человека игра важна как сфера реализации себя как личности. Именно в этом плане ему важен сам процесс игры, а не ее результата, конкурентность или достижение какой-либо цели. Процесс игры – это пространство самореализации. Человеческая практика постоянно вводится в игровую ситуацию, чтобы раскрыть возможные или даже имеющиеся проблемы у человека и моделировать их снятие.

Коммуникативная игра. Игра – деятельность коммуникативная, хотя по чисто игровым правилам и конкретная. Она вводит учащегося в реальный контекст сложнейших человеческих отношений. Любое игровое общество – коллектив, выступающей применительно к каждому игроку как организация и коммуникативное начало, имеющее множество коммуникативных связей.

Если игра есть форма общения людей, то вне контактов взаимодействия, взаимопонимания, взаимоуступок никакой игры между ними быть не может.

Диагностическая функция игры. Диагностика – способность распознавать, процесс постановки диагноза. Игра обладает предсказательностью; она диагностичнее, чем любая другая деятельность человека, во-первых, потому, что индивид ведет себя в игре на максимуме проявлений (интеллект, творчество); во-вторых, игра сама по себе – это особое «полесамовыражения».

Игротерапевтическая функция игры. Игра может и должна быть использована для преодоления различных трудностей, возникающих у человека в поведении, в общении с окружающими, в учении. Оценивая терапевтическое значение игровых приемов, Д.Б. Эльконин писал, что эффект игровой терапии определяется практикой новых социальных отношений, которые получает ребенок в ролевой игре.

Функция коррекции в игре. Психологическая коррекции в игре происходит естественно, если все учащиеся усвоили правила и сюжет игры, если каждый участник игры хорошо знает не только свою роль, но и роли своих партнеров, если процесс и цель игры их объединяют. Коррекционные игры способны оказать помощь учащимся с отклоняющимся поведением, помочь им справиться с переживаниями, препятствующими их нормальному самочувствию и общению со сверстниками в группе.

Развлекательная функция игры. Развлечение – это влечение к разному, разнообразному. Развлекательная функция игры связана с созданием

определенного комфорта, благоприятной атмосферы, душевной радости как защитных механизмов, т.е. стабилизации личности, реализации уровней ее притязаний. Развлечение в играх – поиск. Игра обладает магией, способной давать пищу фантазии, выводящей на развлекательность.

Игра является моделью игры как таковой. Игра важнейшее средство воспитания школьников. Игра деятельность спонтанная, непринужденная. Мир игр очень разнообразен. Существуют разные варианты классификации игр. Каждая игра уникальна, содержит в себе различные функции. Каждый вид игр помогает в развитии ребенка, как здорового человека, так и здоровой личности. При правильном подборе игр можно спланировать и создать условия для нормального развития и социализации ребенка.

Кат. ўқит. С. Акбарова,
ТДИУ қошидаги ЧАЛ

Масофавий таълим тизимини ташкил қилишда Интернетдан фойдаланишнинг самарадорлиги

Internet дан ажратилган ҳолда корпоратив тармоқларда Internet ва WWW технологиялари қўлланилиши бугунги кунда долзарб масалалар қаторидан жой олмоқда. Intranet тармоғи кўп тарқалган тармоқлар қаторига киради ва ички корпоратив Web-серверлардан иборат бўлади. Алоҳида ташкилотлар ичида ахборот кўп компьютерларга тақсимланган ва турли файллар, ҳисоботлар ва электрон почта хабарлари кўринишида сақланади. Лекин ҳамма ахборотларга кириш ташкил этилмаган. Шунинг учун кўпгина ташкилотлар ўз ходимларига турли ахборотларга киришни осонлаштириш учун ички Web-серверли Intranet тармоғини тузади. Корпоратив маълумотлар базаси, файл-серверлари ва ҳужжатлар сақланиш жойи билан боғланиши туфайли Web-серверлари компания ходимларига турли хил ахборот кўринишларини ягона интерфейси қулайдир.

Шунинг учун ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ, ва махаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникациясини ишлаб чиқиш соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан мутахассисларни хорижда ўқитиш борасидаги ишларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган кўпгина ишлар мақсад қилиб олинди..

Бир қанча бошланғич саҳифалар барча ҳужжат ва маълумотлар билан гиперматнли алоқа қилиш учун хизмат қилади. Компьютер тамоғида ишлаганда таркибида зарур ахборот мавжуд бўлган файл номини аниқ билиш керак. Компьютердан файл қидирганда ёки тармоқда файлни биргаликда ишлатганда катта эътибор бериш керак. Чунки кимдир файлдаги ахборот қисмини ўчириб ёки ўзгартириб юбориши ёки файлни бошқа жойга жойлаштириб қўйиши натижасида бир қанча муоммо ва қийинчиликларни вужудга келтиради. Бу ҳолатдан чиқиб кетиш учун гиперматнли саҳифа ишлатилади. Экрандаги бу

саҳифа тизимда нима бўлаётганини, файлларни бир жойдан бошқа жойга кўчирилганини кўрсатади. Шундай матнли кўрсаткич маълумотларни қандай ташкил қилишни кўрсатади ва Ihtranet- қўлланилишини намоён этади.

IP тармоқ компьютерлари билан боғлиқликка эга корхоналар уни амалиётга татбиқ этишга тайёр бўладилар. Сарфланишни талаб этувчи ягона нарса бу гиперматнли саҳифаларни тузувчи ва узатиш тизимини ишлаб чиқувчи мутахассисларни ёллаш. Калитли сўзлар бўйича ахборот қидиришни енгиллаштириш учун Digital Equipment фирмаси шахсий компьютерлар учун Интернетда қувватли ва эффектив қидирув механизмини ишлатишга имкон берадиган Alta Vista дастури версиясини ишлаб чиқди.

Тор маънода "Интернет – бу Интернетнинг стандарт технологиялари Web-серверлари, TCP/IP ва HTML асосида ахборот алмашиш учун ички корпоратив восита ҳисобланади"[34]. Internet нинг стандартлаштирилган муҳити ўзаро турли қурилмали воситаларнинг ўзаро алоқа қилишига имкон беради ва корпоратив ресурсларга қулай ва содда боғланишни таъминлайди.

Intranet тармоғини ўлчами бўйича учта кўринишли тармоққа ажратиш мумкин:

- кичик Intranet тармоқ;
- ўрта ўлчамдаги Intranet тармоқ;
- юқори синф Intranet тармоғи;

Кичик Intranet – бир ташкилот чегарасида ходимлараро ахборот алмашиш учун тузилади ва мақсадга эришиш учун ўз хусусий тармоғи яратилади. Бу турдаги тизим мавжуд бўлган қурилма ва арзонроқ дастурий таъминот асосида қурилади. Кичик тармоқлар кўпинча фойдаланувчи шахсий компьютерини ягона катта бўлмаган файллар серверига ёки бош компьютерига боғлаш учун ишлатилади. Агар тармоқ TCP/IP баённомаси бўйича ишласа, кабелга ишлов бериш, тармоқ платалари ёки бошқа тармоқда ишлатиладиган қурилмалар учун харажатлар талаб қилинмайди. Ҳозирги кунда кенг имконийлик эга бўлган TCP/IP Intranet қурилишидаги яна бир муоммони ҳал этади. Лекин электрон почта Web асосида Intranet ни ўзида алмаштириши мумкин, шунингдек, у бу тузилманинг муҳим компоненти бўлиб қолаверади. Электрон почта мавжуд бўлмаган ташкилотларда SMTP почта серверининг (бепул ёки шартли-бепул) дастурий пакетларига эътибор берилиши керак.

Ўрта ўлчамдаги интранет тармоғи мураккаброқ интранет тармоғини қуриш учун юқоридагига нисбатан кўпроқ қурилмалар талаб қилинади. Ўрта ўлчамдаги интранет тармоғини кичик тармоқлардан фарқи шундаки, унда ажратилган Web-сервери ишлатилишидир. Ажратилган сервер бир вақтда хам Web-сервер, ҳам электрон почта сервери вазифасини бажариши мумкин. Агар компьютер қувватлаш учун етарли ресурсларга эга бўлса, умумқабул қилинган амалиёт интернет/интранет турли функцияларни битта тизимда бирлаштириш ҳисобланади. Бундан ташқари Web-серверни бошқа функцияларни бажарувчи

[34] Леонтьев В. П. Новейшая энциклопедия Интернета. — М.: ОЛМА Медиа Групп, 2007.

*Манба: Леонтьев В. П. Новейшая энциклопедия Интернета. — М.: ОЛМА Медиа Групп, 2007

компьютерда ўрнатиш мумкин. Мисол учун файлли сервер Net ware ёки Windows NT Advanced Server.

Файлли серверларни етарли даражадаги ҳисоблаш куввати сабабли бошқа серверлар вазифасини ҳам бажариш қобилиятига эга. Бундай турдаги тизим электр таъминотини мунтазам равишда резерв нусхаларини яратиш ва тизимнинг мониторинги ҳисобига қўшимча авзалликларини таъминлайди. Компьютер файлли сервер бўлиши шарт эмас. Агар тизим ортиқча ҳисоблаш қувватига эга бўлса, у ҳолда у Web сервери сифатида ҳам ишлатиши мумкин. Интранетни ташкил қилишда бу модель SMTP почта сервери уланиши ҳисобига тўлдирилиши мумкин. Почта серверлари SMTP Web асосида интранетда осон интегралланади, компания тизими ташқи муносабатлари бўйича маълумот узатишга имкон беради ва узоқлаштирилган фойдаланувчилар учун интранетга боғланиш имконини беради.

Юқори синф интранет тармоғи. Юқори синф интранетини фақат жиддий молиявийлаштириш шарти бўйича амалга ошириш мумкин,бу моделни катта ташкилотлар учун идеал тармоқ деб аташ мумкин. Бу тур конфигурациясида максимал тезликда ишловчи ажратилган Web сервери интранетни кеча ва кундуз қувватлаш имконига эга. Бу сервер компания тармоғида мавжуд бўлган серверлар каби ўхшаш бўлиши керак.

Юқори синф Интранет тармоғи Интернет ва кўпинча Web сервернинг тижорат дастурий таъминотига боғлана олиш имкониятига эга. У SMTP асосида ажратилган почта серверига эга ва мижозларнинг қурилган TCP/IP баённомасининг ишлашини таъминлайди. Интернет билан боғланиш турли хилда амалга оширилиши мумкин: ISDN 128 кбит/с каналларидан то frame relay ва T-1 1,5 Мбит/с тезликка эга бўлган каналларигача бўлиши мумкин. Унчалик катта бўлмаган маълумотлар базаси қўлланилганда уларнинг ядроси бевосита ҳам Web серверига, ҳамда ажратилган компьютер учун ишлаши мумкин.

Маълумотлар базаси ядросини қаерда жойлаштириш ядро турига ва унга мурожат қилиш частотасига боғлиқ бўлади. Маълумотлар базаси Интранет ихтиёрий хизматининг асоси бўлиши мумкин. Яна бир имконият узоқлаштирилган боғланишдир. У телефон линиялари бўйича бундай конфигурацияда бранд мауэр орқали ташкил этилиши мумкин. Бундай юқори синф Интранет тармоғини қуриш кўп маблағ, қўшимча ҳисоблаш қуввати ва юқори қатъий маъмурийлаштиришни талаб этади. Интранет технологиясининг афзаллик ва камчиликлари WWW- технологияларини яратишдаги киритилган хусусиятлардан келиб чиқади: гиперматнни ишлатилиши турли ахборотларга боғланишни таъминлайди; броузер (WWW-сервернинг мижозий дастури) фойдаланувчининг ягона, жуда содда интерфейсини ташкил қилади; Мижоз-сервер қурилишининг афзаллик ва камчиликлари маълумотлар базасидан фойдаланилганда ҳосил бўладиган ўхшаш муоммоларга олиб келади.

Афзаллиги. Корпоратив тармоқ Интернет – корхонада ахборотни оммавийлаштириш учун ажойиб асос бўлиб хизмат қилади. Web браузер ихтиёрий мижоз тизимига мос келади. Web серверлари Lotus Notes турдаги гуруҳли ишлар учун классик пакет каби юқори қувватли қурилмавий

воситаларни (процессорнинг тезкорлиги ва қаттиқ диск сиғимини) талаб қилмайди.

WWW-серверлари учун дастурий таъминот бозори рақобатчилигининг юқори даражаси билан тавсифланади, яъни фойдаланувчилар битта ахборот етказувчига боғланиб кемаганлар. Шунингдек дастурлар яхши ўзаро алоқада бўлади. Web технология ўсиш хусусиятига эга ва ҳудудий ҳисоблаш тармоқларида қўлланилиши мумкин.

Шахсий компютернинг амалий дастурлар мажмуаси ёрдамида янги ишлаб чиқилган воситалар Web-серверлар учун HTML- саҳифаларини яратишни осонлаштиради.

Камчилиги. Интранет – тармоқларнинг биргаликда ишлашида амалий тизимларни гуруҳ бўлиб, ишлаш учун анъанавий дастурий таъминотни қувватли имкониятига эга эмас. Web-серверлари маълумотлар базаси ва бошқа ёрдамчи амалий тизимларига боғланиш воситалари мажмуасида чеклов мавжуд. Биргина такомиллашган тизимидан фойдаланиш ўрнига электрон почта ва Web-серверлари каби алоҳида амалий тизимларни функционаллаштиришни ташкил қилиш ва қувватлаб туриш керак.

HTML тили ва HTTP баённомаси мижоз-сервер амалий тизимини ишлаб чиқиш учун етарли қувватига эга эмас.

Web учун Java каби стандарт дастурлаш нисбатан янги ва яхши ўзлаштирилмаган ҳисобланади.

Интернет тармоғи ёрдамида электрон почта, телеконференция, видеоконференция, маълумотлар базаси, маълумотнома хизматлари ва ҳозирда таълим соҳасида ривожланиб бораётган масофадан ўқитиш тизимини амалга ошириш мумкин.

Интернетдан фойдаланувчилар сонининг кўпайиши шу давлатнинг интелектуал салоҳияти қай даражада эканлигини кўрсатади. Ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари ривожланиб бораётган бир вақтда Ўзбекистонда ҳам шу соҳаларни ривожлантириш мақсадида 2003-2010 йиллар учун телекоммуникация ва маълумот узатишнинг миллий тармоғини ривожлантириш ва давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш тўғрисида дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Бу дастурларни ишлаб чиқилиши, турли соҳаларга, айниқса таълим соҳасига ахборот технологияларининг кириб келиши Ўзбекистонни Интернетга мустахкам қадам билан кириб боришини кўрсатмоқда.

Ушбу таълим олиш шаклининг анъанавий шаклда таълим олувчи талабалардан фарқли равишда масофавий ўқитиш тингловчилари юқори даражадаги қатъиятлилик, билимга интилиш, режалилик, мустақил ишлаш қобилиятига эга бўлиши ва компьютер ҳамда телекоммуникацион алоқа воситаларидан фойдалана олиши лозим.

Ҳозирги кунда Интернет сайёрадаги улкан ахборот манбаи ҳисобланади. Бу трмоқ турли глобал ва маҳаллий тармоқларни ўз ичига олади. Ҳар бир киши ер юзининг ихтиёрий нуқтаси билан алоқа ўрнатиши мумкин. Ҳозирги кунда Интернет тармоғи миллионлаб фойдаланувчиларни бир-бири билан боғлайди. Ахборот ва телекоммуникация технологияларини кундан-кунга ривожланиб

бориши натижасида Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган хизматлар сонини ва сифатини ошириб бормоқда.

Кат. ўқит. Г.И. Алиева, УрДУ

Педагогик технологиялардан фойдаланиш модели ва уни фанларда қўллаш

Педагогик технологиялар мазмунини, умумий ҳолда педагогнинг касбий фаолиятида энг замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчи ва талабаларнинг билим олиш сифатини яхшилаш, талаб этилган билим даражасига эришиш учун таълим жараёнини лойиҳалаштиришдан иборат деб тушуниш мумкин. Педагогик технологиянинг асосий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Биламизки, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш келажагимизнинг ишончли пойдеворидир. Дарҳақиқат, бунга таълим соҳасини жадаллаштириш билан эришилади.

Бу ҳақда президент И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам буларнинг барчаси, аввалambор янги авлод, униб ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғликдир”[35]. Ҳақиқатан ҳам, ёш авлод келажакда ўқувчи ва талаба сифатида жамиятда муҳим ўринни эгаллайди ва таълим тизимида уларнинг ролини кучайтириш ҳамда ривожлантириш йўналишини белгилаш устувор вазифага айланиб боради.

Таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналиши дарс машғулотларида замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш ва шу асосда самарали дарс машғулотларини олиб бориш ҳисобланади. Бу вазифалар ҳар бир таълим бериш асосини ва таълимга хос принципнинг мазмун-моҳиятини тўла акс эттириши керак.

Таълим тизимида педагогик технологиялар, аввало, уни ўқувчи ва талабалар билан боғловчи, уларга фанлар бўйича етарли даражада билим бериш, шу билан бирга, таълим соҳасининг самарадорлигини оширувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Шуни айтиш лозимки, таълим соҳасида педагогик технологияларнинг турли усулларда қўлланиши ўқувчи ва талабалар учун турли даражалардаги билимларни ўрганиш учун муҳим мезон ҳам ҳисобланади. Бу ҳолатларда технологиялардан фойдаланиш моделини тузиб чиқиш керак.

Педагогик технологиялардан фойдаланиш модели - дарс машғулотларида унинг самарадорлигини ошириш учун қўлланиладиган, ўқитувчи томонидан

[35] Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш -бизнинг бош максадимиздир. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 2013, 56-бет.

яратилган инновациявий йўналиш, “нау-хау”ларни ўз ичига олган усул ва услублар мажмуаси. Бу модель “педагогик новатор” бўлган ҳар бир ўқитувчи томонидан тузиб чиқилиши ва ҳар бир дарс машғулоти учун махсус қилиб қўлланиши керак.

Педагогик технологиялардан фойдаланиш қуйидаги икки хил усулда амалга оширилади ва бу йўналишлар асосида дарс машғулотининг мақсади ва вазифасини ифода этувчи модел намунаси яратилади. Модель яратиш ва уни, аввало, ҳар бир фан тармоғида “синаб куриш” учун қўллаш мумкин. Бу эса дарс машғулотларига бўлган ўқитувчининг масъулиятини янада оширишга олиб келади ва турли технологияларни қўллашни тақозо этади.

Педагогик технологияларни қўллаб, модель тузишда дарс машғулотларининг технологик харитасини ўз ичига олган таълим технологиясидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, аввало, маъруза ва амалий машғулотларнинг технологик харитаси алоҳида ҳисобга олиниши зарур. Бу моделда ўқитувчидаги мавжуд қобилият, иқтидор, ташаббус, фаоллик, интонация тўлиқ юзага чиқиши ва ўқитувчи уларнинг ҳар биридан оптимал даражада фойдаланиши ҳам алоҳида ҳисобга олинади.

Аввало, педагогик технологиялардан фойдаланиш модели фан доирасида қўлланилади ва фанларни бошқа фанлар билан боғлашга, фанлардаги ҳамма мавзуларни осон ва оддий қилиб ўтилишини таъминлашга, фанларни усуллар орқали кенг ёритиб беришга, фанларда ахборот билан педагогик технологиялар тизимларини интеграциялашга муҳим манба бўлиб хизмат килади.

Шуни айтиш лозимки, педагогик технологиялардан фойдаланиш моделининг ижобий хусусиятлари ва афзалликлари қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади:

дарс мавзусини чуқур ўзлаштириб олиш ва шу асосда ўқувчи, талабаларнинг билимини ошириш;

ёшлар ўртасида соғлом “педагогик муҳит” ва “педагогик иқлим”ни шакллантириш ва уларни шу шарт-шароитларни мослаштира олиш;

ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш ва ўқув-педагогик фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш;

келажакда фанларнинг жамият билан таъсирини кучайтириш учун педагогик тактика ва стратегияларни шакллантириш;

ўқувчи, талаба ва ўқитувчилар ўртасидаги педагогик боғланишни кучайтириш ва янада мувофиқлаштириш;

дарс машғулотларида фан тармоқларини тараққий қилдирувчи янги ғоя ва концепцияларни шакллантириш;

фанларнинг истиқболларини аниқлаш ва уларни ривожлантиришга хос бўлган режавий дастурларни ишлаб чиқиш.

Агар юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали мақсадлар амалга оширилса, педагогик технологиялардан фойдаланиш моделини фанларда қўллашга эришиш мумкин бўлади.

Кат. ўқит. Г.Қ. Алимова,

Ф.Халилов., М.Султонхўжаева,
Низомий номидаги ТДПУ

Когнитив услублар ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш

“Когнитив услуб” тушунчаси психологик адабиётларда инглиз тилидан кириб келган бўлиб, билиш услуби деган маънони англатади. Бироқ “билиш” ва “когнитив” тушунчалари синоним эмас. “Билиш” – объектив воқеликни индивидуал онгда акс эттириш жараёнига тегишли бўлиб, у сенсор, перцептив, мнемик, фикрлаш шаклидаги билиш образларидир. “Когнитив”- тушунчаси турли даражадаги билиш образларининг шаклланишида иштирок этадиган ахборотларни қайта ишлашнинг психологик механизмига тааллуқлидир. Оддий қилиб айтганда, борлиқни ўранишнинг ўзига хос индивидуал услубидир.

“Когнитив услуб” тушунчаси интеллектуал фаолиятнинг ўзига хос индивидуал услубини фарқлаш мақсадида қўлланилган, яъни инсон интеллектуал имкониятларини таҳлил қилишнинг шакли сифатида тушунилган. Жумладан, когнитив услуб интеллектуал фаолиятнинг формал-динамик характеристикаси бўлиб, у интеллектнинг мазмунли жиҳатига алоқадор эмас. Бундан ташқари когнитив услуб мазкур шахснинг психологик имкониятлари ва мойилликларига мос келувчи ахборотларни қайта ишлашнинг барқарор услубларидан иборатдир.

Психологияга оид адабиётларда “когнитив услуб” атамаси инглизча сўздан олинган бўлиб, унинг аниқ таржимаси билишга оид сўз бирикмасига мос келади. Лекин психология йўналишининг замонавий тушунчалари тузилишига нисбатан, “билишга оид” ва “когнитив” атамалари синоним маънога эга эмас. “Билишга оид” - воқеаликни индивидуал онгда билишга оид образ (сенсор, перцептив, мнемик, фикрлашга оид) шаклида акс эшитиш жараёнига тегишли бўлади яъни ушбу атама билишга оид образда акс эттирилган ҳолатга қаратилади. “Когнитив” билишга оид акс этилишнинг турли даражадаги билишга оид образларнинг яратилиши жараёнида ахборотни қайта ишлашнинг психик механизмларига тегишли, яъни ушбу атама билишга оид образ қандай яратилишига қаратилади. Бу жараёнда ўз атрофидаги ахборотни қайта ишлаш усулларидаги индивидуал фарқлар ҳақида фикр юритилмоқда. Хусусан, когнитив услубларнинг ўзини-ўзи билишга оид услубларни маълум бир турли бўлиб, бунда реал воқеаликни ўрганишнинг индивидуал ўзига хос услубларни тушуниш лозим.

Когнитив услублар – интеллектуал фаолиятнинг расман-динамик тавсифи бўлиб, ақл фаолиятининг маъно жиҳатлари билан боғлиқ бўлмайди. Бундан ташқари когнитив услублар – мазкур шахс учун хос бўлган, барқарор билишга оид афзал кўринишлар бўлиб, улар ахборотни қайта ишлашнинг маълум усулларидан – мазкур инсоннинг психологик имкониятлари ва мойилликларига энг кўп мос тушадиган усуллардан устувор фойдаланишда намоён бўлади.

Когнитив услубнинг турли таърифларида, шунга қарамай, маълум умумий жиҳати бўлиб, у ушбу психик хусусиятнинг бир қатор алоҳидаги белгиларни қайд этиш билан боғлиқ бўлади: 1) когнитив услуб – бу билишга оид соҳанинг таркибий хусусияти бўлиб, унинг ташкил этилиши

хусусиятларидан далолат беради ва унинг мазмуннинг ўзига хос хусусиятларига бевосита тегишли бўлмайди; 2) когнитив услуб – у ёки бу когнитив маҳсулотни олишнинг индивидуал ўзига хос усуллари, яъни интеллектуал фаолиятнинг асосли таснифи бўлиб, унинг маҳсулотли хусусиятларига қарама-қарши қўйилиши мумкин; 3) когнитив услуб-анъанавий бир қутбли психологик ўлчовлардан фарқли равишда икки қутбли ўлчов бўлиб, унинг доирасида ҳар бир когнитив услуб интеллектуал хулқ-атворнинг иккита энг четдаги шаклига мурожаат қилиш тарзида таърифланади, майдонга боғлиқлик, майдондан мустақиллик, импульсивлик- рефлективлик шаклида ва ҳоказо; 4) когнитив услубларга баҳолаш фикрларини қўллаш мумкин эмас, чунки ҳар бир когнитив услубнинг у ёки бу қутбининг вакиллари уларнинг индивидуал билишга оид хусусиятлари самарали индивидуал билишга оид хусусиятлари самарали индивидуал мослашувга кўмаклашадиган вазиятларда маълум устуворликка эга бўлади; 5) когнитив услуб – субъектнинг барқарор хусусияти бўлиб, у интеллектуал фаолият юритишнинг турли даражалари ва вазифаларида барқарор намоён бўлади; 6) когнитив услуб - маълум интеллектуал хулқ-атвор усулини афзал кўришдир (яъни субъект аслида ахборотни қайта ишлашнинг ҳар қандай усулини танлаши мумкин, беихтиёр ва ихтиёрий равишда унинг психологик имкониятларига энг кўп даражада мос келадиган воқеликни идрок қилиш ва таҳлил этишнинг маълум бир усулини танлайди). Аслида, психологик билимларнинг ушбу соҳада индивидуал интеллектуал фарқларнинг табиатини тушуниш жиҳатидан бир қатор позицияларининг радикал юз берган. Инсоннинг интеллектуал имкониятларини баҳолашнинг мезонлари қайта кўриб чиқилган.

Услубли ёндашувнинг шаклланиши билиш психологиясининг предметини трансформация қилинишига олиб келди. Агар дастлаб билиш психологияси билиш фаолиятининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан бўлса, ҳозирда кишиларнинг борлиқни билиш услубидаги индивидуал фарқларнинг механизмлари ҳақидаги фанга айланди.

Ҳар бир тушунча ўзига хос тарихга эга. Жумладан, когнитив услуб тушунчасининг шаклланишини ўрганиш учун кўплаб назарияларни таҳлил қилиш зарур.

Г.Уиткин ишларида когнитив услуб тушунчаси гештальт психологиядаги майдон ва майдондаги хулқ-атвор ҳақидаги гештальт психологик тасаввурлар доирасида шаклланди. Ҳар бир кишига майдон (предметли ва ижтимоий борлиқ) турлича даражада таъсир этади. Баъзиларнинг хулқ-атвори кўп жиҳатдан майдонга тобе хулқ-атворнинг майдонга тобе типи) бўлса, бошқаларники ички фаолликка йўналтирилган (хулқ-атворнинг мустақил типи) бўлади.

Болаларга воқеа-ҳодисаларни майдонга тобе тарзда идрок қилиш хос бўлиб, аста-секин улғайгани сайин унинг идроки мустақил шаклга эга бўлиб боради. Майдонга тобелик ёки мустақиллик ёшга боғлиқ ҳодиса экан, майдондан мустақил идрок қилиш психологик тараққиётнинг юқори босқичидир. Психик тараққиётнинг энг муҳим жиҳати сифатида тажрибанинг

турли шаклларини психологик дифференциация қилиш даражаси намоён бўлади.

Майдонга тобе кишилар учун интерперсонал йўналганлик (айниқса ноаниқ вазиятларда) хос бўлиб, якка бўлишдан кўра бошқалар билан бирга қолишни маъқул кўради, шахслараро алоқада нисбатан қисқа масофада туриб мулоқот қилишни хуш кўради, ижтимоий ахборотлардан кенг фойдаланади, ўз фикр-мулоҳазалари ва кечинмаларини очиқ ифодалайди, бошқаларга нисбатан ўта хушмуомала ва эътиборлидир.

Шикаст етказувчи тажрибадан махсус ҳимояланиш ва аффектив реакцияларни назорат қилиш. Психологик механизмлар ихтисослашмаган (глобал тарзда тажрибадан фойдаланиш) ёки ихтисослашган (тажриба дастлабки дифференциация асосида жалб қилинади) бўлиши мумкин.

Ихтисослашмаган ҳимоя механизмлари негативизм ва сиқиб чиқаришдан иборат бўлиб, улар шикаст етказувчи вазиятни бутунлай қабул қилмаслик ёки ёқимсиз тажрибадан воз кечишда намоён бўлади.

Ихтисослашган ҳимоя механизмлари-изоляция (ажратиб қўйиш), интеллектуализация ва проекциядан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири тажрибанинг алоҳида қисмларидан фойдаланишни тақозо этади.

Когнитив назорат тушунчаси психоаналитик йўналишдаги олимлар-Ж.Клейн, П.Холстман, Р.Гарднер, Г.Шлезингер ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилган.

Когнитив назорат- бу, биринчидан, аффектив қўзғатувчиларга нисбатан “тузилмали тўхтатиш” (инсонлар бир-бирларидан идрок қилинаётган вазиятни турлича муносабатда бўладилар, унга нисбатан турли эҳтиёж ва аффектив таъсирларни намоён этадилар); иккинчидан, индивиднинг психик омилларни координация қилиш имконияти, вазият талаблари таъсирида адаптив (мослашувчанлик) табиатига эга хулқ-атвор шаклланади.

Шундай қилиб, когнитив услуб тушунчаси шахс психологияси ва билиш психологиясининг чегарасида шаклланган. Услуб сўзининг қўшилиши билан у ўзига хос тусга эга бўлган. Шахс психологиясида услубни индивидуаллик намоён бўлишининг энг юқори даражаси сифатида таърифланса, билиш психологиясида эса интеллектуал фаолиятнинг расмий табиатга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда унинг психик тараққиётнинг паст ёки юқори даражасига алоқадор эмаслиги эътироф этилади.

Кат.ўқит. Д.Т. Миралиева,
Г. Исмоилова, ТДИУ

Педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллашнинг дидактик асослари

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Республика Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-

кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Юртбошимиз томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғликдир. Шу боисдан кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди».

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим. Республикамизнинг педагогика соҳасида фаолият юритаётган олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни татбиқ этишга интилмоқдалар. Ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг зарурлиги шундаки:

Биринчидан, жамиятимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши ҳамда аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида.

Иккинчидан, ўқитувчи фаолиятига фақатгина ўқув жараёнининг ташкилотчиси эмас, балки нуфузли билимлар манбаи сифатида қаралаётганлиги.

Учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг жадал кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга етказиш учун вақтнинг чегараланганлиги.

Тўртинчидан, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги.

Бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилаётганлиги.

Педагогик технологиялар оқими деярли барча ривожланган мамлакатларда тез тарқалди ва ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Таълимни технологиялаштиришнинг асосини таълим жараёни ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда таълим олувчиларнинг берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этилди.

Таълим технологиясининг предмети таълим тизимининг концептуал асосларига далил келтиришдан, мақсадларини қўйишдан, натижаларни шакллантиришдан, ўқув материалларини танлаш ва структуралаштиришдан, таълим модулини танлашдан уларнинг оптималлик ва самарадорлик даражасини баҳолашгача бўлган тизимни лойиҳалаштиришдан таркиб топган.

Педагогик технология педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатилган тизимли таъсир натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларнинг пайдо бўлишини интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин.

Таълим технологияси таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир.

Таълим жараёни таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги маълум мақсадлар асосида белгиланган билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро таъсирлашув жараёнидир. Бу жараённи бир тизим деб қарайдиган бўлсак, таълим берувчи ва таълим олувчидан ташқари унга қуйидаги ташкил этувчи элементларни ҳам киритиш мумкин: таълим мақсади, кутилаётган натижалар, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, мониторинг ва баҳолаш. Таълим жараёнини ташкил этишда юқорида санаб ўтилган элементларнинг барчаси муҳимдир. Улардан бирортаси четда қолса ёки нотўғри танланган бўлса, тизим ишламайди. Демак, таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга эришилмайди.

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида таълимнинг қуйидаги қизиқарли, фаол усулларидан фойдаланиш мумкин: Масалан, “гуруҳлар мунозараси”, “ролли ўйинлар”, “саҳна кўриниши”, “нуқтаи назаринг бўлсин”, “ҳар ким ҳар кимга ўргатади”, “кроссвордлар”, “тест синови ўтказиш”, “синквейн”, “ўйлаб топ”, “ҚАСБГА боғлаб дарс ўтиш”.

Ўрта Шарқ таълими алоҳидалик, айримлик, якка ҳолда ўргатиш хусусиятларига эга эди, Ўрта аср даврида эса машғулотлар ўқувчиларнинг унча катта бўлмаган гуруҳларида ўтказилди. XVI асрда дунё мактабларининг тажрибаларини ўрганиш асосида Я.А. Коменский характерли жиҳати дарс шаклидаги таълимни ташкил этишдан иборат таълимнинг синф-дарс тизимини назарий жиҳатдан тушунтириб берди.

Ўтказилган дарс ўқувчиларни қам, ўқитувчиларни ҳам қаноатлантириш учун маълум даражада умумий баъзи бир талабларга жавоб бериши керак. Шулардан баъзиларини эслатиб ўтамиз. Айрим олинган бирон бир дарс предмет календарь дастуридаги ўз ўрнига эга бўлиши, мақсади аниқ белгиланган бўлиши керак. Дарс ўтиш жараёнида шакллантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар алоҳида аниқланиши даркор. Шу билан бирга мазкур дарс давомида билим, малака ва кўникмаларнинг эришиладиган даражаси ҳам белгиланиши маъқул бўлади. Дарсда ишлатиладиган методлар, воситалар туркуми аниқ бўлиши олдиндан белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсга қўйиладиган дидактик талаблардан яна бири шуки, бериладиган ўқув материали системали равишда осондан - қийинга, оддийдан - мураккабга, ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ўқитувчининг дарсга бевосита тайёрланиши ҳар бир дарсда қўлланиладиган мавзуий режалаштиришни конкретлаштиради. Дарснинг режаси (уни баъзида мавзуий режадан фарқ қилиб, дарснинг иш режаси деб

номлайдилар) ҳар бир ўқитувчи учун зарурдир. Одатда фақат унинг ҳажми фарқ қилади: эндигина ўзининг ўқитувчилик фаолиятини бошлаётганлар ўзларининг ҳамма ҳаракатлари ва дарснинг боришини тасвирлаш, кичик бўлакларигача кўрсатилган мукаммал эслатма ёзадилар. Тажрибали ўқитувчилар эса қисқа, ихчам режа тузадилар.

Дарснинг режаси ихтиёрий шаклда тузилади, аммо унда қуйидаги таркибий қисмларнинг акс этишини таъминлаш зарур: дарснинг ўтказилиш муддати ва унинг мавзуий режа бўйича тартиб рақами; ўтказиладиган синф, дарс мавзуси номи; таълим вазифалари, шакллантириладиган билим, малака ва кўникмалар; ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш; дарс босқичларининг давомийлиги ва ушбу босқичларда вақтнинг тахминий тақсимланишини кўрсатган ҳолдаги таркибий тузилиши; ўқув материалининг мазмуни; дарснинг ҳар бир қисмида ўқитувчи ва ўқувчининг иш усуллари ҳамда методлари; таълимнинг кўргазмали ва техник воситаларини қўшиб ҳисоблаганда дарсни ўтказиш зарур бўлган ўқув қуроллари; дарсда бевосита ўтказиладиган тест синовлари; уй вазифалари, топшириқлар.

Дарснинг ютуғи ва унинг натижалари нафақат ўқитувчининг тайёрлигига, балки ўқувчиларнинг тайёргарликларига ҳам боғлиқ бўлади. Афсуски, ушбу масалага кўпгина ўқитувчилар ўзларининг амалий ишларида етарли даражада эътибор бермайдилар. Шу билан бирга ўқувчиларнинг навбатдаги дарсга (ёки дарсларга) маълум мақсадга йўналтирилган тайёрланишлари уларда ижобий психологик кайфиятни вужудга келтиради, англашга, билишга бўлган юқори даражадаги қизиқишни туғдиради. Ўқувчиларни олдинда турган дарсларга тайерлашда қуйидагиларни назарда тутади: уларни олдинда турган дарснинг дастурий ўрганиш режаси билан таништириш; ўқувчиларнинг тушуниши мумкин бўлган дарсларнинг айрим бўлимлари билан танишиш; олдинда турган дарсда кўтариладиган масалалар юзасидан илмий-оммабоп адабиётларни ўқиш, янги материални ўрганишга кўмаклашадиган кузатишлар ва унча мураккаб бўлмаган тажрибаларни ўтказиш.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама (фронтал), гуруҳий ва индивидуал (алоҳида ҳолдаги) ишлари тарбиявий ҳамда таълимий вазифаларни амалга оширишга таъсир кўрасатади. Шунинг учун уларни мувофиқлаштириш, ўкитувчи томонидан ўқув фанининг ўзига хослигини, ўрганилаётган материалнинг мазмунини, ўқитиш методларини синф ва айрим ўқувчининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу шаклини ўйлаб кўрилган, асосланган шакли танланиши керак.

Ўқитувчининг педагогик оптимизми, унинг ўқувчиларга муносабатидаги ишонч, ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли-туман шаклларидаги дарсда уларнинг ҳамжиҳатликдаги изланувчанлигини ташкил этиш, ўкувчиларнинг ишларига ҳаққоний баҳо бериш, уларга доимий зарур ёрдам кўрсатишга тайёр туришлик - буларнинг барчаси жуда катта дидактик ва тарбиявий аҳамият га эга бўлади, ўқувчиларда жамоавий меҳнат малакаларини ҳамда ижобий ахлоқий фазилатларни шакллантиради.

П.ф.н.,доц. М.Ў. Дехканова,
А.К. Жураев ТТЙМИ

Таълим жараёнида модулли ўқитиш технологияси

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг биринчи ва иккинчи босқичлари вазифалари муваффақиятли ҳал қилиниб, учинчи босқичдаги ўзгаришлар давом этмоқда. Бу босқичда ўқув-тарбия ишларини бутунлай янги асосда ташкил этиш, юқори сифат кўрсаткичига эришиш талаб қилинади.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларни қўллашни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда узлуксиз таълим-тарбия жараёнларида кўплаб самарали технологиялардан фойдаланиб, таълим сифатини кўтаришга эришилмоқда. Шундай технологияларидан бири модулли ўқитишдир.

Модулли ўқитиш технологияси модулларга асосланади. Шу ўринда модул тушунчасига аниқлик киртайлик “Модул” лотинча сўз бўлиб “қисм” ёки “бўлак” (“блок”) деган маънони билдиради. Демак, модул – педагогик технологияни ташкил қилувчи, таркибий бўлакларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлаклар, яъни модуллар энг кичик бўлаклардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлакни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча модулни олишига қараб тегишлича даражадаги модуллар дейилади.

Замонавий педагогик технологияларнинг энг кичик модуллари асосий тушунча бўлиб, улар гўёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи “ғиштча”лар вазифасини бажариши билан асосий аҳамиятга эга. Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчалардан фойдаланилади.

Таълим жараёнида модулли таълим технологияларидан фойдаланишда дарсда фойдаланиладиган мавзу мантиқий тугалланган фикрли қисмлар, яъни модулларга ажратилади ва ҳар бир қисмни талабалар мустақил ўзлаштиришлари учун ўқув топшириқлари тузилади. Ҳар бир модул якунида назорат ишлари ўтказилади ва хулоса чиқарилади.

Модул технологиясининг моҳияти, таълим жараёнини модуллар (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш) асосида лойиҳалаштиришдан иборатдир. Сўнгра ажратилган ҳар бир модул бўйича шу модулнинг ўзигагина тааллуқли бўлган фаолият мазмуни ва таъсири доираси белгиланади.

Модул технологияси мақсадини рўёбга чиқариш учун модул босқичма-босқич амалга оширилади. Ушбу жараёнда содир этилаётган ҳар бир ҳаракатга ўқув элементи сифатида қаралади. Модул технологияси ўқув элементи ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар; таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи материаллар ҳақидаги маълумотлар; мақсадлар идентификацияси; ўқув материаллари; ўқув шароитини назорат қилиш

(ўқувчиларнинг кўзланган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шартшароитлар, тестлар, мақсад эталони ва бошқалар).

Модул технологияси жараёнининг умумий мақсади қуйидаги даражаларда ойдинлашади: таълим муассасасининг мақсади ҳамда ўқитувчи ва унинг методик фаолияти идентификацияси, ўқув предметининг мақсади, ўқитувчи ва унинг методик фаолияти идентификацияси. модул мақсади ва ўқитувчининг талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятнинг модули, унинг ташхис қилинадиган охирги натижалари.

Модулли ўқитиш технологиясига ўтишда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим. Методик мажмуалар яратиш, ЎУМ яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш назарда тутилади.

Ўқитишнинг модулли технологияси- ўқитишнинг қабул қилинган тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Буларга фаолиятлик, тизимли квантлаш, мотивация (кизиктиш), модуллилик, муоммалалик, когнитив визуаллилик, хатоликларга таяниш тамойиллари киради.

Модуль технологияси асосида ўқитиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади: модулли ўқитишдаги дастлабки шарт-шароитларни таҳлил этиш; модулнинг ўқув мақсадлари ва мазмунини белгилаш; назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш; ўқув-дидактик материаллари ва ўқитиш воситаларини тайёрлаш; назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш; талабаларнинг олган назарий билими ва амалий кўникмаларини баҳолаш.

1. Модул технологияси асосида ўқитишни ташкил этишда дастлабки шарт-шароитларни таҳлил этиш. Модулли технология асосида ўқитишга тайёргарлик кўриш, яъни назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш учун дастлаб уч йўналишда иш олиб борилади: талабаларнинг тайёргарлиги ҳолати, мавжуд шарт-шароитлар, ўқув методик жиҳатлар таҳлил қиинади.

2. Модулнинг ўқув мақсади ва мазмунини белгилаш. Модул технологияси асосида ўқитишда дастлаб ўқув фанини ўқитишнинг мақсади ва мазмуни, модулларнинг мақсади ва мазмуни белгиланади. Ўқув мақсадлари модул якунида таълим-тарбия натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, малака ва шахсий фазилатларни белгилайди. Ўқув мақсадлари тармоқ таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилади. Модулни ўрганиш мақсади қанчалик аниқ бўлса, унга эришилганлик даражасини баҳолаш шунчалик осон бўлади.

Ушбу босқичда ДТС, ТТС, намунавий ўқув режа ва дастур асосида ишчи ўқув режа, фан дастурлари ишлаб чиқилади. Мазкур босқичнинг знг муҳим жараёнларидан бири ўқув материал мазмуни белгилашдир. Ўқув материалларни асосий муҳим жиҳатларини ажратиб олиш ва ихчамлаштириш, ҳаётий мисоллар келтириш, ўқитувчи ва талабалар томонидан ўргатиш, ўрганиш лозим бўлган энг асосий мазмун белгиланади ҳамда ўқитиш тамойилларига кўра маъруза матн тайёрланади.

3. Назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш. Ушбу босқичда ДТС, ТТС, ўқув режа ва дастурлар асосида таълим модели, уни амалга оширишнинг технологик харитаси ишлаб чиқилади. Таълим модели ва

технологик харитада дарс босқичлари, унга ажратилган вақт, педагог ва талабалар фаолиятининг олиб бориш учун ўқитишнинг махсус танланган метод, шакл ва воситалари келтирилади.

4. Модул бўйича ўқув-дидактик материаллар ва ўқув воситаларини тайёрлаш. Машғулотнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув-дидактик материаллар, техник ва реал воситаларни тўғри танлаш ҳамда улардан талаб доирасида фойдаланиш назарда тутилади.

Аудиовизуал воситалар тегишли соҳалар бўйича технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисида кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

5. Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш. Модул таркибига киритилган назарий машғулотларни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади. Қизиқтириш (мотивация уйғотиш).

Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишда назарий машғулотларни қизиқарли, ҳатто дарсга тааллуқли бўлмаган маълумот билан бошлаш мумкин. Масалан, мавзу билан боғлиқ қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикматни тушунтириш билан дарс бошланади. Бу ўқувчилар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг шу соҳага ёки кейинги дарсларда ўрганиладиган мавзуга қизиқишига ёрдам беради. Ўқитувчи ўқитишнинг фаол методлари ёрдамида ўқув материални тушунтиради. Янги модул бирлигини ўрганишдан аввал ўтилган модул бирликлари қисқача умумлаштирилган ҳолда такрорланади. Талабаларга модул бирлигига мос тарқатма материаллар берилади. Талабаларни гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш, мустақил равишда топшириқлар бажариш, эришган натижаларини тақдим этишга ўргатиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади. Модул бирликлари таҳлил қилиш ва синтезлаш орқали ўзлаштирилади. Ўзлаштирилган билимлар фаннинг бошқа соҳаларига оид маълумотлар билан синтезланади ва амалда қўлланади.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин талабаларнинг ўзлари бажарган ишларни баҳолаши лозим. Модулни ўрганиш охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши лозим. Бу – ўқитувчи ва талабаларнинг фаолияти натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари юзасидан мулоҳаза юритиш учун яхши имконият.

6. Талабаларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакасини баҳолаш. Махсус фанларнинг модул технологияси асосида ўқитишда талабалар билими ва кўникмалари ўқув мақсадларига мувофиқ ҳолда мунтазам аниқ мезонлар асосида баҳоланади. Талабаларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакасини баҳолашда ўқув мақсадларга асосланганлик, ҳақиқийлик, ҳаққонийлик, ишончлилик, қулайлилик каби тамойилларга риоя этилади. Бу билан модулли ўқитиш кутилаётган натижани бераётгани ёки бермаётгани аниқланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ушбу технологияни қўллаш талабаларда назарий билимларни амалиётга қўллаш, мустақил фикрлаш; таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш, ўз билим ва қобилиятларини баҳолай олиш; хато ва камчиликларни англаш ҳамда уларни тузатиш кўникмаларини шакллантиради.

П.ф.н.,доц. М.Х. Байбаева,
Д. Байкутова, ТИМИ

Таълим жараёнида муаммоли таълимнинг аҳамияти

Муаммоли таълим технологияси жуда қадим замонлардан шаклланиб келмокда. Жумладан, қадимги Грецияда муаммоли савол-жавоблар, қадимги Ҳиндистон ва Хитойда муаммоли баҳс-мунозаралардан кенг фойдаланилган. Муаммоли таълимни америкалик психолог, файласуф ва педагог Дж. Дьюи 1894 йилда Чикагода ташкил этган тажриба мактабида қўллаган. XX асрнинг 60-йилларида бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилди. 70 - 80-йилларга келиб, амалиётга кенг жорий этилди. Муаммоли таълим технологиялари ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Муаммоли таълим технологиясининг асоси инсоннинг фикрлаши муаммоли вазиятни ҳал этишдан бошланиши ҳамда унинг муаммоларни аниқлаш, тадқиқ этиш ва ечиш қобилиятига эга эканлигидан келиб чиқади. Муаммоли таълим ўқувчиларнинг ижодий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ўстиришда жиддий аҳамиятга эга.

Муаммоли таълимнинг бош мақсади — ўқувчиларнинг муаммони тўлиқ тушуниб етишига эришиш ва уларни ҳал эта олишга ўргатишдан иборат. Муаммоли таълимни амалиётда қўллашда асосий масалалардан бири ўрганилаётган мавзу билан боғлик муаммоли вазият яратишдан иборат.

Турли ўқув фанлари бўйича ўқитувчилар дарслар жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилишни ва уларни ечиш усулларини олдиндан кўзда тутишлари керак.

Муаммоли вазият яратиш усуллари:

— ўқитувчи ўқувчиларга дарс мавзуси билан 6оғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтиради ва уни ечиш йўлини топишни таклиф килади;

— бир масалага дойир турли нуктаи назарларни баён қилади;

— ҳал этиш учун етарли бўлмаган ёки ортиқча маълумотлар бўлган ёки саволнинг қўйилиши нотўғри бўлган масалаларни ечишни таклиф этади ва бошқалар.

Муаммоли вазиятни ҳал этиш даражалари:

— ўқитувчи муаммони қўяди ва ўзи ечади;

— ўқитувчи муаммони қўяди ва унинг ечимини ўқувчилар билан биргаликда топади;

— ўқувчиларнинг ўзлари муаммони қўядилар ва унинг ечимини топадилар.

Муаммоли вазиятни ечишда кўлланиладиган усуллар:

— муаммони турли нуқтаи назардан ўрганиш, таҳлил қилиш;

— солиштириш, умумлаштириш;

— фактларни аниқлаш ва қиёслаш;

— вазиятга боғлиқ хулосалар чиқариш;

— ўқувчиларнинг ўзлари аниқ саволлдр қўйиши ва бошқалар.

Муаммоли таълимнинг асосий билимларни ўқувчиларга тайёр ҳолда бериш эмас, улар томонидан дарс мавзусига тегишли муаммолар бўйича ўқув-тадқиқотларини бажариш асосида ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистонда муаммоли таълимни қўллаш бўйича бир неча асрлар давомида мактаб ва мадрасаларда суқротона савол-жавоб усулидан кенг фойдаланиш асосида ўқувчиларда зийраклик ҳозир-жавоблик сифатлари ҳамда гўзал нутқ таркиб топтирилган. Суқротона савол-жавоб усули ҳозиргача энг самарали таълим усулларидан бири сифатида кўлланилади. Бунда ўқувчи чуқур мантиқий фикрлашга, зийракликка, аниқ ва тўғри сўзлашга, нутқнинг мантиқийлиги ва равонлигига ҳамда танқидий, ижодий фикрлашга ўргатилган. Масалан, суқротона суҳбатлар деганда ўқитувчининг ўқувчини мустақил ва фаол фикрлаш жараёнига олиб кириши ҳамда унинг фикрлашидаги нотўғри жиҳатларни зийраклик билан аниқлаган ҳолда уларни тузатиш йўлига олиб чиқишдан иборат усуллар назарда тутилади.

Бундай суҳбат босқичларини қуйидагича соддалаштириб ифодалаш мумкин:

1. Савол-жавоблар орқали ўқувчининг билим даражаси ва фикрлаш қобилиятини умумий тарзда аниқлаш.

2.Ўрганилаётган мавзунинг мазмунини ўқувчи мотивларига мувофиқлаштириш. Бу, асосан, ўқувчининг қизиқиш ва қобилиятларига мос бўлган мисоллар танлаш орқали амалга оширилади.

3. Ўқувчини фаол мулоқотга олиб кириш. Бунда асосан рағбатлантириш усулларидан фойдаланилади.

4. Ўқитувчи ўзини билмайдиган одамдек ўқувчидек тутиб, саволлар бериб боради.

5. Ўқувчининг турли фикрларини мақташ орқали уни янада эркин ва чуқурроқ фикрлашга, сўзлашга жалб қилиш.

6. Ўқувчининг хато фикрларини аниқлаб бориш.

7. Ўқувчининг хато фикрларига нисбатан тутри фикрни ўқитувчи томонидан яққол мантиқий асосланган шаклда баён қилиш ёки тушунтириш орқали ўқувчи учун муаммоли вазият яратилади ва ўқувчини ўз хатоларини ўзи тузатишига йўналтирилади.

Бундан кўриниб турибдики, ушбу усул юқори натижа бериши шубҳасиз бўлиб, аммо бунинг жиддий шартлари ҳам мавжуд. Булар ўқитувчининг кенг билим ва ижодий фикрлаш қобилияти, юқори мулоқот маданияти, педагогик маҳоратга эга бўлиши кабилардан иборат.

Муаммоли таълим машғулотларини ташкил этиш ва бошқариш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

— ўқув фани ва дарслар мавзусини ўргатишда улар билан боғлиқ муаммоли масалаларни белгилаш;

— улардан муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш ва амалда фойдаланишни олдиндан режалаштириб бориш;

— ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш;

— зарур ўқув воситаларини тайёрлаш;

— муаммоли вазиятдаги мавжуд зиддиятни кўрсатиш;

— топшириқни ва уни ечиш учун етарли шартларни аниқ баён қилиш;

— ўқувчиларнинг муаммони ҳал этишда йўл қўяётган хатоларини, уларнинг сабаби ва хусусиятини кўрсатиш;

— ўқувчиларнинг нотўғри тахминлари асосида чиқарган хулосалари оқибатини муҳокама этиб, тўғри йўлни топишларига кўмаклашиш ва бошқалар.

Муаммоли таълим жараёнини қуйидаги учта асосий босқичга ажратиш мумкин:

1. Муаммоли вазият ҳосил қилиш.

2. Муаммони ечиш тахминларини шакллантириш.

3. Ечимнинг тўғрилигини текшириш (олинган ечим билан боғлиқ ахборотни тизимлаштириш орқали).

Муаммоли вазият ҳосил қилишда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

Муаммолар назарий ёки амалий йўналишда бўлади.

Дарсда ҳосил қилинадиган муаммоли вазият ҳамда ўқувчиларга ҳал этиш таклиф этиладиган муаммога қўйиладиган энг асосий талаба-ўқувчиларнинг қизиқишини оширадиган, энг камида эса ўқувчиларда қизиқиш ҳосил қиладиган бўлиши кераклигидан иборат. Акс ҳолда кўзда тутилган натижага эришиш имкони бўлмайди.

Муаммо ўқувчиларнинг билим даражаларига ҳамда интеллектуал имкониятларига мос бўлиши шарт, ҳосил бўлган муаммоли вазиятни ечиш учун топшириқлар янги билимларни ўзлаштиришга ёки муаммони аниқлаб, яққол ифодалаб бериш ёки амалий топшириқни бажаришга йўналтирилган бўлади.

Ўқувчиларнинг муаммоли вазиятни тушунишлари, унинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда нималарга, қанчалик даражада боғлиқлигини идрок қила олишлари натижасида ҳосил бўлади. Бундай тушуна олиш эса ўқувчиларга мустақил равишда муаммони ифодалай олиш имкониятини беради.

Муаммони ечиш тахминларини шакллантиришда ўқувчи ўзлаштирган билимлари асосида кузатиш, солиштириш, таҳлил, умумлаштириш, хулоса чиқариш каби ақлий фаолиятларни бажаради.

Ақлий фаолиятдаги асосий жараён фикрлаш жараёни бўлиб, фикрлашнинг сифати унинг мантиқийлиги, мустақиллиги, ижодийлиги, илмийлиги, асослилиги, узвийлиги, тежамлилиги, мақсадлилиги, тезлиги, таҳлилийлиги, қиёсийлиги, умумлаштирилганлиги, хусусийлаштирилганлиги, кенглиги, чуқурлиги, ишонарлилиги, реаллиги, ҳаққонийлиги даражаси билан белгиланади. Шу билан бирга интеллектуал сифатлар хотира, тасаввур, англаш ва шу каби психологик жараёнларнинг тезлиги ҳамда бошқа параметрлари билан боғлиқ.

Интеллектуал тараққиёт даражаси ўқитувчиларда ҳамда ўқувчиларда қанча юқори бўлса, шунчалик яхши натижаларга эришиш имконияти ҳосил бўлади. Шунга кўра, ўқувчиларда муаммони сезиш, уни аниқлаш, ечимига доир тахминни тўғри белгилаш ва ечимнинг тўғрилигини текшириш қобилиятлари ривожланиб боради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, муаммо технологияси талабаларга предметнинг мавзусидан келиб чиққан турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишларига ўргатиш, уларда муаммони

ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва муаммони ечишга мос услубларни тўғри танлашга ўргатиш муаммонинг келиб чиқиш сабаблари ва муаммони ечишдаги хатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатишдир.

Магистр Б.Б. Джалалов, ТДИУ

Туристик корхоналарда ходимлар таркибини шакллантириш манбалари

Туризм хизматлари рақобатбардошлигини оширишнинг замонавий усулларидан бири сифатида истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни бошқариш CRM (Customer Relationship Management) тизимини жорий қилишни кўрсатиш мумкин. Истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни бошқариш - барқарор бизнесни қуришга йўналтирилган, марказида “мижозларга мўлжал олинган” ёндашув турувчи бизнес-стратегиядан иборат.

Кадрларни танлаш ва жойлаштириш стратегияси, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш стратегияси, шунингдек, ходимлар меҳнат фаолиятининг мотивацияси стратегияси корхоналарнинг муҳим стратегияларидан ҳисобланади.

Хорижий мутахассисларнинг фикрича, ходимларни ривожлантиришга йўналтирилган капитал қўйилмалар ишлаб чиқариш воситаларига йўналтирилгандан кўра кўпроқ иқтисодий самара беради. Ҳисоб-китобларга кўра, ходимларни ривожлантиришга сарфланган 1 доллар, 3 доллардан 8 долларгача фойда келтиради.

Рақобатбардошликни таъминлаш сифатни такомиллаштириш ва таннархни пасайтириш, нарх яратишни оптималлаштириш, хизматлар ассортиментини ошириш, доимий мижозлар учун жозибадор имижни шакллантириш бугун бевосита туризм Меҳмонхоналарида реинжиниринг ўтказиш, бизнес-жараёнларни интеллектуаллаштириш, ходимлар малакасини ошириш тизимининг такомиллашганлик даражаси ва унинг асосий ишлаб чиқариш жараёнларига интеграллашувига боғлиқ бўлади.

Туризм корхоналари хизматлари рақобатбардошлигини оширишнинг замонавий усуллари ходимларни бошқариш тузилмасидан нафақат кадрлар ҳисоботини юритиш, меҳнат кодекси ва тартиб-интизомга риоя қилишнинг назорати, балки ривожланаётган хизмат кўрсатиш жараёни талабларига билим, малака даражаси бўйича мос келадиган интеллектуал салоҳиятни шакллантиришни ҳам талаб қилмоқда.

Бугунги кунда туризм соҳасида иш берувчилар вакант ўринлар бўйича номзодларга қуйидаги муҳим талабларни қўймоқда:

- иш берувчи вакант иш ўринларига кўпроқ жинси одатда аҳамиятли бўлмаган, 20 дан 40 ёшгача бўлган ходимни қабул қилишни истайди;
- 70 %дан зиёд меҳмонхоналар талабгорлардан олий маълумотни талаб қилишади (50 %и ўрта махсус маълумотни);
- хорижий тилларда эркин сўзлаша олиши;
- мижозларнинг маълумот базасини яратиш ва ундан фойдалана олиш;

- яхши коммуникатив хусусиятларга (хушмуомалалик, мулоқотлар олиб бориш қобилияти ва ш.к.) эга бўлиши;

- замонавий ахборот технологиялари ва интернет тармоқларида ишлай олиши;

- туризм бизнесидаги тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Туристик корхоналарининг бир маромда ривожланиши учун юқори малакали кадрларнинг доимий оқими зарур бўлмоқда. Бу муаммони ҳал қилишда биринчи ёндашув, ташқаридан янги одамларни жалб қилиш, яъни ўз функцияларини талаб даражасида бажаришни кафолатлайдиган ва хулқ-атвори билан туризм меҳмонхонасига мос келадиган ишчиларни танлаш керак, лекин талаб даражасидаги ишчини топишнинг ҳар доим ҳам иложи бўлмайди ва улар меҳмонхона корпоратив маданиятига "киришиб кетиб", муваффақиятли ишлаб кетишининг ҳам кафолати йўқ. Бундан ташқари, ушбу жараён қўшимча харажатлар ва вақтни талаб қилади.

Иккинчи ёндашув, туристик корхонанинг ички меҳнат ресурсларидан фойдаланишдир. Бу ёндашув одамларнинг ўқитиш, ўргатиш, хулқини ўзгартириш қобилиятига асосланган бўлиб, ходим ўз салоҳиятини ривожлантириш орқали меҳмонхона учун яхши имкониятлар яратади, интеллектуал капитал ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ва баҳосини ошириши мумкин. Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш тизими уларнинг интеллектуал имкониятларини юзага чиқарувчи омиллардан бири бўлиб, меҳнат бозоридаги шахсий рақобатбардошлигини ҳам оширади.

Ҳар иккала ёндашув ҳам бир-бирини инкор қилмайди, аксинча, бир-бирини тўлдириб, меҳмонхоналарнинг барқарор фаолиятини таъминлайди. Натижада меҳмонхона нафақат ресурсларни тежаш тамойилини амалга оширишга эришади, балки келажак учун "мустаҳкам захира" тайёрлашга ёрдам беради.

Ички захиралардан фойдаланишнинг мажмуали стратегияси корпоратив маданиятни шакллантириш билан уйғунлашиб, асосан ўз ишчилари имкониятини жалб қилишга мўлжалланади. Меҳмонхонада ходимларни ривожлантиришнинг мажмуали тизимини қўллаш мақсадга мувофиқ, чунки у қуйидаги имкониятларни беради: ходимлар сифати ва малакавий даражасини доимий назоратини ташкил қилиш, уларнинг таркиби ва малакаси ҳақида маълумотлар базасини яратиш, ходимларни бутун меҳнат фаолияти даврида ўқитиш, ўқув-услубий материаллар яратиш ва ундан оқилона фойдаланиш, кадрларни танлаш ва улар ҳаракатини режалаштириш, кадрлар масаласи бўйича оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ходимлар сифатини баҳолаш негизида зарурий ахборотларни тайёрлаш, мансаб поғонасида ўсиш масаласида уларга тегишли маслаҳатлар бериш ва .ш.к.

Туристик корхонаси фаолиятининг юқори самарадорлиги бевосита ходимларни ривожлантириш механизмини такомиллаштиришдан иборат бўлиб, бу жараён уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, иккинчи касбга ўқитиш билан боғлиқ бўлади.

Туристик корхонаси самарадорлигини оширишнинг асосий йўли, иқтисодий нуқтаи назардан кам чиқимли ва самаралироқ ҳисобланган бу ходимлар билан ишлаш жараёнини яхшилаш орқали амалга оширилади.

Ходимларни бошқарув самарадорлигини оширишга ходимларни танлашда компьютерли эксперт баҳолаш тизимини қўллаш ва ассесмент технологиялари ҳисобидан эришиш мумкин.

Бундай ёндашувлар оммабоплигининг бир нечта сабаби мавжуд, масалан, олинадиган маълумотларнинг аниқлиги, дастурдан фойдаланувчиларга компьютер техникасида ишлай олиш даражаси талабининг юқори эмаслиги ва нарх-сифат-имкониятлар мутаносиблигини ҳисоб-китоб қилишдаги катта самарадорлигидир.

Афзаллик томонлари яна шундан иборатки, замонавий компьютер технологиялари, эксперт тизимлари, ассесмент ходимларни ривожлантириш мақсадидаги ҳар хил тренинг ва чора-тадбирлар билан уйғунлашиб, барчасини ягона жараёнга бирлаштиради. Аммо бунда иштирокчилар олдиндан танланган ва номзоднинг компьютер ташхиси ўтказилган бўлсагина ушбу тизимлар натижа кўрсатиши мумкин.

Бугунги кунда инсон ресурслари замонавий фаол корхонанинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини белгилаб берувчи асосий мезонларнинг бири сифатида кўриб чиқилмоқда.

Кўпгина хусусий меҳмонхоналар ходимлар таркибини ўзларининг шахсий ресурсларидан шакллантиришни афзал кўрадилар, яъни ходимларни мустақил ўқитадилар, малакасини оширадилар ёки тавсиялар бўйича ишга қабул қиладилар. Ходимларни эълонлар ва интернет тармоқлари орқали танлаб олувчилар ҳам мавжуддир. Битирувчилар тамонидан бандлик хизматига, кадрлар агентлигига ишончсизлик билан қаралади, чунки бу ташкилотлар ўз мавқеини йўқотган.

Туристик корхоналарининг ходимлар таркибини шакллантириш манбалари асосан ўз меҳмонхона ходимларини мустақил ўқитиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бу кўрсаткич 27 %ни ташкил қилмоқда, агар ушбу ўқитиш ва малака ошириш жараёнини ихтисослашган олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилганда, унда бу кўрсаткич янада ошган бўлар эди.

Туристик корхоналарининг ходимлар таркибини шакллантиришдаги бандлик хизмати билан ҳамкорлик орқали кўрсаткичининг атиги 2 %ни ташкил қилиши ушбу ташкилотнинг туризм соҳасидаги меҳмонхоналарга бўлган салбий муносабатини ифодалайди.

Ҳозирги пайтда ходимларни газета, кадрлар агентлиги, бандлик биржаларидан излашнинг анъанавий усуллари, ҳар томонлама самарали бўлган интернет тармоқлари орқали излаш усули сиқиб чиқармоқда. Ушбу қидирув усулининг кам чиқимлиги, тезлиги, географик масштабининг кенглиги ва жавоблар сонининг кўплиги унинг жозибадорлигини белгилайди.

Н. Жалолова,
О. Кодирова, ТГЭУ

Инновационная деятельность в экономическом образовании

Нововведения, или инновации, характерны для любой сферы профессиональной деятельности человека и поэтому, естественно, становятся предметом изучения, анализа и внедрения. Инновации в образовании являются

результатом научных поисков, передового педагогического опыта как отдельных учителей и преподавателей, так и целых коллективов.

Понятие «инновация» в переводе с латинского языка означает «[лат. innovatio - обновление innovare - обновлять] - 1) введение чего- л. нового; нововведенная вещь; модернизация; реформа; 2) экон. (чаще мн.ч.) вложение средств в новую технологию, новые формы организации труда и управления, охватывающие не только отдельное предприятие, но и их совокупность, отрасль; 3) лингв. новообразование, новое явление в языке, обычно в области морфологии, возникшее в данном языке в более позднюю эпоху его развития; также новация».

Это понятие впервые появилось в научных исследованиях в XIX в. и означало введение некоторых элементов одной культуры в другую. В начале XX в. возникла новая область знания, инноватика - наука о нововведениях, в рамках которой стали изучаться закономерности технических нововведений в сфере материального производства. Педагогические инновационные процессы стали предметом специального изучения на Западе примерно с 50-х гг. и в последнее двадцатилетие в нашей стране.

Многие исследователи связывают понятие «образование» с такими терминами как обучение, воспитание, развитие. В толковых словарях толкование термина «образование» производится от значения глагола «образовывать», т.е. создавать, формировать или развивать нечто новое. «В широком смысле создавать новое - это и есть инновация. Таким образом, образование в своей основе уже является инновацией».

Нынешняя концепция реформы и модернизации образования Узбекистана, все трудности ее реализации возлагает на образовательные учреждения, предоставив им возможность не только самостоятельного ведения финансово-хозяйственной деятельности в сфере образования, но и ответственности.

Реализация национального образовательного проекта предполагает решение следующих задач: повышение качества образования, внедрение профильного и дистанционного обучения, новых информационно-коммуникационных технологий в учебный процесс и процесс управления, обеспечение материальной базы, новые принципы финансирования и самостоятельного управления. Инновационный характер образования призван обеспечить его конкуренцию с другими социальными институтами.

В современной социально - экономической ситуации позитивная ориентация молодежи на получение образования представляется особо важной, для формирования ее следует использовать не только содержание, но и формы, технологии обучения. Развитие новых методов, форм образования становится насущной необходимостью. Говоря о повышении качества, доступности, эффективности образования, его непрерывном и инновационном характере, не следует забывать о том, что это важные факторы, обеспечивающие национальную безопасность Узбекистана, рост благосостояния наших граждан.

Инновации в экономическом образовании, в первую очередь, должны быть направлены на создание личности, настроенной на успех в любой области

приложения своих возможностей. Под педагогическими инновациями следует подразумевать целенаправленное, осмысленное, определённое изменение педагогической деятельности (и управления этой деятельностью) через разработку и внедрение в образовательных учреждениях педагогических и управленческих новшеств: нового содержания обучения, воспитания, управления; новых способов работы, новых организационных форм и пр.

Соответственно, развитие инновационных процессов можно рассматривать как способ обеспечения модернизации образования, повышения его качества, эффективности и доступности. Под инновациями в образовании понимается «процесс совершенствования педагогических технологий, совокупности методов, приемов и средств обучения».

В образовательной деятельности принято выделять следующие виды инноваций:

- внутрипредметные инновации: т.е. инновации, реализуемые внутри предмета, что обусловлено спецификой его преподавания. Примером может служить переход на новые учебно-методические комплексы и освоение авторских методических технологий;
- общеметодические инновации: к ним относится внедрение в педагогическую практику нетрадиционных педагогических технологий, универсальных по своей природе, так как их использование возможно в любой предметной области. Например, разработка творческих заданий для учащихся, проектная деятельность и т.д.; административные инновации: это решения, принимаемые руководителями различных уровней, которые, в конечном счете, способствуют эффективному функционированию всех субъектов образовательной деятельности;
- идеологические инновации: эти инновации вызваны обновлением сознания, веяниями времени, являются первоосновой всех остальных инноваций, так как без осознаний необходимости и важности первоочередных обновлений невозможно приступить непосредственно к обновлению.

В настоящее время инновационная педагогическая деятельность является одним из главных компонентов образовательной деятельности любого учебного заведения, поскольку создает основу для создания конкурентоспособности того или иного учреждения на рынке образовательных услуг, определяет направления профессионального роста педагога, его творческого поиска, реально способствует личностному росту воспитанников. Поэтому «... инновационная деятельность неразрывно связана с научно-методической деятельностью педагогов и учебно-исследовательской воспитанников».

Существующая в современной педагогической науке проблема эффективности инновационной деятельности - это во многом следствие непонимания, искажения сущности самого термина «инновация». Инновация - это новое, призванное обеспечить постепенное развитие, усовершенствование системы, переход ее в качественно новое состояние в существующих условиях. Инновации осуществляются за счет ресурсов самой системы и направлены на

ее полное изменение - в этом их принципиальное значение. Они не исчерпываются только отрицанием старого, общепринятого, консервативного, предполагая целенаправленный характер нововведений и их ориентацию на стабильность.

Инновации в образовании внедряются непосредственно в организацию учебного процесса, в учебные программы и методики. Изменения могут коснуться характера педагогической деятельности, системы финансирования и оценки качества образовательных услуг. В настоящее время назрела необходимость очередного поиска перспективных направлений развития образовательной системы.

По мнению ученых, инновация - это «внедренное новшество, обладающее высокой эффективностью». Является конечным результатом интеллектуальной деятельности человека, его фантазии, творческого процесса, открытий, изобретений и рационализации в виде новых или отличных от предшествующих объектов. Они характеризуются введением на рынок совершенно новых продуктов интеллектуальной деятельности человека, обладающих более высоким научно техническим потенциалом, новыми потребительскими качествами, которые со временем в свою очередь становятся объектом для совершенствования.

Инновационные методы - методы, основанные на использовании современных достижений науки и информационных технологий в образовании. Они направлены на повышение качества подготовки путём развития у студентов творческих способностей и самостоятельности (методы проблемного и проективного обучения, исследовательские методы, тренинговые формы, предусматривающие актуализацию творческого потенциала и самостоятельности студентов). Инновационные методы могут применяться как в традиционной, так и в дистанционной технологии обучения»

L.A. Ismoilov, TDIU

Ta’limda axborot texnologiyalaridan foydalanish

XXI asr - axborotlashtirilgan jamiyat sari asrida axborot texnologiyalarning roli va o‘rni kundan-kunga o‘sib boraveradi hamda har bir jabhaning ajralmas qismiga aylanib boradi. Bugungi kunda hayotimizni axborot-kommunikatsiya texnologiyalarisiz tasavvur etib bo‘lmaydi.

Respublikamizda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi va udan milliy iqtisodiyotning barcha tarmoq va sohalarida qo‘llash masalalariga katta e’tibor berilmoqda. Jumladan, Prezident I.A. Karimov quyidagilarni ta’kidlagan: “Iqtisodiyotimiz va jamiyatimiz hayotida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining alohida va muhim o‘rin tutishini hisobga olib, 2013-yilda 2013-2020-yillarda O‘zbekiston Respublikasining Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini rivojlantirish kompleks dasturi qabul qilindi. Ushbu dastur doirasida amalga oshirilayotgan loyihalar 2014-yilda mamlakatimizda barcha avtomat telefon stansiyalarini raqamli tizimga o‘tkazishni yakunlash uchun zamin yaratdi. Bu esa

xalqaro axborot tarmoqlaridan foydalanish tezligini sezilarli darajada oshirish imkonini berdi[36]".

O‘zbekistonda ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini (AKT) qo‘llash bo‘yicha keng qamrovli ishlar olib borilmoqda va uning huquqiy va me'yoriy asoslari yaratilgan. Jumladan:

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2002-yil 30-maydagi "Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot texnologiyalarini joriy etish to‘g‘risida"gi PF-3080 sonli Farmoni;

- O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2002-yil 6-iyundagi "Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi 200-sonli qarori;

- O‘zbekiston Respublikasining 2003-yil 11-dekabrda qabul qilingan "Axborotlashtirish to‘g‘risida"gi Qonuni;

- O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2005-yil 8-iyuldagi "Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi PF 117-sonli qarori;

- Xalq ta'limi vazirligi tomonidan 2004-yil 12-oktyabrda qabul qilingan "Ta'lim muassasalarini yagona axborot makoniga aylantirish, integratsiyasini chuqurlashtirishni hisobga olgan holda zamonaviy maktabni jihozlash Kontseptsiyasi";

- O‘zbekiston Respublikasiyning Osiyo taraqqiyot banki bilan hamkorlikda amalga oshirayotgan "Ta'lim sektorini rivojlantirish dasturi" hamda "Umumta'lim maktablariga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish" loyihalari;

- Xalq ta'limi vazirligining 2006-yil 3-avgustdagi "2006-2007-o‘quv yillarini "Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari kadrlarni salohiyatini oshirish o‘quv yili" deb nomlash to‘g‘risida"gi 6/5-sonli buyruqlari va boshqalar.

Yuqorida qayd etilgan konsepsiyalar, loyihalar ta'lim jarayonida AKT ni qo‘llash va bu orqali ta'lim sifati va samaradorligini oshirishga qaratilgan.

O‘zbekistonda axborotlashtirish jarayonida uning ham jamiyat, ham shaxsning o‘rni beqiyosdir. Axborotlashtirish har bir istagan sohasini tubdan o‘zgartirish qobiliyatiga ega. Bunday sharoitda jamiyatdagi har bir shaxsning barkamollik sari intilishlari ro‘yobga chiqadi. Chunki kerakli axborotlarni o‘z vaqtida olish bilan birga ulardan to‘g‘ri foydalana olish insonni ijtimoiy jihatdan rivojlanishiga sabab bo‘ladi.

Respublikamizning barcha Oliy va o‘rta maxsus ta'lim muassasalari, maktab va maktabgacha ta'lim muassasalari, maxsus maktab-internatlarda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish keng joriy etilmoqda. Shuningdek, barcha darajadagi ta'lim muassasalari "ZiyoNet" jamoat ta'lim axborot tarmog‘iga ulangan bo‘lib, o‘qituvchilar, talabalar va o‘quvchilar undan samarali foydalanish uchun sharoitlar yaratilgan.

"O‘zbekistonda elektron kitob (Jet Book)lardan foydalanish" loyihasi esa o‘quvchilarning kitobga bo‘lgan qiziqishini oshirmoqda. Ta'lim muassasalarining veb-saytlari yaratilib, mazkur muassasalarda amalga oshirilayotgan ishlar,

[36] Karimov I.A. 2015-yilda iqtisodiyotimizda tub tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirish, modernizatsiya va diversifikatsiya jarayonlarini izchil davom ettirish hisobidan xususiy mulk va xususiy tadbirkorlikka keng yo‘l ochib berish – ustuvor vazifamizdir. –T.: O‘zbekiston, 2015. - 9 bet.

o‘tkazilayotgan ma’naviy-ma’rifiy tadbirlar, o‘qituvchilar tomonidan yaratilayotgan elektron darsliklar ushbu veb-saytlarga joylashtirilib borilmoqda. O‘z navbatida ana shunday yo‘nalishda o‘zaro tajriba almashish (masalan “O‘rgan-o‘rgat” tadbiri) ishlari yo‘lga qo‘yilmoqda. Bu ham albatta ta’lim sohasida axborot texnologiyalarini rivojlantirish borasida olib borilayotgan ishlarning samarasidir.

Ta’lim jarayoniga axborot texnologiyalarini olib kirish zarurati XX asrning 70-80 yillaridan boshlab dars metodlari va shakllarini o‘zgartirish, yangilik kiritishdan boshlandi. Nostandart darslarga axborot texnologiyasini (kompyuter, filmoskop, kodoskop va h.k.) va pedagogik texnologiyalarni qo‘llash bilan takomillashtirib borilmoqda.

Globallashuv jarayoni ta’limda zamonaviy AKT dan keng foydalanishni talab etadi. O‘qitishning zamonaviy usullari va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llamasdan turib, o‘qituvchi o‘z kasbiy faoliyatida samarali natijalarga erisha olmaydi. Ammo bu jarayonlarda ta’limning maqsad va mazmuni, usul va vositalari hamda tashkiliy shakllarini to‘g‘ri tanlash muhim ahamiyatga ega.

Axborot texnologiyalari qo‘llanadigan darslarning qulayligi shundaki, unda o‘quvchining o‘quv materiallarini o‘zlashtirib olayotganligini doimiy ketma-ket kuzatishga, nazorat olib borishga, kerak hollarda tuzatishlar kiritib borishga imkoniyat yaratiladi.

Shuning uchun ham axborot texnologiyalari asosidagi darslarda qiziqish, o‘zini-o‘zi boshqarish, yangi bilimlarni o‘zlashtirib borishga intilish dars oxirigacha saqlanib qoladi. Bunday darslarda o‘quvchining bilim olish motivatsiyasi oshib boradi.

Axborot texnologiyalarining ta’lim jarayoniga kirib kelishi bilan “Inson va kompyuter” muammosi markaziy muammolardan biri bo‘lib qolmoqda. Ta’lim jarayoni - axborot, ayniqsa, uning oliy shakli bo‘lmish bilimlarni ishlab chiqarish, saqlash, qayta ishlash va amalga oshirish jarayonidir. Bu jarayonning to‘g‘ri, maqsadli tomonga qaratilgan yo‘nalish, imkoniyatlarini topishga to‘g‘ri keladi.

O‘quv jarayoni axborotni taqdim qilishdek alohida va muhim funksiyani bajarishi lozim. Bu jarayonda “inson-inson” va “inson- kompyuter” o‘rtasidagi aloqa bog‘lovchi vosita “axborot” hisoblanadi. Ta’lim sohasining asosiy resursi – axborotdir, shuning uchun axborot tushunchasiga kengroq to‘xtalib o‘tamiz.

Axborotlar ustida ish olib borish, ularni uzatish va foydalanuvchiga axborotlarni yetkazish AKT orqali amalga oshiriladi. Bunda kompyuter va inson o‘rtasida o‘zaro kommunikatsiya o‘rnatiladi. Shuni ta’kidlab o‘tish lozimki, pedagogik jarayonda kommunikatsiya ushbu jarayonning eng muhim tashkil etuvchi qismi hisoblanadi.

Ta’lim jarayoni – avvalo axborot almashinish jarayonidir. O‘qituvchi o‘quvchiga bilimlarni ma’lum qiladi (tegishli axborot beradi) va o‘z navbatida teskari aloqa tarzida undan bayon qilingan bilimlar qanday o‘zlashtirilganligi haqida tasavvur hosil qiladigan axborot oladi. Bu axborot o‘quvchilarning diqqat bilan o‘tirishlarida, o‘qituvchiga qarab turishlarida, yuz ifodalarida o‘z aksini topadi. Agar teskari aloqa bo‘lmaganda edi, o‘qituvchi bergan axborotining o‘quvchilar tomonidan qanday qabul qilinayotganini bilmagan bo‘lar edi. Teskari aloqa o‘qituvchiga o‘z

nutqini davom ettirish yoki to‘xtatish, ish turini o‘zgartirish, umuman, faoliyatini korrektura qilish imkonini beradi.

Ta’lim-tarbiyada axborot tizimlarining asosiy vazifalari – bu o‘rganilayotgan ob’ektga tegishli barcha axborot resurslarini eng maqbul boshqarish usullari yordamida iste’molchiga kerakli bo‘lgan axborotlarni ishlab chiqish va ulardan ta’lim ob’ektni boshqarishda foydalanish uchun axborotli va texnikaviy ta’minot muhitini yaratishdir. Axborotlarni avloddan-avlodga uzatishning ahamiyati ta’lim-tarbiya ishining ahamiyati bilan hamohangdir.

Axborot texnologiyalari (AT) – tizim masalalar yechimini topish maqsadida axborotlarni yig‘ish, qayta yig‘ish, qayta tiklash, saqlash, ifodalash, tizimlash, uzatish va uni iste’molchiga foydalanishga qulay holga keltirish jarayonini kompyuter va telekommunikatsiya vositalari yordamida amalga oshiriladigan, tartibga solingan amaliy dasturlar majmuasidir.

Кат. ўқит. Н.З. Исмоилова,
Ё.Рахимова., Д.Мирзаева, Низомий номидаги ТДПУ

Боланинг таълим жараёнига тайёргарлигини аниқлашнинг психологик жиҳатлари

Болани мактаб таълимига психологик тайёрлаш муаммоси ҳаракатлар, иш шароитидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин.

Айниқса, қулай шароитлар апрель-май ойларида текширувлар болалар боғчаларида ўтказилганида юзага келади. Натижада боланинг психик ривожланиши тўғрисидаги карта тўлдирилади ва тиббиёт картаси билан биргаликда сақлаш учун мактаб психологига топширилади.

Текширув ўтказиш вақти (апрель - май) боғчадами- мактабдалигидан қатъи назар бирдек аҳамиятга эга. Бунинг моҳияти шундаки, бу вақтга келиб, бўлажак 1-синф 6 ёшлилари – 5 ёшу 6 ойликка тўлган бўладилар. Чунончи, бундан эртароқ тавсия этилган текширув дастурини ўтказиш мумкин эмас.

Бўлажак биринчи синф ўқувчисини болалар боғчасида текширувдан ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, бола ўзи мослашган муҳитда бўлади. Шундай қилиб, мактабга қабул қилишда “имтиҳон” деб номланган тадбирнинг ҳаяжонли таъсири иложи борича камаяди.

Болалар боғчасида текширув бир қабул давомида ўтказилиши, агар бола жуда секин ишласа ва жуда тез толиқадиган бўлса, икки қабул давомида ўтказилиши мумкин. Мактабда ҳам болалар чарчаб қолмасликлари учун, текширувни икки қисмга ажратиб ўтказган маъқул.

Деярли барча текширувлар биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам ота-она гувоҳлигида ўтказилади. Фақатгина “Уйча” ва “Ақлий англаш”, ёки “Ўйин мотивларининг устунлигини аниқлаш” методикаси бундан мустасно. Бу методикаларни ўтказиш чоғида бола чалғимаслиги учун ота-оналар қатнашмайдилар. Бошқа топшириқларни бажариш вақтида, яъни боланинг нафақат мактабга тайёргарлиги, айниқса гимназия, лицейга танлаш ҳақида сўз бораётган бўлса, ота-онанинг иштироки қўллаб – қувватланади. Ота-оналар шахсан уларнинг болаларига ҳеч қандай мураккаб топшириқлар

берилмаганлиги ёки оддий саволлар билан мурожаат этилганлигини кўрганларидагина фарзандларининг мактаб талабига жавоб бера олмагани ва мактабга қабул қилинмаганлигига болага нисбатан ноҳақ хулоса чиқарилмаганлигига қарши эътироз билдира олмайдилар. Кейинроқ синалаётганларга "Этикчалар" ва "Воқеалар тартиби" методикаси қўлланилади.

Мураккаблаштирилган дастур асосида таълим берувчи мактабларга болаларни танлашда текширувнинг иккинчи босқичи ўқитувчилардан ташкил топган кичик комиссия иштирокида ўтказилади. Ота-оналар ўз болаларининг қаршисида эмас, балки, унинг ёнига маълум бир масофада хаммасини кўриб, эшитиб, лекин халақит бермаслик учун ўтирадилар. Бола билан психолог фаолият олиб боради. Ўтказилаётган текширув якунлангач, танлов комиссияси ўз қарорини шу ёшдаги барча болалар суҳбатдан ўтказилгач, текширув натижалари асосида ота-оналарга эълон қиладилар. Агар текширув мактабга қабул қилишда болаларни танлаш мақсадида ўтказилмай, балки уларнинг психик ривожланишини ўрганиш бўлса, у ҳолда текширувнинг иккинчи босқичида комиссиянинг иштироки шарт эмас.

Суҳбат ўтказиш чоғида бола билан дўстона алоқа ўрнатиш зарур. Барча топшириқлар бола томонидан ўйин сифатида қабул қилиниши керак. Ўйин муҳити болаларнинг хаяжонланмасликларига, ўзларини эркин тутишларига ёрдам беради. Агар бола безовта, жавоб беришга қўрқса, тажриба ўтказувчи эмоционал ёрдам бериши керак. Вазифаларни бажариш давомида унга доимо ҳаммасини тўғри ва яхши бажараётганлиги ҳақида билдириб туриши лозим. Барча вазифаларни бажариш ниҳоясига етгач, зарурат туғилганида текширув натижалари асосида ота-оналарга қолган вақти ичида болани мактабга нечоғли яхши тайёрлаш юзасида тавсиялар берилади.

Мактабга психологик тайёргарликни аниқлашга қаратилган текширув натижалари боланинг психик ривожланиши картасига қайд этилиши керак. Болани мактабга психологик тайёргарликка мўлжалланган карта "Мактаб психологик хизмати" китобида батафсил ёритилган. Биринчи саҳифада бола ҳақидаги умумий маълумотлар, исми шарифи, туғилган йили ва санаси, оиласи ҳақида, синфи тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади. Сўнгра "Бола билан олиб борилган ишлар жамланмаси ҳақидаги маълумотлар" жадвали берилган. Бу жадвал ўқувчининг мактабда ўқиган даври мобайнида тўлдириб борилади. Жадвал қуйидаги рукнларга эга:

1. Сана.
2. Олиб борилган текширув ёки бошқа иш турларининг сабаблари
3. Тадбирнинг мақсади ва натижа.
4. Кейин ўтказиладиган ишлар юзасидан масалалар.

Шундан сўнг бола билан олиб борилган ишларнинг аниқ натижалари берилган бўлимлар келади:

1. Аввалги босқичларда ривожланиш таълим –тарбиянинг ўзига хос томонлари ҳақидаги маълумотлар.
2. Соғлиғи ҳақида маълумотлар.
3. Диагностик (ташхис) ишларининг ўтказилиши ҳақида маълумотлар (қўлланилган усуллар, натижалар).

4. Психокоррекция ва ривожлантирувчи ишлар ҳақида маълумотлар.

5. Педагог билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар ҳақида маълумот (ўқитувчилар билан бўлган суҳбатнинг ёзма нусхаси, уларнинг бола шахсига берган тавсифи, психолог тавсиялари, биргаликда қабул қилинган қарорлар, қарор ва тавсиялар бажарилишининг натижалари таҳлили).

6. Ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш ҳақидаги маълумотлар (Ота-оналар билан ўтказиладиган суҳбатлар, психолог томонидан берилган тавсиялар, биргаликдаги қарорлар бажарилиши натижалари ва таҳлили).

7. Психолог томонидан бола ҳақида учинчи бир шахсларга берилган хулосаларнинг нусхаси.

8. Психологнинг бола тўғрисидаги бўлмаган саволларига жавобан олинган мутахассисларнинг хулосалар

9. Қўшимча маълумотлар.

Психологик маълумотларнинг ошкора бўлмаслиги учун картани шифрлаш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолда умумий маълумотлар берилган биринчи варақ алоҳида сақланади. Психологик картанинг бошқа варақлари сингари унда ҳам психологда сақланадиган калит ва шифр кўрсатилади. Маъмурият ва педагоглар картада келтирилган маълумотлардан фақат психолог билан келишган ҳолда фойдаланишлари мумкин. Ўқувчининг бошқа таълим муассасасига ўтиши муносабати билан карта ўша ўқув масканининг психологига берилиши мумкин.

Мактабга қабул қилишда боланинг психологик текширувдан ўтказилишидан мақсад махсус ривожлантириш ишларини олиб борилиши лозим бўлган болаларни аниқлашдан иборат. Шу маънода текширув ўтказилаётган пайт психологик картада боланинг ривожланишини акс эттирувчи барча рукнлари тўлдирилиши керак ва улар билан ташкил қилинадиган ривожлантирувчи ишлар режасини белгилаб олиш зарур.

Агар психолог ривожланишига кўра, ўз тенгдошларидан анча илгарилаб кетган болани аниқласа, картани тўлдириш вақтида келтирилган юқоридаги талаблар унга ҳам тегишли бўлади. Шуни алоҳида таъкиджлаш керакки, ўрта даражадаги ўқувчига мўлжалланган ўқув дастури унинг ривожланиши тезлигига салбий таъсир этмаслиги учун бўлажак ўқувчи шахсига индивидуал муносабат лозим бўлади.

Яна бир бор таъкидлаймизки, мактабга тайёргарликни аниқлашнинг мазмуни таълимга етарлича тайёр бўлмаганларни аниқлаш эмас, балки таълимда ўқувчига алоҳида муносабатни таъминлашдир.

Магистри М.М. Каримова, ТДИУ

Туроператор хизмати ва унинг халқаро туризм менежментини ривожлантиришдаги истиқболлари

Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимида тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон

мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Бугунги кунда юртимизда 1100 дан ортиқ сайёҳлик ташкилотлари мавжуд. Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб, сервис хизмати яхшиланиб бораяпти.

Жаҳон саёҳат ва туризм кенгашининг 2015 йилги тадқиқотида республикамизнинг сайёҳлик соҳаси жадал ривожланаётган беш давлатнинг бири сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, халқимизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Туристик хизматларни амалга оширишда биринчи навбатда туроператор ва турагентлар асосий вазифани бажарадилар. Туроператорлар ўз корхонасининг спецификаси бўйича туристик маҳсулотни асосий қилиб қўяди, ўз турларининг умумий фирма асосий каталогини нашр этади, турларнинг улгуржи савдосини олиб боради ва сотилган турлардаги туристларга хизмат қилишни таъминлайди. Қоида бўйича харидорларга турларнинг сотилиши туроператорнинг асосий вазифасига кирмайди. Лекин ҳар бир корхона ўз маҳсулотининг кейинги сотилиши билан қизиқади. Шунинг учун туроператор туристик фирма фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб, туристик маҳсулотнинг кейинги сотилишигача бўлган даврдаги жўнатилиши ҳисобланади. Бу масала товар сотадиган тармоққа бориб тақалади, туристик маҳсулот ишлаб чиқарувчидан яширин ҳолда харидоргача кузатилади. Товар сотадиган тармоқнинг шаклланиши перспектив шерикларни топиш бўйича қидирувни, уларнинг иш сифатларини ўрганиш, битим тузиш ва ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кейинги вазифаларни ўз ичига олади. Сотув ҳар қандай кўринишда ва шаклда ҳар доим инглизча «Р» ҳарфи билан бошланувчи; «маҳсулот», «режалаштириш», «жой», «инсонлар», «нархлар», «жўнатиш», «жараён» каби еттита бозор атамаларининг ғарбдаги стандарт кетма-кетлигига риоя қилиш зарур. Яъни бу маҳсулот туристик фирма фаолиятининг стратегик режалаштириш асосидаги масалани ўрганиш билан мос равишда ишланган, керакли жойга таклиф этилган, харидорларнинг аниқ сегментларига маъқул келадиган нархлар бўйича тўғри йўналтирилган, сифатли бажарилувчи вазифа билан тўғри тақдим қилинган ва амалга оширилган.

Туроператор ўз фаолиятида қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиши лозим:

-турларни сотишдаги мавжуд ташриф буюрувчиларни маълумот-ахборот стендлари, оғзаки хабарлар, нашр қилинган маълумотлар (маълумотномалар, брошюралар, каталоглар оркали) билан таъминлаш;

-чет элдаги туристик фирмаларига тегишли ҳар қандай бошқа маълумотни тарқатиш;

-фирма томонидан урнатилган шакл бўйича турни банд қилиш учун ташриф буюрувчилардан талабномалар қабул қилиш;

- ташриф буюрувчиларнинг банд қилиш учун берган талабномаларини, хорижий визаларни расмийлаштириш учун чет эл паспортларини кабул килиш, бу паспортларнинг хакикийлигини текшириш;

-клиентни турнинг харид килиш ва сотиш шартлари, ундан ташкари

«Туристларнинг чет элга чиқишларининг умумий шартлари» билан таништириш;

-клиентдан тур ҳақининг авансини ёки бутун тўловини белгиланган вақтда олиш;

-клиент билан уни туристик саёҳати вақтида суғурта қилиш масаласида келишув;

-клиентга чет эл паспорти билан хорижий визани ва зарур туристик ҳужжатларини (ваучерни, авиабилетларни) бериш, уни барча сафар деталлари билан саёҳат хусусиятлари ҳақидаги эсдаликлардан хабардор қилиш;

-клиентга сотилган турдаги мавжуд узгаришлар хакида (жунаб кетиш санасининг кучирилиши хакида, дастур ва маршрутнинг узгариши хакида, турни бекор килиш хакида ва бошкалар) шошилинч хабарларни етказиш ва у билан бу масалада келишиш;

-клиентдан ўзгаришлар (сафарни рад этиш ёки маршрутни алмаштириш хакида ва бошкалар) ҳақида аризалар олиш ва тегишли чораларни кўриш;

-туристлар учун аризалари бўйича чет элга жўнаб кетиш пайтида автотранспортни аэропортга келиши ёки кайтишда аэропортдан кетиши учун қўшимча ҳақа буюртма;

-хорижга чиқишда меҳмонхоналарни банд қилишда бошқа шаҳарлик туристларга ёрдам бериш;

-клиентлардан шикоятлар қабул қилиш.

Учинчи минг йиллик бошида халқаро туризм ривожланишида қуйидаги асосий тенденциялар пайдо бўлади:

- туризмнинг ҳар бир кўринишида бир текисда ўсиш кузатилади;
- аёвсиз рақобатчилик муҳити туризм индустриясидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишни талаб қилади;
- бозорда истеъмолчилар танловида табақаланиш юзага келади;
- аҳолининг икки қатлами – ёши ўтганлар ва ёшлар қолганларга нисбатан дам олишда фаолроқ қатнашадилар;
- ахборот технологияларининг бу хилда ривожланиши туристик маҳсулотларни сотишнинг анъанавий усулларини камайтиради;
- оила бюджетидан саёҳат ва дам олишларга кўпроқ миқдорда пул ажратила бошланади;
- туристик маҳсулотлар бозордаги ўз аҳамиятларини ошириш учун қўшимча турдаги хизматлар ишлаб чиқа бошлайди;
- дунё иқтисодиётининг глобаллашуви туризм индустриясида ҳам корпорация, альянс ва бошқа хилдаги уюшмалар ташкил топишини тақозо этади;

Мазкур жабҳада туроператор узлуксиз ишлашини ва туристик маҳсулотнинг “мослашувчанлик” принципига риоя қилинишини таъминлаш, фирманинг ҳар бир ходими маълум сабабларга кўра ишда бўлмаган йўналиш менежери вазифасини малакали бажариши учун барча технологик ҳужжатлар “тур папкаси”га ёки “маршрут папкаси”га жамланади.

Ст. преп. М.О. Комилова,
ТМА

Метод проектов в обучении

Метод проектов помогает учителям разнообразить процесс обучения, заинтересовать учащихся и предоставить им возможность порадоваться реальным результатам. Речь идёт об организации учебного процесса таким образом, чтобы учащиеся могли принимать активное участие в планировании учебной и практической деятельности; могли высказывать свои идеи, при реализации которых они обучаются выполнению различных профессиональных ролей и публичному представлению результатов своей работы. Одной из черт проектного обучения или занятий с использованием метода проектов является попытка объединить знания из разных областей с теми явлениями, с которыми учащиеся сталкиваются в повседневной жизни.

Популярность метода проектов связана именно с тем, что он позволяет преодолеть фрагментацию знаний и часто встречающуюся отстраненность обучения от жизненных реалий. Проектное обучение основное внимание уделяет, прежде всего, опыту учащихся. Эта идея исходит из предположения, что обучение является более эффективным, когда выбираются такие методы, которые позволяют учащимся применять усвоенные знания в реальных ситуациях. Благодаря тесной связи с реальной жизнью такой способ обучения более интересен учащимся, и они более мотивированы к обучению. Также пробуждается их естественный интерес к обучению. Этот метод обучения может внести значительный вклад и в приобретение ключевых компетенций, на которые ориентировано образование.

Какие черты должен иметь урок, чтобы можно было говорить о проекте?

• Прежде всего, решается одна конкретная проблема; поставлены четкие и конкретные цели проекта.

• Проект осуществляется в четко определенный период времени (один или несколько уроков, неделя, и т.д.).

• Созданы такие ситуации, в которой учащиеся должны проявлять инициативу.

• Ход реализации проекта и его окончательные результаты оцениваются.

• Проект обязательно связан с практикой, с реальной жизнью.

• Учитель выступает скорее в роли координатора, консультанта, вдохновителя.

• Темы выбраны так, чтобы они мотивировали учеников.

• Всегда, когда мы думаем о проекте, мы должны спросить себя, является ли эта тема приемлемой для метода проектов, или же было бы лучше использовать другие методы.

Преимущества проектного обучения:

• соединяет знания из различных предметов, помогает видеть явления в контексте;

• помогает задействовать чувственное восприятие и опыт учеников;

• способствует индивидуализации;
• мотивирует и активизирует ученика;
• тесная связь с реальной жизнью;
• развивает рабочие и учебные навыки ученика;
• позволяет учащимся работать в командах и группах.

Метод проектов часто не ограничивается одним аудиторным занятием (могут быть задействовано несколько занятий) и предполагает большой объем внеаудиторной совместной работы студентов.

Варианты проектного метода

Вариант I

Этапы проведения

1. Учащийся определяет интересующую его тему, с которой он принимается в малую группу, где эта тема избрана.

2. Учащиеся планируют совместную работу по выполнению учебного задания, а так же осуществляют разделение труда.

3. Учащиеся проводят исследование. Они собирают информацию, анализируют данные, получают заключения, обмениваются полученными данными. Внутри группы

каждый ее участник исследует свою часть, собирая необходимый материал, предоставляет его в группу, и далее на основе собранных частей формируется общий

доклад группы.

4. Члены группы готовят окончательный отчет.

5. Проведение презентации.

6. Учащиеся участвуют в оценивании проделанной ими работы.

Вариант II

Этапы проведения

1. Каждая малая группа учащихся для изучения получает тему. Учащиеся малой группы должны проанализировать ее и разбить на минитемы.

2. Каждый участник малой группы индивидуально изучает минитему и готовит о ней минидоклад, который представляет своей малой группе.

3. Каждая малая группа затем синтезирует эти минитемы в общую групповую презентацию перед всей учебной группой.

Вариант III

Этапы проведения

1. Каждая малая группа учащихся проводит мини-исследование.

2. Собирает эмпирический материал.

3. Проводит статистическую обработку результатов исследования.

4. Формулирует новизну полученных результатов.

5. Оформляет исследование в виде доклада.

6. Проводит «процедуру защиты» основных положений и результатов исследования

перед специальным экспертным советом.

Ст. преп. Курбанова Г.А.,
Мирзо-Улугбекский профессиональный колледж информатики

Использование информационных и коммуникационных технологий в учебном процессе

Постоянный процесс обогащения человека знаниями в современных условиях приобрел принципиально новые черты, обусловленные возрастающей ролью науки в жизни общества. Теперь он не стал сводиться лишь к пополнению имеющихся знаний и навыков практическим путем. Решающую роль приобретает процесс обогащения людей научными знаниями и умением их практически применять.

Наиболее глубоко возрастающая роль знаний, информации в общественном развитии отразилась в концепциях информационного общества, становления информационной цивилизации. На сегодняшней день роль информационных технологий в обществе чрезвычайно важна и они занимают центральное место в процессе интеллектуализации общества, развития его системы образования и культуры. В связи с этим в Республике Узбекистан в системе образования большое внимание уделяется компьютерной грамотности подрастающего поколения. За последние 5 лет в академических лицеях республики количество компьютерных классов вырос на 16,8 %, соответственно компьютерных единиц стало на 23,7 % больше. На сегодняшний в среднем на один академический лицей приходится 30 компьютеров. Но тем не менее, существуют и некоторые проблемы. Например 5 лет назад численность преподавателей информатики, академических лицеев составляло 668 человек, то их количество 2013/2014 учебном году составило 644 человек, что на 3,6 % меньше. А так же количество преподавателей с высшим образованием тоже сократилось на 0,3 %. Обеспеченность компьютером учащихся лицеев тоже желает лучшего, например 2009/2010 учебном году на 27 учащихся приходилось по одному компьютеру, то за последний учебный год приходится по одному компьютеру на 26 учащихся лицеев. Как мы видим, за эти годы компьютерная обеспеченность академических лицеев сильно не изменилась.

Ситуация в профессиональных колледжах немного другая, например численность преподавателей информатики за эти годы увеличилась на 22 %, из них количество преподавателей с высшим образованием выросло на 26,2 %. Если в 2009/2010 учебном году по одному компьютеру приходилось на каждые 44 учащихся, то за последний учебный год этот показатель составил 41 человек.

В Республике Узбекистан образованию в ВУЗах отводится особое внимание. На сегодняшний день в Республике существуют 64 государственных и 6 зарубежных ВУЗов. В них готовится высоко квалифицированные специалисты на двух ступенчатой основе. В высших учебных заведениях действуют 1014 компьютерных классов, что на 10,6 % больше чем 2009/2010 учебном году. Если 5 лет назад на каждые 25 студента приходилось по одному компьютеру, то на сегодняшний день на каждые 19 человек приходится по

компьютеру. Как видно из приведенных данных можно судить о положительной тенденции в системе высшего образования.

Система образования и наука являются одним из объектов процесса информатизации общества. Усиление роли знаний, информации в общественном развитии, постепенное превращение знаний в человеческий капитал принципиально изменяют роль сферы образования в структуре общественной жизни современного мира. Исходя из этого, можно отметить, что стремление активно применять современные информационные технологии в сфере образования должно быть направлено на повышение уровня и качества подготовки квалифицированных кадров. Применение в сфере образования ИТ должно быть направлено на реализацию следующих задач:

1) поддержку и развитие системности мышления обучаемого;

2) поддержку всех видов познавательной деятельности человека в приобретении знаний, развитии и закреплении навыков и умений;

3) реализацию принципа индивидуализации учебного процесса при сохранении его целостности.

С настоящее время стремительно растет число преподавателей вузов, использующих в своей деятельности информационные и телекоммуникационные технологии. При этом такие технологии применяются не только при проведении занятий со студентами, но и в организационной, научно-методической и вне учебной деятельности самих преподавателей.

Качество образовательного процесса выходит на принципиально другой уровень в случае использования при проведении лекционных занятий мультимедийных технологий. Сочетание визуального и слухового восприятия информации позволяет лучше понимать изучаемый материал, а также способствует улучшению запоминания и воспроизведения информации. Но стоит отметить, что такие простейшие мультимедийные возможности как аудиозаписи и видео просмотр лекций становятся неэффективными и постепенно уходят в прошлое. Им на смену приходят презентации, электронные учебники, обучающие программы, тренажеры, программные средства тестирования и контроля уровня знаний и т.д.

Современному педагогу недостаточно просто овладеть той или иной информационной технологией. Необходимо выделить и наиболее эффективно использовать те ее особенности и возможности, которые могут в какой-то мере обеспечить решение указанных выше задач. Проблема информатизации образования и применения новейших (мультимедийных) технологий в обучении, прежде всего, зависит от человеческого фактора, то есть от того, как воспримут предлагаемые новшества преподаватели.

Образовательный опыт Узбекистана показывает, что у педагогических кадров недостаточно знаний в области информационных технологий, практика тьюторства в образовательной среде не достаточно развита. Главной же проблемой становится вовлечение преподавателей в новую методологию, которая основана на изменении характера взаимоотношений между преподавателем и студентами.

Преподаватели должны предварительно обучиться создавать электронные средства обучения, проектировать и производить мультимедиа -продукты, обучать посредством видеоконференций, создавать дидактические сайты в Интернет, управлять студентами в учебном процессе, используя нетрадиционные средства, методы и технологии, по существу преподаватели должны обучиться новому языку, новому способу знаниевой коммуникации.

Подводя итог, можно сказать, что в условиях модернизации современного образования, очень остро ощущается проблема усовершенствования подготовки и повышения квалификации преподавателей информатики, а так же решение проблем уместной и оправданной информатизации обучения, которая должна осуществляться комплексно и повсеместно. Кроме того, обучение корректному, оправданному и уместному использованию средств информационных и телекоммуникационных технологий должно войти в содержание подготовки преподавателей в области информатизации образования.

Н.А. Асқарова,
Тошкент тиббиёт академияси

Диққат етишмаслиги ва гиперактивлик синдромли ўқувчиларни ўқитишда таълим технологияларининг аҳамияти

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал инсонни тарбиялаш, таълим ва маърифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлоднивояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади”.

Зероки, И.А. Каримов ўзларининг ”Юксак маънавият енгилмас куч” асарларида “Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”, – деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Ҳозирги кунда ўзининг хулқ-атвори ва билиш жараёнларининг тараққиёти билан бошқалардан ажралиб турадиган диққат етишмаслиги ва гиперактив синдромли ўқувчиларнинг кўпайиши билан бир қаторда оилавий, ўқув -тарбиявий муаммолар ҳам ортиб бормоқда. Ушбу ҳолат эса диққат етишмаслиги ва гиперактивлиги синдроми мавжуд ўқувчиларга таълим-тарбия беришда янгича замонавий ёндашувни талаб этади.

Янги таълим технологияларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал психологик хусусиятларини, билиш жараёнларини ривожланганлик даражасини, унинг уқувчанлигини, ўқув мотивацияси ва эмоционал-иродавий бошқарув кўникмаларининг шаклланганлик даражасини ҳисобга олиш назарда тутилади.

Дарс вақтида ушбу тоифадаги ўқувчилар топшириқни бажаришлари қийин, чунки улар ишни ташкил қилиш ва тугатишга қийналадилар, топшириқни

бажариш жараёнида диққатлари тезда чалғийди. Уларнинг ўқиш ва ёзиш малакаси тенгдошлариникига нисбатан пастдир. Ёзувларидаги пала – партишлиги диққатнинг етишмаслиги, ўқитувчининг кўрсатмасини бажармаслик ёки ўйлаб топиш натижаси бўлмиш хатолар билан тавсифланади. Бунда болалар катталарнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларига қулоқ солишга мойил эмаслар.

Диққати танқис ва гиперактив синдромли болалар таълим олишга қийналадилар. Улардан кенг тарқалганларини кўриб чиқиш мумкин: биринчи ўринда ўқиш ва ёзувни эгаллашдаги қийинчиликлар туради; қизлар эса кўпинча ҳисоблашда қийналадилар. Ушбу қийинчиликлар умумий ўзлаштиришга салбий таъсир қилиб келйнчалик халақит беради. Уларда етакчи қўлни аниқлашда узоқ иккиланиш, нутқнинг бузилиши ва асабий учишлар (тики), хулқ-атворида масхаробозлик кузатилади. Баъзиларини коррекцион синфларга йўналтиришади, бироқ уларнинг интеллект даражаси оддий мактабда қолиш имконини беради. Гиперактив болаларни юқори синфларга ўтказиш муаммолидир: уларнинг баҳолари қониқарли бўлишига қарамай, ўқишга муносабатлари ва хулқ-атворлари мавжуд талабларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, кўп ўқитувчилар бундай болалар билан ишлашдан бош тортадилар.

Ушбу синдромли ўқувчиларни ўқитишда таълим технологияларини жорий этиш уларнинг қизиқиши, ўқув мотивациясини ривожлантириш, ақлий, маънавий-ахлоқий, руҳий ва жисмоний баркамоллигини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, дарсда янги таълим технологияларини қўллашушбу тоифадаги ўқувчиларда билиш қувончи, ўзидаги ижобий ўзгаришларни хис қилишни, ўзига ва ўз билимига ишончнинг пайдо бўлиши, ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилишни, ўзаро ҳамжиҳатликка асосланган қулай ижтимоий психологик муҳитни, ўқув ҳаракатларида фаолликни пайдо қилади.

Шунингдек, ўқув топшириқлари ва муаммони ҳал этишга оид индивидуал, гуруҳли изланишларда иштирок этиш, доимо ўз билимини бойитиш ва мустаҳкамлаш мақсадида мунтазам ва сидқидилдан меҳнат қилиш, ўзини, иқтидорини намоён этиш кўникмасини шакллантиради.

Диққати танқис ва гиперактив синдромли ўқувчиларнинг ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний, руҳий баркамоллигига эришишига, билимларни эгаллаш усуллари, ўзлаштирган билимларни янги, кутилмаган вазиятларда қўллашга ўргатишга, ўз устида мустақил ва мунтазам ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Н.Б. Атабоева, А. Қурбанбоев., Д.Зокирова,
Низомий номидаги ТДПУ

Таълим жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик ривожланиши

Мактабга бориш бола ҳаётида янги ёш даврига асос солади. Бу давр кичик мактаб ёши бўлиб, бу вақтда боланинг етакчи фаолияти ўқиш бўлади. шу боис, Л.С. Виготский кичик мактаб ёшида интеллектнинг жадал ривожланишини таъкидлаб ўтган. Тафаккурнинг ривожланиши ўз навбатида

идрок ва хотирага таъсир этиб, уларни бошқариладиган ихтиёрий жараёнларга айлантиради. 7-8 ёшдаги бола одатда аниқ нарсалар ҳақида фикрлайди. Ундан сўнг эса тафаккурнинг умумлаштириш ва абстракциялаш каби формал жараёнлари ривожланади. Ўрта бўғинга ўтгунга қадар ўқувчилар мустақил фикр юритишни, хулоса чиқариш, таққослаш, таҳлил қилиш, умумий ва хусусий белгиларни ажратиш, оддий қонуниятларни ўрната олишни ўрганиб олишлари зарур.

Агар 1-2 синф ўқувчилари ташқи белгиларга кўпроқ аҳамият берсалар, 3-4 синфга келиб, улар ўқув жараёнида тўплаган билимларига таянадилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи алоҳида предмет ва ҳодисанинг таҳлил қилишдан, кўплаб предмет ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик томон боради. Сабаб-оқибат тушунчаси кичик мактаб ёшидаги болаларда маълум даражада қийинчиликлар туғдиради. Кичик ўқувчига сабаб орқали оқибатни аниқлаш оқибатдан сабабни топишдан кўра осонроқдир. Бу тушунарли ҳолат бўлиб, сабабдан оқибатгача бўлган боғлиқлик тўғридан-тўғри эканлиги билан тавсифланади. Маълум фактларни тескари тартибда кўриш эса бола учун ҳали қийин бўлган турли омиллар таҳлилини талаб қилади.

Назарий тафаккурнинг ривожланиши, шунингдек, тушунчали тафаккур бошланғич таълим ишининг охирига келиб ривожланади, бу унинг бошқа одамларга ва ўз-ўзига бўлган муносабати, хулқ-атворини шакллантиради. Ўқув фаолияти таъсирида хотира 2 йўналишда ривожланади:

- мазмунли эсда сақлаш ва сўз-мантиқий хотиранинг роли кучаяди (кўргазмали-образли хотирага қараганда);

- бола ўз хотирасини бошқариш ва йўналтиришни ўрганади (эсда сақлаш, эсга тушириш, эслатиш).

Кичик мактаб ёшидаги болаларда биринчи сигнал тизимининг бирмунча устунлиги сабаб уларда кўргазмали-образли хотира бошқаларга нисбатан яхшироқ ривожланган. Болалар аниқ нарсалар: воқеа-ҳодисалар, юз тузилишлар, предметлар, фактларни тушунтириш ва аниқлаштиришларга нисбатан хотираларида яхшироқ сақлайдилар. Улар такрорлаш орқали эсда олиб қолишга мойилдирлар. Улар матнларни сўзма-сўз ёдлаб оладилар. Бу ҳолатни уларни ҳали баъзи нарса, воқеа-ҳодисаларни тушунган ҳолатда хотирада сақлашга қийналишлари билан тушунтириш мумкин. Уларга нимани умумий тарзда эслаб қолиш лозимлигини тушунтириш керак.

Уларнинг нутқи ҳали яхши ривожланмаган бўлиб, уларга матнни ўз сўзлари билан гапириб бергандан кўра, сўзма-сўз ёдлаб бериш осонроқдир. Улар ҳали мазмунли хотирадан фойдаланишда: ўқув материалини мазмун жиҳатдан гуруҳларга ажратиш, эсда сақлаш учун таянч тушунчаларни ажратиш, матннинг мантиқий режасини тузишни билмайдилар. Ўрта бўғинга ўтгунга қадар ўқувчилар ўқув материалини мазмун-моҳиятини эсда сақлаб, уни изоҳлашни билишлари керак. Ўқувчиларга материални эсда олиб қолиш учун тўғри мақсад қўйишни ўргатиш жуда муҳимдир. Эсда олиб қолишнинг самарадорлиги эса мотивацияга боғлиқдир.

Агар ўқувчи берилган материални аниқ установка билан эсда сақласа, бу унинг бу материални тезроқ ёд олишига, хотирада узоқроқ сақлаши ва уни аниқроқ баён этишига ёрдам беради.

Кичик мактаб ёшидаги қизлар ва ўғил болаларнинг эсда сақлаш жараёнининг ривожланиши турличадир. Қиз болалар ўзларини ёдлаб олишга мажбурлашлари мумкин, уларда ўз хоҳиши билан ёд олиш механизмлари ўғил болаларникига қараганда яхшироқ ривожланган. Ўғил болаларда эса эсда олиб қолиш жараёнлари самаралироқдир.

Ўқитиш жараёни давомида идрок янада шаклланиб бориб, таҳлил этилган, дифференциаллашган, режалаштирилган кузатиш ҳолига келади. Идрок жараёнларида сўзнинг роли ўзгаради. Биринчи синф ўқувчиларида сўз аташ маъносини билдириб, бирор предметни танигандан сўнг ишлатилади. Каттароқ синф ўқувчиларида эса сўз чуқурроқ таҳлил қилиш керак бўлган предметнинг энг умумий номини билдиради.

Идрокнинг ривожланишида ўқитувчининг роли катта бўлиб, у ўқувчиларни айнан маълум бир ҳодиса, предметларни идрок қилишга йўналтиради; ҳодиса ва предметларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратишни ўргатади. Идрокни ривожлантиришнинг самарали методларидан бири таққослашдир. Бунда идрок қилиш жараёни чуқурроқ бўлиб, хатолар сони камроқ бўлади.

Кичик мактаб ёшида диққатни ўз хоҳиш билан бошқариш имконияти чекланган. Агар катта ёшдаги ўқувчи ўз диққатини қизиқарли бўлмаган, қийин ишларга келажакда улардан олинадиган натижа учун ўз диққатини мажбуран жамлай олса, кичик ўқувчилар бу ишни бирон бир мақтов эшитиш ёки яхши баҳо олиш учун бажаришлари мумкин, холос.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг диққатларини ўқув материали қизиқарли бўлганда, кўргазмали ва ёркин ўқув қуроллари ёрдамида жалб қилиш осонроқ ва самаралироқдир.

Болаларнинг ички руҳиятларида ўзгариш рўй беради. Ўтиш даврида бу ҳолат асосан болаларнинг бошқа инсонлар билан, кўпроқ тенгдошлари билан алоқалар ўрнатишлари билан белгиланади. Бу даврда бола синф тизимида маълум шахслараро алоқаларни ўрнатиб, бу тизимда ўз ўрнига эга бўлади.

Боланинг руҳий ҳолатига фақатгина у ўқишда эришаётган муваффақиятлари ва ўқитувчилари билан бўлган алоқаси эмас, балки ўртоқлари билан бўладиган муносабатлар кўпроқ таъсир кўрсатади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ўқув жараёнидаги муваффақиятларга қараб белгиланса, 9-10 ёшда ҳақиқий дўстона муносабатлар биринчи ўринга чиқиб олади.

Ўқувчининг тўғри ривожланишида 2 хил тизим талаблари бўлиб, улар бир-бирига қарама-қарши бўлмаслиги лозим. Бу 2 тизим қуйидагилардир:

1. Ўқувчи сифатида.
2. Мулоқот объекти, яъни дўст сифатида.

Агар улар ўзаро бирлик ҳосил қилмаса, ўқитувчи билан ҳам, тенгдошлари билан ҳам келишмовчиликлар келиб чиқиш эҳтимоли юқоридир.

Аввал ўқув жараёнида ўқувчини ўзини баҳолаши фан натижаларига қараб ўқитувчи томонидан шакллантирилади. Бошланғич таълим якунига келиб, бу баҳолар бошқа болалар томонидан ўзгартирилади. Бунда асосан боланинг ўқиш даражаси эмас, балки мулоқот қилишдаги ўрни кўпроқ эътиборга олинади. 3-синфдан 4-синфга ўтиш даврида ўзини ўзи негатив баҳолашлар сони ортади.

Ўзидан қониқмаслик бу даврда болаларнинг нафақат синфдошлари билан муносабатларига, балки ўқиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Ўзига ёмон баҳо бериш болада бошқалар, айниқса, катталар томнидан ижобий баҳоланишга нисбатан эҳтиёж туғдиради. Кичик мактаб ёшидаги болалар характерининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд: қизиқувчан; тезкор ҳаракатларга мойил; бирон нарсани ўйлаб ўтириб кейин қилмайдилар (бунга сабаб ироданинг кучсизлидир); 7-8 ёшли ўқувчи қийинчиликларни енгиб, бирон-бир мақсад сари астойдил ҳаракат қилмайди.

Қайсарлик ва инжиқликни оиладаги тарбия жараёни билан тушунтириш мумкин: бола унинг барча хоҳиш-истаклари қондирилишига ўрганиб қолган. Қайсарлик ва ўжарлик ўз вақтида мактаб қўйган талабларга нисбатан норозиликни эълон қилиш йўли бўлиб, керакли нарса учун хохлаган нарсадан воз кечиш заруратини туғдиради. Бошланғич синф якунланганига қадар болада озодалик, меҳнатсеварлик, тартиблилик каби хислатлар шаклланади. Секин-асталик билан ўзини бошқара олиш, ўз ҳаракатларини жиловлаш хусусиятлари ривожланиб боради, матонати кучаяди.

Бошланғич синфнинг охирига келиб, боланинг ўқиш жараёнига бўлган муносабати ҳам ўзгаради. Аввалига 1-синф ўқувчисида ўқув жараёнининг ўзига қизиқиш шаклланади. Кейинчалик эса ўзи бажарган ишнинг натижасига қизиқиш шаклланади: бола кўчадаги ёзувларни бировнинг ёрдамисиз биринчи марта ўқиганида жуда хурсанд бўлади. Натижаларга бўлган қизиқиш уйғонгач, ўқувчи ўқув фаолиятининг мазмунига қизиқиб, билимларни эгаллашни хоҳлайди. Бундай хоҳишнинг ривожланиши ўзи бажарган иш натижасидан қониқиш ҳосил бўлиши туфайли рўй беради. Буни эса ўқитувчининг, катталарнинг энг кичик ютуқларни ҳам таъкидлаб ўтишлари, болакайни қўллаб-қувватлаш туйғуси юзага келтиради.

Умумий қилиб айтганда, таълимнинг бошланғич бўғинида ўқувчиларда қуйидаги сифатлар шаклланиши лозим: тушунчаларни ихтиёрий таҳлил қила олиш; ўқув дастурини муваффаққиятли ўзлаштириш; фаолиятнинг асосий таркибий қисмлари шаклланган бўлиши керак; улардан ташқари ўқитувчилар ва тенгдошлари билан янги сифатли, кўпроқ катталар типига яқинроқ бўлган муносабатлар пайдо бўлиши мақсадга мувофиқдир.

S. Abdusattorova, O.Qodirova,
TDIU

Iqtisodiy ta’lim jarayonida innovatsiyalarning zamonaviy yo’nalishlari va yo`llarni amaliyotga joriy etish

Mamlakatimizda ta’lim tizimida amalga oshirilayotgan keng ko’lamli islohotlar tufayli navqiron avlodning zamonaviy bilim olishi, kasb-hunar egallashi uchun beqiyos imkoniyatlar yaratilgan. Yurtimiz o’g’il-qizlarini barkamol insonlar etib tarbiyalashga xizmat qilayotgan bunday ezgu sa’y-harakatlar doirasida iqtidorli o’quvchilarning chuqurlashtirilgan tartibda va innovatsion texnologiyalar asosida bilim olishlariga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu sohada orttirilgan tajribaning xalqaro miqyosda yuksak e’tirof etilayotganidan anglash mumkin. Oliy ta’lim o‘quv jarayonini tashkil etishda innovatsion texnologiyalarning roli kun sayin ortib bormoqda. Masofaviy texnologiyalardan foydalanish zamonaviy ta’limning imkoniyatlarini yanada kengaytirdi. Bugungi kunda Yer kurrasining istalgan joyidan turib, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) imkoniyatidan foydalangan holda ta’lim olish mumkin. Zero, an’anaviy ta’lim o‘z mavqeini saqlab tursa ham, keyingi paytlarda masofaviy o‘qitish texnologiyalari kundan-kun ommaviylashib bormoqda.

Mamlakatimizda aloqa va axborotlashtirish sohasini rivojlantirish, barcha sohalarga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish, jahon axborot makoniga integratsiyalashish borasida keng ko‘lamli ishlar olib borilmoqda. Prezidentimizning 2012-yil 21-martda qabul qilingan “Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish va yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori mazkur yo‘nalishdagi ishlarni takomillashtirishda muhim dasturilamal bo‘lib xizmat qilmoqda.

Bu borada mamlakatimiz Prezidenti I.A. Karimov ta’kidlaganidek, “Bugungi kun va kelajak hayotimizni zamonaviy axborot texnologiyalarsiz tasavvur eta olmaymiz. Respublikamizda davr talabi bo’lgan zamonaviy axborot-kommunikatsion texnologiylarini joriy etilishi va uni iqisodiyotni turli xil sohalariga tatbiq etilishi raqobatbardosh axborotlarga ega bo’lish va ulardan samarali foydalanish imkoniyatini beradi. Mamlakatimizda yuqori texnologiylarga asoslangan xizmatlar orasida keyingi yillarda aloqa va axborotlashtirish xizmatlari boshqa sohalarga nisbatan jadal rivojlanayotganini alohida ta’kidlash joiz. Ushbu xizmatlar soni so’nggi besh yilda 3,3 barobar, o’tgan yili esa 24,5 foizga o’sdi. Iqtisodiyotimiz va jamiyatimiz hayotida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining alohida va muhim o’rin tutishini hisobga olib, 2013-2020 yillarda O’ZB RES.ining Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini rivojlantirish kompleks dasturi qabul qilindi”[37].

1997-yil 29-avgustda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasi «Ta’lim to‘g‘risidagi» Qonunining 1-moddasida fuqarolarga ta’lim, tarbiya berish, kasb-hunar o‘rgatishning huquqiy asoslari belgilab berildi hamda har kimning bilim olishdek konstitutsiyaviy huquqini ta’minlashga qaratilganligi ta’kidlandi. Hozirgi davr ta’lim bosqichining yangi talablariga ehtiyoj yuqoriligini ko‘rsatmoqda. Bunda masofaviy

[37] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning mamlakatimizni 2014-yilda ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2015-yilga mo’ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo’nalishlar”ga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasini majlisidagi ma’ruzasi. 18.01.2015. www.prezident.uz

ta’lim texnologiyalarini ta’lim jarayonida qo‘llash va uni boshqarish ham muhim o‘rin tutadi. Bu borada, Respublikamizda qator dolzarb ishlar olib borilmoqda.

Bugungi kunda mamlakatimizda yangi jahon axborot-ta’lim muhitiga integrallashishga yo‘naltirilgan ta’lim tizimi barpo etilmoqda. Bu ta’lim jarayonini tashkil etishda zamonaviy texnik imkoniyatlarga javob beradigan sezilarli o‘zgarishlar bilan kuzatilmoqda. Zamonaviy axborot texnologiyalarining ta’lim sohasiga kirib kelishi ta’lim usullari va o‘qitish jarayonini yangicha yondashuv asosida tashkil etish shakllarini sifatli ravishda qulaylashtirib, o‘zgartirish imkonini bermoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta’lim tizimini modernizatsiyalashtirish jarayonining eng muhim qismidir. AKT turli texnik va dasturiy qurilmalar bilan axborotga ishlov berish usullaridir. U birinchi navbatda, zarur dasturiy ta’minotga ega bo‘lgan kompyuterlar va ma’lumotlar joylashtirilgan telekommunikatsiya vositalaridir.

2012-yildan boshlab O‘zbekiston Respublikasi barcha oliy ta’lim muassasalari (OTM) o‘rtasida yagona videokonferensiya ta’lim texnologiyasi amalga oshirildi va hozirgi kunda bu borada elektron ta’limga katta e’tibor qaratilmoqda. Bunda OTM’larga yangi imkoniyatlar va istiqbollar ochib berish borasida rejali ishlar amalga oshirilmoqda. Masalan, hududlardagi kadrlar malakasini masofadan boshqarish bunga misol bo‘la oladi. Elektron yoki masofaviy ta’limning yangi bosqichida nafaqat axborot texnologiyalarini qo‘llash, balki elektron shakldagi ta’lim manbalarini bilan ta’minlashni ko‘zda tutiladi.

Elektron va masofaviy texnologiyalar — ta’limning axborot va kommunikatsiya texnologiyalari qo‘llangan variantlaridir.

Elektron ta’lim (E-Learning) — avval «Elektron ta’lim» atamasi kompyuter yordamida o‘qitish deb tushunilgan, biroq axborot texnologiyalari rivoji bilan bu tushuncha yanada kengaytirildi. Bugungi kunda elektron ta’lim ko‘pgina ta’lim texnologiyalarini qamrab olmoqda, ularni shartli ravishda, 2 xil turga, ya’ni sinxron va asinxron turlarga bo‘lish mumkin.

Sinxron elektron ta’lim masofaviy ta’lim hisoblanadi, lekin bu real vaqtda amalga oshiriladigan ta’limdir. U oddiy kunduzgi ta’limga o‘xshaydi, farqi shundaki, ishtirokchilar bir-biridan uzoq masofada bo‘ladi. Kundan-kunga keng tarqalib borayotgan vebinarlar mazkur ta’lim shaklining eng yorqin ko‘rinishidir. Ma’ruzalarni tashkillashtirishda maxsus dasturiy ta’minotlar qo‘llaniladi.

Asinxron elektron ta’lim talaba barcha kerakli ma’lumotni onlayn-manbalardan yoki elektron axborot tashish vositalari (CD, DVD yoki flash-kartalar)dan olishi va materialni o‘zlashtirish sur’ati va jadvalini o‘zi mustaqil tashkil etishdir. Asinxron elektron ta’lim tizimiga barcha turdagi CD-kurslar va elektron o‘qitish kurslari, ostkastlar vaskrinkastlar kiradi. Bugungi kunda elektron ta’lim ko‘pchilik OTM’larda ta’lim jarayonining ajralmas qismi bo‘lib qolgan, u shuningdek, malaka oshirish kurslarini tashkil etishda ham o‘z o‘rnini topgan, ba’zi korporatsiyalarda bo‘linmalar mavjud bo‘lib, ularning vazifasi xizmatchilar uchun elektron kurslar tashkil etishdir.

Masofaviy ta’lim texnologiyalari masofaviy ta’lim bu E-Learningga qaraganda kengroq tushunchadir, u interfaol mustaqil ta’limning va qo‘llab-quvvatlashning intensiv maslahat sintezi hisoblanadi. Shunday qilib, elektron ta’lim masofaviy ta’limning bir bo‘lagi hisoblanadi. Masofaviy ta’lim asosiy o‘quv materialini

o‘quvchilarga yetkazib berish va o‘quv jarayonida o‘quvchi va o‘qituvchi orasida interfaol ishlashni ta’minlaydi. Bunda qo‘llanmalarni yetkazib berish kompyuter va Internetsiz ham amalga oshirilishi mumkin.

Masofaviy ta’limning afzalliklari. Masofaviy texnologiyalardan foydalangan holda o‘qitishning juda ko‘p ijobiy tomonlari mavjud.

Yashash joyidan turib, o‘qish imkoniyati – chekka qishloqlarda yashovchilarda katta shaharlarga borib, universitetga kirib-o‘qish imkoniyati har doim ham bo‘lavermaydi. Masofaviy ta’lim texnologiyalari ularga o‘z shahridan ketmasdan turib, o‘qish imkoniyatini yaratib beradi.

O‘qish va ishni birga qo‘shib olib borish – o‘quvchilar ishdan ajralmagan holda ta’lim olish imkoniga ega bo‘ladilar, bu, ayniqsa, malaka oshirish yoki ikkinchi oliy ma’lumot oluvchilarga juda qo‘l keladi.

Sifatli texnologiyalar va o‘quv mazmunini egallash – talaba sifatli o‘quv materiallari yordamida o‘qitilishi, o‘qituvchi bilan muloqat qilishi va o‘z individual o‘quv rejasini tuzishi mumkin.

Baholashning xolisligi – masofaviy ta’lim texnologiyalari bilim sifatining doimiy nazorati, natijalarning baholanishi, inson omilidan xoli bo‘lgan xolis avtomatlashtirilgan baholash joylarda moddiy manfaatdorlikni yo‘qotishni ko‘zda tutadi.

Ta’limda individual yondashuv – o‘zgaruvchan grafik, ish va o‘qishni birga qo‘shib olib borish, shuningdek, o‘zlashtirilayotgan materialni ma’lumotni individual o‘zlashtirish tezligiga moslash masofaviy ta’limni barcha uchun qulay qilib qo‘ymoqda.

Zamonaviy gumanitar akademiya – masofaviy ta’limdagi yetakchilardan biridir. Bu innovatsion OTM bo‘lib, u dunyoning turli burchaklarida talabalarga o‘z yashash tarzini o‘zgartirmasdan, arzon narxlarda sifatli elektron ta’lim olish imkonini beruvchi elektron ta’limdir.

Yoshlarga zamonaviy bilim berish va ularda amaliy ko‘nikmani rivojlantirishda innovatsion texnologiyalarning o‘rni beqiyosdir. Ilg‘or pedagogik texnologiyalarni qo‘llashda zamonaviy axborot texnologiyalarining keng imkoniyatlari yoshlarning bilim saviyasini yanada oshirish va mustahkamlash, yangiliklar bilan ishlash, shuningdek, yangi g’oyalarni yaratish va ularni amaliyotga taqdim etish uchun xizmat qilmoqda.

B. Azadova, Sh. Raximova,
TDIU

Iqtisodiy ta’lim jarayonida innovatsiyalardan foydalanish zamonaviy usullari

O’zbekiston Respublikasi Mustaqillikka erishgach rivojlangan demokratik davlat qurish bo’yicha ildam qadamlar tashlamoqda. Ana shunday porloq maqsadga erishish yo’lini Prezident I.A.Karimov o’z asarlarida asoslab berdi. Prezident I.A. Karimov O’zbekiston Respublikasining Oliy Majlisi IX sessiyasida (1997-yil 29-avgust)da so’zlagan nutqida ta’lim jarayoni darslikdan boshlanishi haqidagi haqiqatga to’xtalib shunday degan edi: ”Yangi darsliklarni zamonaviy pedagogik va

axborot texnologiyalarini o’z vaqtida ishlab chiqish va joriy etishni ta’minlashni alohida nazorat ostiga olish zarur”.

O’zbekiston Respublikasining «Ta’lim to’g’risida»gi Qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi», Prezident I.A. Karimovning 2004-yil 21-maydagi «2004-2009-yillarda maktab ta’limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturi to’g’risida»gi farmoni va mamlakatda innovatsion texnologiyalarni jadallashtirish bo’yicha ilgari surilgan g’oyalari, xorijiy va o’zbek pedagog olimlarining innovatsion pedagogik texnologiyalarni yaratish bo’yicha monografiya, qo’llanmalari tadqiqotning metodologik asosini tashkil qildi.

Rivojlangan demokratik davlatlarning farqli xususiyatlaridan biri fan, texnika va texnologiyalarni yuksak darajada rivojlanishidir.

Ma’lumki, milliy pedagogikamiz, pedagogik amaliyot uchun texnologiya, ta’lim jarayonini loyihalash, pedagogik texnologiya, innovatsion ta’lim texnologiyasi, innovatsion faoliyat kabi tushunchalar yaqin-yaqinlargacha pedagogik muloqotda ishlatilmas, notanish tushunchalar edi.

Pedagogikada innovatsiya, innovatsion faoliyat, innovatsion pedagogika, ta’limda innovatsion jarayonlarni boshqarish kabi tushunchalar XX asrning 60-yillarida dastlab, AQSh va G’arbiy Yevropa mamlakatlarida “ta’lim texnologiyasi” tushunchasi e’tirof etilgan vaqtda paydo bo’ldi. O’sha vaqtdayoq Yevropada pedagogik innovatsiyalar markazi va instituti tashkil etildi. Bu tushunchalarning paydo bo’lishi va innovatsion ta’lim nazariyasining yaratilishi to’g’risida ma’lumot beruvchi manbalar tahlili shuni ko’rsatadiki, bu tushunchalar ta’lim tizimini texnologiyalashtirish, pedagogik texnologiyalarni ta’lim tizimiga kiritish orqali ta’lim tizimini isloh qilish, ta’lim samaradorligini oshirish, shaxs ijtimoiylashuvini ta’minlash, bu borada muayyan muvaffaqiyatlarga erishish uchun ta’lim jarayonida bolaga do’stona munosabatlarni shakllantirishga urinish natijasida vujudga keldi.

Shu boisdan ham pedagogik texnologiyalar, innovatsiya, innovatsion faoliyat, innovatsion texnologiyalarning mazmun-mohiyati va ularning an’anaviy(tushuntirish)-ko’rgazmali ta’lim usulidan farqini yoritib berish maqsadga muvofiqdir.

Endi milliy ta’lim tizimimizga zamonaviy o’qitish texnologiyalarini joriy qilishning zaruriy sabablarini ko’rsatamiz:

- ma’lum sabablarga ko’ra jahon hamjamiyati taraqqiyotidan ortda qolib ketgan jamiyatimiz, taraqqiy etgan mamlakatlar qatoridan o’rin olishi uchun, aholi ta’limini jadallashtirish va samaradorligini oshirish maqsadida eng ilg’or pedagogik tadbirlardan foydalanish zarurligi;

- an’anaviy o’qitish tizimi yozma va og’zaki so’zlarga tayanib ish ko’rishi tufayli “axborotli o’qitish” sifatida tavsiflanib, o’qituvchi faoliyati birgina o’quv jarayonining tashkilotchisi sifatida emas, balki nufuzli bilimlar manbaiga aylanib qolganligi;

- fan-texnika taraqqiyotining o’ta rivojlanganligi natijasida axborotlarning keskin ko’payib borayotganligi va ularni yoshlarga yetkazish uchun vaqtning chegaralanganligi;

- kishilik jamiyati o’z taraqqiyotining shu kundagi bosqichida nazariy va empirik bilimlarga asoslangan tafakkurdan tobora foydali natijaga ega bo’lgan, aniq

yakunga asoslangan tafakkurdan tobora foydali natijaga ega bo'lgan, aniq yakunga asoslangan texnik tafakkurga o'tib borayotganligi;

- yoshlarni hayotga mukammal tayyorlash talabi ularga eng ilg'or bilim berish usuli hisoblangan obyektiv borliqqa tizimli yondashuv tamoyilidan foydalanishni talab qilishidadir.

Bunday iqtisodiy tizimlarni innovatsion jamiyat deb aytish mumkin. Innovatsion jamiyatlar - yaxshi tashkil qilinganligi va moliyalanganligi, ta'lim va fanning yuksak darajada rivojlanganligi hamda shaxs, insonlar guruhi va tashkilotning ijodiy potensialiga, bilimlarni ommalashtirishning rivojlangan tuzilmasiga yo'nalganligi bilan ajralib turadilar.

Innovatsiya bilimlarni talab qiladi.

Ta'lim tizimidagi har qanday yangilik innovatsiya bo'la olmaydi. Shu sababli "novatsiya" va "innovatsiya" tushunchalari o'rtasidagi asosiy farqlarni ko'rsatib o'tish zarur. Buning uchun islohot faoliyatining aniq shakli, mazmuni va ko'lami asos bo'lib xizmat qiladi. Agar faoliyat qisqa mudddatli bo'lsa va yaxlit tizim xususiyatiga ega bo'lmasa, o'z oldiga muayyan tizimdagi faqat ba'zi elementlarini o'zgartirishni vazifa qilib qo'ygan bo'lsa, u holda biz **novatsiya** bilan muloqot qilayotgan bo'lamiz. Agar faoliyat ma'lum konseptual yondashuv asosida amalga oshirilayotgan bo'lsa va uning natijasi o'sha tizim rivojlanishiga yoki uning prinsipial o'zgarishiga olib kelsagina **innovatsiya** deya olamiz.

Ta'lim jarayonidagi innovatsion o'zgarishlar, ta'lim tizimiga har qanday yangilikning kiritilishi bevosita o'qituvchi faoliyatini yangilash va o'zgartirish orqali amalga oshirilishi ham atroflicha o'rganilgan.

Innovatsion faoliyat uzluksiz ravishda yangiliklar asosida ishlash bo`lib, u uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi. O'qituvchi innovatsion faoliyati xususiyatlarini o`rganib chiqqan pedagog olimlar fikrlariga tayangan holda, quyidagilarni innovatsion faoliyatning asosiy belgilari deb hisoblash mumkin:

1-ijodiy faoliyat falsafasini egallashga intilish;

2-pedagogik tadqiqot metodlarini egallash;

3-mualliflik kontseptsiyalarini yaratish qobiliyati;

4-Tajriba-sinov ishlarini rejalashtirish va amalga oshira olish;

5-O`zidan boshqa tadqiqotchi-pedagoglar tajribalarini qo`llay olish;

6-hamkasblar bilan hamkorlik;

7-fikr almashish va metodik yordam ko`rsata olishlik;

8-ziddiyatlarning oldini olish va bartaraf etish;

9-yangiliklarni izlab topish va ularni o`z sharoitiga moslashtirib borish.

Rossiya ta'lim akademiyasi akademigi **V.A. Slastenin** pedagogik jarayon, pedagogik jarayonga qaralganda innovatsiya tushunchasini ta'lim va tarbiyaning maqsadi, mazmuni, metod hamda shakllariga yangilik kiritish deb hisoblaydi.

Innovatsion faoliyatni bosqichlarga ajratishda ham turlicha qarashlar mavjud bo'lib, fikrimizga ko'ra bu borada **V.A. Slastenin** taklif etilgan yechimni eng maqbul ko'rinishga ega, ya'ni:

1. Yangi g'oyaning yoki yangilikni yaratish konsepsiyasi yuzaga kelishi.
2. Yaratilgan yangilikning biror buyum yoki jarayonda aks ettirilishi.
3. Yangilikning ta'lim jarayoniga tadbiq etilishi.

4. Yangilikning ta’lim jarayonida keng joriy etilishi hamda boshqa turdagi sohalarda qo’llash uchun asoslarning yaratilishi.

5. Yangilikning to’la amalga oshirilishi va nisbatan “o’z imkoniyatlarini” yangiligini “sarflab” bo’lishi, odatda ushbu bosqichga kelib, joriy etilayotgan yechimga nisbatan yanada yuqoriroq natija berishi mumkin bo’lgan muqobil yangiliklar yuzaga keladi.

6. Taklif etilgan yangi yechimni tadbiq etilish ko’lamining qisqarib borishi, hamda uning o’rnini yangi, yanada samaraliroq yechimlar egallashi.

Rivojlangan dunyoning o’ziga xos xususiyatlaridan biri – bu bilimlarga asoslangan iqtisodiy bilimlarning shakllanishi bo’lib, ularda raqobat moddiy resurslar va arzon ishchi kuchi emas, balki axborot va g’oyalarda ustunlik qiladi.

Iqtisodiy ta’lim tizimidagi innovatsiyalar, ularni amaliyotga kiritish, innovatsion jarayonlarni boshqarishni tahlil qilish orqali innovatsion faoliyat tushunchasini ta’riflash imkoniyati paydo bo’ldi.

Л.И. Иногамова, А. Кучкарова., З.Оқилова,
Низомий номидаги ТДПУ

Таълим жараёнида педагог шахсида психологик-педагогик компетентликнинг намоён бўлиши

Ўқитувчи шахсининг касбий юксалишида психологик-педагогик компетентлик муҳим роль ўйнамоқда. Касбий компетентлик муаммосини ўрганишга нисбатан 80-90 йилларда бир қатор олимлар фаол изланишлар олиб борганларига қарамай, (П.И. Захарова, В.М. Соколова, Н.Н. Лобанова, Т.А. Маркина, А.К. Маркова, Н.С. Петровскаялар) афсуски, замонавий психология ва педагогика фанларида бу тушунчани аниқлашда умумийлик мавжуд эмас. Уни тушунтиришдаги турли ёндашувлар психологик-педагогик компетентликнинг динамиклиги ва кўп қирралигидандир.

Психолог М.А. Холоднянинг фикрича-компетентлик предметли - ўзига хос билимлар тизимининг алоҳида типи бўлиб, у самарали қарорлар қабул қилишга имкон беради деб таъкидлайди. Педагогик компетентлик психологик маълумотлилик асосидаги самарадорлик, фаолликнинг конструктиввийлиги билан тавсифланади. Яъни инсон олдида турган муаммоларни хал қилишда самарали қарорлар қабул қилиш билан изоҳланади.

Кўпгина чет эл психологлари психологик компетентлик ва психологик маълумотлиликни бир тушунча сифатида эътироф этадилар. Лекин психологик маълумотлилик улар томонидан психологик компетентликни бошланғич даражасида кўрилади.

Маълумотлилик ва компетентлик тушунчаларини бир-биридан ажратиш асосида олдинги тажрибани адекват равишда қўллаш ётади. Шунингдек, психологик компетентликка психологик билимлар умумлашувчи ва инсоннинг ўзи ҳақидаги маълумотлари киради. Айниқса, маълумотни инсон бирор нарса ҳақидаги мавҳум билимларга эга бўлади. Компетентлик эса, инсон билимлари асосида психологик вазифа ва муаммоларни аниқ самарали ҳал этиши мумкин,

шу билан бирга компетентлик бошқалар тажрибаси, меъёри, одати, намунаси, қарори, стереотиплари ва эркинликларини инкор этади.

Шундай қилиб, психологик маълумотлиликнинг психологик компетентликдан фарқи маълумотни инсон тушунади, билади. Компетентлик инсон реал даражада билимлардан самарали фойдаланиб, у ёки бу муаммони ҳал этади, яъни сўздан фаолиятга ўтади. Маълумотли педагог психологияни яхши билади, катталар ва болалар психологиясини яхши билгани учун бу билимлардан реал ва самарали қўллайди. Психологик компетентликни ривожланиш вазифаси- бу фақат инсоннинг кўп ва яхши билишидан иборат бўлмай, бу билимлардан таълим муассасаларининг психологик амалиётида қўллаши ҳам керакдир.

Психологлар ишларида (Ю.И. Елвинова, Л.С. Колмогорова, Л.А. Петровская, Д. Столяренко, М.А. Холодня) психологик-педагогик компетентлик тузилиши сифатида қуйидагилар кўриб чиқилади:

-жамиятдаги компетентлик, муомала қобилияти бўлиб, ахборотлар алмашинади, педагогик жараёнда иштирокчидар билан муносабат ўрнатилади ва сақланиб қолинади;

-интеллектуал компетентлик билимлар йиғиндисининг алоҳида тури бўлиб, у ўзига хос фаолият соҳасида самарали қарорлар қабул қилиш имкониятини беради;

-ижтимоий-психологик компетентлик мустақил ва ҳамкорликдаги фаолият юритишда намоён бўлади.

Баъзи муаллифнинг (А.К.Маркова ва Н.В.Кувшина) таъкидлашларича психологик компетентлик ўқитувчининг шахсий сифатларига боғлиқ. Ўқитувчининг шахсий – ишбилармонлик сифатлари психологик-педагогик компетентлик билан уйғунлашиб кетади.

М.И.Луквинова педагогик фаолиятида қуйидаги шахс сифатларини рефлексивлик, эмпативлик, коммуникативлик, тиришқоқлиги, ҳамкорлик қобилияти, эмоционал, гўзаллик муҳим ва зарур деб ҳисоблайди.

А.К.Маркова касбий муҳим сифатлар гуруҳини қуйидагилар билан тўлдиради, яъни педагогик эрудиция, педагогик мақсадга интилиш, педагогик фикрлаш, педагогик кузатиш, педагогик тинглаш, педагогик вазият, педагогик активизм, педагогик топқирлик, педагогик олдиндан кўра олиш, прогнозлаш, педагогик рефлексия.

Маълумки, педагогнинг касбий компетентлиги моделида таълим стандартларига мос равишда психологик-педагогик компетентлик аниқ белгилаб берилган ҳамда у ўз ичига қуйидагиларни олади:

-ўқитувчи ҳар бир ўқувчисининг қобилияти, характери, имкониятлар даражаси, ютуқ ва камчиликлари ҳақида индивидуал маълумотларга эга бўлиши;

-мулоқот жараёни соҳасидан хабардорлик, яъни гуруҳда содир бўлаётган ўқувчилар ўртасида ўқитувчи ва гуруҳ ўртасида, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида содир бўлаётган воқеалардан хабардорлик;

-ўқитувчи таълимнинг қулай методларидан хабардор бўлиши, малакали, қобилиятли, ўз шахси ва фаоллигининг кучли ва кучсиз томонларини билиши,

ўз меҳнати сифатини ошириши учун нималарга эътибор бериши кераклигини билиши лозим.

Ўқитувчи шахсининг психологияси фақат болаларга бўлган муносабатларда намоён бўлмай, шахсий педагогик фаолиятни амалга оширишда ҳам кўзга ташланади. Ўзининг шахсий психологик хусусиятларини билмаслик туфайли ўқитувчи ўз ҳамкасблари тажрибасидан намуна ола бошлайдилар. Маълумки, ҳар қандай ўқитувчи ўзига хос индивидуалликка эга:

- ўқитувчининг касбий позицияси, психик тараққиётларини ривожлантириш педагогик маҳоратни ошириш, касбий билимлар доирасини кенгайтириш мақсадида психологик тернинг усулларини қўллаш.
- умумий касбий вазифаларни ҳамкорликда ҳал қилиш мақсадида педагогик вазиятларни таҳлил қилиш;
- ўқитувчи ўзига нисбатан адекват баҳо бериши, ҳамда прфессионализмни ошириш мақсадида ўзининг индивидуал услубини ривожлантириш;
- педагогик фаолиятда шахс хусусиятларини ривожлантириш.

Шундай қилиб, психологик компетентликни ривожлантиришдаги асосий роль ўз устида тинмай изланиш, ўзини ўзи англаш, ўз касбий позицияларини ривожлантиришга қаратилган.

Ф.К. Искандженова,
Ташкентская медицинская академия

Технология модульного обучения

Модульное обучение возникло как альтернатива традиционному обучению. Семантический смысл термина “модульное обучение” связан с международным понятием “модуль”, одно из значений которого – функциональный узел. В этом контексте он понимается как основное средство модульного обучения, законченный блок информации.

В своём первоначальном виде модульное обучение зародилось в конце 60-х годов XX столетия и быстро распространилось в англоязычных странах. Сущность его состояла в том, что обучающийся с небольшой помощью учителя или полностью самостоятельно может работать с предложенной ему индивидуальной учебной программой, включающей в себя целевой план действий, банк информации и методическое руководство по достижению поставленных дидактических целей. Функции педагога стали варьироваться от информационно-контролирующей до консультативно-координирующей. Взаимодействие педагога и обучающегося в учебном процессе стало осуществляться на принципиально иной основе: с помощью модулей обеспечивалось осознанное самостоятельное достижение обучающимся определённого уровня предварительной подготовленности. Успешность модульного обучения предопределялось соблюдением паритетных взаимодействий между педагогом и учащимися.

Основная цель современной школы – создать такую систему обучения, которая бы обеспечивала образовательные потребности каждого ученика в соответствии с его склонностями, интересами и возможностями.

Модульное обучение – альтернатива традиционного обучения, оно интегрирует все то прогрессивное, что накоплено в педагогической теории и практике.

Модульное обучение, в качестве одной из основных целей, преследует формирование, у студентов, навыков самостоятельной деятельности и самообразования. Сущность модульного обучения состоит в том, что ученик полностью самостоятельно (или с определенной дозой помощи) достигает конкретных целей учебно-познавательной деятельности. Обучение основано на формировании механизма мышления, а не на эксплуатации памяти! Рассмотрим последовательности действий построения учебного модуля.

Модуль – это целевой функциональный узел, в котором объединено: учебное содержание и технология овладения им в систему высокого уровня целостности.

Алгоритм построения учебного модуля:

1.Формирование блока-модуля содержания теоретического учебного материала темы.

2. Выявление учебных элементов темы.

3. Выявление связей и отношений между учебными элементами темы.

4. Формирование логической структуры учебных элементов темы.

5. Определение уровней усвоения учебных элементов темы.

6. Определение требований к уровням усвоения учебных элементов темы.

7. Определение осознанности усвоения учебных элементов темы.

8. Формирование блока алгоритмического предписания умений и навыков.

Система действий учителя по подготовке к переходу на модульное обучение. Разработать модульную программу, состоящую из КДЦ (комплексно -дидактические цели) и совокупности модулей, обеспечивающих достижение этой цели:

1. Структурировать учебное содержание в определенные блоки.

Формируется КДЦ, имеющая два уровня: уровень усвоения учебного содержания ученикам и ориентация на его использование в практике.

2. Из КДЦ выделяются ИДЦ (интегрирующие дидактические цели) и формируются модули. Каждый модуль имеет свою ИДЦ.

3. ИДЦ делится на ЧДЦ (частные дидактические цели) на их основе выделяются УЭ (учебные элементы).

Для управления учением студенты важным является принцип обратной связи.

1. Перед каждым модулем проводить входной контроль ЗУН студентов.

2. Текущий и промежуточный контроль в конце каждого УЭ (самоконтроль, взаимоконтроль, сверка с образцом).

3. Выходной контроль после завершения работы с модулем. Цель: выявить пробелы в усвоении модуля.

Введение модулей в учебный процесс нужно осуществлять постепенно. Модули можно вписывать в любую систему обучения и тем самым усиливать ее качество и эффективность. Можно сочетать традиционную систему

обучения, с модульной. Хорошо вписываются в модульную систему обучения вся система методов, приемов и форм организации УПД студенты, работа индивидуальная, в парах, в группах.

Применение модульного обучения положительно влияет на развитие самостоятельной деятельности студенты, на саморазвитие, на повышение качества знаний. Учащиеся умело планируют свою работу, умеют пользоваться учебной литературой. Хорошо владеют общеучебными навыками: сравнения, анализа, обобщения, выделения главного и т.п. Активная познавательная деятельность студентов способствует развитию таких качеств знаний, как прочность, осознанность, глубина, оперативность, гибкость.

Р.Н. Иргашева,
Навоий давлат кончилик институти

Инновацион технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаш

Бугунги кунда жамиятимизда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимига интеграциялашуви, демократиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнларининг ривожланиши таълим жараёнида илғор педагогик технологияларга янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

Таълим жараёнида инновацион технологияларнинг асосий моҳияти таълимда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишдир. Таълимда берилаётган билимларни талабаларнинг аксарият кўпчилик қисми пухта ўзлаштириши педагогик технология жорий этилишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Бугунги кунда таълим жараёнида инновацион технологиялар асосида дарс ўтишда энг асосий талаб, талабанинг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим беришни кўзда тутади. Инновацион технология ўрганилаётган соҳа бўйича талабаларда билим етарлича бўлмаган ҳолда ҳам талабада салбий кечинмага ўрин қолдирмасликни, бу талабанинг айби эмаслигини тан олишни талаб этади. Фаоллик кўрсатилса, билимларни ўзлаштириб олишга талабаларда ишонч ҳосил қилиш тавсия этилади.

Инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида иқтисодий йўналишдаги ўқув юртларида махсус илмий тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутади. Бунда, энг аввало, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;
- таълим мажмуи сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;
- инновацион технологиянинг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;
- инновацион технологиялар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадларига қай даражада тўғри келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;

- инновацион технологиянинг мажмуалар назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл-йўриғини ишлаб чиқиш.

Айтиш лозимки, инновацион технологиялар, педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш методи бўлибгина қолмай, балки ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши керак.

Ҳозирги кунга келиб, жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бироқ ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбия жараёнида умумий тараққиётдан бироз орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат таълим стандартлари асосида технологиялаштиришдир.

Педагогик технология инсон онги, тафаккури билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунтириш мумкин бўлмаган педагогик жараённи ифода этади. Унинг ўзига хос жиҳати – тарбия муаммосини ҳам қамраб олишидир. Демак, технология самарадорлиги инсон ўзининг кўпқиррали томонлари билан унда қанчалик тўлиқ намоён бўляпти, унинг психологик-касбий жиҳатлари, уларнинг келажакда ривожланиши (ёки пасайиши) қандай ҳисобга олинмоқда, деган саволларнинг ечимига боғлиқ экан. Шу жиҳатдан технология шахснинг ривожланиш босқичларини лойиҳалаштириш, ташхислаш каби имкониятларга ҳам эга бўлади. Бу эса педагогнинг технологик жараён билан ишлаш қобилиятига боғлиқ.

Ўқувчи-талабалар босқичма-босқич узлуксиз таълим жараёнида иқтисодий билим асосларини ўрганиш мобайнида уларнинг тафаккурлари ҳам шакллана боради. Улар қуйидаги билимлар мажмуи бўлиб хизмат қилади: шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, аниқ режа ва дастурлар тузиб, ўзига хос методлар асосида амалга оширишда, шахснинг мустақил фаолиятида самарали ўрин тутадиган аниқ иқтисодий тушунчаларни, иқтисодиётнинг сиёсий ва бозор муносабатлари билан боғлиқ қонуният асослари ва улардан амалда фойдаланиш йўл-йўриқларини, мустақил фаолият кўрсатишда зарур барча иқтисодий билим, кўникма ва малакалар мажмуини ўзлаштиришни, ҳаётда қайси соҳани танлашидан қатъи назар, эҳтиёж даражасида иқтисодий тайёргарликни ўзида шакллантиришни, иқтисодий билим асосларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана олиш шахс баркамоллигини белгиловчи ахлоқий сифатларидан бири деб қарашни, иқтисодий билим асосидан хабардорликни ўз фаолияти давомида жамият ва давлат иқтисодий, ҳуқуқий сиёсати асосида намоён этади.

Бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий билимлар доирасига ҳам инновацион технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Тадқиқотларимизга кўра, талабаларни замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлаш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратилади.

1. Ўқув-тарбия жараёни ва педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялаш, ҳамкорлик педагогикасига асосланиш.

2. Таълим жараёнида дидактик ўйин, муаммоли, модулли таълим, лойиҳалаш ва ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан самарали фойдаланиш орқали талабаларнинг кичик гуруҳларда мустақил ва ижодий ишларини ташкил этиб, уларни ўз ўқув фаолиятининг субъектига айлантириш.

3. Талабаларнинг мустақил ишини режали босқичма-босқич, эволюцион тарзда ташкил этиш, уларнинг бўлажак мутахассислик фаолиятига илмий-методик жиҳатдан тайёргарлигини таҳлил қилиш, уларда кўникмалар шаклланишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир талабага ўзини-ўзи ривожлантиришнинг индивидуал иш режасини тавсия этиш.

4. Таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, талабаларда мустақил фикрлашни шакллантиришга имкон берадиган инновацион технологияларни онгли танлаш ва амалиётда қўллаш кўникмаларини эгаллашига эришиш.

Талабаларнинг илмий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда уларнинг илмий дунёқараши ва илмий-назарий тайёргарлигига асос бўладиган ижтимоий-гуманитар ва мутахассислик фанларини ўқитишда касбий йўналтирилганлик, умумкасбий фанларни ўқитишда ғоявий йўналтирилганликни амалга ошириш, касбий тайёргарликни шакллантирадиган педагогика, замонавий педагогик технологиялар, психология ўқув курслари ўртасида узвийликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан ўз ўрнида фойдаланиш талабаларнинг билим олишга қизиқишларини орттиради, билиш фаолиятини фаоллаштиради, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги юқори даражада бўлишига имкон яратади.

Ш.Ў. Минавварова, ТДИУ

Ўзбекистон иқтисодиётида туризм соҳасининг роли ва аҳамияти

Туризм мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий тизимнинг таркибий қисми сифатида туризм, унинг таъсирини ўзида ҳис этади ва айни пайтда унинг ўзи ҳам мамлакат иқтисодиётига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бинобарин, иқтисодиёт ва туризм бир-бири билан яқин алоқа қилади. Бунда ўзаро алоқа жараёни тизимли хусусият касб этади. Айни ҳол иқтисодиёт ва туризмнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига таъсир кўрсатиши ва бир-бирини тақозо қилишида ифодаланади.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараёнлари табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Бунда туризм иқтисодиёт ва экология ўртасида боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Ҳозирги замон ва келажакнинг ўсиб бораётган йирик тармоқларидан бири сифатида туризм инсон ва табиат эҳтиёжларини инобатга олиши ва уларни ўзаро мувозанатга солиши талаб этилади.

Туризм ижтимоий ишлаб чиқариш иқтисодий муносабатлари мажмуини акс эттирувчи иқтисодий категориядир. Бу муносабатлар туризм маҳсулотини

ишлаб чиқариш ва унинг истеъмол қилиниши билан белгиланади. Туризм бозорида туристик маҳсулот асосан рекреацион хусусиятга эга бўлган, муайян миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан тавсифланадиган, истеъмолчилар – туристларга реализация қилиш учун тайёрланган товарлар ва хизматлар тўплами сифатида амал қилади. Уни ишлаб чиқаришда кўп сонли корхоналар ва ташкилотлар иштирок этади. Улар туризм маҳсулотини яратиш жараёнида бир-бири билан алоқага киришадилар. Туризм маҳсулоти истеъмолчига таклиф қилиниши жараёнида унга туристик талаб ўз таъсирини кўрсатади.

Туристик талаб деганда ўзларини қизиқтирган жойларга саёҳатлар ёки сафарлар тарзидаги туризм маҳсулотини сотиб олишни истаган ва бундай имкониятга эга бўлган кишиларнинг тўловга лаёқатли эҳтиёжлари тушунилади. Истеъмолчи туристик йўлланмани сотиб олиш ва шу тариқа туризм маҳсулотининг қийматини тўлаш орқали унинг ишлаб чиқарувчиси билан иқтисодий муносабатларга киришади. Бу ерда туристик ишлаб чиқариш маҳсули ижтимоий даражада тан олинади, ишлаб чиқаришнинг ўзи эса ривожланиш учун янги туртки олади, чунки туризм маҳсулотига бўлган талаб ортади. Айни шу сабабли туризм ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш яхлит ва ягона жараёни сифатида қаралади. Унинг замирида уч ёқлама хусусиятга эга бўлган иқтисодий муносабатларнинг мураккаб мажмуи ётади: биринчи – туризм маҳсулотини ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар; иккинчи – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида маҳсулотни сотиб олишга доир муносабатлар; учинчи – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида туризм маҳсулотини истеъмол қилишга доир муносабатлар. Зотан туризм маҳсулоти учун ҳақ тўлаган туристлар ўзларига ваъда қилинган нарсаларни олмасалар, сотувчига тегишли санкциялар қўядилар. Агар туризм маҳсулоти туристларни қаноатлантирган бўлса ва улар томонидан ҳеч қандай санкциялар қўйилмаса, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг ижобий таъсири талабнинг ортиши, маҳсулот истеъмолчилари сони кўпайиши ва тегишли равишда даромаднинг ўсишида акс этади.

Бу ерда гап барча ҳолларда, аввало, туризм маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари - сотувчилар ва унинг истеъмолчилари - туристлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга ошириш ҳақида боради. Бунга иқтисодий муносабатларнинг яна бир тури – туризм тармоғида яратилаётган маҳсулотларни тақсимлашга доир муносабатларни киритиш мумкин. Бунда мазкур муносабатларнинг иштирокчилари қаторига ишлаб чиқарувчилар фаолияти келтирган даромаднинг бир қисмини солиқлар тарзида олишга даъвогар бўлган давлат ҳам қўшилади. Бундан ташқари, давлат мамлакатда туризм фаолиятини тартибга солувчи давлат органлари сиймосида мазкур фаолиятнинг ривожланишига кўмаклашади. Туризм фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш туризмнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида инвестицион, суғурта, ҳуқуқий ва бошқа хил фаолиятда давлатнинг иштирокини назарда тутади.

Шундай қилиб, туризм жамият иқтисодий муносабатлар тизимида иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳуқуқларига таянган ҳолда майдонга чиқади. Туризмни бошқариш, аввало, иқтисодий муносабатларни амалга

оширишни назарда тутади. Мазкур муносабатлардан ташқарида бошқарув борасида юзага келувчи муносабатлар ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Аниқроқ айтганда, қайд этилган муносабатлар иккинчи даражали, ҳосила хусусиятга эга бўлади ва туризм иқтисодиёти билан белгиланади.

Туризмнинг иқтисодий табиати ушбу тармоқда иқтисодий фаолият маҳсулоти яратилишидагина эмас, балки уни яратиш муайян ресурслар сарфлашни талаб қилишида ҳам намоён бўлади. Туристик харажатлар туризм маҳсулотини яратишга ва уни истеъмолчи эътиборига ҳавола этишга қаратилган харажатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди. Туристлар томонидан сотиб олинаётган маҳсулот қиймати билан уни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатлари ўртасидаги фарқ туризм корхоналарининг даромадини ҳосил қилади.

Маълумки, даромад – иқтисодий категория. У туризм фаолияти харажат ва натижалари, яъни туризм маҳсулотини яратиш ва бозорда уни илгари суришга қилинган харажатлар билан уни сотишдан келгун тушумнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида мумкин қадар кўпроқ даромад олиш туризмда иқтисодий фаолиятнинг мақсади ва мазмунини белгилайди. Туризмда даромадларнинг асосий манбаи турист ҳисобланади. У ўзига таклиф қилинган туризм маҳсулоти қийматини ўз ҳамёнидан тўлайди. Бинобарин, туристлар бўлмаса, даромад ҳам бўлмайди. Туристлар бўлганда даромад бўлиши учун туризм маҳсулотининг қиймати уни яратиш ва бозорда илгари суриш харажатлари йиғиндисидан ортиқ бўлиши талаб этилади.

Хуллас, туризмда иқтисодий омил туристни жалб қилиш, уни туризм маҳсулотини сотиб олишга рағбатлантириш, турист ўзи сотиб олган маҳсулотдан қониқишига эришишда ҳам намоён бўлади. Акс ҳолда туризм фаолияти билан шуғулланиш мантиққа эга бўлмайди, чунки у даромад келтирмайди.

Шундай қилиб, туризм маҳсулоти, туристик харажатлар ва туризм фаолиятидан олинган даромад туризмни бошқаришда устувор йўналишларни белгиловчи асосий иқтисодий ҳодисалар ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан самарали ва сифат жиҳатидан жалб қилувчан туристик маҳсулотни яратиш туризмни бошқаришнинг бош омилидир. Бу унинг асосий негизи, десак, асло муболаға бўлмайди. У иқтисодий муносабатлар мажмуини тўлиқ акс эттиради ва уларнинг алоҳида тури – туризмни бошқариш муносабатларини шакллантиради. Ўз навбатида, улар бошқарув фаолиятида иштирок этувчи кишилар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб мажмуини ўз ичига олади. Аниқроқ айтганда, бошқарувга доир ташкилий, ижтимоий, психологик, информацион ва бошқа хил муносабатларнинг яхлит тўплами бошқарув муносабатлари тизими сифатида намоён бўлади. У туризмни бошқариш тизимида ўз аксини топади.

Бутун дунёда туризм миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айланган. Туризмдан олинаётган даромадлар миқдори тинимсиз ошиб бораётир. Миллий бюджетда уларнинг улуши ҳам, табиийки, кўпаймоқда. Иқтисодиётнинг ўта даромаддор ва айниқса фаол ривожланаётган

тармоқларидан бири ҳисобланган туризм даромаддорлик жиҳатидан нефть қазиб чиқариш ва нефтни қайта ишлаш тармоғидан кейин иккинчи ўринда туради. Жанубий Африка республикасида экологик туризм миллий бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади ва олмос қазиб чиқаришдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Аляскада туризм хўжалик тармоқлари орасида нефть қазиб чиқаришдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг тахминан 6 %ни, дунё миқёсида инвестицияларнинг 7 %ни, жами солиқ тушумларининг 5 %ни, дунё миқёсидаги истеъмол харажатларининг 11 %ни, ҳар 16 иш ўрнидан бирини туризм беради. Келтирилган рақамлар туризм индустриясининг фаолиятидан кўрилаётган тўғридан-тўғри иқтисодий самарани тавсифлайди.

Соф иқтисодий самарадан ташқари, туризм инсоннинг ҳаёт кучларини тиклашни, у ўзининг бўш вақтидан оқилона фойдаланишини ҳам таъминлайди. Шахснинг камол топишида ҳам туризм улкан роль ўйнайди. У саёҳатчилар маданий-маърифий ва маданий дастурларда иштирок этишлари жараёнида уларнинг интеллектуал даражасини юксалтиришга кўмаклашади. Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда қулай имкониятлар мавжуд. Ушбу имкониятлардан фойдаланган ҳолда мамлакатимизга хорижий туристларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Кат. ўқит. Ё.Р. Рахмонова,
кат. ўқит. Н.Х. Рустамова, ТТА

Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш муаммолари

Замонавий педагогикада тарбия технологияси бола шахсига таъсир этиш санъати сифатида эътироф этилмоқда. Энциклопедик луғатда технология фанининг вазифаси қуйидагича талқин этилган: “…технология фанининг вазифаси – амалиётда энг самарали иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларни аниқлаш ва қўллаш мақсадида жисмоний, кимёвий, механик ва бошқа қонуниятларни бажариш”.

Лекин ушбу сўзнинг асл маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг кенгроқ маънога эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Тарбия назарияси асрлар давомида шаклланиб келган бўлиб, кўплаб мутафаккирлар томонидан бойитилган. Бугунги кунга келиб, унда “тарбия технологияси” йўналишининг вужудга келиши тасодифий эмас, балки педагогика фани ривожланиши билан белгиланган.

Педагогик технология педагогларнинг тарбияланувчига таъсир этишни ташкиллашга доир касбий аҳамиятга эга кўникмалар тизимини аниқлайди.

Тарбияланувчига таъсир қилиш жараёнида педагог кўплаб омилларни ҳисобга олиши зарур: ҳиссий-психологик ҳолати, маданий ривожланиш даражаси ва ёш хусусиятлари, ўзаро муносабатларнинг ўзига хослиги, маънавий ва ақлий ривожланганлик даражаси ва бошқалар. Бунинг натижасида тарбияланувчи шахси ҳақида дастлабки тасаввур шаклланади. Бу педагогик таъсир хусусиятини белгилаб беради.

В.М. Коротков, Б.Т. Лихачевлар педагогик таъсир кўрсатиш қоидаларини қуйидагича ишлаб чиққанлар:

1) тарбияланувчига қўйилаётган талабни уларнинг шахсини ҳурматлаш билан уйғунлаштириш;
2) ҳар бир педагогик таъсирнинг олдиндан пухта ўйланганлиги;
3) педагогик таъсирни охиригача етказиш;

Тарбия технологиясининг кейинги ривожланиш босқичи педагогик маҳорат таркибий қисмларини аниқлаш билан боғлиқ:

1) психологик-педагогик билимдонлик;
2) касбий қобилиятлар;
3) педагогик техника.

Бунда "педагогик техника" тарбиячининг тарбияланувчиларга шахсий таъсирини турли услублари сифатида тушунилади.

"Тарбия технологияси", умуман "педагогик технология"да мақсад ва вазифа тушунчалари ядро тушунчалар ҳисобланади. Мақсад ва вазифаларнинг тўғри ва аниқ қўйилиши, педагогик жараён самарасини белгилаб беради. Шунинг учун ҳар бир тарбиячи мақсад ва вазифаларни аниқ тасаввур қилиши лозим.

Тарбия мақсади тарбиянинг пировард натижасидир. Тарбия жараёнининг барча компонентлари мақсадга бўйсиндирилади: мазмун, шакл, усул ва восита. Шунинг учун мақсадлаш муаммолари педагогиканинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Замонавий таълим тизими ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсларни тарбиялашга йўналтирилган. Тўғри ташкилланган педагогик жараён бу мақсадга эришишни таъминлайди. Тарбия жараёнини ташкиллашга технологик ёндашув ушбу жараённи тизимли, яхлит, босқичма-босқич, узлуксиз амалга оширишни кўзда тутади. Тарбия жараёнини бундай ташкиллаш учун уни "тарбиявий иш" шаклида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Таълим-тарбия тизими кўринишида педагогик технология белгиланган таълим-тарбия фаолиятини амалга оширишга хизмат қилувчи моддий таъминот ва маънавий қадриятлардан иборат. Бунга ўқув режа, дастурлар ва дидактик воситалар ҳам киради. Бу тизим бошқа ижтимоий тизимлар каби, тегишлича махсус тайёргарликка эга мутахассислар орқали фаолият олиб боради.

Ҳозирда бу тизим узлуксиз таълим босқичларидан ташкил топган. Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларига педагогик технологиялар жорий қилиниши билан бу тизимнинг тўлиқ шаклланиши амалга оширилади.

Педагогик технология таълим-тарбия жараёни сифатида иштирокчиларнинг фаолиятлари орқали амалга оширилади. Бу жараённинг пировард мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб, асосан қуйидагилардан таркиб топади:

- таълим-тарбия бериш;
- ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш;
- мустақил фикрлашга ўргатиш;

- билим, кўникма, малакаларни ўргатиш ва ўзлаштирилишига эришиш;
- турли методикаларни қўллаш ва такомиллаштириш;
- диагностика, мониторинг олиб бориш;
- таълим-тарбия жараёнида инсонпарварлик, халқпарварлик, мафкуравий тамойилларга асосланиш;
- ўқувчининг тайёргарлик даражасини, психологик, физиологик, ёш хусусиятларини, гигиеник талабларни ҳисобга олиш;
- таълим менежменти, маркетинги талаблари ва хулосаларини, ижтимоий мотивларни ҳисобга олиш.

Шундай қилиб, ҳозирда педагогик технология ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, таълим-тарбия жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий тадқиқот соҳаси кўринишларида мавжуд деб ҳисобланади.

Ш. Парпиева, Н. Убайдуллаев., Н. Хусанова,
Низомий номидаги ТДПУ

Таълим жараёнида ўсмир ижтимоийлашувининг ўзига хослиги

Ўсмирлик даври энг масъулиятли давр бўлиб, унда ахлоқийлик асослари ҳосил бўлади, ижтимоий установкалар шаклланади ҳамда ўзи инсонлар ва жамиятга нисбатан муносабатлари шаклланади. Бундан ташқари мазкур ёшда характер хусусиятлари ва шахслараро хулқ-атворнинг асосий шакллари барқарорлашади. Мазкур ёш давридаги асосий мотивацион жиҳатлар бу ўз-ўзини билиш, ўзини-ўзи ифодалаш, ўзини-ўзи тасдиқлаш ва ҳ.к.

Нисбатан тинч кичик мактаб ёшидан сўнг ўсмирлик даври ўта шиддатли ва мураккабдек туюлади. Мазкур босқичдаги ривожланиш ҳақиқатан ҳам тез суръатлар билан кечади ва айниқса шахс шаклланиши борасида жуда кўп ўзгаришлар кузатилади. Ўсмирнинг асосий хусусияти шахсий нотурғунликдир. Қарама-қарши хусусиятлар, интилишлар, анъаналар биргаликда мавжуд бўлади ҳамда бир-бири билан курашади. Натижада улғаяётган боланинг характери ва хулқ-атворини ўзаро зидлигини белгилаб беради.

Айнан ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабатлар тизими ўсмир психик ривожланишининг йўналганлигини белгилаб беради. Ўсмир ривожланишининг ўзига хослиги шундаки, у катталар, дўстлар билан муносабатлар ва мулоқотнинг янги тизимига киришади, уларнинг ўртасида янги жой эгаллайди, янги функцияларни бажаради.

Катта инсоннинг аҳамиятга эга эканлиги шунда намоён бўладики, ўсмир учун айнан ўз-ўзига мустақил кўрсатмалар бериш имконияти эмас, балки атрофдаги кишиларнинг ушбу имкониятни ва унинг тенг ҳуқуқли эканлиги тан олинишидир.

Ота-оналар, ўқитувчилар, ва катта ёшдаги кишилар ўзаро муносабатларни ўсмирнинг ривожланаётган катталик ҳиссидан келиб чиққан ҳолда ўрнатишлари лозим. Агар улар унинг ривожланган имкониятлари инобатга олинса, унга ҳурмат ва ишонч билан муносабат билдиришса, шарт-шароитлар яратишса, ўқиш ва жамоатчилик ишларидаги қийинчиликларини енгиб ўтишга

ёрдам беришса, шундагина психик ривожланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган ҳисобланади.

Ўсмирлик давридаги психик ривожланишнинг муҳим омили тенгдошлари билан мулоқотдир. Тенгдошлар билан бўладиган мулоқот ушбу даврнинг етакчи фаолияти ҳисобланади. Ўсмир ўз тенгдошлари ўртасида уни қониқтирувчи ўринни эгаллашга уриниши тенгдошлар гуруҳининг қадрият ва меъёрларига юқори конформлик билан кечади. Тенгдошлар билан мулоқот қилиш эҳтиёжи болаларда жуда эрта пайдо бўлади ва ёш ўтган сари кучайиб бораверади. Ўсмир ва ўспиринларнинг хулқ-атвори ўз моҳиятига кўра, жамоавий гуруҳий ҳисобланади. Тенгдошлар гуруҳига мансублик ўсмирнинг ўзини-ўзи аниқлашда муҳим ўринга эга.

Гуруҳ ўзига хос туйғу –“биз туйғуси”ни ҳосил қилади. Тенгдошлар томонидан тан олинишини кучли исташ туйғуси ўсмирнинг ахлоқий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Тенгдошлар гуруҳида стихияли юзага келаётган меъёрлар ўсмирнинг хулқ-атворига бирмунча таъсир кўрсата бошлайди. Катталарнинг талаблари ва ўсмир тенгдошлари талаблари ўртасида низоли вазият бўлганида ўсмирлар онгли равишда тенгдошлар ўртасида қабул қилинган меъёрларни маъқул кўрадилар.

Стихияли ҳосил бўлаётган меъёрлар ижтимоийлашув жараёнининг кечишини жиддий бузиши ҳамда ижтимоий дезадаптацияланган хулқ-атворга олиб келиши мумкин.

Бироқ ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ўртоқлик муносабатлари қанчалик муҳим бўлмасин, гуруҳий алоқалар одатда ўрин ва обрў (авторитет) учун рақобатни курашни келтириб чиқаради. Ҳатто энг аҳил жамоада ҳам унинг барча аъзолари бир-бирларига шахсий муносабатга эга бўлавермайдилар. Шунинг учун ҳам ўртоқлик муносабатларининг ривожланлиги сайин ўсмирлик даври чуқур мустаҳкам дўстликни кучли излаш билан тавсифланади. Айниқса ўсмирликдаги энг муҳим эҳтиёжлардан бири бу ego, яъни иккинчи “Мен” ни излаш эҳтиёжидир.

Садоқатли дўстларга эга бўлиш истаги шак-шубҳасизки, 15-17 ёшлиларнинг энг муҳим ҳаётий қадриятлари рўйхатида етакчи ўринни эгаллайди ҳамда кўпинча ҳатто муҳаббатни орқада қолдириб кетади. Дўстликка бўлган бундай кучли интилишнинг асосида ўзини ва бошқаларни тушунишга бўлган эҳтиёжи ётади.

Ўсмирлик дўстлиги мураккаб кўпинча зиддиятли ҳодисадир. Ўсмир яқин дўстга эга бўлишга интилади ва дўстларни тез-тез алмаштиради. Тинглаш ва ҳамдардлик билдиришни биладиган дўст ўзига хос психтерапевтга айланади. У ўсмирга ўзини яхшироқ тушуниб олишга ўз кучига бўлган ишончсизликни енгиб ўтишга ўзини шахс сифатида ҳис қила олишга ёрдам беради. Агар дўст ўзининг мураккаб ўсмирлик ишлари билан машғул бўлиб, ўсмир дўстига эътиборсизлик қилса ёки иккаласи учун аҳамиятли бўлган вазиятни ўзгача баҳоласа муносабатларнинг узилиши бемалол юз бериши мумкин. Шунда ўсмир ўзини ёлғиз ҳис қила бошлайди, бошқадан идеалини излай бошлайди.

Ривожланиш жараёнида ўсмир жамоатчилик фойдали ижтимоий фаолиятнинг турли кўринишларига жалб этилади. Бу эса мулоқот соҳасини

кенгайтиради, ижтимоий қадриятларни ўзлаштириш имкониятлари ортади, шахснинг ахлоқий сифатлари шаклланади. Ўсмирлик давридаги ўқувчиларнинг ақлий фаолиятида индивидуал тафовутлар кучаяди. Бу тафовутлар мустақил тафаккурнинг ривожланиши интеллектуал фаоллик масалаларини ҳал этишда ижодий ёндашув билан боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида, 11-14 ёшни ижодий тафаккурнинг ривожланиши учун сензитив давр деб ҳисоблашга имкон беради.

Ўқиш ўсмирнинг асосий фаолияти ҳисобланса-да, бироқ унинг психикасидаги асосий ўзгаришлар ижтимоий-фойдали фаолият билан боғлиқдир. Чунки ижтимоий-фойдали фаолият ўсмирдаги тенгдошлар билан бўладиган мулоқот эҳтиёжи ва ўзини-ўзи тасдиқлаш эҳтиёжини жуда кучли даражада қондиради. Ушбу эҳтиёжларни қондира туриб, ўсмир табиат ва жамиятдаги турли-туман ҳодисаларга қарашларини шакллантиради, ижтимоий қадриятларни ахлоқ-одоб, хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиради. Ўсмирни фуқаро сифатида тарбиялашнинг захиралари айнан ижтимоий фойдали фаолият билан боғлиқдир.

Ўсмирнинг психик ривожланишига унинг хулқ-атворига дўстларининг билдирган фикрлари кучли таъсир кўрсатади. Ўсмир барча хатти-ҳаракатлари ва ишларида, аввало, мана шу фикрларга қараб иш юритади. Ўқитувчи ўсмир учун кучли авторитет ҳисобланмайди. Ўсмирлар ўқитувчининг фаолиятига хулқ-атворига шахсига юқори талаблар қўя бошлайдилар. Ўқитувчилар билан муносабатларни ўрнатаётганларида улар мунтазам равишда ўқитувчиларни баҳолай борадилар ва мана шу баҳолаш натижаларига асосланиб, ўсмир ўқитувчиларга муносабатини ҳосил қилиб боради.

Ўсмирнинг оиладаги ўрнида ҳам ўзгаришлар юз бера бошлайди: жисмоний ва ақлий имкониятларнинг ривожланиши билан унга кўпроқ ишонч билдира бошлайдилар, қийинроқ бўлган уй-юмушларини топширадилар, оилавий муаммоларнинг муҳокамасига қўша бошлайдилар.

Ўсмирлар билан ишлашдаги қийинчиликлар мазкур ёшдаги психологик хусусиятлар билан изоҳланади: юқори қўзғалувчанлик, асаб тизимининг нисбатан беқарорлиги организмда тез-тез юз бераётган ўзгаришлар худбинлик, ўз имкониятларини ҳаддан ташқари баҳолаб бориш ўзига бўлган кучли ишонч ва бошқалар.

Мазкур даврдаги марказий шахсий ўзгаришлар бу ўзини-ўзи англашнинг янги даражаси юзага келиши “Мен” концепциясининг ҳосил бўлиши. Бу ўзгаришлар ўзини-ўзи тушунишга ўз имконият ва хусусиятларини тушунишга ўзининг уникал ва такрорланмаслигини тушунишга интилишда намоён бўлади. Ўсмирлик, аввало, қуйидагилар билан тавсифланади: “Мен”-концепциясининг аҳамиятини ортиши, ўзи тўғрисидаги тасаввурлар тизимининг кенгайиши, ўзини-ўзи таҳлил қилиш ва ўзини бошқалар билан таққослаш асосида ўзини-ўзи баҳолашнинг мураккаб тизими шаклланади.

А.В. Петровскийнинг концепциясига кўра, инсон шахсининг ривожланишини ижтимоий-тарихий турмушга кириб бориш жараёни тарзида тасаввур қилиш мумкин. Инсон ҳаётида тақдим қилинган шарт-шароитлар инсоннинг турли-туман гуруҳларнинг фаолияти ва мулоқотида иштирок этади. Янги ижтимоий муҳитга кириб бориш жараёнида мазкур муҳитнинг турғунлик

даражаси турли-туман бўлганлиги туфайли шахс ривожланишига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Кат.ўқит. А.Н. Сайдуллаев,
Тошкент Тиббиёт академияси

Замонавий педагогик технологиялар ва уларни таълим тизимига татбиқи масалалари

Ҳозирги пайтда Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг инновацион усулларидан фойдаланиб, таълимга замонавий педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиб, таълим самарадорлигини оширишга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучаймокда. Дарсларга замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллашдан бош мақсад, дарс жараёнида ўқувчи(талаба)ни тингловчидан дарс жараёнини иштирокчисига, маълумот тарқатувчи манбага айлантиришдан иборат. Бу жараённинг яна бир муҳим жиҳати дарсларга замонавий педагогик ва ахборот технологиялари татбиқ этилганда ўқувчи(талаба)ларда жуда катта ҳажмдаги маълумотларни тез ва пухта ўзлаштириш имконияти пайдо бўлади. Замонавий педагогик технологиялар қўлланилган машғулотлар талабалар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Бундан ташқари, таълим жараёнига таълим технологияларнинг тўғри татбиқ этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи, бошқарувчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади.

Инновацион технологиялар асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади ва шу билан биргаликда бу усуллар фақат педагог ва талаба (ўқувчи)ларнинг биргаликда фаолияти кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни эса таълим самарадорлигини белгилайди.

Таълим технологиясининг асосини ҳам ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи)ларнинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижа сари йўналтирилган ҳамкорликдаги ҳаракатлари ташкил этади. Бу ҳаракатнинг самараси эса бевосита таълим технологияси танланиши ва ўзаро педагогик ҳамкорлик натижасига боғлиқ.

Таълимга замонавий педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, ўқитишнинг инновацион усулларидан фойдаланиш таълим самарадорлигига эришиш ва таълим олувчиларниг ўзлаштириш жараёнини тезлаштириш ҳамда берилган маълумотларни узоқ вақт ёдда сақлаб қолиш имкониятини юзага келтиради.

Шу ўринда ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томони, жой ва шароит, энг асосийси, талаба (ўқувчи)ларнинг имконияти ва эҳтиёжи ва ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олиши керак. Ана шундагина, ўқитувчи

дарс жараёнида юқорида қайд этилган кафолатланган натижага эришиши мумкин. Қисқача айтганда, бу жараёнларни амалга оширишдан асосий мақсад талаба (ўқувчи)ларни таълимнинг марказига олиб чиқиш, юқорида қайд этганимиз сингари таълим олувчини таълим жараёнининг қатнашчисидан бевосита шу жараённи иштирокчисига айлантиришдан иборат.

Ушбу мақсад, албатта анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини кучайтирувчи методлар билан бойитган холда амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси кўтарилишига олиб келади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, таълимга замонавий педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш ва таълим самарадорлигини ошириш амалдаги ўқитиш усуллари, таълимнинг ташкилий шакллари ва таълим мазмуни асосида бунёд этилиши лозим. Чунки замонавий педагогик технологиялар асосини яхлит педагогик жараён ташкил этади.

Таълимга замонавий педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишда; дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини ошириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ўқитишнинг инновацион усулларини қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Ўқитишнинг интерфаол усулларидаги аҳамиятли жиҳатлардан яна бири шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқув-тарбия жараёнида инновацион таълим усулларидан фойдаланишда, таълимга замонавий педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишда, таълим самарадорлигини оширишда дидактик талабларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараённи тўғри ташкил этиш талабаларда мустақил фикрлаш, таълимга қизиқиш ва ўзаро педагогик ҳамкорликни шакллантиради талаба фаолиятини дарс мақсадларига(кафолатланган натижага) эришишга йўналтиришга хизмат қилади.

Kat.o‘qit. H.N. Halimova,
Buxoro davlat pedagogika universiteti

O’quv jarayonini tashkil etish va boshqarishning samaradorligini oshirishda muammoli o’qitish texnologiyasining dolzarbligi

Muammoli ta’lim - talabalar faoliyatini nazariy va amaliy muammolar va ushbu muammoli vaziyatlar kuchi orqali yaratilgan muammoli topshiriqlarni hal etish orqali yangi bilimlarni o‘zlashtirishga asoslangan holda tashkil etish usulidir.

Muammoli ta’lim talabalarning bahslari, mushohadalarida amalga oshiriluvchi analiz-sintez faoliyatiga asoslanadi. Bu ta’limning tadqiqotchilik turidir.

Muammoli o‘qitish bilimlarni ongli va mustahkam o‘zlashtirish, atrof-muhitga faol munosabatini belgilab olishda talabalar bilish faoliyatini jonlantirishda katta imkoniyatlarga ega.

Muammoli ta’lim bosqichlari:

- Muammoli vaziyat yaratish;
- Vaziyatlarni tahlil qilish asosida muammolarni qo‘yadi;
- Farazlarni yuzaga chiqarish almashtirish va tekshirish jarayonlarini mujassam etuvchi muammolarni hal etish;
- Yechimni tekshirish.

Muammoli ta’lim talabalar uchun uning ushbu muammo yechimini topish bo‘yicha qanday va qancha harakatlarni amalga oshirishi bilan bog’liq holda turli darajadagi qiyinchiliklarni tug’dirish mumkin:

Muammo darajasi	O‘qituvchi tomonidan saqlanadigan yechimlarning bo`g`in	O‘quvchiga beriladigan yechim zvenolar	O‘qituvchi nima qiladi?	O‘quvchi nima qiladi?
0	3	-	Muammoni qo‘yadi, muammo yechimini topadi	Muammo yechimini esda olib qoladi.
I	2	1	Muammoni qo‘yadi uni	Muamoni yechadi
II	1	2	Muammoni qo‘yadi	Muammo va uni hal qiladi
III	-	3	Tashkil etadi nazorat qiladi, boshqaruvni olib boradi	Muammoni anglaydi va uni hal qiladi.

Quyidagi hollarda inson uchun muammoli vaziyat yuzaga keladi:

- bilish ehtiyojlari va topshiriqni yechishning intellektual imkoniyatlari mavjud bo‘lsa;
- eski va yangi ma’lum va noma’lum shart-sharoit va talablar o‘rtasida murakkabliklar, qarama-qarshiliklar bo‘lsa;

A.M. Matyushkin fikricha Muammoli vaziyatlar quyidagi mezonlar bo‘yicha tabaqalashtiriladi:

1. Muammoni yechishda bajarilishi lozim bo‘lgan harakatlar tuzilishi (masalan, harakat usulini topish);

2. Muammoni yechuvchi insonda ushbu harakatlarning rivojlanganlik darajasi;

3. Intellektual imkoniyatlarga bog’liq holda muammoli vaziyatning qiyinligi.

T.V. Kudryavsev bo‘yicha muammoli vaziyatlar turlari:

- O‘quvchilardagi mavjud bilimlar va yangi talablar o‘rtasidagi nomuvofiqlik vaziyati.
- Aniq muammoli topshiriqning yechimi uchun yagona zarur bo‘lgan mavjud bilimlardan birini tanlash vaziyati.
- Mavjud bilimlarni yangi sharoitlarda qo‘llash vaziyati.
- Nazariy asoslanganlik va amaliy qo‘llanish o‘rtasidagi qarama-qarshilik vaziyati.

Hozirgi oliy maktabdagi samarador o‘qitish texnologiyasi - muammoli o‘qitishdir. Uning vazifasi faol bilish jarayoniga undash va tafakkurda ilmiy tadqiqot uslubini shakllantirishdir. Muammoli o‘qitish ijodiy, faol shaxs tarbiyasi maqsadlariga mos keladi.

Muammoli o‘qitish jarayonida talabaning mustaqilligi o‘qitishninig reproduktiv shakllariga nisbatan tobora o‘sib boradi.

Hozirgi pedagogikaga oid adabiyotlarda muammoli o‘qitishning turli ta’rif va tavsiflar bor. Bizningcha, nisbatan to‘liq va aniq ta’rif M.I.Maxmudova tomonidan berilgan bo‘lib, unda muammoli o‘qitish mantiqiy fikrlar tadbirlari (tahlil, umumlashtirsh) hisobga olingan o‘rgatish va dars berish usullarini qo‘llash qoidalari va talabalarning tadqiqot faoliyatlari qonuniyatlarining (muammoli vaziyat, bilishga bo‘lgan qiziqish va talab...) tizimi sifatida izohlanadi.

Muammoli o‘qitishning mohiyatini o‘qituvchi tomonidan talabalarning o‘quv ishlarida muammoli vaziyatni vujudga keltirish va o‘quv vazifalarini, muammo va savollarini hal qilish orqali yangi bilimlarni o‘zlashtirish bo‘yicha ularning bilish faoliyatini boshqarish tashkil etadi. Bu esa bilimlarni o‘zlashtirishning ilmiy tadqiqot usulini yuzaga keltiradi.

Ma’lumki, o‘qitishning har qanday asosida inson faoliyatining muayyan qonuniyatlari, shaxs rivoji va ular negizida shakllangan pedagogik fanning tamoyillari va qoidalari yotadi. Insonning bilish faoliyati jarayonni mantiqiy bilish ziddiyatlarini hal qilishda obyektiv qonuniyatlari didaktik tamoyillarga tayanadi. O‘qitishning hozirgi jarayoni tahlili psixolog va pedagoglarning fikrlash muammoli vaziyat, kutilgan hayrat va mahliyo bo‘lishdan boshlanadi, degan xulosalari haqiqatga yaqin ekanligini ko‘rsatadi. O‘qitish sharoitida insonning o‘sha psixik, emotsional «hissiy holati unga fikrlash va aqliy ishlash uchun o‘ziga xos turtki vazifasini bajaradi.

Muammoli vaziyat muayyan pedagogik vositalarda maqsadga muvofiq tashkil etiladigan o‘ziga xos o‘qitish sharoitida yuzaga keladi. Shuningdek, o‘rganilgan mavzular xususiyatlaridan kelib chiqib, bunday vaziyatlarni yaratishning maxsus usullarini ishlab chiqish zarur. Shunday qilib, o‘qitishda muammoli vaziyat shunchaki «fikr yo‘lidagi kutilmagan to‘siq» bilan bog’langan aqliy mashaqqat holati emas. U bilish maqsadlari maxsus taqozo qilgan aqliy taranglik holatidir.

Bunday vaziyat negizida avval o‘zlashtirilgan bilim izliri va yangi yuzaga kelgan vazifani hal qilish uchun aqliy va amaliy harakat usullari yotadi. Bunda har qanday mashaqqat muammoli vaziyat bilan bog’liq bo‘la bermasligini ta’kidlash o‘rinli bo‘ladi. Yangi bilimlar avvalgi bilimlar bilan bog’lanmasa, aqliy mashaqqat muammoli bo‘lmaydi. Bunday mashaqqat aqliy izlanishni kafolatlamaydi. Muammoli vaziyat har qanday fikrlash mashaqqatlaridan farq qilib, unda talaba mashaqqat talab qilgan obyekt (tushuncha, fakt)ning unga avval va ayni vaqtda ma’lum bo‘lgan vazifa, masala bo‘yicha ichki, yashirin aloqalarini anglab yetadi.

Shunday qilib, muammoning mohiyati shundaki, u talaba tanish bo‘lgan ma’lumotlar va yangi faktlar, hodisalar (qaysiki, ularni tushunishi va tushuntirish uchun avvalgi bilimlar kamlik qiladi) o‘rtasidagi ziddiyatdir. Ziddiyat bilimlarni ijodiy o‘zlashtirish uchun harakatlantiruvchi kuchdir.

Xulosa qilib aytgangda, muammoli o‘qitishning vazifasi talabalar tomonidan bilimlar tizimi va aqliy hamda amaliy faoliyat usullarini samarali o‘zlashtirishga hamkorlik qilish, ularda yangi vaziyatda olingan bilimlarni ijodiy qo‘llash malakasini hosil qilish, bilish, mustahkamlashga o‘quv va tarbiya muammolarini hal qilishidir.

O‘quv jarayonining amaliy tahliliy muammosi o‘qitishning o‘ziga xosligini belgilash imkoniyatini ochadi. Muammoli o‘qitishning mohiyati ta’lim oluvchi tomonidan o‘zlashtirilishi lozim bo‘lgan axborotlarni o‘qituvchining maxsus tashkil qilishidan iboratdir.

Кат.ўқит. А.З. Табаев,
ТИМИ

Сув хўжалигида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш истиқболлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар табиий ресурслар, хусусан, сув ва ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, асосан, суғориладиган ерларда олиб борилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва энг катта сув истеъмолчиси суғориладиган деҳқончиликдир. Мамлакатимизда сув ресурсларининг 92 фоизга яқинидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Сувдан фойдаланувчиларга сув ресурсларини етказиб бериш учун сув хўжалигида ҳар йили катта миқдорда сарф-харажатлар амалга оширилади. Жумладан, ирригация ва мелиорация иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари сув хўжалигига сарфланувчи харажатларнинг асосини ташкил этади.

Сув хўжалигидаги ислоҳотлар натижасида сув ресурсларини бошқариш ва молиялаштиришнинг ҳавза тизимига ўтилиши ва нодавлат нотижорат ташкилотлар бўлган сув истеъмолчилари уюшмаларининг вужудга келиши натижасида сув ресурсларининг танқислиги шароитида муаммоларни бартараф этиш имконини берди. Мамлакатимизда сув ресурслари танқислигини юмшатиш, уларни рационал бошқаришга сарфланаётган катта миқдордаги

молиявий мабалағларнинг ўз самараси сув ресурсларини бошқаришнинг қуйи бўғини бўлган Сув истеъмолчилари уюшмаларидаги молиявий муаммоларнинг ҳал этилиши билан узвий боғлиқдир.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шартномалар тузишда сув хўжалиги органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- сув тақсимоти ва сув етказиб беришни, сувдан фойдаланиш лицензияси шартлари тасдиқланган сувдан фойдаланишнинг меъёри, режаси, лимитлари ва сув етказиб бериш шартномаси асосида амалга ошириш.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг муҳим омиллардан бири давлатнинг молиявий харажатлари қисқариши ва атроф-муҳитга салбий таъсири қисқаришидир. 2009 йил 25 декабрь 240-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ва ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни эълон қилинди. Мазкур қонунда белгиланишича: “Сув истеъмолчилари уюшмаси – юридик шахс бўлган сув истеъмолчилари томонидан сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти” дея зикр этилган.

Сув истеъмолчилари уюшмалари қишлоқ хўжалиги корхоналарига ирригация хизмати бадаллари ҳисобига хизмат кўрсатувчи корхона бўлиб, шартномавий асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сув ресурсларини етказиб беришга ихтисослашган. Ҳозирги вақтда республикамизда 1505 та Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолият юритиб, Адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтказилган Сув истеъмолчилари уюшмалари эса 1495 тани ташкил этади, улар 3,96 млн. гектардан ортиқ майдонга сув хўжалиги хизматларини кўрсатиб келмоқдалар. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг асосий хўжалик фаолиятини юритиш ва уни молиялаштириш манбаи ирригация хизмати бадали ҳисобланади. Уни ҳисоблашнинг бир неча тури бўлиб, ҳозирги кунда уни ер майдонига нисбатан ҳисоблаш усули кенг қўлланилмоқда.

Сув истеъмолчи уюшмаларининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумот (2015 йил 10 ноябрь ҳолатига)

№	Ҳудудлар номи	СИУ лар сони	Хизмат кўрсатиш майдони, минг га	Бизнес режага асосан		
				кўрсатил-ган хизмат, млн. сўм	шундан тўланган, млн. сўм	%
1	Қорақалпоғистон Республикаси	125	246.8	2323.7	1928,6	83
2	Андижон	105	249.9	2610.2	1502,4	58
3	Бухоро	130	275.1	3287.1	2022,6	62

4	Жиззах	119	252.7	472.1	218,7	46
5	Қашқадарё	151	419.6	5003.6	2897,7	58
6	Навои	56	105.6	1574.3	951,0	60
7	Наманган	134	237.2	1782.9	1267,8	70
8	Самарқанд	42	361.2	4156.0	1274,0	31
9	Сурхондарё	149	279.1	3647.1	1405,4	39
10	Сирдарё	108	254.3	4584.5	1274,5	28
11	Тошкент	149	358.0	2956.6	1594,6	54
12	Фарғона	124	358.6	5770.0	4601,8	80
13	Хоразм	113	249.8	3631.9	1622,6	45
Жами:		1505	3647.9	418000.2	22561,6	55

Юқоридаги жадвални таҳлил қилсак, республикамиз бўйича сув истеъмоличиларидан келиб тушган ирригация бадали тўловлари 55 фоизни ташкил этди. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари сифатида ривожланиши унинг молиявий муаммоларини ҳал этишга боғлиқ бўлиб, қолмоқда. Бунинг учун сув истеъмолчилари билан шартномав муносабаталарини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

З.А. Қаҳҳорова,
Мирзо Улуғбек информатика
касб-ҳунар коллежи

Меҳнат салоҳиятини оширишда инновацион таълимнинг ўрни

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқотларни олиб борган олимларнинг фикрича, инсониятнинг барча босқичларида иқтисодий ўсишни ҳаракатга келтирувчи асосий куч инновация бўлган.

Инновациялар жуда кенг қамровли тушунчадир. Бу тўғридан-тўғри инсоннинг олган билимлари, тажрибасини ижодий фикрлай олиши ва ноанъанавий қарорлар қабул қила олиши натижасида ностандарт равишда қўллай олиши билан боғлиқ ҳамма нарсалардир. Шундай экан “инновация” – янгилик маъносини англатиб, глабал рақобат шароитида унга эҳтиёж борган сари ортиб бормоқда.

Масалан, А. Смит 1776 йилда чоп эттирган «The Wealth of Nations» номли монографиясида таъкидлашича, “капитализмнинг ташкилий механизми бўлиб фақатгина бозор тизими эмас, балки рақобат ҳам бўлиб, у ошиб бораётган эҳтиёжларни нархлар пасайиши ёки сифат яхшиланиши ҳисобига қондирмай, балки буни янада самаралироқ усул билан янги технологияларга ўтиш йўли ёрдамида, яъни инновация ёрдамида амалга оширади”. Бу ерда энг муҳим жиҳат шундаки, ҳозирги кунда эркин бозорларда истемолчилар учун кураш жараёнида компаниялар инновацияларни энг таъсирчан омил сифатида қўлламоқда. Таълим соҳасидаги самарали инновациялар таълим хизматлари сифатини бир неча маротаба ошириши мумкин ва мамлакат иқтисодиётини билимларга асосланган холда пропорционал ривожлантириш имконини беради.

Ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида инновацияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи бевосита ва билвосита омиллар орасида билимлар асосий омил ҳисобланади.

Ҳозирги замонда билимларнинг тарқалиш тезлиги ва инновацияларнинг ривожланиш хусусияти шундайки, уларни қўллашдан келадиган самара техник-иқтисодий ривожланишга мослик билан асосланади. Бу замон билан ҳамнафас бўлиш имконияти энг илғор ғоялар, юқори компетентлик ва чекланган ресурслардан фойдаланишни таъминловчи фойдали алоқаларга эга бўлганларгагина берилган. Шундай экан, ҳозирги замонавий таълим тизими келажакка ўта фаол муносабатда бўлиши зарур. Таълим стратегик йўналтирилган бўлиши ҳамда инсонни сафарбарлик ва креативликка талабларнинг ошиб борувчи ва ўсиш суръатларидан ҳам ўтиб кетаётган, тез ривожланаётган бозорлардаги юқори таваккалли иқтисодий фаолият шароитига кўникувчанлигини таъминлаши керак.

Тизимли ёндашув инновация жараёнларининг эволюцияси ва амал қилишини ўзаро боғлиқ бир бутунлик сифатида қараш лозим. У жамият иқтисодий салоҳиятини тавсифловчи саноат корхоналарининг молиявий ҳолати ва инновациялар ўртасидаги кўп томонлама боғлиқликлар, асос бўлиб хизмат қилувчи механизмларни аниқлашга ёрдам беради.

Бугунги кунда таълим инсон ва жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим омилига айланган. Таълим муассасалари маданий меросни авлоддан-авлодга узатиш, касбий тайёргарликнинг асосий шаклига айланган. Таълим шахс томонидан билимларни эгаллашига хизмат қилади, унга ижтимоий меъёрларни ўзлаштиришга ёрдам беради, иқтисодий фаол ҳаётга киришида дастак бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан кишилар томонидан билимларнинг эгалланиши жамиятнинг иқтисодий, илмий, маданий ва ижтимоий ривожланишини таъминлайди. Таниқли америкалик иқтисодчи Т. Стоуньер “Иқтисодиётнинг саноат ривожланишидан кейинги даврида билим ер, меҳнат ва капитал ўрнини босиб, замонавий ишлаб чиқариш тизимларининг энг муҳим асосига айланди”[38], - деб кўрсатади.

Иқтисодий ривожланиш даражаси ортиши билан инсон капиталининг миллий бойликдаги улуши ортиб боради. Германия, Швейцария ва Японияда мазкур салмоқ 80,0 %га етгани худди шундан далолат беради. Жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши статегиясида таълимга инсонни ривожлантириш концепциясининг энг муҳим таркибий қисми сифатида ёндашилади.

Таълим инсонни ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва гуманитар муаммолар бутун мажмуасини ҳал этишга катта таъсир кўрсатиши исботланган. Улар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ҳар бир мамлакатда ҳозирги давр учун муносиб бўлган аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини таъминлаш;

[38]Стоуньер Т. Информационное богатство: профиль постиндустриальной экономики. Новая технологическая волна на Западе / Под ред. Гуревича П.С. –М.: Прогресс, 1986. - С.24.

● иш билан самарали бандликни таъминлаш;
● барқарор ривожланишни таъминлаш;
● ижтимоий тенгсизлик даражасини пасайтириш;
● фуқаролик жамияти таркибини мустаҳкамлаш;
● инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни самарали амалга ошириш;
● шахснинг имкониятларини тўла ва ҳар томонлама амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш.

Халқаро ҳамжамият бугунги дунёда таълимнинг аҳамиятига муносиб баҳо берган ҳолда инсонни ривожлантиришда таълимнинг муносиб ролини таъминлашга қаратилган қатор стратегик дастурлар ишлаб чиқди ва уларни амалга ошириш чораларини кўрмоқда. Улардан бири – “Таълим – ҳамма учун” концепциясидир. Концепциянинг асосий принциплари 1990 йилда Жомтьен (Таиланд) ташкил этилган конференцияда баён этилди.

Инсоннинг билимлар билан бойишининг доимий жараёни ҳозирги шароитда фаннинг жамият ҳаётидаги ролининг ортиб бориши билан шартланган янги хусусиятларни касб этди. Энди у мавжуд билим ва кўникмаларнинг амалий йўл билан тўлдирилишини намоён этмайди. Инсонларни илмий билимлар ва уларни амалиётда қўллаш уқувлари билан бойитиш жараёни ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Буни эса узлуксиз ривожланувчи ва ривожланиш жараёнида табақалашувчи таълим тизимисиз амалга ошириб бўлмайди.

Билимлар ва ахборотларнинг жамият ривожланишидаги аҳамияти ниҳоятда ошиб бораётганлиги ахборот жамияти концепциялари ва ахборот цивилизациясининг шаклланишида ўз аксини топди. Янги билимлар, ахборот, уқув ва кўникмаларга эга бўлиш, уларни янгилаш ва ривожлантиришга йўналтирилишнинг қарор топиши нафақат индустриал иқтисодиётдаги ходимлар, балки тадбиркорлар, бизнес раҳбарларининг ҳам фундаментал хусусиятларига айланмоқда. Ахборот жамиятида қарор топувчи иқтисодий ривожланишнинг янги хили улар учун ўз малакасини доимий равишда ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Замонавий ахборот инфратузилмасини шакллантириш нафақат иқтисодий самарадорликни ошириш вазифалари, балки бизнесда янги технологиялар, замонавий техника тизимлари, маълум билимлар, уқув ва кўникмалар ҳамда инсонлар хатти-ҳаракатининг моделларидан фойдаланиш зарурати билан белгиланади.

Демак, ижтимоий ривожланишда билимлар, ахборот аҳамиятининг кучайиши, билимларнинг аста-секин инсон капиталига айланиши таълим соҳасининг ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти таркибидаги ролини кескин ўзгартиради. Албатта, турли мамлакат ва давлатлар гуруҳларида таълим тизимининг ижтимоий тузилмадаги ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бироқ янги ахборот цивилизациясининг вужудга келиши меҳнат салоҳиятига янгича талабларни қўйиб, таълим соҳасини ижтимоий ҳаётнинг марказига чиқарди.

Шундай қилиб, ахборот жамиятининг вужудга келиши билан боғлиқ шароитларда меҳнат салоҳиятини ошириш билан боғлиқ барча миллий ва

ҳалқаро лойиҳаларда таълим соҳасини ривожлантириш марказий ўрин эгаллайди. Таълим тизимининг ҳолати, унинг шахс ва жамиятнинг юқори сифатли таълим хизматларига эҳтиёжларини қондира олишига ҳозирги замон жамият ривожланиш истиқболлари боғлиқ.

Кат.ўқит. И.К. Яхьяева,
М. Пўлатходжаев, ТДИУ

Таълим сифати – устувор йўналиш

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир.

Ҳозирги замон шароитида юқори малакали кадрларни тайёрлашда ўқитишнинг ҳозирги замон тизимлари ва янги педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Янги педагогик технологияларнинг хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмуни, таълим мақсади, кутилаётган натижани аниқ белгилаш, таълим методлари, шакл ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчи ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг реал мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақтда уларни самарали амалга ошириш ва ўзаро билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий педагогик технология педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда қуришга йўналтирилган; ўқитишнинг ахборотли воситалари, дидактик материаллар ва фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

Республикамиз Президенти “Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни назорат остига олиш зарур”лигини алоҳида таъкидлаб келадилар. Бугун олимлар ва ўқитувчилар илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдирлар.

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб

таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий бўғинга айланади.

Давр олий таълим тизимига янги талаблар қўймоқда, уни меҳнат бозорида талаб этиладиган рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга йўналтирмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда таълим тизимини модернизация қилиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашнинг илмий-амалий асосларини яратишни назарда тутади.

Таълимни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнлари олий таълим тизимида, айниқса, яққол намоён бўлади. Бу ерда дарс бериш жараёнида янги технологиялар таълим сифатини ошириш мақсадида доимий равишда жорий этилади. Ўз-ўзидан равшанки, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг зарурий омили ҳисобланади.

Сифатни таъминлаш тизими таълим олувчилар ва битирувчиларнинг жамият томонидан қўйилган ва ўқув юртлари бажаришга ҳаракат қиладиган талабларга мувофиқлигини таъминловчи омилдир. Таълим сифати жамият талабларига мослик ва мослашувчанлик билан узвий, касб-ҳунар таълимининг сифат тизимини таъминлаш вазифаси эса уларни кафолатлашдан иборатдир.

Олий ўқув юртларида олий таълим халқаро тизимларининг ўзаро алоқасининг таъсирчан воситаси сифатида таълим модул тизимининг жорий этилиши мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилди. Маълумки, таълим жараёнида модул технологиялари аудиторияга ажратилган соат ҳажмини қисқартириш, талаба мустақил ишининг аҳамияти ва мақомини оширишни назарда тутади. Бунда талабалар мустақил ишлашини фаоллаштириш ўқув материали мазмунини бойитиш ва мустаҳкамлаш, янги касбий билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолият ва интерфаолликни ривожлантириш ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришга кўмаклашади. Мустақил ишлаш талабанинг илмий адабиётлар ва ахборот ресурслари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш учун имконият яратади.

Ўқув жараёнида амалиётга доир вазифалардан фойдаланиш мустақил ишлаш жараёни устидан назорат олиб боришнинг самарали шакли ҳисобланади. Уни машғулотларда моҳирона қўллаш талабаларни долзарб муаммолар хусусида ўз нуқтаи назарини таърифлаш, ўз хулоса ва ечимларини далиллаш учун қўшимча ахборотни фаол излаш ва олишга мажбур этади. Бу талабаларда бўлғуси касбий фаолиятини амалга ошириш принциплари ва шаклларига нисбатан ижодий ёндашувни шакллантиришга эришиш имконини беради.

Магистрлар М. Таджиева,
О.У. Нишонбоев, ТДИУ

Иқтисодий саводхонликни оширишда хориж технологиялардан фойдаланиш

Мамлакатимиз истиқболи, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган жамият қуриш соҳасидаги ишларнинг самарадорлиги юқори малакали, ривожланган мамлакатлар даражасида, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, баркамол авлодни шакллантириш муаммоси билан узвий боғлиқ. Бугунги кунда замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага жорий этиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ватанимиз таълим тизимида кўзда тутилган мақсад – таълим муассасалари фаолиятини демократлаштириш, унинг инсонпарварлик тамойилларини ривожлантириш, шу асосда ўқув-тарбия ишлари мазмунини, унинг шакл ва услубини комплекс янгилаш ва янада такомиллаштиришдан иборатдир. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг муҳим шартларидан бири хориж мактаби ва педагогикаси тажрибаларига муносабатни тубдан ўзгартиришдан иборат эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Таълимда самарали ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилаётган ҳозирги даврда эса фан-техника тараққиёти, янги технологик революция шароитида муваффаққиятли фаолият юрита оладиган жамият аъзоларини етиштириб бериш, ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтиришда давлат хизматини ҳамда ўрта таълимнинг кўп вариантли учинчи босқичини жорий этиш, таълим мазмунини яхшилашда педагогик воситаларни кўллаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг муҳим тизимларини яратиш каби хориж тажрибаларини ўрганиш айни муддаодир.

Ривожланган хорижий давлатларда таълимнинг, мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги эътироф қилинган ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам хориж мамлакатларида таълим эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида турли соҳаларда ислоҳотларни амалга ошира бошлади. Олий таълим тизими ислоҳотлари устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Жаҳон стандартлари талабларидан келиб чиқиб, узлуксиз таълим, олий таълимнинг бакалавриат ва магистратуралар сифат даражасини янги босқичга кўтариш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Маҳаллий шароитда таълим тизимини ривожлантириш билан бирга Ўзбекистон олий таълим муассасалари билан хорижий таълим муассасалари ўртасидаги халқаро алоқалар янги босқичга кўтарилди.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш ёки такомиллаштириш жараёнлари кўпгина мамлакатларга хос. Табиийки, улар барча мамлакатларда бир хилда амалга оширилмайди. Бу мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитлари, ҳал этаётган муаммоларига кўра фарқ қилади. Шунга қарамай, бу жараёнларда муайян умумий жиҳатларни кузатиш ва уларнинг маълум мамлакатдаги таълим тизимларига ва унинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлигини аниқлашга ҳаракат қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач, унинг мустақиллигини биринчи бўлиб бир қатор Европа, Осиё ва Америка мамлакатлари тан олди. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар, шу жумладан, таълим ишлари бўйича ҳамкорлик тез ривожланиб борди ва у хорижий мамлакатлар билан алоқаларимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Бу ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ, республикамизда Сингапур, Турин политехника институти филиаллари ташкил этилди ва улар яхши фаолият юритмоқда. Ҳар йили юзлаб ўзбекистонлик талабалар таълим олиш учун ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларига жўнатилмоқда. Айни вақтда хорижлик ёшлар ҳам республикамиз таълим муассасаларида билим олмоқдалар.

Шунингдек, бу мамлакатлар билан кенг кўламда таълим бўйича мутахассислар алмашиш йўлга қўйилган. Хориж мамлакатларидан таълимни бошқариш муассасаларининг, ўқув юртларининг ҳамда таълим бўйича илмий тадқиқотлар ва илмий-методик ишлар олиб борувчи мутахассислар, ўқитувчилар ва тарбиячилар ўзаро ташрифлар уюштириб, тажрибалар алмашмоқдалар. Бу мамлакатлар мутахассисларининг умумий мақсад йўлидаги ишларини ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Таълим муассасаларида фақат ўқув-тарбия ишлари, уни такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларнигина бажарадилар. Бундан ташқари фаолиятларга йўл қўйилмайди.

Ҳозирги вақтда миллий иқтисодиётлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайганлиги, ахборотли жамиятда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги омиллар ролининг ўзгарганлиги, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва инновацион ўсишга олиб келмокда. Мамлакатдаги интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш имкониятлари алоҳида давлатлар ва интеграциялашган уюшмалар иқтисодий ривожланишининг ғоят муҳим шартлари бўлиб қолди.

Билимларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш, ишлаб чиқариш жараёнида билимлар, инновацияларни яратиш, тўплаш ва улардан фойдаланиш мамлакатнинг жаҳон иқтисодиёти миқёсларидаги рақобат соҳасидаги энг асосий устунлиги сифатида тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бормоқда. Билимларнинг яратилиши ва қўлланилиши интеллектуал салоҳиятга боғлиқ бўлиб, бундай салоҳиятни шакллантиришда янги ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланувчи ва илмий тадқиқотлар билан интеграциялашган, ходимларнинг, хотин-қизларнинг бутун меҳнат фаолияти мобайнида билимларини такомиллаштириши учун зарур узлуксиз таълим амалиётини ривожланувчи олий таълим ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Магистрлар У.Ф. Толипова,
М.Э. Каримова, ТДИУ

Таълим сифатини оширишда инновацияларнинг роли

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим инсон фаолиятининг турли йўналишларда янги юқори технологияларни жорий этиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ахоли турмуш даражасини юксалишнинг жуда муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Олий таълимнинг мақсади тайёрланаётган мутахассисларни ўзгариб бораётган меҳнат бозори талаб қиладиган, ривожланаётган инновацион иқтисодиётда фаол иштирок этувчи ва ўз турмуш даражаси, ахоли фаровонлигини таъминловчи малакали ва ижтимоий кўникмага эга етук инсон даражасига етказишдан иборат.

Бундай мақсадни амалга ошириш учун эса, бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан аниқ белгилаб берилган энг муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган чора-тадбирларга асосланиб, ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этиш таълим сифатини янада ошириш ҳамда бир қатор муҳим масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, келажагимиз ворисларини баркамол инсон этиб тарбиялашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Чунки таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги ва унумли технологияларни татбиқ этиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини юксалтиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётига тобора чуқур интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон учун меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тез мослаша олувчи таълим тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириб бориш долзарб масала ҳисобланади. Мазкур вазифаларнинг ижроси таълим муассасалари томонидан замон талаби даражасидаги сифатли билимга эга юқори малакали бошқарувчи кадрларни тайёрлашни тақозо этмоқда. Таъкидлаш жоизки, моҳияти жиҳатидан мутлақо янги кадрлар тайёрлашнинг миллий модели “Таълим тўғрисида”ги ҚОНУН ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан иборат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва жорий этишга асос бўлди. Бу ҳужжатлар таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, таълим жараёнида унинг сифатини тубдан оширишнинг муҳим йўналишлари сифатида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга қизиқиш, эътибор кундан-

кунга кучайиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири анъанавий таълимда талабаларга фақат тайёр билимларни эгаллаш ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни ижодий фикримизча, эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишлари ва ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Мамлакат иқтисодиётининг узвий қисми бўлган таълим тизимини модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни таълим тизимига ҳам жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Таълим тараққиётининг ҳозирги ҳолати интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми бўлган республикамиз олдида таълим тизими фаолиятини ҳам жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, халқаро таълим тизимига интеграциялаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий халқаро меҳнат бозори талаби даражасида ташкил қилишни талаб этмоқда. Бу ҳолат республика таълим муассасаларини халқаро сифат менежменти талабларидан келиб чиққан ҳолда сертификатлаштиришни тақозо этмоқда.

Таълим соҳасининг устувор йўналиши бўлмиш олий таълим муассасаси катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси 2009 йил 20 августда “Республика олий таълим муассасаларини янада молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Мазкур қарор мамлакат ОТМлари моддий-техника базаси ҳамда уларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш, бунинг асосида реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари талабига мос олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни таъминлашга қаратилган.

Юқоридаги қарорлар ва соҳа фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси, олий таълим муассасаларини молиялаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар таълим тизимининг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиши, жаҳон стандартлари талаби даражасида фаолият юритишини таъминлайди. Давлат томонидан олий таълими тизимини моддий қўллаб-қувватлаш таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини, иқтисодиётни модернизациялаш ва янги технологияларни қўллаш тадбирларини янада фаоллаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва бандликка кўмаклашишда маркетинг хизмати ролини ошириш ҳисобига таълим муассасаларининг даромадини ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда замонавий техника воситалари, жиҳозлар, янги технологияларга эҳтиёжни таъминлайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастуридан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш ва техника соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича қабул квоталари 2010/2011 ўқув йилида 23 фоиздан 2013/2014 ўқув йилида 30,6 фоизга оширилганлиги, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлмаган йўналишларни тугатиш, турдош таълим йўналишларини бирлаштириш мақсадида бакалавриат таълим йўналишлари 228 тадан 165 тага, магистратура мутахассисликлари 1200 тадан

447 тага камайтирилганлиги таълимни иқтисодиёт реал талабларига мослаштириш масаласига давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир. Таълимни реал иқтисодиёт талабларига мослаштириш учун таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш, ўқув режалари, фанлар дастурларига бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш жараёнини эркинлаштириш зарур.

Бугун жаҳон тажрибасига кўра, инновация ишланмаларини яратиш, тижорийлаштириш ва жорий этишда технопарклар муҳим роль ўйнамоқда. Технопаркларда тадқиқотчилар университет ва корпорациялар ўртасида технологиялар ҳамда билимлардан ўзаро фойдаланиш инфратузилмаси яратиладики, бу, ўз навбатида, янги инновацион компанияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига хизмат қилади.

Шу жиҳатдан, олий ўқув юртларининг инновация инфратузилмасини кучайтириш, кичик инновациявий корхоналар тузишни рағбатлантириш, уларнинг базасида тажриба ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш, олий ўқув юртларининг илм-фан, саноат ва иқтисод билан ҳамкорлигини кучайтириш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш зарур деб ҳисоблаймиз. Ушбу мақсад доирасида ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда бирлашмаларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий изланиш ва ишланмалар рақобатдошлигини кучайтириш масаласи ҳам устувор вазифа ҳисобланади.

Шунингдек, фаннинг таълим билан интеграциялашувининг таъсирчан воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини беради натижада олий таълим тизимида ёш мутахассисларни тайёрлаш сифатини янги босқичга кўтаради. Таълим тизимини модернизациялаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашнинг меъёрий ва ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш амалиётчи мутахассислар ва илмий тадқиқотчилар учун асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Кат.ўқит. У.С. Узакова,
Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежи

Хорижий мамлакатларнинг инновацион таълимни ривожлантириш тажрибалари

Инновацион таълимга йўналтирилган мактаблар XX асрда кенг тарқала бошлаган. Жумладан “Эркин мактаб жамоалари” Германияда ташкил қилинган бўлиб, улар мактаб интернатлардан иборат бўлган ва мактаб ҳаёти боланинг эркин ривожланиши асосида ташкил қилинган. Ўқитиш мажбурий меҳнат таълими ва фанларни эркин танлаш асосида қурилган. Тарбия соҳасида байналминалчилик тамойилига асосланган фуқаролик жавобгарлигига урғу берилган. Барча ўқувчиларнинг бешдан бир қисми бошқа мамлакатлардан келган болалардан иборат эди.

“Меҳнат мактаблари” биринчи марта Германия, Швейцария, Австрияда

пайдо бўлган. Бу мактаблар асосан мактаб ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини таъминлаган, маданиятнинг бир элементи сифатида меҳнатга йўналтирган, мактаб ўқувчисининг ўз-ўзини бошқаришига таянган.

О. Декроли томонидан Бельгияда ташкил қилинган “Ҳаёт орқали ҳаёт учун мактаб” ўқувчиларни табиат билан яқин алоқада тарбиялашга, ўқувчининг фаолияти ва эркинлигига таянган. Ўқувчиларнинг “қизиқишлари маркази” мактабнинг асоий ғоясини ташкил этган. Бу мактабда ўқувчини фаол жараёнларга кириши рағбатлантирилган. Ўқитишнинг муҳим компоненти ўқувчини табиат, мактаб, оила, жамият билан ўраб олишдан иборат бўлган.

АҚШдаги Д. Дьюининг “Бажариш мактаби” ўқитишни ҳаётга яқинлаштириш, болаларнинг табиий ривожланишини рағбатлантириб, тажрибаларини оширишга ҳаракат қилган. Ўқитиш жараёнида боланинг табиий ривожланиб боришининг асосий ундовчилари ҳисобга олинган: ижтимоий (мулоқотга интилиш), конструктив (ўйин чоғида ҳаракатга интилиш), тадқиқотчилик (билиш ва тушунишга интилиш), экспрессив (ўзини намоён этишга интилиш). Ушбу йўналишдан кейинчалик бошқа мактаблар ажралиб чиқа бошлади:

- Лаборатор мактаб (Д. Дьюи);
- Ўйин мактаби(К. Пратт);
- Болалар мактаби (М. Наумберг);
- Органик мактаб (М. Джонсон).

Юқорида келтирилган Америка мактаблари учун ўқитишнинг янги усулларини топишга интилиш, болаларнинг қизиқишларига диққат қилиш, ўқувчининг шахсий хусусиятларини ўрганиш, уларнинг фаоллигини ошириш ҳамда таълим ва тарбияда амалиёт йўналишини ривожлантириш хос бўлган.

Германиядаги Р. Штайнернинг “Вальдорф мактаби” боланинг ҳар томонлама интенсив ривожланишига йўналтирилган. Ўқитишни ташкил қилиш ўз-ўзини бошқаришга асослаган: Кенгаш фаолият юритган, ўқиш ва тарбия жараёнига ота-оналар жалб этилган. Ўзлаштириш жараёнини баҳолашда ўқитувчи ўқувчининг индивидуал натижаларини баҳолаган. Мактаб фаолиятининг бош йўналиши таълимнинг янги эмоционал, эстетик шаклларини излаб топишдан иборат бўлган.

1970 йилларда Буюк Британияда пайдо бўлган “Очиқ мактаблар” ўқитишнинг индивидуаллигини тасдиқлаган бўлиб, у мажбурий ўқув дастурларидан воз кечган. Бундай мактабда анъанавий дарс жадвали, қатъий белгиланган вақт, ўқув дастурлари бўлмаган.

“Очиқ ўқитиш” ғоялари бир қанча тажрибаларда амалга оширилган: «Мактаб шаҳар каби» (Берлин), «Мактаб шаҳар каби» (Санкт-Петербург, 1990 йиллар), Франциядаги «қорли» и «денгизли» синфлар, Буюкбритания ва АҚШдаги «деворларсиз мактаб».

Шундай қилиб, инновацион таълимни ташкил қилишга ҳаракатлар узоқ йиллар давомида ривожланиб келди ва бундай таълимга эҳтиёж даврлар оша ортиб бораверди.

АҚШда “янгиликларни жорий этиш тушунчаси”ни “фан-техника

тараққиёти” тушунчаси билан алмаштиришади ва бунда илмий-техник соҳадаги оғирлик маркази жараёндан натижага, яъни мазкур жорий этиладиган янгиликлар таъсири остида иқтисодиёт, ижтимоий соҳадаги натижаларга ўтади. Оғирлик маркази олимлар қизикишини қондиришдан одамларнинг маълум турдаги маҳсулотга эҳтиёжларини қондиришга кўчади.

Жаҳон тажрибасига кўра, ҳозирги кунга келиб, техник янгиликларнинг ҳаракатлантирувчилари ўз фаолиятида давлат ёрдамига таянувчи кичик фан-техника ва инновация фирмалари ҳисобланади. Масалан, АҚШда технологик янгиликларни жорий этиш 80-йиллардан бошлаб иқтисодий жараёнларни давлат томонидан бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан ва нуфузли жиҳатларидан бирига айланди.

Инновация муҳитида кичик корхоналар фаолиятини бошқаришнинг соф бозор механизмлари самарасизлиги саноати ривожланган давлатлар ҳукуматини кичик инновация бизнесини қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга мажбур қилади. АҚШда бундай дастурлар 1982 йилда “Кичик бизнесда новаторлик тадқиқотларини ривожлантириш тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан сўнг кенг қўлланила бошлади.

Ҳукумат мақсадли субсидиялар, дотациялар тадқиқот стипендияларини фундаментал фанлар ва саноат ўртасида узоқ муддатли алоқалар ўрнатилганлиги учун ажратади, университет олимлари саноат компаниялари учун қизиқарли бўлган муаммолар билан шуғулланадиган инженерлик марказларини тузади. Миллий илмий жамғарма бундай марказлар учун инфратузилиш базасини ўтайди, ИТТКИлар эса бундай тадқиқотлар буюртмачилари томонидан молиялаштирилади.

Илмий сиёсатни амалга оширишда АҚШ ҳукуматининг роли қуйидагилардан иборат бўлмоқда:

- фундаментал илмий ғоялар заҳирасини яратади ва янги технологияларни ишлаб чиқиш учун зарур мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради;
- илмий - техник лойиҳалар молиявий ҳатарини камайтиради;
- академик ва амалий фанлар ўзаро муносабатларини ташкил этишда воситачилик функциясини амалга оширади;
- илмий соҳада мувозанатсизликни тўғрилайди, илм-фан моддий-техник базаси қолоқлигини бартараф этади, илмий тадқиқотларнинг ахборот базасини ривожлантиради.

Илм-фан соҳасидаги сиёсатдан ташқари, турли давлат маҳкамалари доирасида ижтимоий характердаги тадбирлар ҳам амалга оширилади. Улар бевосита молиявий кўмакни кўзда тутувчи бизнеснинг инновация фаоллигига қаратилган бўлади. Амалий тадқиқотларни юритиш учун Миллий илмий жамғарма маблағларидан фойдаланилиб, улар янгиликларни жорий этиш марказларини шакллантиришга ёрдам беради ва давлат маблағлари ҳисобидан инновация фирмаларига таваккал капиталини ажратадилар. илмий ва инновация фаолиятини молиялаштириш манбалари хорижий мамлакатларда турлича бўлиб, жумладан, АҚШда бу соҳага ажратилаётган маблағларнинг фақатгина 30 фоизи бюджет ажратмаларини ташкил қилади, Европа

Иттифоқида эса бу соҳага бюджет ажратмалари 40 фоизни ташкил қилиб, харажатларнинг қолган қисми компания ва хусусий бизнес ажратмалари ҳисобига тўғри келади. Ўзбекистонда эса вазият бошқача бўлиб, илмий ҳамда инновация фаолиятини молиялаштириш манбаини 90 фоизи бюджет харажатлари ҳисобига тўғри келади, қолган 10 фоизи эса компаниялар ва хусусий бизнес ажратмалари ҳисобидан бўлади.

Шундай қилиб, ривожланган иқтисодиётли мамлакатларда давлатнинг инновация фаоллигига таъсири қуйидаги йўналишларда ўз аксини топади:

- биринчидан, давлат илмий-техник ғоялар таклифини ва ишланмаларни амалга ошириш учун зарур инфратузилмасини шакллантиришнинг омили сифатида;
- иккинчидан, давлат инновация корхоналари ўз фаолиятини амалга оширадиган иқтисодий муҳитни шакллантиришнинг муҳим омили;
- учинчидан, давлат маҳкамалари харидлари кейинчалик хўжалик амалиётида кенг тарқаладиган ва қўлланиладиган кўпгина янгиликларни жорий этиш борасида бошланғич талабни шакллантирувчи омил сифатида қатнашадилар.

Ўзбекистонда тарихан қисқа давр ичида таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Юртимизда ёшларнинг умумтаълим ва касб тайёргарлигини таъминлашнинг замонавий модели амалга оширилиб, пировардида ҳар томонлама баркамол ва мустақил фикрловчи, меҳнат бозорида талаб катта бўлган касбларни эгаллаган, қатъий фуқаролик позициясига эга ёшлар тарбияланмоқда. Хусусан, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — “ИНСЕАД” томонидан инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллади. Таълимни ислоҳ қилишнинг “ўзбек модели” бугун олимлар томонидан назарий ўрганилмоқда, нуфузли ташкилотлар томонидан бошқа мамлакатларга намуна сифатида кўрсатилаётир.

Магистр Х. Усманов, ТТЙМИ

Ўқитишда муаммоли таълим технологияларини қўллашнинг афзалликлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ривожланиш, янгиланиш ва демократик жамият қуриш сари шаҳдам қадамлар билан одимлаб бормоқда. Ҳозирда мустақил Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, таълим соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да шахс миллий моделимизнинг асосий ташкил этувчиси сифатида белгиланган бўлиб, унга нисбатан қўйиладиган талабларнинг амалга оширилиши таълим ислоҳотларининг натижасини белгилаб беради. Ўз навбатида, мазкур ҳужжатда шахснинг ижодкорлиги ва интеллектуал қобилиятлари баркамолликнинг асосий

белгилари сифатида қаралади. Бундан келиб чиқадиган асосий вазифа узлуксиз таълим тизимида шахсда ижодкорлик ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш орқали унинг баркамоллигига эришишдан иборат.

Бугунги кунда касбий тайёргарлик жараёнида талабаларда муаммоларни хал этиш, масаланинг ечимини мустақил топиш каби малака ва кўникмаларни шакллантириш ўта муҳим масаладир. Чунки фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб борар экан, мавжуд билимларимиз тез-тез янгиланади. Бу ҳолат биздан нафақат фундаментал билимларни тушуниб ўрганиш, балки талабаларда танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ақлий фаолиятни ўстириш ва фаоллаштиришни талаб этади.

Муаммоли таълим талабаларнинг фаоллигига қараб тўрт даражага ажратилади. Талабаларнинг тайёргарлик даражаси, билим даражаси ва фикрлаш қобилиятининг ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда муаммоли таълим даражаси танланади.

Муаммоли таълимнинг биринчи даражаси – ўрганиш даражаси ҳисобланади. Бунда ўқитувчи муаммони вужудга келтиради, талабаларга йўналтирувчи саволлар билан мурожат этади ва шу муаммони ечиш усулларини ҳам қисман кўрсатади. Бу ҳолда талабалар муаммони ечиш усулини кузатадилар ва муаммоларни ечимини топиш техникасини ўрганадилар.

Муаммоли таълимнинг иккинчи даражаси – ҳамкорлик даражаси ҳисобланади. Ўқитувчи томонидан муаммо вужудга келтирилади ва талабалар билан биргаликда муаммонинг ечими топилади. Муаммоли таълимнинг учинчи даражаси – мустақил даража ҳисобланади. Ўқитувчи томонидан муаммо вужудга келтирилади ва ўртага ташланади. Талабалар томонидан мустақил равишда ечим топилади, хулосалар қилинади**.**

Муаммоли таълимнинг тўртинчи даражаси – ижодий даража ҳисобланади. Ўқитувчи мавзуни эълон қилади. Талабалар муаммоли вазиятни ташкил этади ва муаммонинг ечимини топиб, хулосаларни ишлаб чиқадилар. Улар мавзудаги мавжуд муаммони кўра олиш ва унинг ечимини мустақил равишда топа олишга ўрганадилар. Бу муаммоли таълимнинг энг юқори даражаси ҳисобланади. Талабалар ижодий ва мантиқий фикрлашга ўрганадилар.

Ўқув жараёнида ўқитувчи муаммоли вазиятларни вужудга келтириш учун уларни ташкил этиш технологияси билан таниш бўлиши керак. Албатта бу вазифа мавзунинг характеридан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Муаммоли вазиятларнинг бир қанча турлари мавжуд.

Муаммоли таълим вазиятлари: Фавқулотда вазият; Инкор вазияти; Низо вазияти; Танлаш вазияти; Фараз вазияти; Номуттаносиблик вазияти.

Ўқитувчи муаммоли вазиятларни мавзунинг характеридан келиб чиқиб танлайди ва мантиқий кетма-кетликда жойлаштиради. Ҳар бир вазият учун талабалар томонидан берилиши мумкин бўлган ечим вариантларини тахмин қилади. Ўқитувчи муаммоли дарсни ташкил этиш режасини тузади, муаммони бир неча аспектларини ажратади, ҳар бир аспект учун ва ҳар бир вазият учун зарур бўлган йўналтирувчи саволлар тизимини ишлаб чиқади.

Бугунги кунда ҳар бир педагог муаммоли таълимни ташкил этиш малакаси ва кўникмасига эга бўлиши, амалиётда муаммоли таълим технологияларидан

фойдалана олиши зарур. Муаммоли таълимни амалга оширишда “ББББ”, “Балиқ скелети”, “Нима учун” схемаси, “Қандай” иерархик диаграммаси, “6х6х6” каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Муаммоли таълим жараёнида “Кейс” лардан фойдаланиш айниқса катта самарадорликка эришишга ёрдам беради. “Кейс” тушунчаси – ахборот мажмуаси, “Стади” тушунчаси- таълим деган маънони билдиради. Кейс стади – бу амалий вазиятни ёритиш асосида муаммони тушинишга, баҳолашга ва муаммонинг ечимини топишга ёрдам берувчи ахборот мажмуасидир. Таълим бериш вазияти- **кейс-стади** (case инглиз.- тўплам, аниқ вазият, stadi- ўрганиш) – бу усул, одатий ҳаётни ташкиллаштирувчи вазиятларни яратувчи ва таълим олувчилардан мақсадга мувофиқроқ ечим излашни талаб қилувчи, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

Кейс - таълим олувчиларни муаммони ифодалашни ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи, бир гуруҳ инсонлар ёки алоҳида шахсларни ҳаётий ташкиллашишидан олинган маълум шароитларини баёнли тақдим этилишидан иборат. Қўшимча ахборотлардан, жумладан аудио, видео ва электрон етказувчилар ва ўқув-услубий материаллардан иборат.

Ўқитиш вазиятининг долзарблиги: Аниқ вазият таълим беришни ҳақиқийликка боғлайди: кейс таълим олувчиларга вазиятни ташҳис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича аниқ босқичларни лойиҳалашда амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини беради. Кейс таълим олувчиларга таҳлил илиш, тенглаштириш йўлларини қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини беради. Кейсни кўриб чиқишда таълим олувчилар таълим олиш жараёнини яратадилар ва жараёнда ўзаро ҳаракатда ҳақиқий фикр алмашиш ҳолатларини яратадилар.

Вазиятлар усули – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилиш орқали тузилган.

Усулнинг етакчи вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- тарбияловчи – фикр алмашиниш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули назарияни амалиёт билан боғлаш имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада долзарблаштириш..

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат бўлади:

- номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимлар шаклланишига олиб келади;
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари мавжудлиги.

Муаммо 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- маълум (ушбу берилган вазифадан).
- номаълум (топиш янги билимлар шаклланишига олиб келади).
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агар таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас. Муаммоли вазифанинг мураккаблиги (вазият "ўқув" муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма акборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишлардан маҳрум бўладилар. Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муаммоли таълим ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш ва мустақил фикрловчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

Dot. N.I. Xalilova,
D.Qayumova., A.Mirzaumarova, Nizomiy nomidagi TDPU

Ta'lim jarayonida shaxsda ijtimoiy ahloq va ijtimoiy nazoratni tarkib topishning psixologik mexanizmlari

Fanda "ahloq" atamasi faollik, mavjud muhitga moslashuvchanlik ko'nikuvchanlik harakatlar tizimini, bunda hayvonlarni faqat tabiatga, insonlarni esa jamiyatga bog`laydi. Bu moslashuvchanlik aniq biologik yoki ijtimoiy berilgan dasturlar asosida amalga oshiriladi. Ijtimoiy ahloqning tipik namunasini aytaylik ko'nikuvchanlik, atorfdagi ijtimoiy muhitga moslashuvchanlik, bu muhitda o'rnatilgan udumlar, tartib-qoida va me`yorlarga amal qilganlikda hisoblanadi.

Moslashuvchanlik axloqi o'zida haqiqatga munosabatning "yopiq" tizimini, ifodalaydi. Faqat insonga xos borliqqa munosabatning shakli faoliyat hisoblanadi, ahloqdan farqli o'laroq mavjud sharoitlarga ko'nikma bilan chegaralanmaydi, balki ularni qayta quradi, o'zgartiradi. Tabiiyki, bunday faoliyat uning asosidagi dapsturlarni doimiy qayta qurish va mukammalashtirish qobiliyatini ko'zda tutadi. Odamlar bunda o'rnatilgan ahloq dasturini oddiygina bajaruvchilarigina emas, balki xaraktalarning yangi dasturlarini yaratuvchisi hamdir.

O’z ilg’orlik imkoniyatlari darajasi va harakatlar maqsadining originalligida moslashuvchanlik xulq-atvori oxir-oqibatda aniqlangan; aktivlik esa bu maqsadlarga erishishga imkon beruvchi vositani qidirish bilan bog`liq. Boshqacha aytganda moslashuvchanlik xulq-atvor maqsadli yo’naltirilgan, maqsadga muvofiqdir.

Hayotiy maqsadlarga erishish va alohida vazifalarni bajarish uchun inson ahloqning ikkita tipidan foydalanishi mumkin. Odatda bu axloq turlari “tabiiy” va “diniy” deb belgilanadi.

Ular orasidagi farq bir qarashda mutlaqo sezilmaydi, biroq printsipial xarakterga ega. Tabiiy ahloq individual-muhim va egotsentrik (xudbinlik): u har doim individual maqsadlarga erishishga qaratilgan va ularga adekvatlik. Shuning uchun bunday hulq-atvorga ega insonga maqsad va mablag`lari muvofiqligi to’g`risidagi savolni berish arzimaydi. Maqsad qanday vosita orqali erishilishi mumkin va lozim. Maqsadlar va ularga erishish vositalari orasidagi muvofiqlashtirishlik, egotsentrik ahloqning alohida shaklini tabiiy ajratishga imkon beradi. Bu ijtimoiy reglamentga solinmaydi, prinsipial axloqsizlik, aniqroq aytganda “surbetlik”. Bu tabiiy, natural xarakterga ega, chunki organik ehtiyojlarni ta`minlashga qaratilgan.

“Tabiiy” jamiyatda egotsentrik hulq-atvor ta`qiqlangan. Ijtimoiy hayotdagi immanent xarakterga qaramay, u doim konvensiya va barcha individlar tomonidan o’zaro murosaga tayanadi. Biroq murosa xulq – diniy, “rasmiyatchilik” – bu individual-tabiiy axloq, garchi shunday ahloq tufayli jamiyat mavjud va tiklanmoqda.

Diniy marosim turli shaklda – odob-ahloq qoidalaridan to marosimgacha-ijtimoiy hayotni shu darajada chuqur egallaganki, bunda biz diniy marosimlar hamkorligida yashayotganimizni ham sezmaymiz. (“tabiiy” ahloqning ta`qiqlanganligini inobatga olib, biz uning boshqa birovda kichik zarrasi nomoyon bo’lganini ham ko’rishga qodirmiz). Diniy ahloq tufayli inson o’zini ijtimoiy farovonlik belanchagida his qiladi: har daqiqada u ishlarining holati saqlanishiga va uning ijtimoiy statusi mustahkamligiga ishonadi. Diniy axloq – ijtimoiy strukturaning barqarorligini ta`minlovchi vosita. Diniy axloqning shakllarini amalga oshiruvchi har bir inson ijtimoiy barqarorlikni ta`minlovchi faoliyatni amalga oshiradi.

Biroq jamiyat tabiiy egotsentrik ahloqni ham inkor etmaydi, inkor etishi ham mumkin emas. Ayniqsa, “tabiiy” ahloq maqsad bo’yicha adekvat va vositalarda noaniq bo’lgach, u doimo individ uchun tashqi omillarga mutanosib bo’lgan diniy ahloqdan “energetik” foydaliroqdir. Shuning uchun ijtimoiy mexanizmlar – ayniqsa ijtimoiylashtirish mexanizmi – “tabiiy” ahloqni diniy ahloqning turli shakllariga aylantirish uchun yo’naltirilgan. Tabiiyki, har doim bir shaklning ikkinchi shaklga almashtirish lozimligi mavjud bo’lganda, ijtimoiy mexanizmning qo’llab-quvvatlash, nazorat va jazo kabi maxsus funktsiyalari mavjud. Bunday ijtimoiy mexanizmlar har bir jamiyatda rivojlangan. Ularning orasida asosiysi ijtimoiylashtirish instituti hisoblanadi.

Ijtimoiylashtirish hammadan avval individga taalluqli. Bu individual jarayon. Biroq u doimo jamiyatning va uni o’rab turgan odamlar sergak kuzatuvida sodir bo’ladi. Agar nazorat bir kishi tomonidan amalga oshirilsa, unda bu individual xarakterga ega, butun jamoa – oila, do’stlar gruppasi, korxona yoki ijtimoiy institut nazoratida bo’lsa, bunda ijtimoiy xarakterga aylanadi va ijtimoiy nazorat deb ataladi.

Ijtimoiy nazoratning asosiy vazifasi – u yoki bu ijtimoiy tizimning barqarorligi uchun sharoit yaratish, ijtimoiy barqarorlikning saqlanishi va shu bilan birga pozitiv o'zgarishlar uchun ham sharoit yaratishdir. Bu nazoratdan ulkan o'zgaruvchanlik, ijtimoiy me`yoriy faoliyatlardan chetga chiqqanlikni: jamiyatga zarar etkazadigan disfunksional faoliyat va rag`batlantirish kerak bo'lgan faoliyat uning rivoji zarur bo'lgan tomonlarini ko'ra bilish qobiliyatini talab etadi.

Ijtimoiylashtirish odatlarimiz, istaklarimiz va udumlarimizni shakllantira borib, ijtimoiy nazoratning va jamiyatda tartib o'rnatishning asosiy faktorlaridan biri hisoblanadi. U qanday kiyinish, o'zini qanday tutish, hayotning u yoki bu vaziyatlarida o'zini qanday tutishda tegishli qarorlarni qabul qilishdagi qiyinchiliklarni engillashtiradi. Bunda har qanday qaror, amal qilish jarayonida o'zlashtirilgan va qabul qilingan qarorlarga zid bo'lsa, u bizlarga noqonuniy, o'rinsiz va xatarli bo'lib ko'rinadi. Aynan shu yo'l bilan shaxsning o'z hulqini nazorat qiluvchi ichki nazoratning ko'pgina qismi shakllanadi.

Ijtimoiy nazorat ijtimoiy munosabatlarning tirik to'qimalarini saqlab qolishda yordam beradi va ijtimoiy tartibni saqlashning alohida mexanizmini ifodalaydi, hamda ikkita muhim element – me`er va sanktsiyani o'z ichiga oladi.

Ijtimoiy me`yorlar – bu o'zini jamoada qanday tutish lozimligi to'g`risidagi farmoyish. Ijtimoiy sanktsiya – rag`batlantirish yoki jazolash vositasi, insonlarni ijtimoiy me`yorlarga rioya qilishga qiziqtiruvchi vosita.

Ijtimoiy me`yorlar masshtab bilan aniqlanadi. Ayrim me`yorlar paydo bo'ladi va faqat mayda guruhlarda – do'stlar davrasida, ishchilar jamoasida, oilada, sport jamolarida mavjud bo'ladi. Boshqa me`yorlar paydo bo'ladi va katta guruhlarda yoki jamiyatda mavjud bo'ladi va "guruhli odatlar" deb emas, balki "umumiy qoidalar" deb ataladi. "Umumiy qoidalar"ga muayyan ijtimoiy guruhga xos udumlar, odatlar, taomil, qonunlar, etiket, xulq-atvor kiradi.

Barcha ijtimoiy me`yorlarni ularning rioya qilinishiga qarab tasniflash mumkin. Bir xil me`yorlarning buzilishiga juda kuchsiz jazo – qo'llamaslik, tirjayish, ko'z ostidan qarash. Boshqa me`yorlarning buzilishiga juda kuchli sanktsiya – mamlakatdan quvilish, o'lim jazosi, qamoq jazosi. Hammadan qattiqroq jazolanadigani ta`qiqning va yuridik qonunlarning buzilishi (masalan insonni o'ldirish, davlat sirini fosh qilish), hammadan yumshoqrog`i – guruhli odatlarning ayrim turlari, asosan oilaviy.

Ijtmmoiy nazorat tizimida sanktsiyalar muhim rol bajaradi. Ular qadriyatlar va me`yorlar bilan birgalikda uning mexanizmini tashkil etadi. Me`yorlar o'z holicha hech narsani nazorat qilmaydi. Odamlarning xulqini boshqa odamlar barcha rioya qiladigan normalar asosida nazorat qiladilar. Hammaga rasm bo'lib qolgan urf-odatlarga rioya qilish bizning axloqimizni ravon qiladi. Sanksiyalar ham ravon va hammaga rasm bo'lib qolgan urf-odatdir. Har birimiz buyuk ilmiy kashfiyot uchun rasmiy mukofot olinishini bilamiz, og`ir jinoyat uchun esa – qamoq jazosi. Sanksiyalar ham, xulq-atvorga ravonlik elementlarini kiritadi. Qachonki boshqa insondan ma`lum bir harakatni kutsak, biz uning nafaqat me`yor, balki uning orqasidan keladigan sanksiyani bilishini umid qilamiz.

Shunday qilib, me`yor va sanksiyalar bir butunlikka birlashgan. Agar qaysi birida – me`yorda uni kuzatuvchi sanksiya yo'q bo'lsa, unda bu real ahloqni

boshqarishni to’xtatadi. U shior, chaqiriq, xitobnoma bo’lishi mumkin, lekin ijtimoiy nazorat elementi bo’lishdan to’xtaydi.

Sanksiyalarni qo’llash usuliga qarab – jamoaviy yoki individual – ijtimoiy nazorat ichki va tashqi bo’lishi mumkin. Ichki nazorat yana o’z-o’zini nazorat qilish deb ham ataladi: individ mustaqil ravishda o’zining f’el-atvorini umumiy qabul qilingan urf-odatlar bilan kelishgan holda boshqaradi. Me’yorlar ijtimoiylashtirish jarayonida shunchalik mustahkam o’zlashtiriladiki, odamlar ularni buzganda noqulaylik yoki aybdorlik hissini sezadilar. Bunday vaziyatlarda vijdon azobi to’g`risida so’zlaydilar. Vijdon – ichki nazoratning namoyon bo’lishidir.

Taxminan ijtimoiy nazoratning 70% o’z-o’zini nazorat qilish hisobiga amalga oshiriladi. Jamiyat a`zolarining o’zini nazorat qilish hissi qancha yuqori bo’lsa, ushbu jamiyatda tashqi nazoratga kamroq murojaat qilinadi. Va aksincha insonlarda o’zini nazorat qilish kamroq rivojlangan bo’lsa, ijtimoiy nazorat institutlari, jumladan, sudlar, armiya, davlat xarakatga kirishishiga to’g`ri keladi. O’zini nazorat qilish qanchalik kuchsiz bo’lsa, tashqi nazorat shunchalik kuchli bo’lishi lozim.

Магистр Н.О. Хужакулов, ТДИУ

Ғазна ижроси ёхуд унинг иқтисодиёт тараққиётида тутган ўрни

Республикамизда молия ва бюджет тизимини мустахкамлаш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири ғазначилик тизимини шакллантиришдир. Ғазначилик тизими бюджет маблағларининг молиявий оқимини бошқариш, бюджет ресурсларининг жорий ижросини таъминлаш имконини беради, бунда давлат бюджети даромад ва харажатларини тезкор ва якуний баланслаштиришга эришилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул кредит тизимига эга.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қарақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат” деб белгилаб қуйилган. Шунингдек, “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонунда хам асосий мақсад ва вазифалар ифодалаб берилган. Ғазначилик давлат бошқарувининг тегишли органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади. Мазкур орган ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга ошириш, унинг маблағларини бошқариш, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда ғазначиликка кўмаклашиши лозим.

Ғазначилик билан давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари ғазна ижроси сохасидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар. Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари

ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар бўладилар.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги ғазначилик тизимини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш ва ривожлантириш, давлатнинг молия ахборот тизимини шакллантириш, тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини беради, бу давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди. Унумли фаолиятнинг асосий шартларидан бири замонавий компьютерлар технологияси ва алоқа тизимидан фойдаланишдир. Ғазначилик органларида барча босқичлар, бюджетдан маблағ олувчилар ва бюджет маблағи тақсимловчиларининг ўзаро алоқасини электрон ахборотлар билан таъминловчи ва автоматлаштирилган тизимга раҳбарликни амалга оширувчи ахборот бўлими мавжуд бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг характерли томони шундаки, молиявий ресурсларнинг, жумладан, давлат молиявий ресурсларининг чекланганлигидир.

Бюджет маблағларининг етишмаслиги ва даромадларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушмаслиги бюджет ижросида янги механизмларни қўллашни талаб этади. Ривожланган давлатларда молияти бошқариш асосан ғазначилик тизими орқали амалга оширилади. Маълумки, бозор иқтисодиётида давлатнинг молиявий ресурсларини бошқариш аҳамияти беқиёс ҳисобланади, шу сабабли юртимизда Давлат бюджети ижросини амалга оширишда ғазначилик тизимига ўтиш зарурати пайдо бўлган.

Ғазначилик бу молиявий ресурсларга янгича қараш, бюджетнинг барча даромадларини жамлаш ва тақсимлашдаги янгича тамойил ва механизимларни қўллашдир. Республикамизда маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиявий маблағлар билан таъминлашда қабул қилинган ижтимоий дастурлар, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ҳимояланган табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом аволодни тарбиялаш асосида фаровонликни оширишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтиришда маҳаллий бюджетлар самарали ижросининг аҳамияти катта ҳисобланади. Давлат бюджети ижросининг янги механизмини амалиётга киритиш бугунги кунда бюджет ислоҳотларининг йирик йўналишларидан бири десак, хато бўлмайди. Чунки давлат молиясини тўғри бошқариш зарурати мавжуд, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун бюджет харажатларининг назоратини кучайтирсак, муболаға бўлмайди.

Кат.ўқит. Х.Т. Чўлпонова,
магистр Н.Б. Марданов, ТТЙМИ

Таълим жараёнини ташкил этишда янгича ёндашув

Инновация – янгилик киритиш, оммавий амалиётда одатий ҳолатлардан фарқ қилувчи илғор янгилик, ҳар доим ҳам тараққий этиши ва фойдалилиги билан ажралиб туради. Таълим соҳасида янгилик киритиш манбалари мамлакат, жамият талаблари ҳисобланади.

Ўқитувчилик фаолияти услублари ўзгариб бормоқда ва янада инновацион тусга кирмоқда. Ўқиш, ўргатиш жараёнини ташкил этишга янгича ёндашув, талабаларнинг билим даражаларини назорат қилиш ва баҳолашга янги талаблар пайдо бўлмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янги талаблар кучайтирилмоқда.

Талабаларни ўқитишнинг янгича йўналиши талаб этилмоқда. Улар қуйидагилар:

- тахмин қилиш ва олдиндан кўра билишга ўргатиш;
- жиддий муаммоларга (педагогик) шу жумладан уларнинг қийин муқобил ечимларини топишга қзиқишини ривожлантириш;
- ўқув ишлари мазмунини белгилаш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишга ўргатиш;
- талабаларнинг изланиш ёки тадқиқотчиликни талаб этувчи муаммонинг ўқув материалга қизиқишини кучайтириш;
- ўқув машғулотларида муаммоли вазиятларни юзага келтириш.

Билими етарлича бўлмаган ёки адабиётларни харид қилишга етарли маблағга эга бўлмаган талабалар учун дастурлаштирилган, дифференциалли ўқитишни ташкил этиш каби вазифаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга. Таълимнинг муаммолилиги “таққосланг”, “исботланг”, “тушунтиринг”, “асосийсини кўрсатинг”, “ўз фикрингизни айтинг”, ва шу кабиларда кўринади.

Умуман, педагогик технологиялардан фойдаланишнинг сифати ва самарадорлиги ҳозирги кунда кўп жиҳатдан барча турдаги зарур ахборот технологияларининг сифати ва улардан юқори самарадорлик билан фойдалана билишга боғлиқ. Бу технологиялардан тўғри ва унумли фойдаланиш ўқитувчининг малака, маҳорат, ижодкорлиги, изланувчанлигига боғлиқ.

Таълим олувчиларнинг илм-фан, техникага доир замонавий билимларга эга бўлиши, замонавий ахборот технологиялари ҳақида билиши ва айниқса, мультимедиа-электрон версиялари асосида, аудио-видео, анимация ҳолатларини қўллаган ҳолда дарс ўтиш, илғор педагогик тажрибаларни ўзлаштириш, фаолиятга нисбатан креатив ёндашувни ривожлантиришдан иборат.

Шу билан бирга, ўқитиш, коммуникация, ахборот ва таълим жараёнини бошқариш усул ва воситаларининг концептуал асослари, педагогик технологияларнинг йўналишлари, муаммо ва ечимлари, тамойиллари, янги педагогик технологияларнинг истиқболлари ҳақида маълумотлар берилди.

Педагогик технология, умуман, репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни талабларга хос типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган.

Ўқитувчи - бу аввало, дарс бошқарувчиси. Ўқувчининг дарсда бирор-бир янгилик олиши ва шу янгилик орқали нимадир қила олиши унинг маҳорати, билими ва савиясига боғлиқ. Ўқитувчи ҳар бир дарсда долзарб масалаларни қўя олиши, ўқувчиларни баҳс-мунозарага чорлай билиши, дарсни охиригача қизиқарли тарзда олиб бориши фанини ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш зарур. Таълим сифатини таъминловчи яна бир омил- фаол ўқувчидир. Ўқувчиларни фаоллаштириш учун эса ўқитувчи

дарсларда фаол таълим методлари ва элементларидан фойдаланиши юқори самарадорликни таъминлайди.

Таълим сифатини ошириш ва дарс жараёнини самарали ташкил этиш, педагогик технологияларнинг замонавий турларидан ўқитиш жараёнида фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланмоқда. Янги ўқув материаллари ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида қуйидаги даражалар ва педагогик технологияларнинг хусусиятларини билиш ва улардан оқилона ва тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1**. Бошланғич даража** – ўқувчининг эшитганлари уларга берилган намуналар,кўрсатмалар алгоритм асосида топшириқларни бажариш кўникмасини ифодалайди.

2. **Алгоритмик даража** – билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, берилган алгоритм бўйича топшириқларни мустақил равишда бажариш кўникмасини ифодалайди.

3. **Эвристик даража** – берилган ўқув вазифаларини бажариш учун ўзгаришлар киритиш асосида янги алгоритмлар тузиш, ўқув муаммосини ҳал этиш учун янги ахборотларни мустақил тарзда излаб топиш малакасини аниқлайди.

Фикрлар ҳужуми технологияси. Фикрлар ҳужумининг мақсади мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан холи этиш, ижодий вазифаларни бажариш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишдир. Ушбу усул бирор муаммони ҳал этишда гуруҳ иштирокчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинади ҳамда энг самарали ҳисобланади. Бу услуб орқали шахсни техник ривожлантириш мумкин, у тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. Услубнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлақ тақиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил–мутойибани рағбатлантиришдир.

Ақлий ҳужум технологияси. Ақлий ҳужум технологияси бирор муаммони ечишда гуруҳ қатнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келадиган самарали усуллардан биридир. У тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади, қанча кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунча яхши. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш, кенгайтириш, қайта ўзгартириш мумкин.

Берилган ғоялар асосида муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган ечимни тиклаш учун муҳокама ўтказилади. Бу ҳақиқатан ҳам талабаларнинг таълим жараёнида фаоли штирок этишлари, турли ғояларни баён этиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи самарали методдир. Ақлий ҳужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг муҳим усулики, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади.

Кластер технологияси. Фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик

стратегия бўлиб, у талабаларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, талабаларни мавзуга таалуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу услуб бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

Скарабей технологияси. Скарабей услуби интерактив технология бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, бирор муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Ушбу технология ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақида тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. Скарабей технологияси талабалар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутади, рефлектив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

Демак, ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ва таълимни технологиялаштириш бугунги кунда долзарбдир. Бунинг учун таълим-тарбия жараёнида педагог ва ўқувчи-талабанинг тенг фаоллиги таъминланишига эришиш лозим.

П.ф.н., доц. М.Ў. Дехканова,
А.А. Шоимкулов, ТТЙМИ

Совитиш тизимлари фанини ўқитишда кейс технологиясидан фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, унинг амалга оширилаётган иккинчи, яъни сифат босқичида ҳар томонлама баркамол мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида кадрларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш таълимнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек: «Агар болалар фикрлашга ўрганмаса, таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим ҳам керак. Аммо билим ўз йўлига, мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир». Талабаларни ана шу бойликнинг эгаси қилиб тайёрлаш таълим тизимининг асосий вазифасини ташкил қилади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида мустақил фикрлаш қобилиятига эга шахсгина ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойдали бўлади ва ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиш қобилиятига эга бўлади.

Жаҳон педагогикасида кенг миқёсда самарали қўлланаётган кейслардан фойдаланиш, ўз навбатида, биринчидан, талабаларнинг

фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, иккинчидан эса, ўқув жараёнини бевосита ишлаб чиқариш билан боғлайди. Гербарт Спенсер таъкидлаганидек: «Таълимнинг буюк мақсади билим бериш эмас, балки хатти-ҳаракатларга ўргатишдир».

Ҳозирги таълим тизимини янги педагогик технологиялар билан бойитишда кейслардан фойдаланиш самарали натижалар бермоқда. Бунга кўра, янги педагогик технологиялардан бири саналаётган кейс технологияси кўпгина имкониятлар яратмоқда. Кейс ишлаб чиқаришда содир бўладиган, аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейслар ўз мазмунига қараб-микрокейс, миникейс ва умумий кейсларга, мақсади бўйича тактик ва страгетик кейслар каби турларга бўлинади. Кейслардан фойдаланиш таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба ёшларда танқидий фикрлашга, муаммоли вазиятларда муқобил ечим топиш ва ҳал этиш ва фикрлашга ўргатади.

Кейс манбалари бирламчи ва иккиламчи манбалардан иборат бўлиб, бирламчи манбалар ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия жараёни, фан ва ишлаб чиқаришдан иборат. Иккиламчи манбаларни эса бадиий ва публицистик адабиётлар, маҳаллий материаллар, статистик маълумотлар, илмий мақола, монография ва илмий ҳисоботлар ҳамда интернет тармоғидан олинган материаллар ташкил қилади. Кейслар ўқитувчи (ўргатувчи), тарбиялаш, ташкилотчилик ва изланувчанлик функцияларини бажаради.

Ушбу илмий мақоламизда вагон ва вагонсозлик хўжалиги йўналишидаги совитиш тизимлари фанини ўқитиш жараёнида кейс таълим технологиясидан фойдаланиш хусусида тўхталамиз:

Айрим ҳолатларда вагон кондицаторида ҳавонинг етарли даражада эмаслиги, сувларни радиатор трубкасида ўз вақтида айланмаслиги, кондицатор ҳароратининг белгиланган даражадан ошиши ёки пасайиши, электр энергиянинг бир меъёрда эмас, балки паст, баланд бўлиб туриши, бундан ташқари радиятордаги мойнинг қизиши оқибатида радиатор трубкасидан чиқиб кетиши ҳолатлари юзага келади. Натижада совитиш тизимларининг муддатдан олдин ишдан чиқиш ҳолатини юзага келтириб чиқаради. Мазкур жараёндаги муаммоли вазиятни бартараф этишда кейс технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун юқорида келтирилган вазиятларни кейс вазиятига айлантириш лозим. Кейс вазиятларни ишлаб чиқиш қуйидагича: кириш, яъни мавзунинг долзарблиги, унинг моҳияти, муаммоли вазият мазмуни, кейсологнинг ечими ва муаммоли вазият юзасидан савол ёки топшириқлар муайян кетма-кетликда ёритилади. Кейс технологиясида дарснинг кириш қисмида ўқитувчи томонидан мавзу номи, долзарблиги (мақсади, вазифалари) топшириқлар ва уни баҳолаш мезонлари ҳамда машғулотни амалга ошириш кетма-кетлиги, қонун-қоидаси баён этилади.

Гуруҳ талабалари кичик гуруҳларга ажратилади ва уларга кейс вазиятлари топшириқ сифатида берилади ҳамда жадвал тўлдириш вазифаси қўйилади.

Кейс вазияти: Кириш, вазият: объектнинг муайян вақт давридаги баёни муҳокама учун ва кейсга доир саволлар ёки жадвали топшириқлар берилади.

Гуруҳларда кейсни ечиш бўйича йўриқнома:

1. Индивидуал ечилган кейс вазиятлар билан танишиб чиқиш.
2. Гуруҳ сардорини тайинлаш.
3. Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизиш ва тақдимот қилиш

Кейсларни ҳал қилишда уни ёзма усулда таҳлил қилиш, унда баён этилган муаммони янада чуқурроқ англашга ёрдам беради, ёзма нутқ ҳам мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Тавсия этилган кейсни ечиш қуйидаги *натижаларга* эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

Ҳозирда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бакалавр ва магистр даражасидаги талаба ёшлар ва педагогика йўналишидаги ҳар бир талабани педагогик фаолиятга тайёрлаш давомийлигида мутахассислиги доирасидаги билимларига таянган ҳолда, кейсларни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишга мустақил фаолиятларида мунтазам равишда фойдаланишга ўргатиш лозим.

Хулоса қилиб айтиш керакки, илмий тадқиқот ва амалий кузатишлар давомида педагогика, махсус фанларни ўқитиш методикаси ва педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат фанлари машғулотларида кейсларни ечиш, талабаларнинг фаоллигини оширибгина қолмай, балки уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Бу эса уларни бўлажак педагогик фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шунга кўра таълим муассасаларида ҳар бир дарсни ўз хусусиятидан келиб чиққан холда кейслардан фойдаланиб ўтиш самарали натижа беради. Бунинг натижаси ўлароқ нафақат таълим бериш жараёни, балки дарсдан кейинги машғулотлар давомида мутахассислиги доирасида кейслар ишлаб чиқиш, уларни муқобил ечимга ўргата олиш кейинги фаолиятлари давомида самарали натижа беради.

Кат.ўқит. Ш.М.Ширинқулова, ТТА

Замонавий педагогик технология йўналишлари

Педагогик технологиянинг йўналишлари кўп бўлиб, улардан баъзиларини келтириб ўтамиз. Ҳозирги анъанавий таълим XVII асрда Я.А. Коменскийнинг дидактик томойиллари асосида шаклланиб, ҳозирда мактабларда энг кўп қўлланаётган синф-дарс тизимидан иборат. Замонавий педагогик технологиялар асосан шу тизимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадларида яратилиб, ҳозирда ривожланиб бормоқда.

Педагогик жараённи такомиллаштириш, уни ўқувчи шахсига йўналтиришга асосланган педагогик технологиялар: ҳамкорлик педагогикаси, таълимнинг инсонпарварликка асосланган технологияси ва бошқалар.

Ўқувчи фаолиятини кучайтириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технологиялар. Муаммоли таълим, ўйинлар, таянч сигналлар конспектлари технологиялари ва бошқалар.

Ўқув материалини дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаб чиқишга асосланган педагогик технологиялар. Бу технологиялар ўргатилаётган билимларнинг дидактик тизими чуқур мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли нуқтаи назардан ёндашиш, ўқувчиларга билимларни эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўлларини ўргатиш каби тамойилларга асосланади.

Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилишга асосланган педагогик технологиялар. Бу технологияларга табақалаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологиялари; таълимнинг жамоа усули, гуруҳли, компьютерли таълим технологиялари кабилар киради.

Табиатга мувофиқлаштирилган педагогик технологиялар. Буларга ўқувчининг табиий имкониятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг табиий имкониятлари ва бошқа табиатга мувофиқ имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни амалга оширишга асосланган педагогик технологиялар киради.

Ривожлантирувчи таълим технологиялари. Буларга ўкувчи шахсининг ижобий сифатлари, айрим соҳалардаги билимлари, ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиялари киради.

Булардан ташқари, хусусий (ўқув фанлари), альтернатив ҳамда муаллифлик педагогик технологиялари йўналишлари ҳам мавжуд.

Шунингдек, ҳозирда педагогик технологияларнинг турли йўналишлари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари эмпирик, когнитив, эвристик, креатив, инверсион, интегратив, адаптив, инклюзив педагогик технологиялардир. Бу йўналишларнинг асосий хусусиятлари қуйидагича:

Эмпирик — сезги аъзолари орқали билим олиш. Бу технологияда асосий эътибор сезги аъзоларининг табиий ривожланганлик имкониятларига таянган ҳолда билим бериш ва уларни янада такомиллаштириб боришга қаратилади.

Когнитив — атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтириш технологияси. У табақалаш (таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш) тафаккурини шакллантиради, билиш эҳтиёжларини ривожлантиради.

Эвристик — йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан таълим бериш тизими. Топқирлик, фаолликни ривожлантиришга хизмат қилувчи, ўқув-изланиш таълим методи бўлиб, оптималлашган (бир неча вариантлардан энг маъқулини, мосини, мувофиғини танлаш) тафаккурни ривожлантиради.

Креатив — тадқиқот характерига эга бўлиб, ўқувчиларда мақсадга йўналтирилган ижодий тафаккурни жадал ривожлантиради.

Инверсион — ахборотларни турли томондан ўрганиш, ўрнини алмаштириш хусусиятига эга бўлиб, тафаккур (фикрлаш) тизимини шакллантиради.

Интегратив — ахборотларни ташкил қилувчи чексиз кўп кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиги, уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона тўғри хулосани аниқлаш.

Адаптив — ахборотлар ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганиш ҳамда ўргатиш учун қулайлаштириш, мослаштириш асосида кутилган натижага эришиш.

Инклюзив — ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатларида тенглик асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш.

Ҳозирда педагогик технологиянинг юқорида айтилганлардан ташқари мутахассислар томонидан тажриба-синовлар олиб борилаётган бошқа йўналишлари ҳам мавжуд.

Доц. Э.Н.Саттаров, Низомий номидаги,
доц. Г. Ниязметова, ТДПУ

Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари

Ўқув фани бўйича таълим технологияси қуйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилади:

- иқтисодиёт ОЎЮ да таълимни технологиялаштириш қоидаси;
- фан бўйича ўқув ахборот мақсади, тузилмаси, мазмуни ва ҳажми;
- ДТС томонидан белгиланган, ўқув режасида аниқлаб берилган вақтда ва берилган шароитда таълим бериш мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг концептуал ёндашувлари.

1. Кириш. Таълим технологиясининг бу қисмида иқтисодиётнинг бозор тамойиллари кескинлашуви шароитида ва жамиятнинг демократиялашувида таълим беришни технологиялаштиришнинг *долзарблиги* асосланади, ўқув фани бўйича таълим технологиясининг тузилиши баён этилади ва маъруза, амалий ва семинар машғулотларига лойиҳаланган таълим бериш технологиясига қисқа тавсифлар берилади.

2. Таълим технологиясининг концептуал асослари. ТТнинг бу қисмида қуйидагилар ёритилади:

- *ўқув фанининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми* ва ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ *уларни мавзулар бўйича тақсимоти, иш турлари;*

▪ *ўқув фанининг мазмуни,* ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ ўқув фанининг мавзу мазмуни баён этилади;

▪ *ўқув машғулотларида таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концептуал ҳолатлари* - таълим бериш, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг асоси бўладиган, таълим технологиясини лойиҳалаш ва режалаштиришнинг концептуал асослари.

3. Маъруза, амалий ва семинар машғулотларига лойиҳаланган таълим технологияси. Ҳар бир таълимий технология таълим технологияси, таълимнинг технологик харитаси, технология харитасига иловалардан иборат бўлади.

Ўқув фани бўйича ўқитиш режасининг тузилиши ва мазмунли таркиби

Аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг *таълим модели* жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

➢ *дастлабки маълумотлар*: ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;

➢ *шакл* (маъруза, семинар ва бошқ.) ва *кўриниши* (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўқув машғулоти режаси/тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазифалари;

➢ танланган таълим модели: *усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари*;

➢ *таълим бериш шароити*: махсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;

➢ *мониторинг ва баҳолашга* асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқ.).

Ўқув машғулотининг технология харитаси уч қаторни ўз ичига олиб, 1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулоти босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти.

Илова. Ўқув жараёнининг ташкилий - дидактик вазифасини бажаради: ўқув/мустақил иш учун савол ва топшириқларни, уни баҳолаш мезонларини, ўқув иш жараёнида талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар, таълим берувчи фойдаланадиган таянч ёзмалар, шунингдек чизма, жадвал, слайдлар ва бошқа кўргазмали материллар, режалаштирилган мақсадларга эришишни назорат қилиш учун топшириқлар (тестлар, саволлар, топшириқлар ва машқлар).

Бу ерда тақдим этилаётган материаллар чегараланмайди. Фақат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли чизмаларда расмийлаштирилган бўлиши керак.

Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

Мавзу (рақами) **……**(номи)**……**

Таълим бериш технологияси (маъруза/ семинар/ амалий машғулот)

Вақт: …соат	*Талабалар сони:…*
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Маъруза (ахборотли/бирлашган дарс ва бошқ..), семинар (билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш бўйича), амалий машғулот

Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши	1. ... 2. ... 3. ... 4. ...
Ўқув машғулоти мақсади:	Шакллантириш / билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш
Педагогик вазифалар: …билан таништириш; …таснифини бериш; …тушунтириш; ...очиб бериш; … шакллантириш; … ўргатиш ва бошқ.	*Ўқув фаолияти натижалари*: …кўрсатадилар; …таснифлайдилар; …айтиб берадилар; …шакллантирадилар; …тартибли равишда очиб берадилар
Таълим усуллари	Маъруза, инсерт, ақлий ҳужум ва бошқ.
Таълим шакли	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Таълим воситалари	Маъруза матни, техника воситалари ва бошқ.
Таълим бериш шароити	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқ. Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқ.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Технологик харитада таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўқув жараён)и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишлашларини назорат қилишга ёрдам беради.

Мавзу режасидан фарқли ўлароқ технологик харитада (1) таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим олувчининг ҳам фаолияти, (2) ўқув машғулотининг босқичлари ва вақти, (3) таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари, (4) таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари кўрсатилади.

Технологик хаританинг тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари:

1 - босқич (5-10 дақиқагача). Ўқув машғулотига кириш.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати. *Таълим берувчи* мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчили ўйин ва бошқ.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.

Таълим олувчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2 - босқич (55-65 дақиқагача). Асосий / маълумот берувчилик.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати. *Таълим берувчи* ўқув машғулотининг режасиғ тузилишига мувофиқ тузиб чиққан таълим моделини амалга оширади, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

Таълим олувчилар кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3 - босқич (10-15 дақиқагача). Якуний - натижавий.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати. *Таълим берувчи* мавзу бўйича якун ясайди, таълим олувчилар эътиборини асосийларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қилади, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради; ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

Таълим олувчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

Иқтисодий таълим жараёнида дарсларнинг самарали ташкил этилиши ва юқори малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда дарс жараёнининг тўғри лойиҳалаштирилиши муҳимдир. Чунки педагог томонидан дарс жараёни қанчалик тўғри режалаштирилса ва олиб борилса, талабаларнинг фанга нисбатан ижобий муносабатлари ҳам унга монанд бўлиши табиий. Натижада барча мезонлар тўғри амалга оширилиб, дарснинг самарали ташкил этилиши таъминланади.

Доц. Н.А. Иминова,
М.А. Тўламбоев, ТАТУ

Замонавий менежмент тизимини шакллантиришда корпоратив бошқарув

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш йўлларини ўрганиш муҳим вазифалардан бири саналади. Президентимиз И.А. Каримов “Корпоратив бошқарув тизимини тегишли тартибда ўрганиш бугунги куннинг муҳим стратегик йўналишларидан биридир[39]”, - деб таъкидлаганидек, бу борада республикамизда кўплаб ишларни амалга ошириш талаб этилади. Дарҳақиқат, бугунги кунда бу борада бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, бу йўналиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра йирик ишлаб чиқариш корхоналарида корпоратив бошқарув - бошқарувнинг энг самарали шакли эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Компанияни бошқаришда шундай тизимни танлаш керакки, мазкур тизим айнан Ўзбекистон учун ўзига ҳос ечимни ифодалаши ва МҲД давлатларида

[39] Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль

фойдаланилаётган моделларнинг шунчаки нусҳаси бўлмаслиги лозим. Умуман бошқарув тизимини шакллантираётганда эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳамда маълум бир компаниянинг турли ҳаётий босқичларида бошқарув тизимини такомиллаштириб бориш лозимлигини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Ушбу фикр янги технологияларнинг ривожланишини ва иқтисодиётнинг глобаллашувини компанияларнинг қайта ташкил этилиш тезлигини, корпоратив тузилмаларнинг тубдан ўзгаришига таъсирини инобатга олиш ҳам муҳимдир. Шу билан бирга компаниялар ўз зиммаларига инвесторлар томонидан самарали ечимларни қабул қилинишига олиб келувчи ва ахборотлар ошкоралигини таъминловчи самарали тамойилларга асосланган корпоратив амалиётни ривожлантиришни олишлари керак.

Республикамиз акциядорлик жамиятлари инвестиция жозибадорлигини оширишда самарали корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва уни такомиллаштиришдаги ёндашувларининг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий моҳияти, акциядорлик жамиятлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган корпоратив бошқарув органлари фаолиятининг ривожлантиришда корпоратив манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизмларини шакллантириш бугунги кунни асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида халқаро алоқалар мустаҳкамланиб бориши самарали корпоратив бошқарув тизими кенгроқ жорий этилишини талаб қилмоқда. Жумладан, республикамиз корхоналари зиммасига замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби муҳим вазифалар қўйилган.

Жаҳон амалиётида корпоратив муносабатларнинг корхона фаолияти ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ҳамда уни тартибга солиш бўйича бой тажриба тўпланган. Бу борада мамлакатимизда корхоналар учун янги бошқарув усулларидан бири сифатида эътироф этилаётган корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва шу орқали улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишмоқда.

Хўжалик юритиш субъектларини бошқаришда замонавий усулларидан фойдаланиш нафақат ҳозирги даврнинг, балки келажакнинг муҳим шартидир. Бу борада мамлакатимизда корхоналар учун янги бошқарув усулларидан бири сифатида эътироф этилаётган корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва шу орқали корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда инновацион жараёнларни ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштиришда корпоратив органлар фаолияти йўналишлари ва вазифаларини қай даражада бажарилиши муҳим ўрин тутади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини корпоратив бошқарувнинг тамойиллари асосида такомиллаштириш мамлакатимиз шароитида бу борада баъзи муаммолар мавжуд бўлиб, бу муаммонит ўрганишда хорижий давлатларда корпоратив бошқарувни ташкил этиш, унинг жабҳалари ва

механизмларини, корпорациялар ташкилий таркибларининг технологик қарашларини қабул қилиш, корпоратив ва акциядорлар маблағларини бошқаришни ташкил этиш соҳаларидаги тажрибаларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш зарур ва айни пайтда муҳим аҳамият касб этади.

Корпоратив бошқарув бу: компания фаолияти самародорлигини таъминлаш ва мулкдорлар, ҳамда бошқа манфаатдор шахслар (компания ходимлари, кредиторлар, ҳамкор корхоналар) манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича компания менежерлари ва эгалари (акциядорлари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими; корпоратив мулкнинг мулкдорларнинг бевосита назоратидан узоқлаштирилиши оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган барча қонунлар, меъёрлар, низомлар, тадбирлар ва тартиблар; компанияни самарали бошқаришни ташкил қилишда асосий манфаатдор шахсларнинг манфаатларини бирлаштиришни амалга ошириладиган ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар мажмуасидир.

Корпоратив бошқарувнинг мақсади – барча манфаатдор томонлар манфаатларининг мувозанатига риоя қилган ҳолда, амалдаги қонунчилик доирасида ОАЖнинг барча фаолият турларидан имкони қадар юқорироқ фойда олишдир.

Корпоратив бошқарувнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; ОАЖнинг инвестицион жозибардорлигини ошириш; узоқ муддатли иқтисодий қийматнинг жамғарилиши орқали акциялар нархининг ўсиши; жамиятнинг ривожланиш стратегиясини аниқлаш ва уни амалга оширилишини назорат қилиш; бизнес-режаларини тасдиқлаш ва уларни бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар.

Жаҳон банкининг таърифига кўра корпоратив бошқарув – қонунчилик, меъёрлар ва ҳусусий секторнинг мос равишдаги амалиётининг шундай бирикмаси тушуниладики, улар компанияга молиявий ва инсон ресурсларини жалб қилишга, самарали фаолиятни олиб боришга имконият бериб, оқибатда ўз акциядорлари учун узоқ муддатли иқтисодий қийматни кўпайтириш орқали ўз фаолиятини сақлаб қолишни таъминлайди. Шу билан бирга акциядорларни, бошқа манфаатдор шахсларни ва жамиятнинг манфаатларига риоя қилиниши лозим.

Жаҳонда тан олинган тамойилларга эргашиш маданий корпоратив бошқарув асоси бўлиб, бу тамойиллар қуйидагиларни таъминлаши керак: акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, туғилаётган манфаат билан боғлиқ зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш; барча акциядорларга тенг муносабатда бўлиш, шу жумладан майда ва ҳорижий акциядорларга ҳам, уларнинг ҳуқуқлари бузилганда ҳам бир хилда самарали ҳимояни таъминлаш; манфаатдор шахсларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиш ва корпорацияни ривожлантиришдаги корпоратив бошқарув субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини тақдирлаш; компания билан боғлиқ ахборотнинг очиқлиги, яъни унинг молиявий-хўжалик фаолиятини барча муҳим масалалари бўйича ахборотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ошкора қилиниши; бошқарувчиларнинг ўз

вазифаларини самарали бажаришлари, ҳамда бошқарув органларининг компанияга ва акциядорларга ҳисоб бериши.

Давлат ишончли вакилининг вазифалари: давлатнинг акциядор сифатидаги манфаатларини ҳимоя қилиш, АЖда мулкнинг сақланиши ва рационал ишлатилишини таъминлаш; корхонада иқтисодий ислоҳотларнинг олиб борилишига, унинг молиявий-хўжалик фаолиятининг яхшиланишига, менежмент ва маркетинг тизимини такомиллаштирилишига, ва шунингдек, ҳусусийлаштиришдан кейинги қувватлаш тадбирларини амалга оширишда ёрдам бериш; рақобатбардош маҳсулотни чиқариш мақсадида ишлаб чиқаришни реновациялаш тадбирларини бажарилишини мониторинг қилиш, замонавий технологик ускуна ва технологиялар асосида ишлаб-чиқаришни реконструкциялаш ва техник қайта қуроллантириш учун инвестицияларни жалб қилиш; давлат акцияларига ҳисобланган дивидендларининг АЖни реконструкциясига ва техник қайта қуроллантирилишга мақсадли ишлатилишини таъминлаш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат мулки қўмитаси белгилаб берувчи бошқа вазифалар.

Корпоратив бошқарув орқали инвестицияларни жалб қилишни таъминлаш, самарали бошқаришни йўлга қўйиш, рақобатбардошлик ва компаниянинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мумкин.

Корпоратив бошқарувнинг механизмлари давлат тартибга солиш органлари, суд органлари ва ишбилармонлар доираларида ишлаб чиқилган маълум бир қоида, меъёр ва андозалари асосида ва чегарасида ишлайди. Ушбу қоида, меъёр ва андозаларнинг мажмуаси корпоратив бошқарувнинг институционал асосларини ташкил қилади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий асослари яратилган ва у халқаро андозаларга мувофиқ такомиллаштирилиб борилмоқда. Бироқ, бизнинг шароитда компанияларда самарали корпоратив бошқарувни рағбатлантириш учун товар ва фонд бозорлари каби механизмлар етарли даражада ишлай бошлаши учун бирмунча вақт ўтиши керак. Шунинг учун ҳозирги пайтда корпорация фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг иккита механизми олға сурилади — кузатув кенгашининг самарали ишлаши ҳамда акциядорларнинг компанияни бошқаришда онгли равишда иштирок этиши.

Ҳозирги шароитда кузатув кенгаши қонун билан белгиланган функциялар ва мажбуриятларнинг аниқ бажарилишини таъминлаши ривожланишнинг омили эканлигини унутмаслик керак. Ушбу вазифанинг ҳал этилиши кузатув кенгашининг ишлаши амалиётини такомиллаштиришни - кенгашни қабул қилинадиган қарорлар учун жавоб беришга, манфаатлар келишмовчилиги шароитида самарали қарорларни қабул қилишга қодир бўлган корпоратив бошқарувнинг амалий органига айлантиришни назарда тутади.

Д.К. Хакимджанова,
ТАТУ

Алоқа корхоналарида ходимларнинг малакасини ошириш зарурати

Бозор иқтисодиётига ўтиш, яъни ҳозирги рақобатчилик шароитида кишилар ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида, биринчи навбатда, уларнинг меҳнат

соҳасига сезиларли ўзгариш киритади. Ишчининг меҳнат воситаларига бўлган муносабати тубдан ўзгаради. Ҳусусийлаштириш ва корхоналарни акционерлик жамиятларига айлантириш жараёнида ишлаб чиқариш жамоасининг ҳар бир аъзоси акция эгаси бўлиши, фаолият юритаётган корхонасининг самарали ишлашидан, кенгайишидан ва замонавийлашувидан бевосита манфаатдор бўлиши мумкин. Меҳнат воситаларининг техник мукаммаллашуви ва ривожланиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш ва меҳнат воситалари ишининг ишончлилиги ва сифатини яхшилаш муҳим даражада ходимларнинг малакасига боғлиқ. Ўз навбатида ходимларнинг маълум бир йўналиш бўйича ўзига хос касбий ва мансаб ёки бошқарув малакаси - кўникмасига эга бўлишлари талаб этилади. Шу билан бирга илмий-техник тараққиёт тармоқ ходимларининг касбий тузилишига таъсир этади.

Корхонанинг меҳнат салоҳияти таркибида, ушбу корхона шуғулланаётган фаолиятни тўлақонли амалга оширишда унинг тегишли малакавий билимга эга бўлган ходимларнинг етарли даражада бўлиши ҳам корхонанинг ходимлар билан таъминланганлик даражасига ўз таъсирини ўтказади. Ваҳолангки, амалиётда кўпинча корхона ходимлар билан яхши таъминланмаган ёки малакали кадрлар етишмаслиги кузатилади. Бу хулоса кўпинча касбий – малакавий билимларга эга бўлган ходимларнинг камлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги тез ўзгарувчи рақобат шароитида алоқа корхоналари ходимларининг малакасини тўхтовсиз ошириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Ахборот Технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги таркибида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими мавжуд бўлиб, бу тизим алоқа соҳасига ҳам тегишлидир ва бир қанча ўзининг олдига қўйган мақсадларига эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муҳандис – техник кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муҳандис– техник ходимларнинг малакасини ошириш;
- турли касб ва ихтисослик бўйича касб ҳунар мактабларида, коллежларида алоқа ходимлари малакасини ошириш;
- чет эл алоқа корхоналари ва олий ўқув юртларида ходимлар малакасини ошириш.

Юқоридаги келтирилган маълумотларга асосланган холда, алоқа корхоналарида ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари ва холати юзасидан «Ўзбектелеком» АКнинг “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали мисолида қисқача маълумотлар тахлили келтириб ўтилди. Бунинг учун ходимларни касб ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилди.

Ҳозирги кунда “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида кадрлар сиёсати замонавий демократик принциплар асосида тегишли касб-ҳунар ва мутахассисликлар эгаларини ва раҳбар ходимларни мунтазам равишда малакасини ошириб боришни ташкил этиш, кадрларни янгилаб бориш, кадрлар таркибий сифатини кўтариш, улар фаолиятини назорат қилиб бориш орқали ишлаб чиқаришда янги кўрсаткичларга эришиш чора-тадбирларига катта эътибор бериб

келинмоқда. Филиалда кадрлар сиёсатини такомиллаштириш штат жадвалларини оптималлаштириш замирида телекоммуникация хизматини кўрсатишда устувор йўналишларга эришиш мақсадлари мавжуд бўлиб, ушбу мақсадлар йўлида филиал таркибий тузилмасини янада такомиллаштириш, ходимларни ишбилармонлик, тадбиркорлик қобилиятларига, меҳнатларига кўра лавозимларга қайта тайинлаш ишлари олиб борилади.

“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали кадрлар малакасини ошириш тизимида ҳар йил давомида бир қатор ишларни амалга оширади. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича филиалда йил бошида аниқ режалар киритиб олинади. Режа малака ошириш курслари, институтлари ва корхонанинг ўзида ташкил этилувчи ўқув машғулотларини ҳам ўз ичига олган бўлиб ва бу машғулотлар ҳар йили умумий ходимлар сонининг 20 %дан кам бўлмаган ҳолда тузилади. Қуйида келтирилган жадвалда “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида фаолият кўрсатаётган раҳбар, мутахассислар ва ишчиларининг малакасини ошириш борасида олиб боришган ишлар бўйича тахлилий маълумот келтирилган. Унга кўра, “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида 2012-2014 йилларда ходимлар малакасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор берилган. Ҳозирги кунда муҳим масалалардан бири бошқарув ходимлар муаммосидир. Чунки, бошқарув ходимлари малакасини ошириш ҳам катта аҳамият касб этади. Бу улар томонидан алоқа соҳасида хорижий фан-техниканинг янги ютуқларини алоқа воситаларини ишлатиш ва ташкил этишни самарали усулларини қўллаш имконини беради.

“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида йиллар кесимида ходимлар малакасини оширилиши ва унга сарфланган маблағлар келтирилган. Бунинг учун малака ошириш ўқув курслари билан шартнома тузилади ва уларга ходимларини ўқитгани учун пул тўлайди. Ўқув курсларидан “Инженер-техник ўқув маркази” филиали ва корхонанинг малака ошириш ўқув курсларида малака ошириш бепул амалга оширилади. Ходимлар малакасини оширилиши корхонада меҳнат унумдорлигини ошишига сабаб бўлувчи кўрсаткичлардан биридир. Ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ошиши корхона даромадини ошишига олиб келади.

Д.К. Хакимджанова, ТАТУ,
Д.Ф. Иминова, ТДИУ

Алоқа корхоналарида кадрлар малакасини оширишнинг аҳамияти ва истиқболлари

Ижтимоий ва иқтисодий шароитларнинг тубдан ўзгариши корхоналарда кадрларнинг ролини ортишига таъсир кўрсатди ва уларга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Мамлакатимиз мустақиллигигача бўлган даврда ходимларни бошқариш сиёсати, асосан, ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, кадрлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришдан иборат эди. Айни дамда эса корхоналарда кадрлар сиёсати концепцияси кадрлар хизмати фаолиятини сифат жиҳатдан янгилаш, ходимнинг салоҳиятини мунтазам ривожлантириб бориш ва ундан самарали фойдаланиш асосида янги вазифаларни ҳал қилишни ҳам қамраб

олади. Корхонанинг кадрлар сиёсати, бу - ходимлар билан ишлашнинг яхлит стратегияси бўлиб, у кадрлар ишининг турли элементлари ва шаклларини ўзида бирлаштиради.

Кадрлар сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад - юқори иш самарадорлигига ва профессионал даражага эга бўлган ходимларни шакллантириш, яъни, ходимларнинг ваколатлари ва масъулиятлари даражаси аниқ белгиланиши, корхонанинг стратегик мақсадларига эришиш учун ташқи ва ички муҳит ўзгаришларига кўникувчанликни таъминлаш хисобланади. Корхонада кадрлар сиёсатининг асосий мазмуни куйидагилардан иборат:

1. Корхонани малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларни режалаштириш, саралаш, ишга ёллаш ва бўшатиш (пенсияга чиқариш, меҳнат шартномасини бекор қилиш) тадбирларини амалга ошириш, меҳнат интизомини назорат килиш, кадрлар қўнимсизлигини таҳлил қилиш ва бошқалар;

2. Ходимларнинг профессионал кўникмалари ва шахсий салоҳиятини ривожлантириш, касбга йўналтириш ва қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш ҳамда малака даражасини баҳолаш, хизмат поғоналарида кўтарилишини ташкил этиш;

3. Меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш. Ходимларни бошқариш хизматлари жамоа шартномасини (келишувини) тузишда, ходимларнинг шикоят ва эътирозларини касаба уюшмаси билан кўриб чиқишда фаол иштирок этиш.

Филиалда кадрлар сиёсатининг мақсадларини қуйидагича баён этилиши мумкин: Ўзбекистан Республикаси Конституциясида кўзда тутилган фукароларнинг меҳнати муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига сўзсиз риоя этиш; Филиалда ходимлар томонидан меҳнат, касаба уюшмалари туғрисида қабул қилинган амалдаги конун ҳужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидаларигаа риоя этилиши; асосий хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун корхонани тегишли малакага эга булган зарур микдордаги ходимлар билан узлуксиз ва сифатли таъминлаш; корхона ихтиёридаги кадрлар салохиятидан оқилона фойдаланиш; ишчан, уюшқоқ ишлаб чиқариш жамоасини шакллантириш ва сақлаб туриш, меҳнат жараёнини ташкил этишнинг самарали тамойилларини ишлаб чиқиш; тегишли малакага эга кадрларни танлаш, саралаш, ўқитиш ва жой-жойига қўйиш мезонлари ва методикасини ишлаб чиқиш; ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Кадрлар сиёсати кадрлар билан ишлаш фаолиятининг барча йуналишларини қамраб олиши керак. Корхоналарда кадрлар сиёсатининг қоидалари илмий ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланганлиги бўлиши лозим, яъни, бунда у ёки бу йўналишдаги ишлар амалга оширилиши учун ким жавобгарлиги, юқори лавозимларга кўтариш учун захирада кимларни ушлаб туриш мўлжалланиши, ходимларни режали ротациялаш, ўқишга ёки малака оширишга юбориш каби ва бошқа ишлардир.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхона олдига бир қатор принципиал вазифаларни қўйилмоқда, уларнинг ичида энг муҳими эса кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланишдир. Самарали фаолият олиб бориш учун

кадрлар таъминоти жараёнига таъсир кўрсатиш, яъни фаол кадрлар сиёсатини юритиш зарур. Бу, биринчидан, корхонани малакали ишчи кучи билан таъминласа, иккинчидан, корхона доирасида ходимларни янада ривожлантириш ва ниҳоят, учинчидан, кадрларни рағбатлантириш ва ушлаб туриш кераклигини билдиради.

Малакали ишчи кучига эҳтиёж ортиб бораётган бир пайтда унинг қиймати ошаётгани муносабати билан, корхонадаги мавжуд кадрлар салохиятини ривожлантириш ва ундан энг юқори даражада фойдаланиш вазифаси биринчи ўринга чиқмоқда. Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги замон бизнесида ҳар бир ходимнинг ўз ўрни бўлиб, унинг меҳнати сифатининг бутун компания ишининг якуний натижаларига таъсири ошиб бормокда.

Кадрлар сиёсати, биринчи навбатда, муваффақиятнинг стратегик омилларига таянади. Булар: мижозларнинг талабларига эътибор орқали бозор талабларига яқинлашиш; тегишли техник воситаларни қўллаган ҳолда зарур хизматлар кўрсатиш; маҳсулотнинг юқори сифатлилиги; илмий техник тараққиёт ютуқларидан ва энг янги технологиялардан фойдаланиш хисобланади.

Шундай қилиб, корхонада инсон ресурсларини бошқариш корпоратив стратегияси кадрлар сиёсатининг асосини ташкил этади. У меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, уни янгилаш ва такомиллаштириш, мотивацияни ривожлантириш каби истиқболли масалалар ишлаб чиқилишини ўз ичига олади.

Кадрлар сиёсати концепциясининг мақсади маъмурий усуллар эмас, балки иқтисодий омиллар ва ижтимоий кафолатларга асосланган, ходимнинг манфаатларини корхона манфаатларига яқинлаштириб, юқори меҳнат унумдорлигига, энг яхши иқтисодий натижаларга эришишни таъминлайдиган ходимларни бошқариш тизимини яратиш, ходим шахсига ва янги рағбатларни излашга бўлган эътибор кучаяди.

Кадрлар сиёсати концепциясининг асосий холатлари қуйидагилар: кадрлар сиёсатининг корхона стратегия билан алоқадорлиги; узоқ муддатли режалаштиришга асосий эътиборни қаратиш; ходимлар роли ва аҳамиятини ошириш.

Маълумки, кадрлар сиёсати корхонадаги бутун бошқарув ва ишлаб чиқариш сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, унда ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасидаги тегишли келишувлар, шунингдек касаба уюшмаларининг ёки ходимлар бошқа вакиллик органларининг муҳим роли ҳисобга олинади.

Ходимлар нуқтаи назаридан қараганда, кадрлар сиёсати ишдан қониқиш ҳосил қилувчи қулай меҳнат шароитларини яратиб, хизмат поғоналарида кўтарилиш имкониятини таъминлабгина қолмасдан, айни пайтда эртанги кунга зарур даражадаги ишончни ҳам бериши керак.

Кадрлар сиёсатини кўриш босқичлари: корхона мақсадлари ва қадриятларига мувофик, ходимлар билан ишлашнинг умумий тамойиллари ва мақсадларини белгилаш; процедуралар ва тадбирлар тизими - кадрларга оид технологияларни ишлаб чиқиш; ходимларни мониторинг қилиш: яъни ходимларнинг билимлари, маҳорати ва кўникмаларини ривожлантиришга ҳамда улардан фойдаланишга доир аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бу тадбирлар самарадорлигини баҳолаш.

Кадрлар сиёсати корхонанинг муфассал маҳаллий ҳужжатлари ва йуриқномаларида қайд этилади. Уларда турли тоифаларга мансуб ходимларни бошқарувчи раҳбарлари олиб борадиган ишларнинг барча жиҳатлари регламентланади. Асосий эътибор қаратилиши керак бўлган тегишли қадриятлар улар ёрдамида бошқарув аппаратининг барча ходимларига етказилади. Ишга ёллаш вақтида, ходимларни саралаш, ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, меҳнат шароитларини танлаш масалаларида, меҳнат муносабатларини тартибга солиш усулларида илгари суриладиган талабларда корхонанинг иқтисодий аҳволи ва хўжалик стратегияси акс этади. Шак-шубхасиз, ўрта ва йирик корхоналарнинг аксариятида кўплаб расмий қонун-қоидалар, тамойиллар, тартиботлар билан бирга, субъектив ва объектив сабаблар туфайли юзага келган ҳамда ушбу корхонанинг ҳолатини белгилаб берувчи анъаналар ва меъёрлар ҳам бор. Корхона кадрлар сиёсатининг ўзига хос ҳусусиятлари эса, муайян даражада юқоридагиларга боғлиқ бўлади.

Бугунги кундаги кадрлар сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш, бажарилаётган вазифаларнинг мураккаблиги ва хилма-хиллиги кадрлар хизмати ишини янада такомилалаштириш, уларнинг фаолиятида илғор усуллар ва технологиялардан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар кўп жиҳатдан узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришни тақазо этади. Янгича фикрлайдиган, бозор шароитида муваффақиятли хўжалик юрита оладиган малакали, чуқур билимли мутахассисларни, айниқса, ахборот технологияларидан кенг фойдалана оладиган кадрларни тайёрлаш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши илмий ходимлар ва юқори малакали ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзгаришига олиб келди. Ахборот технологияларининг ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кириб бориши ахборотлашган жамиятни шакллантиришга замин яратиб беради. Шу билан боғлиқ равишда, бозор иқтисодиёти шароитида юқори малакали ходимларни танлаш, тақсимланиши ва тайёрлашга янгича ёндашиш зарурияти пайдо бўлди. Республикамизда юқори малакали ходимларнинг мақбул таркибини шакллантиришнинг мос кўринишлари ва механизмларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури”да янги ахборот технологияларини юқори малакали ходимларга бўлган талабнинг ахборот таъминотида муҳим вазифа сифатида қўллаш лозим. Ўзбекистонда ушбу Қонун ва Дастурни шакллантириш ва ривожлантириш борасида муҳим ишлар олиб борилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш сўзсиз янги ахборот технологияларига асослантирилмоқда. Кадрларни замон талабларига жавоб берадиган даражада тайёрлашда ва малакаларини оширишда бир қанча ўқув марказлари ташкил қилинган. Ўқув марказларида асосан кадрларнинг ахборот коммуникация технологиялари бўйича билимларини оширишга катта эътибор берилган. Чунки, ҳозирги кунда давлатимизнинг кўпгина корхона ва ташкилот офислари тўлиқ автоматлаштирилган. Бу эса ходимларнинг компьютер технологияларидан самарали фойдаланишни талаб қилади ва бунда ўқув марказларида кадрларга

асосан “Электрон таълим”, “Электрон ҳукумат”, “Электрон бошқарув”, “Масофавий таълим”, “Очиқ таълим”, “Ахборотлашган иқтисод” каби тушунчалар сингдириб борилади.

Доц. Н.А. Иминова,
Ж.М. Джалалов, ТАТУ

Алоқа соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва захирасини ташкил этиш

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси – ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувида, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, иймони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир».40

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ ходимларни бошқариш соҳасида бир қатор янги талаблар юзага келди. Бу талабларни муваффақиятли амалга ошириш корхона ва ташкилотлар фаолиятини тўғри йўлга қўйилишини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда корхона ва ташкилотларда ходимларни бошқариш концепция асосини ходим шахсий ролининг ортиб бораётганлиги, унинг асосий йўл-йўриқларини билиши, уларни шакллантира олиши, корхона ва ташкилот олдида турган вазифаларга мувофиқ равишда йўналтира билиши ташкил этади.

“Ўзбектелеком” АКнинг асосий мақсади бутун Ўзбекистон худуди бўйлаб куннинг исталган вақтида аҳоли ва давлат тизимлари, идораларини энг замонавий ҳамда сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш ҳисобланади. Барча истеъмолчиларга бутун республика худудларида шаҳарлараро, халқаро алоқа хизматларини тақдим этиш компания иқтисодий фаолиятининг асоси бўлиб, шу билан бирга, анъанавий овозли алоқа ва интернет тармоғига уланиш хизматлари билан бир вақтда, компания симли ва симсиз технологиялар бўйича маълумотлар узатишнинг замонавий хизматларини тақдим этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мутахассис ва кадрларни малакасини ошириш, ўқитиш ва қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжни ортиб бораётганлиги сабабли, меҳнат ресурслари малакасини оширишга бўлган эътибор кучаймоқда. Шу сабабли кадрлар малакасини ошириш мақсадида “Ўзбектелеком” АК Кузатув Кенгашининг 2003 йил 4 мартдаги қарори билан “Ўзбектелеком”АКнинг “Инженер техник маркази” ташкил қилинди. Ушбу марказ “Ўзбектелеком” АК Кузатув Кенгашининг 2010 йил 2 августдаги 110-сон баёни қарорига, 2011 йил 11 мартдаги 288 – сон буйруғига мувофиқ “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази” филиалига ўзгартирилди. “Ўзбектелеком”АК “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази” филиалининг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат: телекоммуникация ва

[40] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатнинг модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005, 13-бет.

ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш; “Ўзбектелеком” АК таркибига кирувчи қўшма корхона ва филиалларда метрологик таъминот ва стандартлаштириш ишларини мониторинг қилиш, режалаштириш ва мувофиқлаштириш; ўлчов воситаларини қиёслаш, таъмирлаш ҳамда уларни метрологик аттестациядан ўтказиш ва метрологик таъминот ҳужжатларини ишлаб чиқиш; “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоғида ўрнатилган янги технологияларни техник қўллаб-қувватлаш ва синовдан ўтказиш, таъмирлаш ва уларнинг иш сифати мониторингини олиб бориш; компания корхоналарида телекоммуникация хизматларини ривожлантириш, янги технологияларни жорий қилиш ишларини ва лойиҳаларини мувофиқлаштириш; компания тармоғини режалаштириш ва лойиҳаларни тайёрлаш; “Ўзбектелеком” АКда инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва амалга ошириш; “Ўзбектелеком” АК тизимида ишлаб чиқарилган инновацион лойиҳаларни белгиланган тартибда тест синовларидан ўтказиш ва иш фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш; “Инновацион ғоялар ва технологиялар”, Республика ярмаркаларида “Ўзбектелеком” АК томонидан қатнашадиган инновацион ғояларни тайёрлаш ва умумийлаштириш; компания тармоғини сифат кўрсаткичларини назорат қилиш; компания ҳамда филиаллар тузилмаларини, ишлаб чиқиш ресурсларини ва жараёнларини оптималлаштириш ва ривожлантириш; компаниянинг асосий мақсадига эришиш учун йўналтирилган корпоратив бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш; компания корхоналаридаги ресурсларни тежаш бўйича ташкилий ва технологик фаолиятни юритиш; компанияда электрон ҳужжат алмашув жараёнини назорат қилиш ва уни ривожлантириш; қонунга зид бўлмаган бошқа хизматлар кўрсатишдан иборат.

“Ўзбектелеком” АК кадрлар сиёсатини ходимнинг ишчанлик қобилиятини инобатга олган ҳолда, хизмат лавозимларига тайинлаш, менежер ва мутахассисларни доимий равишда малакасини ошириб бориш, кадрларни янгилаш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш, ҳамда демократик замонавий танлов тамойилларига асосан юритади. 2014 йил холатига кўра “Ўзбектелеком” АК ходимлар сони 14907 кишини ташкил этади, улардан 3685 нафари олий маълумотли, 6822 нафари ўрта махсус маълумотли ва 4400 нафари ўрта маълумотлидир.[41]

“Ўзбектелеком” АКда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларига катта эътибор қаратган ҳолда махаллий ва хорижий ўқув муассасалари билан хамкорлик ўрнатиб келмоқда, яъни 2014 йилда ходимлардан 5 нафари Вазирлар Маҳкамасининг Олий бизнес мактабида тахсил олган, компаниянинг 1172 нафар ходими “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази” филиалида, 15 нафар ходим Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Бошқарув институтида ўз малакаларини оширган. Шунингдек малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида “Ўзбектелеком” АК Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг минтақавий филиаллари билан таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини янада такомиллаштириш мақсадида қатор тадбирлар амалга ошириб келишмоқда.

Ахборот коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши айниқса алоқа соҳаси корхоналари олдига бир қатор принципиал вазифаларни қўймоқда, уларнинг ичида энг муҳим йўналишлардан бири кадрлар салохиятидан

[41] www.uztelekom.uz

самарали фойдаланишдир. Самарали фаолият олиб бориш учун кадрлар таъминоти жараёнига таъсир кўрсатиш, яъни фаол кадрлар сиёсатини юритиш зарур. Бу, биринчидан, корхонани малакали ишчи кучи билан таъминлашга замин яратса, иккинчидан, корхона доирасида ходимларни янада ривожлантириш ва кадрларни рағбатлантириш ҳамда корхонада кадрлар қўнимсизлиги олди олиниши мумкин бўлади.

Шунингдек, алоқа соҳасида кадрлар заҳирасини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратади, яъни лавозимларга заҳира билан ишлашни ташкил этиш – кадрлар бўлими томонидан соҳа корхоналари меҳнат ресурслари хизматлари жалб этилган ҳолда амалга оширилади. Лавозимларга кадрлар заҳираси - кадрнинг меҳнат фаолияти давомида ишбилармонлик фазилатларига ва бошқарувчанлик тажрибасига эга эканлиги, ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришганлиги ҳамда лавозим талабларига жавоб берувчи юқори малакали мутахассислар гуруҳидан иборат.

Заҳирага номзодларни янада объектив баҳолаш, салоҳиятини аниқлаш учун номзодларни танлаш ва баҳолашга ихтисослашган психологик тест синовларининг турли хил услубларидан фойдаланиш учун мутахассислар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Захира таркибини шакллантиришда номзодларнинг ҳаққоний маълумотлари уларнинг меҳнат фаолиятларини ўрганиш таҳлили, охирги аттестация натижалари, шунингдек, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш натижалари ҳисобга олинади. Захирадаги кадрларни шаклантиришда улардан чет тилини билиши, соҳадаги мавжуд муаммоларни билиши, бўлажак лавозимда мажбуриятларни бажаришни синаб кўриш, билимини баҳолаш ва бошқа шу кабиларга эътибор қаратилади.

Пс.ф.н., доц. С. Жўраева,
пс.ф.н., доц. О. Авлоев, ТошДАУ

Таълим жараёнида ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш техникаларининг моҳияти

Гуруҳли таълим шакллари – талабалар фаолиятини ташкил этишни шундай йўлики, бунда аниқ топшириқни ҳамкорий ечиш учун ўқув гуруҳини вақтинчалик кичик гуруҳларга бўлишни талаб этади. Талабаларга берилган топшириқ мазмунини муҳокама қилиш ва уни бажариш йўли ҳамда усулини белгилаб олиш, шу билан бирга илгари сурилган таклифларни ҳамкорий баҳолаш, уларни амалга ошириш, бажарилган ишни ҳамкорликда таҳлил қилишни амалга ошириш, уни ифодалаш, сўнгра биргаликда топилган натижани тақдим этиш таклиф қилинади. Гуруҳли ўқитиш энг аввало, *“ўқитувчи-талабалар” диалогидан воз кечишни ва уч ёқламалик “ўқитувчи-гуруҳ-талабалар” ўзаро муносабатига ўтишни назарда тутади.* Ўқув гуруҳи ҳаракатланувчи кичик гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўқув материалини ўзлаштирадилар. Талабаларнинг ҳамкорий ҳаракатлари ташкиллаштирилади, бу ўқув-билиш жараёнини фаоллаштиришга, уларда мулоқот қилишни шакллантиришга имкон беради: Гуруҳларда ишлаб, талабалар зарур бўлганда қўллаш йўлларини сўрайдилар ва бошқаларга ёрдам беришни ўрганадилар. Бир-бирларига савол берадилар, бунинг учун улар

саволни аниқ ифодалашлари керак, жавоблар асосланиши лозим, бунинг учун эса, улар бир-бирларини диққат билан эшитишлари муҳимдир.

Ҳар бир талабанинг имкониятларини амалга ошириш ва ривожлантириш таъминланади: қобилиятлилар ўз қобилиятларини кўрсатишлари мумкин; Ўрта қобилиятлилар ўз билим ва кўникмаларни кўрсатишлари мумкин; кичик гуруҳларда иш уларни стресс вазиятига тушишдан сақлайди, яъни: нотўғри жавоб бериш ҳолатида барча олдида камситилган бўлиш қўрқуви. Гуруҳларда иш “Мен ва Улар”ни “Биз” муносабатини, ўзини гуруҳнинг бир бўлаги бўлишини ҳис қилишга имкон беради. Ҳамкорликда ўқитиш ғояси турли мамлакатлардаги, жумладан, Америкадаги Ж. Хонкинс университети профессори- Р.Славин (1990), Миннесот университети профессорлари – Р. Жонсон, Д. Жонсон (1987), Калифорния университети профессори – Ж. Аронсон (1978), Исроилдаги Тель-Авив университети профессори – Ш.Шаран (1988) томонидан ишлаб чиқилган. Америка олимлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамкорликда ўқитиш, асосан талабаларни ДТС ва фан дастурида қайд этилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, Исроил ва Европа олимлари томонидан тавсия этилган ҳамкорликда ўқитиш, юқорида қайд этилганидек, кўпроқ талабалар томонидан ўқув материалини қайта ишлаш, лойиҳалаш фаолиятини ривожлантириш, ўқув баҳси ва мунозаралар ўтказишни назарда тутади. Мазкур ғоялар бир-бирини тўлдиради, дидактик жиҳатдан бойитади ва бир-бирини тақозо этади.

Ҳамкорликда ўқитиш ғояси дидактикада 1970 йилларда пайдо бўлган. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси Буюк Британия, Канада, Германия Федератив Республикаси, Австралия, Нидерландия, Япония, Исроил мамлакатлари таълим муассасаларида кенг қўлланила бошланган.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – ўқув топшириқларини нафақат биргаликда бажариш, балки ҳамкорликда ўқиш-ўрганишдир. Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир талабанинг таълим олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини тўлиқ ва сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштиришга замин тайёрлайди. Ҳамкорликда ўқитиш технологиясида талабаларни ҳамкорликда ўқитишни ташкил этишнинг бир неча методлари мавжуд: 1) Командада ўқитиш. 2) Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш. 3) Ҳамкорликда ўқитишни «зигзаг ёки арра» методи. 4) Ҳамкорликда ўқитишнинг «биргаликда ўқиймиз» методи. 5) Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи.

1. Командада ўқитиш. Бунда талабалар тенг сонли иккита командага ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Команда аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир талаба мавзудан

кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эътиборни қаратади. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси муваффақиятларидан бири бўлган Р. Славиннинг таъкидлашича, талабаларга топшириқларни ҳамкорликда бажариш учун кўрсатма берилиши етарли эмас. Талабалар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик, ҳар бир талабанинг қўлга киритган муваффақиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қулай ижтимоий-психологик муҳит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда талабаларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир талабанинг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади.

2. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш (Р. Славин, 1986). Бу ёндашувда кичик гуруҳлар 4 та талабадан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзуни тушунтиради, сўнгра талабаларнинг мустақил ишлари ташкил этилади. Талабаларга берилган ўқув топшириқлари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир талаба топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир талаба ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сўнгра гуруҳ аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хулоса чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳ ахборотини тинглайди ва тест саволлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди. Талабаларнинг кичик гуруҳлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил этилиши мумкин.

3. Ҳамкорликда ўқитишни "зигзаг ёки арра" методи ёрдамида ташкил этиш (Э. Аронсон, 1978). "Арра" методида кичик гуруҳлар 6-8 та талабадан ташкил топади. Машғулот давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисм (блок ёки модул) ларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан талабалар бажариши лозим бўлган ўқув топшириқлари тузилади. Талабалар гуруҳи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича "мутахассис"га айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) "мутахассиси" бўлиши шарт, мазкур мутахассислар ўзлари эгаллаган билимларни худди "арра" тишлари кетма-кет келганидек навбат билан бошқаларга баён қилади. Мазкур гуруҳларда ўқув материали мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади. 1986 йили Р.Славин "арра-2" методини яратган. Мазкур методга кўра кичик гуруҳ 4-5 талабадан ташкил топади. Барча гуруҳ аъзолари маъруза материали юзасидан тузилган ягона топшириқ устида ишлайди. Гуруҳ ичида талабалар топшириқларни қисмларга ажратиб, бўлиб оладилар. Ҳар бир талаба ўзига тегишли қисмини пухта ўзлаштириб "мутахассис"га айланади. Машғулот охирида ҳар бир кичик гуруҳдаги "мутахассис"лар учрашуви қайта ташкил этилган гуруҳларда ўтказилади. Талабалар билими тест саволлари ёрдамида индивидуал тарзда ўтказилиб назорат қилинади ва ўзлаштириш даражаси баҳоланади ҳамда гуруҳ аъзоларининг тўплаган баллари жамланади, энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб саналади.

4. Ҳамкорликда ўқитишнинг "Биргаликда ўқиймиз" методи. Ушбу метод 1987 йили Миннесот университети профессорлари Д. Жонсон, Р. Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган. Гуруҳ талабалари 3-5 кишидан

иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ машғулотда бажариши лозим бўлган топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Гуруҳлар топшириқни тўлиқ бажариши натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур методнинг асосий принциплари – командани тақдирлаш, талабаларга индивидуал ёндашиш, муваффақиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтириш.

5. Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи. 1976 йили Тель-Авив университети профессори Ш. Шаран томонидан ишлаб чиқилган. Бу методда кўпроқ талабаларнинг мустақил ва ижодий ишига эътибор қаратилади. Талабалар алоҳида-алоҳида ёки 6 кишилик кичик гуруҳларда ижодий изланиш олиб борадилар. Ижодий изланиш кичик гуруҳларда ташкил этилганда машғулотда ўрганиш лозим бўлган ўқув материали кичик қисмларга ажратилади. Кейин бу қисмлар юзасидан топшириқлар ҳар бир талабага тақсимланади. Шундай қилиб, ҳар бир талаба умумий топшириқнинг бажарилишига ўз ҳиссасини қўшади. Кичик гуруҳларда топшириқ юзасидан мунозара ўтказилади.

Юқорида қайд этилган барча методларнинг ўзига хос хусусияти, мақсад вазифаларининг умумийлиги, талабаларнинг таҳсил олиш ва мулоқотдаги шахсий масъулиятини тақозо этиши, шунингдек, муваффақият қозонишга бир хил имкониятларнинг миавжудлигидир. Ҳамкорликда ўқитиш негизида мусобақа эмас, балки ҳамкорликда ақлий меҳнат қилиб, таълим олиш жараёни ётади.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика илмий-амалий анжумани маъруза мақолалар тўплами

Муҳаррирлар:
Мирбабаева С.А., Мирҳидоятова Д.М.,
Ваҳобова М.М.,
Мусаҳҳиҳ
Бобоева Н.С., *Султонова Д.Х.*

Босишга рухсат этилди 25.12.2015. Қоғоз бичими 60х80 1/16.
Шартли босма табоғи 32,0. Адади 100 нусха.
____-сонли буюртма.

100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети босмахонасида босилди.